

Р. Ё. РАЖАБОВА, Р. Ҳ. КАРИМОВ,
К. О. ОҚИЛОВ А. Ю. ИБРАГИМОВА,
И. А. АЛИМОВ, Ф. Б. ИСҲОҚОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

(1917—1993 йиллар)

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
умумтаълим мактабларининг 9- синфи учун
дарслик сифатида тавсия этган*

Илмий муҳаррир — Ўзбекистон
Фанлар Академиясининг
академиги А. АСКАРОВ

ТОШКЕНТ "ЎҚИТУВЧИ" 1994

Дарслик Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб ~~сери~~ йиллар) даврига бағишланган бўлиб, муаллифлар бу ди моҳиятига тушуниб етиш, унга янгича ёндошиш, яқи ҳақиқий манзарасини яратиш, ундаги барча заддиятлағ салбий ҳолатларни ёритиб беришни мақсад қилиб қўн. . . .

Тарихчиларимиз бу борадаги изланишларни давом э аниқлик ва тиниқлик киритиладиган ўринлар бўлиши мумя келиб чиқиб, барча фикр ва мулоҳазаларингизни бизлар расизлар деган умиддамиз, биз уларни келгуси нашрларди батта оламиз.

Манзилимиз:

700129, Тошкент ш.

700027

Навоий кўчаси, 30

Ўзбекист

"Ў қитувчи" нашриёти

Республика

Муаллифлар: Р. Ё. Ражабова (кириш, I бўлим, I боб) (I бўлим, II боб); К. О. Оқилов (II бўлим, I боб, 1, 2, 4, 5, 6, 7-§); А. Ю. Иброҳимова (II бўлим, I боб 1 боб); И.А. Алимов (II бўлим, IV боб); Ф. Б. Исҳоқов (III бўлим).

Дарсликнинг айрим бобларини ёзишда Р.А. Н Прилуцкий, Р.А. Носировларнинг материалларидан Дарсликни методик жиҳатдан ишлаб чиқишда А.К. Урв цовлар қатнашдилар.

4306020660 — 157

Р ————— инф.п.—94 © "Ў қитувчи" нақ
353 (04)—94.

ISBN 5—645—02539—3

Ушбу дарслик Ўзбекистон халқлари тарихининг энг му-
сахаб ва бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даврни
1917 йил февралдан ҳозирги замонгача бўлган даврни,
яъни Россиянинг чеккадаги собиқ мустамлака ўлкаларида
капитализмни четлаб ўтиб, социалистик жамият тузишга
ёсар муваффақиятсиз тажрибага алоқадор ва Ўзбекистон
Республикасининг мустақилликка эришуви, ўзининг
инқилбий ва истиқлол йўлига ўтишидаги бошланғич
даврни ўз ичига олади.

Шу даврнинг арафаси - XX асрнинг бошлари -
Ўзбекистон ўлкаси тарихидаги энг ўткир бурилиш пайт-
идаги бирига тўғри келди. Олдинги неча ўн йилликлар
бу ўлка бағрида етилиб келган жараёнлар
юрт юзасига қалқиб чиқиб, уни таг-туғидан ўз
қаи таназзулнинг нечоғлик чуқурлигини очиб
ташлади. Ички ва ташқи омиллар туфайли бошланган бу
жараёнлар ўз табиатига кўра бир маъноли эмас эди.

Россия подшо ҳукумати томонидан мустамлакаларга
ҳукмронлик қилиш юзасидан ўрнатилган тизим ўлка
халқлари ҳаётининг ўзига хос хўжалик ва психологик
тарзини кўпориб борди ва шу билан бирга бу халқларни
қаллий асосда замонавий дунё аҳлига айланиш имконидан
маҳрум этди. Бу нарса жамият ҳаётида ортиқча можаролар
уй берди. Ай беқарорлик юзага келишига, кучларнинг
мухолиф туриб қолишига олиб келди.

Мустамлака тартиботининг ўлка туб халқлари
турриятига, анъанавий турмуш тарзига таҳдид солаётгани
тебора кўпроқ равшан бўлиб борди. Чиндан ҳам,
Туркистон туб аҳолисининг барча ижтимоий табақалари
ва гуруҳларига хос бўлган мустамлакачиликка қарши
кайфиятлар туркистонликларнинг тарихий мушта-
қликдан, ислом динидан, ижтимоий муносабатларнинг
анъанавий тамойиллари ва одатларидан, маънавий-ахлоқий
қонун-қоидалардан келиб чиқиб, умумтуркистон миқёсида
жипслашувига бўлган интилишида ўз ифодасини топди.

Лекин Туркистон жамиятидаги бу ҳаракат моҳътибори билан олганда, бирдек эмас эди. Бирлаш йўлида ушбу жараёнда адо этиладиган ишлар, бир томдан, тарихан мусулмон руҳонийлари зиммасига туш. Каттаю кичик барча уламолар ислом дини, анъана алоқалар ва ислом қадриятларига асосланган миллий турмуш тарзини сақлаб қолишга ўзларининг ихтиёрлари бўлган, таълим-тарбия бериб, маърифат ва бил тарқатувчи кенг тармоқланган барча тузилмалар масжидлар, мактаблар, мадрасалар, қози ва бийлар иш ралари, оила, маҳаллалар орқали ҳаракат қилдилар.

Иккинчи томондан, ажралиб, яккаланиб қоли хавфини англаб етиш, бу хилдаги "сақлаб қолиш" сиёсати уни бошқараётган шахсларнинг ниятларидан қатъи назар аниқ-тайин ана шундай яккаланиб қолишга олиб бор эди. Жамиятни ислоҳ қилиш ғояси мустаҳкамланиб, змонавий воқелик билан ўзаро боғлиқ ҳолда бошқа маданиятларнинг илм, техника ва маданиятдаги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ривожланиб боришга йўл очди. Туркистондаги илм-маърифатли кучлар исломнинг инқилов парварлик қадриятларини сақлаб қолиш, ҳаётнинг асосий томонларидан бири бўлмиш ислом мавқеини мустаҳкамлаш йўлида туриб, ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш зарур деган фикрни билдирдилар.

Кўп миллатли зиёлиларнинг вакиллари ана шу хатти ҳаракатларни ифодаловчилар бўлиб майдонга чиқдилар, уларнинг кўпчилиги қайта-қайта араб дунёси мамлакатларида, Туркия, Германия ва Россияда бўлиб, ўша ерларда змонавий билимларни олган, XIX аср ўрталарида ислом мамлакатларида авж олиб кетган реформаторлик ҳаракатининг етакчилари билан шахсан алоқа боғлага кишилар эди. Туркистон ижтимоий ҳаётида шу тариқа жаҳидчилик деб аталган маданий-маърифий ҳаракат вужудга келдики, кейинчалик у кенг ижтимоий ҳаракатга айланиб кетди. Жаҳидчилик турли ижтимоий табақалардан: мусулмон руҳонийлари, савдогарлар, диний мактаблар муаллимлари ва талабалари, майда амалдорлар тараққийпарвар ноширлар, ёзувчилар, журналистлар ва бошқалар орасидан чиққан кишиларни ўз сафларида бирлаштирди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фиграт, Абдулла Қодирий, Тавалло, Убайдулла Хўжаев, Мунаввар Қори ва бошқа кўпгина кишилар унинг энг атоқли вакиллари бўлди. Ўзларини тараққиётпарварлар деб атаган

бу жадидлар (тараққийпарвар ватанпарварлар) қадимийлар (эски анъаналар тарафдорлари) қаршилигини, подшо ҳукумати тартиботларини енгиб, табиий фанларнинг асослари ҳам ўқитиладиган янги услуб мактабларини очдилар, газета ва журналлар нашр этдилар, босма маҳсулотларни тарқатиб бордилар. Ўзларининг маърифатпарварлик фаолияти билан улар халқда тараққиётга, билимларга, жаҳон ҳамжамияти ҳаётида иштирок этишга интилиш уйғотдилар.

Мустамлакачиликка қаршилик кўрсатиш, ўзининг миллий асосида ривожланиб бориш йўлларини қидириш ижтимоий курашнинг етакчи кўринишлари бўлиб қолган ана шундай шароитда, ижтимоий ҳаёт ҳаддан ташқари кескин ва беқарор бўлиб турган вазиятда Туркистоннинг туб халқлари Россия империясини ўз гирдобига олган 1917 йил инқилобий ҳодисаларига тортилиб кетди.

Метрополиядаги Февраль инқилоби ва айниқса Октябрь тўнтариши ўлка халқларининг табиий-тарихий ривожланиш жараёнини кескин ўзгартириб, ўлкада бошланиб келаётган жамиятни янгилаш жараёнларини барбод қилди.

Туркистон жадидлари, тараққийпарвар, ватанпарвар бошқа инқилобий кучлар мустамлакачиликка қарши, ўз халқининг мустақил ривожланиб бориши учун мардонавор курашдилар. "Туркистон мухторияти" (яъни "Қўқон автономияси") нинг тузилиши ва тор-мор этилиши, "Истиқлолчилар ҳаракати" (совет даврида босмачилик ҳаракати деб ном олган ҳаракат) нинг кўпийиллик қуроли қаршилиги халқнинг ҳуррият ва мустақилликка бўлган интилишидан далолат бериб, унинг тарихига дард-аламли ва мардлик саҳифалари бўлиб кирди.

Большевиклар миллатлар ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқига эгадир деб ўзлари эълон қилган шiorга хилоф равишда Туркистон халқларига ўз тақдирларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини бермадилар ва кўп миллатли собиқ Россия империясининг барча халқлари сингари бу халқларга ҳам жамиятни социалистик қайта тузиш моделини тиқиштирдилар. Бироқ инсониятнинг одил жамият тўғрисидаги асрий орзу-умидлари сифатидаги социализм идеаллари уларни юзага чиқариш йўлидаги большевиклар амалиёти билан тўқнашувга бардош бера олмади.

Лекин тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими халқ тарихи тараққиётининг олдинга томон ривожини тўхтата

олмади. Халқнинг ўз оиласи, ўз ери, ўз тарихи ва маданияти, исломга чуқур эътиқод билан муқаддаслаштирилган ўз турмуш тарзи, меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик сингари азалий фазилатлари оғир муҳтожлик йилларида ҳам ўз анъаналарини сақлаб қолиш ва бойитиб боришга имкон берди. Очиқ кўнгиллик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик Ўзбекистонда яшаб турган бошқа халқларнинг ўзбек халқига ҳурмат-этиборини уйғотди, уларнинг дўстлик алоқаларини мустаҳкамлади, қадимий тупроқни ўзгартириш йўлида ғайратига ғайрат қўшди. Халқ хўжалигини ривожлантириш режалари, уни социалистик қайта қуришга доир кенг миқёсли дастурлар – индустрлаштириш ва коллективлаштириш Ўзбекистондаги барча халқларнинг биргаликдаги меҳнати билан рўёбга чиқарилди.

Қадимий Ўзбекистон тупроғи талайгина кишилар авлодларининг меҳнати билан ўзгартирилган. Республика харитасида янгидан-янги индустриал марказлар, завод ва фабрикалар, замонавий янги ишлаб чиқариш соҳалари пайдо бўлди, неча миллионлаб гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, унумдор майдонларга айлантирилди; минтақадаги инфраструктура тубдан ўзгариб кетди. Республиканинг шу йиллар давомида бунёд этилган пахта-ишлаб чиқариш комплекси, технология ва кадрлар соҳасидаги қуввати уни маданийлашган замонавий даражага яқинлаштириб қўйди.

Лекин бу қувватнинг ижтимоий самараси ниҳоят даражада кам эди. Меҳнатсевар халқнинг турмуш даражаси жуда ҳам паст бўлиб қолаверди. Марказ томонидан амалга ошириб борилган унитар сиёсат минтақадаги ижтимоий манфаатларга тескари бўлиб борди: халқ хўжалигининг Марказ эҳтиёжларига хизмат қилишга даъват этилган бир томонлама йўналишда бўлиши, иқтисодиёт структурасининг фақат хом ашё олишга қаратилгани, технология ва ресурслар жиҳатидан бошқа республикаларга қарамлик республиканинг табиий бойликлари ва экологик муҳитига ғоят катта зарар етказди, аҳолининг турмуш таъминотига таъсир ўтказди.

Эълон қилинган мақсадлар билан қўлга киритилган натижалар ўртасида тобора чуқурлашиб бораётган тафовут большевиклар тажрибасининг муваффақиятсиз чиққанидан дарак берар эди. Коммунистлар томонидан яратилган тизим емирилиб кетди. "Қизил империя" ҳам барбод бўлди.

Унинг парчалари устида суверен, мустақил миллий давлатлар пайдо бўлди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Ўзбек халқи кўпгина авлодининг орзу-истаги рўёбга чиқди – Ўзбекистон суверен, мустақил давлат бўлди. Эндиликда бизнинг давлатимиз халқнинг хоҳиш-иродасини, манфаатларини ифода этиб, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини мустақил равишда белгилайди, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириб боради. 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши янги мустақил давлатнинг инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат суверенитети тамойилларига тарафдорлигини; ҳозирги ва келгуси авлодлар олдида юксак даражада жавобгарлигини; ўзбек давлат тузуми тараққиётининг тарихий тажрибасига таянишини; демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлигини; халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан қабул қилинган қонун-қоидалари устуворлигини тан олишини; республика фуқароларига муносиб турмушни таъминлаб бериш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тотувлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлашга интилишини тантанавор суратда маълум қилди.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланди. Халқ демократия, шахс ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаш асосларидаги истакларга, жаҳон маданиятига қўшилиш, ўз ҳаётини ўз анъаналари, турмуш тарзи, дунёқарашига мос равишда миллий негизда қуриш, ўз юрти барча бойликларининг чинакам эгаси бўлиш ниятига тўлиб-тошган. У келажакка ишонч билан боқади, зеро, бутун халқ томонидан сайлаб қўйилган республикаимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов айтганидек, "Ер, унинг конлари, бошқа табиий ресурслар, кўпгина авлодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва ақлий қувват миллий бойлик бўлиб, одамларнинг фаровонлиги учун кафолат беради, жамиятнинг тараққий этиб бориши, қудратли бўлиши, гуллаб-яшнаши учун асос бўлиб хизмат қилади".

Ҳозирги авлод ўтган авлодларнинг ақл бовар қилмайдиган даражадаги оғир меҳнати самараларини миннатдорчилик билан қабул қилади. Уларнинг ҳаётига, улар

бажариб кетган ишларга лоқайдларча муносабатда бўлиш ҳозирги авлодга ёт бир нарса. Ўз Ватанзимизнинг ўтган қарийб 75 йиллик тарихига ҳам биз ҳурмат билан қараб, қўлга киритилган муваффақиятлардан шод бўламиз ва ўринсиз чиққан тажриба йўлида жони фидо бўлган сон-саноқсиз қурбонлар олдида бош эгиб, таъзим қиламиз. Бу йиллар халқ ҳаётидан ўчириб ташланиши мумкин эмас. Президент И. Каримовнинг: "Бу йиллар тарихи – бу бизнинг тарихимиз, халқ тарихидир. Тарихдан эса воз кечиб бўлмайди" деган, моҳият эътибори билан муҳим бўлган сўзлари халқ маънавий-ахлоқий негизларининг теранлиги ва мустақкамлигидан, унинг ниятлари инсонпарварлик эканлигидан дарак беради.

Бу дарсликнинг муаллифлари шу йилларни тушуниб, англаб олишга, уларни ўз маъносига эга бўлган воқелик деб таҳлил қилишга, бу йўлда халқнинг қўлга киритган муваффақиятлари ва кўрган талафотларини баҳолашга, рўй берган ҳалокатнинг сабаблари ва оқибатини тушунишга уриниб кўрдилар. Шу билан бирга, муаллифлар тарихий ҳақиқат хусусидаги билимларнинг ҳозирги аҳволи чекланганлигини аниқ билишади, тарихий воқеалар, сиёсатчиларнинг тарихдаги хатти-ҳаракатлари натижалари тўғрисида дарсликда берилган баҳоларнинг ҳаммаси ҳам вақт синовида бардош бера олмаслигини тушунншади. Халқнинг ҳаётидаги мана шу мураккаб ва бир сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган даврни ўрганиш ва маъносини англаб олиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Бу йилларнинг ҳақиқий тарихини кўз ўнгида гавдалантириб бериш учун ҳали катта ва сермашаққат иш олиб борнш керак.

I БЎЛИМ. ТУРКИСТОН, ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКАЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ (1917 йил, февраль – 1924 йил)

1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ СОВЕТ ҲОКИ- МИЯТИ АРАФАСИ ВА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛ- ЛАРИДА

(1917 йил, февраль – 1920 йил)

1-§. Туркистон халқларининг миллий жипслашуви

Февраль инқилобининг демократик кучи. Россия империяси пойтахтида 1917 йил 28 февраль куни демократик инқилоб ғалаба қилди. 2 март куни Муваққат ҳукумат тузилди. Шу билан бир вақтда Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари иш бошлади. Қўшқоқимият, яъни икки диктатура: Муваққат ҳукумат бошчилигидаги буржуа демократик диктатураси билан Советлар бошчилигидаги ишчилар ва деҳқонлар инқилобий-демократик диктатурасининг ўзига хос чатишмаси вужудга келди. Бу ҳодиса ғолиб Февраль демократик инқилобининг тарихий ўзига хослигини, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва сабабларини акс эттирди ва мамлакатдаги воқеаларнинг кейинги ривожига ўз таъсирини ўтказди.

~~Петроградда қуролли қўзғолоннинг ғалаба қозониши, янги ҳокимият тузилмаларининг тузилиши, дастлабки қонун актлари Россиянинг кўп асрлик монархия давлати ҳукмронлигидан воз кечиб, демократия йўлига кирганини бутун дунёга маълум қилди.~~

Мамлакат аҳолисининг жуда кўпчилик қисми, унда яшаб турган қанчадан-қанча халқлар, турли синфлар,

ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва жамоа ҳаракатлари инқилобни кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар ва унинг томонига ўтдилар. Ғалаба нашъаси, озодлик, тенглик, мустақиллик шиорлари халқлар кўнглидаги орзумидларни уйғотиб, уларнинг ўз-ўзини англаши учун кенг йўл очиб берди, ўз ҳаётларини демократик тарзда қайта қуриш, ўз давлатларини бошқаришда бевосита иштирок этиш йўлидаги ижтимоий ижодиётини кучайтирди.

Туркистоннинг сиёсий уйғониши. Петроградда бўлиб ўтган ҳодисалар таъсири остида Туркистонда янги ҳокимият тузилмаларини барпо қилиш юзасидан кучли жараён бошланиб кетди. Ҳамма шаҳар ва ишчилар мавзеларида Ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошлади. Улар инқилобий демократия орзусини юзага чиқаришга вакил этилган ва Муваққат ҳукумат маҳаллий муассасаларининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини даъво қиладиган қуролланган халқ органлари тариқасида ташкил топиб борди. Бу Советлар ҳайъатига асосан оврўполик аҳоли вакиллари кирди.

~~Шу билан бир вақтда ўзининг ижтимоий ва миллий таркибига кўра анча кўп вакилларга эга бўлган ижроия комитетлари ҳам пайдо бўлиб борди. Уларга Туркистондаги барча партиялар, Советлар, жамоат ташкилотлари, жумладан, миллий ташкилотлар ҳам ўз вакилларини делегат қилиб юбордилар. Ижроия комитетлари барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар бўлиб майдонга чиқдилар ва Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органлари ролини ўйнашга интилдилар.~~

Ўлканинг мусулмон аҳолиси ҳам фаол сиёсий кураш жабҳасига тортилди. 1917 йилнинг март-апрель ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Пайдо бўлиб келаётган миллий-демократик кучларнинг етакчиси жадидлар бўлиб қолди, улар ўзларининг аввалги бутун фаолияти билан шу вазифага тайёрланган эдилар. Жадидлар демократик инқилобга, шу инқилоб эълон қилган тамойилларга катта умидлар боғлаб, унинг ғоялари ва шиорларини амалга оширишга фаоллик билан киришдилар. Шу ойларда улар халқ онги-шуурида жипслашиш, миллий бирликни мустақкамлаш эҳтиёжини

уйғотиш бобида муҳим қадамлар қўйишга муваффақ бўдилар.

Бу ҳаракатга тошкентлик жадидлар етакчилик қилиб бордилар. Уларнинг ташаббуси билан Тошкентда 6 ва кейинчалик 9, 13 март кунларидаёқ эски шаҳар аҳолисининг кўп минг кишилик йиғилишлари ўтказилди. Бу йиғилишларда улар жиддий ихтилофларни енгиб, Тошкент жамоат ташкилотларининг ижроия комитетига бутун мусулмонлар аҳолисидан умумий делегатлар кўрсатишга муваффақ бўдилар. Шаҳарнинг ҳамма даҳаларидан кўп кишилик (60 нафаргача) орган сайланиб, бу органини "Шўрои Ислom" деб аташга қарор қилинди ("Шўро" сўзи русча "Совет" деган сўзнинг маъносини англатади). Янгидан таъсис этилган орган, шаҳарнинг овруполик аҳолисини бирлаштирувчи Ишчи ва солдат депутатлари Советларидан фарқ қилиб, ислом динига эътиқод этувчи маҳаллий аҳоли депутатлари Совети бўлиб ҳисобланди.

14 мартда бўлиб ўтган йиғилишда "Шўрои Ислom" нинг 15 кишидан иборат раёсати тузилди. Унинг ҳайъатига Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар кирди.

Раёсатнинг дастлабки мажлисларидан бирида қабул қилинган вақтинчалик низомда "Шўрои Ислom"нинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат деб эълон қилинди: Туркистон мусулмонларини бирлаштиришга доир ишни авж олдириш, Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш, сиёсий ва ижтимоий масалалар юзасидан шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларда митинглар ўтказиб туриш, ўлкадаги турли миллатларни бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштириш ва ҳоказо.

Тошкентда "Шўрои Ислom" тузилганлиги ўлкада анча овоза бўлди. Апрель ойида маҳаллий жадидлар ташаббуси билан Наманган, Самарқанд, Қўқон, Андижон ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида "Шўрои Ислom" тузилди. "Шўрои Ислom" тузилиши маҳаллий аҳолининг умумтуркистон миқёсида бирлашуви учун ҳал қилувчи замин туғдирди.

7-15 апрель кунлари Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съезди бўлиб ўтди. Бу съезднинг 263 делегати ўз таркиби жиҳатидан асосан

оврўполиклардан иборат 75 Советнинг вакили эди. Ўлка ҳокимияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинганида бир қанча делегатлар мусулмонларнинг ягона ҳокимият барпо этиш тўғрисидаги истакларини ҳисобга олишни талаб этди.

Съезд Россияда кучли марказий органга эга бўлган демократик республика тузишни ёқлаб чиқди-ю, лекин Туркистон халқлари учун муҳим бўлган масалаларга — ўлкага мухторият бериш, миллий тенгсизликни тугатиш сингари масалаларга ўз муносабатини билдирмади ва бу масалаларни ечишни Таъсис мажлисига қолдирди.

Бу масалалар Туркистон ўлкаси Ижроия комитетлари съезди (9–16 апрель)нинг диққат марказида ҳам бўлди. Ушбу съездда 74 жамоат ташкилотидан вакил бўлиб келган 171 делегатдан 99 нафари оврўполик аҳоли ва 72 нафари мусулмон аҳоли вакиллари эди.

Россияни бошқаришнинг келажакдаги шаклини муҳокама қилиш гоят қизғинлик билан ўтиб, бунда жуда кўп фикр ва нуқтаи назарлар билдирилди. Россия федератив тузуми тарафдорларининг бир қисми марказлаштирилган республикага қарши чиққан бўлса ҳам, лекин мухторият фақат маданий ва сиёсий жиҳатдан етук халқларга берилиши мумкин деб ҳисоблар эди. Шу муносабат билан, уларнинг фикрига қараганда, Туркистон халқларига "мухториятдан фойдаланиш имконияти кейинчалик берилиши керак" эмиш. Делегатларнинг бошқа бир қисми эса, мухторият миллий бўлмай, балки ҳудудий бўлиши керак деб ҳисоблар эди.

Федератив тузум муҳолифлари ҳам яқдил эмас эдилар: уларнинг баъзилари синфий нуқтаи назарда туриб, "бутун дунё ишчиларининг манфаатлари бир хил, шунга кўра федератив тузумни жорий этиб, давлатни айрим бўлақларга ажратишнинг ҳожати йўқ" деб даъво қилсалар, бошқалари, гўёки мусулмон аҳоли манфаатларини ёқлаб, аксинча, "Россияда федератив республика жорий қилинадиган бўлса, мусулмонлар фақат ютқазадилар, чунки улар мухторият асосида ўз-ўзини бошқаришга ҳали тайёрланган эмаслар" дер эдилар.

Умуман олганда, фикрлар қанчалик турли-туман бўлмасин, уларнинг ҳаммаси ҳам аслида ўлкада яшаб турган кўп миллионли туб аҳолига бўлган ишончсизликдан, бу аҳоли манфаатларини инкор этишдан иборат эди. Съез-

да сўзга чиққан миллий демократия етакчилари ҳам аччиқ алам билан худди шуни қайд этиб ўтишди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда съезд миллий мухториятдан кўра ҳудудий мухториятни кўпроқ ёқлаб чиқди.

Бу икки съездлар ишининг диққат марказида турган масалалар урушга, Муваққат ҳукуматга муносабат тўғрисидаги, Таъсис мажлисига тайёргарлик тўғрисидаги, Россия бошқарувининг келажакдаги шакллари, ўлкани бошқариш, озиқ-овқат тўғрисидаги ва бошқа масалалардан иборат бўлди.

Мана шу икки съезд ишининг бориши, турли сиёсий кучларнинг бу съездларда аниқ бўлиб қолган ниятлари Туркистон миллий демократияси вакилларидаги кўтаринки кайфиятни бир оз босиб қўйди ва юзага келадиган сиёсий вазиятнинг асл моҳиятини улар кўз ўнгиде аниқ очиб берди. "Ўлкани бошқариш хусусида жойнинг ўзида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш" мақсадларида Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 7 апрелдаги қарори билан тайинланган Туркистон Комитети аъзоларининг етиб келиши ҳам бунга сезиларли даражада таъсир ўтказди.

Туркистон Комитетининг дастлабки ҳайъатида 9 аъзосидан 4 нафари: Букейхонов, М. Танишбоев, С. Н. Мақсудов ва А. А. Давлетшинлар турк миллатлари вакиллари эди. Бироқ, уларнинг деярли ҳаммаси ҳам кучсиз сиёсатчи бўлиб, маҳаллий шароитни яхши билмас эдилар ва шу сабабдан ўлкадаги воқеалар ривожига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмадилар.

Муваққат ҳукумат Туркистон генерал-губернаторлигини Туркистон Комитетига алмаштириш билан, аслини айтганда, мустамлака ўлка бошқарувини моҳият эътибори билан аввалгича қолдириб, унинг фақат ташқи номини ўзгартирди, холос. Ва бу нарса, шубҳасиз, сезилмасдан қолмади ва тез орада Туркистон Комитети билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ҳамда Советлар ўртасида қарама-қаршилик вужудга келишига сабаб бўлди.

Кескинлик кучайиб бораётган ана шундай бир вазиятда 1917 йил 16 апрель куни Тошкентда "Шўрои Исломи" ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонлари съезди иш бошланди. Бу съездда ўлканинг барча туб халқларидан вакил бўлиб келган 150 нафар делегат ҳозир бўлди.

Россияда бошқарувнинг келажак шакллари ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий жипслашуви тўғрисидаги масалалар съезднинг диққат марказида турди. Съезд Муваққат ҳукумат ва унинг дастурини тан олди ва Россияда Федератив демократик республика таъсис этиб, барча халқларга, жумладан Туркистон халқларига ҳам миллий мухторият бериш ғоясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Съезднинг сўнги мажлисида марказий раҳбар орган – Туркистон ўлкаси мусулмонлари Совети (Ўлкамуссовет)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўлкамуссоветнинг биринчи мажлисида унинг раиси ва раёсати аъзолари: М. Чўқаев (раис), Аҳмад Заки Валидий, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар сайланди.

Шундай қилиб, апрель ойининг охирларига келиб Туркистон халқларини жипслаштириш бобида муҳим қадам қўйилди: умумминтақа миқёсида тарихда биринчи марта ўлароқ мусулмонлар съезди чақирилиб, унда халқларнинг мухториятга, ўз расм-русумларини, ҳаёт тарзларини ҳимоя қилишга астойдил интилаётгани таъкидланди; мусулмонлар Миллий марказ деб билишган марказий орган – мусулмон депутатларининг раёсат бошчилигидаги Ўлка Совети ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди.

Туркистон жамиятидаги бўлиниш. Туркистон жамиятида шу қадар муваффақият билан бошланган жипслашув жараёнлари дарҳол жиддий тўсқинликка дуч келди.

Туркистон минтақасида содир бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар кучларнинг ижтимоий ва сиёсий жойлашувига жиддий ўзгаришлар киритди. 1917 йилнинг майидан августигача бўлган нисбатан қисқа муддат ичида Тошкент, Қўқон, Андижон, Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларида "Мусулмон ипчи депутатлари Советлари", "Ислох меҳнаткашлари", касаба уюшмалари тузилди. Буларни тузишда 1916 йилги мардикорлик сафарбарлигидан қайтиб келган 100 мингга яқин туркистонликлар ташаббускор бўлиб чиқишди. Кунбай ишлайдиган собиқ ишчилар, мардикорлар ўзларининг Россия заводлари, фабрикалари, корхоналарида ишлаб юрган даврларида синфий кураш шиорлари ва амалиётига

бевосита дуч келдилар ва буларни сушт табақалашган Туркистон жамиятига олиб кирдилар.

Ўлка ижтимоий ҳаёти майдонида, гарчи ҳали заиф бўлса-да, аммо янги, шу билан бирга ўз ижтимоий ғояларини энг бошиданоқ очикдан-очик маълум қилган, "ҳукмдорлар ва уларнинг маънавий раҳнамолари" кучларига муҳолиф туриб қолган ҳаракатнинг пайдо бўлиши, шу кучларнинг бунга жавобан ғалаёнга келишига сабаб бўлди. Ташкилий жиҳатдан бу нарса 1917 йилнинг июнь ойида руҳонийлар ва тарафдорларининг "Шўрои Исломи" ташкилотидан чиқиб, "Шўрои Уламо" деб аталмиш ташкилот тузишлари билан ифодаланди.

Руҳонийларнинг сепаратистик интилишларига умум-россия мусулмонлар ҳаракатида маълум бўлиб қолган янги тенденциялар ҳам таъсир ўтказди. Мусулмонлар I бутунроссия съездининг муеулмон аёлларининг сиёсий ҳуқуқларда эркаклар билан тенглаштириш, шариатнинг баъзи қоидаларини хотин-қизлар озодлиги томонига юмшатиш тўғрисидаги қарорларини (Москва, 1917 йил, май) мусулмон руҳонийлари ўзларининг мавқеларига хавф солувчи таҳдид деб билдилар ва бунга жавобан улар ажралиб чиқишни ихтиёр қилдилар.

1917 йилнинг ёзига келиб Туркистон Комитетининг моҳияти ҳам анча аниқ билиниб қолди. Бу комитетнинг "Туркистонда сиёсий мухторият жорий қилиш"нинг иложи йўқ деб эътироф этиши унинг демократлигига бўлган ишонччи йўқотди. Бироқ, миллий демократия етакчилари Турккомитетни қўллаб-қувватлашда давом этдилар, чунки бу вақтга келиб Ўлка мусулмонлари Совети билан Ишчи ва солдат депутатлари Советлари нуқтаи назарларининг бир-бири билан ҳеч сиғиша олмаслиги жуда аниқ бўлиб қолган эди. Россиядаги воқеалар таъсири остида Туркистон Ишчи ва солдат Советлари депутатлари ўлка ижтимоий ҳаётининг барча муаммоларига қатъий синфий нуқтаи назардан туриб ёндашадиган бўлди. Уларнинг тобора зўр бериб ҳокимиятни даъво қилиши, туб халқлар умуммиллий манфаатларини инкор этиши миллий демократияни Советлардан узоқлаштирди, улар ўртасидаги муҳолифликни кучайтирди.

Шундай қилиб, миллий демократия ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблаган, ўлкани бошқаришда туб халқларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатда янги қирралар пайдо бўлди. Бу ҳаракат етакчиларининг мўътадил либерал тактикаси, ўлкадаги

миллий муаммоларни ҳал қилишда Муваққат ҳукуматни ён босишга ишонтириш йўли билан кўндиришга бўлган умидлар Туркистон жамиятидаги ҳақиқий воқеликка энди тўғри келмай қолди. Бу жамиятдаги кучларнинг қарама-қарши туриб қолганлиги уларнинг тутган йўли, нуқтаи назарлари бир хил эмаслигини кўрсатар эди. Шу вақтга келиб ташкилий жиҳатдан расмийлашиб олган бу кучлар (Ўлка мусулмонлари Совети бошчилигидаги "Шўрои Ислом", "Шўрои Уламо", Мусулмон ишчи депутатлари Советлари) ҳокимиятнинг моҳияти муаммоларига, унинг мақсадларига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ёндашдилар. Бу нарса 1917 йилнинг ёзида шаҳар Думаларидаги ўринлар учун сайловлар олдидан авж олиб кетган курашда очиқ-ойдин намоён бўлди.

Тошкент шаҳар Думаси таркибига сайловларда турли партия ва жамоат ташкилотларидан 14 рўйхат, жумладан, Тошкентнинг туб аҳолисидан – "Шўрои уламо" ташкилоти, бйнокор мусулмон ишчилар иттифоқи ва эски ҳамда янги шаҳардаги бирлашган мусулмон ташкилотларидан (бу ташкилотлар асосан "Шўрои Ислом" дан иборат эди) 3 рўйхат ўртага қўйилди. Сайлов натижалари "Шўрои Уламо" нинг галаба қозонганини кўрсатди: 112 ўриндан у 62 ўринга эга бўлди, социал-демократлар – 5, эсерлар – 24, "Шўрои Ислом" – 11 ўрин олди. Туб халқдан ҳаммаси бўлиб 74 овоз, оврўполик халқлардан эса 38 овоз ўтди.

"Уламо"нинг сайловлардаги галабасини Туркистоннинг оврўполик аҳолидан иборат демократик доиралари салбий муносабат билан кутиб олдилар. Улар туб аҳолининг асосий қисми сиёсий жиҳатдан етилмаган, консерватив кучлар улар устидан ҳукмрондир, деб очиқдан-очиқ айтдилар. Буларнинг ҳаммаси миллатлар ўртасидаги муносабатларга ёмон таъсир қилди.

Миллатлар ўртасида кучайиб келаётган қарама-қаршилик Туркистонни қайнаб турган қозондек қилиб қўйди. Ўлкада миллий сабаблар туфайли кўпдан-кўп можаролар, табиатан маҳаллий бўлган, чекланган жанжаллар (маҳаллий ҳокимият тузилмаларига сайловларда сиёсий ҳуқуқлар, маҳсулотларни тақсимлашда ижтимоий ҳуқуқлар камситилиши баҳонаси билан кўтарилган тўлқинланишлар ва бошқалар) дан тортиб ўлканинг бутун-бутун минтақаларига ёйилган можаролар ҳам бўлиб ўтди. Етгисувдаги кўчиб келган рус деҳқонлари билан Февраль инқилобидан кейин Хитойдан қайтиб келган

қирғиз ва қозоқлар (1916 йилдаги қўзғолон бостирилгандан кейин булар Хитойга қочиб ўтган эдилар) ўртасидаги қонли тўқнашувлар Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётида ўрни битмайдиган жараҳат бўлиб қолди. Очлик ҳамда озиқ-овқат молларининг қимматлиги туфайли айрим ишчи ва солдатларнинг ўзбошимчалик билан маҳаллий савдогарларни тинтиш ва молларини мусодара қилиш ҳолларнинг кўпайиб қолгани миллий жиҳатдан жиддий кескинликлар хавфини туғдирар эди.

Туркистон жамияти сиёсий, миллий, ижтимоий жиҳатдан бутунлай беқарор бўлиб қолган, бу жамият кучларининг қарама-қаршилик жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда миллий демократия томонидан олдинга сурилган миллий жипслашиш ғояси хавф остида қолди. 1917 йил ёзининг охирлари ва кузида Петроградда содир бўлиб, Туркистонда акс садо берган воқеаларгина миллий жипслашиш муаммоларини яна қайтадан кун тартибига қўйди, лекин бу жараён бошқа бир мазмун ва бошқа бир ижтимоий асосга эга булди.

Бурилишда. Олий бош қўмондон Л. Г. Корниловнинг ҳарбий тўнтариш уюштириб, инқилобий ҳукуматни ағдаришга урингани Россиядаги, инқилобий жараённинг боришини кескин ўзгартириб юборди. Корнилов ғалаёни кунларида большевикларнинг кескин хатти-ҳаракатлари уларнинг инқилоб ҳимоячилари сифатида ишчилар оммаси ўртасидаги обрў-эътиборини оширди. Уларнинг яна олдинга сурган "Бутун ҳокимият Советларга" деган шиори бутун мамлакат ҳудудида маъқулланди. Лекин бу шиорга бўлган муносабат, ҳатто Туркистон оврўполик аҳолисининг демократик доиралари орасида ҳам бир хил эмас эди.

Ўлка мусулмон аҳолисининг ваколатли органлари қатъиян салбий нуқтаи назарда туриб олди. "Шўрои Ислом" ташаббуси билан сентябрь ойида чақирилган ~~Ўлка мусулмонлари II съезди ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқонлар Советларига беришга қарши чиқди.~~ Ушбу съезде қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлининг принципиал асосларини биринчи марта қатъий қилиб айтиб ўтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этишлари мумкин ва иштирок

этишлари керак; халқнинг эркинлик билан ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқи Туркистон аҳолиси учун биринчи даражали аҳамиятга эга; Ўлка мусулмонлари Совети бутун мусулмонлар аҳолиси номидан иш кўрадиган ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиб борадиган қонуний умум-мусулмонлар органидир.

Бироқ мусулмонлар съездининг овози ҳеч кимнинг қулоғига кирмади. 12 сентябрь куни Тошкент солдат ва ишчиларининг озиқ-овқат масалаларини муҳокама қилишда ўз-ўзидан бошланган митинги кескин сиёсий тусга кирди. Митингга тўпланганлар томонидан большевиклар таклифи билан қабул қилинган резолюцияда ҳокимиятни Советларга ўтказиш тўғрисида фикр билдирилди. Ўша куннинг ўзида Тошкент Советининг ижроия комитети қайта сайланди.

Тошкент большевиклари Петроград большевикларининг инқилобий режаларини амалга оширишга уриниб, ишчи ва солдат оммаларини ҳокимиятни тортиб олишга ундадилар ва ўлкани фуқаролар уруши хавфи остига келтириб қўйдилар. Генерал П. А. Коровиченко қўмондонлиги остида Муваққат ҳукумат томонидан юборилган жазо экспедициясининг Тошкентга етиб келиши ва бунга жавобан Тошкент ишчиларининг кўп кунлик умумий иш ташлаш бошлаши ҳамда ҳарбий ҳолат жорий этилиши муносабати билан сентябрь воқеалари айниқса ҳалжонли тус олди. Лекин Тошкентдаги сентябрь воқеаларини Туркистон Советларининг кўпчилиги қоралади. Сентябрь воқеаларининг қатнашчилари яккаланиб, чекинишга мажбур бўлдилар.

Сентябрь воқеалари Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида чуқур из қолдирди. Улар жамиятдаги сиёсий қарама-қаршилиқни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўлларини бир-биридан ажратиб юборди.

"Шўрои Ислом", "Шўрои Уламо"нинг вакиллари, Ўлка мусулмонлари Совети ва бошқа миллий ташкилотлар ҳокимиятни тортиб олганлиги учун инқилоб комитетини қоралаб чиқдилар ва бу комитет ўз хатти-ҳаракатларида мусулмон аҳолисининг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини мутлақо эътиборга олмайди, деб эътироф этдилар.

Ўлкадаги миллий ҳаракат ўз ривожининг янги даврига кирди. Жипслаштирувчи жараёнлар кучайиб, буларда "Шўрои Уламо" нинг роли тобора сезиларли даражада

ортиб борди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг съезди ўтказилди (17–20 сентябрь). "Уламочилар" билан "шўрои исломчилар" ўртасидаги узоқ ва қизгин баҳсларга қарамай, съезд келишиш йўллари топишга муваффақ бўлди. "Шўрои Исломи", "Турон", "Шўрои Уламо" ва бошқаларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган "Иттифоқи мусулмон" деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

Бу съезд ишида Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузуми тўғрисидаги масала асосий масала бўлди. Қабул қилинган резолюцияда демократик Россия республикаси таркибида ҳудудий мухтор федерация тузиш гоёси илгари сурилган эди. Съезд мухториятга "Туркистон Федератив республикаси" деган номни қўйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлгуси давлат тузумининг бош тамойиллари ва меъёрларини белгилаб берди.

Резолюцияда Россия ҳукуматига бериладиган ваколатлар, шунингдек Туркистон Федерациясига бериладиган ҳақ-ҳуқуқлар белгилаб чиқилган эди: ўз божхонасига, хазинасига, федератив банкига эга бўлиш, чегарадош давлатлар билан савдо-иқтисодий шартномалар тузиш, турли халқаро конференцияларга ўз вакиллари юбориб туриш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Туркистон мусулмонларининг биринчи сиёсий партияси – Туркистон федералчилари партияси, яъни "Турк одами марказий федералист фирқаси" ҳам мана шу сиёсий масалаларга ўз муносабатини белгилаб олди. Бу партиянинг маҳаллий ташкилотлари 1917 йилнинг ёзида Фарғона, Тошкент, Марғилон, Андижон ва бошқа жойларда тузилган эди. Бу партиянинг миллий демократия етакчилари Мунаввар Қори, М. Беҳбудий, атоқли юристлар, фикҳ олимлари (диний қонуншунослар) томонидан тузилган дастури ва низомида Россия демократик республикаси таркибида ва мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда Туркистонда миллий-ҳудудий мухторият принциплари негизида демократик республика тузиш гоёси чуқур асосланган эди.

Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистондаги миллий ҳара-

катнинг сиёсий жиҳатдан энди етукликка эришганидан да-
лолат берар эди. Бироқ, миллий озодлик ҳаракатининг
охирги мақсадларини либерал-демократик ҳаракат
раҳбарлари (жадидлар), қадимийчилар ва эндигина пайдо
бўлиб келаётган радикал-социалистик йўналиш етакчилари
ҳар хил тушунишгани шу кучларнинг бирлашувини
қийинлаштириб қўйди ва пировард натижада ўлкадаги
миллий озодлик ҳаракатининг келажакдаги тақдирини
белгилаб берди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР: 1. XX аср бошларида ўлканинг маъ-
мурий тузилиши қандай эди? 2. Февраль демократик инқилоби
Туркистондаги сиёсий вазиятни қай тариқа ўзгартирди? 3. "Шўрон
Ислом" нима ва бу ташкилотнинг мақсад ва вазифалари нималардан
иборат эди? 4. Бутунтуркистон мусулмонлари I съездининг аҳамияти
нимага? 5. Туркистон халқларини бирлаштириш учун Бутунтуркистон
мусулмонлари I съездида нималар қилинди? 6. Туркистондаги сиёсий
кучларнинг қарама-қарши туриб қолишига нималар сабаб бўлди? 7.
1917 йил сентябридаги воқеалар тўғрисида сўзлаб беринг. 8.
"Туркистонда миллий ҳаракатнинг фаоллашуви" деган таҳлилий жад-
вални тузишга киришинг:

Вақти	Воқеалар	Аҳамияти

2-§. Туркистонда Октябрь воқеалари

Ижтимоий-сиёсий вазият. Туркистонда ижтимоий-
сиёсий вазият кундан-кунга кескинлашиб борди. Очлик,
аҳоли турмуш даражасининг фожиали равишда пасайиб
бориши кундалик ҳаётнинг аниқ ҳақиқати бўлиб қолди.
Барча йўналишлардаги мусулмон етакчилари Таъсис
мажлисининг жўшқин тарафдорлари бўлиб қолавердилар,
улар мухториятга эришиш, ўз халқларининг бўлғуси
тақдирларини ҳал қилиш шу мажлиснинг чақирилишига
боғлиқ деб ҳисобладилар. Таъсис мажлисига бўладиган
сайловларнинг 12 ноябрга тайинланганлиги тўғрисида ха-
бар олиниши билан уларнинг фаолияти айниқса кучайди.
Бироқ Таъсис мажлисига номзодлар кўрсатишда жипс-
лашиб, бирдамлик билан майдонга чиқишга улар муваф-
фақ бўлмадилар.

"Шўрои Уламо" тарафдорлари ўз ташаббуслари билан чақирилган туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съездининг номзодларни биргаликда кўрсатиш зарурлиги тўғрисидаги қарорларини буздилар ва 8-11 ноябрь кунлари улар Тошкентда Сирдарё вилояти мусулмонларининг асосан ўзларининг тарафдорларидан иборат бўлган съездини ўтказдилар. Шўрои исломчилардан съездда жуда ҳам кам вакиллар иштирок этди. Кун тартибига иккита масала: Сирдарё вилоятидан Таъсис мажлисига делегатлар рўйхатини тузиш ва Мусулмон депутатлари ўлка Советига вилоятдан иккита аъзо сайлаш масалалари киритилган эди.

Кун тартибининг биринчи масаласини муҳокама қилиш вақтида бошланиб, авж олиб кетган қаттиқ тортишув аслида келажакдаги ўлка давлат тузумининг моҳияти тўғрисидаги масалага айланиб кетди. Шўрои исломчиларнинг Россия федератив тузуми, Туркистон миллий мухторияти тўғрисида Бутунроссия мусулмонлари съездлари чиқарган қарорларини Таъсис мажлисида амалга оширишга эришмоқ зарур деган талаблари "Шўрои Уламо" тарафдорларига тўғри келмади. Уларнинг етакчиси Шерали Лапин ўлканинг ижтимоий тузумида шариат қонунқоидалари ва буларни амалга оширувчи органларнинг устунлик қилиши ва юқори туришини тан олишни талаб қилди. Съезд Шерали Лапиннинг фикрларини қўллаб-қувватлади ва Лапин ўз номзодлари рўйхатини ўтказишга муваффақ бўлди.

Мусулмон аҳоли сайловолди курашига қўшилиб, ҳар хил сиёсий кучлар ўз мавқеларини аниқлаб олаётган бир вақтда ишчи ва солдат омманинг ўз-ўзидан кўтарилаётган ғазаби очиқ-ойдин инқилобий кайфиятга айланиб борди. Инқилобийлашиб келаётган оммага Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети бошчилик қилиб борди.

Омманинг зўрайиб бораётган инқилобийлигини тўхтатиш юзасидан генерал Коровиченконинг қилган уринишлари натижа бермади. Октябрда солдатлар генерал Коровиченконинг баъзи ҳарбий қисмларни тарқатиб, Тошкентдан чиқариб юбориш тўғрисида Тошкент Совети билан келишмасдан туриб берган буйруқларини бажаришдан бош тортидилар. Бунинг устига, генералнинг ушбу хатти-ҳаракатлари инқилобий кескинликни янада кучайтирди. Октябрь ойининг иккинчи ярмида шаҳарни митинг ва йиғилишлар тўлқини босиб кетди. Ишчилар ва солдатлар Коровиченконинг хатти-ҳаракатларини инқилоб ва демок-

ратияга қарши ҳужум деб баҳоладилар ва бутун ҳокимиятни Советларга беришни талаб қилдилар.

Тошкентда қуролли қўзғолон. Петроградда қуролли қўзғолон ғалаба қозонгани ва Бутунроссия Советларининг II съезди ҳокимиятни Советларга бериш, В. И. Ленин бошчилигида Халқ Комиссарлари Совети тузиш, ер ва тинчлик тўғрисида декрет қабул қилиш ҳақида қарор чиқаргани тўғрисида 27 октябрда Туркистонда телеграмма олинди. Бу хабар Тошкентдаги воқеалар ривожини тезлаштирди.

27 октябрдаёқ Тошкент Советининг Ижроия Комитети Тошкент гарнизонидаги барча ҳарбий қисмларнинг солдат комитетларига қўмондонликнинг фармойишларини бажармаслик тўғрисида буйруқ юборади, бошқа шаҳарларнинг гарнизонларига эса "инқилоб ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қуролли кучлар (артиллерия ва пиёдалар) кўринишида ёрдам" сўраб вакиллар жўнатилади. 27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси солдат комитетлари, шаҳар саннат корхоналари, темир йўл устахоналари вакиллари иштироки билан Тошкент Советининг қўшма мажлиси ўтказилади ва 28 октябрь кунини эрталаб қуролли қўзғолон бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қўзғолонга бошчилик қилиш учун Инқилобий Комитет тузилади.

Шу билан бир вақтда большевиклар раҳбарлиги остида қўзғолон тайёрланаётгани тўғрисида маълумотга эга бўлган ва ташаббусни большевиклар қўлидан тортиб олишга уринган бош комиссар Коровиченко большевикларга қўшилиш юзасидан қилинган ҳар қандай уринишларни бутун чоралар билан босиш тўғрисида ўлканинг барча гарнизонларига буйруқ юборади. Унинг буйруғига мувофиқ, 27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси юнкерлар, казаклар ва броневиклар Тошкент Советининг ҳозир айтилган мажлиси бўлаётган Озодлик Уйини ҳамда Йшчи ва солдатлар депутатларининг Ўлка Совети биносини ўраб оладилар ва Тошкент Совети Ижроия Комитети аъзолари билан Ўлка Совети аъзоларини қамоққа юбордилар. Ўша кечанинг ўзида унинг буйруғи билан 2-Сибирь полки қуролсизлантирилди ва 1- Сибирь полкини қуролсизлантиришга уриниб кўрилди, аммо етиб келган темир йўл ишчилари бу уринишни чиппакка чиқарди. 28 октябрь кунини генерал Коровиченко Тошкент шаҳри ва Тошкент уездини ҳарбий ҳолатда деб эълон қилади.

Лекин Коровиченкога содиқ қўшинлар билан инқилобий кучлар ўртасида 1-Сибирь полки ҳудудида кечаси бўлиб ўтган тўқнашув 28 октябрь куни эрталаб ҳарбий ҳаракатларга айланиб кетди. Улар шаҳар кўчаларида авж олиб борди; Темир йўл бош устахоналари ва ҳарбий қалъа деворлари ёнида айниқса шиддатли жанглари бўлиб ўтди. Ҳарбий ҳаракатлар майдонига турар жойлар ҳам тушиб қолди, аҳоли орасида қурбонлар бўлди.

Тошкентдаги ишчи-солдат омма билан генерал Коровиченко қўшинлари ўртасидаги қуроли тўқнашув барча сиёсий кучларнинг тутаётган йўлини очиб ташлади ва ўлканинг овруполик аҳолиси ижтимоий қатламлари билан гуруҳларининг ичидаги сиёсий чегараланишни поёнига етказди. Тошкентдаги қуроли қўзғолон кунларида ишчи ва солдат депутатларининг Ашхобод, Кушка, Перов, Красноводск ва бошқа Советлари генерал Коровиченконинг хатти-ҳаракатларига қарши ўз норозиликни билдирдилар ва Тошкент Советини қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Рус деҳқон аҳолининг эгаллаган мавқеи унча қатъий эмас эди. Қўзғолон арафасидаёқ Деҳқон депутатлари советларининг II Туркистон ўлка съезди (20–26 октябрь) Коровиченко ва унинг ёрдамчиларини эгаллаб турган лавозимларидан туширишни талаб қилди-ю, лекин шу билан бирга ҳокимиятнинг Таъсис мажлисига қадар Советларга ўтишига қарши чиқди. Ишчи ва солдат депутатлари Туркистон ўлка Совети ҳам 28 октябрда худди шундай йўл тутганлигини билдирди.

Мусулмон депутатлари Ўлка Совети бирмунча қатъий мавқеи эгаллади. Туркистон бўйлаб тарқатилган телеграммада у Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга ва бунда ҳатто куч ишлатишдан ҳам қайтмасликка чақирди. Гарчи қўзғолон кўтарган Тошкент ишчи ва солдатлари томонида ўзбек меҳнаткашларининг эски шаҳар Советининг бинокор ишчилардан тузган 200 кишилик қуроли отряди, иккинчи томонда эса, зўрлик билан қуроллантирилган ва ҳарбий қалъага ҳайдаб келинган эски шаҳар аҳолисининг бир қисми кураш олиб борган бўлса-да, ўлканинг мусулмон аҳолиси Тошкентдаги воқеаларга умуман лоқайдлик билан қаради.

Коровиченко ташқаридан мадад ололмай, ўз мавқеларини бирин-кетин қўлдан бера бошлади. Ҳарбий Комитет, Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети Ижроия Комитети ва Ўлка Советининг 31 октябрдаги бирлашган мажлисида ҳокимиятни тортиб олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қўзғолон кўтарган ишчи ва солдатларнинг сўнгги ҳужуми муваффақият билан ту-галланди. 1 ноябрга ўтгар кечаси генерал Коровиченконинг сўнгги истеҳкоми – ҳарбий қалъа таслим бўлди.

1917 йил 1 ноябрь куни Туркистон Ўлка Совети, Тошкент Советининг Ижроия Комитети ва Ҳарбий Комитет аҳолига қаратилган мурожаати билан Тошкентда қуролли қўзғолон ғалаба қозонгани тўғрисида хабар қилдилар.

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг III Ўлка съезди. Тошкентда ишчи ва солдатларнинг қуролли қўзғолони ғалаба қозонганидан кейин ҳокимият тузиш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб туриб қолди. Ишчи ва солдат депутатларининг мўътадил социалистлар ва эсерлар бошчилигидаги Туркистон Ўлка Совети ўлка ҳокимиятини бутун тўлалиги билан ўз устига олишдан бош тортди. Ўлка ҳокимиятини тузиш учун дастлаб 15 ноябрда барча демократик ташкилотларнинг съездини чақириш тўғрисида қарор қилинди. Барча ташкилотларга зудлик билан ўзларининг ўлка съездларини ўтказиш таклиф этилди. Лекин большевиклар бу режаларни бузди, уларнинг ташаббуси билан 15 ноябрда ишчи ва солдат депутатлари советларининг Ўлка съездини чақиришга қарор қилинди.

Ҳал қилувчи ана шу пайтда мусулмон аҳолининг асосий вакиллари: "Шўрои Уламо" билан мусулмон депутатларининг Ўлка Совети ўртасида кураш авжига чиқиб кетди. Уламо стакчилари ишчи ва солдатлар депутатлари Советларининг ўлка съезди ишида қатнашиш мумкин деб ҳисоблаб, ўлка ҳокимиятини тузиш хусусидаги ўз платформасини ишлаб чиқиш учун "турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши" 12 ноябрга чақирилишини эълон қилдилар. Шу вақтга келиб Қўқонга кўчиб ўтган мусулмон депутатлари Ўлка Советининг аъзолари эса большевиклар билан ҳамкорлик қилишга қарши чиқдилар. Улар Бутунтуркистон мусулмонлари съезди чақирилишини 25 ноябрга белгилаб, ўзларининг ишчи ва

солдат депутатлари Ўлка съезидан ва ҳокимият тўғрисидаги масалани мустақил ҳал қилишдан четланганликларини таъкидладилар. Шу билан бирга, улар уламочилар томонидан чақириладиган кенгашда иштирок этишдан ҳам бош тортдилар.

Бу нарса 12–15 ноябрь кунлари ўтказилган "турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши" таркибига таъсир қилди. Гарчи бу кенгашда "Уламо"нинг фақат Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан келган тарафдорларигина ҳозир бўлган бўлсалар-да, кенгаш чақирилишининг ташаббускорлари уни барча мусулмонларнинг ваколатли съезди деб кўрсатишга уриндилар. Кенгаш кун тартибига "Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш" масаласи турар эди. Кенгаш ўринларининг ярми мусулмон аҳолиси вакилларига бериладиган коалицион ҳукумат тузишни ёқлаб чиқди.

Миллий демократия уламочиларнинг тутган йўлига жуда салбий муносабатда бўлди.

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг IН Ўлка съезди ана шундай ниҳоятда кескин бир шароитда, 15 ноябрда иш бошлади. Эртаси куни унга Деҳқон депутатлари советларининг Ўлка съезди қўшилди, шундан кейин у Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари Советларининг Ўлка съезди деб аталадиган бўлди. Бу съездда 114 делегат ҳозир бўлди. Кун тартибига: ўлка ҳокимиятини ташкил этиш, жойларда ҳокимият тузиш, Таъсис мажлисига сайловлар масалалари турар эди.

Биринчи масалани муҳокама қилиш жуда қизгин ўтди. Съездда ташкил топган фракциялар ўз платформалари билан чиқдилар. Большевиклар коалицион ҳукумат тузиш фикрини узил-кесил рад қилдилар ва худди Россиядагидек тамойилларда: қатъиян синфий (пролетар) асосдагина ўлка ҳокимияти ташкил этиш мумкин, деб ҳисобладилар. Асосан худди шунингдек платформада турувчи сўл эсерлар ўлка ҳокимияти органига мусулмон пролетариати вакиллари ҳам ҳар қалай киритиш мумкин деб ҳисобладилар. Ўнг эсерлар ва меньшевиклар барча демократик ташкилотлар иштирок этадиган ва ўринларнинг ярми мусулмон аҳоли вакилларига бериладиган коалицион ҳукумат тузишни ёқлаб чиқдилар.

Съездда сўзга чиққан уламочиларнинг етакчилари Шерали Лапин съезд қатнашчиларини "турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши" резолюцияси билан таништирди. Унинг сўзларига мусулмон ишчилари Хўжанд Советининг раиси Абдулла Раҳимбоев эътироз билдириб

чиқди. У съездни "кенгаш" резолюцияси билан ҳисоблаш-масликка даъват этди. Унинг фикрича, 25 ноябрга чақирилади деб белгиланган Бутунтуркистон мусулмонлари съезидигина бутун мусулмон аҳолисининг кайфиятини ифода этиши мумкин эди.

Советларнинг Ўлка съезди Шерали Лапин таклиф этган платформани рад қилди, шунда у съездни ташлаб чиқиб кетди.

Съезд большевиклар, сўл эсерлар ва максималистлар (эсерлар партиясидаги гуруҳларнинг бири) резолюцияси асосида ишлаб чиқилган декларацияни қабул қилди. Бу декларация ўлка инқилобий ҳокимиятини ташкил этишнинг тамойилларини маълум қилди: "ҳозир Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети деб номланувчи Ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг Ўлка Совети" ҳокимиятнинг олий органи деб эълон этилди, у фақат сўл социалистик партиялар вакилларидан ташкил топади.

Ҳокимиятнинг янги органига туб аҳоли вакиллари киритилмади. "Ишчи, солдат ва деҳқонлар ҳокимиятига туб аҳолининг муносабати бутунлай номаълум бўлгани учун ҳам, туб аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлар бўлмагани учун ҳам ўлканинг олий инқилобий ҳокимиятига ҳозирги вақтда мусулмонларни жалб қилиш маъқул эмас, – деб даъво қилинган эди декларацияда.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг биринчи ҳайъатини тузишда ана шу принцип ўзининг мантиқий ниҳоясига етказилди. Большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳукумат таркибидаги 8 ўрин сўл эсерларга ва 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб большевик Ф. И. Колесов сайланди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади.

1917 йил 22 ноябрь куни съезд "жойларда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисидаги" масалани муҳокама қилиб, ўз ишини тугаллади. Эртаси куни Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Петроградга, Россия республикаси Халқ Комиссарлари Советига "сизнинг барча декретларингизни амалга оширишни ўзига вазифа қилиб қўйганига... Демократия ғалабаларини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўришига" ишонтириб, телеграмма юборди.

Бироқ большевиклар партияси халқни, унинг кўпчилигини давлат ҳокимиятининг ташувчиси деб тан

олувчи демократия тамойилларига биринчи кунлардан бошлабоқ қарама-қарши чиқди. Туркистон большевиклари раҳбарларининг пролетар инқилобининг моҳияти ва вазифаларини тор синфий нуқтаи назардан туриб тушуниши, инқилобий янги ҳокимият раҳбариятида аҳолининг пролетар қатламларигина бош ўринда туриши керак деб эътироф этиши маҳаллий, асосан пролетар бўлмаган мусулмон аҳолининг ўлкани бошқариш ишида иштирок этишдан амалда четда қолиб кетишига олиб келди. Туркистонда ўрнатилган ҳокимият ўз моҳиятига кўра большевиклар ваъда қилгандек "меҳнаткашлар ҳокимияти" бўлмай, балки "меҳнаткашлар учун ҳокимият" эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Октябрь тўнтариши арафасида ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият қандай эди? 2. Ишчи ва солдат депутатлари Советлари III Ўлка съездининг асосий яқунлари ва аҳамияти нималардан иборат? 3. "Туркистонда миллий ҳаракатнинг фаоллашуви" деган таҳлилий жадвални тузишни давом эттириш.

3-§. "Туркистон мухторияти"

"Мухтор Туркистон"нинг вужудга келиши. Ўлка ҳокимиятини тузиш масалаларида туркистонлик большевиклар тутган йўлга ўтган Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари III Ўлка съездининг қарорлари, Россия республикаси Халқ Комиссарлари Советининг бир қанча қонуний актлари билан тасдиқланган совет ҳокимияти тамойилларига тескари келиб қолди. 1917 йил 2 ноябрдаги "Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси" "Россия халқларининг ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишгача бўлган ўз-ўзини эркин белгилаш ҳуқуқини" тантанали суратда эълон қилган эди. Шу ҳуқуққа мувофиқ, Халқ Комиссарлари Совети "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" деган махсус мурожаатида мана бундай деб даъват қилган эди: "Ўз миллий турмушингизни эркинлик ва бемалоллик билан қуринг. Бунга сизнинг ҳақингиз бор. Шунинг билан, сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳам, худди барча Россия халқларининг ҳақ-ҳуқуқлари сингари, инқилоб ва унинг органлари, ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари Советларининг бутун салоҳияти билан қўриқланади".

Туркистон большевиклари ва сўл эсерлар Туркистон мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган

ҳуқуқини рад қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини инкор этдилар ва шу билан ўлка сиёсий ҳаётидаги кучларнинг келажақда муҳолиф туриб қолишини олдиндан муқаррар қилиб қўйдилар. Съезд қарорлари коалицион ҳуқумат тузишда келишиш мумкинлигига шу съезздан олдин умид боғлаб юрганларнинг ҳаёлларини узил-кесил чиппакака чиқарди ва ўзларининг большевикларга қўшилмай, улардан ажралишга съезздан илгари ҳам қаттиқ аҳд қилганларнинг мавқеларини янада кучайтирди. Мана шу кайфиятлар Ўлка мусулмонларининг фавқулоддаги IV съезди ишига таъсир утказди. Бу съездининг чақирилиши Тошкентдаги қуролли қўзғолон ғалаба қилганидан кейинги биринчи кунлардаёқ миллий демократия етакчилари томонидан эълон қилинган эди.

Съезд 26 ноябрь кuni Қўқонда иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтақалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ делегат ҳозир бўлди.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала съездининг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сўзга чиқиб билдирилган фикрларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилинишига қаршилик кўрсатаётган большевикларнинг сиёсатига, уларнинг мусулмон аҳолиси ички турмушига аралашувига қарши қаратилган кескин танқид билан ажралиб турар эди. Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қуллаб-қувватлади.

27 ноябрь кuni яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда мана бундай дейилган эди: "Ўлка умуммусулмонларининг фавқулоддаги IV съезди Туркистонда яшаб турган элатларнинг Улуғ Россия инқилоби эълон қилган асосларда ўз-ўзини белгилашга булган истак-иродасини ифодалаб, Туркистонни Россия Федератив Демократик республикасига бирлашган ҳудудий мухторият деб эълон қилади ва мухторият шаклини белгилашни энг яқин муддатда чақирилиши керак бўлган Туркистон Таъсис мажлиси ихтиёрига беради ҳамда тантанали суратда шуни маълум қиладики, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай йўллар билан ҳимоя этилади".

~~Ташкил этиладиган давлат тузумининг номи 28 ноябрь кунни белгиланди = унга Туркистон мухторияти деган ном қўйилди. Съезд Бутунроссия таъсис мажлиси чақирилгунча ҳокимиятни янги тузилган "Муваққат Туркистон Совети" ва "Туркистон халқ мажлиси"га берди.~~

~~Муваққат ҳукумат ҳайъатига съезд 8 кишини сайлади: Мухаммаджон Танишбоев – бош вазир, ички ишлар вазири; Ислом Шоаҳмедов – бош вазир ўринбосари; Муштаффо Чўқаев – ташқи ишлар вазири; Убайдулла Хўжаев – ҳарбий вазир ва бошқалар шулар жумласидандир. Қолган тўртта жой оврўполи халқдан сайланган вакилларнинг эгаллаши учун қолдирилди.~~

Муваққат ҳукумат аъзолари 1 декабрь куни халққа махсус мурожаат қилдилар. Мурожаат ўлкада яшаб турган барча миллат-элатларнинг фаровонлиги, маданий тараққиёти ва яқин ҳамдўстлигини таъминлаш йўлида Мухтор Туркистоннинг демократик эркинликларга ҳамда байналмилаллик тамойилларига содиқлигини маълум қилиб, "Туркистоннинг барча фуқароларини – муслмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, солдатлар ва деҳқонларни, ўлкада яшаб турган барча авлодлар ва халқларни, ўз-ўзини бошқарувчи шаҳар ва земство муассасаларини, сиёсий, жамоат ва касаба ташкилотлари ҳамда уюшмаларини, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасаларни Туркистон халқ ҳокимияти теварагида жипслашишга ва шу ҳокимият зиммасига юклатилган оғир вазифаларни ҳал қилишда унга ёрдам беришга" даъват этди.

~~"Мухтор Туркистон"нинг бутун халқ томонидан тан олинishi. Мухторият эълон қилинишини Туркистон халқлари кўпдан бери орзу қилинган ўз миллий давлатига эга бўлиш деб билдилар, бунга жавобан оммавий бирдамлик ҳаракати бошланиб кетди. 1917 йил 6 декабрь кунини Тошкентнинг эски шаҳаридаги 60 минг кишилик муслмонлар митинги Мухтор Туркистон ҳукумати тузилишининг қизгин муобракбод қилди ва уни ўлкадаги ягона ҳокимият деб тан олди.~~

~~"Мухтор Туркистон учун" деган шиорлар остида 13 декабрь кунини Тошкентда тинч байрам намойиши бошланди. Бироқ, у фожиа билан тугади. Собиқ подшо офицерлари ва амалдорлари гуруҳи томонидан ғаламислик билан~~

уюштирилган тартибсизликларга жавобан Тошкент Совети Ижроия комитети шаҳарда куч билан тартибни тиклашга буйруқ берди. Тинч намоийш пулдемет ўқи остида қолди, бегуноҳ қурбонлар қони билан бўялди.

Туркистон мухторияти Муваққат ҳукумати махсус муурожаатида мухторият ҳимоясига қаратилган тинчлик ҳаракатидан уруш чиқариш учун фойдаланишга бўлган уринишни қоралаб, "Туркистон халқини сабр-тоқат кўрсатиб, осойишталикни сақлашга" даъват этди, "мана шу муҳим кунларда осойишталикни сақлаш мусулмонлар учун жуда зарур" деб кўрсатди.

13 декабрдаги намоийш муносабати билан Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети ҳам 14 декабрда халққа муурожаат билан чиқди. Унда тўкилган қон учун айб советларга қарши бир тўда кучлар зиммасига қўйилиб, мана бундай дейилади: "Бу ҳаракат билан улар инқилобий ҳокимиятни шундай кескин ва қаттиқ чоралар кўришга мажбур қилдиларки, ҳокимият булардан ўзини олиб қочмоқчи эди. лекин у жуда ҳам катта зарурият юзасидан шундай чораларни кўришга мажбур бўлди..."

Лекин "Мухтор Туркистон"ни қўллаб-қувватлаш ҳаракати кучайиб бораверди. Туркистон ўлкаси мусулмонларининг Ҳарбий кенгаши ташаббуси билан 25 декабрь куни Қўқонда чақирилган Ишчилар, солдатлар ва деҳқонларнинг фавқулоддаги I съезди муҳим воқеа бўлди. Туркистон Мухториятига муносабат тўғрисидаги масала съезднинг диққат марказида бўлиб қолди. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг аъзоси, большевик П. Г. Полторацкийнинг съездеги сўзлари ҳозир бўлганларнинг кескин норозилига сабаб бўлди. Полторацкий ўзининг: "Биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз, лекин биз бойлар мухториятига қаршимиз" деган сўзлари билан Бутунтуркистон мусулмонлари съездининг Мухтор Туркистон тузиш тўғрисидаги қарорлари қонуний эканлигини шубҳа остига келтириб қўйди. Жуда қизгин муҳокамадан кейин съезд махсус қарор қабул қилиб, бу қарорда мусулмонлар IV съездининг таркиби гўё буржуазия вакилларидан иборат деб тарқатилаётган миш-мишларни кескин рад этди ва съезднинг ўлкадаги барча мусулмонлар аҳолиси номидан иш кўришга ваколатли эканлигини тасдиқлади.

28 декабрь куни съезд номидан Петроградга, Халқ Комиссарлари Совети номига телеграмма юборилди. Унда Халқ Комиссарлари Совети Туркистон ўлкаси мухториятини яқдиллик билан эълон қилган икки съезд истагини ҳурмат қилиб, "Туркистон мухториятини амалда

мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўради" ва "Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келиши мумкин бўлган анархияга, қўшҳокимиятликка йўл қўймаслик учун ўлка ҳокимиятини Туркистон Муваққат ҳукуматига топшириш тўғрисида" Халқ Комиссарлари Тошкент Советига буйруқ беради деб умид билдирилди.

Бутунроссия мусулмонлари Советининг Ижроия Комитети Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб чиқди. У 1918 йил 12 январда Миллий ишлар комиссарига юборган ўз мактубида: "тамоийллардан энг улуғи – миллатларнинг ўз-ўзини белгилашининг ижроси учун Туркистон ўлкасидаги қўшҳокимиятга ва, бир томондан, умуммусулмонлар съезди ваколат берган, Мухтор Туркистоннинг Муваққат ҳукумати бошчилигидаги маҳаллий демократик ҳокимият билан, иккинчи томондан, ўлка аҳолисининг атиги 2 фозини ташкил этувчи рус аҳолиси сайлаган Халқ Комиссарлари Тошкент Совети ўртасидаги жанжалларга дарҳол ва таг-туғи билан хотима бериш учун энг кескин ва шошилиш чоралар кўрилсин" деб таклиф қилди.

Бу мактублар жавобсиз қолди.

Ўлка Совет ҳукуматининг мухтор Туркистонга муносабати. Ўлканинг совет органлари Мухтор Туркистон Муваққат ҳукуматини тан олмасликларини биринчи кунлардан бошлабоқ маълум қилдилар ва бу ҳукуматни "Туркистоннинг бир тўда бойлари ва руҳонийлари" манфаатларини ифода қилувчи аксилинқилобий, буржуа ҳукумати деб баҳоладилар. Тошкент Советининг ижроия Комитети декабрь ойининг биринчи кунларидаёқ шу тўғрида Москвага телеграмма юборди. Большевиклар томонидан Туркистонда авж олдириб юборилган тарғибот-ташвиқотда мухториятчиларнинг Муваққат ҳукумати сиёсий жиҳатдан етилмаган, нодон мусулмонлар оммасини қўллаб-қувватлайди, холос деб доим таъкидланаверди. "Наша газета" Мухтор Туркистонга қарши чиққан мусулмон ишчилари айрим вакилларининг хатларини чоп этишни уюштирди ва бундай гап-сўзларни барча мусулмон меҳнаткашларининг фикри деб даъво қилди. Шу билан бир вақтда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаб чиққан жамоат ташкилотлари, босма нашрларга қарши қаратилган бир қанча хатти-ҳаракатлар қилинди: Тошкент шаҳар ду-

маси тарқатиб юборилди, "Туркестанский вестник" газетаси ёпилди, Самарқанд "Шўрои Исломи" ташкилотининг фаолияти таъқиқлаб қўйилди. Ўша кунларда бирмунча кескин қадамлар ҳам қўйилди: Тошкент Советининг Ижроия Комитети 18 декабрь кунини Қўқон ишчиларинини қурол билан таъминлаш ва у ерда Қизил гвардия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Муваққат ҳукуматни яққалаб, унинг имкониятларини чеклаб қўйишга қаратилган мана шу чораларнинг ҳаммаси иккала ҳокимиятнинг бир-бирига муҳолифлигини янада кучайтирди. Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар депутатлари Советлари IV Ўлка съездининг қарорлари (1918 йил 19–26 январь) бу муҳолифликка янада кескин тус берди. Съездда урушқоқлик, мурасасизлик устун бўлиб турдики, бундай вазиятнинг умумий кайфиятини Байрам-Али солдатлар ва ишчилар депутатлари Советининг: "бойлар томонидан эълон қилинган Қўқон ҳукумати тан олинмасин, унинг аъзолари эса қонундан ташқари деб топилсин, бошлиқлари қамоққа олинсин" деб съездда эълон қилинган нақазини ёрқин акс эттирди. Бу кайфият Туркистон мухторияти тўғрисида большевиклар фракциясининг съездда мутлақ кўпчилик томонидан қабул қилинган резолюциясида ўз аксини топди. Шу резолюцияда мана бундай дейилган эди: "Инқилобий социал-демократлар партияси бир тўда рус ва мусулмон реакционерлари бошчилигидаги буржуа мухториятига қарши шафқатсиз кураш эълон қилади ва ўлкада пролетар мухторияти тузишга интилади".

Пролетариатнинг синфий манфаатларини юқори қўйишни ёқловчи декларация билан чиққан, мусулмон халқларининг тақдирини уларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмасдан туриб ҳал қилишга уринган Туркистон большевикларининг максималистик йўли съездни Туркистонда вужудга келган танг вазиятни чуқур муҳокама қилишдан четга чалғитди, уни миллий тангликни бартараф этишнинг мумкин бўлган сиёсий йўллари ахтариб топишдан воз кечишга ундади.

Муваққат ҳукуматдаги ички сиёсий ихтилофлар. Бу вақтга келиб мухторият ҳаракатининг ўз ичида мусулмон аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилувчи бошлиқлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб борди. Уламочилар билан

шўрои исломчилар ўртасида бўлган, Мухтор Туркистон эълон қилиниши муносабати билан бир қадар сусайган аввалги қарама-қаршилиқ яна қалқиб сиртга чиқди ва мухторият ҳаракатининг бирлигини ичдан туриб қўпуровчи жиддий хавфга айланиб қолди. Ихтилофларнинг мазмуни аввало мухториятнинг асл моҳиятини ва уни қўлга киритишнинг усул-амалларини ҳар хил тушуниш билан белгиланар эди.

13 декабрь куни тинч намоиш маҳалида бегуноҳ одамларнинг қони тўкилганда Тошкент "Уламо" ташкилоти томонидан 1918 йил 5 январида чақирилган митинг қатнашчилари Мухтор Туркистоннинг Муваққат ҳукуматига ишончсизлик билдирдилар. Митинг қарорларининг оқибатлари жиддий бўлиб чиқди: мусулмон аҳолисининг бирлиги хавф остида қолди. Равшанки, вазирлар маҳкамаси раҳбариятининг алмашилишида шу қарорлар каттагина роль ўйнади: М. Танишбоев ўрнига М. Чўқаев бош вазир этиб тайинланди.

Озиқ-овқат масалалари, ҳарбий ва молиявий масалалар Муваққат ҳукумат учун жиддий муаммолар тусига кириб борди. Чуқурлашиб бораётган озиқ-овқат танглиги, милицияни таъмин қилиб туриш, газеталар нашр этиш, ҳукуматнинг ўзини таъминлаб бориш ва бошқалар молиявий аҳволни тобора мушкуллаштираверди. Чиқарилган 30 миллионли заёмдан кутилган мурод ҳосил бўлмади. Ҳарбий тузилмалар сони ортиб бориши билан сарф-харажатлар янада кўпайди. "Улуғ Туркистон" газетасининг 1918 йил январидаги хабарига кўра, "мунтазам миллий армиядаги кишилар сони 2 минг нафарга етди". Бундан ташқари, Қўқон милициясининг бошлиғи Эргашнинг қўл остида ҳам талайгина кучлар бор эди.

Қурулли кучлар ўсиб борган сайин Мухтор Туркистон ҳукуматида бир мунча қатъий ҳаракатлар тарафдорларининг мавқелари кучая бошлади. Қўқоннинг ўзида ҳам вазият январь ойининг охирларига келиб ниҳоят даражада кескинлашди. Ишчи ва солдат депутатлари Қўқон Совети ҳокимиятни қўлда тутиб турган янги шаҳар билан Мухтор Туркистон ҳукуматининг қароргоҳи, мусулмонларнинг шаҳар ташкилотлари жойлашган эски шаҳар ўртасидаги қарама-қаршилиқ тобора жанжалли тусга кириб борди. Шу томонларнинг ҳар бирида жанжалларни куч ишлатиш йўли

билан ҳал қилиш тарафдорларининг мавқелари кучая-верди. Бир томондан, "Шўрои Исломи" шаҳар ташкилоти Қўқон қалъасини ҳужум билан олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Иккинчи томондан, Ишчи ва солдат депу-татлари Қўқон Совети ишчи ва темирйўлчиларни қалъадан олиб чиқилган қурол билан қуроллантиради, қалъа кўриқчиларининг сонини оширади. Шу билан бир вақтда у Муваққат ҳукуматдан дарҳол қуролсизланиш ва ҳарбий қисмларни тарқатиб юборишни талаб этишга қарор қилади.

Ана шундай шароитда уруш ҳаракатлари бошланиб кетиши учун оз бўлса-да, бир баҳона кифоя қилар эди. Ва тез орада шундай баҳона бўлиб қолди ҳам. 30 январга ўтар кечаси номаълум кишилар гуруҳлари қалъага, теле-фон станциясига, Қўқон Совети биносига ҳужум уюштирдилар. Кимлар бу ҳужумларнинг ташаббускорлари бўлгани ҳанузгача аниқ маълум эмас. Уларнинг қилган хатти-ҳаракатлари муваффақият билан тугагани йўқ, лекин бу ҳаракатлар кейинги фожиали воқеаларга баҳона бўлди.

Мухтор Туркистоннинг тор-мор этилиши. Ишчи ва солдат депутатлари Қўқон Советининг кучлари 30 январ-даёқ, бир куннинг ўзида сафарбар тайёрлик ҳолатига келтирилди: фавқулодда орган – Инқилобий комитет (Рев-ком) тузилди, ишчилар ва темирйўлчиларнинг қўлларига милтиқлар берилди, Тошкент, Скобелев, Андижон, Наман-гандан ҳарбий мадад сўралди, кечаси бўлиб ўтган воқеа-ларни ва Мухторият муваққат ҳукуматига қўйилган ультиматумни – қўлга олинганларни 3 соат ичида озод этиш ва ҳужумнинг барча ташаббускорларини тутиб бериш тўғрисидаги талабларни маълум қилиб, аҳолига махсус чақириқ чиқарилди; Муваққат ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш учун Инқилобий комитет аъзоларидан мах-сус гуруҳ тузилди. Бу хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси шаҳар совет ҳокимияти органларининг Мухтор Туркистонни куч ишлатиш йўли билан йўқ қилишга қаттиқ аҳд қилганидан дарак берар эди.

Қарши томоннинг тажовузкорлиги ҳам кучайиб борди. Лекин 30 январь куни мухториятчилик ҳаракатининг ҳам-ма тарафдорлари ҳам бундай кайфиятга ҳали берилмаган эди. Ревком томонидан эски шаҳарга юборилган гуруҳнинг

Муваққат ҳукумат аъзолари билан учрашуви ана шуни очиқ-ойдин намоиш қилди. Шу гуруҳ аъзоларидан бирининг далолат беришига қараганда, Муваққат ҳукумат бошлиғи М. Чўқаев кечаси бўлиб ўтган воқеалардан бе-хабар бўлиб чиқди ва рўй берган ҳодисалардан қаттиқ ҳаяжонланиб, музокаралар олиб боришга тайёрлигини билдирди. Лекин мухтор ҳукумат тарафдори Юсуф Довидов "фуқаролар уруши олиб бориш"га қатъий қарор берилганини узил-кесил маълум қилди. Ҷша куннинг ўзида бошқа бир делегация энди совет органларига Муваққат ҳукумат номидан ультиматум берди: уч кун ичида қалъа бўшатиб қўйилсин деган талабнома топширди.

Урушнинг бош ғилдирағи айлантириб юборилган ва томонлардан биронтаси ҳам уни тўхтатишни истамаё эди. Артиллерия билан қуролланган, К. Осипов раҳбарлигидаги отряднинг 31 январга ўтар кечаси Скобелевдан келиши билан зўрайиб қолган Ишчи ва солдат депутатлари Қўқон Советининг қуролли кучлари эрталабдан туриб эски шаҳарни пулемётдан ўққа тута бошлади. Муваққат ҳукумат ва Мусулмон депутатлари советига кескин тарзда ҳарбий қисмларни қуролсизлантириш ва 30 январдаги воқеалар иштирокчиларини топшириш таклиф этилди. Бунга жавобан Муваққат ҳукумат отрядлари эски шаҳар томондан ҳужум бошлади. Шунда кескин ҳаракатлар тарафдорларининг тазйиқи остида Инқилобий комитет К. Осиповга Муваққат ҳукуматни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ беради, бирмунча кейинроқ эса артиллерия ишлатишга рухсат этади.

Советлар қуролли кучларининг Мухтор ҳукумат қароргоҳини тўп-замбараклардан қаттиқ бомбардимон қилиши ўт остида қолган эски шаҳар аҳолисига қарши бемаъни ва шафқатсиз урушга айланиб кетди. Булардан ҳаммасининг устига-устак, Қўқон кўчаларида ёнғинлар чиқиб ўгриликлар бошланиб кетди.

Ана шу мушкул аҳвол эски шаҳар аҳолисини қўлга қурол олишга ундади. Болталар, белкураклар, таёқлар билан қуролланган одамлар Муваққат ҳукуматнинг ҳарбий қисмларига қўшилиб, ўша кунлари авж олиб кетган кўча жангларида, қалъа штурмида қатнашдилар. Бироқ уларнинг ҳамма уринишлари беҳуда кетди.

Эски шаҳар аҳолисини ваҳима босди, бу ваҳима янги шаҳарга ҳам ўтди. Турли-туман миш-мишлар таъсири билан бу ваҳима кучайгандан кучаяверди. Ночор аҳволда қолган аҳоли саросима ичида шаҳардан қочиб, яқин-атрофдаги қишлоқларга яширинди.

Аҳоли иккала томондан бемаъни қирғинни тўхтатиш ва тинч музокараларни қайта бошлашни талаб қила бошлади. Лекин уларнинг ҳамма уринишлари беҳуда кетди. Муваққат ҳукумат милициясига бошчилик қилувчи Эргаш ва унинг тарафдорлари тўнтариш ўтказди, М. Чўқаев маҳкамаси ағдарилди, Муваққат ҳукумат Ҳарбий Кенгашининг раиси М. Чанишев ва унинг энг яқин сафдошлари – рус офицерлари қамоққа олинди. М. Чўқаев ва Муваққат ҳукуматнинг либерал-демократик қанотини ташкил этувчи бошқа аъзолари Эргашдан яшириниб, Қўқонни ташлаб чиқиб кетдилар. Фақат ички миллий кучларга таянадиган, Туркистоннинг мустақиллиги ва Россиядан ажралиб чиқиши учун қуроли қаршилик кўрсатишга тарафдор бўлган мурасасиз кучлар ҳокимият тепасига келди. Лекин Мухтор Туркистон ҳукуматидаги бу ўзгаришлар унинг яқинлашиб келаётган мағлубиятини тўхтатиб қололмас эди.

5 февралдан 6 февралга (18 февралдан 19 февралга) ўтар кечаси Туркистон Халқ Комиссарлари Совети томонидан юборилган 11 эшелон ҳарбий қисмлар Қўқонга етиб келди. Отлиқ аскарлар, артиллерия ва пиёда қисмлари билан бирга Туркистон ўлкасининг ҳарбий комиссари Е. О. Перфильев ҳам келди. 6 февралда улар эски шаҳар ҳудудига бостириб кирдилар. Мухториятчиларнинг қўшинлари қаршилик кўрсатмасдан, ваҳимага тушиб, тинч аҳоли билан бирга қочди. Ана шу ҳаракат натижасида эски шаҳарнинг учдан бир қисми ер билан яксон бўлди, аҳоли ўртасида кўп қурбонлар бўлди, неча ўн минглаб кишилар бошпанасиз, кийим-кечаксиз, овқатсиз қолди. "Эндиликда Қўқон ўликлар шаҳридир" – қайгули Қўқон воқеаларининг "Улуғ Туркистон" газетаси томонидан гавдалантирилган хроникаси ана шундай сўзлар билан тугалланган эди.

Қўқон эски шаҳари ва ўлкадаги бошқа шаҳарларнинг делегациялари музокаралар бошлашни илтимос қилиб келдилар. Улар большевиклар томонидан таклиф қилинган

"тинчлик шартномаси"ни 9 (22) февраль куни имзоладилар. Бу шартноманинг биринчи моддасида: "Аҳоли Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва маҳаллий совет муассасаларини тан олади" дейилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, таланган, таҳқир қилинган аҳоли совет ҳокимиятини тан олди.

Туркистон мухториятчиларининг совет ҳокимияти томонидан тор-мор этилиши халқ оқида "Қўқон фожиаси" деган ном қолдирди. "Туркистон мухторияти" нинг ўзи эса ўлка халқлари озодлик ҳаракатининг қудратли, ҳақиқий рамзига, эркинлик ва мустақиллик учун кураш рамзига айланди.

Қўқон воқеалари Туркистон ўлкасидаги оврўполиклар жамоаси орасида кучли сиёсий акс садо уйғатди. Жамоат ташкилотларининг кўпгина вакиллари, меньшевиклар, эсерлар партияларининг арбоблари Туркистон большевикларининг Қўқондаги хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилиб чиқдилар.

Лекин ўз қилмишларининг ҳаққонийлигига ишонган Туркистон большевиклари ўзларига қўйилган ҳамма айбларни қатъиятлик билан инкор этдилар. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг 1918 йил 23 февралда бўлиб ўтган умумий йиғилиши Перфильевнинг Қўқон воқеалари тўғрисидаги маърузасини тинглаб, "контрреволюцияга қарши курашдаги матонат ва ғайрати учун инқилобий қўшинларни қутлаш..."га қарор қилди. Узил-кесил нуқтани Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети қўйди. Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Колесов март ойининг дастлабки кунларидаги махсус буйруқ билан "Қўқонда бўлиб ўтган аксилинқилобий чиқишнинг барча раҳбарларини қонундан ташқари" деб, уларнинг мол-мулкни эса "Туркистон ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг мулки" деб эълон қилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўлка мусулмонларининг фавқулоддаги IV съезди қандай қарор қабул қилди? 2. Мухтор Туркистон гоясини ўлканинг туб аҳолиси қандай қабул қилди? 3. Ўлка мухторияти тўғрисидаги гояга совет органлари қандай нуқ таи назардан қарадилар? 4. Муваққат ҳукуматдаги ихтилофларнинг асл моҳияти нима эди? 5. Туркистон ўлкаси мухторияти нима учун тор-мор этилди? 6. Туркистон ўлкаси мухторияти тор-мор этилишининг тарихий оқибатлари қандай?

7. "Туркистонда миллий ҳаракатнинг фаоллашуви" деган таҳлилий жадвални тузишда давом этинг.

4-§. Совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлари

Совет ҳокимиятининг Туркистондаги иқтисодий чоратад бирлари. Туркистоннинг хўжалик ҳаёти 1917 йилга келиб батамом тушкунликка тушди. Биринчи жаҳон уруши ўлқанинг бусиз ҳам қолоқ, метрополия саноатига хизмат кўрсатишга мўлжалланган иқтисодиётига катта зиён етказди. Экин майдонлари кескин камайиб кетди: 1917 йилда улар 1915 йилдаги 3,5 млн. десятина ўрнига 2,3 млн. десятинадан кўра сал кўпроқни ташкил этди. Вайронагарчилик саноатга ҳам таъсир қилди. Саноатнинг етакчи соҳаси – пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1917 йилда 1915 йилдагига қараганда 2 баравардан кўра кўпроқ камайди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида Россия большевикларида "тўғридан-тўғри социализмга ўтиш" ғояси устунлик қилиб турди, бу ғоя марксча талқинда бир маънода тушунилар эди: хусусий мулк бўлмаслиги, товар-пул муносабатларидан, хўжалик юритишнинг бозор механизмларидан воз кечиш, асрий ахлоқ қоидалари, умуминсоний одамгарчилик тамойиллари ўрнига пролетариат устун синфдир деган қоидаларни ёқлаб, синфий ёндашувни қатъийлаштириш шулар жумласидандир. Совет ҳокимиятининг амалдаги дастлабки қадамларида ана шу назарий қоидаларни амалга ошириш мўлжаллаб қўйилган эди. Кенг кўламларда хусусий мулкни тугатиш ишлари ўтказилди. Национализация, яъни мусодара қилиш тўғрисидаги бир қанча декретлар асосида ёр, йирик саноат корхоналари, транспорт, банклар хусусий мулкчиликдан ажратилиб, давлат мулкига айлантирилди.

Туркистоннинг большевик раҳбарияти Марказнинг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиб, буларни ўзига хос инқилобий кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга уринар эди. Бироқ ўзининг кўпчилик қисми назарий ва амалий жиҳатдан етилмаган, туб аҳолининг одатлари ва анъаналари билан таниш бўлмаган, уни

назар-писанд қилмайдиган бу ҳокимият кутилмаган ҳодисаларга дуч келиб қолди.

Чунончи, асрлар бўйи шахсий мулк муқаддас ва дахлсиздир, деб тарбияланиб келган туркистонлик деҳқонлар "Ер тўғрисидаги декрет" ни аслида қўллаб-қувватламадилар. Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқини бекор қилиш ва ерни ҳисобга олиш учун ер комитетлари тузиш тўғрисида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил 6 декабрдаёқ тегишли қарор қабул қилган бўлса-да, лекин бу қарор амалга оширилмай қолаверди. Кўпчилик жойларда тайёргарлик чора-тадбирларини амалга ошириш, бойларнинг ерларини ҳисобга олишга уринган ер комитетларини тузиш мумкин бўлди, холос. Умуман эса, экспроприация дастлаб подшо, помешчиклар ва бойлар хўжаликларининг тор доирасидагина бўлиб ўтди, лекин шуни амалга оширишда ҳам ўрта ҳол деҳқонлар хусусида қаддан ошиш қолларига йўл қўйилди.

Туркистон шаҳарлари бирмунча чуқур ўзгаришлар гирдобиди бўлди. 1917 йилнинг охирлари – 1918 йилнинг биринчи ярмида йирик саноатни мўсодала қилиш бошланди. Шу билан бирга бу ерда бунга амалга оширишга Россиядагидан кўра бирмунча эртароқ киришилди. Натижада 1917 йилнинг охирлари – 1918 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқаришининг етакчи соҳалари: пахта тозалаш, мой олиш, нефть, тошкўмир ва бошқа саноатларнинг 330 дан кўпроқ корхоналари давлат қўлига ўтди. Урушдан аввал бутун Туркистон саноати ялпи маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроқ қисмини шу соҳалар берар эди.

Туркистон раҳбарлари Россия саноат марказлари эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳа корхоналарини национализация қилишга шошилдилар ва ўлка халқларининг манфаатларини, бу тадбирнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарликни ҳисобга олмадилар. Хомашё, ёқилғи, маблағлар, ишчи қўллар йўқлиги туфайли, шунингдек уруш муносабати билан тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашиб қолганига кўра корхоналарнинг жуда кўпчилиги, айниқса пахта тозалаш корхоналари ишдан тўхтаб қолди, уларда банд бўлган ишчилар кўплаб бўшаб кета бошладилар. Национализация қилинган, "ҳеч кимга қарашлимас" бўлиб

қолган корхоналарнинг мол-мулклари ташиб кетилди, яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Социалистик иқтисодиётни яратишга доир совет ҳокимиятининг муҳим вазифаларидан бири халқ хўжалигини бошқаришни ташкил этиш бўлди. Советларнинг III Ўлка съездида (1917 йил 15–22 ноябрь) савдо, саноат, деҳқончилик халқ комиссарликлари ва бошқалар таъсис этилди. Сўнгра Халқ ишлаб чиқаришнинг Ўлка Совети тузилди. Унинг ўрнини Туркистон республикаси халқ хўжалигининг Марказий Совети эгаллади. Жойларда вилоятлар, шаҳарлар ва уездларнинг халқ хўжалиги советлари (совнархозлар) тузила бошлади.

Қамал ва вайронагарчилик шароитларида Туркистон республикасининг молиявий аҳволи батамом мушкул ҳолга тушиб қолди. Молиявий тангликдан қандай бўлса-да чиқиб олиш учун ҳукумат ва маҳаллий Советлар давлат хазинасини тўлдириш юзасидан кенг суратда кескин чораларни қўллашга: хусусий банклардан маблағларни тортиб олиш, буржуазия ва умуман бадавлат одамлардан товон ундиришга киришди. Уни тайинланган муддат ва белгиланган миқдорда тўламаганлиги учун айбдор ҳисобланганлар қаттиқ жавобгарликка тортилди.

Бироқ совет ҳокимияти давлат хазинасини шу ҳисобдан узоқ таъминлай олмас эди. 1918 йил 11 июнда Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети Молия комиссарлигининг "Пул белгиларини чекланмаган миқдорда чиқариш тўғрисида" ги таклифини қабул қилди. Туркистон ҳукумати бонлар чиқара бошлади. Бонлар билан бир қаторда маҳаллий Советлар ҳам ўз кредит билетларини чиқаришга киришди. Бонларнинг ҳамма ерларда ва тартибсиз равишда чиқарилавериши пул танқислигини гарчи бир қадар вақтинчалик қоплаган бўлса-да, лекин Туркистон республикаси молия тизимининг янада кўпроқ бузилишига ва пулларнинг кескин даражада қадрсизланишига олиб келди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини умуман давлат ихтиёрига ўтказиш ва барча ижтимоий соҳаларни давлат назорати остига олиш учун аслида худди мана шу пайтда асос солинди. Октябрь тўнтариши кунларида большевикларга ишчилар, солдатлар ва деҳқонларнинг қўллаб-

қувватлашини таъминлаб берган "Ер – деҳқонларга", "Фабрикалар, заводлар – ишчиларга", "Ҳокимият – Советларга" деган шиорлар аслини олганда шунчаки бир гап бўлиб қолди. Ҳақиқатда эса меҳнаткашлар ишлаб чиқариш воситаларидан яна ажралиб, янги хўжайин – Совет давлати учун ёлланма кучга айланди.

Туркистон республикасининг озиқ-овқатга тааллуқли сиёсати. Туркистонга ғалла етказиб келиш хусусида ниҳоятда оғир аҳвол юзага келди. 1917 йилнинг ноябридан 1918 йилнинг февралигача бўлган даврда Оренбург ва Сибирдан ғалла келтириш тўрт баравар қисқарди. Умум-россия вайронагарчилиги шароитларида ғалла ишлаб чиқарувчи районлар билан одатдагича товар ал-машинувини олиб бориш мумкин бўлмай қолди.

Тўрт йиллик жаҳон уруши туфайли заифлашиб, 1917 йилнинг ёзидаги қурғоқчилик, 1917—18 йиллардаги қаттиқ қаҳратон қиш ва баҳорги совуқлар туфайли путурдан кетган Туркистон иқтисодияти республикани фалокат ёқасига олиб келди. Озиқ-овқат танглиги бошланди. Россия аҳолини ғалла билан, чорвани эса ем-хашак билан таъминлашга қодир эмас эди. Деҳқонлар пахта етиштиришдан ғалла экинлари – оқ жўхори ва маккажўхори, шоли, тарик, буғдой экишга ўтдилар. Қишлоқ хўжалиги натурал хўжалик тусига кириб борди. Лекин бу ғалла билан таъминлаш масаласини ҳал қилмас эди. Деҳқонларнинг жуда кўпчилиги, армия ва шаҳарликлар четдан келтириладиган ғаллага муҳтож эдилар.

Чорвачилик ҳам таназзулга учради. Ем йўқлиги туфайли қанчадан-қанча моллар нобуд бўла бошлади. Ўлкада очлик ва доим унга йўлдош бўладиган эпидемиялар бошланиб кетди. Аҳолисининг кўпчилик қисми кўчманчи бўлган вилоятлар – Еттисув ва Сирдарё вилоятлари ҳаммадан кўра кўпроқ зарар кўрди.

Очликка қарши кураш юзасидан Туркистон ҳукуматининг амалга оширган дастлабки чора-тадбирлари натижасиз бўлиб чиқди.

1918 йилнинг баҳорида озиқ-овқат масаласи оғирлашди. Ғалла етишмовчилигига гўшт, мой, чой, қанд-шакар етишмовчилиги қўшилди. Ана шундай шароитда аҳолини синфий афзалликлари нуқтаи назаридан туриб таъминлаш навбати белгиланди: аввал Қизил Армия ва саноат

ишчилари, кейин қишлоқ камбағаллари таъминланадиган бўлди. Қишлоқ аҳолиси аслида товар алмашиш орқали очларга бериладиган ёрдам кўринишида ва давлат йўли билан тайёрланган маҳсулотларнинг бир қисми сифатида озиқ-овқат билан таъминланиши керак эди. Лекин пахтакор хўжаликларни таъминлаш режаси йўқ эди. Кўчманчилар том маънода айтганда, гиёҳлару ўт-ўланлар билан тамадди қиларди. Шаҳарларда эски шаҳар аҳолиси айниқса оғир аҳволда қолди.

Ана шундай шароитларда истеъмолчиларни ғалла савдоси устидан яққаҳоқимлик ўрнатиш асосидагина таъминлаб бориш мумкин эди. 1918 йил 21 январда Туркистонда ғалла билан эркин савдо қилиш тақиқлаб қўйилди.

1918 йил 20 ноябрда Туркистон Марказий Ижроия Комитети Очликка қарши кураш юзасидан марказий комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу комиссиянинг ташкил этилиши кўп жиҳатдан унинг биринчи раиси Т. Рискуловнинг хизмати бўлди, у очларга ёрдам бериш учун Халқ Комиссарлари Советидан 40 млн. сўм маблағ ажратилишига муваффақ бўлди. 1918 йилнинг кузидан бошлаб очлар учун тамадди шохобчаларини ташкил этиш кенг кўламда расм бўлди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг ғалла тайёрлашда мустақилликни қўлга киритиш юзасидан 1919 йил давомида қилган уринишлари беҳуда кетди. Марказ ғалла тайёрлашни марказлаштириш йўлида қаттиқ туриб олди. Октябрь тўнтаришидан олдинги йилларда Туркистонга ҳар йили 14 млн. пуддан 20 млн. пудгача ғалла келтирилган бўлса, 1918–1919 йиллардаги тайёрлов кампаниясида ғоят катта машаққат билан 1,5 млн. пуддан камроқ ғалла тайёрлашга муваффақ бўлинди, шунда ҳам бу ғаллани етказиб келиш мумкин эмас эди.

Яхши натижа бермаган товар алмашиниш билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун натурал солиқ ҳам қўлланилди. Бу солиқ муҳим иқтисодий дастак бўлиб, Туркистонда Россиядагидан кўра кенгроқ тарқалди, чунки ўзига хос миллий хусусиятни бир қадар ҳисобга олар эди. Бу солиқ Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 2 августдаги буйруғи билан ҳосилдан ажратиладиган

фоизлар ҳисобида белгиланди, бир йилдан кейин эса оширилди.

"Ғалла монополияси тўғрисида", "Синфий нон паёғи тўғрисида", "Туркистон республикасида озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан Озиқ-овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида" деган декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда озиқ-овқат диктатураси жорий этилди. Бироқ Туркистонда монополия бўлиши тўғри келмайди, уни жорий этиш деҳқонлар норозилигига сабаб бўлади деган кишилар ўша вақтда ҳам бўлди. Большевиклар эса қишлоқ камбағалларига қараб иш олиб бордилар, чунки монополия буларнинг манфаатларига мос тушар эди.

Ортиқча ғаллани яширган кишиларнинг ҳаммаси ғалла монополияси тўғрисидаги декрет билан "республика душманлари", "пролетариатга қарши энг оғир жиноятда айбдор" кишилар деб ҳисобланар эди. Қишлоқ аҳолиси орасида ваҳима бошланди.

"Синфий нон паёғи тўғрисида" деган декретга мувофиқ карточка тизими жорий этилди. Барча истеъмолчилар 3 тоифага бўлинди: ишчига кунига 1 қадоқ (масъул ходимлар ҳам ишчи билан тенглаштирилган эди), буржуазияга – 1/4 қадоқ нон тегиши керак эди. Темир йўлчиларга 1/4 қадоқ миқдоридида қўшимча паек бериларди. Нонни шу тариқа адолатсизлик билан тақсимлаш маҳаллий аҳолида норозилик уйғотди. Масалан, аҳолисининг сони ҳар хил бўлгани ҳолда эски ва янги Тошкент баравар миқдорда маҳсулот оларди.

Марказий Россиядан ибрат олиб, республикада олибсортарликка қарши маъмурий чоралар билан курашишга уриниб кўрилди (бозорларда ўраб олиб тутиш ва бошқалар), тез орада эса бозорлар бутунлай бекилиб қолди. Аҳолининг кўп асрлик савдо, маиший, маънавий анъаналари ҳисобга олинмаган бўлса, иқтисодий жиҳатдан бемаъни бўлган бу чора (Туркистон республикаси аҳолисининг учдан бир қисмида 1919 йил кузида карточкалар йўқ эди) умуман тўғри келмас эди. Хусусий савдони йўқ қилишга ҳатто ишчиларнинг бир қисми ҳам қарши чиқди.

1920 йил бошларидагина монополия бир қадар бўшаштирилди. Озиқ-овқат развёрсткаси кўринишида мо-

нополияни фақат кўчиб келганлар яшайдиган районларда ўтказишга қарор қилинди, мусулмонлар районлари учун натура солиғи жорий этилди. Бироқ тайёрлов сиёсатида табақалаштирилган ёндашув узоқ сақланиб қолмади. 1920 йил августда бутун Туркистон ҳудудида озиқ-овқат развёрсткасини жорий этиш ~~тўғрисида~~ қарор қабул қилинди. Озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтириб юборди.

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати, унинг методлари ва шакллари. Фуқаролар уруши ва иқтисодий бузғунликнинг фавқулоддаги шароитларида таркиб топган хўжалик тизими қаттиқ марказлаштирилган тоталитар организмдан ўзга нарса бўлиши мумкин эмас эди. Ана шундай тизимнинг қолипини ташкил этган барча иқтисодий ва бошқа чораларнинг ҳаммаси бир бўлиб, "ҳарбий коммунизм" сиёсати деган анча аниқ таърифни олган. Моҳият эътибори билан айтганда у қуйидагилардан иборат бўлди: бутун саноат ишлаб чиқариши давлат қўлларида жамланиб, қаттиқ марказлаштириш асосида бошқарилар эди; ортиқча озиқ-овқатни деҳқонлар давлатга топширар (озиқ-овқат развёрсткаси), давлат эса саноат ва озиқ-овқат молларини тақсимлашни ўз қўлига олган эди; озиқ-овқатни меъёр билан тақсимлаш жорий этилди, меъёрланган озиқ-овқат ва саноат моллари билан хусусий савдо қилиш тақиқланди; озиқ-овқатни, кенг истеъмол буюмларини давлат деярли текин (иш ҳақи натурализацияси) ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан сифатини қаттиқ ҳисобга олмасдан туриб берарди (бир текис тақсимлаш); пул муомаласи натурал алмашиниш билан алмаштирилди; меҳнатга яроқли аҳолининг ҳаммаси мажбурият тариқасида меҳнатга жалб этиларди (меҳнат милитаризацияси).

Бу чора-тадбирлар ва методларнинг кўпчилиги фавқулоддаги ҳодисалар тариқасида жорий этилди ва уруш ҳамда вайронагарчилик қийинчиликларига алоқадор эди. Лекин амалда ҳарбийча бўлган бу алоҳида чора ва методларнинг социалистик қобиғи шунга олиб келдики, улар большевиклар партияси узоқ муддатли сиёсатининг қисмларига айланиб қолди. Хўжалик юритишнинг бу ме-

тодларини большевиклар аслида социализмга моддий тайёргарлик деб билишди.

Йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва ҳатто майда саноатни ҳам тезкорлик билан национализация қилиш "ҳарбий коммунизм" тизимининг муҳим таркибий қисми бўлди. Бу тадбирни амалга оширишда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 28 июнда йирик саноат ва транспортни ялпи национализация қилиш тўғрисида чиқарган декрети Туркистон ҳукумати учун амалий дастур бўлиб хизмат қилди. Саноатнинг Туркистон ҳукумати томонидан тезкорлик билан национализация қилиниши натижасида фабрика- завод корхоналарининг жуда кўпчилиги 1919 йилнинг кузига келиб давлат мулки қаторига ўтди, хўжалик учун зарурияти бўлмаса ҳам талайгина кустарь ва ярим кустарь корхоналар умумийлаштирилди. Маҳаллий бошлиқларнинг корхоналар ва ҳунармандларнинг мулки хусусидаги бундай хатти-ҳаракатлари ҳунармандлар ўртасида норозилик кучайишига сабаб бўлдики, бу нарса ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кўпроқ кескинлаштириб юборди.

Ялпи меҳнат мажбуриятини ўлкада рўёбга чиқаришнинг Советлар VII ўлка съезди томонидан ишлаб чиқилган кенг дастури аҳолининг 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркак ва аёллари учун меҳнат мажбуриятини белгилаб берди. Бироқ бу дастурни амалга оширишда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Чунончи, туркистонлик бошлиқларнинг маҳаллий одатларга кўра жамоат жойларида юзини очиб юриши мумкин бўлмаган мусулмон хотин-қизларини жамоат ишларига жалб этишга уриниши жуда қўпол хато бўлди. 1919 йил 9 августда қабул қилинган "Меҳнат тўғрисидаги қонун" га мувофиқ, 16 ёшга етган, ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, меҳнатга яроқли барча меҳнаткашлар учун меҳнат мажбурияти белгиланди. Лекин бу ҳужжатда ҳам ўлканинг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ва миллий-маиший шароитларининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинмади.

Меҳнат мажбуриятини амалга оширишда қилинган ўзбошимчалик ва зўрлик аҳоли орасида норозилик ва қаршилиқ уйғотди. Одамларнинг ўз оиласи ва туғилган еридан ажралиб чиқиб кетишига олиб борадиган меҳнат мажбурияти аҳолининг мусулмон қисми учун яқиндагина

бошдан кечирилган подшоликнинг мардикорлик ишларига сафарбарликдек бўлиб туюлар эди. Эски шаҳарларнинг аҳолиси меҳнат сафарбарлигидан қутулиш учун қишлоқларга қочиб кетар ёки қўлига қурол олар эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1. Совет ҳокимияти Туркистондаги иқтисодий вазиятни ўзгартиришга қаратилган қандай чораларни кўрди? 2. Туркистонда фабрика- завод саноатини национализация қилиш қай тарзда борди? 3. Озиқ-овқат масаласини ҳал қилишда тутилган қандай йўл Туркистоннинг туб аҳолиси манфаатларига зид эди? Нима учун? 4. "Ҳарбий коммунизм" сиёсати нима ва у қай тариқа амалга оширилди?

5-§. Ўлкада сиёсий вазиятнинг кескинлашуви

Туркистон Советларининг V съезди ва унинг ТАССР тузиш тўғрисидаги қарорлари. "Туркистон мухторияти" Муваққат ҳукумати тор-мор этилгандан кейин Туркистонда ижтимоий-сиёсий вазият ниҳоят даражада кескинлашди. Туркистон большевиклари ўлкага мухторият бериш зарурлигини сўзда эътироф этсалар-да, буни фақат мухторият буржуа мухторияти бўлмасдан, балки пролетариат мухторияти бўлсагина амалга ошириш мумкин бўлади деб ҳисоблар эдилар; мусулмон пролетариат уюшиб, ўлкани бошқариш ишини ўз қўлига олганидан кейингина мухториятни эълон қилиш мумкин бўлар эмиш. Советларнинг IV съездида: "Халқнинг ўз-ўзини белгилашини биз фақат меҳнаткаш синфларнинг ўз-ўзини белгилаши деб биламиз" деб кўрсатилган эди.

Туркистон мухторияти тўғрисидаги масала 1918 йил 20 апрелда очилган Со ғларнинг V съездида муҳокама мавзуй бўлиб қолди. Съ ед қатнашчилари орасида маҳаллий миллатларнинг 50 нафарга яқин делегати бўлиб, улар умумий делегатлар сонининг 20 фоиздан камроғини ташкил этар эди.

1918 йил 30 апрелда съезд РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Мухтор республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва "Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисидаги низом" ни тасдиқлади. Съезд Совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органини – 36 киши (большевиклар ва сўл эсерлардан 18 тадан аъзо) дан

иборат Марказий ижроия комитетни сайлади. Марказий ижроия комитетнинг раиси этиб большевик П. А. Кобозев сайланди. Республика Марказий ижроия комитетига биринчи марта маҳаллий аҳолининг 7 вакили сайланди, туб аҳолининг 4 вакили республика Халқ Комиссарлари Совети таркибига кирди.

Берилган мухторият табиатан миллий бўлмай, балки ҳудудий эди. Советлар асосида эълон қилинган мухториятнинг самараларидан биринчи галда маҳаллий бўлмаган аҳоли, аввало унинг пролетар оммаси баҳраманд бўлди. Туб аҳоли вакиллари Туркистон республикаси Марказий ижроия комитети ва Халқ Комиссарлари Советидаги жойларнинг бешдан бир қисмидан камроғини ва маҳаллий Советлар ҳайъатининг кўпи билан ярмини эгаллади.

Большевиклар партиясининг ҳукмрон партияга айланиши, янги жамият қуриш юзасидан унинг олдида туриб қолган мураккаб ва масъулиятли вазифалар ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслашиш заруриятини туғдирар эди. Туркистон большевиклари тарқоқ, ўзаро бирлашмаган ва ўлка миқёсида раҳбарлик қилувчи марказга эга бўлмаган эди. 1918 йил ўрталарига келганда Туркистон большевикларининг 20 дан ортиқроқ партия комитетлари ва йирик партия ташкилотлари бўлиб, булар 2 мингга яқин партия аъзоларини бирлаштирган эди. Буларнинг ташкилий жиҳатдан уюшуви 1918 йилнинг июнида – Туркистон коммунистлар партияси (ТКП) нинг I таъсис съездида бўлиб ўтди.

Советларнинг V Ўлка съезди ва ТКП нинг I съезидан кейинги давр туб аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишни кучайтириш билан бирга борди. ТАССР Миллий ишлар бўйича халқ комиссарлиги вилоят ва уезд Советлари қошида миллий ишлар бўйича бўлимлар ташкил этишга киришди, бу бўлимлар ўз ҳудуди доирасида туб аҳолини совет қурилиши билан ҳарбий қурилишларга жалб қилиш юзасидан иш олиб борди.

1918 йил август ойида ТАССР Марказий Ижроия Комитети туркий тилни рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон этган бир қанча ҳужжатларни қабул қилди.

Республиканинг сиёсий ҳаётида Туркистоннинг давлат мухторияти тўғрисидаги масала муҳим масала бўлиб қолаверди. Туркистон республикаси мухториятининг чегара-

лари тўғрисидаги масала РСФСР ва ТАССР ҳукуматлари томонидан ҳал этилмаганлигига қарамасдан, Советларнинг Фавқулоддаги VI ўлка съезди 1918 йилнинг октябрида РСФСР нинг 1918 йилдаги Конституциясини асос қилиб олиб, Туркистоннинг ҳуқуқий мавқеини конституция йўли билан расмийлаштиришга киришди. Съезд Конституцияни тасдиқлаб, Туркистон совет мухториятини конституция йўли билан расмийлаштириш вазифасини асосан бажарди.

Туркистон республикасида сиёсий вазиятнинг кескинлашуви. 1918 йилнинг иккинчи ярмида Туркистонда сиёсий вазият кескин даражада оғирлашди. Иқтисодий танглик, озиқ-овқат танқислиги сиёсий танглик билан янада чуқурлашди. Совет ҳокимиятининг асосий ижтимоий таянчи – ишчилар синфи ўртасида большевиклар ҳукумати сиёсатидан қониқмасликнинг кучайиб бориши ана шундай вазиятнинг асосий сабабларидан бири бўлди.

Туркистон ҳукуматининг ҳарбий-сиёсий ҳаракатларида – Дутовнинг оқ казак қўшинларини Оренбург яқинида (1917 йил декабрь – 1918 йил январь), Зайцевнинг казак отрядларини Самарқанд яқинида (1918 йил январь – февраль) тугатишда, "Туркистон мухторияти"нинг тор-мор этилишида (1918 йил январь – февраль), Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг Бухоро амирлигига қарши ҳарбий юриши (1918 йил февраль – март) ва бошқаларда дастлабки қизил гвардиячи отрядларнинг асосий ўзагини ташкил этган ишчиларнинг қатнашиши уларга большевик раҳбарлар амалга ошираётган сиёсат ва стратегиянинг ҳақиқий томонларини очиб берди. Чарчоқлик, ҳисобсиз қурбонлар қайғуси, оғирлашиб бораётган турмуш шароитларининг ташвишлари, очлик ваҳимаси билан бир қаторда ишчиларда большевиклар сиёсатининг зўрайиб бораётган милитаризмдан норозилик, бу сиёсатдан ихлос қайтиб, узоқлашиш кучайиб борди.

Каспийорти вилояти йирик шаҳарлари ишчиларининг ўз Советларидаги большевик раҳбарларни алмаштириш ва кўп партиялилиқ асосида уларни қайтадан сайлаш учун бошланган тинчлик ҳаракатининг ҳамма сабаблари ана шу кайфиятга боғлиқ бўлди. Бироқ Туркистон ҳукумати большевик раҳбарларининг экстремизми, бу жанжални қуролли куч билан босишга ҳаракат қилиши 1918 йил

июль ойида Ашхободда қўзғолон кўтарилишига олиб келди.

Туркистоннинг талайгина шаҳарларидаги ишчилар жанжални тинчлик йўли билан ҳал қилишни ёқлаб, урушга қарши чиққан бўлсалар-да, Туркистон ҳукумати урушни танлади. 1918 йил 13 июль куни "барча ҳарбий ва сиёсий ҳаракатлар устидан" раҳбарлик қилиш ва "Ашхобод аксилинкалобий қўзғолонини" тугатиш учун Ҳарбий-сиёсий штаб тузилди. Бу эса Каспийорти фронтининг очилишига олиб келди. Туркистон раҳбарларининг экстремистик хатти-ҳаракатлари туфайли бошланиб кетган фуқаролар уруши 1920 йил февраль ойидагина барҳам топди.

Еттисув вилоятидаги фуқаролар уруши ҳам худди шундай сценарий бўйича бошланган эди. 1918 йил апрель ойининг ўрталарида Верний шаҳрининг қизилгвардиячи отрядлари вилоят большевик раҳбарларининг буйруғи билан ғаллани тортиб олиш ва казакларни қуролсизлантириш учун казак қишлоқларига бостириб кирдилар. Турли шакл ва усуллардаги зўрлик билан қилинган ана шу ҳаракат казаклар билан кўчиб келган деҳқонлар ўртасида узоқ давом этган биродаркушлик урушини бошлаб берди.

Туркистонда фуқаролар уруши муносабати билан очилган фронтлар асосан оврўполик аҳолини ўз гирдобига олган бўлса-да, лекин унинг алангаю оташи туб халқларни – ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизларни ҳам куйдириб, буларни ўзлари танлаган йўлга ўтишга мажбур этди.

1918 йилнинг иккинчи ярмида Туркистонда Совет ҳокимияти, аслини айтганда, қил устида туриб қолди. Лекин рўй бераётган ҳодисаларнинг асл моҳияти тўғрисида республика меҳнаткашларига нотўғри тушунчалар бериб, уларни шунга астойдй ишонтириб борган большевиклар пропагандаси уларнинг Совет ҳокимияти учун курашда иштирок этишини таъминлашга муваффақ бўлди.

Бироқ Совет ҳокимияти учун жиддий хавф большевиклар партиясининг ўзидан, тўғрироғи, унинг раҳбарияти ичидан чиқиб қолди. Назарий ва сиёсий жиҳатдан етилмаган, чаласавод бўлган партия етакчилари аксариятининг ман-манлиги туфайли бошланган ҳар хил гуруҳлар курашидан ТКП доим ларзага келиб турди. 1918

йилнинг иккинчи ярми бошидан то охиригача ТКП да "эски коммунистлар" гуруҳи (И. Тоболин, Ф. Колесов ва бошқалар) билан марказдан келган партия ходимлари – "ёш коммунистлар" гуруҳи ўртасидаги кураш белгиси билан ўтди. Советларнинг VI съездида етакчи лавозимларидан четлатилган большевик И. Тоболин ва Ф. Колесов ҳамда уларнинг тарафдорлари янги келганларга қарши қаттиқ кураш бошлаб юбордилар. Аслини айтганда, бу ТКП раҳбарлари ўртасида ҳокимият учун олиб борилган кураш эди-ю, лекин можаро партиянинг етакчи доираларидан маҳаллий партия ташкилотлари ва армияга ўтиб кетди, фақатгина Тошкентнинг ўзидагина эмас, балки бутун Туркистон республикасида ҳам сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Можарони тинчитиш учун Фанқулудда тергов комиссияси тузилди, ТКП II съездининг бир нечта мажлиси шу можарони муҳокама қилишга бағишланди (1918 йил декабрь).

Ҳарбий кучлар ТКП обрў-эътиборининг пасайиши, Совет ҳокимиятининг беқарорлигидан фойдаланиб қолишга уриндилар. Ижтимоий ҳаёт тобора кўпроқ милитарлашиб, республика қуролли кучлари ижтимоий жараёнларга тобора кучлироқ таъсир ўтказаяётган шароитда ҳарбий раҳбарларнинг ҳокимиятга даъвогарлик қилиши кучайиб борди.

Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари, 1913 йилдан большевик К. Осипов ва унинг ғоявий маслакдошлари ўзларига ишониб топширилган ҳарбий қисмларга таянган ҳолда ~~1919 йил 19 январь кuni Туркистон республикасида Ҳарбий тўнтариш ўтказиш ва Ҳарбий диктатура ўрнатишга уриниб кўрдилар. 14 нафар Туркистон комиссарлари, жумладан, Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси В. Вотинцев ва Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. Фигельскийлар қўлга олиниб, отиб ташланди. Тўнтаришнинг мақсади нашр этилган қаҳриқда очиқ-ойдин маълум қилинган эди: "Совет ҳокимияти ағдарилди... Эндиликда большевиклар меросининг оғир юкини ўз зиммасига оладиган муваққат ҳукумат сизни оғишмасдан халқ ҳокимияти ғоясини амалга оширишга – Таъсис мажлисига бошлаб боради". Бироқ ишчилар оу фитнани қўллаб-қувватламадилар ва у бостирилди.~~

Исён бостирилгандан кейин Совет ҳокимиятини мудофаа қилиш вақтида Ўрта Осиё темир йўл устахоналарида тузилган Муваққат ҳарбий-инқилобий Совет республика олий органи ҳуқуқини олди. Январь ойининг охириларида

бу Совет Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети ўзининг одатдаги ишига киришсин, деган қарор чиқарди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети Раисининг вазифаси А. А. Казаков зиммасига юкланди, Ўлка инқилобий совети раисининг лавозими ҳам унинг ўзида сақлаб қолинди. Ҳокимият тўпланиб, жамул-жам бўлди.

1 мартда Советларнинг Фавқулоддаги VII съездини чақиришга қарор қилинди. Бу съезд зиммасига Ўлка совет ҳокимиятини қайтадан тузиш вазифаси қўйилди. РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йил 12 февралда алоҳида тузилган Туркистон ишлари бўйича вақтинчалик комиссияси партия ишини кучайтириш ва совет ҳокимиятини мустақамлашда Туркистон большевикларига ёрдам бериши керак эди. 1919 йил 4 март кунни комиссия аъзоларидан Тошкентга фақатгина П. А. Кобозев етиб келди. Эртаси куниниёқ у Советлар Фавқулодда VII съездининг сўл эсерлар партияси тўғрисидаги масалани қизгин муҳокама қилаётган коммунистлар фракцияси ишида иштирок этди. Советларнинг VII съезди сўл эсерлар партияси умуман сиёсий жиҳатдан ҳалокатга учраганини, унинг турғатилганини маълум қилди. Натижада, бутун мамлакатда бўлганидек, Туркистон республикасида ҳам бир партиялилиқ тизим ўрнатилди.

Большевиклар давлат тизимининг зиддиятлари маҳаллий миллат меҳнаткашларини давлатни бошқариш ишига жалб қилишдек аллақачаноқ етилган, лекин қанузгача йўл топиб, сиртга чиқмаган муаммода жуда яққол кўринди. ТКП Ўлка Комитети қошида 1919 йил март ойида тузилган Ўлка мусулмонлари бюроси ана шу муаммони ҳал қилиш долзарб масала бўлиб турганини таъкидлади. Бу бюро таркибига Т. Рисқулов (раис), А. Муҳиддинов, Н. Хўжаев ва бошқалар кирди. Мусулмонлар бюроси томонидан 1919 йил июлида чақирилган мусулмон коммунистларининг биринчи ўлка конференцияси "кўпгина маъсул ўртоқларнинг" маҳаллий пролетарларга ишонмаслиги, миллий қарама-қаршилиқни кучайтираётгани, "мусулмон пролетариатининг талайгина жойларда давлат қурилишида тегишлича" иштирок этмаётганини очиқдан-очиқ маълум қилди.

Шундай қилиб, РКП(б) Марказий Комитети синфий кураш назарияси билан ҳақиқий, тарихан вужудга келган Туркистон шарт-шароитлари мезонларини бирга қўшиш зарурияти олдида туриб қолди. Унинг "сих ҳам куймасин, кабоб ҳам" зайлида топган йўли ишчи ва деҳқон депутатлари орасида миллатлар ваколатларининг мутаносиб бўлишига асосланган эди.

1919 йил 10 июлда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон РКП(б) Ўлка Комитетига радиограмма юборди. Бу радиограммада мана бундай дейилган эди: "Коммунистик партиянинг саккизинчи съездида қабул қилинган дастурга асосан, Шарқдаги ишчи-деҳқонлар ҳокимияти сиёсатининг манфаатларини кўзлаб, Туркистон туб аҳолисини партиёга мансублигини шарт қилиб қўймасдан аҳоли сонига мутаносиб равишда давлат фаолиятига кенг жалб этиш зарур". Ўлка мусулмонлари бюросининг ташаббуси билан 16 июль куни Тошкентнинг эски шаҳар қисмида умумхалқ митинги чақирилди. Бу митингда П. Кобозев, Н. Хўжаев, М. Алиев ва бошқалар сўзга чиқишди. Йиғилиш Марказий Ижроия Комитети янги ҳайъатини вакиллар мутаносиблиги асосида сайлаш учун Туркистон Советларининг Фавқулоддаги VIII съездини чақиришни ёқлаб фикр билдирди.

РКП(б) Марказий Комитетининг ваколатлар мутаносиблиги тўғрисидаги директиваси Советлар VIII съездида тайёргарликнинг асосий томонларини белгилаб берди. Пировардида съезднинг мандат комиссияси рўйхатга олинган 232 нафар делегатнинг 41,8 фоизи туб аҳоли вакилларидан иборат деб қайд қилди.

Туркистон Советларининг VIII съезди 6 сентябрда очилди. Шу билан бир вақтда ТКП IV съезди ҳам бўлиб ўтди. ТКП съезди қаттиқ музокаралардан кейин республика совет органларида мутаносиб ваколат принципини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Туб миллатлар меҳнаткаш оммаларини совет қурилишига жалб этиш мақсадида ТКП Ўлка Комитетига, Ўлка мусулмонлар бюросига, маҳаллий партия ташкилотлари зиммасига "шаҳарларда мусулмон пролетариатини уюштириш, қишлоқлар ва овулларда меҳнаткаш аҳоли ва деҳқонларни синфий белгисига қараб синфий ташкилотларга жалб этиш юзасидан ҳамма чораларни кўриш" вазифаси юкланди.

Туркистон қамалининг ёриб ўтилиши ва Туркистондаги воқеалар ривожига РКП(б) Марказий Комитети ҳамда Совет ҳукумати таъсирининг кучайиши. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Турккомиссиясининг роли. 1919 йилнинг сентябрида Туркистон марказий Россия билан узил-кесил бирлашгандан кейин РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Туркистондаги воқеалар ривожига таъсири кучайди. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йил 8 октябридаги қарори билан тузилган Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) бунда ниҳоятда катта ролни ўйнади. Бу комиссиянинг биринчи ҳайъатига Ш. Элиава (раис), Бокий, Голошкекин, Куйбишев, Рудзутак, Фрунзелар аъзо бўлиб кирган эдилар. Турккомиссия ўлкадаги ижтимоий ва миллий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиб ва туб аҳоли, аввало унинг энг камбағал қисми аҳволини яхшилашга доир ишни авж олдириш зарурлигини эътироф этиб, мусулмонлар бюроси раиси Т. Рисқулов бошчилигидаги партия ва совет ходимлари гуруҳини қўллаб-қувватлади. ~~1920 йилнинг январидан Т. Рисқулов Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси этиб сайланди.~~

V ўлка партия конференциясида (1920 йил январь) Т. Рисқулов Туркистон Компартияси номини Туркий халқлар компартияси деб ўзгартириш, Туркистонни Турк Совет Республикаси деб аташ фикрини майдонга қўйди. Бу таклифлар хусусида шў конференциянинг ўзидаёқ авж олиб кетган баҳслар партия ташкилотида умуман ўткир ғоявий тўқнашувларга сабаб бўлиб, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаёти жабҳасига ва ундан ташқарига ҳам ўтиб кетди. "Туркистон масалалари" РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 1920 йил мартдан то июнигача бўлган мажлислари кун тартибида бир неча мартадан ўрин олди. Бу масалаларни муҳокама қилиш муҳолифларнинг ташкилий масалаларга оид дастлабки ихтилофлар доирасидан анча нарига чиқиб кетганлигини кўрсатиб берди. Туркистон мухторияти тамойилларининг моҳияти, мустахлакачилик кўринишларига қарши кураш, марказ

вакили бўлмиш Турккомиссиянинг Туркистон республикасидаги раҳбар партия ва совет муассасалари билан ўзаро муносабати муаммолари диққат марказида туриб қолди.

Т. Рисқулов ва у билан бирга 1920 йил май ойида Москвага келган Н. Хўжаев, Г. Бех-Иванов "РСФСРнинг Туркистон автоном Совет Республикаси тўғрисида низом лойиҳаси"ни РКП(б) Марказий Комитетига тақдим этдилар. Бу лойиҳада Туркистон халқларининг миллий совет республикасини тузиш кўзда тутилган ва ўлка халқларининг ривожланган мамлакатлар халқлари билан тенглигининг зарур шarti ва бунга эришишнинг воситаси сифатида Туркистон АССРнинг давлат суверенитетини сақлаб қолиш ғояси ҳимоя қилинган эди.

1920 йил 29 июнда РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Т. Рисқуловнинг лойиҳасини рад этиб, "РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида" деган умумий ном билан бирлаштирилган бир неча қарорларни қабул қилди. Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати натижасида четдан келган овруполик аҳоли билан туб миллатлар халқлари ўртасида ўлкада юзага келган муносабатларга барҳам бериш ва маҳаллий аҳолининг ижтимоий муносабатларида сақланиб қолган "патриархал-феодал меросни тугатишни" РКП(б) Марказий Комитети шу вазифалар қаторига киритди. "Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида" деган қарорда Туркистонда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ва РКП(б) Марказий Комитетининг доимий ваколатхонаси бўлиши зарур, деб кўрсатилган, ТАССР федерал ҳукумати ва давлат ҳокимияти органлари вазифаларининг доираси белгилаб қўйилган эди. Шундай қилиб, ўлка халқларининг миллий давлатини ўз-ўзидан белгилаши аслида "юқоридан", РСФСР партия раҳбарияти томонидан амалга оширилди. Демократик жараён партиянинг ички қарори билан алмаштирилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Туркистон мухторияти тўғрисидаги масала Советларнинг V съездида қай тариқа ҳал қилинди? 2. Туркистонда 1918 йил давомидаги сиёсий вазият нима билан белгиланар эди? 3 "Осипов исёни"нинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

4. "РСФСР Турк республикаси" лойиҳасига большевиклар қандай муносабатда бўйдилар? 5. Таҳлилий жадвални тузишда давом этинг.

6-§. Истиқлолчилар ҳаракати

Мустақиллик учун бошланган ҳаракат: унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, етакчилари. 1918 йилнинг баҳоринда Фарғона водийсининг яқин-атрофларидаги йirik маъмурий марказлар, темир йўл станциялари, қишлоқларда туркистонликлар отрядларининг қизилармия-қизилгвардиячи қўшинлар билан қуролли тўқнашувлари бошланди. Ана шу воқеалар билан Туркистонда узоқ давом этган уруш бошланиб кетди. ✓

Туркистонликлар отрядларининг жанговар ҳаракатларини совет ҳокимияти дастлаб қароқчи, талончилар тўдаларининг чиқишлари деб билди ва подшо ҳукумати даврида ҳам бўлиб турган маълум воқеаларнинг номидан нисбат олиб, уларни "босмачилар" деб атади. ✓ Бироқ бу ҳаракат авж олиб борган сайин Советларнинг унга бўлган муносабати ўзгара бошлади. Бу қуролли қўзғолонларнинг ҳукуматга қарши, большевикларга қарши қаратилганлиги учун ўлканинг партия ва совет раҳбарлари уни синфий курашнинг, инқилоб томонидан ағдариб ташланган эксплуататор кучлар – бойлар, феодаллар, эшонлар аксилинқилобий ҳаракатининг шаклларида бири деб билди ва умуман Россия, жумладан Туркистонда ағдарилган синфлар томонидан бошланган фуқаролар урушининг таркибий бир қисми деб ҳисоблади. ✓ Фарғона водийсидаги жанговар ҳаракатлар Фарғона фронти деган расмий ном олди. Шунга яраша, зўрайиб бораётган қаршилиқни тугатишнинг бирдан-бир воситаси куч ишлатиш усуллари дидеб эътироф этилди. ✓

✓ Туркистонликларнинг отрядларида талайгина меҳнаткашлар – деҳқонлар, ҳунармандлар, камбағаллар борлигини инкор этиш имконига эга бўлмай, большевикча тарғибот уларнинг иштирокини булар сиёсий жиҳатдан етилмаган кишилардир ва эксплуататор синфлар шундан фойдаланиб туриб, уларни алдаш йўли билан ўз сафларига тортиб олган деб тушунтирди. Туркистонга етиб келган РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети вакилларининг

таъсири остида ўлканинг совет ва партия раҳбарияти кейинчалик совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонда кенг халқ оммаси иштирокининг мана булардан иборат бошқа сабабларини тан олишга мажбур бўлди:

– Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши ва шундан кейин маҳаллий аҳолига қарши жазо компаниясининг авж олдирилиши;

– халқ ўртасида оммалашмаган "социалистик" сиёсатни амалга ошириш – масжидлар, мадрасаларни ёпиб қўйиш, қозиларнинг иш кўришини тақиқлаш, саноат корхоналари, ҳатто ҳунармандчилик корхоналарини ҳам мусодара қилиш, галла монополияси, озиқ-овқат развёрсткасини (тақсимотини) жорий этиш, прототрядлар (озиқ-овқат тўғловчи отрядлар) фаолияти, бозорларни бекитиб қўйиш, эркин савдони тақиқлаш ва бошқалар;

– Туркистон туб халқларига қарши қаттиқ террорга айланиб кетган "ўт қўйилган ер" тактикаси.

Қуролли ҳаракатнинг оммавий тус олиб кетишини, шубҳасиз, ана шу ҳодисалар белгилаб берди, бироқ унинг келиб чиқиши ва узоқ чўзилганининг боиси бирмунча чуқур сабабларга – мустақилликка ва мустамлакачиликдан халос бўлишга интилишнинг Ўрта Осиё халқлари онгига маҳкам сингиб кетганлигига боғлиқ эди. "Туркистоннинг мустақиллиги учун кураш", "Туркистоннинг озодлиги учун" деган шиорлар подшо ҳукумати ўлкани босиб олган пайдан бошлаб ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кун тартибидан ҳеч қачон олиб қўйилмаган эди. Булар Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг узоқ давом этган бутун тарихи давомида шу ҳаракатнинг моҳиятини ташкил этди. Бу ҳаракатнинг шакллари ва тактикаси ўзгариб турди, холос: подшо ҳукумати даврида ўз-ўзидан бошланиб кетган маҳаллий ва бутунтуркистон халқ қўзғолонларидан тортиб мустақиллик ва истиқлолга тинч, сиёсий йўл билан эришиш мумкин деган ишонч билан икки инқилоб даврида бошланган мухториятчилик ҳаракати шулар жумласидандир. Туркистон мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши халқнинг бу ишончини йўқ қилиб, уни қўлга қурол олишга мажбур этди. Бу – миллий-озодлик уруши бўлиб, ўлка аҳолисининг ҳамма ижтимоий гуруҳ ва кураши қатламлари – бойлар, деҳқонлар, мусулмон руҳонийлари, шаҳарликлар унга

қўшилди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси, мусулмон коммунист К. Отабоевнинг эътирофи этишича, "1919 – 1920 йилларда Фарғонада энди бандитлик, босмачилик эмас, балки муайян бир халқ қўзғолонлари бўлиб турди". Қуролли ҳаракат ўз сафларидан неча юзлаб отряд бошлиқларини – қўрбошиларни етиштириб чиқарди. Ҳаққоний иш йўлида ҳалок бўлган қўрбошиларнинг қўзғалончилар солномачиси Шаҳобиддин Яссавий томонидан тузилган биргина рўйхатидагина 114 ном тилга олинган. Турли қатламлар ва турли миллатлар орасидан етишиб чиққан мана шуларнинг ҳаммасини – эшонлар ва муллалар, шаҳар полицияси бошлиқлари, собиқ хонликлар даврининг ҳарбий бошлиқлари ва бошқаларни, ҳарбий ишда тажрибали кишилар ва бутунлай тинч касб-кор аҳлларини битта нарса: ўз Ватанини озод, эркин ҳолда кўриш истаги бирлаштирди. ✓Жангга кирганларнинг бош шиорлари: "Туркистон – туркистонлик халқларнинг ватанидир!", "Туркистонни фақат туркистонлик-ларнинг ўзи босқинчилардан халос қилади!", "Дин учун курашда шаҳид бўлайлик ёки зафар қозонайлик!", "Бойлигимизни, ҳаётимизни дин ва ватан йўлида қурбон қилайлик! ✓деган чақириқлардан иборат бўлди. Бу ҳаракат ривожининг айрим даврларида ном чиқарган етакчилари Кичик ва Катта Эргашлар, Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек), Шермуҳаммадбек (Шермат), Иброҳимбек Лоқай қўрбошилар бўлди.

Туркистон халқларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган, 30- йилларнинг ўрталаригача гоҳ ғолиблик, гоҳ мағлублик билан давом этган қуролли курашида энг оммавий тус олган, миллий-озодлик ҳаракати тарихига унутилмас саҳифаларни битиб кетган даври унинг бошланғич даври – 1918 йил февралидан 1920 йилгача ўтган давр бўлди. Ўз навбатида, бу даврнинг ҳарбий ҳаракатлар тактикаси билан стратегияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи икки босқичи рўй-рост ажралиб туради: 1918 йил февраль – 1919 йил охири ва 1919 йил охири – 1920 йил охири. Бу ҳаракатларнинг тезкорлиги ва ҳар бир босқичидаги самарадорлигига унинг ўз ичидаги сиёсий ҳолат ва ташқи сиёсий вазият таъсир ўтказиб турди, бу ташқи сиёсий вазият эса, ҳам Россия ва Туркистоннинг умумсиёсий аҳволи, бу ҳудудлардаги фуқаролар

урушининг бориши билан, ҳам большевик раҳбарлар томонидан мазкур вақтда амалга оширилаётган хўжалик, ҳарбий-ташкилий сиёсат билан белгиланар эди.

Истиқлол (мустақиллик) учун қуроли ҳаракатнинг бошланиши. Озодлик курашининг биринчи байроғини Мухтор Туркистоннинг у тор-мор этилгандан кейин қолган миллий армиясининг қўмондони Кичик Эргаш бошчилигидаги қисми кўтариб чиқди. Эргаш қисқа муддат ичида қуроли отряд тузиб, узлари яшириниб турган Бочқир қишлоғини (Қўқон яқинида) ўраб олмоқчи бўлган Қизил Армия қисмларининг уринишларини йўққа чиқаришга муваффақ бўлди. Жанговар операцияларнинг бирида Эргаш ҳалок бўлди ва қўрбошилик лавозимини шу қишлоқда туғилган Катта Мулла Эргаш ўз зиммасига олди. Қўқон уезди истиқлол учун курашчиларнинг мустақамланган ва маркази Бочқирда бўлган биринчи истеҳкоми бўлиб қолди.

Бирмунча кейинроқ, яъни баҳорда истиқлол учун кураш ҳаракатига қўрбоши Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек Аҳмадбеков) қўшилди. У подшо давридаёқ ҳукуматга қарши ўз ҳаракатлари билан ном қозонган, 14 йил сургунга ҳукм қилинган, (подшо сургунида бўлган), Февраль инқилобидан кейин озодликка чиқарилган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида Марғилон милицияси бошлиғи лавозимини эгаллаб келди. У ўзига бўйсунувчи милиционерлар билан биргаликда истиқлол учун ҳаракат томонига ўтди. Унинг томонидан тузилган қуроли кучлар Марғилон тарафларида ҳаракатда бўлди, бу шаҳар жуда тез орада истиқлол курашчиларининг яна бир мустақам истеҳкомига айланди. Талайгина жанговар кучлар қўрбоши Холхўжа эшон бошчилигида Ўш томонларда ҳам тўпланган эди; Наманган уездида Қобил, Шермуҳаммадбек қўрбоши ва бошқалар иш олиб борар эдилар.

1918 йил март ойининг охирида Башир қишлоғида 40 нафарга яқин қўрбошилар иштирокида бўлиб ўтган курултойда ягона қўмондонлик тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Олий ҳокимиятни қўлда тутувчи мусулмон кўшинларининг қўмондони (Амир-ул муслимин) этиб Эргаш қўрбоши сайланди, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек эса унинг ўринбосарлари бўлиб тайинланди.

Фарғона вилоятининг совет ҳокимияти ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзининг янги ҳодисага дуч келганини эътироф этишга мажбур бўлди. Аммо бунга жавобан битта йўл тутилди – Ишчи, солдат ва деҳқонларнинг Фарғона вилояти совети 1918 йил 9 июлдаги махсус буйруғи билан

"талончиликлар ва босқинчиликлар тўхтамаётганлиги учун Фарғона вилояти ҳарбий ҳолатга ўтади деб эълон қилиниши"ни маълум қилди. Шундай қилиб, вилоятдаги совет органлари бошланган ҳаракатнинг моҳиятини суриштирмай, можарони ҳал қилишнинг келиши билан битадиган сиёсий йўлини ахтаришдан воз кечдилар ва қурол кучини, куч ишлатиш усуларини можарони ҳал қилишнинг бирдан-бир воситаси деб билдилар.

Фарғона вилоятининг биринчи совет ҳарбий қисмлари, бутун Туркистонда бўлганидек, аксари ўз синфидан алоқасини батамом узиб қўйган, тасодифий унсурлардан тузилган эди. Бундан ташқари, ҳаракат қатнашчиларига қарши кураш олиб бориш учун совет органлари "Дошноқсутюн" арман партия отрядлари ва кўчиб келганларнинг қишлоқларидаги ўрис крестьян-мустамлакачилари томонидан тузилган "ўз-ўзини мудофаа қилувчи отрядлар"дан кенг фойдаландилар. Ўзининг миллий таркиби бўйича туб аҳолидан узоқ бўлган, унинг турмуши ва одатларини билмайдиган бу қуролли кучларнинг хатти-ҳаракатлари туб аҳоли учун асл фожиа бўлиб чиқди.

Совет қуролли қисмларининг қўрбоши отрядларига қарши жанговар ҳаракатларни "ўт қўйилган ер" тактикаси бўйича олиб борилди. Қўзғолон кўтарганларга "ҳомийлик қилиш", уларни "қўллаб-қувватлаш"га қарши кураш баҳонаси билан аслида бутун туб аҳолига қарши уруш авж олдириб юборилди. Бу воқеалар ўз-ўзидан бошланиб кетган қарши таъсирга сабаб бўлди: неча минглаб тинч туркистонликлар истиқлол учун курашчилар сафига қўшилиб, ўз ҳаёти, ор-номуси ва динини ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олдилар.

Истиқлол учун ҳаракат сафлари қисқа муддат ичида бир неча барабар кенгайди. Буларнинг сони тўғрисида ҳар хил маълумотлар бор. Эргаш қўрбоши етакчилигида 1918 йилнинг ўзидаёқ ҳар биридаги кишилар сони 20 нафардан 1800 нафаргача борадиган 70 отряд бор эди. 1918 йилнинг кузига келганда эса қўшиндаги барча йигитларнинг умумий сони 15 мингга бериб қолди.

Вилоятдаги барча уездларнинг кўпгина волостларида тузилган шу қадар кўп сонли отрядларнинг кўтарилиб чиқиши, аслида, бутун Фарғона вилоятини қисқа муддат ичида жанговар ҳаракатлар майдонига айлантириб юборди.

Бироқ тайинли бир фронт чизиги йўқ эди. Бу – аслида бутун вилоятга ёйилиб кетган партизанлар уруши эди. Жанглар, одатда, ола-тасирлик билан, тўсатдан ва кутилмаган жойларда бошланиб кетарди. Қўрбоши отрядлари Советларнинг йирик ҳарбий қўшилмаларига тўқнаш келиб қолганларида тезгина тарқалиб, зарба остидан кетиб қолардилар, қизилгвардиячи қисмларнинг командирлари буни аввалига ғалаба деб ўйлаб, зафарномаларда шуни маълум қилар эдилар. Бироқ воқеалар ривожланиб борган сайин ҳаракат қатнашчилари тутган йўлларининг ўзига хослиги аён бўлиб қолди ва зафарномалардаги ғалаба маълумотларининг оҳанги ҳам ўзгарди: уларда ҳарбий қисмлар сонининг камлигидан нолиш, буларни кўпайтириш, қўзғолончиларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги гап-сўзлар кўпайиб кетди.

Фарғона водийсида қарама-қаршилиқнинг кучайиб бориши. Марказий партия, совет органлари билан ҳарбий органлар бу шикоятларга пайсалланмасдан туриб жавоб бердилар. 1919 йилнинг 10 февралда Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий Кенгаши Фарғонага қўшинлар юбориш зарур деб тан олди. Шу кунларнинг ўзиде Туркистон Марказий Ижроия Комитети Ўлка партия комитетининг кўрсатмаларига асосан "Фарғонадаги аксилинқилобий ҳаракатга қарши кураш юзасидан фавқулоддаги комиссия" тузди ва бу комиссияга чекланмаган ваколатлар берди. Фарғона fronti штаби тузилди, бу штаб вилоятдаги ҳарбий ҳаётнигина эмас, балки хўжалик ва сиёсий ҳаётни бошқаришни ҳам ўз қўлига олди. "Наша газета" ўша кунларда мана бундай деб ёзган эди: "Кўп жойларда заводлар ишни тўхтатиб қўйди, чунки ишчи ва хизматчилар қўлларига қурол берилиб, сафарбар этилди", "Фавқулоддаги комиссия" эса Тошкентга: "Бутун Фарғона қуролланган лагерь бўлиб қолди" деб хабар ёбordi.

Бироқ мана шу ҳарбий-ташкилий чора-тадбирларнинг ҳаммаси ҳам ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзгартиришга жиддий таъсир кўрсата олмади, бунинг устига вилоят миллатлараро урушнинг кенгайиб кетишидек жиддий хавф остида қолди. Фронт қўмондонлигининг кўчиб келган деҳқонлар томонидан ўз қишлоқларини ҳимоя қилиш учун 1918 йил ёзида тузилган ўз-ўзини мудофаа қилиш отряд-

ларидан жанговар операцияларда фойдаланиши атрофдаги қишлоқ ва овулларда яшаб турган турли миллатдаги аҳолини бир-бирига гиж-гижлатиш сиёсатига айланиб кетди. Шу операциялар давомида бутун-бутун қишлоқлар – Бозорқўрғон, Сўзоқ, Жалолобод, Қўқонқишлоқ ва бошқалар батамом вайрон қилинди, уларнинг аҳолиси эса қириб ташланди.

"Фавқулоддаги комиссия" келиши билан айниқса кучайиб кетган большевиклар тарғиботи ҳам миллатларнинг бир-бирига қарши туриб қолишига катта ҳисса қўшди. Бу тарғибот озодлик ҳаракатига қарши курашда туб бўлмаган аҳолининг фаоллашувиغا эришди ва озодлик ҳаракатини русларга, бутун рус аҳолисига қарши қаратилган ҳаракат деб кўрсатишга интилди. Мадаминбек ана шундай ғоявий ҳужумларга қарши чиқиб, 1919 йил 27 февралда Скобелев шахри аҳолисига қаратилган ўз қақирғида мана бундай деб даъват этди: "Мени гўё рус аҳолисига қарши бораяпти деб большевиклар томонидан тарқатилаётган ёлгон миш-мишларга ишонманг. Йўқ. Мен Совет ҳокимиятининг ўзига қарши курашмоқдаман, чунки бу хилдаги ҳокимият ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзига қарши боришга мажбур этади". Фарғона fronti қўшинларининг қўмондони М. В. Сафоновнинг Фарғона мусулмонларига 1919 йил 7 мартдаги даъватномасига жавобан Мадаминбек шу қўмондонга қилган мурожаатида ўзининг тутган мавқеини янада очиқроқ ифодалаб берди: "Сиз Федерация тузилди деб эълон қилдингиз, Сиз халқлар ўз-ўзини белгилай олади деб эълон қилдингиз, хўш, нега энди буларни бизга бермайсиз? Биз мусулмон бўлганимиз учунгинами, холос? Бизга сиз ўзингиз эълон қилган шиорларга мувофиқ, ўз билгимизча яшашга имкон беринг, бизга ўзимиз истаган ҳукуматни танлаб олишга имкон беринг, биз мусулмонлар кўпчиликмиз-ку, ахир..."

Лекин мустақиллик учун курашни энди ҳарбий куч билан тўхтатиб қўйиш мумкин эмас эди. 1919 йилнинг баҳори мустақиллик учун ҳаракат кўламининг айниқса кенг қулоч отиб кетганлиги билан нишонланди. Мадаминбек бошчилигидаги отрядларнинг йирик операциялари 1919 йил март ойининг охирларида Наманган атрофларида бошланди: жанг етти кеча-кундуз давом этди. Наманганга ҳужум бошланиши билан биргаликда Фарғонанинг бошқа шаҳарлари атрофларида ҳам жанговар ҳаракатлар авж олиб кетди: Андижон атрофларида Маҳкам Ҳожи қўрбоши отрядлари жанг олиб борди, Шер-

муҳаммадбек отряди Марғилонни эгаллади. Истиқлол ҳаракатининг йирик жанговар кучлари Қўқон, Жалолобод шаҳарлари учун кураш олиб бордилар.

— 1919 йилнинг баҳорида деярли бутун Фарғона водийси қўрбошилар отрядларининг назорати остига ўтди. Совет ҳокимияти амалда фақат шаҳар, темир йўл станциялари ва конларда сақланиб қолди, холос.

Советларнинг раислари, ижроия комитетлари аъзолари ва РКП(б) Фарғона гуруҳлари раисларининг 1919 йил 29–31 мартда бўлиб ўтган Фавқулодда съезди юзага келган вазиятдан жиддий хавотирга тушганини маълум қилди. Съезд жойлардан келган маълумотларга яқун ясаб: “Вилоятдаги жиддий аҳвол хавфли даражага айланиб қолди” деб қайд қилди. Бироқ раҳбарият бу ҳолатдан чиқишнинг бирдан бир йўли қонли курашни кучайтиришдангина иборат деб билди.

Аmmo мусулмон коммунистлари орасида бу йўлнинг ҳалокатли эканлигини тушуниб етганлар кўпайиб, унга қаратилган қаршилик кучайиб борди. Улар бундай тактикадан норози эканликларини тобора кўпроқ маълум қила бошладилар. Вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлини улар мустақиллик учун ҳаракат қатнашчиларига умумий афв эълон қилишдан иборат деб билдилар.

Ўлка мусулмонлари бюроси умумий афв тўғрисидаги Андижон мусулмон коммунистлари олдинга сурган фикрни қўллаб-қувватлади ва уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқди: ўз иктиёри билан қуролини топширганларга ҳаётини омон сақлаб қолишни кафолатлаш, вайрон бўлган хўжаликларни тиклашга моддий жиҳатдан ёрдам бериш, Фарғона совет органлари ва Қизил Армиясини мустамаккачи ва шовинистик унсурлардан тозалаш, арман отрядларини қуролсизлантириш ва Фарғона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш, умумий афв юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш учун вилоятга махсус ҳукумат делегациясини юбориш шулар жумласидандир.

ТКП Ўлка Комитети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети умумий афв тўғрисида Мусулмонлар Бюроси таклиф этган дастурга рози бўлди ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети 1919 йил 7 май куни мустақиллик ҳаракати қатнашчиларига умумий афв эълон қилди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Республика Халқ

Комиссарлари Совети ва Миллатлар Халқ Комиссарлиги 9 май куни "Фарғонанинг меҳнаткаш мусулмон аҳолисига" қақриқ билан мурожаат этиб, ўтказилаётган умумий афвнинг моҳиятини тушунтириб берди. Бу умумий афвни амалга ошириш учун Фарғонага Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон республикаси раҳбарларидан бири Сорокин раислиги остида Алоҳида фавқулоддаги комиссия келди. Бу комиссиянинг аъзолари этиб Турар Рисқулов, Турсунхўжаев ва бошқалар тайин-ланган эди.

Лекин комиссиянинг зўр бериб ишлаши, кенг тушунтириш кампанияси, бир талай қақриқлар, йиғилишлар ва аҳоли билан ўтказилган учрашувларга қарамасдан, эълон қилинган умумий афв кутилган натижаларни бермади. Фақат бир нечта қўрбоши ўз отрядлари билан қуроолларини ихтиёрий суратда топширди, лекин бу отрядлар йирик отрядлар эмас эди.

Туркистон большевикларининг хатолари – мусулмон аҳолининг расм-русумлари, одат-қондалари, диний қарашларини инкор этиш, қозихоналар ва бий маҳкамаларининг суд идоралари билан алмаштирилиши, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари ўртасида мол айирбошлаш марказлари бўлмиш бозорларни бекитиб қўйиш, ғалла монополиясини жорий этиш–ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескинлаштирди ва қўрбошилар отрядларига янги-янги кучлар келиб қўшилишига сабаб бўлди. Мустақиллик ҳаракати Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳам ёйилиб кетди.

Мустақиллик учун ҳаракат тобора оммавий тусга кириб бориши билан бир қаторда 1919 йилнинг ёзида бу ҳаракатнинг ўзида сезиларли ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ҳаракат етакчилари бирлашиш, жанговор кучлар устидан раҳбарликни марказлаштириш зарурлигини тобора кўпроқ тушуна бошлашди. Эргаш қўрбоши 1918 йили ҳаракатнинг бош қўмондони этиб сайланган бўлса-да, у ҳамма отрядларни жипслаштиришга муваффақ бўлмади. Ҳар бир қўрбоши асосан ўзича иш кўрар эди.

Мустақиллик ҳаракатининг стратегияси билан тактикасида 1919 йилнинг ёзидагина ўзгаришлар маълум бўла бошлади. Бу ўзгаришлар тўғрисида Фарғона fronti қўмондонлигининг 1919 йил 20 августдаги оператив маъ

лумотида мана бундай дейилган эди: "Эргаш Холхўжага Мадамин билан алоқа боғлашни буюрди. Мадамин, Эргаш ва Холхўжаларнинг бирга қўшилиши тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда".

Ҳаракатнинг "Крестьянлар армияси" билан бирлашуви. Бироқ кейинги ҳодисалар бу режаларга ўзгартишлар киритди. 1919 йил 1 сентябрида Жалолободда Мадаминбек ва Деҳқонлар армияси қўмондони К. Монстровлар узоқ музокаралардан кейин кучларни бирлаштириш ва Совет ҳокимиятига қарши биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ўз-ўзини мудофаа қилувчи деҳқонлар отрядларидан 1918 йил охирида тузилган Деҳқонлар армияси озодлик ҳаракатига қарши операцияларда совет қуроли кучлари билан биргаликда иштирок этиб келган эди. Бироқ 1919 йилнинг баҳоридан бошлаб унинг сафларида совет органларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик тобора кучайиб борди. Бу норозилик Туркистонда ғалла монополияси эълон қилиниши билан совет ҳокимиятига қарши очиқдан-очиқ курашга айланиб кетди. 22 август куни Благовещенскда бўлиб ўтган яширин йиғилишда "Декларация" қабул қилиниб, бунда қўзғолон кўтарган деҳқонларнинг дастури: Советлар, Фавқулодда комиссия, Алоҳида бўлимларни тугатиш, деҳқонларни фуқаролар уруши фронтларидан қайтариб келиш, ғалла монополиясини бекор қилиш кабилар баён этилди. "Декларация" нинг махсус бўлимида Деҳқонлар армиясининг Мадаминбек отрядлари билан бирлашуви шарт-шароитлари ишлаб чиқилган эди.

Мадаминбек кучларининг Деҳқонлар армияси билан бирлашуви оқибатини бир сўз билан ифода этиб бўлмайди. Бир томондан, бу ҳодисани баъзи қўрбошилар жуда салбий муносабатда бўлиб кутиб олдилар. Улар тамомила аниқ сабабларга кўра кечагина ўзларининг душманлари билан иттифоқ бўлган келгинди деҳқонларга ҳамон ишонмас эдилар. Мустақиллик ҳаракатининг ўзида авваллари маълум бўлиб қолган жипслашув жараёнларининг пайсалланиб қолишида мана шундай кайфият, равшанки, каттагина роль ўйнайди. Иккинчи томондан, Деҳқонлар армиясининг жанговор отрядлари билан бирлашиш ҳаракатнинг салоҳатини кучайтирди. Деҳқонлар армиясининг офицерлари қўрбошилар отряд-

ларини қайтадан ташкил этиш ва уларни мунтазам ҳарбий қисмлар қиёфасига келтиришда каттагина хизмат қилдилар.

Мадаминдек ва Монстровларнинг бирлашган кучлари Фарғона водийсининг шимоли-шарқий қисмида йирик ҳужум операцияларини бошлаб юбордилар. 4 сентябрь куни Ўш шаҳридан жануброқда бошланган жанглар 7 сентябрь куни шу шаҳарни қамал қилиш ва эртаси куни уни олиш билан тугалланди. Ўш шаҳрини қўзғолончилар ва кўчиб келганлар қўлга олиши билан бутун Помир Туркистондан узилиб, Хитой, Ҳиндистон ва қисман Афғонистон билан чегара уларнинг қўлига ўтиб қолди.

Кейинчалик бирлашган кучлар совет ҳокимиятининг асосий таянч нуқталарига – Фарғона вилоятининг йирик шаҳарлари: Андижон, Скобелев (Фарғона), Наманганга бир йўла ҳужум бошладилар.

10 сентябрдан деярли бир ой давом этган Андижон қамали бошланди. Бироқ шу давр ичида вилоятнинг партия, совет ва ҳарбий раҳбарияти бу ерга каттагина ҳарбий қисмларни олиб келишга муваффақ бўлди: Андижон гарнизонининг ҳарбий қисмлари, қуроллантирилган ишчи ва қизилгвардиячи отрядларга мадад учун кўпгина шаҳарлардан қуролли ишчи отрядлари етказиб келинди. Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий Кенгаши Каспийорти фронтдан Актюбинск фронтга олиб ташлаш учун мўлжалланаётган Қозон терма полкини шошилиш равишида жўнатди. Советлар қўшин сонини кўпайтирганларидан кейингина 24 сентябрда Андижон қамалини буздилар. Мадаминбек ва Монстровларнинг бирлашган кучлари катта талафотлар бериб, Олой тоғлари (Гулчи) га чиқиб кетди. Мана шу ерда, Хитой чегарасида мустақиллик ҳаракати кучларини тиклаш ва мустақкамлашга уриниб кўрилди.

Совет-хитой чегарасидаги Ирқиштомда 1919 йил 22 октябрь куни чақирилган кўрбошилар қурултойи мустақиллик учун ҳаракат тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Бу қурултоида "Муваққат Фарғона ҳукумати" тузилди, унинг таркибига ҳукумат бошлиғи ва бош қумондон бўлиб Мадаминбек ва ҳукумат бошлиғи ўринбосари бўлиб Монстров кирди. Миллий таркиби жиҳатидан бу ҳукумат 16 нафар мусулмон ва 8 нафар оврўпаликлардан ташкил топган эди.

5— Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

"Муваққат Фарғона ҳукумати" Бухоро, Афғонистонга уларнинг ҳукуматлари билан алоқалар ўрнатиш ва ҳаракатга ҳарбий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишни илтимос қилиб ўз делегациясини юборди. Аммо сезиларли ёрдам кўрсатилгани йўқ.

Шу билан бир вақтда озодлик ҳаракатининг ҳамма кучларини Мадаминбек бошчилигида бирлаштириш, кўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни тугатиш ва ягона ҳаракат режасини ишлаб чиқишга яна бир бор уриниб кўрилди. 1919 йил октябрь ойининг охирида бўлиб ўтган қурултойда Фарғона водийсида ҳаракат қилиб турган барча (150 га яқин) отрядларни Мадаминдек, Холхўжа, Эргаш ва Шермуҳаммадбек бошчилигидаги 4 та йирик бирлашмага бирлаштиришга қарор қилинди. Рус офицерлари ёрдамида кўрбоши отрядларини қайтадан ташкил этиш, улар устидан раҳбарликни марказлаштириш, командир кадрлар тайёрлаш юзасидан катта иш бошлаб юборилди.

Фарғонадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши. Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши 1919 йилнинг сентябрида Туркистоннинг мамлакат маркази билан қўшилиши ва Тошкентга Бутунроссия Ижроия Комитети ҳамда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг (Турккомиссия) келиши ва Туркистон штабининг бу ерга кўчирилиши билан боғлиқ эди. Мамлакат марказида оқгвардиячи кўшинлар устидан қозонилган ғалабадан руҳланиб, Тошкентга келганлар Туркистонда ҳам "аксилнқилоб" ни тезроқ тугатиш истаги билан тўлиб-тошган эдилар. Турккомиссия Тошкентга етиб келиши биланоқ, унинг аъзоларидан бири Ф. Голошчекин ва Туркфронт штабининг вакили Брегадзе дарҳол Фарғонага жўнаб кетдилар. Фарғонадаги аҳвол билан танишиш уларда одамни лол қолдирадиган таассурот қолдирди. ТКП Ўлка Комитетининг 28 ноябрдаги мажлисида "Фарғона тўғрисида" деган маъруза билан сўзга чиққан Голошчекин очикдан-очик "у ердаги партия, совет турмуши ва иқтисодий турмуш бошбошдоқлик ва даҳшат" ичида қолган, холос. Синфий кураш йўқ; балки миллий кураш бор, у ҳам кескинлаштирилиб, роса авжига етказилган" деб айтди. Унинг фикрига қараганда, "босмачилик" ҳаракати "совет ҳокимияти ва бизнинг отрядларимиз томонидан юзага келтирилган". У партия

сафларининг советларга қарши турли унсурларга тўлиб кетганлигини қайд қилиб, Фарғонадаги барча партия аъзолари "талончилик қилади ва пора олади" деб айтди.

Комиссия аъзолари мусулмон аҳолиси устидан қилинган жабру зулмнинг совет ҳокимияти билан ҳеч қандай алоқаси бўлмай, балки шу ҳокимият ғояларига иснод келтиришдир, бу нарса туб аҳолини совет ҳокимиятидан бездириб, "босмачилик" томонига ўтиб кетишига йўл очади деб айтдилар Барча миллат меҳнаткаш оммасининг синфий бирдамлиги аслида табиийдир деган большевикча қонданинг бехатолигига чексиз ишонган Турккомиссия аъзолари қўрқитиб, даҳшатга солинган мусулмон аҳолига совет ҳокимиятининг моҳияти, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ғоялари тушунтирилса, шу тўғрида бу аҳолига "тўғри ва аниқ тасаввур" берилса, бас, миллий адоват дарров барҳам топиб, вилоятдаги мусулмон аҳоли билан оврўполик аҳолининг ҳамкорлиги мустаҳкамланади ва одамлар бир-бирини тушунадиган вазият юзага келиб, "босмачилик" нинг кенгайиш сабаблари йўқолади-да, у барҳам топиб кетади, чунки меҳнаткаш омма бу ҳаракатни қўллаб-қувватламай қўяди деб билар эдилар.

Шу сабабдан Турккомиссия фаолиятида сиёсий ишни кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берилди: оммавий ташвиқот ишларини кенгайтиришга қўшимча маблағлар ажратилди, сиёсий ходим кадрлари марказдан келган коммунистлар билан мустаҳкамланди, Фарғонага ташланган татар бригадасидан оммавий ташвиқот ишларида кенг фойдаланилди, туб аҳоли орасидан сиёсий ходимлар тайёрлаш бўйича ҳар хил ташвиқот курслари очилди, "Қизил Армия меҳнаткаш оммага қарши эмас, балки бойларнинг ҳимоячилари бўлмиш босмачиларга қарши кураш олиб бормоқда" деган шиорлар остида кенг митинг ва йиғилишлар компаниялари ташкил этилди, партия ва совет ташкилотлари тозаланиб, марказдан келган ходимлар билан мустаҳкамланди, бир қанча районларда совет ҳокимиятини тиклаш ва буларга маҳаллий миллат меҳнаткашларини жалб этиш юзасидан чоралар кўрилди.

Хўжалик ҳаётини йўлга солиш, моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳам чоралар кўрилди, вайрон бўлган деҳқон хўжаликларини тиклаш учун махсус маблағлар ажратилди. Бирмунча кейинроқ анча дадил қадамлар ҳам қўйилди:

1920 йил март ойида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг "Ерларни меҳнаткаш деҳқонларга қайтариш тўғрисида"ги декрети қабул қилинди. РСФСР ҳукумати Фарғона иқтисодиётини кўтариш ва биринчи галда ирригация билан пахтачиликни тиклаш учун йирик маблағлар ажратди, уруғлик дон, чорва сотиб олиш учун деҳқонларга катта-катта қарз берилди, деҳқонлардан олинадиган давлат солиқларининг миқдори камайтирилди ва ҳатто катта зарар кўрган қишлоқлар солиқ тўлашдан озод қилинди ва ҳоказо.

Сиёсий, иқтисодий соҳада амалга оширилган чоратadbирлар айниқса дастлабки даврда ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Тинчгина турмуш кечириш орзу-умиди маънавий ва жисмоний жиҳатдан толиққан туб аҳоли дили ва хонадонига яна қайтиб кела бошлади. Мусулмонлар муҳитидаги ижтимоий-сиёсий кайфиятнинг ўзгариб қолганидан ҳарбий қўмондонлик истиқлол ҳаракатининг ўзига ҳарбий тазйиқ ўтказиш учун усталик билан фойдаланди. Вилоятдаги совет қуролли кучларининг қайтадан ташкил этилганлиги ҳам шунга ёрдам берди. Барча қўшин қисмлари қисқа муддат ичида 2-Туркистон ўқчилар дивизиясига бирлаштирилди ва унинг жанговар сафлари РСФСР дан етиб келган қўшин қисмлари ҳисобига мустаҳкамланди.

Ана шундай шароитларда 1920 йилнинг январь-февралда истиқлол ҳаракатининг асосий базаларига қарши ўтказилган операция муваффақиятли бўлиб чиқди. Январ ойининг ўрталарида Эргаш қўрбошининг қароргоҳи – Бачир қишлоғи тор-мор этилиб, қўрбошининг асосий кучлари йўқ қилинди, унинг ўзи саҳрога қочиб қутилишга муваффақ бўлди, лекин тез орада у ўша ерда ўлдирилди. Январда Деҳқонлар армиясининг қолдиқлари ҳам узилкесил тор-мор этилди, Монстровнинг ўзи Гулчи районида асирга олинди. Январь-февраль операцияси давомида Наманган, Мингтепа–Аравон, Пайтуқ–Учқўрғон районларида Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва истиқлол ҳаракатининг бошқа йирик қўшилмаларига анчагина талафот етказилди.

Мағлубиятлар, Марказнинг мунтазам жанговар қўшинлари билан анча мустаҳкамланган совет ҳарбий қўшилмалари билан тўқнашувларда кўрилган катта-катта талафотлар истиқлол ҳаракати қатнашчиларининг руҳига

таъсир қилди. Шу вақтга келиб Совет ҳокимияти томонидан кўрилган сиёсий ва иқтисодий чора-тадбирлар, қолаверса, шу ҳокимият томонидан тўла ишга тушириб юборилган ташвиқот-тарғибот машинаси ҳам бунда ўз ролини ўйнади. Қўрбошилар орасида совет ҳокимияти томонига ихтиёрий суратда ўтиш кайфияти тобора кучайди. Шундай ўтиб кетиш ҳоллари 1920 йил январининг охиридан то март ойигача оммавий тус ола бошлади. Мадаминбек Қорадарё билан Норин дарёсининг қўшилиш жойида мағлубиятга учраб, йирик кучлар таъқиб остида қолади-да, ўз қароргоҳини топширади; унинг доvon оша Олой водийсига чиқиб кетишга уриниши ҳам муваффақиятсизлик билан тугайди. Февраль ойининг охирларида ўзининг асосий кучларини сақлаб қолиш учун у 2-Туркистон дивизиясининг қўмондонлиги билан музокара-лар ўтказишга киришади. 1920 йил 6 март куни тинчлик битимининг матни имзоланади. Унда Мадаминбекнинг қандай шартлар билан совет ҳокимияти томонига ўтиш мумкин деб ҳисоблагани кўрсатиб қўйилган эди. Уша шартларнинг биринчи моддасида мана бундай дейилган: "Туркистон фуқаролари ҳаётини ташкил этишда Совет ҳокимияти шариат асосларини сақлаб қолади, меҳнаткаш аҳоли манфаатларини ҳимоя қилади ва мусулмон аҳолисига шу шариатга мувофиқ, яъни маҳаллий шариитлар ва мусулмон аҳолисининг одатларига мос тушадиган ҳақ-ҳуқуқларни беради". Музокаралар вақтида 2-дивизия қўмондонлиги зўр бериб, Мадаминбекнинг аввалги хатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиб, тавба қилишини истади, лекин бекорга овора бўлди. Мадаминбек ўзи олиб борган курашининг сабабларини тушунтириб берар экан, мана бундай деди: "Мен Марғилондан чиққанимда талончилик билан шуғулланиш ва полковник лавозимини излаш учун йўлга тушганим йўқ. Совет ҳокимияти вакилларининг мусулмон аҳолисига нисбатан қилаётган адолатсизликларини кўриб қаттиқ ҳақоратланганим учун кетдим. Ҳозир сиз ўз газеталарингизда совет ҳокимиятини унга номуносиб вакиллардан тозалаймиз, совет ҳокимияти янгиланмоқда деб ёзмоқдасиз. Ушанда мен агар совет ҳокимияти ана шундай йўлга кирса, мен у билан бирга ишлайман деб айтган эдим". Бирмунча кейинроқ бориб шартнома матни тузатилди, Мадаминбек Тошкентга

жўнаб кетди, унинг отрядлари эса, таслим бўлган бошқа қўрбошиларнинг отрядлари сингари, қайтадан тузилди. Бу отрядлардан мусулмон полклари ташкил этилиб, улардан озодлик ҳаракатига қарши курашда 2- дивизия таркибида фойдаланилди.

Истиқлол ҳаракатига етказилган зарбани Фарғона раҳбарияти улкан ғалаба деб билди. Туркистон fronti Инқилобий Ҳарбий Кенгаши 1920 йил 30 мартдаги буйруғида мана бундай деб хабар берди: "Мудом алғов-далғов бўлиб келган Фарғона тинчланди, узоқ кураш билан қийналган аҳоли эса кўтаринки руҳ билан социалистик қурилишга киришмоқда". Ҳақиқий аҳвол эса бунга тўғри келмас эди.

Фарғонада ҳарбий диктатура ўрнатилиши. Қўрбошиларнинг тор-мор этилишдан омон қолган отрядлари Фарғонанинг бориш қийин бўлган тоғларида яширинишга, Олой водийсига чиқиб кетишга муваффақ бўлдилар. 1920 йилнинг ёзи ва кузида бўлиб ўтган воқеалар бу отрядларнинг қуролни ташламаганликлари ва кураш ҳаракатидан воз кечмаганликларини кўрсатиб берди. Ҳаракатга раҳбарлик қилиш Шермуҳаммадбек қўлига ўтди. У ўзининг пайига тушган йирик Қизил Армия қисмларидан яшириниб, Олой тизмаси тоғ олдиларига чиқиб кетишга муваффақ бўлди. Ўша ердаги қўрбошилар қурултойида у бутун ислом кучлари устидан бош қўмондон этиб сайланди. Шермуҳаммадбек апрель ойидаёқ большевикларга қарши курашда мусулмон аҳолисини бирлашишга даъват қилган эди. Май ойида илгари совет ҳокимияти томонига ўтиб кетган қўрбошиларнинг ўз отрядлари билан Шермуҳаммадбек томонига ўтиши бошланди. Мадаминбекни қайтариб келтиришга уриниб кўрилди. Шермуҳаммадбек билан Холхўжа ўзларининг совет ҳокимияти томонига ўтиши тўғрисида музокаралар олиб бориш баҳонаси билан Мадаминбекни ўз қароргоҳига таклиф этишди.

Музокараларнинг қай тариқа ўтгани номаълум. Шаҳобиддин Яссавийнинг гувоҳлик беришича, қуролсизлантирилган Мадаминбек 1920 йил май ойида Шермуҳаммадбекнинг буйруғи билан шу ерда, Қоровул тоғида маккор ва шафқатсиз киши – Холхўжа то-

монидан хоинона ўлдирилади. Холхўжанинг бу ишини қўзғолончиларнинг ўзлари ҳам қоралаб чиқади.

Истиқлол учун кураш қатнашчилари май ойининг ўрталаридан бошлаб Ўш, Андижон ва Скобелев уездларида ўз ҳаракатларини қайтадан бошладилар. Иккала томондан бу ҳаракатлар шиддатли тусга кириб борди. Томонларнинг ҳар бири душман устидан тезроқ ғалаба қозонишга интилиб, фақат қурол кучига ишонар ва террордан ҳам қайтмас эдилар. Тинч аҳоли иккала томоннинг исканжаси остида қолди.

Озодлик курашини бошқаришни ташкил этиш юзасидан иккинчи марта, бу гал энди Шермуҳаммадбек томонидан уриниб кўрилди: 1920 йил май ойида Муваққат Туркистон ҳукумати, мустақил суд, ҳарбий раҳбарият, маъмурий кенгаш тузилди. Озиқ-овқат тўплаш, уловга қўшиладиган ва жангларда миниладиган отлар тайёрлаш учун махсус гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳнинг хатти-ҳаракатлари аҳолининг норозилигини уйғотди ва уйғотмаслиги ҳам мумкин эмас эди. Советлар ҳаракат қатнашчиларига қарши ўз ташвиқотларида ана шундан фойдаландилар.

1920 йил май ойининг ўрталарида Фарғонага Туркистон fronti бош қўмондони М. В. Фрунзенинг келиши билан мустақиллик учун ҳаракатга қарши кураш тактикаси кескин ўзгаради. Илгари татбиқ этила бошланган сиёсий ва ҳарбий усулларни бирга қўшиш йўлидан "Босмачиларга қарши ҳал қилувчи сўнгги кураш" шиори остида энди воз кечилди. Вилоят партия-совет ва ҳарбий раҳбариятининг оппозицион ҳаракатга қарши курашдаги ишларда куч ишлатиш усуллари яна биринчи ўринга қўйилди. Фарғона иккинчи марта ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди. Август ойида Фарғонада Ҳарбий Кенгаш тузилиб, вилоятнинг бутун фуқаролар бошқаруви унга топширилди. Аслини айтганда, бу ерда фавқулоддаги ваколатларга Эга бўлган ҳарбий диктатура жорий этилган эди. Бутун аҳоли қуроллантирилиб, туб аҳоли орасида ҳам сафарбарлик эълон қилинди. Туркистон fronti Инқилобий Ҳарбий Кенгаши мустақиллик учун ҳаракатни қонундан ташқари деб эълон қилиб, унинг раҳбарлари билан музокаралар олиб боришни тақиқлаб қўйди ва уларни шафқатсиз равишда қириб ташлашга даъват этди. Ҳарбий Кенгаш ўзига юклатилган вазифаларни бажара бориб, таслим бўлмаган

қўзғолончиларнинг қариндошларини гаровга олиш тизимини жорий этди. Бу янги тартибларнинг ҳаммаси вилоятдаги жанговор кучларнинг Марказдан келган янги-янги ҳарбий қўшилмалар ҳисобига тобора кўпроқ зўрайиши билан барабар расм қилинди.

Мустақиллик учун ҳаракатни йўқ қилишга қаратилган мана шу тактика аслида бутун аҳолига қарши бўлиб чиқди ва уни қўлига қурол олишга мажбур этди. Янги ҳокимият сиёсатидан кўнгил қолганлиги ҳам каттагина ролни ўйнади. Бу ҳокимиятнинг қўйган қадамлари "ҳарбий коммунизм" сиёсатини юмшатишга олиб келди, холос, лекин унинг моҳияти аслидек бўлиб қолаверди. Озиқ-овқат развёрсткаси давом этаверди, мусодара қилинган ҳунармандчилик корхоналари қайтариб берилмади, миллий идора ва маҳкамаларни сақлаб қолиш, шариатга асосланган турмуш тарзини дахлсиз қолдириш ваъдалари бажарилмади – қозихоналарнинг ишлари ҳамон тақиқлаб қўйилган, вақф мулкларини мусодара қилиш бошланган эди. Озодлик ҳаракатининг сафлари худди ана шунинг учун ҳам Советларнинг қуролли кучлари устун бўлишига қарамасдан сийракланиб қолмади. Тор-мор этилган отрядларнинг ўрнини янгилари эгаллаб борди. 1920 йилнинг ёзи ва кузида Шермухаммадбек, Холхўжа, Муҳиддин, Омон Полвон, Раҳмонқул билан бир қаторда Исломуқул, Эшмат бойвачча, Исроил, Соли Маҳсум, Отақўзи, Ёрмат Маҳсум, Боястон, Алиёр, Аҳмад Полвон ва бошқа кўпгина қўрбошиларнинг отрядлари курашга қўшилдилар.

1920 йилнинг кузига келиб Россияда фуқаролар уруши тугади, Туркистонда ҳам фуқаролар урушининг фронтлари – Актюбинск, Каспийорти, Еттисув фронтлари тугатилди. ~~"Туркистон марвариди" саналган Фарғона водийсида тинчлик қарор топиши учун ҳали узок вақт бор эди. Мустақиллик учун бошланган ҳаракатни, истиқлол ҳаракатини бостириш мумкин бўлмади. Бу ҳаракат яна кўп йиллар давом этди.~~

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1 Туркистондаги истиқлол учун қуролли ҳаракатни совет ҳокимияти органлари қандай кутиб олдилар?
2. Фарғона водийсида бу ҳаракатнинг тез ўсиб боришига сабаб нима?
3. Мустақиллик учун ҳаракатни бостиришда совет ҳокимияти органлари куч ишлатиш усулларидан воз кечишга нима учун мажбур бўлдилар?

4. Мустақиллик учун ҳаракат билан "Деҳқонлар армияси" кучлари нима сабабдан бирлашди? 5. Турккомиссия иши бошланиши билан Фарғона водийсида вазият қай тариқа ўзгарди? 6. Фарғона водийсида нима сабабдан большевиклар ҳарбий диктатурасини ўрнатиш мумкин бўлди? 7. Истиқлол учун қуролли ҳаракатга кенгайтирилган таъриф беринг.

7-§. 1917–1920 йилларда Бухоро ва Хева

Монархия тартиботини замонавийлаштириш учун ҳаракат. Ўрта Осиёдаги бошқа давлат бирлашмалари – Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги халқлари ҳам XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида монархия тартиботининг емирилиши билан тугалланган зўр ҳаяжонли ва фожиона воқеаларни бошидан кечирди. Бу давлатлар ижтимоий-тарихий тараққиётининг, улар тарихидаги кейинги асосий йўналишнинг шу қадар кескин ўзгаришига неча ўн йиллар давомида зимдан авж олиб борган жараёнлар, ҳам ташқи сиёсатга, ҳам ички сиёсатга тааллуқли янги тенденция ва ҳодисалар сабаб бўлди.

Монархия тартиботининг тобора чуқурлашиб, Бухоро ва Хева билан қўшни йирик давлатлар – подшо Россияси ва Туркияда XX асрнинг биринчи ўн йиллигида портлаш тусига кирган инқироз ҳал қилувчи ташқи сиёсий омил бўлиб қолди. Демократик асосда тузилган, шунинг учун ҳам ўзларидаги ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари жадал ривожланиб, тараққий этиб борган Оврўпо ва Америка давлатларининг таъсири остида бу монархия давлатларида жамиятни замонавийлаштириш учун олиб борилган ислоҳотчилик, яъни реформаторлик ҳаракати тобора кескин тусга кира бошлади.

Россиядаги 1905-1907 йиллар инқилоби, ёш туркларнинг ўз монархияларига қарши 1908 йилдаги инқилоби ҳодисаларининг акс садоси Ўрта Осиё хонликларига ҳам этиб келди. Бу ерда, ўзларини гарчи унчалик кескин бўлмаса-да, жамиятни ислоҳ қилиш тарафдорлари деб атаган кучлар сиёсий майдонга чиқди. Бухоро ва Хева жадидчилиги маданий-сиёсий, маърифий оқим тариқасида Туркистон жадидчилиги билан бир вақтда пайдо бўлиб, шу даврда сиёсий тус ола бошлади. Бироқ туркистонлик жадидлар ўз халқини Россия мустамлакачилигидан халос

қилиш, мустақиллик ва озодликни қўлга киритишни ўзларининг охириги мақсади деб билган бўлсалар, бухоро ва кевалик жадидлар бундан фарқ қилиб, ўз давлатларининг ҳокими мутлақлари, яъни монархларини ўзларининг асосий душманлари деб билдилар.

Ёш турклардан нисбат олиб, ўзларини ёш бухороликлар ва ёш кеваликлар деб атаган анча радикал жадид унсурлар учун ўз конституцияси, халқ таълими тизимига эга бўлган, исломга ҳурмат билан қарайдиган Туркия сиёсий идеал бўлди. Булар ўзлари тутган йўлда мўътадил ислохотчилар бўлиб қолавердилар. Уларнинг охириги мақсади конституцион монархия бўлиб, улар мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказишга интилдилар. Лекин ана шундай ўртача талаблар ҳам қаттиқ қаршиликка дуч келиб, шафқатсизлик билан бостирилар эди. Ёш бухороликлар ва ёш кеваликлар жуда ҳам оғир шароитга ўтиб, яширин ҳолатда ҳаракат қилишга мажбур эдилар.

Хонликларнинг якка ҳокимлик, яъни монархия тартиблари ҳали мустаҳкам эди. Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги, гарчи подшо Россияси протекторати остида бўлсалар-да, расман мустақил давлат бўлиб қолаверган эдилар. Бу давлатларнинг бошлиқлари—Бухорода амир Саид Олимхон, Хевада Асфандиёрхон ва туркман уруғ бошлиқлари чекланмаган ҳокимиятга эга эдилар. Улар олий ҳукмдор, барча ер-сувларни тасарруф этувчилар бўлиб, барча йирик амалдорлар, бекликлар ва туманларнинг ҳокимларини ўзлари тайинлаб, ўзлари алмаштирар эдилар. Монархия, яъни якка ҳокимлик тартибини анча қудратли консерватив кучлар — янгиликлар билан ҳисоблашишни истамайдиган ва ҳокими мутлақликни қадимий Бухоро ёки Хева қадриятлари деб ҳимоя қилувчи беклик ҳокимлари, амалдорлар аппарати ва бошқалар қўллаб-қувватлар эди.

Мусулмон руҳонийлари бу тартиб-идоранинг ишонган таянчи бўлди. Сони ва халқ оммасига ўтказадиган таъсири жиҳатидан каттагина куч бўлган бу руҳонийлар мусулмонлар жамиятида ҳукмрон мавқени эгаллаб, олий ҳукмдор билан халқ ўртасида бир-бирини боғловчи мустаҳкам ҳалқа бўлиб ҳисобланар ва ҳукмдор ҳокимияти муқаддас, уни худо ато этган деган ишончни халқда қўллаб-қувватлаб борар эди.

Бухоро ва Хева жамиятлари ичида дурустгина мадад, ижтимоий таянч топмаган ёш бухороликлар ва ёш хеваликлар ўзларига иттифоқчиларни ташқаридан – Россиядан ва айниқса қўшни Туркистондаги ҳарбий губернаторликдан, шунингдек хонликларнинг ўзларидаги россиялик фуқоролар орасидан излашга мажбур эдилар.

Россиянинг Бухоро ва Хева устидан ярим асрлик протекторати бу ерда Россия таъсирининг зўрайиб бориши билан нишонланди. Россия билан ташқи савдо алоқаларининг мустақкамланиши, Россия капитали кириб келишининг кенгайиши, Каспийорти ва Ўрта Осиё темир йўллари қурилиши бу ерда буржуа муносабатлари пайдо бўлиши учун етарлича туртки бўлди.

Кўпгина ҳолларда Россия капиталистларининг қўлларида жамланган фабрика-завод корхоналари, банклар, савдо фирмаларининг пайдо бўлиши асосан Россия иқтисодиётининг хом ашёга талабини қондириш билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бу ерда Россия фуқаролари-амалдорлари, саноатчилари, савдогарлари, ишчилари, офицерлари, подшо гарнизонлари солдатлари, христиан руҳонийлари ва рус қишлоқларида алоҳида жойлашиб оладиган бошқа кишиларнинг зўр бериб кўчиб келишига олиб келди. Темир йўл ёқалари ва дарё пристанлари яқинида юзага келган мана шу қишлоқлар жуда тез орада йирик шаҳарларга айландики, Янги Бухоро, Янги Чоржўй, Керки, Янги Термиз, Янги Урганч ана шуларнинг энг катталаридан бўлиб ҳисобланди.

Экстерриториаллик ҳуқуқидан фойдаланадиган ва Россиянинг Бухоро амирлиги билан Хева хонлигидаги истеҳкоми бўлган бу рус қишлоқлари Россия учун хос бўлган ички сиёсий вазиятни, ўша жамиятдаги ижтимоий ихтилофлар, сиёсий кучларнинг қарама-қаршилигини кичик шаклда такрорлар эди.

Бухоро билан Хеванинг муҳолифатдаги кучлари Россия императорининг сиёсий агентликлари ихтиёридаги ана шу рус қишлоқларидаги муайян либерал ва демократик доиралар орасидан хуфийа мададу кўмак ва паноҳ топдилар. Россия демократик доиралари нинг қўлга киритган муваффақиятлари ёш бухороликлар билан ёш хеваликларни илҳомлантириб, уларнинг кўнглида ўз мақсадларига эришиш умиди ва ишончини уйғотди.

Россиядаги Февраль инқилоби тўғрисидаги хабар кўтаринки руҳ билан кутиб олинди. 1917 йилнинг 14 мартдаёқ ёш бухороликларнинг етакчиси Фитрат ўз сафдоши Йўлдошев билан биргаликда Муваққат ҳукумат номига телеграмма юбориб, унда Бухоро амирлигида сиёсий ислоҳот ўтказишда ёрдам беришни илтимос қилади.

Ёш бухороликларнинг номаси руҳига тўла мувофиқ равишда 17 март куни Бухородан Россия резиденти Миллернинг ташқи ишлар вазири П. Р. Милюковга телеграммаси юборилади. Бу телеграммада "Бухорода ислоҳотлар ўтказиш етилган масаладир", деб айтилган эди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги ўз жавобда хонликларнинг ижтимоий тузумини қўридан туриб, ҳукмдорларнинг ўз ташаббуси билан ислоҳ қилиш фикрини ёқлади. Лекин шу билан бирга, "иккала хонликни бирлаштириш мумкин" деб ҳисоблаган А. Керенский гоёсига мос телеграммадаги маълумот Ўрта Осиё хонликларининг кейинги тақдирлари хусусида демократик Муваққат ҳукуматда фикрлар бирлиги йўқлигидан далолат берар эди. Шундай бўлса-да, хонликларнинг ҳукмдорлари бу даврда Россия тазйиқи остида ислоҳотчи кучларга ён босишга рози бўлдилар.

1917 йил 5 апрель куни Хева хонлигида манифест эълон қилинди. Бу манифестга кўра хон ҳокимияти руҳонийлар ва буржуазия вакилларида сайланадиган Мажлис, яъни парламент ва Нозирлар (вазирлар) кенгаши билан чекланар эди. Ҳукумат ва мажлисга ёш хёваликлар бошчилик қилдилар, булар конституцион монархия ўрнатилишини ўз ислоҳотчилик орзу-тилақларининг амалга ошиши деб билар эдилар.

1917 йил 7 апрель куни Бухоро амири Саид Олимхон ислоҳотлар тўғрисида Россия резиденти Миллер томонидан тайёрланган Манифестни имзолади. Бу Манифестда амир солиқлар тизимини тартибга солиш, давлат хазинасини таъсис этиш, одил судловни ўрнатиш, даромадлар ва давлат эҳтиёжлари учун бўладиган харажатлар аниқ ҳисоб қилинадиган бюджетни белгилаш, амалдорлар устидан назорат ўрнатиб, уларни давлат маошига ўтказиш, сайлаб қўйиладиган ўз-ўзини бошқарувчи шаҳар бошқармасини таъсис этиш, саноат, савдо-сотик, илм--фан ва маърифат тараққиётини рағбатлантириш ва бунга ёрдам беришни

ваъда қилди. Манифест ислоҳотларни эълон қилар экан, "барча яхшиликлар ва фойдали ўзгаришларнинг бирдан-бир асоси муқаддас шариат бўлиши мумкин, холос" деб таъкидлаб ўтган эди.

Манифест эълон қилинишини кўтаринки руҳ билан кутиб олган Бухоро жадидлари уни қўллаб-қувватлаш учун намойишлар ўтказишга қарор бердилар. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, амирликда консерватив кучларнинг мавқеи шу қадар кучли эдики, бу сиёсатга мувофиқ иш кўришга мажбур бўлган Муваққат ҳукумат ва амир сиёсатига зид ўлароқ, қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Намойиш тарқатиб юборилди ва жадидлар таъқиблардан жон сақлаб, Тошкент ва Самарқандга қочишга мажбур бўлдилар. Руҳонийлар тазйиқи остида амир Манифест бекор қилинганини эълон қилди. Руҳонийлар босиб чиқарган ривоятда ислоҳотларнинг ҳамма тарафдорлари қонундан ташқари деб эълон қилинди.

Бирмунча кейинроқ, 1917 йил июнь ойида хевалик жадидлар ҳам мағлубиятга учрадилар. Асфандиёрхоннинг буйруғи билан энг атоқли ёш хеваликлардан 17 киши қамоққа олинди ва уларнинг мажлисдаги ўрнига феодал аъёнлар қўйилди. Ноябрь ойининг охирларида хон мажлисни умуман тарқатиб юборди. Қўлга тушмай қолган ёш хеваликлар ҳам Туркистон ҳудудида яширинди.

Мана шу воқеалар хонликлардаги сиёсий ҳаётнинг кейинги давомига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Бир томондан, хонликда мутлақ монархияни қўллаб-қувватлайдиган кучлар жипслашиб, фаоллашиб борди, монархия тартибининг ўзи қатъийлашди. Иккинчи томондан, мухолифат ҳаракати ҳам ўзгаришларга учради. Жадидларнинг бир қисми, айниқса унинг либерал қаноти тинч йўл билан ислоҳотлар қилиш мумкин деган ҳаёллардан узил-кесил воз кечиб, жонли сиёсий фаолиятдан четлашади, бошқа қисми – ёш бухороликлар билан ёш хеваликлар – ташқи сиёсий кучларга таяниб туриб, идора тартибига қарши қуролли кураш йўлига қадам қўядилар.

Ўрта Осиё хонликларининг Советлар билан ўзаро муносабатлари. Октябрь тўнтариши ва Россия билан Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Ўрта Осиё хонликларининг ички ва ташқи сиёсий аҳволи кескин ўзгарди. Большевикларга нисбатан адоват билан қараш,

Туркистон большевиклар ҳукуматини тан олишдан бош тортиш, хонликлардаги ҳукмрон доираларнинг Афғонистон, Эрон ва Англия билан, айниқса Каспийортига инглиз экспедиция корпуси киритилгандан кейин, дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва буларни мустақкамлаш йўлида аниқ ифодаланган интилишлари буларнинг ташқи сиёсатдаги мақсадларидан аниқ гувоҳлик берди. Россия ва Совет Туркистони билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар рўйи-рост қарама-қарши тус олди. Хонликларда Россия билан урушга тайёргарлик кўрилаётгани аниқ маълум бўлиб қолди. Бухоро амири Саид Олимхон ўзининг "Бухоро халқининг ҳасрати тарихи" деган хотираларида ўша даврда ҳукм сурган кайфиятларни яширмасдан, ўзининг дарҳол "большевикларга қарши уруш эълон қилиш" ни истаганини ёзади.

Иккала хонлик жадаллик билан ўз қуроли кучларининг жанговар салоҳиятини ошириш йўлига кирди: бир неча марта армияга сафарбарлик ўтказилди, қуроляроғ сотиб олинди, ҳарбий эҳтиёжларга ортиб бораётган сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун янги солиқлар солинди. 1918 йилнинг март ойига келиб, Бухоро амири армиясидаги кишилар сони 40 минг нафардан ортди.

Зўрайиб бораётган очлик, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ҳаддан ташқари кўтарилиши билан янада оғирлашган ҳарбий зулм хонликларнинг ички сиёсий ҳаётида беқарорлик юзага келтирди. Мушкул аҳволга солиб қўйилган аҳолининг норозилиги ўз бекликларининг ҳукмдорларига қарши исёнлар, қўзғолонларга айланиб кетди. Хева хонлигида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви вазиятни янада оғирлаштирди. Туркман уруғ бошлиқлари ана шундан фойдаланиб, хонликда ҳукмронлик учун кураш бошладилар. 1917 йилнинг охирида Хевага Жўнаидхон қайтиб келгандан кейин бу кураш айниқса кучайди.

1916 йил қўзғолонининг қатнашчиси, подшо ҳукумати таъқибларидан қочиб, муҳожирликда яшашга мажбур бўлган, "мустақиллик учун курашчи" деб ном чиқарган Жўнаидхон Хева хони ҳукмдорлигидан норози бўлган тарқоқ туркман қабилалари ва уларнинг бошлиқларини нисбатан қисқа муддат ичида бирлаштирди. 1918 йилнинг

бошларига келганда унинг қўл остида энди бир ярим мингдан ортиқ қуроли отлиқлар бўлиб, у Хева хонига жиддий хавф туғдириб қўйган эди. Ташқи сиёсий вазият ёмонлашиб қолгани муносабати билан Асфандиёрхон битимга келиш йўлини тутди. 1918 йилнинг январида у эътиборли эшон ва муллалар орқали Жўнаидхон билан боғланади ва биргаликда мамлакатни бошқариш ҳамда большевикларга қарши курашни уюштириш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун уни Хевага таклиф этади.

Жўнаид қасамёд қилганидан кейин Асфандиёрхон томонидан Хева хонлиги қўшинларининг қўмондони этиб тайинланди. Асфандиёрхон, гарчи тахтда қолаверган булса-да, лекин ҳокимият тўлалигича Жўнаидхон қўлига ўтиб қолди. Кўп ўтмасдан Асфандиёрхон махфий равишда ўлдирилди ва Жўнаидхоннинг кўмаги билан тахтга ўлдирилган Хева хонининг тоғаси, иродасиз Абдуллахон ўтқазилди. Жўнаидхон Хева хонлигининг мутлақ ҳукмдори бўлиб қолди. У Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани бўлиб, Россия билан Совет Туркистонига қарши урушга тайёргарликни авж олдириб юборди.

Туркистон ҳукмрон доиралари Бухоро ва Хева ҳукмдорларининг душманлик йўлида турганлигини, бу хонлиқлар ҳудудларини советларга қарши барча кучларнинг истеҳкомига зўр бериб айлантириб бораётганини кўриб шу қўшни давлатлар томонидан хавф-хатар кучаяётганини англамай қолишлари мумкин эмас эди. Туркистон большевиклари Муваққат ҳукумат ҳам мустақил деб тан олган Ўрта Осиё хонлиқларининг сиёсий йўлини ўзгартиришнинг бошқа аниқ йўлларини топмай, қувғинга олинган оппозиция кучлари ҳаётининг хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш баҳонаси билан бу хонлиқларнинг ички ишларига қўпол суратда аралашиб, улар ҳукмдорларининг ўз жамиятларини ислоҳ этишига албатта эришиш йўлини танладилар.

Туркистон большевиклари раҳбарияти ҳарбий кучни намойиш қилиш билан Бухоро амирини Совет Туркистонига нисбатан бир қадар содиқ бўлишга мойил қилиш учун амирга қарши ҳарбий юриш бошлади. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Д. И. Колесов қизилгвардиячилар отряди билан биргаликда 1918 йил 28 февраль кунини Янги Бухорога келди. Шу ерда ёш

бухороликлар иштироки билан амирга қўйиладиган талаблар белгилаб олинди: ҳокимиятга ёш бухороликлар ҳам қўйиладиган, баъзи мансабдор шахслар четлатиладиган, бир қанча солиқлар бекор қилинадиган, тан жазоси бериш тақиқланадиган, сўз, матбуот эркинликлари бериладиган бўлса, ана шундагина ҳокимиятнинг сақланиб қолиниши амирга ваъда қилинди ва ҳоказо.

Амир бу талабларни рад этгандан кейин Колесов 2 март куни қизилгвардиячи отрядлар ва Янги Бухоро ишчи дружиналарига Эски Бухорога бостириб кириш тўғрисида буйруқ берди. Бу ҳужум Колесов учун мағлубият бўлиб чиқди. Бухоро ва яқин атрофдаги қишлоқларнинг таёқ ва кетмонлар билан қуролланган аҳолиси амир қўшинлари билан биргаликда Бухорони ҳимоя қилишга турди. Колесов отрядлари кучли қаршиликка дош беролмай амир отлиқ аскарлари таъқиби остида чекина бошлади. Тошкент ва Самарқанддан етиб келган қўшимча ҳарбий кучларнинг мададигина Колесовни тор-мор бўлишдан сақлаб қолди ва амирни сулҳ тузишга рози бўлишга мажбур этди. 1918 йил 25 март куни Қизилтепада сулҳ битими имзоланди, бу битим "Қизилтепа битими" деб аталадиган бўлди. Ушбу битимнинг асосий шартлари: амир мунтазам армиясини 12 минг кишига қадар камайтириш, Бухоро амирлигида яшириниб юрган барча аксилинқилобчилар ва оқ гвардиячиларни топшириш, темир йўллар ва телеграфнинг сақланишини таъминлаш ва бошқалар совет ҳукумати томонидан уюштирилган ҳарбий юришнинг асл моҳиятини кўрсатиб берди. У Бухоро амирини огоҳлантириш ва Бухоронинг советларга қарши истеҳкомга айланиб қетишига йўл қўймасликдан иборат эди.

Совет ҳукумати Хева хонлиги билан ҳам худди шунга ўхшаш битим тузди. 1919 йил 9 апрель куни Хевага яқин Тахтада РСФСР билан Хева хонлиги ўртасида яраш тўғрисида шартнома имзоланди, бу шартнома Тахта шартномаси деб аталадиган бўлди.

Шу билан бирга мазкур воқеалар, айниқса Бухородаги ҳодисалар Ўрта Осиё хонликларида монархия тартиботи мавқеининг ҳали бақувватлигини яна бир карра кўрсатиб берди. Уни Совет Туркистонидан ҳимоя қилиш учун чиққан халқ оммаси аввало ўзларининг мустақилликка ва ўз ҳаёт тарзининг эркинлигига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилдилар.

1919 йилнинг ёзидан бошлаб Совет Туркистони билан Бухоро ва Хева ўртасидаги муносабатлар янада

кескинлашди. Амир Саид Олимхон билан Жўнаидхон Советларга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ туздилар. Хонликларда умумий сафарбарлик эълон қилинди. Жўнаидхон Амударё ўнг қирғоғи ҳудудига ҳужум қилди, Тўрткўл бир неча марта босқин остида қолди.

Қўшни давлатлар билан эълон қилинмаган уруш ҳолатида бўлиш можарони куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга тобора кўпроқ мойиллик кўрсатаётган Совет Туркистони ҳукумати ва Турккомиссия билан Туркфронт раҳбарларини жуда асабийлаштирди. Шу вақтдан бошлаб уларнинг тутган йўлида бу хонликлардаги оппозиция кучларини ҳукмрон тартибга қарши қурол кўтариб чиқишга ундаш асосий ўринни эгаллай бошлади.

Хева хонлигида монархиянинг ағдарилиши. ТКП Ўлка комитети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети Хева хонлигидаги барча оппозиция кучларининг жипслашуви ва мустақамланишига эришмоқчи бўлиб, Петро-Александровскдаги партия ва совет ходимларига ва Хева коммунистларига ёш бухороликлар ҳамда Жўнаидхонга қарши кайфиятдаги туркман уруғ бошлиқлари билан мустақам алоқа ўрнатиш ва буларнинг Жўнаидга қарши курашларида уларга ҳар томонлама ёрдам беришни тавсия этди. 1919 йил ноябрь ойида шу кучлар ўртасида иттифоқ тузилди. Жўнаидхонга рақиблик қилаётган энг йирик туркман қабилалари бошлиқларининг вакиллари — Қўшмамедхон билан Ғуломаликхонлар Тўрткўлда тузилган Хева инқилобий марказига коммунистлар ва ёш бухороликлар билан биргаликда кирдилар. Бу марказ хонни ағдариб, ҳокимиятни қўлга олишни ўзига мақсад қилиб қўйган эди.

Хева хонлигидаги кейинги воқеалар ривожини Тошкент билан Москванинг йўл кўрсатувчи қўли борлигини рўйи-рост кўрсатиб берди. ТКП Ўлка Мусулмонлари Бюроси вакили Ҳасанов томонидан 4 ноябрь куниёқ 4 номга: Ташқи ишлар комиссарлиги, ТКП Ўлка Мусулмонлари Бюроси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий кенгаши номига Хевада қўзғолон бошланди деган телеграмма юборилади. Бу телеграммада рўй бераётган воқеаларнинг асл манзараси баралла очиб ташланади: "Зўр бериб олиб борилган тарғибот-ташвиқотимиздан кейин, — деб бошла-

6— Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

нади хабар, – Хева пролетариати Жўнаидхонга қарши қўзғолон кўтарди. Ҳамма жойда жанглар бормоқда. Бизга делегация келиб, ёрдам сўраб турибди. Вазият жиддий. Фурсатни бой берсак, ютқазиб қўйишимиз мумкин, олти ойлик бутун ишимиз барбод бўлади”.

Бунга жавобан қилинган хатти-ҳаракатлар тезда ўз таъсирини кўрсатди. 1919 йил 21 декабрь куни Туркистон республикаси Инқилобий Ҳарбий Кенгаши вакили Скаловнинг хева қўшинлари гуруҳини ва Туркфронт штаби томонидан юборилган янги ҳарбий қисмларни қайта ташкил этиш тўғрисида буйруғи чиқди. Бу қўшилма “Амударё қўшинлари гуруҳи” деган янги номни олди. Икки кундан кейин, 23 декабрда Скаловнинг янги буйруғи билан бу қўшинлар зиммасига “Жўнаидхоннинг зулмидан озод бўлишда Хева меҳнаткашларига ёрдам бериш” вазифаси юкланди. Бироқ, ҳақиқатда ҳарбий ҳаракатлар илгарироқ бошланган эди. Шимолий отряд Амударё бўлими ҳудудида қўзғалган казак отрядларини йўқ қилиб, 22 декабрдаёқ Амударёдан ўтди ва Хева хонлиги ҳудудига бостириб кирди. Бу отряд қўшинлари жанубга томон ҳаракат қилиб, жанглар билан хонликнинг асосий марказларини эгаллади : 29 декабрда улар Хўжайлини, 9 январда Кўҳна Урганч билан Омонқалъани, 14 январда Порсуни, 16 январда Илялини, 18 январда Тошовузни ишғол қилдилар. 19 январь куни қўшинлар Газободга яқинлашиб келдилар. Жанубдан Жанубий отряднинг ҳарбий бўлинмалари 24 декабрь куни Амударёдан ўтиб, ҳужум операцияларини кенгайтира бошладилар.

Шу қўшинлар қисуви остида Жўнаид отрядлари Ғазобод ва Тахта томон чекиндилар. Бу ерда Жўнаидхон сўнгги зарбани беришга қарор қилинди. Лекин Шимолий ва Жанубий отрядлар билан қуршаб олинган ва аввалги жангларда катта талафотлар кўрган Жўнаидхон ҳал қилувчи жангга кирмади ва кичик отряди билан қум саҳросига чиқиб кетди. 20 январь куни Жўнаидхоннинг бош қароргоҳи – Тахта Қизил Армия қўшинлари томонидан ишғол қилинди, 1 февралда эса қўшинлар Хева хонлиги пойтахти – Хевага кирдилар. 1920 йил 2 февралда Саид Абдулла тахтдан воз кечди ва бутун ҳокимиятни Хева монархиясини ағдаришда иштирок этган барча гуруҳлар вакилларидан иборат Муваққат инқилобий ҳукуматга топширди.

Туркистон, Турккомиссия ва Туркфронт раҳбарлари қўшни давлат тузумини барбод этишда оовет ҳарбий куч-

ларининг ролини яшириб, Хевада бўлиб ўтган воқеаларни инқилобий тўнтариш, халқ инқилоби деб таърифлашга ошиқдилар. 1920 йил 26 апрель куни қақирилган халқ вакилларининг Бутунхоразм I қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикасини эълон этди ва унинг Конституциясини қабул қилди. Қурултой республика ҳукуматини – Халқ Нозирлари Советини тузди, унинг раиси этиб ёш хеваликлар етакчиларидан бири – Полвонниёз Юсупов, ўринбосарлари вазифасига эса – ёш хеваликлар Тўрткўл Комитетининг собиқ раиси Жуманиёз Султонмуродов ва туркман қабилаларидан бирининг бошлиғи Қўшмамедхон Сапиевлар сайланди. Нозирлар лавозимларига ҳам коммунистлар билан биргаликда ёш хеваликларнинг вакиллари ва туркман уруғ бошлиқлари тайинланди. Шундай қилиб, ёш хевалилар ва туркман уруғ бошлиқларининг бир қисми совет қуруллойи кучларининг ёрдамида монархия тартиботини ағдаришга муваффақ бўлиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

Бухоро амирлигида монархиянинг ағдарилиши. Бухородаги воқеалар ҳам худди шунга ўхшаш сценарий бўйича ривожланиб борди. Амирнинг Совет Россияси билан муносабатларни тўғрилашни истамагани, большевиклар тартиботини қабул қилмагани, урушга зўр бериб тайёргарлик олиб боргани, советларга қарши барча кучларга ўз ҳудудидан паноҳ бергани совет раҳбариятини жуда ташвишлантириб, ховотирга солиб қўйди. Бухоро хонлигини М. В. Фрунзе "совет танасидаги жароҳат" деб атаган эди. В. В. Куйбишев унга эргашиб, "Амир Бухороси аксилнқилоб, оқ гвардиячилар ва жаҳон империализми учун қарвонсаройдир" деб таъкидлади.

1920 йил август ойининг дастлабки кунларида В. И. Ленинга юборилган телеграммада М. В. Фрунзе мана бундай деб маълумот берди: "Бухоро хусусида икки хил йўл тутишни хаёл қилса бўлади: 1) мамлакатдаги ички инқилобий жараённинг ривожланиб боришига умид қилиш ва шу пайтга кутиб туриш; 2) ташқи кучлар ҳисобига инқилобни ташкил этиш". Биринчи йўлни у дарҳол инкор этди, чунки Бухорода "ички инқилобнинг ривожланиш жараёни ниҳоят даражада секинлик билан бормоқда ва агар умуман натижа бера оладиган бўлса ҳам, жуда олис келажакда бериши мумкин". Шунинг учун ҳам, деб ёзган

эди у яна, "амирликни тез орада йўқ қилиш зарур деб ҳисобланадиган бўлса (ўйлайманки, бу тўғрида ҳар хил фикр бўлиши мумкин эмас), у ҳолда иккинчи йўл, яъни кучларимизнинг инқилобий йўл билан бевосита иштирок этишини ташкил этиш қолади".

Москва кўп ҳаялламаздан туриб жавоб берди. 1920 йил 10 август куни РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Туркистон фронтининг Инқилобий Ҳарбий Кенгаши учун Бухоро масаласи юзасидан махсус директивалар қабул қилди. Буларда Бухоро ҳудудига ва Бухоро қўшин қисмларига ҳужум бошлашдан эҳтиёт бўлиш керак деб, Туркфронт қўмондонлиги огоҳлантирилган бўлса-да, лекин уларнинг тўртинчи моддаси унинг режаларига тўла мос келар эди: "Бизни ана шундай ҳужумга даъват қиладиган бир қадар оммавий Бухоро инқилобий маркази бўлган тақдирдагина (лоақал бизнинг ҳудудимизда) мудофаага тайёргарлик чораларини бизнинг ташаббусимиз билан бошланадиган ҳужум билан алмаштириш мумкин..."

Турккомиссия, Туркфронт ва ТКП раҳбарияти РКП(б) Марказий Комитети директиваларини инқилобни ташқи кучлар билан ташкил этиш тўғрисидаги ўз фикрларини қувватлаш деб билдилар ва дарҳол буни амалга оширишга киришдилар. Тайёргарлик РКП(б) Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган режа бўйича олиб борилди. Бухоро амирини ағдаришда ёрдам сўраб бухороликлар қилган чақириғини олиш қийин эмас эди. Бу барча сиёсий йўналишлардаги бухоро оппозициясининг муҳожирликдаги доиралари: инқилобчи ёш бухороликлар ва Бухоро коммунистларининг истакларига мос тушар эди. Булар партиялари марказлари – Инқилобчи ёш бухороликлар Марказий бюроси ва Бухоро Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти кўпгина дастурий ва тактик масалалар юзасидан ҳеч келиша олмаса-да, лекин уларнинг душмани битта – амирликнинг монархик тартиботи эди. Шунинг учун ҳам 3 августдаги йиғилишда Турккомиссия Бухоро коммунистларининг ёш бухороликлар инқилобий ташкилоти билан иттифоқ тузишига нисбатан осонгина эришди, лекин бунда шу ташкилот аъзоларининг "Бухорода тўнтариш бўлиб ўтганидан кейин эртаси кунёқ расман Коммунистик партия сафларига киришлари" шарт қилиб қўйилган эди.

Бухоро Коммунистик партиясининг Чоржўйда иш олиб бораётган IV съезди 1920 йил 16 августидак Бухоро хонлигида инқилобий вазият етилганлигини эътироф этиб, амир ҳокимиятини ағдариш тўғрисида қарор қабул қилди ва Бухоро меҳнаткаш оммаларини асрий феодализм зулми ҳамда амир истибдодидан халос этиш учун ёрдам сўраб Турккомиссияга мурожаат этди. Бухоро инқилоби деб аталмиш бу инқилобга амалий раҳбарлик қилиш учун съездан кейин тез орада В. В. Куйбишев, Инқилобчи ёш бухороликлар Марказий бюросининг раиси Ф. Хўжаев ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Н. Хўсайновлардан иборат партия маркази тузилади. Партия маркази 1920 йил 28 август кунини Тошкентдан Янги Бухорога кўчиб келади. Шунда 29 август кунини эски Чоржўйда Бухоро коммунистлари кўнгилли отрядининг чиқишини ташкил этишга эришилгани замона, буни меҳнаткаш омманинг бошланган кўзғолони, инқилоб бошланиши деб эълон қилинади ва Турккомиссия номига ёрдам сўраб яна илтимоснома юборилади.

Туркфронт қўшинлари бу вақтга келиб сафарбарликка тайёр ҳолатда турган эди. 1920 йил 25 август кунини Фрунзе Туркфронт қўшинларига "кўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида" буйруқ берди. Буйруққа мувофиқ, барча қўшин қисмлари бир неча кучли зарбдор гуруҳларга: Самарқанд, Каттақўрғон, Қизилтепа, Когон, Чоржўй гуруҳларига айлантирилди. Фрунзе томонидан ишлаб чиқилган Бухоро операциясига кўра, ҳар бир зарбдор гуруҳ зиммасига жанговар ҳаракатларда майда-чуйда тафсилотларига аниқ кўрсатиб қўйилган вазифалар юклатилди. Кучли бронепоездлар, жанговар эскадрилья таркибидаги авиаотрядлар ишга солинди. Зарбдор гуруҳларнинг кўпчилигига дастлабки позицияларни эгаллаш ва 28 августдан 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди.

Мана шу кучли қўшинлар бирлашмасини ишга тушириш операциянинг оқибатини олдиндан белгилаб берди. Туркфронт қўшинлари олдинга қўйилган вазифаларни нисбатан осонгина бажарди ва Бухоро остонасидагина Бухоро қўшинларининг шиддатли қаршилигига дуч келди. Август ойининг охирида Фрунзе қўшимча

мадад тўғрисида фронт штабига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Бухоро шафқатсиз равишда ўққа тутилди.

Амир Саид Олимхон бу воқеаларни ўз хотираларида мана бундай тасвирлайди: "Большевиклар ҳужумни давом эттирдилар ва тунда соат иккиларга бориб Бухорога кираверишдаги йўлда катта қўшин гуруҳини тўплаб, жам қилдилар. Шу билан бирга улар замбараклардан ўт очиб, ўзларининг броневик ва бронепоездларида олдинга ўтиб бордилар. Кўп ўтмай еттига аэроплан Бухорони бомбардимон қилди. Бу жанглар пайтида душман замбараклар, пулемётлар, аэропланлар ёрдамида Бухоронинг ярмини ёндириб, қанчадан-қанча халқни қириб ташлашга муваффақ бўлди".

Амир, ўзи ёзганидек, "вайронагарчилик янада зўрайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йўл қўймаслик" учун ўз қўшинлари билан Бухородан чиқиб кетди. 1920 йил 2 сентябрда Туркфронт қўшинлари ва бухороликларнинг кўнгилли қисмлари Бухорога кириб боришди. Ўша куннинг ўзидаёқ Фрунзе Ленинга мана бундай деб телеграмма юборди: "Эски Бухоро қалъаси қизил Бухоро ва бизнинг қисмларимизнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан бугун қўлга олинди. Бухоро жаҳолатпарастлари ва қорағуруқчиларнинг сўнгги таянчи емирилди. Регистон устида инқилоб Қизил байроғи голибона ҳилпираб турибди".

1920 йил 14 сентябрда раис Абдуқодир Муҳиддинов бошчилигида Умумбухоро инқилоб комитети ва республика ҳукумати – Халқ Нозирлари Совети тузилди; унинг раиси этиб Файзулла Хўжаев тайинланди. Умумбухоро инқилоб комитети ва ҳукумат асосан коммунистлардан тузилган эди. Бу вақтга келиб инқилобчи ёш бухороликлар партияси ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.

1920 йил 6–8 октябрь кунлари бўлиб ўтган Халқ вакилларининг I умумбухоро қурултойи Бухорони ҳокимият ишчи ва деҳқонлар қўлида бўлган Халқ Совет республикаси деб эълон қилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Бухоро билан Хевадаги тарихий жараёнларнинг ривожланишига қандай ташқи ва ички омиллар таъсир ўтказди? 2. Хева ва Бухорода жамиятнинг ислоҳ қилиш учун ҳаракатлар бошланишига олиб келган шарт-шароитлар қандай эди? 3. Россия демократик доиралари билан Хева ва Бухородаги оппозиция кучларининг

биргаликдаги ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб борди? 4. Совет ҳокимиятининг Бухоро ва Хевадаги расмий ҳокимият ва оппозицион ҳаракат билан ўзаро муносабатлари қай тариқа шаклланди? 5. Хева хонлигидаги монархия қандай қилиб ағдарилди? 6. Бухородаги монархиянинг ағдарилиши тўғрисида сўзлаб беринг.

II БОБ. 1921–1924 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН. ХАЛҚ ҲАЁТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИДА

1-§. Ўта инқилобий ўзгартиришлар сиёсатининг тангликка учраши

Ўзбекистон: сиёсий вазият. XX аср 20-йилларининг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди РСФСР (ТАССР нинг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари), Бухоро (марказий ва ғарбий қисми) ва Хоразм (шу номдаги воҳа) республикалари таркибига кирар эди. ТАССР даги ҳокимият тузилмалари ТАССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советидан иборат бўлди. 20-йилларнинг биринчи ярми давомида ТАССР Советларининг уч съезди – 1921 йил 21–25 августида X съезди, 1922 йил 2–6 декабрида XI съезди, 1924 йил 1–8 январида XII съезди бўлиб ўтди. Делегатларнинг учдан икки қисми туб халқлар вакилларидан иборат эди. Бу съездларда ўлка ҳаётига тааллуқли масалалар кўриб чиқилди.

Коммунистик партия ҳукмрон партия бўлиб қолди. Туркистон Компартиясининг VI (1921 йилда) ва VII (1924 йилда) съездлари, икки конференцияси ўтказилди. 1920 йил охирига бориб коммунистлар сони 58 мингга яқин, 1924 йил ўрталарига келганда эса 26 минг кишини ташкил этди. Ўлкани бошқаришда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон масалалари бўйича Комиссияси (Турккомиссия) ва 1920 йилда тузилган РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси ҳал қилувчи роль ўйнади. Амалда икки ҳукумат борлиги туб аҳоли ўртасида норозилик уйғотиб, кескинлик пайдо бўлишига олиб келди. Жойлардан келган талаблар натижасида Турккомиссия тугатилди, Туркбюро эса Ўрта Осиё бюросига айлантирилди ва Ўрта Осиёда раҳбар марказ бўлиб қолди.

Совет қурилиши 20- йилларда ҳам давом этиб борди, вилоят, волость, уезд совет ва партия органлари ишлаб турди.

Фавқулодда шароитлар юзага келган жойларда инқилобий комитетлар (ревкомлар) тузилди. Компартия раҳбарлиги остида Туркистонда, шунингдек Бухоро ва Хоразм республикаларида сиёсийлашган, синфийлашган хўжалик органлари, касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқлари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари юзага келди. Қишлоқда камбағалларни уюштириш ва тарбиялаш мақсадида тузилган "Қўшчи" союзи ана шундай ташкилот эди. 1925 йилга келиб ундаги аъзолар сони 157 минг кишига ётди.

Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий парокандалик. Совет ҳокимияти ўлкада саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларни материаллар, хом-ашё билан таъминлаш учун анчагина ҳаракат қилди. Ишчилар меҳнатини рағбатлантириш, аҳолининг жуда муҳтож гуруҳларининг аҳолини енгиллаштириш юзасидан чоралар кўрди. Ижтимоий тарбия муассасалари, ҳар хил ўқув юртлари очилди, маданий оқартув иши олиб борилди, газета ва журналлар нашр этилди.

Лекин ўлка умуман чуқурлашиб бораётган танглик гирдобига тушиб қолди. Саноатнинг национализация қилингани, хусусий мулк мусодара этилгани, иқтисодиётнинг марказлаштирилгани шу тангликнинг асосий сабаблари бўлди. Ана шундай тадбирларга алоқадор чалкашликлар озиқ-овқат развёрсткасини ва пахта савдосига давлат монополиясини жорий қилиш натижасида аҳвол янада оғирлашиб борди. Бозорларнинг бекитиб қўйилиши, савдо-сотиқнинг тақиқланиши ва адоғи йўқ мажбурий меҳнат аҳолида кескин норозилик уйғотди. Дин пешволарини қаттиқ таъқибга олиш, қозихоналар фаолиятини таъқиқлаб қўйиш, вақтларни бекор қилиш, масжидлар, мадрасалар, эски мактабларни беркитишни ҳам совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаги ҳаддан ошишнинг худди ўзгинаси деб ҳисоблаш мумкин. 1921 йилда бошланган ер ислоҳоти бир қанча жойларда ерга алоқадор муносабатларни кескинлаштирди. Бу ўзгартиришлар жараёнида халқнинг манфаатлари ва анъаналари ҳисобга

олинмади, шу сабабдан улар қўллаб-қувватланмади ва ҳатто қаршиликка учради.

Россия тажрибасидан ибрат олиб минтақанинг кўп укладли иқтисодиётига, жамиятнинг салоҳиятли қисмига, энг қадимги маданият ва унинг вакилларига қарши беомон ҳужум давом этди. Ана шундай кирдикорлар натижасида қизил аскарлар юришларининг талончилик ва зўрлик ҳолларига айланиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Урта Осиё республикаларида ҳокимият сиёсатининг чекланганлиги шу билан ифодаландики, большевиклар бошчилигидаги бу ҳокимият, айниқса 20-йилларнинг бошида асосан шаҳарларга, саноат ривожланган жойлар ва темир йўлга тарқалди. Оврўполик раҳбарлар жойлардаги шарт-шароитларни билмас, туб миллатлар вакилларига ишонмас эдилар. Шунинг натижасида бўлган жанжал-можаролар оддий меҳнаткашларга катта зиён етказди.

Қизил аскарлар отрядлари билан мустақиллик учун ҳаракат қатнашчилари ўртасидаги қуроли тўқнашув давом этиб борди. Совет ҳокимияти томонидан ижтимоий-сиёсий битимга келиш учун кўрилган чоралар сууст ва изчил эмас эди, лекин жазо чоралари кенг миқёсда амалга оширилди. Истиқлол ҳаракати қатнашчилари гаровга олинган қариндош-уруғларини жазолаш билан қўрқитилди ва улардан қуролини ташлаш ва ҳокимиятга таслим бўлиш қаттиқ талаб қилинди.

Миллий етакчилар бошқача йўл тутишни – музокара-лар олиб бориш ва битимга эришишнинг сиёсий ҳамда иқтисодий воситаларини қўшиб амалга ошириб боришни ёқлаб чиқдилар.

Урта Осиёда ижтимоий-сиёсий парокандалик билан бирга ўлкада иқтисодий аҳвол ҳам оғирлашди.

Хўжалик инқирози. 1920 йилда Россиянинг 30 млн. киши яшайдиган Волгабўйи губернияларида ҳаддан ташқари қурғоқчилик бўлиб, даҳшатли очлик бошланди. Туркистон оч қолган кишилардан 160 минг нафарини ўз бағрига олди, азобда қолган жойларга озиқ-овқат жўнатди.

Бироқ иқтисодий аҳвол Туркистоннинг ўзида ҳам анча ёмонлашди. Ўлка аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшар эди. Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида инқилобдан кейинги йилларда экин майдонлари биринчи жаҳон уруши бошланишидан олдинги даврга

қараганда деярли учдан икки қисмига камайиб кетди. Суғориш иншоотлари таъмир қилинмай кўйилгани туфайли емирилиб, хароб бўлди. Чорва ҳам учдан икки қисмига камайди. Улов ва қўш ҳайвонлари – от ва ҳўкизлар етишмаслиги жуда сезилиб қолди. Пахтачиликдаги таназзул сурункали тусга кирди. 1915 йили 542 минг га ерда пахта етиштирилиб, унинг ялпи ҳосили 831 минг т ни ташкил этган бўлса, 1921 йили бу рақамлар шунга яраша 76 минг га ва 15 минг т ни ташкил этди. Жун, пилла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди.

Вайронагарчилик саноат, транспортни ҳам хароб қилди, савдо-сотиқ тўхтаб қолди. Фарғона вилоятидаги пахта тозалаш заводларининг деярли ҳаммаси ишдан тўхтади. Уй-жой етишмаслиги туфайли вагонлардан ишчилар учун турар жой сифатида фойдаланилди. Пахта мойи ва совун ишлаб чиқариш, тошкўмир ва нефть қазиб олиш ниҳоят даражада камайиб кетди. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ғалла, газлама, металл буюмлари, тахта-ёғочлар ва бошқалар келиши деярли батамом тўхтаб қолганлиги муносабати билан мушкул вазият юзага келди. Пул қадрсизланиб кетди. Ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматларга талаб кучайди. Лекин халқ хўжалигининг ишни ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қадимги анъаналарга эга бўлган шу соҳасини ўз назорати остида тутиш юзасидан давлатнинг қилиб кўрган уриниши ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига ёмон таъсир кўрсатди.

Ҳукуматнинг иқтисодиёт соҳасида кўрган чоралари самарасиз бўлиб чиқди. Ишлаб чиқариш таназзулини тўхтатиш мумкин бўлмади.

Хоразм ва Бухоро республикаларида ҳам озиқ-овқат развёрткаси жорий этилди, пахта, қоракўл тери, пилла, жунга давлат монополияси амалга оширилди. Савдогарларнинг моллари, йирик хўжаликларнинг ғалласи ва чорваси мусодара қилинди, баъзи жойларда ерлар ҳам тортиб олинди.

Туркистоннинг бир қанча жойларида очлик кучайиб, жумладан қишлоқда ишсизлар кўпайиб борди. Фарғона вилоятида айниқса оғир аҳвол юзага келди. 1921 йилнинг ўзида бу ерда 64 минг нафар киши очлик ва ҳар хил

касалликлардан нобуд бўлди. Ишчилар озиқ-овқат, бошқа энг зарур моллар билан таъминланмас эди. Вилоят фавқулодда ҳолатда деб эълон қилинган эди.

Янги иқтисодий сиёсат. 1921 йил кўкламига келиб мамлакатнинг иқтисодий муносабатларида кескин ўзгаришлар ўтказиш зарурлиги равшан бўлиб қолди. РКП(б) X съезди (1921 йил март) нинг озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарори билан бу иш бошланиб кетди. Янги иқтисодий сиёсат (новая экономическая политика – НЭП) деган тамойиллар тизими вужудга келди.

ТАССР да НЭП га ўтиш Туркистон Компартиясининг VI съездида (1921 йил 11–20 август) сиёсий жиҳатдан асослаб берилди ва шундан сўнг ТАССР Советлари X съезди (1921 йил 21–25 август) қарори билан расмийлаштирилди. ~~НЭП нинг асоси иқтисодиёт, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий-коммунистик усулларидан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввало деҳқонга бир қадар эркинлик беришдан иборат эди.~~

НЭП деҳқонга белгиланган озиқ-овқат солиғини тўлагандан кейин ҳосилнинг қолган қисмига эркин эгаллик қилиш, уни бозорда сотиш ва ўз хўжалиги ҳамда шахсий таъминоти учун зарур нарсаларни сотиб олиш имконини берди. Шаҳарда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида уртача ва майда корхоналар, савдо шохобчалари, ҳаммомлар, томоша муассасалари ва бошқалар ижарага берилди. Иқтисодиётнинг хўжалик ҳисобига ва ўз ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилган энг муҳим соҳалари давлат ихтиёрида қолди. Хусусий капитал билан акционерлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рухсат берилди ва ҳоказо. Ана шундай янги шароитларда солиқларга ва солиқ сиёсатига ҳал қилувчи аҳамият берилди. Хўжалик механизми, бюджет, пул хўжалиги, укладлар аро алоқалар қайтадан тузилди. Бироқ пахтага давлат монополияси 1923 йил бошигача сақланиб қолди. Ирригация ишларини маблағ билан таъминлаш манбалари эса белгиланмаган эди, шунга кўра бу ўринда моддий жиҳатдан бевосита рағбатлантирилмайдиган усул – сув мажбурияти давом этаверди. Шу муносабат билан пахтачиликдаги таназзул яна икки йил атрофида давом этди.

САВОЛЛАР. 1. 20-йиллар бошида Ўзбекистондаги давлат ва жамият тузуми қандай эди? 2. Бу ерда амалга оширилган сиёсат ва ўзгартиришларнинг ўта инқилобий табиати нимадан иборат бўлди? 3. Иқтисодийдаги аҳвол қандай эди? 4. Янги иқтисодий сиёсат нима ва у Туркистонда қандай ўтказилди?

2-§. Халқ, унинг вакиллари ва демократик ривожланиш кўникмалари

Халқ – ўз тарихининг ижодкоридир. 20-йилларнинг бошида Ўзбекистон ҳудудида ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қozoқлар, қирғизлар, руслар, асли ҳиндистонлик, афғонистонлик, эронлик ва бошқа мамлакатлик кишилар яшар эди. Тил ва маданиятдаги тафовутлар буларнинг тотувлик ва ҳамжиҳатлик билан яшашига халал бермас эди. Бу даврда улар сиёсий ҳаёт майдонида ва ижтимоий муносабатлар соҳасида фаол қатнашиб, ~~ини олиб бордилар.~~ ~~Ўтказилаётган ўзгартиришларга, хўжалик ва маданий ҳаёт тараққиётига халқ муҳим, баъзида ҳал қилувчи таъсир кўрсатди.~~

Ўзбекистондаги миллий ғоя соғлом ва адолатли турмуш тарзига ва бошқа мамлакатлар, халқлар хати билан танишиш, улар билан савдо ва маданий алоқаларни ўрнатиш каби халқ анъаналарида мужассамлашган. "Ҳарбий коммунизм" сиёсатидан воз кечиш ва унумли фаолият учун йўл очилиши моддий ишлаб чиқариш барча соҳаларининг юксалиши, товар-пул муносабатларининг ривожланишини рағбатлантирди.

Деҳқонлар ҳамда кўчиб келган крестьянлар, ҳунармандлар, ишчилар, хизматчилар ва зиёлилар хўжаликни тиклаш ва жамиятда нормал муносабатларни аслига келтириш йўлида меҳнат қилдилар. Туб халқлардан чиққан маълумотли ва тараққиётни кўзловчи кишилар ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш, янги турмушни йўлга қўйиш ишининг саркорлари бўлдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон халқлари октябрдан кейинги ўзгартиришларнинг волюнтаристик усулларига тоқат қилолмас эдилар. Ҳаддан ташқари оғир шароитларда, яхшилик ва адолатга ишонч қолмаётган бир пайтда, ҳокимият тепасига чиқиб олган гуруҳ низо уруғини сочиб, зўрлик ўтказаетган маҳалларда ҳам халқ эзгуликка интилиб, муҳолифликка, хунрезликка барҳам беришни,

тинч ва эркин меҳнат қилишни, ҳокимият билан халқ ўртасида нормал муносабатлар ўрнатишни ёқлаб чиқди.

Миллий муҳит ва миллий етакчилар. Ўзбекистон миллий муҳитини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари: деҳқонлар, ҳунармандлар, ишчилар, хизматчилар, савдогарлар, тадбиркорлар, зиёлилар ташкил этган. Жамият ҳаётида миллий етакчилар салмоқли ўринни эгаллаган. 20-йиллар бошига келиб миллий етакчилар ва миллий зиёлилар большевикча бошқариш усулларидан анча ихлоси қайтди, лекин минтақада ҳаёт социализм шиорлари ва идеалларида эълон қилинган йўлга тушиб кетади деган умидни кўнгилда сақлаб келинаверди. Миллий етакчилар ўлкадаги ерли халқларнинг манфаатларига нимаики хилоф бўлса шуларнинг ҳаммасига фаоллик билан қаршилик кўрсатишди. Марказдан берилган йўл-йўриқларга қарамай, улар иқтисодий тангликни бартараф этиш биринчи галдаги вазифадир деб ҳисоблар эдилар. Ана шундай етакчилардан бири Турар Рисқулов (1894-1943) эди.

~~Туркистон Компартияси Мусулмонлар бюроси раиси (1919) Т. Рисқулов 1920 йили ерли халқ вакилларидан биринчи бўлиб ТАССР Советлари Марказий Ижроия Комитети раиси бўлди 1922-1924 йилларда ТАССР Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб ишлади, бошқа масъул лавозимларни эгаллади. Т. Рисқулов бошчилигидаги ўлка раҳбар ходимларининг бир гуруҳи 1920 йили марказ олдида Турк республикаси тузиш дастури билан чиқди. Бу дастурда Туркистоннинг мустақиллик ғояси бор эди. Т. Рисқулов Туркистон халқ комиссарлари совети раиси лавозимида ишлар экан, ўлка ерли халқлари орасидаги қобилиятли кадрларни фаоллик билан ишга жалб қилишни ёқлаб чиқди.~~

1920 йил ёзида Т. Рисқулов Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси вазифасидан олиб ташланди. Бироқ бу лавозимга тайинланган А. Раҳимбоев унинг маслакдоши бўлиб чиқди ва у ҳам асосий мақсад "очлик ва мустамлакачиликка қарши кураш бўлиши керак, шундан кейингина ўз бойларимизга қарши курашмоғимиз лозим" деб ҳисоблади. У марказдан келган коммунистларнинг биринчи лавозимларни эгаллашига қарши чиқди. Халқ Комиссарлари Советининг раиси К. Отабоев марказдан келган кадрлар маҳаллий шароитларни, халқ тилини

билмайди, шунинг учун ҳам уларнинг ҳамма ишни қўлга олиши мумкин эмас, албатта, деб таъкидлади.

1921 йил кузида А. Раҳимбоев, К. Отабоев ва бошқа раҳбарлар марказ олдида Турккомиссияни тугатиш, ёмон ишлари билан ном чиқарган баъзи оврўпалик ходимларни чақириб олиш тўғрисида масалани қўйдилар. Миллий етакчилар Ўзбекистон халқлари маданий жиҳатдан қолақ деб расман қабул қилинган гапни ҳақорат деб рад этдилар, дин ва руҳонийларни таъқиб қилишни қонунга хилоф деб ҳисобладилар. Миллий етакчиларнинг қаттиқ туриб тутган йўли марказ йўлига тўғри келмайдиган, ҳаётга анча яқин йўл бўлиб, унда кенг омманинг манфаатлари ҳисобга олинган эди.

Истиқлол учун ҳаракатга муносабат тўғрисидаги масалада миллий етакчилар асосан музокаралар олиб бориш, сиёсий ва иқтисодий усулларини қўллаш йўлини ёқлаб чиқдилар.

Миллий зиёлилар либерал-демократик лагернинг маълум маънода уюшган, эътиборли қисми эди. У публицист адибларни, журналистлар, педагоглар, бошқа мутахассислик аҳилларини, хуллас, ижтимоий фикрлари Шарқ инсонпарварлиги қадриятлари ғояларида шаклланган кишилардан иборат эди. Уларнинг мақсади халқни маърифатли қилиш, уни жаҳон маданияти билан таништиришга интилиш, чинакам ҳурриятни қўлга киритишга халққа ёрдам бериш эди.

Миллий зиёлиларнинг етакчилари зўрлик усулларини ва ижтимоий ҳаётга синфий нуқтаи назардан ёндошишни инкор этдилар. Тараққиёт ва хайр-саховат сари ислоҳотчилик ҳаракатининг тинч йўлларини тарғибташвиқот қилдилар. Мусулмон руҳонийларининг тараққийпарвар арбоблари ҳам ана шу либерал-демократик платформада турар эди.

Истиқлол учун ҳаракат. Истиқлол учун ҳаракатнинг қуролли отрядлари Туркистон, Хоразм, Бухорода совет ҳокимиятига, унинг ўлка ерли халқлари манфаатларини инкор этувчи сиёсатига қарши турган жиддий омил бўлиб қолаверди. Ўрта Осиё минтақаси бўйича бу отрядлардаги йигитлар сони 60 минг нафаргача борди. Уларнинг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этган эди. Бу ҳаракатда шахарликлар, ҳар хил касб эгалари ҳам иштирок этишди.

Туркистон АССРда кучли чиқишлар бўлиб турган жойлар аввалгидек Фарғона вилояти эди. Кураш Самарқанд вилоятида, Сирдарё вилоятининг баъзи жойларида ҳам давом этди. 1921–1923 йилларда ўлка аҳолисининг “босмачиликни қўллаб-қувватлаб, бунга паноҳ бўлгани, моддий ва маънавий ёрдам бериб тургани” расман қайд қилинди. Бу ҳаракатни босиш учун Совет ҳокимияти органлари ерли халқлардан милиционер тузди. Лекин милиционерларнинг истиқлол учун курашчилар томонига ўтиб кетиш ҳоллари кўп бўлди.

Бухоро республикасида истиқлол учун ҳаракат давлатнинг учала қисмини – шарқий, марказий ва ғарбий қисмини ўз ичига олди. Давлатнинг ғарбий қисмида 50 тага яқин отряд ҳаракат қилар, буларнинг сафларида 6 мингдан кўпроқ киши бор эди. Буларга қарши Қизил Армиянинг яхши қуролланган мунтазам қисмлари ташланди.

✂ Хоразмнинг шимолида истиқлол учун ҳаракатга Жўнаидхон бошчилик қилди. 1921 йил ёзида Қўнғиротда қўзғолон кўтарилди. Бир қанча шаҳарлар курашчилар қўлига ўтиб қолди. 1922 ва 1923 йилларда ҳаракатнинг кучайиши Хевада кучли қўзғолоннинг кўтарилишига олиб келди. 1924 йил январь ойида шаҳар атрофида 10–15 мингга яқин пиёдалар ва отлиқлар тўпланди. Зудлик билан етиб келган Қизил Армия қисмларигина бу отрядларни чекинишга мажбур қилди. Бироқ ҳаракат давом этаверди.

Қуроли қарама-қаршилик халқ бошига янги-янги кулфатларни солди. Ҳаракат қатнашчилари буни тушунишар эди. Фарғонада айниқса оғир аҳвол юзага келди. Ҳаракат раҳбарлари сулҳ тузишни таклиф қилдилар. Бироқ айни вақтда қўйилган шартлар марказ ва ўлка большевиклари томонидан қабул қилилмади. Ҳаракат қатнашчиларига нисбатан террор кучаяверди. ✂

Халқ, миллий етакчилар, миллий зиёлилар, истиқлол учун ҳаракат қатнашчиларининг ғоялари, таклифлари, талаблари Ўзбекистонда ўрнатилган синфий-сиёсий тартиботга, большевиклар таълимотига муқобил илгари сурилган демократик ва либерал-демократик дастур эди. Унинг моҳиятини Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг қўшни мамлакатлар билан алоқа ўрнатиши ва тенг ҳамкорлик қилиш ғоялари ташкил этган.

Олий даражадаги бу умидлар ўша замонларда тўла-тўқис юзага чиқмаган бўлса-да, лекин улар самарасиз бўлиб қолмади. Халқ ҳаракати туфайли, истиқлол учун курашчилар ҳаракати туфайли синфий табақаланиш тўғрисидаги шиорни қишлоқда юзага чиқариш бир неча йил давомида мумкин бўлмади. Партиянинг, "Қўшчи" иттифоқининг деҳқонларга таъсири жуда чекланган эди. Қозихоналар ишини тиклаш тўғрисида декрет чиқарилди. Жамият ҳаётининг муҳим соҳаларини либераллаштириш бошланди.

САВОЛЛАР. 1. Ўзбекистон 20-йилларда қандай эди? 2. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) муносабати билан халқ ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди? 3. Миллий зиёлилар қандай фикрда эдилар? Кимлар уларнинг етакчилари бўлдилар? 4. Миллий мустақиллик учун ҳаракатнинг мақсадлари, сиёсий шиорлари нималардан иборат эди?

3-§. Туркистон халқ хўжалиги: тангликдан либераллаштириш ва жонланиш томон

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) нинг амалга оширила бошлаши. ТАССРда янги иқтисодий сиёсат нотекис амалга ошириб борилди. 1921 йили экин майдонлари олдинги йилдагига қараганда анча кенгайтирилди. Лекин кейинги уч йилда бу майдонлар яна қисқарди. 1924 йили ТАССРнинг учта ўзбек вилоятларида экин майдонлари ҳам, суғориладиган майдонлар ҳам урушдан олдинги даврнинг 60 фоизи атрофида эди. Бир қанча жиддий сабабларга кўра НЭП ўлка халқ хўжалигининг асосий соҳасига – қишлоқ хўжалигига суст таъсир ўтказди. Бошқа соҳаларда эса жонланиш бирмунча сезиларли бўлди.

1921–1922 йиллари Тошкентда 86 корхона, 2386 савдо биноси, 30 га яқин суғориш иншоотлари ижарага берилди. Хусусий ва аралаш – хусусий-давлат капитали ҳисобига ширкатлар, артеллар тузилди ва ҳоказо.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши қайтадан бунёдга кела бошлади. Ҳунармандлар сотиладиган пойабзалнинг 86 фоизгача қисмини, 76 фоиз терини, 85 фоиз кийим-кечак ва бошқиймларни, 60 фоиз идиш-товоқни ишлаб чиқарадиган бўлишди, кўпгина рўзгор буюмлари, деҳқонга керакли меҳнат қуроллари ва бошқаларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришди. Ҳунармандларнинг 10 фоиздан ортиқроғи кооперацияга жалб қилинган эди.

НЭП биринчи босқичининг қишлоқ хўжалигидаги яқунлари мўжалгина бўлиб чиқди. 1921–1922 йиллар учун озиқ-овқат солиғи режаси бажарилмай қолди. Озиқ-овқат солиғи саккизта натурал солиқдан таркиб топган эди. Ўлкага галла олиб келинмади, натижада деҳқонлар пахта етиштиришдан бош тортдилар.

Деҳқон хўжаликларининг қашшоқлиги улар харид қувватини паст даражада тутиб келди. Моллар дўконларда туриб қолди. Корхоналардан ишчилар бўшаб кета бошлади. "Қайчи" деб аталадиган ҳодиса юз берди. Халқда норозилик кучайиб борди.

Иқтисодиётнинг либераллашуви. Янги шарт-шароитлар иқтисодиётни бошқариш соҳасида қайта қуриш ўтказишни зарур қилиб қўйди. 1921 йил март ойида Туркистон иқтисодий кенгаши–ТуркЭКОСО тузилгандан кейин ташкил этилган маҳаллий иқтисодий кенгашлар 1923 йили тугатилди, уларнинг вазифалари Советлар ижроия комитетлари зиммасига юкланди. ТуркЭКОСО қошида давлат умумий режа комиссияси – Госплан таъсис этилди.

Солиқ ишлари тартибга солиниб, хилма-хил кўринишдаги озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтила бошлади. 1923 йил ўрталарида Фарғона вилоятидаги деҳқон хўжаликларидан олинадиган ягона қишлоқ хўжалик солиғи ҳажмини ярмига қисқартириш, майда чорвадор хўжаликларни солиқдан батамом озод қилиш ва бирмунча йирикроқ хўжаликларга солинадиган солиқлар суммасини 50 фоизга камайтириш тўғрисида қарорлар чиқарилди.

НЭП муносабати билан ТАССР иқтисодиётида пайдо бўлган силжишлар, ижтимоий-хўжалик соҳасидаги ўзгаришлар бу ерда либераллашиш тусини ола бошлади. Унинг асосий хусусиятлари ўринсиз усул-амаллардан воз кечиш, кўпчилик халқнинг манфаатларини ҳисобга оладиган шарт-шароитларни яратиш, бошқарувни демократлаштириш, тоталитар тарзда сиёсийлаштирилган жамиятдан воз кечишдан иборат бўлди. Хусусий ва хўжалик фаолиятининг ижара, ёллаш, артелларга бирлашиш ва ҳоказолар сингари хилма-хил шакллари бўлиши тан олинди.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатда бақувват ўрта ҳол деҳқон хўжаликларидан иборат чидамли қатлам яратишга киришилди. Таназулдан, вайронагарчиликдан аста-секин

7— Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

чиқила бошлангани, иқтисодиётнинг, биринчи галда қишлоқ хўжалигининг барқарор ҳолатга ўтиб бораётгани ана шунга қулайлик туғдирди.

Фарғона вилоятининг ижтимоий-сиёсий аҳволини яхшилаш учун чоралар кўрилди. У ерга от, қорамол, қўй-эчкилар берилди.

Россиядан ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналарнинг келтирилиши кўпайди. 1923 йилдан бошлаб СССР ҳукумати ўлкага етишмай турган ғаллани олиб келиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олди.

Пахтачиликдаги таназзулни енгишга доир чоратadbирлар. Инқироз пахтачиликда айниқса чуқур илдиэ отган эди. Ҳар бир гектар ердан йиғиб олинадиган пахта ҳосили НЭПнинг дастлабки икки йилида энг паст нуқта (1,9 ц.) гача камайди, пахта экин майдонлари қисқарди (15 минг тонна ва 51,5 минг десятина— 1915 йилдагига қараганда тегишлича 45 ва 13 баравар камайди). Шу билан бирга Россия тўқимачилик саноатининг пахта толасига бўлган талаб-эҳтиёжлари ортиб борди.

Пахтачиликдаги таназзул, экин майдонлари қисқарилишининг асосий сабабларидан бири суғориш иншоотларининг бузилиб кетганлиги, уларни таъмирлашга доир ҳар йилги зарур ишларнинг умумий вайронагарчилик туфайли қилинмай қўйилганлигидир. Суғориладиган деҳқончилик қилинадиган ерларда гидротехника иншоотлари ва катта иншоотлар анъанага мувофиқ давлат маблағлари ҳисобига, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ариқлар эса сувдан фойдаланувчилар ҳисобига тартибга келтириб турилар эди. Бироқ бу қондага амал қилинмай қўйилди ишнинг бутун оғирлиги деҳқонлар зиммасига юклатилди. Ерли аҳолидан раҳбар ходимлар, масалан, ТАССР қишлоқ хўжалик халқ комиссари вазифасига тайинланган И. Хидиралиев деҳқонлар, айниқса пахтакорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб чиқди.

Пахтачиликни юксалтириш, суғориш иншоотларини тиклаш ишларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш керак эди.

Иноғомжон Хидиралиев (1891–1929) 1922 йил июль ойидан 1924 йил январигача ТАССР Советлари Марказий Ижроия Комитети райси бўлиб ишлади. Бунгача Фарғона вилоятида, ўлка ҳукуматида бир қанча муҳим лавозимларни эгаллаб келди. Қишлоқ хўжалиги, банк

соҳасида машҳур арбоб бўлган И. Хидиралиев пахтакор деҳқонларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда принципиал позицияда турди, Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда пахтачиликни секинлик билан кенгайтириб бориш тарафдори бўлди.

1922 йил охирига келиб Туркистонга ғалла юбориш тўғрисидаги масала ҳал қилинди, 1923 йил бошида эса пахта давлат монополияси бекор қилинди. Пахта етиштирадиган жойлар солиқдан озод қилинди, пахта хом ашёсининг харид нархлари оширилди. Суғориш иншоотларини тиклашга марказ пул ва моддий маблағларни ажрата бошлади.

Главхлопком, унинг жойлардаги бўлимлари пахтакор хўжаликлар, жумладан йирик хўжаликларга ҳам олдиндан маблағ беришга киришди. Иқтисодий ҳамкорлик қилишга бойлар табақасининг ҳам шу тариқа жалб қилиниши ўлкадаги раҳбар партия органларида норозилик уйғотди.

Халқ хўжалигини тиклаш ишига давлат сектори билан бир қаторда кооперация, унинг ҳар хил шакллари ҳам қўшилди. Кооперациянинг фаолияти уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга боғлиқ эди.

1923 йил март ойида Тошкентда олтин ҳисобида капитали 3 млн. сўмни ташкил қилган қишлоқ хўжалик банки тавсис этилди. Бу пул кредит ширкатларга бирлашган деҳқонларга қарз бериш учун мўлжалланган эди. Бундай ширкатларнинг сони ортиб борди. 1923 йил охиридаёқ улар уч барабар кўпайиб, маблағлари олтин ҳисобида 58.8 млн. сўмни ташкил этди.

Ижарага берилган ва ижарага олган кишилар томонидан ишга туширилган тегирмонлар, жувозхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, тикувчилик, этикдўзлик устахоналари, хаммомлар, сартарошхоналар, бўёқчилик дўконлари халқнинг ҳар хил моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондира бошлади. Ўлкада ялпи sanoat маҳсулоти 1923 – 1924 йилларда 1921 йилдагига қараганда 1,7 барабар ортди. Баъзи соҳалар янада кўпроқ ўсди. Совет ҳокимияти органлари томонидан қаттиқ назоратдан озод этилган ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ки тезлик билан кўпайтирди, бозорни аҳоли учун зарур моллар – арава билан бешиқдан тортиб то пайабзал-у қандалотгача тўлдириб борди. Товар алмашиқини кўпайди. 20-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонда ғалла

заҳиралари кўпайди, саноат молларининг баҳоси пасайди. 1924 йил охирларига келиб Фарғона вилояти фожиали аҳволдан чиқа бошлади.

Қишлоқ хўжалиги тикланиб борди. Экин майдонлари, айниқса пахта экиладиган ерлар кенгайди, чорва кўпайди. Ялпи пахта ҳосили Ўзбекистонда 1922 йилдаги 39 минг тоннадан 1924 йили 209 минг тоннагача ортди. Ана шу даврда Главхлопком Россия тўқимачилик саноатини тиклашнинг асосини Ўрта Осиё пахтаси ташкил этди, деб қайд қилди.

САВОЛЛАР 1 Янги иқтисодий сиёсат ўлкада қай тариқа амалга оширилди? 2 Иқтисодиётдаги таназул ҳодисаларининг НЭПнинг дастлабки икки йилида давом этиб боришига нималар сабаб бўлди? 3.1923 ва 1924 йилларда хўжаликнинг либераллашуви ва жонлашуви нимада намоён бўлди? 4 Кооперациянинг янги роли нимадан иборат эди? 5 ТАССРда иқтисодиёт жонланиб бораётганидан нималар дарак берар эди?

4-§. Хоразм ва Бухоро республикаларидаги ижтимоий-хўжалик ҳаёт

Умумий ҳаёт шароитлари ва хусусиятлари. Хоразм ва Бухорода 1920 йилдаги инқилобий воқеалар давомида бу ҳудудларда совет халқ республикалари тузилди. Совет Россиясидан андаза олиб ўзгартиришлар киритиш учун бу ерда саноат пролетариати ва унинг партияси, товар-пул муносабатлари йўқ эди. Бу ерларда асрлар мобайнида иқтисодиётнинг Осиё типи, Шарқ учун характерли бўлган ижтимоий муносабатлар, маданият, ахлоқ, анъаналар шаклланиб келди. Бухоро коммунистик партияси амирнинг ағдарилиши арафасида ва шу ағдарилш давомида юзага келди, Хоразм коммунистик партияси эса хон ҳокимияти ағдарилгандан кейин тузилди. Ёшлар иттифоқи, бошқа жамоа ташкилотлари ҳам шу йўсинда тузилдилар.

Хоразм ва Бухоро халқ республикалари янги типдаги давлатлар эди. Уларнинг сиёсий тузуми ҳам бири-бирига ўхшарди. Аҳолининг кўпчилик қисмини деҳқонлар ташкил этар эди. Партия, ҳокимият тузилмалари, жамоат ташкилотларида дастлабки йилларда жамиятнинг ҳамма табақалари – деҳқонлар мусулмон руҳонийлари, савдогар-

лар, илгариги амалдорлар иштирок этдилар. Хоразм ва Бухоронинг баъзи жойларида ҳокимият органларига уруғ ва қабилаларнинг вакиллари ҳам кирдилар.

Хон ва амир ҳокимиятини ағдаришда ҳал қилувчи ролни ўйнаган Қизил Армия Хоразм билан Бухорода қолаверди. Унга таяниб туриб ғалла, пахта тортиб олинар, ҳар хил мулклар мусодара қилинар эди. Бу Армия асосан истиқлол учун бошланган қуроли ҳаракат учун кураш олиб борди.

Хоразм республикасидаги сиёсий вазият. Республикада бир миллион кишига яқин аҳоли яшар эди. Аҳолининг учдан икки қисмини хоразмлик ўзбеклар, чорак қисмини туркманлар ташкил этар, қолганлар қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқалар эди. Ҳокимият ва мамлакатни бошқариш тизими халқ вакилларида иборат совет тизими тариқасида таркиб топди. Олий орган халқ вакиллари умумхоразм қурултойи ҳисобланар эди, кейинчалик у советлар қурултойи деб аталадиган бўлди. Ҳаммаси бўлиб тўртта қурултой бўлиб ўтди. Маҳаллий ҳокимият тузилмалари – маҳаллий Советлар шаклланиш босқичида эдилар.

Сиёсий раҳбарлик дастлаб ёш хеваликлар партияси қўлида эди. Кейинчалик ҳокимият Хоразм Коммунистик партиясига ўтди. Хоразм Коммунистик партиясининг I съезди (1921 йил 10–11 декабрь) очиладиган вақтга келиб бу партия сафларида 1200 аъзо бор эди. Партия ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қилар, барча турмуш масалалари бўйича қарорлар қабул этар эди.

Раҳбар доираларда кураш кескинлашиб борди. 1920 йил кузида ҳукумат (Халқ Нозирлари Совети) бошлиғининг ўринбосари Қўшмамедхон Сапиев ва туркман отрядининг 600 жангчиси отиб ташланди. 1921 йил март ойининг бошларида эса Полвонниёз Юсунов бошчилигидаги ҳукумат ағдарилди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси Нозирлар Советининг биринчи раиси ёш хевалик П. Н. Юсунов мўътадил ислохотлар сиёсатини амалга ошириб, Хоразмда вақфларни бутунлай тугатишга ва шу қабиларга кескин қарши чиқди. Бу коммунистларнинг норозиликларига сабаб бўлди. Кенг ташвиқот ишлари натижасида ва Қизил Армия қисмларига таяниб туриб Юсунов ҳукумати 1921 йилнинг баҳорида ағдарилди.

Энди коммунистлар ҳукуматда кўпчиликни ташкил этадиган бўлиб қолди.

1923 йилнинг 18–20 октябрида бўлиб ўтган Хоразм Советларининг IV қурултойи янги конституцияни қабул қилди. Бу конституцияга асосан савдогарлар, руҳонийлар, аҳолининг баъзи бошқа тоифалари эксплуататорлар деб эълон қилинди ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Қишлоқда оқсоқолларни сайлаб қўйиш тизими, ерга хусусий мулкчилик бекор қилинди. Ҳамма ерлар, жумладан, вақф ерлари ҳам мусодара этилган, деб эълон қилинди. Қурултой ҳукуматнинг баъзи аъзоларига ишончсизлик билдирди. Совет партия ходимлари, зиёлилар ва бошқалар орасидаги неча юзлаб норози кишилар қамоққа олинди. Жамиятда шу тариқа кескинлик кучайтириб борилди. Бунинг натижасида аҳоли орасида ғарабланиш ва норозилик кучаяверди. Мустақиллик, яъни истиқлол учун курашчиларнинг сафлари кенгайиб борди. Ана шу нарса 1924 йилнинг январида қўзғолонга олиб келди.

Иқтисодий ўзгартиришлар, хўжалик ҳаёти. Республика иқтисодиёти катта қийинчиликларга дуч келиб қолди. 1922 йилда суғориладиган ерлар майдони учдан икки қисмга қисқариб кетди ва 150 минг десятинани ташкил этди, ғўза экиладиган майдонлар эса 1916 йилдаги 90 минг десятина ўрнига камайиб, тахминан 4 минг десятинага тушиб қолди. 1921 йилнинг июль ойида озик-овқат солиғига ўтиш эълон қилинди. Мусодара қилинган ерлар, кўллар, тўқайлар, корхоналар, мазорлар, карвонсаройлар ва бошқалар ижарага бериладиган бўлди. Бюджет тузилиб, солиқ ишлари, пул хўжалиги тартибга солинди.

Бузилиб кетган йирик суғориш иншоотларининг 24 таси таъмирланди, янги каналлар очишга доир ишлар давом эттирилди ва ҳоказо. Ўша йилнинг ўзидаёқ ягона қишлоқ хўжалик солиғи жорий этилди.

Хоразмда 20 мингдан ортиқ ҳунармандлар бор эди. Хева йирик ҳунармандчилик маркази ҳисобланарди. Бу ердаги устахоналар ва улардаги ходимларнинг сони 1923 йилда 1917 йилдаги даражага етди.

1923–1924 йилларда мусодара қилинган кўнчилик, пахта тозалаш, гишт заводлари, электр станциялар, босмахоналар, бошқа корхоналар иш бошлади. 1923–1924

хўжалик йилида саноатдан тушган фойда олтин ҳисобида 170 минг сўмни ташкил этди.

Кенг халқ оммасининг тазйиқи остида хўжаликни либераллаштириш томон қадамлар қўйилди. Чунончи, қамоққа олинган кишиларнинг 200 нафардан кўпроғи 1924 йил бошида озодликка чиқарилди. Мусодара қилинган чорва моллари қайтариб берилди. Илм-маърифат, маданият ва санъатни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Бухоро республикасида 1921 йил бошидан ҳар хил воқеалар авж ола бошлади. Янги тузум, унинг ижобий чора-тадбирларини аҳоли маъқуллаб кутиб олди. Бироқ янги ҳокимиятнинг волюнтаристик усул-амаллари аҳолининг нерозилиги ва қаршилигига сабаб бўлди. Янги республика етакчиси Ф. Хўжаев мураккаб ва оғир шартларда ишлади.

Файзулла Хўжаев (1896–1937) бухоролик йирик савдогарнинг ўғли, Оврупода бўлиб, ўша ерда билим олди. У Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси ва ёш бухороликлар партизаннинг аъзоси бўлиб, амир ағдарилган пайтда Бухоро Коммунистик партияси сафига кирди. Ф. Хўжаев Бухоро республикаси Халқ Нозирлари Советининг бошлиғи бўлиб ишлади (1920–1924 йиллар), Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан кейин эса республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлди (1925–1937 йиллар).

Мулкдорлар табақасига нисбатан кўрилган қаттиқ чоралар, мажбурий озиқ-овқат развёрсткаси мусулмон дини, унинг вакилларига нисбатан душманлик сиёсати, республика ҳудудида турган Қизил Армия таъминотини аҳоли зиммасига юклаш республикадаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди.

Асосий қисмини маҳаллий аҳолидан бўлмаган ходимлар ташкил этган, "сўллар" деб аталувчи гуруҳ, шунингдек марказ, Турккомиссия, РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси "Бухоро инқилобининг характери тўғрисида" мунозара бошлаб, ер ислоҳоти ўтказиш, республика ҳукумати ҳайъатини ўзгартириш ва бошқаларга эришилди.

Демократик оқим ҳам мавжуд эди. 1921 йилнинг сентябрь ойида Бухоро республикаси Конституцияси қабул қилинди. Фуқаролар тенг ҳуқуқли деб эътироф этилди, ҳурчиёт тўлон қилинди. Республиканинг Ф. Хўжаев, А.

Муҳиддинов, М. Мансуров, А. Фитрат, Сатторхўжаев, М. Саиджонов, М. Аминов, Отахўжаев ва бошқалар сингари раҳбарлари ўртача мўътадил йўл тутиб, Бухоро республикаси мустақил бўлиб чиқишини ёқлаб чиқдилар. Бухоро инқилобий комитетининг раиси А. Муҳиддинов 1921 йил ёзида жойларга тарқатилган кўрсатмада мана бундай деб ёзган эди: "Дин, ватан ва миллат учун ишда бир бўлаيлик... Миллий мустақилликни талаб қиламиз...."

РКП(б) Марказий Комитети кўрсатмаси билан ва Россия большевиклари тазйиқи остида 1923 йил июнида ҳукумат ҳайъати ўзгартирилди, пастдан юқоригача бўлган ҳокимият тузилмаларидан хавфли деб топилган ходимлар четлатилди. Ҳукуматда Туркистондан юборилган эмиссарларнинг таъсири кучайиб борди. 14 август куни конституция ўзгартирилди. Катта-кичик савдогарлар, собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди, ишчилар ва камбағалларнинг сайлов ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бошқарув органларини демократлаштириш деб аталмиш режа амалга оширила бошлади.

Жамият ҳаётида ижтимоий беқарорлик пайдо бўлди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Гоявий парокандалаик қуролли муқобиллик кучайишида ҳам ўз ифодасини топди.

Иқтисодий муносабатлар, хўжаликдаги аҳвол. Бухоро республикасидаги иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислоҳотлар табиатан зиддиятли тус олди. Кўпинча волюнтаризмга оғиб берилиб, шошма-шошарлик қилинар, мавжуд шароитлар, аҳолининг кайфу-руҳияти ҳисобга олинмас эди. Бухоро инқилобий комитетининг 1921 йил 5 январдаги декрети ҳамма ерларни умумхалқ мулки деб эълон қилди. Шунда вақф ерларини ҳам қисқа вақтда тугатишга киришилди, бундан олдинроқ баъзи тоифадаги хўжаликларнинг чорва моллари, мулклари мусодара қилинган эди. Гарчи амир давридаги солиқлар бекор қилинган бўлса-да, лекин янги солиқлар ҳам беш турли бўлиб, суиистеъмол ҳоллари учун имкоқ очиб берар эди. Қаттиқ озиқ-овқат развёрсткаси ўтказилди. Мана шуларнинг ҳаммаси норозилик уйғотиш билангина қолмай, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада кўпроқ емирилишига олиб келди. Суғориш тизими таъмирланмай қолди, экин майдонлари қисқариб, чорва молларининг сони камайиб борди.

Шу билан бир вақтда кўпгина ижобий чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. 1921 йил кузида ер мусодараси бе-

кор қилинди. Бухоро Марказий Ижроия Комитетининг умумий афв тўғрисидаги 1922 йил 25 май декрети вақфларни тугатишни тўхтатиш, қозихоналар ишини, шариат қонун-қоидаларини тиклаш ва бошқаларни эълон қилди. Уша йилнинг ноябрида янги иқтисодий сиёсатга ўтиш эълон қилинди. Бухоро давлат банки тузилиб, пул хўжалиги тартибга келтирилди. Деҳқонларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Бу қишлоқ хўжалигини, унинг етакчи соҳалари – пахтачилик, озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари экиладиган майдонлар, боғдорчилик за узумчиликни тиклашга олиб келди. 1923 йили суғориладиган ерлар майдони 1913 йилдаги даражага яқинлашиб қолди (92,3 фоизни ташкил этди).

Хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳар хил моллар, буюмлар, хизматларга бўлган аҳоли талабининг ўндан тўққиз қисмини қаноатлантирадиган бўлди. Темир йўл тикланиб завод ва фабрикалар қайтадан ишга тушди. 1924 йили Бухорода 19 корхона ишлаб турди, буларда 600 нафар ишчи банд эди.

500 дан ортиқ бозор ишлаб турди, хусусий капитал 12 минг савдогарлар маблағидан иборат бўлди. 1923 йилга келиб 4 та аралаш акционерлик жамияти, 30 та йирик савдо фирмалари фаолият кўрсатаётган эди. 1923 йили ҳар бир фирманинг фойдаси олтин ҳисобида 20 минг сўмдан ортиқроқ маблағни ташкил этди. Давлат савдоси ва кооперацияга берилган ёрдам таъсир кўрсата бошлади.

САВОЛЛАР. 1. Хоразм ва Бухоро республикалари учун қандай умумий хусусиятлар характерли эди? 2. Хоразм республикасидаги ижтимоий-сиёсий тузум ва сиёсий вазият қандай эди? 3. Хоразм республикаси халқ хўжалигида қандай вазият вужудга келди? 4. Бухоро республикасидаги мураккаб сиёсий вазият нима билан ифодаланар эди?

5-§. Ижтимоий жараёнлар, уларнинг асосий йўналишлари

Деҳқонларнинг ижтимоий аҳволи. Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар эди. Деҳқон хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан олганда учта гуруҳга бўлинарди: а) иқтисодий жиҳатдан маҳкам хўжаликлар, б) иқтисодий жиҳатдан унча кучли бўлмаган,

лекин вақт-вақти билан ишчи кучини ёллайдиган ўрта ҳол хўжаликлар ва в) камбағал хўжаликлар. Баъзи ўзгаришларни ҳисобга олмаганда бундай аҳвол 20-йилларнинг иккинчи ярми ва қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш бошлангунча давом этиб келди. Туркистоннинг учта ўзбек вилоятларидаги деҳқон хўжаликларининг учдан икки қисмига яқини иккинчи гуруҳга кирар эди.⁷ Бухоро республикасининг марказий ва ғарбий қисмларида, шунингдек Хоразм республикасида ҳам манзара умуман олганда худди шундай эди. Иқтисодий жиҳатдан мустақил хўжаликларнинг ўрта ҳисобда 2 десятина суғориладиган ерлари бўлиб, иш ҳайвонлари, асбоб ускуналарга эғалик қилар эди.

Деҳқонлар томонидан ишланиб, экиладиган вақф ерлари ижтимоий, шунингдек иқтисодий аҳамиятга эга эди. Буларнинг каттагина қисми солиқ тўлашдан озод эди.

20-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистондаги деҳқонлар ва бутун аҳолининг моддий ва ижтимоий аҳволи кескин ёмонлашди. Ер, боғ-роғлар, агроучасткалар, отарлар, йилқиларни ўйламасдан мусодара қилиш, булардан билиб-билмасдан фойдаланиш, шунингдек озиқ-овқат развёрсткаси ва қуролли муқобиллик ишлаб чиқарувчи кучларни емириб, халқ хўжалигига катта зиён етказди.

Экин майдонларининг қисқариши деҳқон хўжаликларининг ҳамма гуруҳларига тааллуқли бўлди. Туркистонда суғориладиган ерлар майдони 1915 йилда 2.850 минг десятинанни ташкил этган бўлса, 1923 йил бошига келганда бу майдон 1.180 минг десятинага қадар қисқарди. Ишчи ҳайвонларнинг нархи, айниқса дала ишлари зўрайдиган даврда кескин кўтарилиб кетар эди. Кундалик ва бошқа сарф-ҳаражатлар учун деҳқон судхўрлардан қарз олишга мажбур эди. Лекин бундай имконият ҳамма жойда ҳам бўлавермас эди.

Деҳқонлар ишчи кучини ёллаш, ер ва асбоб-ускунани ижарага олиш, қўшчилик қилиш (икки ёки ундан ортиқ хўжаликларнинг ишчи ҳайвонларини бирлаштириб, дала ишлари вақтида улардан галма-гал фойдаланиши), чорикорлик ва бошқалар сингари анъанавий шаклдаги хўжалик фаолиятдан фойдаланар эди. Экиладиган ерларнинг олди-соттиси давом этар эди. Деҳқонлар алоқаларининг бу шакллари ўтмиш сарқитлари деб эълон

қилинди. Лекин қўлланилган чора-тадбирлар иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб чиқди.

Аграр муносабатлар соҳасидаги чора-тадбирлар. ТАССРнинг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 1921 йил ёздан ер-сув ислоҳати утказила бошлади. Кўчиб келган ~~крестьянлар қишлоқларида~~ (бу крестьянларнинг асосий қисми қулоқлар деб эълон қилинган эди) ери кам ва ерсиз деҳқонларга бериш учун ернинг бир қисми тортиб олинди. Қишлоқларда вақфни тугатиш кампанияси бошланди. Бундан ташқари феодал-патриархал хўжаликлар деган хўжаликларга ҳужум эълон қилинди.

Бу чоралар жамиятдаги ижтимоий вазиятни кескинлаштирди. Шунинг учун ҳам уларни тўла-тўқис амалга ошириш мумкин бўлмади. Улар асосан синфий тусда бўлиб, биринчи галда сиёсий мақсадларни кўзда тутар эди.

Давлат ер фондидан совет хўжаликлари тузилди, артеллар, колхозлар ҳам ер олди. Совет хўжаликлари, яъни давлат хўжалиklarининг аксари ижарага, масалан, Пахта комитетига (Хлопкомга) берилар эди.

Бухоро республикаси инқилобий комитети 1921 йилнинг бошида "Ер тўғрисида"ги декретни эълон қилди. Шу декретга асосланиб, вақф ерлари, шунингдек собиқ амалдорлар, айрим йирик хўжаликлар ерларининг биринчи мусодараси ўтказилди. Хоразм республикасида ҳам худди шундай тадбирлар амалга оширилди. Бироқ деҳқончилик соҳасида 20-йилларнинг биринчи ярмида ўтказилган ислоҳотлар ижобий, жумладан, ижтимоий натижалар бермади. Туркистонда, Бухоро, Хоразмда 1923 йилнинг кузида ер тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, бу қонунлар синфий ёндошиш асосида аграр масалани ҳал қилиши керак эди. Деҳқон ерларининг майдаллашиб, тарқоқ бўлиб кетганлигига барҳам бериш учун Туркистоннинг бир қанча вилоятларида ер тузиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Лекин бу чора-тадбирлар ерни ишловчи деҳқон оммасини умуман қаноатлантормади. Туркистон Коммунистик партиясининг VIII съезди "ер муносабатларини тубдан ўзгартириш" вазифа бўлиб турганлигини, бунинг учун "инқилобий аграр ислоҳот керак"лигини қайд қилиб ўтди. 1924 йилда қабул

қилинган бошқа ҳужжатлар ҳам мазмуни – моҳияти билан худди шундай эди.

Солиқлар, савдо, пул хўжалиги, бюджет. Янги иқтисодий сиёсат ижтимоий соҳада ижобий натижаларни берди. Моддий- ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш, бозор муносабатлари, эркин савдо, ёллаш, ижара, талаб ва таклиф соҳасидаги рақобат, яъни бозор муносабатларининг бутун механизми иқтисодиётни жонлантириб, аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабини аста-секин қондириб боришга, моддий аҳволини яхшилашга ва жамият ҳаётини соғломлаштириш учун муштаҳкам замин яратишга имкон берди.

Солиқ сиёсати аҳоли турли гуруҳларининг даромадларини тартибга солиш билан бир қаторда бечораҳол хўжалик оилаларга имтиёзлар берди. Солиқ ишларининг тартибга солиниши, меҳнат мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятларнинг бекор қилиниши ижтимоий кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Солиқ тўловчиларнинг асосий қисми қишлоқдаги ўрта ҳол ва йирик хўжаликлар, ҳунармандлар, савдогарлардан иборат бўлиб қолди.

ТАССР да, Бухоро ва Хоразм республикаларида бюджетлар тузилиб, давлатнинг даромадлари ва харажатлари ҳисоб қилинди, даромадлар манбалари ва харажатларнинг жойлари аниқлаб олинди.

Нэпни амалга ошириш савдо-сотиқнинг жонланишига олиб келди. 20- йилларнинг биринчи ярмида давлат савдо тармоғи ва кооперациянинг улуши товар алмашинувининг умумий ҳажмида 10 фоиздан кўра сал кўпроқни ташкил этди. Айниқса Бухоро ва Хоразм республикаларида, қолаверса, ТАССР да ҳам хусусий савдо, хусусий фирмалар, ширкатлар, шунингдек давлат ва хусусий капиталдан иборат аралаш сармоя билан ишловчи фирма ва ширкатларнинг савдо фаолияти етакчи ўринни эгаллади.

Пул хўжалигини соғломлаштиришга аста-секин эришиб борилди. 1921 йилда туркбонлар муомаладан чиқариб, умумфедерал совет пул белгилари муомалага киритилди. Лекин булар тез орада қадрсизланиб қолди.

1923 йили РСФСР да пул ислоҳоти давомида совет пул белгилари червонга алмаштирилди. Олтин ҳисобидаги янги пул белгилари, кумуш ва мис тангалар 1924 йил баҳоридан бошлаб Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам муомалага киритилди.

Шаҳар ва посёлкалардаги аҳолининг моддий аҳволи. Шаҳарларда, уездлар, волостлар, туманлар мавзеларида, ишчи посёлкаларида Ўзбекистон ҳудудидаги аҳолининг яқин бешдан бир қисми яшар эди. Булар ҳунармандлар, савдогарлар, хизматчилар, зиёлилар, ишчилар ва бошқалар эди.

Туркистондаги бир қанча шаҳарлар икки қисмдан – "эски шаҳар" ва оврўпоча "янги шаҳар" дан иборат бўларди. Йиллар бошида шаҳарлар ва посёлкалардаги аҳолининг моддий аҳволи ҳамон ёмонлашаверди. Фарғона вилоятида айниқса оғир аҳвол юзага келди. Ишсизлар, очлар, гадолар, вайрон бўлган қишлоқ ва Россия губернияларидан келган қаровсиз болалар шаҳарларда қайғули бир манзарани ҳосил қилар эди. Оғир моддий аҳвол норозилик уйғотиб, стачкалар бошланиши, янги шаҳарлардаги ўқитувчилар, тиббий ҳамширалар, айрим гуруҳдаги хизматчиларнинг иш ташлаши хавфини туғдирди.

Эски шаҳарлар, мавзелар ва туманларнинг аҳолиси қишлоқ хўжалигидан асосан узилиб қолмади, уларнинг ери, боғ-роғлари, сигирлари ва бошқа моллари бўлар эди. Бу хўжаликлар ўз маҳсулотларининг бир қисмини бозорга олиб чиқарди. Ҳунармандлар, айниқса анъанавий тўқувчиликни қайта тиклаган ҳунармандлар бозорга 90 фоизгача газлама, пойабзал чиқариб турар, деярли барча турдаги хизматларни бажарар эдилар.

Ҳукумат ижтимоий кескинликни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрди. Вақфлар тўғрисидаги масалани кескин ҳал қилиш, эски мактабларни, қозихоналар ишини таъқиқлаб қўйишдан (1922) воз кечиш ижтимоий жиҳатдан олганда ижобий ҳодиса бўлди. 1922 йил май ойидан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини хусусий кишилар томонидан ўлкадан ташқарига олиб чиқиш таъқиқлаб қўйилди. Давлат савдо тармоғи ва матлубот кооперациясидаги савдо муомалаларининг ҳажми бутун савдонинг тахминан 10 фоизини ташкил этди. Бироқ Россиядан келтирилган моллар аксарият ҳолларда ўртача бозор нархларида соғилар эди.

Шаҳарлар ва посёлкаларда, айниқса Фарғона ва бошқа бир қанча вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида очлар ва муҳтожлар учун хайрия йўли билан фаолият олиб борувчи ошхоналар, тез ҳаракат қиладиган табобат отряд-

лари ишлаб турди. Ишсизлар учун жамоат ишлари уюштирилди. Қаровсиз қолган болалар йиғилиб, очилаётган интернатларга олиб келинди.

1923 йилнинг кузига келиб саноат моллари баҳоларининг юқорилиги билан аҳолининг харид қуввати пастлиги ўртасида зиддият пайдо бўлиб қолди. Ижтимоий кескинликни юмшатиш мақсадида ҳукумат шошилинич чораларни кўришга мажбур бўлди. 1923 йилнинг куздан бошлаб ишчиларга иш ҳақи олтин червон курси билан белгиланадиган бўлди, меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлаш жорий қилинди ва ҳоказо.

Пул ислоҳатини ўтказиш тезлаштирилди. Ўрта Осиёга янги пул етказиб келинди. Бу аҳолининг хўжалик ҳаёти жонланишига ёрдам берди.

САВОЛЛАР . 1 Деҳқонларнинг аҳволи қандай эди? 2. Аграр муносабатлар соҳасида қандай жараёнлар содир бўлди? 3. Савдо-сотик, пул хўжалиги, бюджет қандай аҳволда эди? 4. Шаҳар ва посёлкалардаги аҳолининг моддий аҳволи қандай эди? 5. Инқироз ҳолатдан чиқиш учун қандай чоралар кўрилди?

6-§. Ахлоқ-одоб, маданият, маориф

Ижтимоий ахлоқ-одоб ва маданиятнинг асослари. Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқнинг ахлоқ-одоби, ақл-заковати ўтмиш авлодлар яратган бой маънавий анъаналар, Шарқ асрий инсонпарварлик қоидалари, исломнинг ҳуқуқий ва дидактик тарғиботлари таъсирида шаклланиб келган. Бу халқнинг маданияти Туркистоннинг ўзидагина эмас, балки ундан ташқаридаги олис жойларда ҳам машҳур бўлган атоқли инсонлар таълимоти таъсири остида ҳам таркиб топди. Жамиятнинг маънавий ва маданий қиёфаси халқнинг бой ахлоқий ва моддий қадриятлари асосида, аждодларимизнинг неча бўғинлари яратган заминда вужудга келди.

Самарқанд, Бухоро, Хева, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлар Шарқ услубида бунёд этилган ажойиб шаҳарлар намунасидир. Мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, қасрлар, минора гумбазлари, савдо расталари ансамбллари, айрим шаҳарларда эса сув билан таъминловчи ва сувни

чиқариб ташловчи системалар улкан маданий бойликни ташкил этади.

Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги монументал, ҳукумат – давлат бинолари, қасрларгина эмас, балки кўпгина хусусий уйлар ҳам, шаҳар қуриш санъати нуқтаи назаридан олганда, юксак санъат намуналари бўлиб келган.

Кўпгина мадрасаларда қадимги китоблар, ноёб қўлёзмаларни ўзида жо қилиб сақлаб келаётган бой кутубхоналар бўлар эди.

Вақфлар деҳқонлар, савдогарлар, карвонсаройларни, ҳаммом, бозорларни ижарага олган кишилар фаолият кўрсатадиган жой бўлибгина қолмай, балки кўпгина мадраса талабалари, ижод аҳллари руҳонийларни моддий жиҳатдан таъминлаб турадиган манба ҳам эди. Биргина Бухоро мадрасалари вақфларининг 1914 йилдаги даромади 4 млн. 742 минг таңгани ташкил этди. Анъанавий мактаблар билан бир қаторда янги усул мактаблари, рус-тузем мактаблари, гимназиялар ва бошқалар ҳам бор эди.

Ўзбекистон кўп асрлик анъаналарга эга бўлган ўзига хос ягона ва ниҳоятда бой халқ санъатининг ватанидир. Ўзига хос турли-туман мусиқа асбоблари, жумладан машҳур карнай ва ногара, шунингдек Шарқ мусиқа санъатининг шоҳона асари – "Шашмақом" шу ерда яратилган.

Халқ ижодиёти, маданият ва маориф арбоблари. Ўзбекистон халқи маънавий ва моддий маданиятни асраб-авайлаб, уни сақлаб қолиш ва кўпайтириб бориш йўлида гамхўрлик қилиб келди.

Халқ ичида санъатни қадрлайдиган ва яхши биладиган асл шинавандаларгина эмас, балки унинг турли-туман шаклларини бойитиб борган чинакам истеъдод эгалари ҳам жуда кўп эди. Ўз ишининг билимдони бўлган усталар юксак бадиий дид билан ишланган аёллар заргарлик безакларини, зарбоф ва зардўзи кийим-кечакларни, бадиий безаклар зарб қилинган мис буюмлар, гиламлар, нафис ва чиройли газлама ва бошқа кўпгина буюмларни бунёд этдилар.

Мусиқа, ашула санъати, халқ рақслари ҳамма ерда ривожланган ва ҳамма ёшдаги кишиларнинг кўнгилдан жой олган эди. Бухорони жуда яхши ўрганган олим Л. Ремпель мана бундай деб ёзган эди: "Эски бухороликларнинг (яъни Бухоронинг ўзида яшовчи

кишиларнинг) бутун ақлу заковатини, уларга хос бўлган қизиқиш-интилишлар бутун кўламини мусиқа билан миниатюрадан ташқарида тасаввур қилиш қийин бўлур эди".

Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида миллий зиёлилар – адиблар, журналистлар, ўқитувчиларнинг роли ниҳоят даражада катта бўлди. Машҳур адиб ва публицистлар А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Қодирий, А. Авлоний, С. Айний, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ғ. Юнус, Хуршид (Ш. Шарофиддинов), ёш истеъдод эгалари Боту (М. Ходиев), Зиё Саид, Наим Саид ва бошқалар, истеъдодли артист ва режиссёр М. Уйғур ва бошқа кўпгина кишилар бу зиёлиларнинг атоқли намояндалари бўлдилар.

Миллий зиёлиларнинг илғор намояндалари маданият ва маорифнинг ривожланишига совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб катта ҳисса қўшдилар. Тошкентда Мунаввар қори, Қўқонда Ашурали Зоҳирий ана шундай намояндалардан бўлди. Машҳур педагог Ҳусанхон Ниёзий 1922 йили Фарғона шаҳрида иккинчи босқич мактаби очилишига бошчилик қилди. Ерли миллатлар болалари учун мактаблар очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш юзасидан халқ таълимининг истеъдодли ташкилотчилари Абдуқодир Шокирий, О. Дадахўжаев, Абдулла Мустақосев, Ходи Файзиев, Собиржон Раҳимов, Шокиржон Раҳимий, Т. Н. Қори Ниёзий, Саид Ризо Ализода, Рафиқ Мўмин, Бўлат Солиевлар катта педагогик ишлар олиб бордилар. Улар мактаблар учун ўзбек тилида дарсликлар яратишда иштирок этдилар, педагогик нашрларда ҳамкорлик қилдилар.

Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида Россия, Татаристон, Бошқирдистон, Туркия ва бошқа мамлакат зиёлиларининг вакиллари сезиларли роль ўйнади.

Совет ҳокимиятининг маданият, маориф соҳасидаги сиёсати. 20- йилларнинг бошлари Ўзбекистонда маданий ҳаётда бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш билан нишонланди. 1920 йил охиридаёқ Бухорога тиббий ходимлар поезди етиб келди, бу ходимлар кейинчалик маҳаллий аҳоли орасида ишни авж олдириб юбордилар. Уч йилдан кейин шу шаҳарда Тропик касалликлар институти очилди. Безгак, кўп тарқалган бошқа касалликларни тугатиш юзасидан бутун Ўрта Осиё бўйлаб

ғоят катта ишлар олиб борилди. Вояга етмаган қизларни турмушга чиқаришга барҳам бериш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар самарали бўлиб чиқди.

ТАССР Халқ Комиссарлари совети 1921 йил 22 майда Маориф халқ комиссарлиги қошида музейлар ва қадимги ёдгорликлар, санъат ҳамда табиат ёдгорликларини қуриқлаш иши юзасидан комитет – Комстарис тузиш тўғрисида қарор қабул қилди Орадан бир ой ўтгандан кейин янги қарор – "Санъат буюмлари, қадимги буюмлар ва илмий коллекцияларни чет элларга олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Совет ҳокимиятининг сиёсати мусулмон хотин-қизлар орасидаги ишга ҳам ёйилди, чунки оврўпача маданият нуқтаи назаридан қараганда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли етарлича намоён бўлмаган, паранжи-чачвон ёпиниш сингари одатларга риоя қилиш эса уни таҳқирлайди, деб ҳисобланар эди. Большевикларнинг инқилобий дастури Шарқ аёлларини озод қилишни кўзда тутар, лекин уни амалга ошириш 20-йилларнинг биринчи ярмида асосан митинг-мажлислар билан чекланиб қолган эди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ва бошқа тадбирлар ҳам моҳияти билан сиёсий компаниялардан иборат бўлди.

Совет ҳокимияти маданий сиёсатининг етакчи тамойилларидан энг биринчиси бўлган синфий ёндошув Ўзбекистон миллий маданиятининг вақф, эски усул мактаблари, мадраса ва шу сингари шоҳобчаларига жуда катта зиён етказди. Бу нарса аҳолининг қаршилигига учраб, зиддиятли вазиятларни келтириб чиқарди.

РКП (б) марказий комитети 1922 йил 10 августда "мусулмон нашрлари учун" маблағ ажратиш тўғрисида, шунингдек "Туркистон босмахоналарини мусулмонча ҳарфлар билан таъминлаш" ҳақида қарор қабул қилди. ТАССР советлари марказий ижроия комитети 1923 йил 27 январда маданий-оқартув муассасаларининг хизматчилари, ходимларини маҳаллий солиқлардан озод қилиш, болалар уйларига, интернатлар, мактабларга ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1923 йил 7 майда РКП (б) марказий комитети сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб Туркистонда ерли аҳоли болалари учун мактаблар тармогини кенгайтириш вазифасини

қўйди. Ҳша йилнинг август ойида ТАССР мактабларига бўладиган харажатларни Россия Федерацияси бюджетига киритиш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Шунга асосан 1923 йили марказ ўлкага олтин ҳисобида 1 млн. сўм, 1924 йили эса 2 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ ажратди. Маданият эҳтиёжлари учун эса маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш давом этаверди.

Янги маориф, янги маданият. Ҳукумат томонидан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аввало туб аҳоли орасидан чиққан халқ таълими ходимлари, маданият арбобларининг зўр бериб ишлаши натижасида 20-йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда маданий ҳаёт янги заминда қарор топиб, аҳолининг янги-янги қатламларини қамраб ола бошлади. Илму фан ва маорифни, ҳунар ўрганишни, меҳнатни эъзозлаган халқ оммаси ўз асрий анъаналарига содиқ бўлиб мактаб-маориф ва жамият ишига амалий ёрдам бериб келди. Бу моддий кўмаклашувнинг аҳамияти катта бўлди.

Туркистон ва Бухородан 60 нафарга яқин ёшлар Германияга ўқишга юборилди. Ўқувчиларнинг таъминоти учун Бухоро республикаси ҳукумати маблағ ажратди. Ёшлар Россия, Туркияга ҳам ўқишга юборилди.

Мана шу йилларда Туркистонда, Бухоро ва Хоразм республикаларида мактаблар, интернатлар, ҳунар-техника ўқув юртлари, кутубхоналар тармоғи кенгайиб борди.

20-йиллар ўрталарига келиб Туркистонда, Бухоро ва Хоразмда 14 та театр, 19 та кинотеатр, 152 та кутубхона, бир неча ўнлаб маданий-оқартув муассасалари ишлаб турди. Асосан миллий зиёлиларнинг саъйи-ҳаракати билан туб халқлар тилларида газета, журналлар, мактаб дарсликлари нашр этилди, ўқитувчи кадрлар, маданий-оқартув ходимлари тайёрланди.

1925 йили ўзбек тилида 17 номдаги газета ва журналлар 50 минг нусхага яқин умумий тиражда чиқиб турди. Ўзбекистонда рус, тожик, қozoқ ва бошқа тилларда ҳам китоблар, даврий нашрлар чоп этилар эди. Бир қанча маданият марказлари ишлаб турди.

Адабиёт соҳасида А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Қодирий, Ғ. Юнус, Хуршид ва бошқа кўпгина шоир ва ёзувчиларнинг асарлари кўринарли жойни эгаллади. "Муштум" сатирик журнали чиқа бошлади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Халқ ахлоқ-одоби билан маданияти нимага асосланар эди? 2. Ахлоқ-одоб ва моддий-маданий ёдгорликларига халқ қандай муносабатда бўлди? 3. 20- йилларда маданият ва маориф соҳасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилди? 4. Маданият ва маорифни ривожлантиришида миллий зиёлилар қандай ролни ўйнади? 5. Машҳур меъморчилик ёдгорликларини айтиб ўтинг. Улар тўғрисида сиз нималарни биласиз? 6. Халқ санъати тўғрисида сўзлаб беринг.

7-§. Ўзбекистон ва марказ. Иқтисодийни марказлаштириш тенденцияси

Минтақанинг ташқи савдо аънаналари. Туркистон, Бухоро, Хева қадим замонлардан бери ташқи дунё билан жонли савдо алоқаларини олиб борган. Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар халқаро савдонинг йирик марказлари бўлган. Бу ерда Буюк ипак йўли ўтиб, унинг карвонсаройлари мавжуд бўлган савдо марказларига олиб борувчи тармоқлари бор эди. Ўрта Осиё савдогарлари молларини ташқи бозорларга олиб борар, ўзга мамлакатлардан буюмлар олиб келар экан шу билан бирга, инсонпарварлик ва маданий алоқалар вазифаларини ҳам бажарар эдилар.

Бухоро билан Хева устидан Россия ҳомийлиги ўрнатилиб, темир йўл қурилгандан кейин Ўрта Осиё савдоси тобора кўпроқ Россия бозорларига қаратилиб борди. Бироқ Россиядаги фуқаролар уруши туфайли бу мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари тўхтаб қолди.

Ўрта Осиё, айниқса Бухоро ва Хеванинг Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Ғарбий Хитой, бошқа мамлакатлар билан олиб борадиган савдоси эса тўхтагани йўқ. Карвонлар, карвон йўллари аънавий бўлиб қолаверди. Четга чиқариладиган моллар пахта, қорақўл тери, жун, ипак, қуруқ мева ва бошқалар эди. Четдан металл, керосин, газлама, хитой чинниси, Ҳиндистон зираворлари, Эрон ва Афғонистон гиламлари ва бошқалар келтириларди.

Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо-иқтисодий алоқалари катта аҳамиятга эга бўлди. Халқ хўжалиги тикланиб борган сайин Россия моллари Туркистон, Бухоро ва Хоразмга кела бошлади. Янги иқтисодий сиёсат, мол айирбошлаш соҳасининг либераллашуви Ўрта Осиё савдогарлари учун Россия бозорларига йўл очиб берди. Савдо

муносабатларини ривожлантиришда Бухоронинг савдо капитали катта аҳамиятга эга бўлди.

20- йилларнинг бошларида Туркистон бошидан кечирган қийинчиликлар ташқи савдо монополиясининг сусайиб қолишига олиб келди. Туркистонга Ғарбий Хитой тупроғидан от ва ҳўкизлар сотиб олиш ва буларни РСФСР ҳудудларида бож тўламасдан ҳайдаб ўтишга рухсат берилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини бошқаришни қайта қуриш. 20- йилларнинг бошларида Туркистон, Бухоро, Хоразмнинг ижтимоий ҳаётида ижтимоий-сиёсий тизимларни, иқтисодиётни бошқариш органларининг бирлашувига интилишлар бошланиб ва кенгайиб борди. Бунга асосан инқилобдан олдинги даврда Туркистон билан Россия ўртасида мавжуд бўлган хўжалик алоқаларини тиклашга интилиш, Туркистон, Бухоро ва Хоразм хом ашё бозорини Россия саноати эҳтиёжларига мослаш сабаб бўлди. Бунга жавоб тариқасида Ўрта Осиёга ғалла, металл буюмлар, газмол, бошқа товарлар келтириш мўлжалланди.

1921 йил кузидан бошлаб учала республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, уларни Россия иқтисодиётига интеграциялаш йўлига ўтилди. Россия иқтисодиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган пахтачилик, ипакчилик ва хом ашё ишлаб чиқарувчи бошқа соҳаларга алоҳида ғамхўрлик амалга оширилди. Пахтага дастлабки ишлов берадиган корхоналар давлат тасарруфида қолдирилди ва ижарага берилмас эди. Пахтачилик соҳаси устидан олиб бориладиган ҳамма раҳбарлик марказлаштирилди ва унга РСФСР (кейинчалик СССР) ҳукумати қошида тузилган Главхлопком бош қилиб қўйилди. Марказий ҳукумат органлари қошида тузилган Шелкотрест зиммасига ҳам худди шундай вазифа юклатилди; СССР давлат банки ва СССР савдо-саноат банки Ўрта Осиёда ўз бўлимларини очди.

Амалга оширилган барча чора-тадбирлар Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви учун замин тайёрлади. 1923 йил март ойининг бошларидан, ~~Ўрта Осиё республикалари Иқтисодий Кенгаши~~ ~~СредазЭКОСО ташкил этилгандан кейин бу мамлакатлар~~ иқтисодиётини бирлаштиришга киришилди.

Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳатто минтақа халқ хўжалиги соҳалари тараққиёти истиқболлари тўғрисида қарорлар қабул қилишгача бўлган ишлар марказ қўлига тобора кўпроқ ўтиб борди.

Туркистон пахтачилиги, қишлоқ хўжалигини тиклашни рағбатлантириш мақсадларида бу ерга дон, керосин, газ-лама, бошқа молларни етказиб беришни марказ ўз устига олди. Туркистондан, Ўрта Осиё минтақасидан пахта толаси, ипак, жун, қуруқ мева, қорақўл тери ва бошқа моллар олиб кетилар эди.

Бухоро республикасининг савдо-иқтисодий алоқалари. Биринчи жаҳон урушига қадар бу алоқалар анча жонланган эди. 20- йилларнинг бошларига келиб улар қарийб 7 баравар камайиб кетди. Бухоро республикасининг савдо-иқтисодий алоқалари асосан Россияга қаратилган эди. 1923–1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида (БХСР) импортнинг умумий миқдори 7,5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, экспорт миқдори 10,5 млн. сўмни ташкил этди. 1924 йил мобайнида СССР дан БХСРга 5 млн. сўмлик мол келтирилди. Амир ағдарилгандан кейин унинг хазинасидаги олтин, қимматбаҳо буюмлар олиб кетилди. РСФСР ҳукумати буларни Волгабўйи ва бошқа жойлардаги очлар учун озиқ-овқат сотиб олишга ишлатди. 1921 йил ёздан бошлаб Бухоро республикаси газмол эвазига Россияга буғдой жўнатди ва оч қолган Фарғона вилоятига озиқ-овқат билан ёрдам бериб турди.

РСФСР билан БХСР ўртасидаги иқтисодий алоқалар бир қанча шартномалар асосида олиб борилди. Шу шартномаларнинг биринчиси 1920 йил 6 ноябрда тузилган, унга асосан Россия томонидан Бухоро ҳудудидаги корхоналар, бошқа кўчмас мулклар Бухорога қайтарилди. Иккала давлат ўртасида 1921 йил 4 мартда имзоланган иттифоқ шартномаси билан "Бухоро Совет Республикасининг мустақиллиги", унинг чегаралари тан олинди. Бироқ РСФСР билан БХСР ўртасида 1922 йил 9 августда тузилган иқтисодий битим билан бу шартнома бекор қилинди. Бухоро ўзининг иқтисодий алоқаларини РСФСР билан келишиб олиб бориши керак эди.

Томонларнинг манфаатлари ҳамisha ҳам бир-бирига мос тушавермас эди. Бухоро ҳудудида жойлашган Россия қўшинлари Бухоро республикасининг озиқ-овқати ва ем-

хашаги билан таъминланар эди. Ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев Россия қўшинлари сонини 15 минг кишигача қисқартириш тўғрисидаги масалани бир неча марта олдинга қўйди. У Бухоро томонидан етказиб бериладиган молларга аниқ товар эквивалентлари белгилаш зарурлиги тўғрисида айниқса ташвишланиб гапирар эди. Ф.Хўжаев Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни энг бошидан қўллаб-қувватламади.

Бу масалалар қисман ҳал қилинди, қисман инкор этилди. 1922 йил кузида Бухоро республикаси билан савдо - сотиқ қилиш ва унинг ҳудудида товарлар ва хом ашёлар тайёрлаш учун Россия-Бухоро жамияти таъсис этилди. 1923 йил бошида СредазЭКОСО ташкил этилгандан кейин РСФСР билан Бухоро республикасининг хўжалик соҳасидаги интеграцияси чуқурлашди. Пахта, қоракўл тери, жун диққат марказда бўлди. "Госхлопок" деган Россия-Бухоро ширкати пахта экинлари учун олдиндан пул бериш ва умуман Бухоро республикасида пахтачиликни ташкил этиш билан шуғулланди. 1923 йил ноябридан бошлаб Бухоро республикасининг пахта тозалаш ва мой заводлари ҳам ана шу ширкат тасарруфига ўтказилди. Пахта, қоракўл тери, бошқа турлардаги ҳамма хомашё СССР га жўнатилар эди.

Хоразм республикаси ва Россия: хўжалик алоқалари. Хоразм республикасининг РСФСР билан хўжалик алоқалари тузилган битимлар асосида ва кейинчалик СредазЭКОСО доирасида ўрнатилиб борди. Хоразм республикаси бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо алоқаларини ўрнатган эди. 1921-1922 йилларда Хоразм бозорларида Бухородан, бошқа жойлардан келтирилган моллар сотилар эди. Хоразмдан Бухорога сотиш учун жун, бошқа моллар, ТАССРнинг Каспий орти вилоятига кўп миқдорда чопонлар, кўрпалар, бўз, бошқа моллар олиб борилар эди. Хоразмнинг Туркистон ва Бухоро билан 20-йилларнинг биринчи ярмида олиб борган ташқи савдоси импорт бўйича 4,5 барабар, экспорт бўйича уч барабардан зиёдроқ ўсди.

Ташқи савдонинг республика ҳукумати тартибга солиб борар эди. 1921 йио ноябр ойида Хоразм халқ совет республикаси президиуми фақат ҳукумат рухсати билангина

молларни чегарадан ташқарига олиб чиқишга ижозат берди. Пахта, жун, қоракўл тери, беда уруғи, донни ташқарига олиб чиқиб кетиш таъқиқлаб қўйилди.

Ҳукумат сиёсати ташқи савдо алоқаларини жонлантиришга қаратилди. 1921 йил мэй ойида бўлиб ўтган II Бутун Хоразм қурултойи мамлакат хўжалигини Россия билан тенглик асосида савдо қилиш орқали юксалтириш мумкин, анъанавий шериклар билан бўладиган "республика ташқи савдосини" кучайтириш керак, деб таъкидлади. Хоразм халқ совет республикаси марказий ижроия комитети 1922 йил март ойида "бизнинг мамлакатимиз яна аввалги мустамлака бўлиб қолмаслиги учун етказиладиган хом ашё ўзимизнинг мамлакатда қайта ишланадиган бўлсин" деган масалани илгари сурди.

РСФСР билан Хоразм халқ совет республикаси ўртасида 1920 йил 13 сентябрда имзоланган иттифок шартномасига асосан Россия Хоразм республикасининг "тўла мустақиллигини" тан олди. бу республика ҳудудида жойлашган Россия кўчмас мулкларининг ҳаммаси унинг тасарруфига ўтказилди. Россия билан Хоразм ўртасидаги савдо-сотиқ фақат ҳукумат каналлари орқали олиб борилади деб, шарт қўйилган эди. Хусусий савдогарлар ва воситачилар фаолияти чекланди. Шу тариқа ташқи савдога давлат монополияси белгиланди. Лекин 1922 йил ёздан бошлаб бу монополия анча юмшатилади, 1923 йилдан бошлаб эса пахтага давлат монополияси бекор қилинди. Бироқ бу вақтда чегараоша контрабанда йўли билан савдо қилиш ҳеч тўхтагани йўқ.

~~Хоразм республикаси вакиллари 1922 йилда Нижний Новгород ярмаркасида қатнашиб, 7 минг донага яқин қоракўл тери, 1000 га яқин тулки тери, минг донадан ортиқ гилам ва бошқа кўпгина молларни сотишди. 1923 йилда РСФСР га 200 минг пуддан кўра кўпроқ пахта, 1000 донага яқин гилам, 10 минг дона қоракўл тери сотилди.~~

1921 йил охирида Россиядан Хоразмга 264 минг аршин газлама, 2 минг яшик гугурт, 2 минг пуд цемент келди. Россиядан мол келтириш кейинги йилларда ҳам давом этиб борди. 1922 йили РСФСР Хоразм республикасига олтин ҳисобида 800 минг сўм қарз берди. 1923 йилдан бошлаб Хоразмда ерларни суғориш ишини механизациялашга доир

чора-тадбирлар ўтказила бошлади. Россиядан 100 та насос келтирилиб ўрнатилди.

РСФСР билан Хоразм халқ совет республикаси ўртасида 1922 йил июнь ойида тузилган иқтисодий битим шу иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга сифат ўзгаришларини киритди. РСФСР билан Хоразм халқ совет республикаси ўртасидаги божхона чегараси тугатилди. Ташқи бозорлардаги савдо муомалаларини Хоразм энди РСФСР билан келишган ҳолда ўтказар эди. 1924 йил май ойида бўлиб ўтган II Ўрта Осиё иқтисодий конференциясида Хоразмнинг вакили республиканинг халқ хўжалиги эндиликда "биздан хомашёни олиб кетиш ва бизга фабрикалар келтириш" йўлида ишлаб бормоқда, деб қайд қилиб ўтди.

Пахтачилик ҳали ҳам илгаригидек диққат марказда турар эди. У Хоразм ташқи савдо маҳкамаси ихтиёрига ўтказилди. Хева шаҳрида Рус-Хоразм давлат пайчилик ширкати тузилди. Бу ширкат 1923 йил бошидан СредазЭКОСО ҳомийлигида ишлай бошлади. Хоразмнинг пахта тозалаш ва мой заводлари шу ширкат тасарруфига ўтказилди. Хоразм компартияси марказий комитетининг ижроия бюроси республикада мавжуд бўлган хусусий пахта заводларини пахтачилик ширкати тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Туркистон, Бухоро, Хоразм ташқи савдо фаолиятининг қандай анъаналари бор эди? 2. Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви натижасида қандай орган тузилди? Бу ҳодисанинг аҳамияти нимадан иборат бўлди? 3. Бухоро республикасининг 1921–1924 йиллардаги савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида сўзлаб беринг? 4. Хоразм республикасининг Россия билан савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида сўзлаб беринг

8-§. Миллий-ҳудудий чегаралаш ва Ўзбекистон ССРнинг тузилиши

Улкан минтақа халқларининг ягона макони, умумий ватани. Марказий Осиё, жумладан Туркистон, Бухоро ва Хоразм давлатларининг туб халқлари неча асрлар да-

вомида турмуш тарзи ва анъаналари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб келдилар. Бухоро ва Хоразм XX аср 20-йилларининг бошига қадар мустақил мамлакатнинг ҳамма белгиларига эга бўлган мустақил давлатлар эди. Бу минтақа ягона замини ўз хўжалиги, анъаналари, дини, маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турар эди. Ўрта Осиё давлатларидан ҳар бирининг кўп миллатли эканлиги, ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар, қozoқлар ва бошқа ерли халқларнинг учала давлат ҳудудларида тарқалиб яшаши тарихан таркиб топган ҳодиса эди. Мана шу давлат тузилмалари доирасида ҳар бир халқ ёки алоҳида уруғлар хўжалик ҳаёти тизимидаги ўз ўрнини эгаллаб, ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан давлат ва минтақа ижтимоий ҳаётининг яхлит занжиридаги узилмас ҳалқаларни ташкил этар эди. Туркистон, Ўрта Осиё-Қозоғистон минтақасининг халқлари жуда улкан мана шу заминни қадимдан ўзларининг асл ватани деб биладилар. Ватан ягоналиги ҳисси халқ ижодиётида, анъаналарида, маданиятида ўз аксини топган ва шу минтақада яшаб турган барча халқларнинг абадий қадриятига айланган.

Бу минтақанинг халқлари бирдир деган ғоя авлоддан-авлодга ўтиб, миллий етакчилар, жамоат арбоблари ва миллий зиёлиларнинг қарашлари ҳамда амалий фаолиятларида акс этди. Ҳудуд яхлитлигига, халқнинг бирлигига хавф-хатар туғилган кезларда ана шу ғоя худди бир қалқондек бўлиб турди, халқларнинг бир-биридан ажралиб, узоқлашиб кетишининг олдини оладиган омил бўлиб қолди.

Миллий республикалар ва вилоятлар тузиш учун кўрсатма берилиши ва унинг сиёсий жиҳатдан асосланиши. Тарихан таркиб топган учта давлатни тугатиб туриб, уларнинг ўрнига янги давлатлар тузиш фикри ўлка ва марказнинг оврўпалик раҳбар ходимларидан чиқди. Да-стлаб, 1920 йилнинг бошларидаёқ Туркистон АССР ни бўлиб ташлаш ва миллий тил белгисига қараб мухтор (автоном) республикалар тузиш тўғрисида масала қўйилган эди. Бу ғоя Турккомиссия раиси Я. Рудузтақ ташаббуси билан 1920 йил 15 январида қабул қилинган тезисларда айтилди. Бу тезислар ўша йилнинг июнь ойида РКП(б) марказий комитетининг партиянинг Туркистон-

даги вазифалари ҳақида деган қарори лойиҳасига киритилди. Бу таклифни В. И. Ленин қўллаб-қувватлаб чиқди. Лойиҳага берган ўз мулоҳазаларига ў Туркистоннинг "Ўзбекия, Қирғизия, Туркманияга" бўлинган харитасини тузиш зарур деб кўрсатди. В. И. Ленин бирмунча кейинроқ ўзи тайёрлаган бошқа бир лойиҳада ўз нуқтаи назарини ўзгартириб: "республикани (яъни Туркистонни) 3 қисмга бўлиш олдиндан ҳал қилиб қўйилмасин" деб таклиф этди.

Туркистоннинг маъмурий-ҳудудий харитасини қайтадан кесиб-бичиш бир қанча сабабларга кўра: большевикларнинг қайтадан тузиш сиёсатидан ўлкада норозилик кучайиб боргани; мустақиллик учун ҳаракат кўлами кенгайиб келаётгани; миллий масала юзасидан Кавказортида бошланган кураш акс садоси ва бошқа сабабларга кўра орқага сурилиб турди. 1921 йил бошига келиб Ўрта Осиёда ТАССР дан ташқари Бухоро ва Херазм Халқ Совет Республикалари тузилганлиги ҳам анчагина муҳим омил бўлди. Бу республикалар тузилганидан кейин маълум раҳбарлар гуруҳи бу республикаларни ҳам ҳудудий қайта бичишлар доирасига тортиш режаларини илгари сурдилар.

Миллий республикалар тузиш зарурлиги ғояси ташаббусчилари уни (яъни бу ғояни) ерли халқлар ҳаётида тенгсизлик мавжудлиги, миллий можаролар кучайиб бораётгани билан асосладилар. Бу можаролардан қутилиш йўли туркманлар, қирғизлар ва бошқаларнинг миллий давлатини тузиш деб эълон қилинди, амалда эса бу чора-тадбир халқларни бир-биридан ажратиб қўйишдан бошқа нарса эмас эди. Ҳудудларни қайтадан белгилаш ва чегаралаш тарафдорлари тил тафовутлари, миллий тафовутларга диққатни кўпроқ қаратиб, хўжаликка оид, иқтисодий омилларни, мавжуд сув ресурслари, суғориш тизимларининг умумий эканлигини камроқ ҳисобга олишди. Умуман сиёсий жиҳатлар биринчи даражали деб ҳисобланар эди. Раҳбар ходимлар орасидаги оврўпаликлар билан туб халқлар вакиллари ўртасидаги ихтилофлар, шунингдек айрим гуруҳбозлик кўринишлари механик тарзда Ўрта Осиё минтақаси халқлари ўртасидаги муносабатларга кўчирилди. Рудзутақ, Сталин ва бошқалар Ўрта Осиёда

миллий можаро бор деб гапирар эди. Миллий масала сунъий равишда ошириб-тошириб юборилди ва давлатлар ҳудудини тубдан қайта белгилаш учун ҳал қилувчи асосий далил сифатида илгари сурилди.

Позициялар ва қарашларнинг тўқнашуви. Турк-комиссия ва Я. Рудзутак тезисларига қарама-қарши ўлароқ, Турар Рисқулов ва бир гуруҳ миллий етакчилар 1920 йилдаёқ туркий халқлар ягона бўлиб, уларнинг тарихий илдиэлари, динлари, анъаналари ва маданияти муштаракдир ва Туркистонни алоҳида қисмларга ажратиб бўлмайдиган қондани илгари сурдилар. Бироқ бу фикрни большевикча марказ инкор этиб, уни пантуркизм, панисломизм, буржуа миллатчилигидир деб баҳолади.

Минтақани миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта тузиш тўғрисидаги масала партия органлари томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Средазбюро умумминтақани қамраб оладиган чегараланиш зарурлиги тўғрисидаги масалани республикалар партия органлари, партия ходимлари муҳокамасига қўйишга зўр бериб интилди.

1922 йили ва айниқса 1923 йили ерли миллатлар вакилларида бир қанча раҳбар ходимлар Ўрта Осиёда амалга оширилаётган миллий сиёсатдан қониқмаётганини очиқ-ойдин маълум қила бошладилар. 1923 йил охирида Туркистон ходимларининг бир гуруҳи марказга хат билан мурожаат қилиб, бу хатда миллий низолар ўлкада тугатилмасдан, балки янада кўпроқ авж олдирилмоқда деб қайд қилиб ўтилди. Ушбу мактубда миллий етакчилар мавжуд бўлган маълум миллий-ҳудудий низоларни тарихан таркиб топган ҳудудлар, алоқалар, давлат тузумини кескин бузмасдан, ҳар бир алоҳида республика доирасида ҳал қилиш зарур деган фикрни олдинга суришди. Баъзи жойларда бу ғоя амалий жиҳатдан юзага чиқарилди. 1923 йил октябрда Бухоро республикасида туркман ва тожиқ вилоятлари ташкил этилди. Кейинчалик Хоразм республикасида мухтор туркман ва мухтор қирғиз-қозоқ-қорақалпоқ вилоятларини ташкил этишга қарор берилди. 1923 йил декабрида Фарғона водийси вакиллари РСФСР таркибида Фарғона мухтор вилояти ташкил этиш тўғрисидаги таклиф билан чиқдилар. Бироқ бу фикрни ўлкадаги раҳбар органлар, аввало партия органлари хато фикр деб рад этди. Чегаралаш ғоясини ишлаб чиқиб, ма-

ромига етказиш йўли ва бошқа бир қанча таклифлар ҳам олдинга сурилди. Бироқ марказ ва РКП(б) Марказий Комитети Средазбюроси бутун шу улкан минтақада, аввало учта Ўрта Осиё республикалари ҳудудида ялпи ҳудудий чегаралаш чора-тадбирларини қатъий илгари сурдилар.

1924 йил: миллий-ҳудудий чегаралаш. Ўрта Осиёни чегаралаб бўлиш ва миллий республикалар тузиш ғоясини амалга ошириш 1924 йилга тўғри келди. Бироқ шу масалага доир зиддиятлар бу даврда ҳам давом этаверди. Бу кампанияда иштирок этишдан бўйин товлашга очиқ-ойдин интилиш ҳоллари такрорланаверди, янги лойиҳалар таклиф этилди. Лекин марказ, Средазбюро қаттиқ туриб олди.

Аmmo Ўрта Осиё республикаларидаги ҳукумат ва партия органларининг позициялари яқдил эмас эди. Туркий халқлар бир-бирига яқин деган фикр ўртага қўйилар, бошқа далиллар келтирилар эди. 1924 йил февралда Бухоро Компартияси чегараланиш масаласи юзасидан Ф. Хўжаев томонидан ёзилган тезисларни қабул қилди. Буларда Ўрта Осиёнинг маъмурий тузилиши юзасидан таклиф этилаётган, барча туркий халқларнинг илдизи бирлигини ҳисобга олмайдиган сиёсат асосан ўтмиш истилочилари сиёсати билан аслида бир хил деб айтилган эди. Средазбюро тезислардаги бу фикрларни хато деб эълон қилиб, қаттиқ танқид остига олди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Турккомпартиянинг 10 мартдаги бирлашган кенгашида атоқли партия ходимлари С. Хўжанов, С. А. Асфандиёров, Н. Паскуцкий Совет Социалистик республикалари Ўрта Осиё федерациясини тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Шу билан бирга С. Хўжанов Туркистон ягона, бир бутун ва унинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қўшимча қилди.

Хоразм раҳбарларида ҳам алоҳида фикрлар бор эди. 1924 йил мартда улар республика доирасида: туркманлар, ўзбеклар, қирғизларнинг "суд ишлари ... шариат бўйича олиб бориладиган, миллий тиллардаги ... мактаблари бўлган" мухтор вилоятларини тузишни таклиф этдилар. 8 май куни бир гуруҳ Хоразм раҳбарлари РКП(б) Марказий Комитетига "Хоразмда миллий масалани ҳал қилиш тўғрисида мактуб" юбориб, унда Хоразмни чегараланишга

қўшмасликни илтимос қилдилар. Улар ўзларининг шу нуқтаи назарларини республиканинг олисда жойлашганлиги, иқтисодий жиҳатдан ажралиб турганлиги билан асосладилар. Бу нуқтаи назарни Хоразм Компартияси Марказий комитети, жумладан Қаландар Одинаев (1897–1938) ҳам қўллаб-қувватлади. Қаландар Одинаев 1922 йил октябрига қадар Амударё вилоятида, сўнгра Хоразмда РКП(б) Марказий Комитети Средазбюроси вакили бўлиб ишлади. 1923 йил октябридан 1924 йил июлигача Хоразм Компартиясининг масъул котиби бўлди. 1924 йил июлда Қ. Одинаев Хоразм Компартияси масъул котиби вазифасидан олиб ташланди.

Мунозаралар тобора қизиб борди. Сталин "Миллатлар ўртасидаги низоларга хотима бериш" учун чегараланишни амалга оширишга киришишни таклиф этди. 1924 йил 12 июнда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўрта Осиёда чегараланиш тўғрисидаги масалани яна бир кўриб чиқди ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Хоразм республикаси чегараланишга киритилмади, лекин 1924 йил 26 июлда Хоразм Компартияси республиканинг чегараланишга киритилишига ўзининг розилигини билдирди.

Ўзбекистон ССР нинг ташкил этилиши. Чегаралаш якунлари. Туркистонда, Бухоро ва Хоразм республикаларида катта амалий иш бошлаб юборилди. Комиссиялар ва кичик комиссиялар бўлғуси тузилмаларнинг ҳудудлари ва чегаралари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқар эдилар. Бошқарув аппаратлари тузиб, режалар, иқтисодиёт, бюджет, ер-сув муаммоларини, маориф, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш муаммоларинива бошқаларни ҳал қилар эдилар. Сиёсий тушунтириш ишлари олиб борилди. Материаллар матбуотда эълон қилинар, митинг ва йиғилишлар ўтказилар эди. Миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказилишини маъқуллаб резолюциялар қабул қилинди. 1924 йил 31 октябрда Ўзбекистон ССР Инқилобий Комитети (ревком) тузилди, у Ўзбекистон республикаси тузишни бошқариб борди.

Бухорода махсус қурилган "Халқ уйи"да 1925 йил 13 февралда Советларнинг I умумўзбек съезди очилди. Бу съездада ~~"Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси~~ тузилгани тўғрисида декларация "қабул қилинди. Съезд

республика ҳокимиятининг олий органларини расмийлаштирди. Республика советлари Марказий ижроия комитети раиси этиб, Фарғона водийсидан чиққан деҳқон, "Қушчи" иттифоқининг арбоби Йўлдош Охунбобоев сайланди. Жамоат ташкилотлари ҳам тузилди. Ўзбекистон ССР СССР таркибига кирди.

Тузилган Ўзбекистон ССР га ТАССР дан Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг катта қисми, собиқ Бухоро Совет Халқ Республикасидан унинг марказий ва ғарбий қисмлари, яъни Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё водийлари, шунингдек Хоразм воҳаси кирди. Ўзбекистон ССР ҳудуди 312394 кв.км ни ишғол қилди. Ўзбекистон ССР таркибига Тожикистон вилояти тузилди, бу вилоят кейинчалик Тожикистон ССР га айлантирилди. Ўзбекистон ССР нинг ўз аҳолиси, 1926 йилдаги рўйхатга олиш маълумотларига қараганда, 4447555 кишини ташкил этди, уларнинг 74, 2 фоизи ўзбеклар эди. Республикага 1195 минг десятина суғориладиган ер, ишлаб турган 185 та саноат корхоналари кирди. Бу корхоналар орасида 39 та пахта тозалаш заводи бор эди. Ўзбекистон ССР саноатида 87 минг ишчи ишлар эди.

Миллий-ҳудудий чегаралаш Ўзбекистон халқлари учун ҳар томонлама бошқача аҳамиятга эга бўлди. У халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маданиятига, анъаналарига катта таъсир кўрсатди. Минтақа харитаси қайтадан тузилди. Иккита мустақил давлат тугатилди. Ўзбекистон ССР нинг тузилиши эса Ўзбекистон халқлари давлат тузуми тарихида диққатга сазовор воқеаларнинг бири бўлиб қолди.

САВОЛЛАР. 1 Ўрта Осиё давлатлари халқларининг ватан тўғрисидаги тушунчаси қандай тарихий хўникмалар таъсирида шаклланган? **2.** Ҳудудий чегаралаш тўғрисидаги фикрни кимлар ва қандай ташкилотлар олдинга сурди ва бу фикр қай тариқа асослаб берилди? **3.** Ерли миллатлар вакиллари бўлган раҳбар ходимларнинг чегараланиш сиёсатига бўлган муносабати қандай эди? **4.** Марказ билан Бухоро ва Хоразм республикалари раҳбарияти позициялари ўртасидаги зиддият нимадан иборат бўлди? **5.** Ўзбекистон ССР тузилиши нима сабабдан ўзбек халқи тарихида йирик воқеа бўлиб қолди? **6.** Миллий-ҳудудий чегаралаш ва Ўзбекистон ССР тузилишининг Ўзбекистон халқлари учун аҳамияти, сизнинг фикрингизча, нимадан иборат бўлди?

**II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН СССР
ТАРКИБИДА
(1925—1991 йиллар)**

**III боб. МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ
(1925—1930 йиллар)**

1-§. Ижтимоий-сиёсий тараққиёт муаммолари

Давлат аппаратининг янада такомиллашуви ва кучайиши. 1925 йил февралда миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Советлари I съезди Ўзбекистон ССР тузилгани тўғрисида декларация" ни тасдиқлади. Шу йилнинг 13 май куни СССР Советларининг III съездида Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига қабул қилинди. Иттифоқ ва республика органлари ўртасида вазифалар тақсимландики, лекин узил-кесил қарорлар, одатда, Марказда қабул қилинади эди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқарувчи республика тузилмалари батамом деярли иттифоқ органларини такрорлар эди. Халқ комиссариатлари ва идоралар тузилар, демак, амалдорлар қатлами ҳам кўпайиб борар эди. Республиканинг давлат ва хўжалик аппаратига ёрдам бериш ва уни назорат қилиш учун Марказдан вакиллар юборилар, ВКП (б) нинг тутган йўли шу вакиллар орқали амалга ошириларди. Улар Марказда синаб кўрилган янги ҳокимият ва иқтисодиёт тузилмаларининг барқарорлашиб олишига ўзларининг ташкилотчилик ва амалий тажрибаси билан ёрдам берар эдилар. Бироқ улар ўзбек тилини, халқнинг расм-русумлари ва одатларини билмас ва аксари маҳаллий шароитнинг ўзига хослигини инкор қилар эдилар.

Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалиги ва маданиятини шу даврда ривожлантиришда 1923 йилда ташкил этилган, кейин тугатилиб 1926 йили яна қайтадан тузилган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши — СредазЭКОСО ҳал қилувчи ролни ўйнади. 20- йилларда республикалараро

бошқа бошқарув органлари: Средазводхоз, Средазгосплан, Ўрта Осие Халқ Хўжалиги Олий кенгаши, ВЦСПС Ўрта Осие бюроси, турли иттифоқчи халқ комиссарликларининг филиаллари ҳам ташкил этилди.

ЎзССРда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи Советларнинг округ ва район съездлари томонидан сайланадиган делегатлардан таркиб топадиган Советлар съезди бўлди, республика давлат бошқарувининг олий органи эса Халқ Комиссарлари Кенгаши бўлиб қолди.

Ўрта Осие минтақасининг янги тузилган давлатларга бўлиниши Туркистоннинг партия, комсомол ва касаба уюшмаси ташкилотларида структура ўзгаришлари бўлишига олиб келди. Бу жараён энг бошиданоқ Марказнинг қаттиқ назорати остида ўтди ва муҳим қарорларнинг ҳаммаси, жумладан кадрлар масалаларига оид қарорлар ҳам Кремлда кабул қилинади.

ЎзССР да партия ташкилотларининг тузилиши. Ўзбекистон Компартиясининг биринчи Таъсис съезди 1925 йил 6—12 февралда Бухорода бўлиб ўтди. Съездда партиянинг ички аҳволига ва гоҳида жуда кескин шаклларга кирадиган оппозиция курашини тугатишга алоҳида эътибор берилди. Партия ва давлатда тобора мустақамланиб бораётган маслакдошлик йўли умумий кўрсатмаларга мос келмайдиган ҳамма нарсани йўқ қилишга интилишни туғдирдики, бу кейинчалик догматизм, формализм ва шахсга сиғинишга олиб келди.

Иқтисодий муаммоларни, жумладан, халқ хўжалигини тиклашда янги иқтисодий сиёсатнинг ютуқларини кенг муҳокама қилиш, шунингдек иқтисодиётни юксалтиришнинг кейинги йўллари белгилаб олиш съездда алоҳида ўрин олди: Съезд Марказий Комитетни тузди, унинг масъул котиблари этиб В. Иванов ва А. Икромовлар сайланди.

Шу йилнинг ўзида республика Компартиясининг II съезди бўлди. У Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиб қолган Самарқанд шаҳрида 1925 йил 22—30 ноябрда ўтди. РКП (б) Марказий Комитети Средазбюроси фаолияти, ер ислоҳоти иқтисодий қурилиш вазифалари, кооператив ҳаракат, совет қурилиши тўғрисидаги маърузалар тингланди. "Ёт унсурлар" яна бир карра қораланди, сафларни янгидан

тозалашга, гуруҳбозлар курашини тугатишга даъват этувчи овозлар янгради ва ҳоказо.

Бироқ айниқса миллий масала юзасидан ўткир оппозиция кураши тўхтагани йўқ. Ўзбекистон Компартиясининг III (1927) ва IV (1929) съездларида бу масалалар ҳамон муҳим ўринни эгаллаб келди. 20-йилларнинг охирларига келгандагина республика партия ташкилотида ҳам ғоявий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир тахлитдаги тартибни куч ишлатиш йўли билан яратиш мумкин бўлди. Битта партия, битта мафкуранинг танҳо ҳукмронлик қилиши барча ижтимоий ташкилотларнинг бутунлай шу партия томонидан назорат остида тутилишига, амалда уларга партия томонидан раҳбарлик қилиб боришга муқаррар суратда олиб келди.

Республикада жамоат ташкилотлари тузилиши ва уларнинг фаолияти. Ҳақ йилларда энг оммавий ташкилот касаба уюшмалари бўлди. Республика касаба уюшмалари ташкилоти мустақил ҳаётни 1924 йил декабрида бошлади, ўшанда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ташкилий бюроси тузилган эди. 1925 йил охирларига келиб касаба уюшмалари 90 минг нафардан ортиқ кишини, жумладан, туб халқлар вакилларида 36,5 минг кишини бирлаштирди. Касаба уюшмалари иш ҳақи, нарх-наво, турар жой қурилиши масалалари билан, кооперациялар, клублар, фабрика- завод таълими, суғурта кассалари, касалхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига тегишли масалалар ва бошқалар билан шуғулланди. Ҳақ шароитларда меҳнаткашлар манфаатларини тўла-тўқис ҳимоя қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эдию, лекин ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли кўпгина масалаларда касаба уюшмалари ижобий ролни ўйнади.

Партия ёшларни тарбиялаш ва ўз резервларини тайёрлашда комсомолга муҳим ролни берар эди. Ўзбекистон комсомолининг биринчи таъсис съезди 1925 йил апрель ойида бўлиб ўтди. Унда 25 минг кишилик республика ёшлари отрядининг вакиллари иштирок этди. Бу ташкилот олдида кенг вазифалар қўйилди: саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш, оммани, аввало ёшларни маърифатли қилишда партия ва давлат ташкилотларига ёрдам бериш шулар жумласидандир.

9— Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

Қишлоқда 1921 йилдаёқ юзага келган "Қўшчи" иттифоқи оммавий ташкилот бўлиб қолди. 20-йилларнинг ўрталарида унинг сафларида қишлоқ аҳлидан 160 минг нафарга яқин киши бор эди. "Қўшчи" ташкилоти кўпгина фойдали ишларнинг ташаббускори бўлиб чиқди: пахтачиликни агротехника, ирригация ва мелиорация асосида ривожлантириш, деҳқонларни тракторлар, кимёвий ўғитлардан фойдаланишга, ерни эрта ҳайдашга, алмашлаб экишни жорий қилишга ўргатиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

20-йилларда бошқа ижтимоий-сиёсий ва жамоат ташкилотлари: Рабземлес, Ишчиларга ёрдам берувчи халқаро ташкилот (МОПР), Осоавиахим, "Йўқолсин саводсизлик", "Худосизлар иттифоқи", турли илмий-техник ва ижодий жамиятлар ҳам бор эди.

Хотин-қизларни озодликка чиқариш. Ўрта Осиёда хотин-қизлар орасида олиб борилган иш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб кетди, бу ишни партия бошқариб, йўлга солиб борар эди. Нуқул хотин-қизлардан иборат ҳар хил ишлаб чиқариш ячейкалари, клублар, мактаблар ташкил этилди. Аёллар фаоллик билан партия-давлат ишига қўйниладиган бўлди. Аёлларнинг делегатлар сайловчи йиғилишлари кенгайди. 1927 йили бошланган "Ҳужум" ҳаракати давомида аёлларни озодликка чиқариш компанияси жуда авжга чиқди. Натижаларга кўра муҳим ва етарлича самарали бўлган мана шу тадбирлар ўзбек аёлларини озодликка чиқариш жараёнини, реакцион қатламларнинг зўрлиги ва таҳдидига қарамасдан, қайтмас тусга киритди. Бироқ, бошқа кўпгина тадбирларда бўлганидек, янги ҳокимият омманинг асрий анъаналари ва кайфу руҳияти билан кам ҳисоблашди. Шунинг натижасида бу йўлда кўпгина қурбонлар ва фожасалар бўлди.

Ўзбекистон ССР биринчи Конституциясининг қабул қилиниши. 1927 йил мартда Ўзбекистон ССР Советларининг II съездида Конституция қабул қилинди. Бу Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Совет Республикаси тенг ҳуқуқли Иттифоқ субъекти тариқасида СССР таркибига кирди. Табиийки, тўла мустақиллик ва ССР Иттифоқи таркибидан чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги қонинида шунчаки бир декларациядан башқа нарса эмас эди.

Кўпгина қоидалар ҳар хил ваъдалар билан чекланар, тегишли кафолатлар билан тасдиқланмас эди. Конституция руй-рост ифодаланган синфий тусга эга бўлиб, баъзи аҳоли қатламларининг фуқаролик эркини чеклаб қўяр эди. Бироқ унинг кўпгина бандлари, масалан, аёлларнинг тенг ҳуқуқлидир деб эълон қилиниши жамият тараққиётида муҳим омил бўлиб қолди. 1927 йил Конституцияси – Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси кўпгина зиддиятларга эга бўлишига қарамай, ёш давлатнинг юридик ва ҳуқуқий асоси бўлди.

Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш. Конституцияда эълон этилиб, қайд қилиб қўйилган республика мустақиллиги ҳар қалай унинг амалга ошишига умид уйғотар эди. Энг муҳим муаммоларнинг бири кадрлар муаммоси бўлиб қолаверди. Чунки давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларидаги миллий кадрлар сони жуда кам миқдорда бўлиб, бунинг устига иш юритиш маҳаллий тилларда олиб борилмас эди. Шу сабабдан энг кескин масалалардан бири республика давлат аппаратида ерли халқ вакиллари кўпайтиришдан иборат бўлиб қолдики, бу нарса давлат аппаратининг ҳамма бўғинларини халқнинг тили, турмуши, расм-русумлари ва одатларини билладиган кишилар билан мустақкамлаш заруриятидан келиб чиқар эди.

Маҳаллийлаштириш муаммоси амалда давлат ва хўжалик аппаратида маҳаллий миллат кишиларини кенг суратда жалб қилиш, иш юритишни маҳаллий тилларда олиб боришдан иборат эди. Бу тадбирлар самарали суратда амалга оширила бошлади. Иш юритиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган бўлди. Русий забон аҳоли, айниқса мактаб ўқитувчилари ва талабаларнинг улар ўзлари яшаб турган республика тилини ўрганиши шарт қилиб қўйилди. Лекин ҳамма иш ҳам силлиқлик билан битавермади, чунки сталинча диктатура шароитларида миллий ўзига хослик барча республикалар аҳолисини бир тахлитдаги итоатгўй оммага айлантириш йўлига ғов бўлиб турар эди.

Араб ёзувида асосланган қадимги ўзбек ёзувини 1929 йили лотин алфавити, 1940 йили эса кириллица ал-

фавитига алмаштириш ҳам миллий ўзига хосликни бўғиш бўлди. Бу нарса халқнинг бой тарихий ўтмишидан ажралиб қолишига олиб келди, маънавий изчилликка зиён етказди.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши. Миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР тузилганидан кейин республика маъмурий-ҳудудий бўлинишини бир шаклга келтириш тўғрисидаги масала кўндаланг туриб қолди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари катта-кичиклиги ва вазифалари жиҳатидан фарқланадиган ҳар хил вилоятлар, областлар, уездларга бўлинар эди. Амалда янги, қўшма давлат тузган янги ҳокимият шу соҳада бир хиллик ва бир шакллилик сиёсатини амалга оширди. Миллий анъаналар ва ўлканинг ўзига хос томонларини ҳисобга олмасдан туриб, Ўзбекистонда республика ҳудудини янгидан 7 вилоятга: Тошкент, Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларига бўлиш жорий этилди, бу вилоятлар ҳам ўз навбатида уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига бўлинар эди.

Яхши тайёргарлик кўрмасдан туриб ва нуқул буйруқбозлик усуллари билан амалга оширилган маъмурий бўлиниш талайгина қийинчиликларни туғдирди, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий вазифаларини ҳал қилишни таъминлаб бермади. Шу сабабдан 1926 йил сентябрда Советлар Марказий Ижроия Комитетининг V сессияси республиканинг янги маъмурий-ҳудудий бўлиниши тўғрисида қарор қабул қилди, шунга мувофиқ 10 округ: Тошкент, Самарқанд, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Бухоро, Қўқон ва Хўжанд округлари қайтадан ташкил этилди. Аввалги уездлар, волостлар ва қишлоқ советлари районлар ҳамда қишлоқ советларига айлантирилди.

Мана шу акт ва қарорларнинг ҳаммаси аввало сиёсий мақсадларни, хусусан "ишчилар синфи ҳокимиятини мустақамлаш", "давлат аппаратини мустақамлаш ва омма-ларга имкони борича яқинлаштириш"ни кўзда тутар эди. Ушбу маъмурий қайтатузишларнинг асосида айнан партия-давлат аппаратининг тўла ҳукмдорлигини мустақамлаш,

ҳаётнинг ҳамма томонларини назорат қилиб, қамраб олиш ётар эди.

Ўзбекистон харитасини қайтадан бичиш кейинчалик яна давом эттирилди. 1930 йилнинг июль ойидаёқ округларни тугатиш ва районларга асосий ҳоқимият ва маъмурият органлари ваколатларини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай қарорнинг хато эканлиги жуда тез орада маълум бўлиб қолди. 30-йиллар давомида округлар яна аста-секин тиклана бошлади. Булар кейинчалик яна қайта тузилиб, вилоятларга айлантирилди.

1930 йилда ҳукумат қарори билан республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг репрессив (қатағон) сиёсати. 20-йилларнинг охиридан бошлаб мамлакат ва республикада таркиб топиб келаётган тоталитар жамиятга хос хусусиятлар тобора ошкора намоён бўла бошлади. Бу жамиятнинг негизи бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизими НЭП иқтисодиётининг зиддиятларини ўзига сингдириб, "ҳарбий коммунизм" аъналарини давом эттириб борди. Асосий қисми паст малакали ва қашшоқ кишилардан иборат бўлган ишчилар бозор стихиясини, якка тартибда зўр бериб қилинадиган ижодиётни эмас, балки тайинли маълум ижтимоий кафолатларни афзал кўрар эди. Шу нарса маъмурий-буйруқбозлик тизимга тўғри келар, чунки оммани ғоявий жиҳатдан шакллантириш имкониятини енгиллаштиради.

Партия, давлат номенклатурасининг қаттиқ исканжаси иқтисодиёт, сиёсат, маданиятни ўз тагига олиб эзиб ташлади. Муҳим қарорларнинг ҳаммаси тор партия доирасида қабул қилинар ва бутун мамлакат учун мажбурий бўлиб қоларди. Ижодий баҳс-мунозаралар, келишув йўлларини қидириш ўтмишда қолиб кетди. Советлар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари юқоридан туриб берилган директив кўрсатмаларнинг пассив ижрочилари бўлиб қолдилар, холос. Партия органлари билан келишмасдан туриб, муҳимроқ қарорларнинг биронтасини ҳам қабул қилиб бўлмас эди. Демократияни бўғиш Конституцияда эълон қилинган ҳақ-ҳуқуқларни ҳам оммавий равишда бузишга олиб келдики, бу нарса Ўзбекистон халқлари бошига жуда оғир кулфатларни солди.

Миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмушини яхшилаш муаммоларига диққатни жалб этишга уринган раҳбар ходимлар ва ижодий зиёлилар хусусида 20- йиллар давомида ҳуфиёна зўрлик ва репрессиялар сиёсати ўтказилди. Шу муносабат билан Турар Рискўлов, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Иноғомжон Хидиралиев, Қайғисиз Отабоев, Султонбек Хўжанов сингари машҳур арбоблар миллатчиликда айбланди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муқобил йўлларини амалга оширишга уринган кишиларга гуруҳбозликка қарши кураш шиори остида айблар қўйилди. Кейинчалик "иноғомовчилик", "18 лар гуруҳи", "қосимовчилар" деб ном олган ишлар худди ўша пайтларда тўқилган эди.

1929 йил охирларида атоқли маърифатчи Мунаввар Қўри Абдурашидхонов бошчилигидаги "Миллий истиқлол" ташкилотининг аъзолари қамоққа олина бошлади. Бу ташкилотнинг қамалган 85 нафар аъзосидан 15 нафари отиб ташланди, қолганлари тузатиш-меҳнат лагерларига жўнатилди. "Миллий истиқлол" ташкилотининг кўпгина аъзолари ҳам қувғинга олинди. Йирик жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамз), Носир Саидов, Маҳмуд Ходиев (Боту), Ҳосил Василев, Собир Қодировлар ўлим жазосига ҳукм қилинди, кейинчалик бу ҳукм узоқ муддатли қамоққа алмаштирилди.

Шундай қилиб, 20- йилларнинг иккинчи ярми муҳим ва жуда зиддиятли ҳодисалар билан тўлиб тошган эди. Ўзбекитон ССР нинг ташкил топиши, Конституциясининг қабул қилиниши, давлат тузилмалари, партия ташкилотлари, жамоат ташкилотларининг юзага келиши халқнинг бир қадар жипслашувига, иқтисодиётнинг тез тикланиб, янада ривожланиб боришига йўл очди. Бироқ республиканинг эълон қилиб қўйилган мустақиллиги ўзига сўзсиз итоат қилиб, қарорларини албатта бажариб боришни талаб этувчи Марказнинг қаттиқ йўл-йўриқларига зид келиб қолди. Душманларни қидириб топиш йўлида ўтказилган доимий тозалов ва оммавий кампаниялар қонунчиликнинг қўпол равишда бузилишига, кенг фикрли кўпгина партия-давлат арбоблари хусусида кенг кўламдаги таъқибларга олиб келди. Сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган талайгина тасодиқий одамлар ҳам жазоловчи органлар тегирмонига тушиб кетди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Давлат аппаратини янада тақомиллаштириш ва кучайтириш нималарда намоён бўлди? 2. 20-йилларда қандай республикалараро (Ўрта Осиё) бошқарув органлари тузилди? 3. Республика партия ташкилотлари билан жамоат ташкилотларининг жамият сиёсий тизимидаги роли ва ўрни тўғрисида сўзлаб беринг. 4. 1927 йилдаги ЎзССР Конституциясини Ўзбекистоннинг мустақиллиги нуқтаи назаридан таърифланг. 5. Ўзбек тилини ривожлантириш учун шу йилларда қандай чоралар кўрилди?

2-§. Ўзбек қишлоғини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

1925–1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти. Ўзбек қишлоғини ривожлантиришда 20-йилларнинг ўрталарига келиб баъзи муваффақиятлар қўлга киритилди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан ўзбек деҳқони эркинроқ нафас ола бошлади. Озиқ-овқат развёртқасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш деҳқонга ортиқча маҳсулотини сотишга, шунингдек гўза ва бошқа экинлар майдонини кенгайтиришга имкон берди. Бунинг натижасида деҳқонларнинг товарлар билан таъминланиши ўсди, улар турмушининг даражаси бир қадар кўтарилди.

1925 йилда экин майдонларининг учдан икки қисми асли ҳолига келтирилиб, комплекс ер тузиш ишлари ўтказилди. Кооператив қурилиш авж олдирилди.

Лекин аграр масала ҳамон кескин бўлиб қолмоқда эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўнтаришдан олдинги ривожланиш тенденцияларини сақлаб қолди. Ўзбек қишлоқларининг кўпчилиги кам ерли ёки ерсиз бўлиб қолаверди. 1925 йили республикадаги хўжаликларнинг деярли 10 фоизи экин эка олмас эди. Ери кам хўжаликлар, икки десятинагача ерга экин эка оладиган хўжаликлар тахминан 72 фоизни ташкил этарди. Деҳқонларга қарашли ерларнинг майдони ўртача олганда икки десятинадан уч десятинага борарди. Лекин бу ерлар ҳам майда участкаларга бўлиниб кетган эди. Масалан, Зарафшон вилоятида хўжаликларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган кам ерли гуруҳлар бир-биридан анча олисда жойлашган кичик-кичик участкаларга (икки ва ундан ортиқ участкаларга) эгалик қилар эди.

Агротехника ва сугориш тизимининг жўнлиги, буларни яхшилашга маблағларнинг етишмаслиги янги ерларни тезлик билан ўзлаштиришга имкон бермас эди, бу нарса ер масаласининг кескинлашувига олиб келди. Ўзбек деҳқонларининг жуда қашшоқ қатламлари билан ўзига тўқ қатламлари ўртасида зўрайиб борган зиддият, ердан маҳрум бўлиш ва ерларни йириклаштириш бобида кучайиб бораётган жараёнлар ҳам ижтимоий кескинликнинг кучайиб боришига йўл очди. 20- йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонда экин майдонларининг уч қисмидан кўпроги бойлар ва қулоқлар тасарруфида эди. Ўзбек қишлоғи асосан қашшоқлардан иборат бўлиб қолаверди, ўрта ҳол хўжаликлар 2-3 барабар кам эди.

Деҳқон хўжаликлари техник жиҳатдан қолаётган эди. Экин майдонининг ҳар бир гектари ҳисобидан олганда деҳқончилик қуроллари билан таъминланганлик Россиянинг марказий районларидагига қараганда 10 – 11 барабар кам эди. Шу билан бирга, бу қуроллар, одатда, кетмон ва омочдан иборат бўлди, холос. Бойларнинг хўжаликларида ҳам "оврўпа" асбоб-ускуналари камдан-кам учуради.

Бир парчагина арзимас ерга эга бўлиб, иш ҳайвонлари ва ер ҳайдаш асбобларига эга бўлмаган қишлоқ қашшоқлари буларни ижарага олишга мажбур эди. Ўзбекистонда улуш тўлаш шарти билан ижарага олиш – чорикорлик кенг расм бўлди. Одатда икки десятинадан ортиқ ери бўлган деҳқонлар чорикорлик қилар эдилар.

Чорикорлар бошқаларнинг ерида, аксари бировларнинг асбоб-ускунаси билан ишлайдиган бўлгани учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштиришдан манфаатдор эмас эди, бунинг учун уларда маблағ ҳам йўқ эди. Бойлар ҳам чорикорларнинг арзон меҳнатидан фойдаланиш имконига эга бўлгани учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхшилашдан манфаатдор эмас эди. Улар оладиган даромаддан қишлоқ хўжалигига деярли ҳеч нарса қайтарилмас, борди-ю қайтарилса ҳам, судхўрлик қарзи шаклида қайтарилар эди. Республикада ана шундай судхўрлик кенг тарқалган ва чорикорлар билан деҳқон хўжаликларининг кўп қисмини ўз домига илинтирган эди. Шу нарса қишлоқ хўжалигининг тараққиётига иқтисодий жиҳатдан рағбат бермас ва деҳқончиликда ташаббусни сўндириб қўяр эди.

Кенг кўламда ерни қайта тақсимлаш ишини ўтказмасдан туриб республика қишлоқ хўжалигида товар муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш мумкин эмаслиги тамомила аниқ-равшан бўлиб қолди. Ўзбек қишлоқларини қайта тузишга доир асосий чора-тадбирларнинг бири 1925–1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти бўлди. Бу ислоҳотдан асосий мақсад "помешчик тоифа" деган хўжаликларни тугатиш, камбағаллар сонини қамайтириш ва ердан фойдаланишда феодал-патриархал тузум қолдиқларини енгиш ниятида ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини қайтадан тақсимлаш эди.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотининг бошланиши ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг 1925 йил 2 декабрдаги "Ер ва сувни национализация қилиш" тўғрисида ва "Ер ва сув ислоҳоти тўғрисида" декретларига алоқадор бўлди. Ер-сув ислоҳоти дастлаб республиканинг ҳаммадан кўра кўпроқ ривожланган вилоятларида: Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида, сунгра 1927 йилда Зарафшон, ~~1928–1929 йилларда эса Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм~~ вилоятларида ўтказилди.

Қабул қилинган декретларга асосланиб туриб, ислоҳот ўтказилаётган даврда бойларнинг ерлари (Фарғона вилоятида 40 десятинагача ва бундан ҳам кўпроқ ерлар, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида – 50, Зарафшон вилоятида – 35 десятинадан бошлаб, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида – суғориладиган ерлар 20 десятина ва бундан ҳам кўпроқ, лалмикор ерлар эса 45 десятинадан бошлаб) кейинчалик тақсим қилиш учун бутунлай тортиб олиниб, давлат фондига ўтказилди. Ер билан бирга ҳамма от-улов ва асбоб-ускуналар ҳам мусодара қилинди.

Қишлоқда яшамайдиган ва ерларни ўз кучлари билан ишламайдиган йирик савдогарлар ва амир амалдорларига қарашли ерлар, майдони қанча бўлишидан қатъи назар, батамом тортиб олинди. Бу кишиларнинг ерлари билан бирга уларнинг аслида чорикорлар томонидан ишлатиб турилган от-уловлари ва асбоб-ускуналари ҳам мусодара қилинди. Шу тоифага мансуб бошқа хўжаликлардаги от-уловлар ва қишлоқ хўжалик қуроллари мажбуран давлатга сотилиши керак эди. Ер эгасининг "ўз кучи ёки ўз оиласининг аъзолари кучи билан" ишланадиган

хўжаликларда ердан фойдаланиш юзасидан ҳар бир район учун белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган ерлар тортиб олинди. Бу хўжаликлардаги ортиқча асбоб-ускуналар мажбуран давлатга сотилиши керак эди.

Ислоҳот ўтказиш учун вилоятлар, округлар, районларда ер комиссиялари ташкил этилди. Буларга ёрдам бериш учун ҳар бир қишлоқда кўмакчи комиссиялар тузилди.

1925–1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти натижасида Ўзбекистонда бойлар, йирик савдогарлар ва руҳонийларнинг 1,5 мингга яқин хўжаликлари батамом тугатилди. Баъзи хўжаликларда ортиқча ер майдонлари тортиб олинди. Республикадаги майда хўжаликларнинг тахминан 10 фоизи ер, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва ишчи ҳайвонларга эга бўлиб қолди.

Ер тузишга доир чора-тадбирлар таъсири билан кенг меҳнаткаш руҳонийлар оmmasи хўжаликни натура шаклда юритишдан бозор муносабатлари асосида юритишга ўта бошлади. Феодал-бойларнинг ерларини қайта тақсимлаш деҳқонларнинг ўрта ҳол деҳқонларга айланиб боришига олиб келди. Батрак-камбағаллар гуруҳи ислоҳотдан олдин барча деҳқон хўжалиklarининг 76 фоизини ташкил этган бўлса, ислоҳотдан кейин буларнинг сони 39 фоизгача қисқарди, ўрта ҳол хўжалиklarнинг салмоғи эса 17 фоиздан 52 фоизгача ортди. Ўрта ҳол хўжалиklarнинг кўпайиб бориши ўзбек қишлоғида майда товар уклади кучайиб келаётганини билдирар эди. Ер олган деҳқон хўжаликлари майда ишлаб чиқарувчиларга айланиб қолди. Мана шу нарса деҳқончилик соҳасида 1925 – 1929 йилларда ўтказилган қайта қуришнинг муҳим ижтимоий якуни бўлди. Деҳқонда хусусий ишбилармонлик қилиш имконияти пайдо бўлди, энди у ўзи билганича хўжалик юритиши мумкин эди.

Бироқ деҳқончиликда ислоҳотларни амалга оширишнинг усул-амаллари бир қанча ҳолларда маданий тараққиёт талабларига мос келмас эди. Уларга республика ва мамлакат сиёсий раҳбариятининг "ҳарбий-коммунистик" интилишларининг акси урган эди. Ер ислоҳоти ўзининг бутун моҳияти билан бадавлат хўжалиklarни чеклаб қўйиш ва қишлоқда синфий курашнинг авж олишига қаратилган эди. Бу йўл қишлоқ аҳолисининг кўпроқ даражада бозорга қараб иш юритадиган бадавлат та-

бақаларини ўринсиз равишда чеклаб қўйиш, шунингдек ислоҳот ўтказиш пайтида ўйламай-нетмай ва ҳаддан ошиб чоралар кўриш билан ифодаланди. . Ўрта ҳол деҳқонларнинг манфаатларини таъминлаб бориш ва чекларни тўғри белгилаш юзасидан партия эълон қилган аниқ йўлга қарамай ер ислоҳотини ўтказиш маҳалида бир қанча жойларда қишлоқ ташкилотлари кўпгина бадавлат ўрта ҳол деҳқонларни бойлар деб ҳисоблаб, уларнинг ерлари ва асбоб-ускуналарини тортиб олишга ҳаракат қилишга уриндиларки, бу нарса партиянинг ўрта ҳол деҳқонлар билан иттифоқ бўлиш хусусидаги йўлини бузиб кўрсатди.

Вақф мулки, яъни диний муассасаларнинг мулклари хусусидаги сиёсат ҳам етарлича ўйлаб кўрилмаган, пишиқ сиёсат бўлиб чиқмади. Бу мулкни мусодара қилиш вақтида маҳаллий аҳоли диний онгининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек кўп жиҳатдан мусулмон дини қадриятлари тизими билан белгиланадиган деҳқон турмушининг хусусиятлари ҳисобга олинмади.

Коммунистик партиянинг сиёсий докторинаси хўжалик юритишнинг жамоа шаклларини ривожлантиришни кўзлар эди. Ер-сув ислоҳоти даврида 522 жамоа хўжалиги, яъни колхозлар ташкил этилди, буларда раҳбарлик қилишнинг иқтисодий рағбатларидан маъмурий-бўйруқбозлик усул-амалларига ўтиш кейинчалик тобора кўпроқ сезиларли бўлиб борди. 1927 йил охири – 1928 йил бошларида, Сталин партияни майда товарли укладни сунъий равишда чеклаб қўйишга йўллай бошлаган даврда маъмурий-бўйруқбозлик усул-амалларига ўтиш айниқса ошкора сезилди. Мана шу вақтдан бошлаб жамоа хўжаликлари тузишга қаратилган йўл янада кескинлашди.

Деҳқон хўжалиklarининг ривожланишида кооперациянинг роли. Бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам деҳқон хўжалиklarини кооперациялаш сиёсати изчиллик билан амалга ошириб борилди. Матлубот, таъминот-тижорат ишлари, ишлаб чиқаришга оид ва бошқа энг оддий ишларни биргаликда бажариб борадиган универсал (интеграл) кооперация кенг расм бўлди. 1925 йили республикада барча деҳқон хўжалиklarининг 36

фоиздан кўпроқ қисмини бирлаштирган 595 ширкат ишлаб турди.

1926 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб қишлоқ хўжалик кооперациясини ихтисослашга киришилди. Универсал қишлоқ хўжалик кооперациясидан иборат бўлган "Ўзбексельсоюз"дан пахтачилик, кейин эса чорвачилик кооперацияси, мева-сабзавот, ипакчилик кооперациялари ва бошқалар ажралиб чиқди. Шу кооперацияларнинг ҳаммаси: марказий бошқарув – райсоюз – ширкатдан иборат тугал тизимга эга бўлди.

Кооперациянинг қайси шаклларида аҳоли манфаатдор бўлса, унинг шу шакллари ҳаммадан кўпроқ ривожланиб борди. Ўзбекистон учун деҳқон хўжаликларининг 60 фоиздан кўпроғини бирлаштирган "Ўзбекпахтасоюз" пахтачилик кооперациясининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Кооперациялар таъминот-тижорат ва кредит ишларини ривожлантириш билан бир қаторда деҳқонларга ишлаб чиқариш соҳасида хизмат кўрсатишни кучайтириб бордилар. Пахта хўжалигида тракторлар ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаридан фойдаланишни, шунингдек трактор ишига техник жиҳатдан бошчилик қилишни яхшилаш мақсадида пахта кооперацияси тизимида 1927 – 1928 йиллари машиналарни ижарага берадиган 52 та шахобча ва 44 та таъмирлаш устаконалари ташкил этилди. Пахтачилик кооперацияси ихтиёрида пахтакорларга агрономия ёрдами берадиган 100 га яқин агропунктлар бор эди.

Суғориладиган деҳқончилик шароитларида деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда 1923 йили ташкил этилган мелиорация кооперативи ҳам катта роль ўйнади. Ўлкада суғориладиган деҳқончилик расм бўлган замонлардан бери ерларни суғориш ишлари, яъни ирригация ишлари биргаликда олиб борилар эди. Шу сабабдан ҳам мелиорация кооперациясини аҳоли кенг миқёсда қўллаб-қувватлади. Бу кооперация аъзоларининг сони уч йил давомида (1928 йилга келиб) 5 баравардан зиёдроқ ошди.

Қишлоқ хўжалик кооперациясининг қишлоқ хўжалик мақсулотларини шартнома асосида тўплаб, саноатга топшириш соҳасидаги фаолияти деҳқон хўжаликларини учун

катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда давлат саноат корхонаси билан якка деҳқон хўжалиги ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг маълум миқдорини олдиндан белгилаб қўйилган нархлар билан топшириш, шунингдек шартнома тузаётган ташкилотлар томонидан деҳқонларга пул ва на-тура кўринишида бўнақлар бериб туриш ва деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳамда уруғликлар билан имтиёзли таъминлаб бориш тўғрисида кооперация орқали шартнома тузилар эди. Шундай шартномаларнинг расм бўлиши ўзбек қишлоғини бозорга жалб этиш, майда товар деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга ёрдам берди. 1929 йилдаёқ Ўзбекистонда тайёрланадиган пахта хом ашёсининг деярли 100 фоизи, қоракўл терининг 82 фоизи, жуннинг 70 фоизи, қуруқ меваларнинг 60 фоизи шартнома асосида топшириладиган бўлди.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси тизими, умуман бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам 20- йилларнинг охирига қадар сақланиб келди. 1929 йили деҳқон хўжаликларининг 80 фоизи бу кооперациянинг ҳар хил турларига жалб қилинган эди. Кооперациянинг биронта ҳам шакли ўз имкониятларини охиригача сарфлаб тугатгани йўқ. Шундай бўлса-да, 1929 йил кузидан бошлаб қишлоқ хўжалик кооперациясининг колхозларгача бўлган шаклларига барҳам берилди. 1927 йилдан бошлаб кооперацияни "давлатлаштириш" тенденциялари кучайиб, унинг хўжалик ҳисоби асосидаги негизлари тобора кўпроқ кўпорила бошлади. Деҳқон хўжалигини юксалтиришга доир масалаларнинг ҳаммаси давлатга келиб тақаладиган бўлиб қолди (солиқ сиёсати, кредит, нархлар ва бошқалар).

Совет давлатининг солиқ сиёсати рўй-рост ифодаланган ижтимоий йўналишга эга бўлди. Синфий тамойил асос қилиб олинган эди. Солиқларнинг ҳамма оғирлиги ўзига тўқ хўжаликлар зиммасига тушар, майда хўжаликлар ва ишлаб чиқарувчиларга ҳар хил имтиёзлар берилар эди. Фақат камбағал ўрта ҳол хўжаликларга бериладиган давлат кредити қишлоқдаги ижтимоий жараёнларни тартибга солиб, ростлаб бориш воситасига айланди. Маҳсулотнинг тайёрлов ва сотилиш нархларини, истеъмолчилар билан

бўладиган ўзаро муносабатларни, қилинадиган сарф-ҳарajatларнинг меъёрлари ва бошқа кўрсаткичларни давлат белгилаб қўядиган бўлдики, мана шу нарса буйруқбозлик усул-амалларининг ташкилий-иқтисодий усул-амаллардан устунроқ туриб қолишига олиб келди.

Янги иқтисодий сиёсат тамойилларидан воз кечиш кооператив қурилишга ўз таъсирини кўрсатди. Кооперациянинг социалистик шакллари деган хиллари жадал суръатлар билан расм қилина бошлади. 20- йилларда булар ерни жамоа бўлиб ишловчи ширкатлар, яъни ТОЗлар (товарищества по общественной обработке земли) тузиш, қишлоқ хўжалик артеллари ва бошқа шакллардаги жамоа хўжаликларини ташкил этишда намоён бўлди. Ўзбекистонда ўша кезлари 550 артел ва 166 ТОЗ тузилган эди. Бироқ деҳқонларнинг жамоа хўжаликларига кириши 20- йилларда асосан ихтиёрийлик йўли билан борди.

Ўзбекистондаги колхозчилик ҳаракати ўзининг ижтимоий табиатига кўра ўша йилларда камбағал-батраклар ҳаракати бўлди. Колхозларнинг кўпчилиги ҳали ҳам майда ва кам қувват хўжаликлар эди. Битта колхозга ўртача 52 га атрофига ҳайдаладиган ер майдони тўғри келарди. Колхозлар кўпинча тарқалиб кетар, уларнинг ичида қўнимсизлик кўп эди. 1929 йил охирига келиб республикада деҳқон хўжаликларининг атиги 3 фоизга яқин қисми бирлаштирилди, лекин булар ҳам асосан камбағал хўжаликлардан иборат эди.

20- йиллар охирида янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши кооперация тизимининг емирилиб кетишига олиб келди. Партия қишлоқ хўжалигини бошқаришни давлат қўлига ўтказиш йўлини тутди. Мамлакатнинг олий раҳбарияти ялпи коллективлаштириш йўлига мойил бўлиб қолди. Ана шундай йўлга кирилганликнинг дастлабки аломатлари 1927 – 1928 йилларда маълум бўла бошлади, лекин узил-кесил бурилиш 1929 йил охирида бўлди.

6

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ер-сув ислоҳоти олдида қандай вазифалар турар эди? 2. Ер ислоҳоти қандай ижтимоий оқибатларга олиб келди? 3. Ўзбекистонда кооперациянинг қандай шакллари ривожланиб борди? 4. 20- йилларнинг охирларида кооперация асосий шакллариининг емирилишига нималар сабаб бўлди?

3-§. Саноат қурилиши. Кадрлар муаммоси

Индустриал сахрашга томон йўл. Саноатни тиклаш ва ривожлантириш ишлари 20- йилларнинг биринчи ярмида иттифоқ Маркази манфаатларини ўйлаб режа асосида олиб борилди. Туркистон минтақасини ихтисослаштириш ва ривожлантириш унинг хом ашё ресурсларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишни мўлжаллаб туриб амалга оширилди.

Республика халқ хўжалигида тиклаш жараёни ҳали давом этиб бораётган бир даврда мамлакатнинг марказий органлари индустрлаштириш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти ривожланган замонавий саноатни вужудга келтиришга тўла-тўқис боғлиқ эди. Ана шу мақсадга жуда тез муддатларда эришмоқнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш зарур эди. Мамлакатнинг алоҳидаланиб, якка бўлиб қолгани чет эл капитали келади деб умид боғлашга имкон бермас эди. Фақат биттагина имконият бор эди – ички жамғармаларни тўплаш ва мамлакатнинг ўзидаги маблағлардан бирмунча оқилона фойдаланиш ҳисобига саноатни ривожлантириш зарур бўлиб қолди.

Кенг қамровли индустрлаштириш дастурига ўтиш иқтисодий ва одамий ресурсларга ҳаддан ташқари зўр келишига сабаб- бўлди, қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди ва қанчадан қанча харажатлар қилишга боғлиқ бўлиб қолди. Жамғармалар манбалари тўғрисидаги масала энг кескин муаммоларнинг бирига айланди. Хусусий капитал йирик саноатга атайлаб яқинлаштирилмас, саноат жамғармалари асосидагина индустриал сакрашни амалга ошириш мумкин эмас эди. Мамлакатнинг партия раҳбарияти ниҳоятда қаттиқ ўтган сиёсий баҳс-мунозаралардан кейин маблағларни иқтисодиётнинг аграр секторидан индустриал секторга, яъни деҳқон хўжаликларидан саноатга олиб ташлаш йўлини маъқулади.

Саноат ва кадрлар. Индустрлаштириш бошланишида ЎзССР да ривожланган замонавий саноат йўқ, саноат корхоналарининг техник даражаси ҳаддан ташқари паст, инженерлар, техниклар ва замонавий техникани биладиган

малакали ишчилар ниҳоят даражада етишмас эди. Ўлка халқ хўжалигини тиклаш 7 – 8 йилга чўзилиб кетди. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси қўшимча қийинчиликлар туғдираверди. Мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий ҳажмида фабрика- завод саноатининг салмоғи 1926/1927 хўжалик йилида* РСФСРда 68 фоизни, Украина ССРда эса тахминан 22 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ССРда ҳаммаси бўлиб 0,6 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда, тиклаш даврининг охирларига келиб Иттифоқ марказий районлари билан иттифоқчи республикалар ривожланишининг иқтисодий даражасида кескин тафовут сақланиб қолди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш ҳаётида кустар-ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳамон олдинги ўринни эгаллаб, аҳолининг пойафзал, кийим-кечак ва рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжларининг катта қисмини қондириб келди. ЎзССР саноати асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсидан фойдаланар ва бир томонлама иқтисослашган эди. Бу саноатнинг учдан икки қисмига яқини мамлакат марказий районларининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган нахта тозалаш саноати улушига тўғри келар эди. Бу саноат бошқа соҳалардан алоҳида ҳолда ривожланар ва республика иқтисодиёти билан унча пайваста бўлиб боғланмаган эди.

Бу республикага унинг ишлаб чиқариш кучларининг бир текис ривожланиб боришини таъминлай оладиган, шаҳар ва қишлоқдаги бутун жамоат ишлаб чиқаришининг тузилиши ҳамда техник негизини тубдан ўзгартириб, ишлаб чиқариш муносабатларини мустақкамлайдиган, замонавий техникадан фойдаланишга қодир бўлган кадрларни етиштириб чиқарадиган саноатни жойлаштириш зарур эди.

Республика саноати ривожланишининг асосий йўналиши. Ўзбекистонни индустрлаштириш энг бошиданоқ Иттифоқни индустрлаштиришнинг таркибий ва ажралмас бир қисми деб белгиланди. Республика саноатини ривожлантиришнинг асосий йўлини ҳам ана шу нарса белгилаб берди: бу йўл қишлоқ хўжалиги ва табиий бойликларни қаттиқ эксплуатация қилишга мўлжалланган эди.

* Хўжалик йили 1 октябрдан бошланар эди.

Саноатнинг пахта тозалаш, мой ишлаб чиқариш, ипакчилик, тўқувчилик, виночилик ва мева консервалари тайёрлаш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш, кончилик, тошкўмир қазиб чиқариш, нефть саноати ва энергетикани ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилди.

Халқнинг меҳнат ташаббуси. Ана шундай кенг кўламли дастурни амалга ошириш халқнинг зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Техник-иқтисодий база қолоқ, қурилиш материаллари ва механизация воситалари ниҳоятда танқис, кадрлар етишмай турган маҳалда ана шундай дастур ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфлашни талаб қилар эди. Партия резерв жамғармаларни мамлакат ичидан қидириб топиш ва уларни индустрия соҳасига йўналтириш йўлини тутди, бу нарса кредит тизими ва ички заёмлар орқали аҳоли қўлидаги маблағлардан кенг фойдаланиш, шунингдек меҳнаткашларнинг пайчилик маблағлари асосида кооперацияни ривожлантиришга олиб борди. Мамлакатда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш интизомини мустақкамлаш, ишлаб чиқаришда ҳар қандай нобудгарчилик ва бракларга йўл қўймаслик, таннархни камайтириш, давлат апаратини қисқартириш ва арзонлаштиришга қаратилган қаттиқ тежаб-тергаш тартиби жорий этилди.

Индустриалаштириш режаларини амалга ошириш халқдан зўр бериб меҳнат қилиш, ижодий ташаббус кўрсатиш, истеъмолни чеклаш ва ўз қўлидаги маблағларни сарфлашни талаб қилди. Чунончи, ички давлат заёмларини тарқатишдан Ўзбекистонда 1926–1929 йиллари 23 млн. сўм, давлат апаратини қисқартириш ва арзонлаштиришдан эса яна 7 млн. сўм олинди. ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг V сессияси (1926 йил) тежаб-тергаш тартибининг ниҳоятда катта аҳамияти борлигини қайд қилиб ўтар экан, шу йўлда кураш олиб бориш "ҳар бир хўжалик ходими ва умуман бутун саноатнинг кундалик иши учун раҳбарликнинг бош йўли бўлиб қолиши керак" деб кўрсатди.

Ўзбекистон саноат корхоналарининг жамоалари тежаб-тергаш тартиби хусусида мусобақалар ташкил этиб, жамоа шартномалари туздилар. Ишчиларнинг заводлар, фабрика-

10- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

лар, транспортдаги фидокорона меҳнати туфайли ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланиши билан бир қаторда, тежаб қолинган маблағлар миқдори тобора ортиб борди. Ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ равишда юргизиш: янги техникани жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишчилар малакасини ошириш, иш кунидан тўла фойдаланиш учун бошланган ҳаракат оммавий тус олди. Мана шу ҳаракат ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар техник ижодкорлигининг ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ортишига, маҳсулот кўпайишига, саноатни янги техника асосида қайта қуришга ёрдам берди. Рационализаторлик ҳаракатида ўз ифодасини топган ишчилар техник ижодкорлиги тобора кўпроқ сезиларли бўлиб борди. Ишлаб чиқариш кенгашлари корхоналардаги рационализаторлик тафаккурининг маркази бўлиб қолди.

Тежаб-тергаш тартибига қаттиқ амал қилиш, рационализаторликни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини кўтарган ҳолда унинг тан-нархини камайтириш, меҳнат интизомини мустақкамлаш, ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ сарф-ҳаражатларга барҳам бериш республикада индустрлаштиришни авж олдириш учун маблағ жамғариб олишга ёрдам берди. ЎзССР саноатига ажратилган капитал маблағлар миқдори фақатгина 2 йил давомида 2 баравар кўпайди.

Саноат қурилишини жадаллик билан олиб боришни ўйлаб, мамлакат ҳукумати республикага иттифоқ бюджетидан молиявий ёрдам беришга қарор қилди. Бу ёрдам 1925 йили тахминан 3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1929 йили у 29 млн. сўмни ташкил этди. Мана шу чоралар натижасида йирик саноатнинг ялпи маҳсулоти 1927/28 хўжалик йилида 270 млн. сўмга етди, яъни 1924/25 йилдагига қараганда 2,5 баравардан кўра зиёдроқ кўпайиб, урушдан олдинги даражадан ортиб кетди.

Ишчилар синфининг ижодий фаоллиги, жумладан, зарбдор бригадалар ташкил этиш билан ҳам ифодаланди. Худди мана шундай бригадаларда меҳнатни ташкил этишнинг омма ташаббусини ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида яккабошчилик билан бирга қўшиб олиб борадиган тамойиллари амалга оширилди. Мусобақалашаётганларнинг сафларига янгидан-янги ишчилар отрядлари келиб қўшилаверди. Шундай қилиб, ишчилар синфининг меҳнат

ташаббуси саноат қурилишининг республикада муваффақият билан боришини таъминлади.

Халқ меҳнат ташаббусининг натижалари. Ғоят зўр бериб сарфланган куч-қувват ва улкан меҳнат ташаббуси эвазига корхоналар янги техника асосида тикланди, янги саноат соҳалари (ип газлама, трикотаж, шоҳи ва ҳоказо) барпо этилди, илгари ҳам мавжуд бўлган саноат соҳалари (нефть, полиграфия, кўнчилик, механика соҳалари) қайтадан қурилиб, кенгайтирилди, саноат ялпи маҳсулоти анча кўпайтирилди, маҳсулот таннархи камайтирилиб, унинг сифати оширилди. Уч йил мобайнида йирик саноат корхоналарининг сони 48 тага кўпайди ва 1928 йилга келиб 166 тага етди.

Шу йиллар мобайнида Фарғонада тўқимачилик фабрикаси, Тошкентда "Ўртоқ" қандолатчилик фабрикаси, тикувчилик фабрикаси билан механик кўнчилик заводи, Самарқанд, Бухоро, Марғилонда пиллакашлик фабрикалари, Бўзсув ГЭСи, Хилково цемент заводи, "Чимиён" ва "Санто" нефтни ҳайдаш заводлари ишга туширилди.

Индустрлаштириш давомида республиканинг энергетика базаси кенгайтирилиб, мустақамланди. Умуман фойдаланадиган ва саноатни таъминлайдиган электр станцияларининг сони уч йил мобайнида 17 тага ортди, электр энергияси ишлаб чиқариш эса 3 баравар кўпайди.

Республика саноатини тиклаш ва янгилаш жараёни фуқаролар уруши ва вайронагарчилик йилларида ишлаб чиқаришдан кетиб қолган ишчиларнинг саноатга яна қайтиб келиши билан бирга давом этиб борди. Қишлоқ жойлардан ёшларнинг келиб қўшилиши ҳисобига бу ишчиларнинг сафлари кенгаяверди. Саноатдаги миллий кадрлар муаммоларини ҳал қилишга индустрлаштириш дастури муносабати билан алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда ҳунар-техника таълими тизими барпо этилди: фабрика-завод таълими мактаблари ва саноат-техника ўқув юртлари очилди. Булар саноатни малакали кадрлар билан тўлдириб боришнинг асосий манбаи бўлиб қолди. Барча йирик корхоналарда икки-уч йиллик фабрика-завод таълими мактаблари очилди. Қисқа муддатли ҳунар-техника курслари ҳам ишлаб турар эди. Корхоналарда бригада бўлиб ва якка тартибда шогирдликдан ўтиш кенг

расм қилинди. Ёшлар тажрибаси кўп малакали ишчиларга бириктириб қўйилар эди.

Малакали саноат кадрларини тайёрлаш маблағлар жуда чекланган, мушкул бир шароитда гоят кўп қийинчиликлар билан ўтди. Техника олий ўқув юртлари йўқ, ўрта махсус ўқув юртлари эса оз эди, шунинг натижаси ўлароқ маҳаллий миллат вакилларида иборат ўқувчилар жуда кам бўлди. Ишчи кадрлар етиштириш асосан саводсиз деҳқонлар ва кустарь-ҳунармандлар ҳисобидан борди. Шу сабабдан ҳамма жойларда саводсизлик ва чала саводлилиқни тугатиш курслари, шунингдек ишлаб чиқариш ва техник курслар ташкил этилдики, шу нарса ишлаб чиқаришга янги келганларга хат-саводни ўрганиб олиш ва ишлаб чиқариш малакасини ҳосил қилишга имкон берди. Ўша йиллари ҳунар-техника мактаблари, тоғ-кон шогирдлиги тармоқлари кенгайиб борди, буларнинг эҳтиёжларига ажратиладиган маблағлар кўпайди.

Малакали ишчи кадрлар тайёрлашда Москва, Ленинград, Иваново, Қозон, Боку ва мамлакатдаги бошқа шаҳарлар саноат корхоналарининг жамоалари катта ролни ўйнади. РСФСР дан Ўзбекистоннинг саноат корхоналарига малакали ишчи кадрлар юборилди, улар маҳаллий йигит-қизларга касб-ҳунар ўрганишда ёрдам бердилар, шунингдек ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда иштирок этдилар. Турли касб-ҳунарларга ўргатиш натижасида саноатда малакали аёл кадрлар ҳам пайдо бўлди. Шу даврда (1926–1928 йилларда) ишчилар сони 2 баравардан зиёд кўпайди, шу билан бирга маҳаллий миллат ишчилари уларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этди.

Шундай қилиб, 20-йиллар республика иқтисодиётининг тикланиши ва юксалиши билан таърифланди, лекин бунда майда ишлаб чиқариш ҳар қалай устун бўлиб турди. Хусусий секторнинг мавжудлиги янги иқтисодий сиёсат шароитларида майда хўжаликларнинг юксалиб боришига олиб келди, бу нарса тикланиш жараёнларига яхши таъсир ўтказди. Майда саноат ва кустарь ишлаб чиқаришининг жонланиши ички бозорни кенгайтди ва йирик давлат индустрияси учун маблағлар бера оладиган манбаларни яратди.

20 - йилларнинг биринчи ярмидаги иқтисодий ислохотлар – озиқ-о қат развёрсткаси, меҳнат мажбуриятининг бекор қилиниши, иқтисодиётда давлат секторини идора этишни марказдан бир қадар холи қилиш, хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағлар билан таъминлаш усулларини жорий этиш индустрлаштириш сиёсатининг зарур шартлари бўлиб қолди. Бироқ 20- йилларнинг охирида суръатларни кескин тезлаштириш, ўзига хос "катта сакраш"ни амалга ошириш йўлини тутиш бутун мамлакат ва хусусан Ўзбекистоннинг кейинги иқтисодий тараққиётига муҳим ўзгартиришларни киритди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. 20- йилларда ўтказилган қандай иқтисодий ислохотлар саноатни тиклаш ва юксалтиришнинг муваффақият билан боришини таъминлади? 2. Уларнинг ҳозирги кунда содир бўлаётган воқеаларга ўхшашлигини сиз нималардан иборат деб ўйлайсиз? 3. Индустрлаштириш режасини амалга оширишнинг ҳаётий зарурлиги бормиди? 4. Индустрлаштириш муаммолари қандай манбалар ҳисобига ҳал қилиб борилди? 5. Халқнинг руҳланиб, ташаббус кўрсатганини нима билан изоҳлаш мумкин? 6. 20- йилларда республикада бунёд қилинган қандай янги қурилишларни биласиз?

4- §. 20 - йилларда маданий қурилиш

Жамиятнинг социалистик асосларда қайта тузилиши, шу билан бир вақтда ижтимоий-сиёсий соҳаларда чуқур ўзгаришлар рўй берганлиги миллий маданият соҳасида ҳам замонавийлаштириш жараёнлари бошланишига олиб келди. Булар аввало аҳолини ялпи саводхон қилишга эришиш, ижодкорлик учун кенг йўл очиб бериш, миллатнинг ақлий имкониятларини юксалтириш, миллий знёлилар аҳлини шакллантириш эҳтиёжлари ана шундай жараёнлар бошланишига сабаб бўлди.

Аҳолини ялпи саводхон қилиш ва унинг билимини ошириш учун кураш. Республика шароитларида маданий тараққиётнинг замонавий ривожланган даражасига ўтиш ҳаддан ташқари катта қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлиб, кескин мафкуравий кураш билан биргаликда давом этиб борди. Шундай бўлса-да, маданиятни янгидан қуриш жараёнлари тобора устивор тусга кириб борди. Бу

жараёнлар аввало дарслар она тилида олиб бориладиган I (беш йиллик таълим) ва II (тўрт йиллик таълим) босқич мактаблари очиш ва уларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, маориф институтлари, ўқитувчилар тайёрлаш курслари ва бошқаларни ташкил этишдан иборат бўлди.

1924/25 ўқув йилида республика бюджетининг 24 фоизи халқ маорифи учун ажратилди. Халқ таълими эҳтиёжларига сарфланадиган пул маблағлари кейинги йилларда тобора кўпайиб борди, бу мактаб қурилишини тезлаштиришга имкон берди. I ва II босқичдаги умумтаълим мактабларининг сони 1928/29 ўқув йилига келиб деярли 2,5 мингга етди.

Шу билан бир вақтда катта ёшли аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш юзасидан кенг миқёсда кампания авж олдириб юборилди. 1921/22 ўқув йилидаёқ республиканинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқ жойларида мингдан ортиқ мактаблар, саводсизликни тугатиш курслари ва тармоқлари фаолият кўрсатди, буларда 50 минг киши хат-савод ўрганди. Саводсизликни тугатиш иши тиклаш даврининг дастлабки йилларида катта қийинчиликларга дуч келди: ўқитувчилар, мактаб бинолари, асбоб-жиҳозлар, ўқув-қўлланмалари, пул маблағлари етишмас эди. Бироқ, бу соҳада, гарчи қийинлик билан бўлса-да, иш йўлга туша бошлади: катта ёшли кишиларни ўқитиш шакл ва усуллари такомиллаштирилди, савод мактаблари тармоғи кенгайтирилди, саводсизликни тугатувчи маҳаллий ўқитувчилар сони кўпайтирилди. Дастлабки муваффақиятлар саводхонликни ошириш юзасидан кейинги йилларда авж олиб кетган умумхалқ ҳаракати учун асос яратди.

Хамза Ҳақимзода Ниёзий, Т. Шермухамедов, Т. Н. ~~Қори Ниёзов, Эргаш Комилов, Абдуқодир Набиҳужаев, Ғози Назаров, Мухаррама Қодирова, Эбунисо Полвонова, П. Қаромов, К. Абдурашидов~~ ва бошқалар янги мактаб яратиш ва уни ривожлантириш учун фаол курашчилар ҳамда дастлабки халқ ўқитувчиларининг биринчилари бўлиб қолдилар.

I Мактабларнинг педагогик кадрларга тобора кўпроқ ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун педагогика

Ўқув юртларининг кенг тармоғи яратилди: техникумлар, маориф институтлари, ўқув юртлари очилди. Буларда жадал суръатлар билан оммавий миқёсларда янги ўқитувчи кадрлар етиштириб чиқарилди. 20- йилларнинг охирига келиб буларнинг сони республикада деярли 5,5 мингга етиб қолди. Халқ маорифи муваффақият билан ривожланиб борди. Халқнинг умумий саводхонлиги ўсди, бу нарса миллатнинг маънавий имкониятлари юксалишига, ижодий фаоллиги ортиб, мамлакатдаги бошқа халқларнинг маданиятини тушуниб, идрок этишига ёрдам берди.

Шундай бўлса-да, бу жараёнлар партиянинг мадания соҳада зўрлик кўрсатиши туфайли мушкулликларга учради. Халқ маорифида бу нарса аввалига миллий таълим шакллари ёйиладиган соҳаларни чеклаб қўйиш, кейинчалик эса уларни бутунлай йўқ қилиб боришда ўз аксини топди. Чунончи, 20- йилларнинг бошларида совет мактаблари билан биргаликда эски усул мактаблари, диний ташкилотлар томонидан таъмин қилиб бориладиган вақф мактаблари ва мадрасалар ҳам ишлаб турар эди. 1925 йилда ҳам Ўзбекистонда 97 та вақф мактаблари ва 1,5 мингдан ортиқ эски мактаблар бўлиб, булардан 250 таси яширин ҳолда иш олиб борар эди. Бу мактаблар кўпгина авлодлар умри давомида маориф-маърифат юзасидан муҳим ишларни бажариб, аҳоли маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб келди. Лекин Совет ҳокимиятининг қаттиқ сиёсати натижасида улар 1928 йилга келиб ўз фаолиятини амалда тугатдилар.

Касб-кор, олий таълим ва фан. Республика тараққиётининг манфаатлари халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни тезлаштиришни талаб қилар эди. 20- йилларнинг иккинчи ярмида ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган ҳар хил ўқув юртлари очилди. Давлат синфий тамойилга амал қилиб, бу ўқув юртларига ишчи ва деҳқонларнинг кириши учун шароитларни таъминлаб берди. Олий ўқув юртларида ўқиш учун зарур бўлган умумий маълумотни қисқа муддат ичида олиш мақсадида ишчи факультетлари тармоғи яратилди. Шу туфайли 20 - йилларнинг охиридаёқ республикадаги олий ўқув юртларида асосан ишчи ва деҳқонлардан иборат 4 минг нафарга яқин талабалар ўқир эди.

Мутахассислар тайёрлашда РСФСР ва бошқа республикалар Ўзбекистонга катта ёрдам бердилар. 1927 йили

фақатгина Россия Федерациясидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрларида Ўзбекистондан келган 300 га яқин талабалар таълим олди.

← ~~Ўрта Осиёдаги биринчи олий ўқув юрти – 1920 йили очилган Туркистон давлат университети – бу вақтга келиб олий таълимнинг энг йирик марказига айланди.~~

Университет мутахассислар етиштириб чиқариш суръатларини йилдан-йилга ошириб борди: уни битириб чиққан кишилар сони 1928 йилга келиб 5 баравар кўпайди.

20- йилларда республикада дастлабки илмий-тадқиқот муассасалари очилди. Булар республика учун амалий жиҳатдан муҳим бўлган муаммоларни, айниқса ирригация, пахтачилик ва тиббиёт соҳасидаги муаммоларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни авж олдириб юборди. 20 - йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистонда энди ўнларча илмий-тадқиқот муассасалари ишлар, буларда 1000 нафардан ортиқроқ илмий ходимлар меҳнат қилар эди.

Ўзбек адабиёти ва санъати. Республиканинг ижодий ҳаёти учун бу давр изланишлар билан, ўзларининг дунёқарашлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи талайгина йўналишларнинг ғоят қаттиқ тўқнашувлари билан тўлиб-тошган давр, ютуқлар қўлга киритилган ва талафотлар берилган, янги-янги истеъдодлар дунёга келган ва фожиа билан тугаган тақдирлар даври бўлди.

Совет даврида юзага келган турли-туман ижодий ташкилотлар, гуруҳлар ва оқимлар орасида янги бадий оқим – ўз олдига янги пролетар маданиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган пролеткульт ўша йилларда тобора қаттиқроқ овоз билан ўзини маълум қила бошлади. Пролеткульт адабий-бадий ва маданий-маърифий ташкилотларнинг мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган бутун бир тармоғидан иборат эди. 1928 йили республиканинг бир гуруҳ маслакдош адиблари "Қизил қалам" жамияти билан ўзбек пролетар ёзувчилар уюшмасига бирлашдилар, бу ташкилотлар Ўзбекистон совет адабиётчилари ёш кучларининг жипслашувида маълум ролни ўйнади.

Улар ўзларининг дунёқарашлари жиҳатидан "соф" пролетар маданиятини яратишни ният қилган пролеткульт билан бирдек эди. Маънавий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларига жуда қўполлик билан синфий нуқтаи назардан

ёндoshiш ҳамда халқнинг бутун маънавий бойлигини пролетар маданиятига қарши қўйиш, ўтмишнинг маданий меросига, бутун инсониятнинг маданий бойликларига нигилистик муносабатда бўлиб, буларни менсимаслик жамиятга ҳар хил тарзда таъсир ўтказди. Маданиятдаги синфий ва миллий жиҳатларнинг нисбатига, умуминсоний, миллий қадриятларнинг социалистик маданиятдаги ўрни ва ролига, тарихий изчилликка тааллуқли муаммолар бутун республика бадий-адабий жамоасини ўз жабҳасига тортган ғоятда қаттиқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

↓ Умуминсоний, миллий қадриятларни ёқлаш ва ҳимоя қилишда ёзувчилардан А. Чўлпон, А. Қодирий, А. Фитрат мурасасиз позицияда турдилар. Уларнинг мухолифларни, айниқса ёш адабиётчилар орасидан чиққан ёзувчилар маданий жараёнларда фақат синфий ёндашувгина биринчи ўринда туриши мумкин деб даъво қилдилар. Большевиклар партияси томонидан мойиллик билан қўллаб-қувватланган "соф" дунёқараш тарафдорлари маданиятнинг ривожланишида изчилликни сақлаб қолиш учун, халқнинг ҳаётида Шарқнинг маданий меросидан фойдаланиш учун курашишга журъат этган кишиларнинг ҳаммасини қаттиқ танқид остига олдилар. ↓

Шундай бўлса-да, кекса ва ёш авлоднинг бадий истеъдодлари 20 - йилларда ўзбек адабиётини бойитган талайгина асарларни яратдилар. Ижодий зиёлилар ижтимоий мавзуларга, Ўзбекистон халқларининг озодлик курашига, аёллар эркинлигига, шаҳар ва қишлоқдаги ижтимоий ўзгаришлар ва бошқаларга тобора кўпроқ мурожаат қила бошладилар.

Ёзувчи ва шоирлардан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, С. Айний, Завқий, А. Қодирий, А. Чўлпон, А. Фитрат, Ш. Сулаймонлар ажойиб бадий асарларни яратиб бердилар. Ўзбек романчилигининг асосчиси А. Қодирий жамиятдаги турли табақалар вакилларининг ҳаёти, рўзғори ва ахлоқи реалистик тарзда тасвирланган "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" номли ажойиб бадий асарларини яратди. Ҳис-туйғулари беғубор бўлиб, ақл-идрок ҳамда адолатнинг тантана қилишига умид боғлаган оддий инсонларнинг юксак маънавий образлари хонликдаги олий мартабали аёнларнинг шафқатсизлиги ва икки юзламалигига қарши қўйилган. Ҳамзанинг "Майсаранинг иши" номли

асарида ҳокимият вакилларининг ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини фош этадиган ўзига хос халқ юмори моҳирлик билан акс эттирилган. Халқнинг оғир аҳволи ва фожиаси А. Фитратнинг "Қиёмат куни" ва "Абулфайзхон" асарларида зўр бадний куч билан тасвирланган. А. Чўлпоннинг "Чўриқизи исёни" пьесаси, шунингдек "Ёрқиной" ва "Зулмкор" номли драмаларида ўткир ижтимоий масалалар, жумладан хотин-қизларни қуллик психологиясидан озод қилиш масалалари ўртага қўйилди.

20- йилларда рус ва жаҳон классикасининг машҳур асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Биргина А. Чўлпон томонидан А. С. Пушкиннинг "Борис Годунов" номли тарихий асари, И. С. Тургеневнинг "Асия" ва "Баҳор сувлари" повестлари, Н. В. Гоголь ва А. П. Чеховнинг ҳикоя ва повестлари, М. Горькийнинг "Она" романи, А. Блокнинг шеърлари, В. Шекспирнинг "Гамлет" ва "Отелло" драмалари, Р. Тагорнинг шеър ва ҳикоялари таржима қилиб берилди. Классик асарларнинг таржималари ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантиришда ва маънавий бойлигини кенгайтиришда, ёш авлодни тарбиялашда жуда катта роль ўйнади.

Ўша йилларда Ўзбекистон киноси билан театрининг қарор топиш жараёни шиддат билан давом этди. Миллий драматургия (Ҳамза, З. Саид, Ғ. Зафарий, А. Чўлпон, А. Фитрат, Хуршид ва бошқалар), муסיқа (М. Ашрафий, Т. Содиқов, М. Бурҳонов), кинематография (Й. Аъзамов, Н. Ғаниев, С. Искандаров, А. Умаров, Р. Пирмуҳамедов) ривожланиб борди, истеъдодли театр кадрлари етишиб чиқди (М. Уйғур, А. Ҳидоятлов, Л. Назруллаев, З. Ҳидоятлова, Ш. Қаюмов, Т. Саидазимова, Ҳ. Носирова). Театрларнинг саҳналарида янги пьесалар пайдо бўлди ("Ҳалима", "Янгиликка йўл", "Қонли кун"), дастлабки бадний фильмлар яратилди ("Ажал минораси", "Мукулмон аёл").

Тасвирий ва амалий санъат ҳам қарор топиб борди. Ўзбек ёшлари реалистик рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик асосларини эгаллаб олдилар. Нақшкорлик, бадний ёғоч, ганч ва металл ўймакорлиги санъати ривожланди.

Жамиятнинг маънавий жиҳатдан ривожланишида маданий-оқартув муассасалари муҳим ўринни эгаллади. Кутубхоналар, клублар, театрлар, кинотеатрлар, музейлар,

қизил чойхоналар, агитпунктлар шулар жумласидандир. Уларнинг моддий базаси катта қийинчиликлар билан муштаҳкамлаб борилди. Маданият ўчоқларининг турли-туман ишлари оммага сиёсий жиҳатдан маърифат бериш, унинг маънавий даражасини юксалтиришга қаратилган эди. Илмий, бадиий ва оммавий-сиёсий адабиётни нашр қилишга катта эътибор берилди, чоп этиладиган газета, журналларнинг сони кўпайтирилди.

Дин ва атеизм. 20- йиллар атеистик ҳаракатнинг кучайиши билан таърифланди. Партия органлари айниқса ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бордилар. Атеизмга доир махсус газета ва журналлар, ҳар хил оммавий адабиёт нашр қилинди, кинофильмлар олинди, динга қарши мавзудаги ҳар хил спектакллар қўйилди. "Худосизлар уюшмаси" тузилди, унинг жойлардаги кўпдан-кўп ташкилотлари зўр бериб атеистик иш олиб борди. Бу – фуқароларнинг дин эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошқора тажовуз эди ва шу сабабдан руҳонийлар орасидагина эмас, халқ орасида ҳам норозилик туғдириб, одамларни эсанкиратиб қўйди. Мусулмон руҳонийларнинг роли камситилиб, йўққа чиқариб қўйилди, бироқ маҳаллий халқнинг анъанавий турмушида ислом дини сақланиб қолди. У шариат қонун-қондаларига мувофиқ тартибга солиб борилди.

Маданий қурилишдаги зиддиятлар. Бу даврда республиканинг маданий ҳаёти ижобий ўзгаришлар билан: саводхонликнинг ортиши, аҳоли умумий маданий савиясининг юксалиши халқнинг ўз-ўзини англанишининг ўсиб бориши билан бирга давом этди. Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмидаёқ маъмурий-буйруқбозлик тизими таркиб топа бошладики, ана шу нарса ижтимоий-маданий соҳаларнинг янгидан барпо бўлишини секинлаштириб қўйди. Эълон қилинган ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида рўй-рост зиддиятлар пайдо бўлиб қолди. Булар миллий маънавий ҳаётнинг асл моҳиятини нотўғри тушуниш, уни оврўпалаштириш ва кўп асрлик маънавий қадриятлардан воз кечиш билан ифодаланди, бу нарса қатағонлик хатти--ҳаракатларининг таъсири остида кейинчалик янада кучайиб борди.

Миллий зиёлиларнинг шаклланиши. Мамлакатнинг ақлий заковати-ю, салоҳиятини намоён этувчи ўз

зиёлилари бўлмаса, янги жамият қуриш, унинг пайваста ривожланиб бориши мумкин эмас. 20 - йиллар яқинлашиб қолган маҳалларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча соҳалари учун зарур миқдордаги юқори малакали мутахассисларга ҳали эга эмас эди ва шу нарса жамият тараққиётини жуда пайсаллаштириб қўяди. Олдинги зиёлилар асосан мактаб домлалари, мадраса мударрислари, адиблар, ёзувчилар, таржимонлар, руҳонийлар, идора хизматчилари, матбуот ходимларидан иборат эди. Лекин аслида анча кенг маълумотли одамлар дунёвий билимлардан олий маълумотга эга эмас эди. Маҳаллий миллат вакиллари орасида муҳандислар, агрономлар, врачлар, иқтисодчилар ва бошқалар деярли йўқ эди.

Дастлабки пайтларда Совет ҳукумати унча катта бўлмаган мана шу кучдан ҳам фойдаланишга мажбур бўлди, лекин зиёлиларни қайта тарбиялаб, социалистик йўлга солиш зарур шарт қилиб қўйилди. Бу – жуда мушкул эди, чунки кам сонли бўлган эски зиёлилар кескин тарихий ўзгаришлар шароитида гуруҳларга ажралиб кетди. Уларнинг бирмунча имтиёзли қисми инқилоб ва янги совет ҳукуматига нисбатан душманлик позициясини эгаллади. Бошқа бир қисми эса нейтрал, аниқроғи пайт пойлаш йўлига ўтди ва рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳиятига етишга уриниб кўрди. Ва, ниҳоят, зиёлиларнинг учинчи қисми дарров пролетар ҳукумати томонига ўтди.

Совет ҳокимияти советлар платформасини эгаллаган ва ўзининг ҳукумат ва қонунларга итоат қилишга тайёрлигини билдирган эски зиёли кадрлардан самарали фойдаланиш сиёсатини олиб борди. Шу билан бирга ишчи ва деҳқонлар орасидан ўз зиёлиларини яратиш чоралари кўрилди. Шу мақсадда ишчи ва деҳқонлардан етишиб чиққан қобилиятли амалиётчиларни раҳбарлик ва ташкилотчилик ишларига кўтариш ва уларни кейин ҳар хил соҳа курслари, мактаблар, коммунистик университетларда ўқитиб, малакасини ошириш усулидан кенг фойдаланилди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллий зиёли кадрлар, биринчи навбатда ўқитувчи ва маданий-оқартув кадрлари фақат курсларда тайёрлаб, етиштириб келинган бўлса, 20- йилларда бу иш асосан янги очилган

ўрта махсус ўқув юртларида – инпрослар, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, табобат, музыка техникумлари ва бошқа ўқув юртларида олиб борилди. Шу ўқув юртлари қучоғидан педагоглар, техниклар, молия ходимлари, фельдшерлар, театр ва мусиқа санъати, матбуот ходимлари ва бошқалар етишиб чиқдилар. Шу тариқа 20- йилларда Ўзбекистон миллий зиёлиларининг дастлабки отрядларини шакллантириш авж олдириб юборилди. Бу зиёлилар республика иқтисодиётини янгитдан бунёдга келтириш ва маданиятини ривожлантириш ишига фаоллик билан киришдилар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Республикадаги маданий қурилишга алоқадор энг зарур вазифаларни кўрсатиб ўтинг. Бу йўлда қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш керак эди? 2. Олий мактабнинг дастлабки қадамлари ва республикада илм-фан тараққиёти тўғрисида сўзлаб беринг. 3. 20 - йиллардаги атоқли ўзбек ёзувчилари ва маърифатпарварлари Чўлпон билан Фитрат ижодиёти тўғрисида нималарни биласиз? 4. 20 - йиллари маданий қурилишда мавжуд бўлган зиддиятлар нималардан иборат эди?

5-§. Меҳнаткашларнинг моддий аҳволи

Ижтимоий сиёсат ва уни амалга ошириш йўллари. Тез орада бошланадиган "ёрқин келажак" хусусидаги ялпи шавқу завқ ва орзу умидлар мавжида 20 - йиллари мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳада муҳим янгилликлар киритилди: иш куни меъёри белгиланди, бепул ўқиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш жорий этилди, меҳнат ҳуқуқи, пенсионерларнинг ижтимоий таъминоти кафолатланди ва ҳоказо. Аввало ўтган даврдаги паст андозалар олдида бу соҳадаги мана шу бир қадар йирик ютуқлар сезиларли бўлиб қолди.

Бироқ корхоналарнинг техник жиҳатдан ниҳоятда кам таъминлангани, меҳнат шароитларининг оғирлиги, оддий техника хавфсизлигининг йўқлиги ўзгартириш йўлида турган жиддий тўсиқлар эди. Моддий рағбатлантириш жамғармалари арзимас миқдорда бўлгани ҳолда саноатни жуда тезлик билан тиклаш ва ривожлантириш зарурияти муносабати билан меҳнат ташаббусини кучайтириш

ҳисобига меҳнат жараёнини жадаллаштиришга тобора кўпроқ уриниш бошланди.

Ишсизлик ва уни камайтиришга қаратилган чоралар. Ишсизликнинг кўпайиши ва аҳоли талайгина қисмининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмай қолгани туфайли санотдаги оғир вазият янада мушкуллашди. Республика раҳбарияти жиддий ижтимоий портлаш хавфи туғилиши мумкинлигини тушуниб, ишсизликни юмшатишга донр чоралар кўрди: ишсизларга турли жамғармалардан пул нафақалари бериш ва ҳақ тўлаш белгиланди, жамоат ишлари ташкил этилди, айрим тоифадаги ишчиларни қайтадан тайёрлаш йўлга қўйилди. Анча оғир бўлган 1925 йили Ўзбекистонда ишсизларга деярли икки миллион сўмлик пул ёрдами кўрсатилди.

Иқтисодиёт тикланиб, мустаҳкамланиб борган сайин ишсизларга ёрдам, тиббий суғурта, шаҳарлар ободончилиги ва бошқа дастурлар учун маблағлар ажратиш мумкин бўлиб борди. Шу даврда янги иқтисодий сиёсат самараларининг таъсири ҳали давом этар, бюджетнинг харажатлар қисми, айниқса 20-йилларнинг биринчи ярмида даромадлардан гарчи ортиқ бўлса ҳам, миллий даромад ҳали ортиб бора эди.

Меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш. 1924 йил мартада пул ислоҳоти асосида сўм курсини қатъий қилиб белгилаш иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда катта роль ўйнади. Мамлакат ва республика раҳбарияти бу даврда бир текис ҳақ тўлаш принциpidан узил-кесил воз кечди ва ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат ҳамда миқдорий мезонларини ҳисобга оладиган илгор принципларини жорий этди. Ҳамма ерда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг давлат томонидан белгиланган тарифлари жорий этилди. 1922 йилдан бошлаб иш ҳақи касаба уюшмалари билан хўжалик органлари ўртасида жамоа шартномалари асосида белгиланадиган бўлди; иш ҳақининг ўсиш суръатлари меҳнат унуми даражасига ва умуман иқтисодиётнинг аҳволига боғлиқ эди. Ишчи ва хизматчиларга ҳар йили ҳақ тўланадиган отпуска бериб турилди.

Бироқ маъмурий-буйруқбозлик йўли билан давлат назорати олиб бориш тобора кучайиб бораётган шароитларда,

шак-шубҳасиз, илғор ва зарур бўлган бу чоралар анъанавий бозор иқтисодиёти маҳалида қўлга киритса бўладиган озодлик самарасини бера олмас эди.

Шундай бўлса-да, асосий саноат соҳаларида иш ҳақининг ошиб бориши то ўн йилликнинг охирига қадар давом этди, меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўлаш эса 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб металл ишлаш, пахта тозалаш, мой олиш, кўнчилик корхоналарида ва саноатнинг бошқа баъзи соҳаларида жорий этилди.

20-йилларнинг охири – 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсиши индустрия тараққиёти асосий тенденцияларидаги ҳамма зиддиятларга қарамай, индустриалаштиришни амалга ошириш билан бевосита боғланган эди. 1928 йили Ўзбекистонда миллий даромад 455 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этган бўлса, 1932 йили деярли 830 млн. сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад улуши ҳам шунга яраша уч баравардан зиёдроқ кўпайди. Республика ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1932 йили тахминан 105 сўмни ташкил этди. Бироқ, шуни назарда тутиш керакки, ўша даврда юқоридан белгиланган нархлар саноат буюмларининг ҳақиқий қиймати ва меҳнатнинг асл маъмунини акс эттирмас эди.

Ўша даврдаги ижтимоий қайта қуришлар натижасида шак-шубҳасиз қўлга киритилган ютуқ ижтимоий истеъмол жамғармаларини яратишдан иборат бўлди. Бу жамғармаларнинг ишчи ва хизматчиларнинг умумий даромадларидаги салмоғи 1931 – 1932 йилларда деярли 40 фоизни ташкил этди. Ҳам кексалик, ҳам ногиронлик туфайли пенсия билан таъминлаш тизими ҳам такомиллаштирилди. Бироқ биринчи беш йиллик охирига келиб пенсияларнинг ўртача миқдори 33 сўмдан камроқни ташкил этар эди. Аҳён-аҳёндаги истисноларни айтмаганда, пенсия ва нафақалар ниҳоят даражада кам эди. Ижтимоий таъминотнинг маданийлаштирилган шаклларига ўтиш учун ҳали анча бор эди. Жамиятнинг кўпгина табақалари, жумладан, деҳқонлар, диний муассаса ва ташкилотларнинг хизматчилари, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар пенсия ва нафақалар олиш ҳудудидан амалда фойдалана олмас эдилар.

Ижтимоий эҳтиёжларга тўланадиган пуллар миқдорининг ўсиши жадал индустриалаштириш режалари туфайли бусиз ҳам ниҳоятда катта қийинчиликларга учраб келаётган бюджетга таъсир ўтказди. Шу сабабдан давлат ўз дастурларини билвосита тарзда маблағ билан

таъминлашга аҳолини мажбур этишга интилди. Бунда заёмлар катта роль ўйнади, улар эса бусиз ҳам жиддий молиявий муаммоларга тўқнаш келиб турган одамларга кўпинча тўғридан-тўғри тиқиштирилар эди. Бунда ғоявий таъсир, баъзан эса маъмурий таъсирнинг турли шаклларидан фойдаланилар эди.

Савдо-сотиқ ва аҳолини таъминлаш. Давлат секторининг ялпи бостириб кириши савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатишдан, яъни барча мамлакатларда жуда самарали бўлиб ҳисобланган соҳалардан хусусий кишиларни қисиб чиқаришга олиб келди. Шу билан бирга Ўзбекистонда бу маҳаллий халқ фаолиятининг қадимдан қадр қилиниб келган ва анъанавий соҳалари эди. Хусусий савдогарлар 1924 йили чакана мол айирбошлашнинг 70 фоиздан кўпрогини назорат қилиб келган бўлсалар, 1926 йили энди унинг ярмидан кўра камроғини назорат қилдилар. Хусусий секторни қисиб чиқаришда матлубот кооперацияси (Ўзбекбирлашув) алоҳида ролни ўйнади. Хусусий секторига қарши рақобат курашида матлубот кооперациясининг ғалабаси давлатнинг ҳимояси ва кредитлари билан таъминланган эди. Ўзбекбирлашув ўз фаолиятини анча кенгайтирди ва чакана мол айирбошлашни 1926 – 1927 йилларда деярли 44 млн. сўмгача етказди.

Лекин буларнинг ҳаммаси янги иқтисодий сиёсатга оид ислохотларни йиғиштириш ва иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан қаттиқ назорат қилишга ўтиш туфайли зўрайиб келаётган инқирозни юмшата олмас эди. Бу инқироз аввало Ўзбекистонда озиқ-овқат билан таъминлаш аҳолининг ёмонлашгани билан намоён бўлди. Ҳамма ерларда озиқ-овқатларни белгиланган меъёрга қараб тақсимлаш жорий этила бошлади, 1924 йили эса карточка тизимига ўтилди. Қишлоқ аҳолиси эса саноат корхоналари ишчиларига бериладиган энг кам миқдордаги озиқ-овқатдан ҳам амалда маҳрум этилган эди. Серфарзанд деҳқон оилалари коллективлаштириш бошланиши билан зўрайиб қолган икки томонлама машаққат ва йўқчиликка тушиб қолдилар. Бироқ шаҳарларда ҳам карточкалар бўйича олиб бориладиган таъминот етарли эмас эди. Ҳар хил тақсимловчилар, ёпиқ ишчи кооперативлари, корхоналарга қарашли ёрдамчи хўжаликлар инқирозни қисман юмшатишга имкон берди.

Турар жой масаласи. Совет даврининг ҳамма босқичларида озиқ-овқат муаммоси билан бир қаторда тураржой муаммоси ҳам ҳамisha жуда ўткир бўлиб келди. Тадбиркорлар, руҳонийлар, зиёлиларнинг уйларини национализация қилиб, уларга жамиятнинг энг камбағал табақаларини (шунингдек янги партия номенклатурасини) жойлаштириши, бундай чораларнинг ахлоқан жуда ноўринлигини айтмаганда ҳам, тураржой муаммосини ҳал қила олмас эди. Янги бинолар бунёд этишга эса маблағ етишмас эди.

Фақат 20- йилларнинг ўрталаридан бошлабгина бир қадар режа асосида турар жой қуришга киришилди, капитал маблағлар ошириш бир қадар ошди. 1926/27 хўжалик йилида бунга 7 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Лекин турар жой қурилиши асосан Тошкент билан Самарқандда олиб борилди, қолган шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларда эса турар жой масаласининг кескинлиги сусайгани йўқ. Турар жойга алоқадор қийинчиликлар айниқса туб аҳолига дахлдор бўлди, чунки турар жойлар кўпинча саноат корхоналарида берилар, бу корхоналарнинг ишчи ва мутахассислари эса асосан саноатни мустаҳкамлаш учун ўз вақтида мамлакатнинг бошқа жойларидан кўчиб келган кишилардан иборат эди.

Шундай бўлса-да, шу қадар арзимас қурилиш ҳам маҳаллий аҳолининг турмушига ўзгартиришлар киритди: санитария шароитлари яхшиланди, бинокорликда ишнинг илғор шакллари жорий этилди ва ҳоказо. Коммунал хўжаликка қилинадиган харажатларнинг кўпайиши, кўча ва майдонларга тош ётқизиш ва уларни кўкаламзорлаштириш, водопроводлар қуриш ҳамда буларни тиклаш, чироқлар ўрнатиш шаҳарларнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. "Эски" ва "янги" шаҳарларни узил-кесил бирлаштириш юзасидан кескин компания бошланди. Лекин совет ҳукмдорларининг сиёсатда ҳаддан ошиши, ҳаётнинг ҳамма соҳаларини "индустриаллаштиришга" зўр бериши шаҳар ва маҳалла ҳаётининг маҳаллий аҳоли учун анъана бўлиб қолган кўпгина шакллари унутилиб кетишига, шаҳар қурилишининг бир қолипга тушиб, даражаси пасайиб кетишига олиб келди.

1927/28 йилда Ўзбекистонни радиоллаштириш режаси амалга оширилди, бу нарса республика аҳолисининг жаҳон

11- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

маънавий қадриятларидан хабардор бўлиши, бутун инсоният тақдирларига қизиқиши кучайиши учун кенг имкониятилар очиб берди. Бироқ совет радио эшиттириши ўзининг мафкура ва сиёсатга ғоят берилганлиги билан тингловчилар тафаккурини бир қолипга солишга, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини бир тахлитга туширишга, шахсга сиғинишни кучайтиришга эришиб борди.

Соғлиқни сақлаш. Соғлиқни сақлаш соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Умумий ва ихтисослаштирилган тиббий муассасалар тармоғи: касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар, консультация ва бошқалар барпо этилди ва ривожлантирилди, маблағлар етишмаслигига қарамасдан аҳолини турли касалликларга қарши эмлаш ишлари ўтказилди, санитария билимлари тарғиб қилинди. Чечак, безгак, сил, ришта касалликларига қарши айниқса эътибор берилди.

Ўша йиллардаги даволаш-профилактория тармоғи айниқса қишлоқда зарур андозаларга ҳали жавоб бера олмас эди, албатта. Тиббий муассасаларнинг моддий базаси ҳам қаноатлантирмайдиган даражада қолиб келди, уларнинг кўпчилиги мослаштирилмаган ёки кам мослаштирилган биноларга жойлаштирилган эди.

Қишлоқ жойларда касалхоналардаги ўринлар сони умуман ўсиб боргани билан аҳолининг талаблари, лоақал кам даражада бўлсин, қондирилмас эди. Қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш ишининг аҳволи оғир бўлиб қолаверди. Врачлар сони касаллар сонига мувофиқ келмас эди. Ўн йилликнинг ўрталарида республикада битта врачга аҳолидан 57 минг киши, битта акушеркага эса 78 мингдан ортиқроқ аёл тўғри келар эди. 1928 йили Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида атиги 23 та болалар ва хотин-қизлар консультациялари бўлган. Тиббий ёрдам йўқлиги ёки унинг етишмаслигидан туб миллат вакиллари орасидаги ҳомиладор аёллар айниқса қийналар эди, чунки қишлоқларда туғадиган аёлларнинг атиги 1,8 фоизига касалхона шароитида хизмат кўрсатилар эди, холос. Шундай қилиб республиканинг соғлиқни сақлаш ишида ўша йиллар шароитларида мушкул ва қийинчилик билан ҳал қилинадиган вазифалар турар эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Совет давлати ижтимоий сиёсатининг моҳияти нимадан иборат эди? 2. Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва такомиллаштириш нима билан ифодаланди? 3. Ишсизликни камайтириш юзасидан ЎзССР ҳукумати амалга оширган чораларни бирма-бир айтиб ўтинг. 4. 20- йилларда савдо-сотиқ ишлари қай тариқа амалга оширилди эди? 5. Республикадаги соғлиқни сақлаш ишларининг аҳволини таърифлаб беринг.

6-§. Янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши

Иқтисодий вазиятнинг ўзгариши. 20 - йилларнинг охирида ижтимоий-иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришлар бўлиб ўтди. Мамлакат турмушининг янги даврига кирдики, бу давр аслида янги сиёсий иқтисоддан воз кечиш даври бўлди. Партия ва давлат аппаратидаги кўпчилик раҳбарларнинг бу янги йўлни кўнгилдан ёқтирмаслиги, "социализмга тааллуқли барча нуқтаи назар"нинг қанчалик чуқур ўзгариб қолганлигини тушунмаслиги янги иқтисодий сиёсатнинг барҳам топишига олиб келган сабаблардан бири бўлди.

Партия ва давлат аппарати вакилларининг кўпчилигида, жумладан унинг Ўзбекистондаги кўпчилик вакиллари онгида ҳам янги иқтисодий сиёсат орқага чекиниш, хусусий мулкчилик мафкураси ва психологиясини қайта тиклашдир деган фикр пайдо бўлди. Ҳақиқатда эса янги иқтисодий сиёсат йилларида, бундай қараганда чекиниш рўй бергандек бўлиб сезилса ҳам, лекин ижобий ўзгаришлар анча кўриниб қолган эди. Ўзбекистон ҳаётида булар баралла маълум бўлиб қолди: шаҳар ва қишлоқда хўжаликлар ўсиб, иқтисодиётнинг барча соҳалари юксала бошлади, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилишга ўтди.

Бироқ янги иқтисодий сиёсат аста-секин бузила бошлади. Саноат ва қишлоқ хўжалигида қийинчиликлар кўпайиб қолди, шакланган индустриаллаштириш учун маблағлар етишмас эди, товарлар танқислиги кескинлашди. Бу нарсани гарчи бутун Иттифоқ бошидан кечираётган бўлса ҳам, лекин у Ўзбекистонда кўп акс этди, чунки республика деҳқонлари саноат молларини олишда жуда

кўп қийинчиликларга учрар эди. Аҳоли харид қобилиятининг ўсиши шахсий истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсишидан илгарилаб кетдики, бу нарса товарлар бозорида кескинлик пайдо бўлишига олиб келди, бунинг устига кенг истеъмол молларининг Ўзбекистондаги мавжуд массаси ички ишлаб чиқариш билан белгиланмасдан, балки СССРнинг бошқа жойларидан олиб келинадиган товарлар миқдори билан белгиланар эди.

Товар танқислигининг кучайиб бориши нарх-навонинг ошиб кетишига, сўм курсининг ўзгариб туришига олиб келди. Саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларининг ўртасида катта фарқ бўлиши (баҳолар қайчиси) эса саноат билан бўлаётган иқтисодий муносабатлар деҳқонларнинг норозилигига олиб келди.

Қишлоқ хўжалиги кўп товар маҳсулоти етиштиргани билан саноатнинг ривожланиши пасг даражада қолаверган Ўзбекистон иқтисодиёти Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидан бошлабоқ хом ашёни олиб чиқиб кетиш ва саноат молларини четдан олиб келишга деярли бутунлай қарам бўлиб қолган эди. Ўзбек экспортининг асосий қисми пахта эди. 1926/27 қишлоқ хўжалик йилида пахтачилик маҳсулоти республикадан олиб чиқиб кетиладиган товарлар умумий қийматининг 77,8 фоизини ташкил этди. Республикадан олиб чиқиб кетиладиган ва Иттифоқнинг бошқа районларидан унга олиб келинадиган товарлар нархларининг нисбати Ўзбекистон учун қулай эмас эди. Чунончи, ажнабий пахта хом ашёсининг баҳоси бир пуд пахта учун 22 – 23 сўмни ташкил этар, бу нарх эса совет баҳоларидан 2,5–3 сўм ортиқ эди Ўзбекистон пахтаси жаҳон бозоридаги нархлар бўйича сотилганида эди, Ўзбекистон 1927/28 йилда қўшимча равишда 20 – 25 млн. сўм олган бўлар эди.

Совет давлати пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигини ҳисобга олиб, бозор нархларини идора этиб борди ва пахта хом ашёсига қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларига қараганда юқорироқ нархларни белгилади. Бунда Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш Марказ тўқимачилик саноатини ўстириш, СССРнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш ва индустриал ишлаб

чиқариш воситаларини четдан олиб келиш учун зарур валютани бўшатишнинг омилларидан бири эканлигига асосланиб иш кўрилди.

1927 йили ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар муносабати билан баҳоларни тартибга солиш муаммоси яна баралла кўндаланг бўлиб қолди. Бу нарса шаҳар билан қишлоқлар орасида катта зиддиятлар пайдо бўлиб қолганини кўрсатар эди. Бозорнинг асосий мавқеини ўз қўлига олган Совет давлати қишлоқ аҳолиси томонидан истеъмол қилинадиган саноат молларига нисбатан юқори ва қишлоқ хўжалик маҳсулотига нисбатан паст баҳоларни қўйиб, деҳқонларни индустрлаштириш учун маблағ берадиган "ўлпонга ўхшаган бир нарса", ўзига хос устама солиқ тўлашга мажбур этди.

Ғалла нархлари пасайтирилганлиги (20 – 25 фоизга) аҳволни янада мушкуллаштирди, бу нарса мамлакатдаги тайёрлаш кампаниясида қийинчиликлар туғдирди. Бозордаги аҳвол, яъни нархларнинг тайинсизлиги деҳқонларни, аввало ўзига тўқ деҳқонларни ғаллани ушлаб туришга мажбур қилди. 1927 йил кузидан бошлаб бозорлар ва дўконларда дон ва нон узилишлари бошланди, нархлар кўтарилиб кетди, чунки донни давлатга белгилаб қўйилган паст баҳоларда сотиш деҳқонларга фойдасиз бўлгани учун ялпи сотиб олинадиган дон камайиб кетди. Шунда давлат фавқулодда чоралар кўришга – ўзига тўқ деҳқонлардан ғаллани тортиб олишга ўтди.

Ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар Ўзбекистонга ҳам дахлдор бўлди. Иттифоқ бўйича ғалла тайёрлашнинг кескин камайиб кетиши Ўзбекистонга ғалла келтириш режасининг барбод бўлишига олиб келдики, бу нарса бозорларга чиқариладиган нон ва доннинг камайиб кетишига ва ғалла баҳосининг кўтарилишига сабаб бўлди. 1928 йили республиканинг асосий ғаллакор районларида дон тайёрлаш ишлари ўтказилди. Бу ўринда ҳам маъмурий ўзбошимчалик ҳодисалари рўй берди. Нархлар тўғрисида маҳаллий органлар билан бўлган баҳслар туфайли тайёрлов иши Сурхондарёда салкам бир ойгача кечикиб кетди. Қашқадарё вилоятининг Ғузор районида ғалла тайёрлашни сал бўлмаса озиқ-овқат развёрсткаси деб тушунишлари мумкин эди: дон олиб кетаётган деҳқонларни

милиция ушлаб олар, ғаллани мажбуран соттириш ҳоллари рўй берар эди. Бу хилдаги ўзбошимчаликлар бошқа жойларда ҳам бўлиб турди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида деҳқонлар фавқулодда чораларга қаршилиқ қилиб чиқдилар.

Бироқ фавқулодда чоралар дон тайёрлашда, шаҳар ва армияни ғалла билан таъминлашда бурилиш ясашга ҳар қалай имкон берди-ю, лекин маъмурий тазйиқ деҳқонларнинг оммавий норозилигини уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Зўрлик чоралари ижтимоий-иқтисодий вазиятни янада кўпроқ кескинлаштирди. Шаҳарларда нон ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашнинг карточка тизими жорий этилди.

Ортиқча товарларни тортиб олиш меҳнатга бўлган бозор рағбатларини кўпориб ташлади, иқтисодий муносабатларнинг муҳим тизими – қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги муносабатларнинг емирилишига олиб келди. 1927/28 қишлоқ хўжалик йилидаги ғалла тайёрлашга алоқадор танглик сиёсатда кескин бурилиш ясаб, янги иқтисодий сиёсатнинг тезлик билан барҳам топишига йўл очди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши. 20- йилларнинг охирларида маълум бўлиб қолган қийинчиликлар янги иқтисодий сиёсат тизимини қайта қуришни талаб этди. Кейинги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлларини белгилаб олиш учун кураш кескинлашди. Бу вақтга келиб Сталин якка бош диктаторга айланди. У якка ҳокимликка келиши билан сиёсатда ҳам тез орада ўзгаришлар рўй берди. Янги иқтисодий сиёсат узил-кесил четга чиқариб ташланди. Биринчи беш йиллик режаси қайта кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалигини зудлик билан коллективлаштириш йўлига қатъиян киришилди.

Сиёсатнинг ўзгариши олдинга қўйилган мақсадларга эришишда бошқача усулларни қўллашни ҳам талаб қилди. Хўжалик ҳисобини, ишлаб чиқарувчиларнинг ташаббуси ва уддабуронлигини кучайтиришга мўлжалланган моддий рағбатларни расм қилувчи янги иқтисодий сиёсат режалаштиришни мумкин қадар марказлаштирадиган ва барча бошқариш ишларини қаттиқ тартиб остига оладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан алмаштирилди. Шаҳар

билан қишлоқ қисқа муддат ичида қаттиқ марказлаштириш ва маъмуриятлаштириш ихтиёрига тушиб қолди. Саноат ва савдода давлат сектори тобора катта монополист, яъни якка ҳоким бўлиб борди.

Ўзбекистонда ҳам, гарчи умуман бутун мамлакатдагига қараганда секинроқ бўлса-да, саноатда умумийлаштириш жараёни бошланди. Бунда йирик саноатда умумийлаштиришнинг асосий усули национализация қилинган ишлаб чиқариш воситалари негизида давлат корхоналарини барпо этишдан иборат бўлган бўлса, асосан ёлланма меҳнатдан жуда кам фойдаланадиган ҳунармандчилик корхоналаридан иборат майда саноатда умумийлаштириш жараёни кооперациялаш ва майда товар ишлаб чиқарувчини давлат саноатига жалб этиш йўли билан борди. Майда саноатдаги хусусий секторнинг улуши тўхтовсиз қисқараверди ва 20- йилларнинг охирига келиб деярли барҳам топиб кетди. Индустрлаштириш ва ҳунармандларни кооперациялаш натижасида республика саноатида хусусий сектор деярлик бутунлай тугатилди.

Савдодаги хусусий капитал Ўзбекистонда Россиядагидан кўра узоқроқ сақланиб қолди. Унинг чакана товар айирбошлашдаги салмоғи 1926 – 1927 йилларда республикага келтирилган товарларни сотиш бўйича 48,5 фоизга, маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти бўйича эса 95 фоизга етди. Бироқ хусусий савдогарлар мавқеининг давлат қўлига ўтиши 1927 – 1928 йиллар давомида кучайди. 1929 йили савдо ишларида умумийлаштирилган сектор 76,5 фоизни ташкил этди. Тижорат-воситачилик муомаласида хусусий секторнинг кескин қисқариб кетиши товар танқислигининг кучайишига, пулнинг тобора кўпроқ қадрсизланиб карточкаларнинг жорий этилишига олиб келди.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини таъминлашда иқтисодийни ривожлантиришнинг режалар асосидаги усуллари муҳим ролни ўйнади. Булар иқтисодийга раҳбарлик қилишни давлат томонидан ишлаб чиқиладиган халқ хўжалиги режалари асосида мумкин қадар кўпроқ марказлаштиришни мустақамлаб берди. Марказлаштириш сиёсати мамлакатда қарор топган ғоят катта хўжалик устидаги бутун ҳокимиятни жам қилиб тўплайдиган тегишли аппарат бўлишига жуда муҳтож эди.

Госплан ана шундай аппарат бўлиб қолди. Иттифоқчи республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқадиган Госпланлар тузилди. Булар сиёсатининг негизида Марказнинг манфаатлари ётар эди. Халқ хўжалигининг алоҳида соҳаларини бошқариш учун халқ комиссариатлари тузилди, булар мамлакат хўжалигининг айрим соҳаларини бошқаришни қаттиқ марказлаштиришни таъминлаб бордилар.

Хўжалик юретишнинг қарор топиб бораётган тизими марказий органларнинг чекланмаган ҳукмига асосланувчи ғайри-иқтисодий бошқарув усуллари кучига тобора кўпроқ бўйсуниб борди. Иқтисодиёт тараққиётининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган нарса молиявий маблағлардир. Марказлаштириш шароитларида эса пул бозор иқтисодиёти шароитларидагидан кўра бошқачароқ вазифани бажарадиган бўлиб қолди. Пул ўзига хос тақсимот карточкаларига айланиб қолдики, бу карточкаларга маъмурий йўл билан тарқатиладиган бойликларни ҳар хил миқдорда олиш мумкин бўлар эди.

1930 йили ўтказилган кредит ислоҳоти натижасида тижорат кредити тўғридан-тўғри банкдан кредит бериш билан алмаштирилди. Бу иш бутунлай мамлакатнинг бирдан-бир ҳисоб-китоб марказига айланиб қолган Давлат банки ихтиёрига ўтиб қолди. Ўзбекистонда Осиё банк, Всекомбанк тугатилди, Қишлоқ хўжалик банклари қайтадан ташкил этилди. Шу муносабат билан республика давлат банкининг роли янада кучайди. Давлат механизмида марказлаштирувчи асосларнинг кучайиб бориши иттифоқчи республикалар суверенитетини бўғиб қўйди.

Ана шундай шароитларда сафарбар этувчи асосий сиёсий роль партияга берилди. 20 - йилнинг охириларидан бошлаб партиянинг ички тартиби кескин қатъийлаштирилди, демократия қолдиқларига барҳам берилиб, сиёсий қувғин ва қатағонлар тобора кўпроқ роль ўйнай бошлади. Буларнинг зарурлигини асослаб бериш учун социализм қурилиши шароитларида синфий кураш кескинлашиб боради деган тезисдан тобора кўпроқ фойдаланилди. Худди бошқа республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам хусусий капитални ва нэпманлар, бой-

лар, ярим феодал-бойлар хўжаликларининг қолдиқларини жуда қисқа муддат ичида тугатиш йўли қўллаб-қувватланди. Мана шу нэпманлар, бойлар, ярим феодал-бойларнинг ҳаммаси социалистик қурилишнинг энг ашаддий душманлари деб эълон қилинди. Ҳамма ерда зараркунанда деб аталмиш кишиларни қамоққа олиш ишлари бошланди.

1930 йили Давлат банки аппаратида тозалаш ўтказилиб, бир қанча раҳбар ходимлар қамоққа олинди. ЎзССР Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимовнинг иши билан боғлиқ "қосимовчилик" деган иш ва бошқалар ҳам ўша даврда тўқилган эди. Суд ишларининг ҳаммаси асосан илғор сиёсий арбобларни йўқ қилишга қаратилган эди. Буларнинг ҳаммасида Сталиннинг хўжалик муаммоларини маъмурий чоралар билан ечишга мойиллиги ва чексиз ҳокимлик қилишга интилиши мудҳиш ролни ўйнади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. 20- йилларнинг охирида юзага келган иқтисодий вазият тўғрисида сўзлаб беринг. 2. Ўша йилларда ривожланишнинг муқобил йўллари бормиди? 3. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг моҳияти қандай ва у Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатида қандай акс этди?

IV БОБ. ТОТАЛИТАРИЗМНИНГ ҚАРОР ТОЛИБ БОРИШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН (30 - йиллар)

1-§. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти.

Ҳокимият империя-тоталитар структураларининг мустаҳкамланиши

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни мафкуралаштиришнинг чуқурлашиб бориши. Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти 30- йилларда совет тартиботининг мустаҳкамланиши ва шахсга сифинишнинг кучайиб бориши шароитларида ўтди. Марказ ва жойларда партия-бюрократлар аппарати тобора кучайиб борди. Унинг бутун механизми Коммунистик партиянинг социалистик қурилишга доир йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратилган эди. Коммунистик партиянинг йирик отрядларидан бири

бўлмиш Ўзбекистон партия ташкилоти ўз сафлари бирлигини мустаҳкамлаб, партия ишининг шакллари ва усулларини қайтадан тузиб борди. У ҳаётнинг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва маданий соҳаларига раҳбарлик қилди.

Республиканинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёти Коммунистик партиянинг қаттиқ назорати остида ўтди. Бу — мураккаб ва қийин давр бўлди. 1929 йили ўтказилган тозалаш натижасида Коммунистик партия аъзоларининг 15,6 фоизи унинг сафларидан чиқарилди; шу билан бирга асосан айбсиз одамлар жабр тортди. Меҳнаткашлар оммасига маълум мақсадга қаратилган партия таъсирини кучайтириш учун корхоналарда партия комитетлари ва цех ячейкалари, бригадаларда партия гуруҳлари, колхозларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш мақсадида Советлар, касаба уюшмалари, комсомол ва бошқа оммавий ташкилотларнинг ишларини янгидан тузиш амалга оширилди. Ялпи коллективлаштириш ўтказилиши муносабати билан қишлоқ советлари ва район ижроия комитетларига муддатидан илгари сайловлар ўтказилди. Қишлоқ советлари колхоз-совхоз қурилишида, қишлоқнинг сиёсий ва ҳўжалик ҳаётида партия йўлини амалга ошириб борадиган ижрочи органларга кўпроқ айланиб борди.

Махсус мактаблар ва курслар Марказнинг кўрсатмаларига мувофиқ партия-совет аппарати кадрларини тайёрлаб берар эди. Республика давлат аппаратининг фаолиятини партия органлари зўр бериб назорат қилиб борди. Бу даврда советларнинг вазифалари жуда торайтириб қўйилган эди. Улар кўпгина масалаларни ҳал қилишда мустақилликдан амалда маҳрум бўлиб қолган эди.

1940 йили 600 минг нафардан кўпроқ кишиларни ўз сафларига олган касаба уюшмалари қайтадан тузилиб, йириклаштирилди. Республика корхоналарида тузилган касаба гуруҳлари ўзларининг ташкилий ишларини бригадалар, цехлар, сменаларга кўчириб, ишлаб чиқаришда ишчилар фаолигини оширишга ҳар томонлама ҳаракат қилдилар.

Комсомол ишини қайтадан тузиш ҳам индустриаллаштириш ва коллективлаштиришга доир партия йўл-

йўриқларини амалга оширишга қаратилган эди. Корхоналарда комсомол комитетлари, цехларда комсомол ячейкалари, бригадаларда гуруҳлар тузилди. Қишлоқ комсомол ташкилотларини қайтадан ташкил этиш партия ячейкаларини қайта тузиш принципларига мувофиқ ўтказилди. Улкан оммавий сиёсий компаниялар ўша йилларнинг рамзи бўлиб қолдики, бундан мақсад республика ёшларининг меҳнат шижоатини жонлантиришдан иборат эди. Ўзбекистон комсомоли сафларида 1940 йили 400 минг нафарга яқин аъзо бор эди.

Республика шаҳар ва қишлоқларида партия ва комсомол маорифининг кенг тармоғи яратилди, унинг мақсади партия сиёсати ва мафкурасини партиясиз оммага ҳам сингдириб боришдан иборат эди. Меҳнаткашлар орасида олиб борилган кенг миқёсдаги ташвиқий-оммавий ишлар: лекция ўқиш, маърузалар қилиш, суҳбатлар ўтказиш, деворий ва кўп нусхали газеталар чиқариш ва бошқалар ҳам ана шунга ёрдам бериши керак эди.

Мана шу даврда оммавий кўнгилли жамиятлар – Осовиахим, МОПР (Ишчиларга ёрдам берувчи ҳалқаро жамият), Қизил ярим ой жамиятлари ва бошқалар ҳам қайтадан тузилди ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Урушдан олдинги шиддатли йилларда оммавий-мудофаа иши кучайтирилди. Мудофага бағишланган кўпгина бутуниттифоқ мусобақаларида Ўзбекистон ёшлари биринчи ўринларни эгаллади. Бошланган иккинчи жаҳон уруши шароитларида СССРга ҳарбий ҳужум хавфи кучайиб қолганлиги муносабати билан Совет давлати барча республикаларнинг сафарбарликка тайёргарлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш юзасидан шошилинич чораларни кўрди. Ўзбекистонда меҳнаткашларни оммавий-мудофаа ташкилотлари тизимида мамлакат мудофаасига тайёрлаш кучайди. Жисмоний тарбия ҳам 30- йилларнинг охирига келиб кенг қулоч ёйди. 1940 йили республикада 100 минг нафардан ортиқ физкультурачилар бор эди.

Шундай қилиб, 30 - йилларда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳалари устидан Коммунистик партия назорати кучайди. Инсонларнинг бутун ҳаёти, уларнинг ўй-фикрлари аста-секин ҳамма нарсани унутишга мажбур қиладиган янги жамият қуриш ғоясини амалга оширишга қаратилди, ҳаддан ташқари тигиз ва уддалаб бўлмайдиган

беш йилликлар топшириқларини бажаришга бўйсундирилди.

1937 йилда Ўзбекистон ССР Конституциясининг қабул қилиниши. 1924 йили СССР Конституцияси қабул қилинган вақтдан бери 10 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ва партиянинг якка ҳокимлиги таъсири остида содир бўлган ўзгаришларга қонунийлик тусини бериш, социалистик қурилиш амалиётини, унинг муваффақиятларини мақтаб, кўкларга кўтариш учун сталинча раҳбарият шу ўзгаришларни мамлакатнинг Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўядиган янги конституцияни қабул қилишни зарур деб топди.

1936 йил ноябрида СССР Советларининг Фавқулодда VIII съезди чақирилди, у янги Конституцияни қабул қилди. Мана шу Конституция асосида маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ЎзССРнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилди. 1937 йил февраль ойида республика Советларининг Фавқулоддаги VI съезди бу Конституцияни тасдиқлади. Мазкур Конституция республиканинг сиёсий ва иқтисодий асосларини қонуний равишда мустаҳкамлади, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берди.

Бироқ бу Конституцияда Ўзбекистон республикасининг мустақил, ССР Иттифоқидаги барча совет республикалари орасида тенг ҳуқуқли давлат деб эълон қилиниши аслида расмий эди. Республика кўп жиҳатдан ҳамма нарсага қодир Марказга тобелигича, қарамлигича қолаверди.

ЎзССРнинг янги Конституциясига мувофиқ, 1938 йил 25 июнда Олий Советга сайловлар бўлиб ўтди. Унинг I сессияси ЎзССР Олий Совети Раёсатини сайлади ва республика Халқ Комиссарлари Советини тузди. Халқ Комиссарлари Совети раиси этиб Файзулла Хўжаев, Марказий Ижроия Комитетининг раиси қилиб И. Окунбобоев сайланди. 1939 йил 29 декабрда ЎзССР маҳаллий Советларига сайловлар ўтказилди. Шу билан республика давлат ҳокимиятининг органларини қайта қуриш аслида тугалланди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга бирмунча оператив раҳбарлик қилиш учун республикада маъмурий-иқтисодий

районлаштириш янада такомиллаштирилди. Олий Совет Раёсатининг 1941 йил 6 мартдаги фармониға мувофиқ, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари тузилди. Хўжалик халқ комиссарликларига раҳбарликни мустақамлаш учун 1940 йилнинг сентябрь ойида ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошида Иқтисодий кенгаш ташкил этилди. Ўша ойнинг ўзида ЎзССР Давлат назорати халқ комиссарлиги ташкил этилди, унинг вазифалари давлат маблағлари ва моддий бойликларини ҳисобға олиб бориш ва сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек ҳукумат қарорларининг ижросини текширишдан иборат эди.

Таъқиб ва қатагонларнинг ҳаддан ошиши. Республика ҳаёти Марказнинг қаттиқ назорати остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўриқларидан бир оз бўлса-да четга чиқиш сиёсий, аксил инқилобий ҳаракат деб баҳоланар эди. ВКП(б) Марказий Комитети томонидан ўйлаб чиқарилган "партиядаги ўнг хатар"нинг эълон қилиниши, шунингдек партия ташкилотларидаги гуруҳбозлик муносабати билан тазйиқ механизмини Ўзбекистон Компартиясининг IV съезди (1929 йил) ишға туширди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётни янгидан қуришнинг муқобил йўлларини ёқлаб чиққан республика партия ва давлат арбоблари марксча-ленинча назария принципларига, партиянинг социализм қуриш жабҳасидаги бош йўлга суиқасд қилишда айбланди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, индустриаллаштириш ва маданий қурилиш йилларида жамиятдаги барча соҳа ходимларидан неча ўн минглаб кишиларға нисбатан қанчадан-қанча қонунсиз хатти-ҳаракатлар ва зўрликлар қилинди. Кўпгина кишилар таъқиб остиға олинди ва РСФСР ҳамда Украина томонларға сургун қилинди, муҳтожликлар ва кулфатларға гирифторм этилди. Диндорлар ва руҳонийлар устидан қилинган зўрликнинг энг авжига чиққан даври 30- йилларнинг бошларига тўғри келади. Ислон, христианлик, буддизм динларига оид қанчадан-қанча китоблар йўқ қилинди, мачитлар ва черковлар бузиб ташланди. Ўзбекистонда ялли қатагонлар партия ва давлат олдида катта-катта хизматлар қилган атоқли арбобларни қамоққа олишдан бошланди. Сиёсий бошқарма органлари (ОГПУ) Ф. Хўжаев, А. Икромов, Д. Манжара,

С. Сегизбоев, А. Каримова ва бошқалар хусусида "советларга қарши, қўпоровчанлик" уйдирма ишларини тўқиб чиқардилар. Булар назарий баҳс ва мунозараларда ўз позицияларини маҳкам туриб ҳимоя қиладиган ҳурматли ва эътиборли халқ етакчилари эди. Улар шахсга сиғинишнинг, якка партия зўравонлиги илдиз отиб кетишининг хавфли эканлигини аниқ-равшан тушунар эдилар. Улар жойларда катта ҳукм ўтказа оладиган бўлишларига қарамай, қатағонларнинг зўрайиб боришини тўхтатиб қололмадилар.

Ўзбекистонда кенг кўламли агентура кузатувлари ва оммавий равишда қамоққа олиш ишлари ташкил этилди. 1937 йилнинг август-сентябрь ойларида неча юз минг кишилар ЎзССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) нинг ички қамоқхоналарига тушиб қолди. Буларнинг орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлари С. Болтабоев, И. Худойқулов, А. Цехер, Марказий Комитет бўлим бошлиқлари М. Шермухамедов, М. Усмонов, К. Берегин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретарлари И. Ортиқов, Т. Рисқулов, Ф. Тарасов, республика халқ комиссарлари А. Исломов билан М. Турсунхўжаев, партия вилоят комитетлари секретарлари Д. Ризаев, К. Болтаев, Н. Исроилов, Ю. Ирисметов ва бошқалар бор эди. 1938 йил баҳорига келиб вилоятлар, шаҳарлар, районлар партия комитетлари секретарларининг 60 фоиздан кўпроғи, худди шу йилнинг иккинчи ярмида эса вилоятлар, шаҳарлар, районлар партия комитетларининг яна 114 нафар секретарлари қатағон қилинди.

Ўзбекистон жамиятнинг ҳамма табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини остида қолди.

ЎзССР НКВДсининг ички турмаси ва бошқа жойлардаги қамоқхоналарда маҳбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилар эди. Энг кучли ва мардонавор кишилар ҳам аҳволининг иложсизлигини кўриб ва ўз яқинларининг тақдирларидан хавотир олиб, қилмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эдилар. Маҳбусларнинг кўплари ўз-ўзини ўлдиришни бирдан-бир чора деб билдилар.

Шундай қилиб, кўпдан-кўп халқ қурилишларида фидо-корона меҳнат қилган ва республиканинг sanoat ҳамда

аграр имкониятларини кучайтириб борган омма ташаббусининг ўсиб бориши билан бир қаторда 30 - йилларнинг охирида Ўзбекистон ҳамманинг кўнгилига тушган даҳшат, хоинлик, зўрлик ва бедодлик шароитига тушиб қолди. Инсонийлик ва демократия принципларини топтаб, оёқ ости қиладиган, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик ўтказиб, Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишиларни қириб ташлаган тоталитар тартибот қарор топиб борди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқнинг бошига чинакам фожиа бўлиб тушди ва унга ниҳоятда оғир уруш синовлари арафасида ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зиён ва катта талафот етказди.

САВОЛ ВА ТЎПШИРИҚЛАР. 1.Тоталитар тартиботнинг мустаҳкамланиб бориши Ўзбекистоннинг 30 - йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига қандай таъсир ўтказди? 2. Партия, Советлар ва бошқа оммавий ташкилотлардаги қайта қуришга нималар сабаб бўлди ва у қай тариқа ўтди? Бу қайта қуриш қандай мақсадни кўзда тутар эди? 3. 1937 йил Конституциясига мувофиқ, ЎзССРдаги давлат бошқаруви тархини тузинг ва уни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясига солиштириб кўринг.

2-§. Республикани индустрлаштириш: тенденцияси ва муаммолари

Индустрлаштиришнинг жадал суръатларига ўтиш. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида мамлакат партия раҳбарияти ва хусусан унинг йўлбошчиси Сталиннинг сиёсий йўлида индустрлаштириш суръатларини тезлатиш тенденцияси рўй-рост маълум бўлиб қолди. Индустириал тараққиёт муаммолари, унинг йўналишлари ва шакллари партия ичидаги мунозараларда ва дастлабки беш йилликлар режаларини муҳокама қилишда марказий ўринни эгаллади. Ихтилофлар, моҳият эътибори билан айтганда, халқ хўжалигининг асосий соҳалари билан маданиятни бир йўла ривожлантириш учун маблағларнинг етишмаслигидан келиб чиқар эди. Ўта индустрлаштириш талабдорлари унинг суръатларини кескин тезлаштириш мақсадларида маблағларни қишлоқ хўжалигидан саноатга олиб ташлаш йўлини тутиш мумкин деб ҳисоблар эдилар. Уларнинг муҳолифлари, индустр-

лаштириш йўлини қўллаб-қувватлагани ҳолда, саноатни ўстириш билан фаровонликни юксалтириш ва қишлоқ хўжалигини ихтиёрий суръатда кооперациялашни оқилона бирга қўшиб олиб бориш тарафдори бўлдилар.

Сталин мана шу кейингиларнинг далил-исботларини назар-писанд қилмай, суръатларни ошириш ва биринчи навбатда оғир индустрияни ривожлантириш фикрида қаттиқ туриб олди. Унинг фикрига кўра, шу мақсадга эришиш фавқулодда чораларни: қишлоқ хўжалигида жамғарилган маблағларни саноатга олиб ташлашни, меҳнаткашларнинг турмуш шароити пасайиб кетишини, жадал ялпи коллективлаштиришни оқлар эмиш. Шу тариқа беш йиллик режа бузилди ва индустриалаштиришнинг субъективликка асосланган сталинча усули бутун мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам бош усул бўлиб қолди.

Республика иқтисодиёти табиатан аграр туста эга эди. Ўзбекистон халқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 1927/28 йили 60 фоиздан кўпроқни, саноат салмоғи эса 40 фоиздан камроқни ташкил этди, шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришининг 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлашга асосланар эди. Оғир индустриянинг металл ишлаш ва машинасозлик сингари соҳалари 20- йилларда эндигина ривожланиб келаётган эди.

Пахта ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш дастурида ўртага қўйилган вазифаларга мувофиқ, беш йиллик режада қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва металл конструкциялар ишлаб чиқаришни, ирригация қурилишлари, азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи саноатни, шунингдек ашё чиқарувчи саноатни (рангли металллар, нефть, тошкўмир, туз, графит конлари ва бошқаларни ишга тушириш) биринчи навбатда ривожлантириш кўзда тутилган эди. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасига айланиб қолди. Ўзбек пахтасини ишлаб чиқариш кўпайгани туфайли СССР пахтани хорижий мамлакатлардан келтиришни анча қисқартирди, кейинчалик эса бутунлай тўхтатди.

Биринчи беш йиллик йилларида 192 та янги саноат корхонаси, жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Қувасой цемент ва оҳак заводлари ишга

туширилди. Улкан индустриал марказлар – Чирчикстрой, Олмаликстрой, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез суръатлар билан давом этди. Саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари уч барабар кўпайди. Электр энергияси ишлаб чиқариш уч барабар, нефть қазиб олиш 2,5 барабар, металл ишлаш саноати маҳсулоти 6 барабар, цемент саноати маҳсулоти 3,5 барабар ортди. Енгил саноатда, жумладан кончилик ва пойабзал саноатида ишлаб чиқариш бир неча барабар кўпайди.

Саноат структурасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди: оғир саноатнинг салмоғи 1932 йили 8,8 фоизни, машина-созлик салмоғи 1,3 фоизни, енгил саноат салмоғи 69,3 фоизни ташкил этди. Баъзи энг муҳим маҳсулот турлари жиҳатидан Ўзбекистон ССРда кўзга кўринарли ўринга чиқиб олди. 1932 йили республикада пахта толасининг деярли 90 фоизи, цементнинг 54 фоиздан кўпроғи, ўсимлик мойининг 56 фоиздан ортиқроғи, хом ипакнинг 42 фоизи ишлаб чиқарилди.

Иккинчи беш йиллик режасида (1933–1937 йиллар) ишлаб чиқаришни маҳаллий ресурслар (мис, рух, азот ва бошқалар) асосида ҳар томонлама ривожлантириб борган ҳолда республикани ишлаб чиқариш жиҳатидан мамлакатнинг асосий пахта базаси сифатида ихтисослаштиришни янада кучайтириш кўзда тутилди. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, электр энергетикаси, кимёвий саноат, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, қорақўлчиликни ўстириш суръатларини тезлаштириш мўлжалланди ва ҳоказо. Иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда 189 та саноат корхоналари ва электр станциялари қурилди.

Республиканинг иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик кооперацияси муҳим ўринни эгаллади. Бу кооперация саноатни тўлдириб, халқ истеъмоли учун зарур маҳсулотни чиқариб турди. Фақат иккинчи беш йиллик йиллари давомидагина унинг ялпи маҳсулоти деярли уч барабар кўпайди.

Учинчи беш йиллик (1938 – 1942 йиллар)нинг дастлабки йилларида 134 та саноат корхонаси, жумладан энг йирик Чирчиқ электр кимё комбинати ишга тушди. Ўзбекистоннинг турли районларида 30 га яқин кўмирли нуқталар аниқланди, энг бой олтингугурт ва озокерит кон-

12- Ўзбекистон тарихи, 9-сифф учун

лари кашф этилди, йирик мис, вольфрам, молибден конлари топилди ва ҳоказо. Иккинчи жаҳон уруши бошланишига келган пайтда республиканинг саноат салоҳиятини 1445 та йирик ва ўрта саноат корхоналари ташкил этар эди.

Индустриалаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон Марказни рангли ва нодир металлар, олтингугурт, озокерит, вольфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминлайдиган ва мамлакатни хом ашё қарамлигидан халос этишга ёрдам берадиган йирик хом ашё минтақасига айланди. Республиканинг олтин саноати бутун мамлакатнинг тўлов балансини мустақкамлаш учун катта-катта маблағларни бериб турди.

Бироқ Ўзбекистон республикаси мамлакатни индустриалаштириш ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустақкамлашга катта ҳисса қўшган бўлса ҳам хом ашё олиб чиқиб кетиладиган ўлка бўлиб қолаверди. У аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда мамлакатнинг ривожланган минтақаларидан анча орқада қолиб кетди. Қазиб олувчи соҳалар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳажмлари катта бўлишига қарамай, иқтисодиёт структурасидаги ишлаб берувчи ва машинасозлик саноати соҳалари умумиттифоқ даражасидан бир неча баравар паст бўлиб қолди. Ўзбекистон иқтисодиётининг индустриал-аграр табиати мамлакат марказий минтақалари саноатининг ривожланиши эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди.

Индустриалаштиришнинг ҳаддан ташқари катта маблағларни талаб қилган жадал суръатлари меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушди, уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари давлатнинг бюджет сиёсатида иккинчи ўринга ўтиб қолди.

Республика ишчилари ва муҳандис-техник кадрлари. Индустриалаш суръатларини жадаллаштириш ишчилар сонининг кўпайишига олиб келди. Фақатгина биринчи беш йиллик давомида йирик саноатдаги ишчилар сони деярли 3,5 баравар кўпайди, шу билан бирга саноат ишчиларининг ярмидан кўпроғини маҳаллий кадрлар ташкил этар эди. Беш йиллик режаларини бажариш янги техникани мукамал ўзлаштириб олишга қодир бўлган маҳаллий кадрларга талабни кескин оширди. Бу муаммо ишлаб чиқариш жараёнида кишиларни ўқитиб-ўргатиш

йўли билан ва ҳунар-техника таълими орқали ҳал қилиб борилди.

Ўзбекистон саноати ва қурилиши учун мамлакатнинг марказий районлари – Москва, Ленинград, Ивано-Вознесенск ва бошқа шаҳарлардаги ўқув юртлари ва саноат корхоналарида ҳам малакали кадрлар тайёрланди. Уларнинг катта қисмини маҳаллий миллат ёшлари ташкил этар эди. Малака ошириш ва кадрлар тайёрлашнинг турли шакллари ривожлантириб бориш ишчиларнинг маданий-техник савиясини юксалтиришга ёрдам берди. 1940 йили индустриал ишчилар сони 142 минг нафарга етди, яъни биринчи беш йилликлар давомида деярли 8 баравар кўпайди.

Шу йилларда муҳандис-техник кадрлар тайёрлайдиган ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг тармоғи ҳам кенгайиб борди. Ўрта Осиё индустрия институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент тўқимачилик институти, ҳар хил техникумлар юқори малакали саноат раҳбарларининг катта отрядини тайёрлаб берди. Республиканинг янги саноат кадрлари ўз касбига моҳирлиги, замонавий техник малакага, юқори даражадаги билимларга эгаллиги, мамлакат олдидаги бурчини англайдиган бўлиши билан ажралиб турарди. Булар улкан яратувчилик қудратига эга бўлган инсонлар авлоди эди.

Меҳнатта онгли муносабатда бўлиш, ижодий ташаббус кўрсатиш мусобақалашинг принципини чуқурлаштириб, таннархни камайтиришни, маҳсулот сифатини яхшилашни, меҳнат унумдорлигини оширишни, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни таъминлади. Мусобақалар ҳар хил шаклларда намоён бўлди: зарбдорлик, беш йилликнинг зарбдор бригадалари, жамоат шатаги, оператив-режа гуруҳлари, хўжалик ҳисобидаги бригадалар ва бошқалар. Цехлар, сменалар, бригадалар ва айрим ишчилар ўртасидагина эмас, балки корхоналар ўртасида ҳам мусобақалар олиб борилди.

Компартия томонидан бошқариб туриладиган маъмурий-буйруқбозлик структуралари тарғибот-ташвиқотнинг бутун куч-қувватини новаторларни меҳнат қаҳрамонлари деб, уларнинг обрўйини кўтаришга қаратди. Мусобақалашув 1935 йили энг юқори даражага етди ва стахановчилик ҳаракати деган ном олди. Бутун мамлакат

бўйлаб кенг қулоч ёйган бу янги ҳаракат Ўзбекистонда барча саноат соҳаларига тарқалди. Янги қурилиш завқи мисли кўрилмаган ташаббусни уйғотди, совет тузуми шу ташаббусдан орсизларча фойдаланиб келди. Партия ва ҳукумат раҳбарияти стахановчилик ҳаракатини айтарли сарф-харажатлар қилмасдан туриб, фақатгина халқ ташаббуси билангина ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўтариш ва шунинг натижасида иккинчи "катта сакраш"ни амалга ошириш – саноат ишлаб чиқаришини бир йўла кескин жадаллаштиришнинг ҳақиқий имконияти деб билди.

Биринчи беш йилликлар йилларида ривожланиш жадал суръатлар билан олиб борилган мураккаб шароитларида халқнинг социализм ғоясига бўлган ишончи, ақл-идроки ва куч-қуввати республиканинг индустриал салоҳиятини оширишга, янги завод ва фабрикалар бунёд этишга, шахта ва конлар қуришга, бутун мамлакат бойликларини кўпайтиришга қаратилган эди. Айни вақтда ниҳоят даражада зўр бериб қилинган меҳнат ана шу иқтисодий имкониятни яратувчиларнинг моддий фаровонлигига амалда ҳеч бир таъсир ўтказмас эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Республикани индустрлаштириш сиёсатини таърифлаб беринг. Бу сиёсатнинг оқибатлари қандай бўлди? 2. Индустрлаштириш суръатларини жадаллаштиришга нима сабаб бўлди? 3. Умумиттифоқ миқёсидаги индустрлаштириш режасида Ўзбекистонга қандай роль берилган эди? 4. Биринчи беш йилликлар мобайнида Ўзбекистон саноатининг ривожланишида қандай ўзгаришлар содир бўлди? 5. Қомус китоб (энциклопедия) ва бошқа манбалардан фойдаланиб, биринчи беш йилликнинг янги қурилишларидаги оммавий меҳнат қаҳрамонлигига доир фактларни танлаб олинг. Халқнинг фидокорона меҳнатига нималар сабаб бўлди?

3-§. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш. Уни амалга оширишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари

Ялпи коллективлаштириш сиёсатига ўтиш. 20 - йилларнинг охирларидан бошлаб қишлоқда бозор муносабатлари муҳити тобора кўпроқ барҳам топа бошлади. 1929 йил кузидан бошлаб совет давлати кооперацияни ривожлантириш сиёсатини ҳар томонлама коллективлаштириш сиёсати билан алмаштирди, алмаштирганда ҳам юқоридан

"тиқиштириш" йўли билан алмаштирди. Айни вақтда маҳаллий шароитлар мутлақо ҳисобга олинмади.

Ялпи коллективлаштириш арафасида Ўрта Осиё партия матбуоти коллективлаштириш суръатларини жадаллаштириш учун Ўрта Осиё республикалари ҳамма имкониятларга эга деган хато фикрни ёритиб борди. Шунга асосланиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1930 йил 17 февралда "Коллективлаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Бу қарорда республикада ялпи коллективлаштириладиган 17 та район белгилаб берилди, лекин уларнинг кўпчилигида бунинг учун шароитлар йўқ эди.

Колхоз қурилишини жадаллаштириш тўғрисидаги партия йўл-йўриқларини кўпгина маҳаллий раҳбарлар сўзсиз бажарилиши керак бўлган кўрсатмалар деб билди. Рақамлар орқасидан қувиб, қонунларнинг жуда кўпол равишда бузилишига йўл қўйилди. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, коллективлаштириш инструкторлари қишлоқлардаги мажлисларда колхозга кирмаганлар сувдан маҳрум этилади, уларга энг ёмон ерлар берилади, бундай кишилар саноат моллари билан таъмин қилинмайди, уларга катта солиқлар солинади ва ҳатто улар Ўзбекистон тупроғидан сургун қилиниб, четга чиқариб юборилади деб дўқ урган ҳоллар ҳам бўлди. Натижада коллективлаштириш кўпчилик районларда бир неча ҳафта ичида тугалланди.

Ялпи коллективлаштиришни артель шаклида амалга ошириш мўлжалланган эди. Лекин қишлоқ хўжалик артелининг 1930 йил 6 февралда қабул қилинган биринчи Намунали Низомида муҳим камчиликлар бор эди. Бу Низом мулкни умумийлаштириш табиати, колхозларнинг бўлинмас фондлари ва бошқалар тўғрисида тушунча бермас эди. Натижада турар жой бинолари ва қўй-эчкиларни ҳам умумийлаштиришга йўл қўйилди. Ана шундай ҳаддан ошиш ҳоллари Фарғона, Тошкент, Самарқанд округларида қайд қилинди.

Коллективлаштиришни жадаллаштириш амалда ўзига тўқроқ хўжалиklarни тугатиш, яъни хўжалик мулклари ва иморатларни мусодара қилишга айланиб қолди, юқоридан қилинган қаттиқ тазйиқ шунга олиб келди. Марксист-деҳқонларнинг 1929 йил декабрдаги конференциясида Сталиннинг сўзлаган нутқи аслида қулоқлар

тоифасига киритилган барча деҳқон хўжалиklarининг тақдирини белгилаб берди.

Қулоқ хўжалиklarини тугатиш кампанияси Ўзбекистонда 1930 йил февралдан бошлаб авж олди. Бу кампания, худди бошқа республикалардагидек, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳоллари билан биргалликда давом этиб борди. Юқоридан пастга келиб турган ҳар хил йўл-йўриқ ва кўрсатмалар зўрликни авж олдиришга мўлжалланган эди. Бу йўл-йўриқлар кимларни қулоқлар тоифасига киритиш кераклигини аниқ белгилаб бермас эди. Якка тартибда қишлоқ хўжалик солиғи солинадиган ўзига тўқ деҳқон хўжалиklarининг рўйхати қулоқ хўжалиklarини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу рўйхатлар молия органлари томонидан тузилар ва аксари ўрта ҳол деҳқонлар, ҳатто камбағаллар ҳисобига кенгайтириб борилар эди. Чунончи, Мирзачўл райони (Тошкент округи) да 137 та қулоқ хўжалигини тугатиш кўзда тутилган эди, лекин рўйхатлар текшириб чиқилгандан кейин 75 та хўжалик тугатилди. Кўпгина районларда қулоқ хўжалиklarигина эмас, балки ўрта ҳол ва ҳатто камбағал хўжалиklar ҳам мусодара қилинди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йили 2648 та қулоқ ва бойлар хўжалиklари деб аталган хўжалиklar тугатилди.

Бундай хўжалиklarнинг тугатилиши деҳқонларда ишончсизлик ва хавотирлик уйғотди. Кўпгина одамлар ўз хўжалиklarини қаровсиз ташлаб қочдилар, чорваларини сўйдилар ва сотиб юбордилар. Молларнинг кўплаб сўйилиши жиддий муаммо бўлиб қолди. Қорамол туёқ боши республика бўйича олганда 1930 йили 60 мингдан зиёдроққа камайди.

Жадал коллективлаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш, ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан зўрлик қилиш республикадаги сиёсий вазиятни кескинлаштирди. Деҳқонларнинг норозилиғи кучайиб бориб, айрим районларда оммавий чиқишларга айланиб кетди. 1930 йил 25 февралда улар Фарғона округининг бир қанча районларида бошланди. Сўнгра Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд округларининг баъзи районларига ёйилди.

Коллективлаштиришга қарши чиқишлар бир қанча ҳолларда Совет ҳокимиятига қарши сиёсий чиқишларга айланиб кетди. Жумладан, Фарғонада колхозларга қарши намойишлар кўпчилик ҳолларда сиёсий тус олди.

Партия ва давлат раҳбарияти вужудга келган вазиятдан хавотирликка тушиб, колхозларни ташкил этишда шошма-шосарликка йўл қўймаслик, ялпи коллективлаштириш ўтказилмаган районларда қулоқ хўжалиklarини тугатишни тўхтатишга қаратилган бир қанча муҳим ҳужжатларни қабул қилди, миллий республикалардаги маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш зарурлиги таъкидлаб ўтишди.

Шу билан бир вақтда Сталиннинг "Ютуқлардан эсанкираш" мақоласи босиб чиқарилган эди. Бу мақолада ҳаддан ошиш ҳоллари қораланган, лекин булар учун бутун жавобгарлик маҳаллий раҳбарлар бўйнига қўйилган эди.

Партия маъмурий тазйиқ ўтказишдан воз кечиш зарурлигига, ҳаддан ошиш ва бузғунчилик ҳолларининг натижаларини тугатишга даъват қилган бўлишига қарамай, колхоз тузилиши, бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам секинлик ва қийинлик билан борди. Деҳқонлар колхозлардан чиқиб кета бошладилар. 1930 йилнинг мартида коллективлаштириш фойизи республика бўйича 47 дан кўра кўпроқни ташкил этган бўлса, май ойига келиб у 29 гача камайди.

Баҳорда анчагина деҳқонларнинг колхозлардан чиқиб кетгани ва ёз ойлари бир қадар тинч бўлганидан кейин, 1930 йилнинг кузидан бошлаб деҳқонларга янгидан тазйиқ ўтказиш тўлқини бошланди. 1931 йилнинг ёзига келиб энди деҳқон хўжалиklarининг 56,7 фойизи бирлаштирилди. Мана шу даврда колхозлар тузишда иқтисодий омилларнинг роли сезиларли даражада ошди (МТСлар қурилиши бошланди ва ҳоказо). Бироқ мажбурий чоралар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолаверди. Якка хўжалиklarга солиқ солиш йўли билан тазйиқ ўтказиш кучайиб борди. Бундай хўжалиklarга жуда катта топшириқлар берилар, муҳими эса ўзига тўқроқ хўжалиklarни тугатиш давом этиб борар эди.

1931 йилнинг баҳоридан бошлаб Ўзбекистонда ялпи коллективлаштириладиган районлар тузиш қайтадан расм қилинди, бунда ўзига тўқроқ хўжалиklarни тугатиш кампанияси айниқса кенг тус олиб, баъзан зўрлик усуллари ҳам қўлланилди. 1930 - 1933 йиллари тугатилган

хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди, уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқининг бошқа районларига, асосан Украина билан Сибирга кўчириб юборилди. Республиканинг ўзида 17 та қулоқ қишлоқлари ташкил этилди. Мажбуран кўчириб юборилганларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб қолди, уларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш расман 1932 йили поёнига етказилди. Шу вақтга келиб республикадаги деҳқон хўжалиklarининг 75 фоизга яқин қисмини умумлаштирилган сектор бирлаштириб олди. Якка хўжалик-деҳқонларнинг бир қисми колхозлардан ташқарида қолди-ю, лекин уларга иқтисодий жиҳатдан тазйиқ ўтказиш янада кучайди. Якка хўжаликларга солинадиган қишлоқ хўжалик солиқлари яна оширилди, давлатга мажбуран топшириладиган маҳсулот ҳажми эса колхозлар учун белгиланган меъёрларга қараганда 50 фоизга оширилди. Деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий жиҳатдан ёмонлашуви натижасида коллективлаштириш фоизи биринчи беш йилликнинг охирида 91,7 га етди. 1937 йилга келиб бу кўрсаткич энди 95 фоизга, 1939 йилга келганда эса 99,5 фоизга етди. Шу тариқа республикада якка хўжаликлар бўлишига барҳам берилди. Йирик жамоат ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг амалда бирдан-бир шакли бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат тасарруфига ўтказиш ва бу хўжаликни янги шароитларда ташкил этиш. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари, ўзбек қишлоғининг ижтимоий қиёфаси ва турмуш тарзининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Коллективлаштириш қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбозлик тизими билан бошқаришни мустаҳкамлади, деҳқонларнинг тоталитар давлат асоратига тушиб қолишига йўл очди.

Колхоз тузилишининг энг бошиданоқ қишлоқ хўжалик артеллари мулкларини давлат тасарруфига ўтказиш бошланди. Колхозлар деҳқонларнинг ишлаб чиқариш воситаларини бирлаштириш асосида тузилди, бу воситалар ягона бўлинмас фондга қўшилди ва колхозчилар колхозлардан чиқиб кетадиган бўлса, уларга қайтариб берилиши мумкин эмас эди. Мана шу нарса деҳқонларнинг мулкдан ажралиб

қолишини бошлаб берди. Колхозлар иқтисодий жиҳатдан бутунлай давлатга қарам бўлиб қолди. Уларнинг мустақиллиги ва ташаббуси кескин чекланди.

Йирик ишлаб чиқариш воситалари МТСлар орқали давлат қўлида тўпланиб борди. МТСлар колхоз далаларини натурал ҳақ эвазига ишлаб берар, бу ҳақнинг миқдорлари эса юқоридан белгилаб берилар эди. 1933 йил бошларига келганда Ўзбекистонда 73 та МТС ишлаб турди. Улар қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуришни тезлаштирди, лекин техникани шуларда тўплаб, жам қилиш, қишлоқ меҳнат имкониятларининг бойликларини очиб беришга ёрдам қилмади. Амалда колхозлар ҳам, МТСлар ҳам, ернинг эгалари эмас эди, ернинг эгаси аслида давлат бўлиб қолди.

Ўзбекистонда колхозлар тузиш билан бир қаторда совхозлар, яъни давлат хўжаликлари тузиш ювасидан иш олиб борилди. Биринчи беш йиллик охирига келганда 60 та совхоз бор эди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими деҳқонларни мажбур этишнинг ноиқтисодий усулларидан фойдаланди. Бу аввало деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бир қисмини ўзига хос бир ўлпон тариқасидаги солиқ кўринишида тортиб олишда ифодаланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини 1933 йили жорий этилган давлатга топшириш мажбуриятлари аслида озиқ-овқат развёрсткасидан иборат бўлди. Колхозчилар ишига ҳақ тўлашда қолдиқ принципига амал қилинди. Давлат билан барча ҳисобкитоблар қилиб бўлингандан кейин нимаики қолса, фақат шугина меҳнат кунларига тақсим қилинар, қолган нарса эса жуда оз бўлар эди. Мана шуларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришдан манфаатдорлиги камайиб кетишига олиб келди, бу эса, ўз навбатида, маъмурий-буйруқбозлик тизими мурувватлари янада кўпроқ буралишига олиб келди.

Деҳқонларнинг норозилиги уларнинг шаҳарга, sanoat корхоналарига кўплаб ўтиб кетишига сабаб бўлди. Бироқ Россия қишлоқларидан фарқ қилиб, Ўзбекистонда бу жараён кенг қулоч ёйгани йўқ. Колхозчилар колхозлардан чиқиб кетмаслиги учун сталинча раҳбарият уларга паспорт беришни тақиқлаб қўйди. Колхозчиларнинг фаоллигини

кучайтириш учун 30- йилларнинг охирида меҳнат кунларининг мажбурий бўлган энг кам миқдори жорий этилди. Шундай қилиб, коллективлаштириш деҳқонларни асоратга солишга, уларни колхозларга умрбод боғлаб кўйишга олиб келди.

1930 йилдан бошлаб колхоз ва совхозларга йиллик давлат режалари, 1932 йилдан МТСлар ишининг режаси, 1933 йилдан эса чорвачиликни ривожлантириш режалари ишлаб чиқиладиган бўлди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш қаттиқ белгиланган ва марказлаштирилган тусга кириб қолди.

Коллективлаштириш пахтачиликка ёмон таъсир қилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустақкамланиши фақат пахта етиштиришни кўпайтириб, республика иқтисодиётини хом ашё тайёрлашга мослаштиришга олиб келди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини умумийлаштирилган йирик ишлаб чиқариш йўлига ўтказиш мамлакатнинг пахта мустақиллигини қисқа муддатларда қўлга киритиш масалаларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғланди. 1929 – 1932 йилларда гўза экиладиган ер майдонлари 550 минг га дан 928 минг га гача кенгайтирилди, ялпи пахта ҳосили эса 652 тоннадан 752 минг тоннага етказилди. 1932 йили республика энди Совет Иттифоқи пахта ҳосилининг 60 фоизини берди. Мана шу пайтдан бошлаб хориждан пахта олиб келиш тўхтатилди. Бироқ пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш экин майдонларини кенгайтириш асосидагина амалга оширилди.

Мана шу даврда колхозлар колхоз ички турмуши тартибга солилмаганлиги туфайли катта қийинчиликларни бошидан кечирди. Колхозчилар меҳнатини оқилона ташкил этиш, ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлаш усуллари ҳали йўқ эди. 1931 – 1932 йиллардан бошлаб меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўланадиган доимий бригадалар ташкил этила бошлади, бу – меҳнат сарфини ва меҳнат кунлари шаклида тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашни кўзда тутар эди.

Кўрилган чораларга қарамай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шу йилларда бирор йирик ўзгаришлар бўлгани йўқ. Биринчи беш йиллик топшириқларининг кўпгина кўрсаткичлари бажарилмай қолди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 1935 – 1937 йиллардан бошлабгина

баъзи ўзгаришлар рўй бера бошлади, бунда колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ бир қадар кўпайди, қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қуроллантириш натижалари кўрина бошлади ва кадрлар тайёрлаш яхшиланди. 1937 йилдан 1940 йилгача бўлган давр орасида республикадаги тракторлар сони 18 мингдан 23 минггача кўпайдики, бу қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштиришни кучайтиришга ёрдам берди.

Қишлоқ хўжалигини мустақкамлаш, айниқса пахтачиликни ривожлантириш учун ирригация қурилиши катта аҳамиятга эга бўлди. ~~1939 йилдан бошлаб бу қурилиш халқ қурилишлари усулида олиб бориладиган бўлиб қолди. Энг катта қурилиш Фарғона канали эди. Ирригация қурилишининг кенг қулоч ёзиши 1937 – 1940 йиллар мобайнида Ўзбекистондаги суғориладиган ерлар майдонини 260 минг гектарга кенгайтиришга имкон берди.~~

Кўрилган чоралар натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида баъзи муваффақиятлар қўлга киритилди. Дон, шולי, арпа, маккажўхори ишлаб чиқариш кўпайди. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб қолди. 1940 йил бошига келиб қорамоллар сони 1934 йилдагига қараганда бир ярим баравардан кўра зиёдроқ кўпайди.

1939 йилда ялпи пахта ҳосили деярли 1 млн. 583 минг тоннага етди, пахта ҳосилдорлиги эса гектарига 17,8 центнерни ташкил этди. Ўзбекистонда каноп етиштирилаётган бўлди, каноп ишлаб чиқариш умумиттифоқ миқёсига нисбатан 3 фоизни ташкил этди. Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистон мамлакатда етиштирилаётган барча пилланинг ярмини берар эди. Шундай қилиб Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳалари асосан Марказ саноатини ривожлантиришга қаратилган эди.

Бироқ баъзи иқтисодий муваффақиятларга қарамай, коллективлаштириш натижасида деҳқонларга хос бутун турмуш тартиби бузилди, маънавий ва ахлоқий қадриятлар завоп кўрди. "Юқоридан қилинган инқилоб" дан мерос бўлиб қолган энг оғир нарса ер эгасининг йўқ бўлиб қолганлиги, меҳнаткаш инсон билан ер, жамият билан табиат алоқаларининг айнаб, емирилиб кетганлигидан иборат бўлса, ажаб эмас. Қишлоқ учун анъана бўлиб келган кўпгина халқ одатлари ва расм-русумларини қоралаш,

динга қарши ўйламасдан ва қўпол равишда ўтказилган ташвиқот-тарғибот ҳам ёмон таъсир қилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш Ўзбекистонда қандай амалга оширилди? 2. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг оқибатлари нима бўлди? 3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 30-йиллардаги тараққиёти тўғрисида сўзлаб беринг.

4-§. Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти

Бу ўн йилликдаги жуда ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятга ҳар хил тарзда таъсир ўтказди, барча соҳадаги ўзгартиришларни қарама-қарши тусга киритди ва республика тараққиётининг асосий тенденциялари ҳамда йўналишларини узоқ йилларга белгилаб берди.

!Халқ таълими. Аҳоли саводхонлиги даражасининг кўтарилиши муҳим ютуқ бўлиб қолди, саводхонлик 1930 йили деярли 79 фоизга етди. Меҳнатга яроқли аҳолининг деярли ҳаммаси саводсизликни тугатиш тизимида ўқиб чиқди. Саводсизликни енгишга доир иш давом этиб борар эди. 1930 йили умумий бошланғич таълимнинг жорий этилиши саводсизлик кўламлигини қисқартиришга ердан берди. Ажратилган катта-катта маблағлар мактаб тармоғини анча кенгайтиришга, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга имкён берди. Умумий таълимни амалга ошириш учун ўқитувчилар, талабалар, илм-фан ходимлари, комсомолларнинг катта армияси сафарбар этилди. 30 - йилларнинг охирларида умумий етти йиллик таълимни амалга оширишга киришилди.

1940 йили республикада барча турлардаги 5,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари ишлаб турди, буларда 1,3 млн. га яқин болалар ўқиди. Бироқ, бу даврда мактаб ёшидаги ҳамма болаларни, айниқса қишлоқ жойларида ўқишга жалб қилишнинг имкони бўлмади: мактаб бинолари, ускуна-жиҳозлар, ўқитувчилар етишмас эди ва ҳоказо. Мактаб таълими ҳар хил соҳадаги билимларни эгаллаб олган, жамоат ҳаётига фаол қўшилиб кета оладиган, олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб

ўқий оладиган саводхон ёшлар етиштириб чиқаришни кўпайтиришга имкон бера оладиган жиддий ислоҳотга муҳтож эди.

Афсуски, халқ таълимида буйруқбозлик нуқтаи назаридан туриб, экстенсив равишда ёндошиш кучайиб борди. Бунинг натижасида сифат муаммолари четга суриб қўйилиб, миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга ўтиб қоладиган бўлди. Аҳволни хўжакўрсинга яхшилаш орқасидан қувиш жамиятнинг маданий ҳолатига ёмон таъсир ўтказди ҳамда олий ва ўрта мактабга сезиларли даражада зарар етказди.

Саноат корхоналарининг ишга туширилиши, колхозлар ва совхозлар тузилиши, янги-янги идораларнинг пайдо бўлиши тегишли мутахассисларга бўлган талабни кучайтирди. Институтлар ва техникумларга мутахассислар етиштириб чиқаришни миқдор жиҳатдан кўпайтириш вазифаси юкланди, бунинг натижасида ўқиш муддатлари анча қисқартирилди. Мавжуд институтлар ва техникумларнинг базаларида янги ўқув юртлари, жумладан пахтачилик-ирригация, политехника, қишлоқ хўжалиги, кон қидириш, зооветеринария, автомобиль йўллари, тўқимачилик, транспорт, тиббиёт институтлари ва бошқа институтлар очилди. Педагогик академия базасида 1933 йили Самарқандда Ўзбек давлат университети барпо этилди. 30- йилларнинг охирида республикада 44 минг талаба ўқийдиган 30 та олий ўқув юртлари ва 98 та техникумлар ишлаб турди. Институт ва техникумларни битириб чиқувчиларнинг сони бир неча баравар кўпайди. Бу янги мутахассислар халқ хўжалиги ходимлари сафига келиб қўшилди.

Илм-фан. 30- йиллар илм-фаннинг қарор топишида жиддий ютуқлар қўлга киритилгани билан нишонланди. Халқ хўжалигида каттагина аҳамияти бўлган муаммоларни назарий ва амалий йўл билан ҳал этиш устида самарали меҳнат қилган дастлабки миллий кадр олимлар етишиб чиқди. Геолог олимлардан Ҳ. М. Абдуллаев, Ғ. А. Мавлонов, Н. А. Кенесарин, математиклардан Т. Н. Қори Ниёзов, Т. А. Саримсоқов, биологлардан Т. З. Зоҳидов, Д. К. Саидов, А. М. Музаффаров, А. Т. Тўлаганов, кимёгарлардан О. С. Содиқов, А. С. Сатторов, М. Юнусов, Ҳ. У. Усмонов, К. С. Аҳмедов, энергетиклардан Ҳ. Ф.

Фозилов, Г. Р. Раҳимов, файласуфлардан И. Мўминов, археолог Я. Ғ. Ғуломов, тарихчи П. Солиев ва бошқа кўпгина олимлар янги илмий йўналишлар ҳамда мактабларнинг асосчилари бўлиб қолишди. Илм-фанни ривожлантириш ва миллий илмий кадрларни етиштириб чиқаришда Россия олимларидан В. И. Романовский, А. С. Уклонский, Н. Я. Корженевский, И. А. Райкова, А. М. Титов, Е. П. Коровин ва бошқалар бебаҳо ёрдам кўрсатдилар.

Илмий ишларни уйғунлаштириб тартибга солиб бориш учун ЎзССР Марказий Ижроия Комитети қошида 1932 йили Фанлар Комитети тузилди. Бу Комитет 1940 йили СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига (ЎзФАНга) айлантирилди. 1941 йили республикада 75 та илмий муассаса бўлиб, буларда уч минг нафардан ортиқроқ илмий ходимлар меҳнат қилар эди. Илм-фаннинг халқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган улуши тобора кўпроқ сезиладиган бўлиб борди.

Адабиёт ва санъат. Миллий адабиёт ва санъатнинг аҳволи мураккаб бўлиб, уни бир сўз билан ифодалашнинг иложи йўқ эди. Шахсга сиғиниш вазияти оғирлашиб келаётганига қарамай ижодий ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Ёзувчи ва адибларнинг сафлари кенгайиб борди. 1934 йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон ёзувчилар съезди бўлиб ўтди, шу съездда республика Ёзувчилар уюшмаси тузилди.

Ўзбек ёзувчиларининг номлари жуда машҳур бўлиб қолди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Маҳмуд Ходиев (Боту), Маннон Абдуллаев (Рамз), Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Амин Умарий, Уйғун, Комил Яшин ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг асарлари халқнинг ҳаётини, курашини, турмуши ва аъёнларини, меҳнат қаҳрамонлигини, даврнинг завқ-шавқи ва романтизмни образли, бадиий шаклда тасвирлаб берди.

Миллий адабиётнинг мавзу доираси анча кенгайди. Янги инсон, янги турмуш нишонларининг қарор топиб боришини очиб берадиган меҳнат мавзулари биринчи ўринга чиқа бошлади. Бу мавзулар Ойбек асарлари – "Қутлуғ қон" романи, "Бахтиёр ва Соғиндиқ", "Жўра темирчи", "Дилбар – давр қизи" деган дostonларида, Ғ. Ғуломнинг

"Кўкан" достони, А. Қодирийнинг "Обид кетмон" повести ва бошқа кўпгина асарларида ўз аксини топди.

Ўзбек драматургияси ривожланиб борди. 30- йилларда К. Яшиннинг "Ўртоқ", "Номус ва муҳаббат", "Тор-мор", З. Саид ва Н. Сафаровларнинг "Тарих тилга кирди", Н. Сафаровнинг "Уйғониш" пьесалари, К. Яшиннинг "Гулсара", "Бўрон", "Улуғ канал" опера либреттолари ва бошқалар яратилди.

Халқнинг юксак инсонпарвар ва ахлоқий хусусиятларини — меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги, одамшинавандалиги, ватанпарварлиги, шижоатини мадҳ этувчи халқ шоирлари — дostonчилар, оқинларнинг асарлари янгича куч билан янгради. Фозил шоир, Ислom шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли ва бошқаларнинг номлари катта шухрат топди.

Ўзбекистоннинг театр ва musiқа санъати бошқа халқлар миллий анъаналари ва ютуқларидан ижодий тарзда фойдаланиб келди ва ўзбек халқи маънавий маданиятининг ҳаётбахш манбаи бўлиб қолди. Ўзбек musiқа ва вокал маданиятининг ривожланишида 1936 йили Тошкентда очилган давлат консерваторияси муҳим ролни ўйнади. 1939 йили республика пойтахтида опера ва балет театри бўлиди.

Musiқа, театр ва кино санъатининг истеъдодли миллий кадрлари етишиб чиқди. Ўзбек миллий musiқасини ривожлантиришда ўзбек композиторларидан Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқовларнинг катта роли бор. Ажойиб драматурглар ва актёрлар Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Мария Кузнецова ва бошқалар туфайли ўзбек театр санъати гуллаб-яшнади. Вокал ва рақс санъатида Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Муҳиддин Қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзоев, Лutfихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева ва бошқалар юксак маҳоратга эришдилар. 1940 йилга келиб республикада ҳар хил жанрлардаги 50 та, жумладан 47 та миллий театр ишлаб турди. Ўзбекистонда яшаб турган барча миллатлар ўзларининг театр маданиятини ривожлантириш имконига эга бўлдилар.

Ўзбек кино санъати ҳам фаоллик билан шаклланиб борди. Унинг истеъдодли бошловчилари Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Раҳим Пирмуҳамедов ва бошқалар Москва ва Ленинград кинематографлари билан биргаликда ўзбек кино студиясида "Ровот қашқирлари", "Қасам",

"Асал", "Сўнги бек", "Усти ёпиқ арава" деган дастлабки бадий фильмларни яратдилар.

Республиканинг маданий ҳаётида тасвирий ва амалий санъат тобора кўпроқ сезиларли роль ўйнай бошлади. Истеъдодли ўзбек rassомлари Ў. Тансиқбоев ("Озод этилган аёл"), Т. Ҳамдамий ("Тўқимачилик фабрикаси қурилишида"), Д. Абдуллаевлар ("Пахта терими") ажойиб полотно-суратларни яратдилар. Халқ амалий ва безатиш санъати янги мазмун билан бойиди. Ажойиб наққошлик, металл зарблаш, ёғоч ва ганч ўймакорлигининг ажойиб намуналари, бадий зардўзлик ва ипакдўзлик буюмлари яратилди. 1932 йили Ўзбекистон rassомлари уюшмаси тузилди.

30- йилларда маданий-оқартув муассасалари тармоғи кенгайишда давом этиб борди. Йирик sanoат корхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, қишлоқ хўжалик артеллари қошида колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо этилди, кутубхоналар тармоғи кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари жиҳозланди. Кўп миқдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушида расм бўлиб қолди.

Бироқ, 30- йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ исканжага олди. Ижодиётни партиявийлик тамойилларига, мафкуравий қонда-қонунларга бўйсундириш дунёни бадий тасвирлашни қўпол равишда социологиялаштириш учун кенг йўл очиб берди, дунёни биلىш имкониятларини торайтириб қўйди. Партиянинг янги турмушни мадқ этишга қилган даъвати халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига, бадий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб кўрсатиш, хато ва камчиликлар тўғрисида сукут сақлаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Ҳаётий ҳақиқат бузиб кўрсатилар эди, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30- йиллардаги қатағонлар миллий маданият учун даҳшатли фожиага айланди. Қонунчилик қўпол равишда бузилиши ва инсон қадр-қимматлари поймол этилиши муносабати билан миллий маданият ўрни тўлмайдиган даражада завола кўрди. Истеъдодли адабиёт ва санъат арбоблари – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, Муҳаммад Ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Ҳошимов ва бошқалар миллий маданият кучоғидан узиб олиниб халқ душманлари дсб эълон қилинди. Қатағон қилинган ва таъқиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида тақиқ бўлиб турди. Ноҳақ унуттириб юборилган, кўпинча эса жисмонан ҳам йўқ қилинган жасур халқ фарзандларининг асарлари шахсга сиғиниш тугатилганидан кейин гарчи халққа қайтариб берилган бўлса-да, ўлимидан кейинги ҳеч қандай шон-шуҳрат улар бошидан кечирган таҳқир-у қийноқларнинг аламини боса олмайди.

Динни, руҳонийлар ва диндорларни таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завола етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи-назардан ёндошиш инкор этила бошлади. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилиқ билан алмаштирилди. „Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона“ деган қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб динга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар миқёсдаги таъқибларни ҳеч қачон бошидан кечирмаган эдилар.

Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми 30- йилларда концентрацион лагерларга жунатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси ўтмишда гарчи диний маросимларни ўтказиш ўчоқлари бўлибгина қолмасдан, халқнинг буюк меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари ҳам бўлганига қарамай, бекитиб қўйилди.

Бироқ, шахсга сиғиниш йилларида ва ундан кейинги кўпгина йилларда атеизмни зўрлаб тиқиштириш ва исломга қарши зўрлик ўтказиш диннинг ўлиб кетишига олиб келмай, балки, аксинча, унинг аҳолига таъсирини кучайтирди.

13— Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

Диндорлар масжид ҳамда руҳонийлардан маҳрум бўлган бўлсалар-да, тоат-ибодат қилишни яширинча давом эттиравердилар. Жанговар атеизм одамларнинг ғазабини уйғотди, холос.

Миллий зиёлиларнинг шаклланиши. Ўзбекистон зиёлилари учта манбадан: эски мактаб ходимлари, ишчи ва деҳқонлар орасидан чиққанлар ва олий ўқув юртлари ҳамда техникумлар тармоғи етиштирган кишилардан шаклланиб боришида давом этди. Эски мактаб зиёлилари янги жамият қурилишига ўз улушини қўшиб, виждонан меҳнат қилдилар. Бироқ 20- йилларнинг охири – 30- йилларнинг бошларидан уларга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган хатти-қаракатлар қилина бошлади. Совет тартиботи уларни таъқиб остига олиб ва қамоқхоналарга ташлаб, кейинчалик концентрацион лагерларга жўнатиб, меҳнат озодлигидан маҳрум қилди. Олимлар, муҳандислар, агрономлар, партия-совет ходимлари таъқиб остига олинди ва қатағон қилинди. Республика ўзининг кучли кадрларидан айрилди, зиёлилар авлодларининг пайвасталиги ваҳшиёна равишда бузилди. Бу фожа инсонларнинг қалбларида битмас жароҳатлар қолдирди.

Шу йилларда ходимларни пастдан юқорига кўтариш амалиёти қарор топиб, кадрлар етишмаслиги муаммосини бир қадар ҳал қилди. Лекин пастдан кўтарилган ходимларнинг етарли даражада тайёргарлик олмагани халқ кўжалиги мутахассисларининг ижодий салоҳиятига таъсир кўрсатди. Ривожланиб келаётган республика халқ кўжалиги ва маданиятининг барча соҳаларида юқори малакали кадрларнинг жуда кўп етишмаслиги шу ўн йилликнинг характерли нишонаси бўлди.

Малакали кадрларни тайёрлаб чиқариш учун олий ўқув юртлари ва техникумлар кўп иш қилди. Мутахассислар етиштириб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб борди. 1941 йилнинг бошларига келгандаёқ иқтисодиёт ва маданиятнинг турли соҳаларида 55 мингга яқин дипломли мутахассислар ишлар эди. Лекин бу республиканинг олий ва ўрта малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини мутлақо қондира олмас эди. Бундай мутахассисларнинг сони камида 173 минг кишини ташкил этиши керак эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Республика халқ таълимининг 30-йиллардаги тараққиётида қандай қийинчиликлар ва зиддиятлар бор эди? 2. Шу йиллари қандай ўқув юртлари очилди? 3. Ойбек, Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин ва бошқа Ўзбекистон ёзувчиларининг 30-йилларда яратилган асарларидан ўзингизга маълумларининг номларини айтиб беринг. 4. 30-йилларда санъатнинг қандай жанрлари шаклланиб борди? 5. Атеизмни зўрлик билан тиқиштириш ва исломга қаршилиқ кўрсатишнинг оқибатлари нима бўлди?

5-§. Халқнинг моддий аҳволи ва ижтимоий қиёфасидаги ўзгаришлар

Индустриалаштириш муносабати билан жадал равишда бошланган иқтисодий юксалиш маблағлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жуда ҳам танқис бўлиб турган шароитларда меҳнатни моддий жиҳатдан рағбатлантириш имкониятларини чеклаб қўйди, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг узилишига, турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятдаги руҳий кескинликни кучайтириб борди.

Саноатда режа топшириқларини ошириб бориш ва ялпи коллективлаштириш билан ифодаланган 20-йилларнинг охири – 30-йилларнинг бошларидаги „социалистик ҳужум“ аслини олганда, иқтисодиётдаги қанчадан-қанча муаммоларни ҳал қилиш ва шу билан бирга жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этиш йўлидаги уриниш эди. Бунга кўп жиҳатдан меҳнаткашлар ҳисобига эришиб борилди. Жамоа шартномаларини қайтадан тузиш, таърифларни ислоҳ қилиш, иш нормаларини қайта кўриб чиқиш натижасида 20-йилларнинг охиридаёқ меҳнатга бир текис ҳақ тўлаш кучайиб борди, айрим тоифадаги ишчиларнинг иш ҳақи камайиб кетди. Коллективлаштириш туфайли юзага келган оғир вазият қишлоқ хўжалигида 30-йилларнинг ўрталарига қадар сақланиб келди.

Республиканинг миллий даромади ва меҳнатга ҳақ тўлаш. Биринчи ва иккинчи беш йилликларнинг баъзи топшириқлари бажарилмаган шароитда ҳам Ўзбекистон халқ хўжалиги тобора мустаҳкамланиб борди. Шунга яраша миллий даромад, яъни иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим саналган кўрсаткичи ҳам ўсиб борди. Миллий даромад дастлабки икки йиллик мобайнида 2,5 баравар ўсди,

лекин аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдорлари, ишчиларнинг ойлик иш ҳақи гарчи 2,5 барабар кўпайган бўлса-да, биринчи беш йилликка қараганда бир қадар ҳам кўпаймади.

Ўртача статистик маълумотлар меҳнаткашлар турмуш даражасининг ҳақиқий манзарасини очиб бермас эди. Иш ҳақи аслида фақатгина оғир саноат соҳаларида тез суръатлар билан кўпайиб борди, лекин бу соҳалардаги ишчиларнинг асосий қисмини Россия, Украина ва Беларуссиядан келган юқори малакали ишчилар ташкил этар эди. Ўзбек ишчилари эса асосан малакаси паст, демак иш ҳақлари ҳам катта эмас эди.

Меҳнаткашларнинг асосий оммасида 20- йиллар учун характерли бўлган меҳнат шавқ-завқининг аста-секин йўқолиб бориши билан давлат структуралари ошкора равишда қуруқ маъмурий чоралар кўриш, жазо аппаратидан фойдаланиш йўлига ўтдилар. Ишчилар мажбурий равишда корхоналарга бириктириб қўйилар, ишга келмаганлик, ҳатто кечикиб келганлик учун жиноий жазолар берилар эди.

Ишсизликнинг тугатилиши. Пенсия билан таъминлаш муаммолари ва нафақалар. Индустрлаштиришнинг Ўзбекистондаги ижобий омилларидан бири ишсизликни тугатиш бўлди. Ишсизлик учун нафақалар тўлашдан бўшаган маблағлар ижтимоий суғурта фондига ўтказилди. 1934 йилдаёқ республика аҳолисининг 414 минг нафардан кўра кўпроғи суғуртанинг ҳар хил турлари билан қамраб олинган эди.

1934 йили нархларнинг камайтирилиши кўпгина тоифадаги меҳнаткашларнинг аҳволини бир қадар яхшилади. Биргина шу йилнинг ўзидаёқ озиқ-овқат молларининг нархлари Ўзбекистонда ўртача 33 фоизга камайтирилди. Партия ва давлат номенклатураси бундан ташвиқот-тарғибот мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилди. Бироқ энг зарур нарсаларнинг мудом етишмаслигидан ҳолдан тойган аҳолининг умидлари шафқатсиз ҳақиқий аҳвол олдида чиппакка чиқди: нархлар пасайтирилишининг ўрнини давлат меҳнат баҳосини камайтириш, мукофот пулларини бскор қилиш, тарифлар жадвалларига ҳар хил ўзгартиришлар киритиш, ҳақ тўланмайдиган меҳнат соҳаларини кенгайтириш (шанбаликларни), шунингдек сифатни яхшилаш баҳонаси билан

баъзи турдаги моллар нархларини пинҳона ошириш йўли билан қоплади.

Савдо-сотиқ ва умумий овқатланишнинг аҳволи. 30-йилларда савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш тўла-тўқис давлат сектори ихтиёрига ўтди. Бироқ партия-давлат номенклатураси тақсимотчиларини айтмаганда, савдонинг барча ёпиқ шакллари 1936 йилнинг бошларидагина тугатилди. 1935 йили кўпгина турдаги озиқ-овқат молларига, 1937 йилнинг охирига келганда эса нон, ун, ёрмага карточка тизими бекор қилинди.

Катта-катта ва жуда хилма-хил моллар сотиладиган бозорларнинг борлиги Ўзбекистонда озиқ-овқат муаммосини юмшатди. Савдонинг бу тури ҳар турли сабзавот ва меваларни паст баҳода сотиб оладиган шаҳарликларга ҳам, ўзларининг ихчамгина бюджетини савдо ҳисобига тўлдириб борадиган деҳқонларга ҳам фойдали эди. Қадимдан меҳнатсевар бўлиб келган ва ерга меҳр қўйган ўзбек деҳқонлари колхоз-совхоз тизими шароитларида ҳам ўзларининг шахсий томорқаларида яхши ҳосил етиштирар эдилар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволи. Қишлоқ аҳолисининг моддий-маиший аҳволи яхшиланади деган умид 1925 – 1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши билан боғланган эди. Бироқ жиддий хатолар ва суиистеъмол қилиш ҳолларига йўл қўйилди. Ғаразли йўл тутилиши натижасида кўпгина деҳқон хўжаликлари жабрланди. Нисбатан ўзига тўқ деҳқонларнинг ерлари тортиб олиниб, ерсиз ва ўрта ҳол деҳқонларга берилди, уларнинг кўпчилиги ер, чорва, асбоб-ускунага эга бўлганидан кейин булардан фойдалана олмади, чунки ялпи коллективлаштириш ўтказилиши билан уларнинг ҳаммаси умумий фондга ўтиб кетди.

Ислоҳотдан кейин қашшоқ хўжаликларнинг салмоғи қишлоқларда ҳамон 36 фоиздан кўра кўпроқни ташкил этар эди. Бунда ўзига тўқ, демак, соҳибкор, тиришқоқ хўжалик эгаларининг сони жуда камайиб кетди. Коллективлаштириш даврида қулоқ хўжаликларини тугатиш исканжасига ўрта ҳол деҳқонлар ҳам тушиб қолди. Шу тариқа, зўравонлик ва бедодлик йўли билан қишлоқнинг бир зайлдаги ижтимоий-синфий структураси яратилдики, пировард натижада бу нарса бутун қишлоқ ҳаётининг қашшоқланишига олиб келди.

Колхоз тузилиши шароитларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳалари қатъий назорат остига олинди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги юзасидан режа кўрсаткичлари, солиқ мажбурияти жорий этилди, жамоа хўжалиklarининг даромадлари ва сарф-харажатлари белгилаб қўйилди. Колхозчилар ўз меҳнатларининг меваларидан мустақил равишда фойдалана олмас эдилар. Жамоа хўжалиklари экин майдонлари, ҳосиллари, даромадларининг ўсиши аниқ бир колхозчининг, шу жамоадаги маълум бир меҳнаткашнинг ўз моддий ҳолатига амалда таъсир ўтказмас эди. Кўпгина оилалар қашшоқларча турмуш кечиран эди. Мажбурловчи ва эксплуатация қилувчи феодал тузуми ўрнини партия-давлат тузуми эгаллади.

Турмушдаги ўзгаришлар. Шундай қилиб, турмушнинг янги шакллари, гарчи секинлик билан бўлса-да, қишлоққа кириб борди. Ўзбек қишлоқларида неча юзлаб клублар, кутубхоналар, киноқурилмалар пайдо бўлди, қизил чойхоналар, ҳаммомлар очилди.

Ўн йилликнинг охирларига келиб Ўзбекистон шаҳарлари электрлаштирилди. Уларнинг қиёфаси ўзгарди. Шаҳар кўчалари ёритилиб, кўкаламзорлаштирилди, боғлар ва хиёбонлар барпо этилди.

Турар жой муаммолари. Турар жой муаммоси ўз кескинлигини ҳамон йўқотмай келаверди. Ишчиларнинг зўр бериб шаҳарларга кўчиб келишига сабаб бўлган индустриалаш ва оммавий саноат қурилиши давомида бу муаммо қисман чуқурлашди ҳам. Худди ана шу даврда шаҳар аҳолиси кескин кўпайди (Тошкентда 150 минг кишига, Самарқандда 50 минг кишига). Турар жой қурилишига ажратиладиган капитал маблағлар етарли эмас эди. Турар жой муаммолари мажмуасини ҳал қилиш учун улар етишмас эди. Уйларнинг кўпчилигида коммунал-маиший қулайликлар йўқ эди. Турар жой-маиший ва турар жой-қурилиш кооперативлари Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ишчи шаҳарчалари қурилишини бошлаб, турар жой муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилдилар.

Ижтимоий сиёсатнинг зиддиятлари. Совет тузумида азалдан мавжуд бўлган зиддиятлар 30- йилларда кучая бошлади. Ҳаётнинг барча томонлари устидан давлат тўла назорат олиб борадиган, партия аппарати ҳар қандай ҳукм чиқаришга қодир бўлган вазиятда меҳнаткашлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, маиший соҳаларини ислоҳ қилиш ёки лоақал юмшатиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Марксизм-ленинизм томонидан социализмнинг капитализмдан афзаллиги тўғрисида, меҳнаткашлар фаровонлигини тубдан юксалтиришга, ҳаётнинг асл моҳиятини ўзгартиришга қодир бўлган янги ижтимоий тузум тўғрисида эълон қилган фикрлари марксизм-ленинизм назариясига, шак-шубҳасиз, жозибадор тус берар эди. Бироқ маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар тартибот шароитларида бу назариянинг амалиёт билан тўқнашувга бардош бера олмагани 30- йилларнинг ўзидаёқ маълум бўлиб қолди. Ҳақиқатдаги воқелик моддий бойликларни бир текис тақсимлаш, ишлаб чиқариш воситаларини умумийлаштириш, иқтисодий жиҳатдан ҳаммани ялписига тенглаштириш, хусусий мулкни тугатиш, бозорга қараб ҳўжалик юритиш механизмларидан воз кечиш сиёсатининг бемаънилигини тасдиқлаб берди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб кетиши муқаррар суръатда меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорининг камайишига, меҳнат ва турмуш шароитларининг ёмонлашиб қолишига олиб келди. 30- йилларнинг охири ва 40- йилларнинг бошларида озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш 1924 – 1928 йиллардагига қараганда 10 – 15 фоизга камайди. Меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг қаттиқлашуви, ишчиларни ишлаб чиқаришга ва қишлоқ аҳолисини колхозларга зўрлаб бириктириб қўйиш, ишга кечикканлик учун жиноий жазо беришни жорий этиш ва бошқа қатағон чоралари тоталитар тизимнинг самаралари бўлди.

Меҳнат кишиси тўғрисидаги ғамхўрлик тобора сезиларли даражада орқадаги ўринга сурилаверди, давлат ижтимоий сиёсатининг инсонпарварлик табиати йўқолиб бо-
раверди.

Аҳолининг ижтимоий-миллий таркибидаги ўзгаришлар. Иқтисодий ва сиёсий қайта қуришлар жамиятнинг ижтимоий тузилишида ўзгаришларга олиб келди. ~~1939 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, ЎзССРда 6,2 млн. киши (1926 йили – 4,5 млн. киши), шулардан 1,4 млн. нафари шаҳарларда ва 5 млн. нафарга яқини қишлоқларда яшар эди. Ўзбеклар 4 млн. кишидан ортиқроқ эди, лекин уларнинг 585 минг нафари шаҳарларда, 3,4 млн. нафари эса қишлоқларда истиқомат қилар эди.~~

Республиканинг ижтимоий тузилишида эксплуататор синфлар ва гуруҳлар деган қатламлар йўқолиб кетди. Якка хўжалик деҳқонлар ва ҳунармандлар 3 фоиздан кўра кўпроқни ташкил этар эди. Шаҳар ва қишлоқ ишчилари, колхозчилар, кооперациялашган ҳунармандлар ва хизматчилар кўпчилиكنи ташкил этадиган тоифа бўлиб қолди.

Саноат ва қурилишни ишчи кучи билан таъминлаш қисман Иттифоқнинг марказий районларидан ишчиларни уюшган ҳолда олиб келиш йўли билан амалга оширилди, шунинг натижасида Ўзбекистонда оврўпалик аҳоли сони ортиб борди. Аҳолини 1926 йилдаги рўйхатга олиш билан 1939 йилдаги рўйхатга олиш орасида ўтган даврда бутун республика аҳолиси 37 фоизга кўпайгани ҳолда рус аҳолисининг сони 62 фоизга ортди. Аҳолининг кўп миллатлилиги: ўзбеклар, тожиклар, руслар, украинлар, белоруслар, яҳудийлар, қozoқлар, туркманлар, қирғизлар, татарлар, арманлар, поляклар, немислар, мордва ва бошқалардан иборатлиги республиканинг характерли хусусияти бўлиб қолди.

Миллатлараро муносабатлар. Ўзбек халқи ва республика ҳукумати Ўзбекистонда яшаб турган барча халқларга, уларнинг миллати, сони, маданияти ва диний анъаналаридан қатъи назар, уларни жуда яхши тушуниб ва яқин дўст деб билиб келдилар. Уларнинг меҳнат қилиш, билим олиш ва ижтимоий таъминотдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқлари, тили билан маданиятининг эркин ривожланиб бориши, сиёсий ва фуқаровий ҳимояланганлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонун йўли билан мустаҳкамланди.

30- йилларда ЎзССР Марказий Ижроия Комитети

қошида Майда миллат ишлари бўйича комитет тузилди. У, жумладан, турли миллат вакилларининг Советларга, давлат бошқарув органларига жалб қилиш масалаларини тартибга солиб борар эди ва ҳоказо. 1929 йилдаги сайловлар натижасида Маҳаллий Советларга сайланган депутатлар орасида майда миллат вакиллари 14 фоизни ташкил этди (сайловдан олдин улар 3 фоиздан камроқ эди). 1931 йили барча район ижроия комитетлари раисларининг 17 фоизи майда миллат вакилларидан иборат бўлди.

Майда миллатлар ҳаётининг ижтимоий-маданий соҳаси ҳам ўзгарди: ўқиш она тилларида олиб бориладиган мактаблар сони кўпайди, интернатлар, маориф институтлари, саводсизликни тугатиш мактаблари, клублар, кутубхоналар ва бошқалар очилди.

Майда миллатлар зич яшайдиган жойларда уларнинг талабларини қондириш учун миллий маъмурий тузилмалар – миллий районлар ва қишлоқ Советлари барпо этилди. Майда миллатлар тилларида иш олиб бориладиган судлар ва юридик ёрдам ташкил этилди.

Бу – янги жамиятда ҳали йўқолиб кетмаган инсонпарварлик ўзининг ижобий самараларини бериб турган давр эди. Бироқ маъмурий-буйруқбозлик тизими узил-кесил қарор топиши билан миллий муносабатларда қинғирликлар пайдо бўлиб, кўпгина миллий гуруҳларнинг манфаатлари бўғила бошлади. Ҳокими мутлақлик тафаккури миллий ўзига хосликни, миллий манфаатлар ва интилишларни сиқув остига олиб, ғалаба қозонди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва пенсия билан таъминлаш 30- йилларда нима билан характерланар эди? 2. Республика аҳолиси шу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари билан қандай таъминланди? 3. Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволи шаҳар аҳолисининг моддий аҳволидан нима билан фарқ қилар эди? 4. Аҳоли турмушида қандай ўзгаришлар бўлди? 5. 30- йиллардаги миллатлараро муносабатлар тўғрисида сўзлаб беринг.

6-§. Ўзбекистоннинг 20 – 30- йиллардаги халқаро алоқалари

Иқтисодиёт тикланиб, мамлакатда сиёсий барқарорликка эришилиши, янги республикалар тузилиши билан ягона халқ хўжалиги мажмуасини тузиш вазифаси кўндаланг

бўлиб туриб қолди.¹ Бу мажмуада Ўзбекистонга анча муҳим роль берилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро таъсир ўтказишнинг шакллари Марказ сиёсатининг ўзгаришига қараб бошқача бўлиб, ўзгариб борди.

Халқаро алоқалар ўрнатишга интилиш. Худди бошқа Ўрта Осиё республикалари сингари, Ўзбекистон ҳам иқтисодий ва маданий ривожланишининг деярли барча кўрсаткичлари бўйича марказий вилоятлардан анча орқада турар эди. Марказ бундай тафовутнинг минтақадаги ижтимоий барқарорликка ва СССРнинг қўшни Осиё мамлакатлардаги обрў-эътиборига ёмон таъсир ўтказиши мумкинлигини тушунар эди. Шу сабабдан Марказ қолоқ чекка ўлкаларга чиндан ҳам ёрдам беришни исташ билан бир қаторда қўшни давлатлардаги ўз мавқеини мустақкамлашга ҳаракат қилди.

Бизнинг республикамиз учун халқаро алоқалар Туркистон АССР мавжуд бўлиб турган даврда ҳаммадан кўра самаралироқ бўлди, чунки у ёки бу республикага дахлдор халқаро ҳуқуқ масалаларига доир қарорлар Иттифоқ таркибига кирилмасидан олдин шу республиканинг олий ҳокимият органлари томонидангина узил-кесил қабул қилинар эди. РСФСРнинг Афғонистон билан бевосита алоқаларини ўша даврда фақат ТАССР ҳукуматигина амалга ошириб келгандигини айтиб ўтиш кифоя.¹ Тошкентда Афғонистон Бош консуллиги очилган эди. Туркистон республикаси Туркия, Ҳиндистон, Эрон билан дўстона муносабатлар ўрнатишда фаол иштирок этди. ↑

СССР таркибига кирилганидан кейин республикамизда ташқи ишлар халқ комиссарлиги тарқатиб юборилди. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари қошида Иттифоқ ташқи ишлар халқ комиссарлигининг вакиллиги қолди, холос. Ташқи сиёсий ва ички иқтисодий фаолиятни, аслида, Марказ амалга ошириб борадиган бўлди.¹

Кейинчалик Ўзбекистоннинг айрим вакилларигина Шарқ мамлакатларининг совет элчихоналарида маслаҳатчилар, таржимонлар бўлиб ишлай бошлади холос ва ҳоказо. Ўзбекистон республикасининг бутун халқаро фаолияти савдо-иқтисодий кўرғазмалар ва ярмаркаларда – Ўзбекистон ютуқларини намоиш этиш учун жой ажратиладиган совет павильонида иштирок этиш, шунингдек феодализмдан „сакраб“ социализмга ўтишнинг натижа-

ларини намойиш қилиб кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда ҳар хил ажнабий делегацияларни қабул қилишдан иборат бўлиб қолди. Фақатгина ташвиқот-тарғибот мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонга ўзининг иқтисодий соҳадаги салоҳиятини кўрсатишга имкон берилар эди. Пахта, ипак, қоракўл тери, дори препаратлари, айрим турлардаги қишлоқ хўжалик машиналари, ҳунармандчилик буюмлари узоқ йиллар давомида республиканинг четга чиқариладиган асосий моллари бўлиб келди.

Ўзбекистоннинг ажнабий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари бутунлай деярли Иттифоқ экспорт-импорт муомалалари билан амалга оширилди ва бу масалаларда мустақиллик тўғрисида сўз юритиш ҳам мумкин эмас эди.

Илмий ва маданий алоқалар. Халқаро алоқалар тўғрисида сўз очилар экан, ўзбек йигит-қизларини турли мутахассисликларга ўқиб келиш учун хорижий мамлакатларга, жумладан Туркия ва Германияга юборилганлигини эслатиб ўтиш зарур. Германияда ўқиш ҳаммадан кура самаралироқ бўлди. 20- йилларнинг бошларидаёқ бир неча ўн кишидан иборат дастлабки гуруҳлар ўқишга юборилган эди. Ёш республика учун зарур мутахассисликларни (тўқимачилик ва тери ишлаб чиқариш, қурилиш ишлаб чиқариши, агрономия ва бошқа мутахассисликларни ўрганиш учун 30- йилларда ҳам ана шундай ўқиш қисман давом этиб борди. Мана шу таълим дастурларини пул маблағлари билан таъминлашда ўзбек ёзувчилари Абдулҳамид Чўлпон, Мунаввар Қори Абдурашидхон ва баъзи бошқа ёзувчилар катта роль ўйнадилар. Булар адабий-бадний кечалар ўтказар ва тушган пуллар Германияда ўқийдиган ўзбек талабаларига юборилар эди. Мана шундай муҳим ва тараққийпарвар ташаббус, афсуски, кейинчалик ривожланмасдан қолди.

Ташқи дунё билан мулоқатда бўлишнинг ниҳоятда самарали йўли илмий алоқалар бўлиб қолди. Моддий ва маънавий қадриятларга, бой тарихий, меъморий, археологик объектларга эга бўлган Ўзбекистон кўпгина хорижий олимларни ўзига жалб қилар эди. 30- йилларнинг бошларида Ўзбекистон билан Япониянинг ипакчи олимлари ўртасида самарали илмий алоқалар боғланди. Бизнинг назарий ютуқларимиз япон мутахассисларида жиддий

қизиқиш уйғотди. Ипакчилик тадқиқот институтининг мутахассислари 1930 – 1931 йиллари Японияда узоқ муддатли хизмат сафарларида бўлиб бу ерда, ўз ютуқлари билан ўртоқлашдилар ва япон ипаги ишлаб чиқаришни ўргандилар. Ўша ердан улар тут дарахтининг қалин баргли бўлиб ўсадиган бир неча ўн навларини ва серҳосил ипак қурт уруғларини келтирдилар, бу – келгусида яхши натижаларни берди.

Ўрта Осиё Давлат Университетининг Ботаника боғи бир қанча илмий муассасалар билан уруғларни алмаштиришни кенг йўлга қўйди. 1928 йилда 262 та ажнабий ташкилотлар билан алоқа боғланган эди. Бир йил ичида селекцион иши учун зарур материалли 4,5 минг пакет олиниб, 3 мингдан кўра кўпроқ пакет жўнатилди. Бундан ташқари Ўрта Осиё Давлат Университетининг Ботаника боғи талайгина қимматли бута ва дарахт навларини олди, боғнинг Чимён бўлимидаги тоғ ён бағирларини мустақкамлаш учун, жумладан, шулардан фойдаланилди.

Афсуски, 30- йиллардан бошлаб мана шу муҳим илмий алоқалар йиғиштирила бошлади. Жосус деб гумонсираш, буржуа фани ва маданияти деб аталмиш нарсага нафрат билан қараш совет олимлари, жумладан Ўзбекистон олимларининг алоҳидаланиб қолишига олиб келди. Улардан баъзиларининг хорижий ҳамкасблари билан қилиб турган илмий алоқалари ва ёзишмалари ўша вақтларда уларнинг асоссиз айбланишига ва қатағон қилинишига сабаб бўлди.

1927 йили Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университети қошида илмий-тадқиқот уюшмасига асос солинди, бу уюшма совет миллий республикалари ва хорижий Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини, шунингдек ушбу минтақалардаги инқилобий-халқ ҳаракатига алоқадор муаммоларни ишлаб чиқиш билан шуғулланар эди. Шу уюшманинг хорижий Шарқ секцияси чет элларга бир қанча экспедициялар ўтказиб, бир қанча асарларни, жумладан „Эрон бўйича библиографик кўрсаткич“, „Хитой транскрипциясига доир қўлланма“, „Энг янги даврий адабиётнинг қисқача очерки“ деган асарларни чоп этишга тайёрлади ва босиб чиқарди. Секция аъзолари хорижий Шарқнинг Кичик Энциклопедиясини нашр этишга киришдилар.

Республикадаги маданий қайта қурилишларнинг муҳим

ва шубҳасиз ижобий томони, бу улар нечоғли зиддиятли бўлмасин, маҳаллий аҳолининг Шарқ ва Ғарб адабиётининг классик асарлари билан танишуvidан иборат бўлди. Буларнинг кўплари аста-секин ўзбек тилига таржима қилинди. Ўз навбатида баъзи ўзбек муаллифларининг асарлари хорижий мамлакатларда нашр этилди ва, рўй-рост ифодаланган сиёсий йўналишларга қарамай, хорижий китобхонлар ва танқидчиларда каттагина қизиқиш уйғотди.

Ёзувчилар ўртасидаги шахсий алоқалар кўпгина ўзбек муаллифларининг ижодий имкониятларини бойитишда каттагина ролни ўйнади. Машҳур ёзувчи, драматург, маърифатпарвар ва фаол сиёсий арбоб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 20- йилларда Афғонистон ва Ҳиндистонга бориб, бу ерларда китобхонлар ҳамда ижодий зиёлилар билан учрашувлар ўтказди. Маданий алоқаларнинг ривожланиб боришига машҳур ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор, ажойиб чех публицисти Юлиус Фучик, венгер муаллифи Мате Залка ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

1935 йили халқ рақсининг Англиядаги Бутунжаҳон фестивалида ўзбек рақс санъати юқори баҳо олди. Бу фестивалнинг 35 нафар совет қатнашчилари қаторида Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов Ўзбекистон вакиллари бўлиб борган эдилар.

Ўзбекистонда хорижий драматургияга қизиқиш тобора кучайиб борди. Ўзбек театрларининг саҳналаридан В. Шекспир, Ф. Шиллер, Э. Верхарн, Г. Ибсен ва бошқаларнинг асарлари жой олди. Ном қозонган артистлар Ўзбекистонга гастролга келиб турар эди. 20- йилларда истеъдодли ва ажойиб Айседора Дункан, Милан операси артистлари ва бошқа кўпгина санъат аҳллари республикамизда бўлдилар. Москва ва Ленинград ижрочилари билан ўтказиладиган учрашувлар доимий бўлиб қолди.

Ўзбек кинематографияси 20- йилларда дастлабки ютуқларни қўлга киритди. „Ўлим минораси“ кинофильми жаҳоннинг 14 мамлакатида, жумладан Германия, Югославия, Аргентина, Боливия, Бразилия, Эквадорда намойиш этилди. Ўзбекистон кино экранларида ҳар хил ажнабий ленталар, жумладан „Ҳинд мақбараси“, „Лало“, „Номсиз киши“, „Жинниликка бир баҳя“, „Айбдор“ фильмлари намойиш этилди. Фақатгина овуниш учун тамоша

қилинадиган мақсулотдан ташқари ижтимоий жиҳатдан жиддий фильмлар ҳам қўйилар эди.

Республика rassомлари урушдан олдинги йилларда каттагина муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг кўргазмалари жаҳоннинг талайгина мамлакатларидаги тасвирий санъат шинавандалари ва билимдорлари жуда яхши таассурот қолдирди. Ўзбекистон rassомлари 1930 йили Филадельфиянинг расм галереяларида ўтказилган бадий кўргазмаларида иштирок этдилар. Урол Тансиқбоевнинг „Ўзбек колхозчисининг портрети“, Қорахоннинг „Қурилиш“, А. Волковнинг „Шоҳимардонда тонг“, П. Беньковнинг „Хевалик қиз портрети“ асарлари ва бошқалар Америка халқи ва бадийёт танқидчиларини ўзига жалб этди.

1925 йили Францияда халқаро саноат ва санъат кўргазмаси бўлиб ўтди. СССР павильонида маиший принцип бўйича уюштирилган миллий бурчакларга ўзбекларнинг турмуши ва маданиятини бадий образларда таърифлаб берувчи экспонатлар қўйилган эди. Бунда бадий графика, шоҳи рўмоллар, кўрпалар, чопонлар, кашталар, жун буюмлар билан гиламлар, қоракўл тери, нақш солинган тери, ёғоч ва металлдан ясалган буюмлар намоиш этилди. Ўзбек экспонатларининг баъзилари учун мукофотлар берилди. Виставка кунлари совет артистлари 11 марта концерт беришди, шу артистлар орасида ёш Тамарахоним ҳам бор эди.

• Халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг муҳим воситаси халқлар ўртасида китоб ва даврий нашрлар билан алмашилишидир. Ўрта Осиё университети – минтақадаги энг йирик илмий-педагогик муассаса – 1925 йилдаёқ талайгина хорижий илмий муассасалар ва ташкилотлар билан китоблар алмашилди.

Халқаро алоқаларнинг сусайиши. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Иттифоқ алоқалари доирасидаги маданий ва илмий алоқалари, гарчи унчалик тўла ҳажмда бўлмасда, ҳар қалай бирмунча самарали равишда ривожланиб борди. Лекин 30- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб зарур алоқалар ~~чеклана бошлади.~~ Матмурий-буйруқбозлик тизими республикаларнинг қандай бўлмасин бирор тарздаги мустақиллиги билан, уларнинг айниқса халқаро миқёсдаги суверен ҳуқуқлари билан келиша олмас эди.

— Шундай бўлса-да, Ўзбекистоннинг 20 – 30- йиллардаги

халқаро алоқалари, Марказ сиёсати туфайли гарчи бўғиб турилган бўлса ҳам, республиканинг мустақиллик рамзи инфодаларига алоқадор объектив ҳодисаларнинг ўзига йўл очиб бораверишидан далолат беради. Шарқ ва Ғарбнинг талайгина мамлакатлари билан иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар ҳаддан ташқари мураккаб шароитларда ҳам ҳар қалай мустақамланиб борди. Бу алоқалар ва маънавий қадриятлар билан алмашилиш маданиятларнинг бир-бирини тушуниб, бир-бирини бойитиб боришига, халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустақамланишига ёрдам берди.

✓ Ўзбек халқи хорижий мамлакатлар фани, техникаси ва маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилиб борди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги ютуқларига чет элларда ҳам катта қизиқиш пайдо бўлди.

Афсуски, ЎзССРнинг ўша даврдаги халқаро алоқалари кенг тусга кирмаган ва асосан жамоатчилик йўли билан, Чет эллар билан маданий алоқа боғлаш бутуниттифоқ жамияти ҳамда хорижий мамлакатларнинг СССР билан дўстлик жамиятлари, бошқа ташкилотлар ўртасида олиб борилар эди.

✓ Бироқ халқаро алоқалар, умуман олганда, аста-секин сўниб борди. „Темир парда“ совет кишиларини ташқи дунё билан ҳукмдорлар нуқтаи назаридан ўринсиз бўлган алоқалардан яхши тўсиб турар эди. Яқинлашиб келаётган жаҳон уруши ўзаро гумонсираш, тоқатсизлик қилиш ва нафратланиш уруғини сочиб борди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1. Халқаро алоқалар Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда қай тариха амалга оширилар эди? 2. Республика савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илмий ва маданий алоқаларига мисоллар келтиринг.

7- §. Қорақалпоғистон 20 – 30- йилларда

Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг тузилиши, 1924 йили миллий давлат чегараланиши натижасида Ўрта Осиё харитасида иттифоқчи республикалар билан бирга мухтор, яъни автоном тузилмалар ҳам пайдо бўлди. Шулар орасида

~~Қорақалпоғистон мухтор (автоном) вилояти ҳам бор эди. Унинг таркибига волостларга бўлинадиган Тўртқўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округлари кирди.~~

Қорақалпоғистон мухтор вилояти Советларининг 1925 йил 12 - 19 февраль кунлари Тўртқўлда бўлиб ўтган I Таъсис съезди мухтор вилоятининг Қозоғистон АССР таркибида тузилганини қонун йўли расмийлаштирди ва давлат ҳокимиятининг раҳбар органини - Қорақалпоғистон мухтор вилояти Ижроия комитетини сайлади. Бирмунча кейинроқ, 1925 йил апрелда Советларнинг V Бутунқозоғистон съезди Қорақалпоғистон мухтор вилоятини Қозоғистон АССР таркибига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Советларнинг XII Бутунроссия съезди 1925 йил 11 май куни Қорақалпоғистон мухтор вилояти Советлари I Таъсис съезди қарорларини тасдиқлади ва Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг илтимосига мувофиқ, унинг Қозоғистон АССР таркибида РСФСРга киришини қонун йўли билан мустаҳкамлаб берди.

Мухториётнинг ваколатли ва ижроия органлари вилоятнинг бошқарув соҳаларида, хўжалик ва маданий ҳаётида ҳокимият ваколиятига эга эди. Қорақалпоғистон мухтор вилояти ижроия комитети Қозоғистон АССР Марказий Ижроия Комитети Раёсатида ўз вакилига эга бўлиб, вилоят учун муҳим масалаларнинг ҳаммаси бевосита Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Раёсатида ҳал қилинар эди.

Қорақалпоғистонда яшайдиган асосий элатлар қорақалпоқлар (38,5%), ўзбеклар (28,7%), қозоқлар (28,6%) дан иборат бўлиб, руслар эса 1% дан камроқни ташкил этар эди (шаҳар аҳолисини ҳисобга олмаганда).

2 Хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислоҳотлар. Қорақалпоғистоннинг табиий шароитлари деҳқончилик билан чорвачиликни ривожлантириш учун қулайлик туғдиради эди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий экини ғўза. Чорвачиликни тиклаш Ўрта Осиёнинг бошқа районларидагидан кўра бирмунча тезроқ суръатлар билан борди (1925 йили чорва сони 500 минг бошдан ошиб кетди).

Кам ерли ва ерсиз деҳқонларга ер бериш, ирригация ишларини ўтказиш, қарз бериш ишларини ташкил этиш ва деҳқон хўжалиklarини кооперациялаш қишлоқ хўжалиги

ишлаб-чиқаришини тиклашга анчагина ёрдам берди. 1925 йили мухтор вилоятда 24 минг деҳқон хўжалигини бирлаштирган 19 та кредит ширкати ишлар эди.

Саноат корхоналари ниҳоятда кам бўлгани ҳолда (улар атиги 16 та эди) ҳунармандчилик гуриллаб ривожланиб борди, Орол денгизидан балиқ овлаш кескин кўпайди.

Иқтисодий ҳаётнинг барқарорлашуви вилоятдаги сиёсий вазиятни сезиларли даражада ўзгартирди, бу ерда коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг мавқеларини мустаҳкамлади. 1925 йили Советларга сайланганлар орасида коммунистлар билан комсомоллар 21 фозни ташкил этиб, улар тарафдорлари ва уларнинг фикрлари билан принципларини маъқуллайдиганлар кўпчилик эди. Суд ҳокимиятининг қорақалпоқлар учун анъанавий бўлган тузилмалари бузилиб, уларнинг ўрнига бир тоифадаги совет судлари тизими пайдо бўла бошлади.

Қорақалпоғистондаги коммунистлар сони дастлаб унчалик кўп эмас эди (915 нафар ВКП(б) аъзоси ва 858 нафар аъзоликка номзодлар бор эди). Лекин улар давлатдаги асосий лавозимларни эгаллаб, қозоғистонлик ва москвалик раҳбариятнинг йўл-йўриқларини амалга ошириб бордилар.

Қорақалпоғистоннинг жамоат ташкилотлари билан касаб-ба уюшмаси ташкилотлари партиянинг „узатма қайиши“ - га айланиб, аввалги мустақиллигини йўқотиб борди.

3 Қорақалпоғистон мухтор вилоятини индустрлаштиришнинг дастлабки қадамлари. 20- йилларнинг охирларига келиб Қорақалпоғистоннинг бирмунча патриархал ва қотиброқ қолган ҳаётига бошланиб келаётган индустрлаштиришнинг каттагина таъсири остида янгиликлар ёриб кира бошлади, лекин бу индустрлаштиришнинг суръатлари Иттифоқнинг марказий районларидан кўра орқада эди. Мухтор вилоят Советларининг 1929 йилда бўлиб ўтган III съезди қурилишнинг аниқ объектларини белгилаб берди. Ўлканинг табиий ресурсларини режа асосида ва мунтазам равишда текшириш бошланди. {

Индустрлаштириш дастури ғоят катта маблағларни талаб қилди. Бу маблағларни жамғаришнинг асосий оғирлиги, ҳамма ерда бўлгани каби, халқ зиммасига юкланди.

14— Ўзбекистон тарихи, 9- синф учун

Қорақалпоғистонда заёмни тарқатишдан 1928 – 1930 йилларда 700 минг сўмга яқин пул тушди.

Халқнинг ғоятда кўп куч-қувват сарфлаши ҳисобига эришилган биринчи беш йиллик ютуқлари умуман олганда самарали бўлиб чиқди. Режадаги топшириқлар баъзи кўрсаткичлар бўйича 1932 йили бажарилмай қолган бўлса-да, давлат саноатининг ялпи маҳсулоти тахминан 13 млн сўмни ташкил этди.

Кадрлар муаммоси Қорақалпоғистон учун жиддий муаммо бўлиб қолаверди. Индустрлаштириш ишчиларининг асосий манбаи саноат корхоналарига жалб этиладиган деҳқонлар, шунингдек ҳунармандлар бўлди. 1928 йили мухтор вилоятдаги ишчилар сони 2,5 минг нафарга етган бўлса, 1932 йилиёқ уларнинг сони ортиб, деярли 16 минг нафаргача борди. Ҳамаёнда малакали кадрлар муаммоси ишчиларни ё Иваново-Вознесенск, Москва, Ленинград ва бошқа саноат шаҳарларидан олиб келиш йўли билан ёхуд маҳаллий ишчиларни марказий районларга ўқишга юбориш йўли билан ҳал қилиб борилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ўзгартиришлар. Қорақалпоғистон вилоятида бу вилоятнинг Марказдан олислиги, мунтазам алоқа йўллари йўқлиги, ҳудудларнинг тарқоқлиги, вайроналик кўплиги, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқлик борлиги туфайли тиклаш даври 1927 – 1928 йилларгача чўзилди. Шу муносабат билан Совет ҳокимиятининг қишлоқ хўжалигини қайтадан тузиш ва, жумладан, ўзига тўқ, йирик хўжаликларни тугатишга доир сиёсати бу ерда анча секинлик билан амалга оширилди. Лекин Совет ҳокимияти шу йиллардаёқ қишлоқ хўжалик ширкатлари, артеллари, машиналарни ижарага берувчи тармоқлар ташкил этиш орқали қашшоқ деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондиришга уринди.

Мухтор вилоятнинг қишлоқ хўжалигидаги ер-сув муносабатларини одатдаги ҳолга келтириб, ростлаш муаммоси Совет ҳокимиятининг синфий сиёсати бобида айниқса кескин бўлиб қолди. Ердан фойдаланишда Қорақалпоғистонда тарихан ўтроқ-деҳқончилик районлари билан кўчманчилик-чорвачилик районлари вужудга келган эди. Бироқ ўзига хос хусусиятларни назар-писанд қилмаган ҳолда, бу ерда 1926 йилдан бошлаб ялпи ер тузишга доир тадбирлар амалга оширила бошлади. Ер тузишга доир вилоят

кенгашининг 1927 йил 3 мартдаги қарори билан Қорақалпоғистон мухтор вилояти барча округлари бўйича ер тузиш ишларининг режаси тасдиқланди.

Вилоят раҳбариятининг сиёсатида энг камбағал ва ночор деҳқонларнинг манъфаатлари устивор деб эътироф қилиниб, уларга турли имтиёзлар ва қарзлар берилди. 1927 – 1928 йилларда ночор деҳқон хўжаликларига иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, уруғлик ва бошқаларни сотиб олиш учун 3 млн сўмдан ортиқроқ миқдорда маблағ ажратилди. Ер тузиш ишларига алоқадор бўлган барча сарф-харажатлар эса 4 млн сўмдан зиёдроқ маблағ билан ифодаланди.

Бироқ қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги қайта қуришлар, иқтисодий ривожланиш режаларини амалга ошириш вилоятнинг эски маъмурий тузилишига дуч келиб, унинг пайсаллантириб қўядиган таъсирига учради. Утказилган районлаштиришга мувофиқ, Қорақалпоғистонда 112 та овул Советларига эга бўлган 11 та район ташкил этилди. Районларни ихтисослаштириш йўлига ўтилди: Тўрткўл, Қипчоқ, Шоббос районлари пахтачилик; Кегейли, Чимбой, Қўнғирот ва Тахтақўпир районлари – ярим пахтачилик; Томди райони – чорвачилик; Қораўзак райони чорвачилик-саноат районлари бўлди; Мўйноқ райони тобора кўпроқ саноат райони бўлиб борди, чунки унда иттифоқ аҳамиятига эга бўлган балиқ-консерва саноати ривожлана бошлади.

Районлаштириш ва ер тузиш ишларини ўтказишда аҳолининг тўқ қатламлари ва руҳонийларга нисбатан қатағон сиёсати кескинлашди. Совет ҳокимияти ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари ва руҳонийларнинг ердан фойдаланишларини қаттиқ чеклаб қўйди ва шу билан бир вақтда ери кам хўжаликларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама ҳаракат қилди. Мана шундай сиёсат жамиятда муқаррар суратда сиёсий ихтилоф пайдо бўлишига олиб келди: Советларга қарши кучайиб борган ташвиқот-тарғибот кўпинча зўрлик ҳаракатларига айланиб кетар эдики, булар, аслида, жавоб чоралари бўлди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш. III вилоят партия конференциясининг бойларга қарши синфий курашни кучайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан, шунингдек Қозоғистон Марказий Ижроия Комитетининг

1928 йил 17 августда қабул қилинган „Бойлар ердан фойдаланадиган мулкларни мусодара қилиш тўғрисида“ декрети қабул қилиниши муносабати билан жамиятдаги мухалифлик жуда кескинлашди. Шу конференциянинг йўл-йўриқларига мувофиқ бой хўжаликлардаги 20 минг десятина ер мусодара қилиниб, камбағал хўжаликларга берилди, неча юзлаб бой хўжаликларига ўзаро ихтиёрий солиқ солинди. Бутун мамлакатда бўлгани каби, мухтор вилоят устига яқинлашиб келаётган коллективлаштириш сояси тушиб қолди. 1929 йилга келиб вилоятда энди 600 та хўжаликни бирлаштирган 33 та колхоз бор эди. „Оммавий“ коллективлаштириш бошланди. Маъмурий зўравонлик чоралари билан фақатгина камбағалларгина эмас, балки ўртақол деҳқонлар ҳам колхозларга жалб этилар эди.

~~Қорақалпоғистонда колхоз ҳаракатининг асосий шакли қишлоқ хўжалик артеллига ўтишнинг оралик шакли бўлиши ер ишлаш ширкатлари бўлиб қолди. 1930 йили Қорақалпоғистоннинг колхоз қурилишида ер ишлаш ширкатлари 75 фоизни, артеллар 25 фоизни, 1932 йилда эса тегишлича 70 ва 30 фоизни ташкил этди. 1932 йилга келиб камбағал-ўртақол деҳқончилик хўжаликларининг 58 фоизи коллективлаштирилди. Бунда кўпгина районларда ихтиёрийлик принципи бузилди: деҳқонлар „қулоқ қилиниш ва сайлаш ҳуқуқларидан маҳрум этиш“ дўқи билан колхозларга ҳайдаб келинди. Ер ишлаш ширкатлари ўрнига аксари коммуналар тузилди.~~

БҚҚАССРнинг 30- йиллардаги иқтисодий ҳаёти. Иккинчи беш йиллик (1933 – 1937 йиллар) нинг зўр топшириқлари эришилган марраларни мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан янада оғирлашди. Мухтор вилоят халқ хўжалигига беш йилликда ажратиладиган пул маблағлари 34 млн сўмни ташкил этди.

Лескин, оммавий коллективлаштиришнинг оғир оқибатларига қарамасдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кучайиб боришида давом этди. У асосан экин майдонларининг кўпайиши ҳисобига кенгайиб борди. Ирригация қурилишларини кенг авж олдириш натижасида фақатгина ғўза экиладиган ер майдони 1924 йилдагига қараганда деярли 5 баравар кўнайди ва 1937 йилда 55 минг гектарни ташкил этди. Бироқ чорвачилик биринчи беш йилликнинг

зарбаларидан ҳали анчагача ўзига келолмай қолди: чорванинг туёқ сони ислоҳотдан олдинги даврдагига қараганда анча кам эди. !

Қишлоқ хўжалигида коллективлаштириш билан бир қаторда техникани жорий этиш жараёни бошланди. Машина-трактор станциялари тузилиб, ўғитларни ишлатиш ишлари кўпайди. 1934 йили мухтор вилоят қишлоқ хўжалигига 9 та МТС хизмат кўрсатди, 16 минг гектардан ортиқроқ ерга шу МТСларнинг тракторлари билан ишлов берилди. Қишлоқни малакали кадрлар билан таъминлашда ҳам ўзгаришлар берлиги маълум бўлиб қолди. 1933 йили Қорақалпоғистон колхозларига 600 нафардан ортиқ тракторчи, 500 нафардан ортиқ ҳосилот бригада бошлиқлари, 70 нафар чорвадор бригада бошлиқлари, 50 нафарга яқин ҳисобчилар ва бошқа мутахассислар юборилди.

Иккинчи беш йилликда, режалардаги ҳамма хатоларга қарамасдан, саноатнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсиб борди. 1934 йилнинг охирида Иттифоқда энг йирик бўлган беда тозалаш заводлари ишга туширилди. Пахта заводлари қайтадан қурилди ва янгилари бунёд этилди, Мўйноқда балиқ-консерва комбинати қурилди, Тўрткўл электр станцияси ишга тушди, сув, автомобиль ва ҳаво транспорти ривожланиб борди. Бир неча босмаҳона ва Нукусда полиграфия комбинати қурилди. Булар учун мамлакатнинг марказий районларидан асбоб-ускуналар олиб келинди. Лекин саноат ишлабчиқаришнинг ўсиши айниқса маҳаллий миллатлар орасидан етишиб чиққан кадрлар муаммосини кескин кучайтирди. 940 нафар инженер-техник ходимларнинг атиги 37 нафари маҳаллий миллат вакилларидан эди.

Халқ хўжалигини қайта қуриш машаққатлари ва малакали кадрларнинг жуда етишмаслигининг ўрнини вилоят раҳбарияти оммавий кампаниялар: ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар ҳаракати, ҳар хил шакллардаги социалистик мусобақалар ва бошқалар билан тўлдиришга уринди. Мана шуларнинг ҳаммаси олдинги шавқу завқнинг қолдиқлари ва жазо органларидан тобора кўпроқ қўрқиниш билан бирга қўшилиб, бир қадар натижа берди: меҳнат унумдорлиги ортди, саноат объектларини ишга тушириш муддатлари тезлашди.

Учинчи беш йиллик Қорақалпоғистон учун анчагина му-

ваффақиятли равишда бошланди. 1938 йили 42,6 млн сўмни ташкил этган саноат ялпи маҳсулотининг қиймати 1939 йили 48,2 млн. сўмгача кўпайди. Пахта тозалаш заводларининг қуввати ортиб, пахта ҳосилининг ҳаммасини ишлаб беришни таъминлади. 1940 йили энг йирик Мўйноқ, балиқ-консерва комбинати биринчи маҳсулотини берди. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, маҳаллий саноат, полиграфия ишлаб чиқариши, транспорт, алоқа ривожланиб борди. Республиканинг саноат кадрларини, айниқса маҳаллий миллатлар кадрларини етиштириб чиқаришда жиддий ўзгаришлар маълум бўлиб қолди. 1926 йилдан 1939 йилгача бўлган давр мобайнида халқ хўжалиги соҳасидаги миллий кадрлар салмоғи 37,5 фоиздан 58,0 фоизгача ошди.

Қорақалпоғистоннинг колхоз-совхоз ишлаб чиқариши деҳқонларнинг ташаббуси ва меҳнатсеварлиги туфайли оғир маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида ҳам аҳолини маҳсулотлар билан, саноатни хомашё, биринчи галда пахта билан таъминлаб боришни удалади. 1940 йили ялпи пахта ҳосили 78 минг тоннани ташкил этди.

Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг ҚҚАССРга айлантирилиши. Қорақалпоғистоннинг Қозоғистон таркибидаги мухтор вилоятдан РСФСР таркибидаги Автоном Совет Социалистик Республикасига (АССРга) айлантирилиши иқтисодиётининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатди. Қорақалпоғистон вилоят ижроия комитетининг 1932 йил 5 март куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари IV пленуми мана бундай қарор қилди: „Қорақалпоғистоннинг Москва ва саноат марказларидан узоқдалигини, маданий ва иқтисодий жиҳатдан айниқса қолоқлигини, янада ривожланишининг истиқболларини... ҳисобга олиб, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Раёсатидан Қорақалпоғистон Мухтор вилоятини РСФСРга кирадиган Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш тўғрисида илтимос қилинсин“. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Раёсати 1932 йил 20 мартда у илтимосни ижобий равишда ҳал қилди. Ўша йилнинг май ойида автоном республика Советларининг I Таъсис съезди ҳукуматни тузди.

Иккинчи беш йиллик йилларидаёқ Қорақалпоғистон иқтисодиётида социалистик, тўғрироғи, давлатга қарашли

мулкчилик шаклларининг ҳукумронлиги узил-кесил қарор топди. Марказнинг режаларига мувофиқ, автоном республикага қишлоқ хўжалик маҳсулотини ва бошқа турдаги хомашёлар ҳамда ярим фабрикатларни етказиб берувчи роли топширилди. Саноатнинг етакчи соҳаси пахта тозалаш саноати бўлиб қолди. Унинг асосий фондлари деярли уч баравар кўпайди. Урге ва Мўйноқдаги балиқ заводлари ўз қувватларини ошириб борди. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияларида янги соҳалар пайдо бўлди, — қўй терисини ишлаш, кигиз солиш ва гилам тўқиш, идиш-товоқ, маданий моллар ишлаб чиқариш шулар жумласидандир. Қишлоқ хўжалигида колхоз-совхоз тузуми тўла-тўқис ҳукумрон бўлди. Иккинчи беш йилликнинг охирига келганда Қорақалпоғистонда барча деҳқон хўжаликларининг 82 фоизини бирлаштирган 969 та колхоз бор эди.

ҚҚАССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши. 1935 йилнинг бошларида СССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун мамлакатда Конституция комиссияси тузилди. 1936 йил май ойининг ўрталарига келиб бу комиссия янги Конституция лойиҳасини тайёрлади, ушбу лойиҳада Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Қорақалпоғистон АССРнинг РСФСР таркибидан чиқиши бу республикаларда Россия Федерацияси билан умумий чегаралар йўқлиги билан изоҳланди. Иқтисодиётнинг ўзига хос томонлари ва ҳудудининг олган жойига кўра Қорақалпоғистон АССРнинг Ўрта Осиё республикаларидан бири таркибига кириши мақсадга мувофиқ деб топилди. Иқтисодиёт, ҳудуд ва маданият жиҳатидан олганида Ўзбекистон ССР ҳаммадан яқин ва жуда боп эди. СССР Советларининг 1936 йил 5 декабрида очилган Фавқулоддаги VIII съезди СССРнинг навбатдаги Конституциясини қабул қилди, 1937 йил 12 февралда эса Ўзбекистон Советларининг Фавқулоддаги IV съезди ЎзССРнинг янги Конституциясини тасдиқлади.

ҚҚАССР Конституциясининг қабул қилиниши. ҚҚАССР янги Конституциясининг лойиҳаси 1937 йил 6 мартда эълон қилинди. Табиийки, асос солувчи бу муҳим ҳужжатнинг моддаларини энг оддий эркинликлар ҳам бўл-

маган шароитларда чиндан чуқур таҳлил қилиб, мароқ билан муҳокама этиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Автоном республика Конституцияси Иттифоқ ва Ўзбекистон Конституциялари қондаларининг нуҳаси бўлиб, уларни такрорлар эди. ҚҚАССР Советларининг 1937 йил 23 мартда очилган Фавқулоддаги III съезди Қорақалпоғистон АССР Конституциясини бир овоздан тасдиқлади.

Фуқароларнинг хўжалик, маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, уларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг эканлиги ва бошқа фуқаро ҳуқуқларининг Асосий қонун томонидан эълон қилиниши, шубҳасиз, прогрессив ҳодиса эди, лекин қарор топиб келаётган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида булар аниқ-тайин кафолатлардан маҳрум бўлган, фақат қулоққа хуш ёқадиغان қуруқ сўзлар бўлди.

¶ **Маданий қурилш.** 20 – 30- йилларда Қорақалпоғистон маданиятининг ривожланиши зиддиятли бўлиб, буни бир сўз билан ифодалаш мумкин эмас эди. Аҳоли саводсизлигини енгиш юзасидан мисли кўрилмаган миқёсларда авж олдириб юборилган иш шак-шубҳасиз ютуқ бўлди. 1921 йилдаги Россия аҳоли рўйхатига қараганда, Қорақалпоғистонда ҳаммаси бўлиб 3293 нафар (шуларнинг 521 нафари аёллар) саводли киши бўлган, аҳолининг умумий саводхонлиги 1,2 фоизни ташкил этган. ¶

20- йилларнинг бошларида „Йўқолсин саводсизлик“ Бутуниттифоқ жамиятининг Қорақалпоғистон бўлими ўз фаолиятини бошлади. Унинг район ва овул бўлимлари жамоат ташкилотлари ёрдамида аҳоли орасида жиддий сиёсий-оқартув ишлари олиб борди, бу иш давомида коммунистик мафкура омма онгига сингдирилиб, синфий муросасизлик тарбияланар эди. ¶

1924 йили қорақалпоқ халқи араб ёзуви асосида ишлаб чиқилган алифбога ўз тарихида биринчи марта эга бўлди, 1925 йилда эса биринчи қорақалпоқ алифбе китоби босиб чиқарилди. Бу саводсизликни тугатиш тармоқлари ва мактабларнинг ишини анча енгилаштирди. 1924/25 ўқув йилида энди 53 та шундай тармоқлар ва мактаблар бор эди. Ўқитувчиларнинг етишмаслиги, аксари эса улар маълум

мотининг пастлиги ҳам саводсизликни тугатишга доир ишга анчагина халал бериб келди. Бу минтақада эътибори зўр маҳаллий руҳонийларнинг мавқеи ҳам салбий таъсир кўрсатди. Руҳонийлар мана шу оммавий кампанияни амалга оширишга ҳар қандай йўллар билан қаршилик кўрсатдилар ва уни исломга, шарият ва одатнинг қонун-қондаларига таҳдид қилувчи хатар деб билдилар.

Саводсизликка қарши кураш энг авжигга чиққан давр индустриалаш ва коллективлаштириш йилларига, яъни биринчи ва иккинчи беш йилликларга тўғри келди. 1928/29 ўқув йилида Қорақалпоғистон вилоятида 3 минг нафарга яқин киши саводсизликни тугатиш тармоқларида ўқишни ботириб чиқди ва 4 минг нафар киши ўқишни давом эттириб борди. Вилоят партия комитетининг 1931 йилдаги II пленуми бундай суръатлар билан қониқмай, иккинчи беш йилликнинг охирига келиб, саводсизликни бутунлай тугатиш вазифасини қўйди. 30- йилларда саводсизликни тугатиш учун ўқув қўлланмаларини чоп этиш кўпайди. Москва ўқув нашриёти қорақалпоқ тилида ҳар хил дарслик ва ўқиш китобларини кўп нусхада босиб чиқарди.

Хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга алоҳида эътибор берилди. Бу масалани ҳал қилиш вақтида аксари бевосита маъмурий чоралар ҳам кўрилди. Қорақалпоғистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг 1935 йил декабрида қабул қилган махсус қарорига мувофиқ, хотин-қизлар саводсизлигини тугатишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шахс жиноий жавобгарликка тортилиши керак эди. Умуман олганда бу ҳаракат прогрессив бўлди ва ижобий натижаларни бера бошлади. 1928 йили атиги 1815 нафар саводли хотин-қиз бўлган бўлса, 1935 йилда уларнинг сони 13 644 нафарга етди. Жуда ҳам тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, Қорақалпоғистон аҳолисининг умумий саводхонлиги 1937 йили 43 фоизни, 1939 йилда эса 60 фоизни ташкил этган. Саводсизликни тугатиш тармоқларида 1940 йили 50 минг киши ўқир эди.

Саводсизликни тугатишга оид қисқа муддатли курслар маориф муаммосини ҳар қалай ҳал қила олмас эди. Қорақалпоқ халқи шу қадар муҳтож бўлиб турган мутахассисларни кейинчалик тайёрлаб бериш учун мунтазам мактаб таълимигина мустаҳкам пойдевор яратиб бериши мумкин эди. 1924/25 ўқув йилида вилоятда 2,5 минг ўқувчи

ўқийдиган 49 та мактаб бор эди, 1927/28 ўқув йилида эса энди 75 та мактаб ишлаб борди ва уларда мактаб ёшидаги болаларнинг тахминан 16 фоизи ўқиди. Маорифни ривожлантиришга дастлабки ўқитувчилар А. Есемуратов, П. Сейтмуратов, А. Айтешев, Х. Умаров ва бошқалар кўп куч-қувватларини сарфладилар.

30- йилларда умумий бошланғич таълим жорий этилди. Етти йиллик мактаблар сони кўпайди. 1940 йил охирига келиб, бундай мактаблар сони 108 тага етди. 1936/37 ўқув йилида биринчи ўн йиллик мактаб ҳам пайдо бўлди. Мутахассислар тайёрлаш учун Қорақалпоғистонда педагогика, молия-режа, қишлоқ хўжалиги техникумлари ва тиббиёт ўқув юрти очилди. Маҳаллий миллат вакиллари Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд, Ашхобод, Қозон, Олма-Ота, Самара ва бошқа шаҳарларнинг олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга юборилди.

1934 йили Тўрткўл педагогика техникуми базасида бунёд этилган Қорақалпоқ давлат ўқитувчилар институти очилди. Бу институт икки бўлимдан: физика-математика ва қорақалпоқ тили ва адабиёти бўлимларидан ташкил топган бўлиб, унда ўқиш муддати икки йил эди. Кейинчалик рус тили ва адабиёти ҳамда тарих факультетлари очилди.

1931 йили вилоятнинг дастлабки илмий маркази – илмий соҳадаги муассасаларни бирлаштирган Қорақалпоқ кенг тармоқли илмий-тадқиқот институти иш бошлади. Қорақалпоқ олимлари – Ж. Урумбоев, К. Аимбетов, Т. Бекимбетов, Н. Давқараев, Б. Ергалиев, Я. Дўсумов ва бошқаларнинг „оёққа“ туриб олган пайтлари ҳам худди шу даврга тўғри келади.

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг янги жанрлар ва шакллар билан зўр бериб бойиб бориш жараёни 20 – 30-йилларга тааллуқлидир. Адабиётда шеърининг кенг тарқалган ва чуқур илдиз отиб кетган анъанавий турлари билан бир қаторда драматургия, проза, танқид мустақкам ўрин ола бошлади. Янги қорақалпоқ адабиётини бошлаб берганлар орасида А. Мусаев ва С. Мажитовлар бор эди. Истеъдодли шоир ва ёзувчилар гуруҳи етишиб чиқди.

Бадий ижодиётнинг мусиқа, амалий санъат ва анъанавий бўлган бошқа турлари янада ривожланиши билан бир қаторда қорақалпоқлар учун санъатнинг янги тури – театр пайдо бўлди ва ривожланиб борди. Олдиниға ёшларнинг дра-

матик тўғарақлари, кичикроқ труппалар пайдо бўлди. 1930 йили „Тонг нури“ деган драматик труппа базасида давлат муסיқали драма театри яратилди. Т. Сейтмуратов, М. Матчонов, Б. Сеитов, Ж. Сеитова унинг биринчи актёрлари бўлдилар. Кейинчалик бошқа театрлар, шунингдек муסיқа ўқув юртлири ва консерватория ташкил этилди.

Шу билан бир вақтда халқ оқинлари (жирау) ва қўшиқчи-машшоқлар (бахшилар) нинг анъанавий муסיқа санъати ривожланишда давом этди. Огиз-жирау, Есемурат-жирау, Жапак-бахши, Эшон-бахши ва бошқаларнинг завқ берадиган маҳорати омма ичида жуда машҳур бўлди.

Мухтор республикада маданий-оқартув муассасалари: кутубхоналар, клублар, қироатхоналар, „қизил бурчаклар“, „қизил чойхоналар“, „қизил ўтовлар“, деҳқон уйлари, радио шохобчалар, кино қурилмалар тармоғи ўсиб бордики, бу энг олис районлардаги меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маърифат ишларини олиб бориш имконини берди. Кўпгина газета, журналлар, бадий, сиёсий ва илмий адабиёт қорақалпоқ ва рус тилларида неча юз минглаб нусхада босиб чиқарилди.

20– 30- йиллар Қорақалпоғистонда унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган муҳим ҳодисаларга бой давр бўлди. Совет ҳокимияти аҳолининг анъанавий турмуш тарзини барбод қилди. Қорақалпоғистон республикаси қардош Ўзбекистонда ўз ўрнига эга бўлиб олмагунча Қозоғистон ва Россияга маъмурий жиҳатдан бўйсуниб келди. Қорақалпоғистонни оммавий қатағонлар ҳам четлаб ўтгани йўқ. Республиканинг неча минглаб меҳнаткашлари, ижодий зиёлиларнинг вакиллари, партия-совет ходимлари жабр кўрдилар. Шундай бўлса-да халқ ўзига хослик жиҳатларини ва ўз қадр-қийматини сақлаб қола олди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1. Қорақалпоғистон мухтор вилояти қачон тузилган эди? 2. Мухтор вилоят тузилганидан кейин унинг хўжалик ҳаётида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб беринг. Қорақалпоғистонда индустриалаш қай тариқа ўтди? 3. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигида 20- йиллардаги қайта қуришлар тўғрисида сўзлаб беринг. 4. Қорақалпоғистон мухтор вилояти қачон ва қай тариқа Қорақалпоғистон АССРга айлантирилди? 5. Қорақалпоғистон АССР қачон Ўзбекистон ССР таркибига кирди? 6. Қорақалпоғистон АССРнинг 30- йиллардаги иқтисодий ҳаётини таърифлаб беринг. 7. Қорақалпоғистон АССРнинг 20 – 30- йиллардаги маданий ҳаёти тўғрисида сўзлаб беринг.

V боб. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ИККИНЧИ
ЖАҲОН УРУШИДАГИ ИШТИРОКИ
(1941–1945 йиллар)

1- §. Урушнинг бошланиши. Бошланғич даврнинг
машаққатлари

1941 йил 22 июнь куни гитлерчилар Германияси ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, СССРга тўсатдан бостириб кирди. Совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан уруши бошланди. Барча совет кишилари учун оғир синовлар даври келди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакат бошига тушган бутун қийинчилик ва машаққатларни ҳамда хавф-хатарни яхши англаб эдилар. Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистон бўйлаб ҳам кўпдан-кўп митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди.

23 июнь куниёқ Тошкентда кўп минг кишилик митинг бўлди. Партия ва совет органларининг вакиллари, турли корхона ҳамда муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари, ўқитувчилар, талабалар ўз Ватанларини кўкрак тутиб ҳимоя қилишга, фронтда ва фронт орқасида душман устидан ғалаба қозонишга тайёرمиз деб айтдилар. Кўпгина кишилар фронтга жўнаб кетиш тўғрисида шу митингнинг ўзидаёқ ариза бердилар. Бундай аризалар ҳарбий комиссариятларга ҳам берилди. Урушнинг дастлабки ойларида Ўзбекистонда 32 мингдан кўпроқ шундай ариза тушди. Ватанпарварлик ва Ватан тақдири учун шахсан жавобгарлик ҳисси бўлган кишилар оммаси қўлга қурол олиб Ватаннинг шон-шарафи, эркинлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун фронтга кўплаб жўнади.

Уруш мамлакатнинг бутун турмуш тарзида туб ўзгаришлар яшани талаб қилар эди. Раҳбариятнинг олий қатламида эса саросимага тушиш ҳоллари кузатилди. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети 29 июндагина фронт ёни вилоятларининг партия ва совет ташкилотларига йўл-йўриқ юборди. Бу йўл-йўриқда мамлакат устида туриб қолган ғоят катта хавф-хатар тўғрисида, ишни қайта қуриб, зудлик ва кескинлик билан ҳарбий изга тушириш зарурлиги тўғрисида айtilган эди. Ҳамма нарса

фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун – бу ҳужжатнинг асосий ғояси ана шундан иборат эди.

Мамлакатда ҳокимият 1941 йил 30 июнь куни тузилиб Сталин раис этиб тайинланган Давлат Мудофаа Комитети қўлига ўтган эди. 8 август куни эса Сталин СССР Қурулли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳам этиб сайланди. Давлат Мудофаа Комитетининг қарорлари уруш вақтининг қонунлари кучига эга эди. Директив органлар томонидан урушнинг биринчи кунларида қабул қилинган ҳужжатлар мамлакат устида туриб қолган хавф-хатарни очиб ташлади ва барча республикалар иқтисодий ресурслари ҳамда одамларини мудофаа эҳтиёжларига сафарбар қилиш юзасидан совет органлари олдига аниқ вазифалар қўйди. Бу нарса мамлакат ҳаётини ҳарбий изга тушириш ва ғалаба учун шарт-шароитлар тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Иқтисодиётни қайта қуриб, ҳарбий изга тушириш. Ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилиш чоралар кўришни талаб қилди. Халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга тушириш мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантиришга доир умумий дастурнинг энг муҳим таркибий қисми бўлди. Ҳал қилувчи роль мамлакатнинг шарқий районларига қолдирилди. Совет Шарқи республикалари, жумладан Ўзбекистон Қизил Армиянинг фронт орқасидаги мустаҳкам базасига айланди.

Ишлаб чиқарув кучларни фронт ёни районларидан авваллари мисли кўрилмаган даражада кенг миқёсда кўчириб келиб, жойлаштириш ишлари бошланди. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар ва МТС ларнинг мулклари, маданий бойликлар, миллион-миллион кишилар ғоятда улкан оқим бўлиб, мамлакат шарқига оқиб келаверди. Ўзбекистон 100 тадан кўпроқ корхоналарни қабул қилиб олди: Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, „Ростсельмаш“, „Красний Аксой“, Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москва „Подъемник“ ва „Электростанок“ заводлари, Сталинград кимё комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар шулар жумласидандир.

Бинокорлар ва монтажчилар янги жойда, ўзлари ўрганмаган иқлим шароитларида, озиқ-овқат танқислиги ва маиший маҳрумликларга бардош бериб, кечаю кундуз меҳнат қилдилар ва асбоб-ускуналарни ўрнатиб, соз-

ладилар. Кўчириб келтирилган корхоналарга бутун республиканинг аҳолиси гоят катта ёрдам кўрсатди. Кўчириб келтирилган корхоналар, биргаликда қилинган қаҳрамонона меҳнат туфайли, ниҳоятда қисқа муддатларда ишга туширилди. Масалан, „Ростсельмаш“ заводининг айрим цехлари уч ҳафта ичида монтаж қилинди ва 25 кундан кейин маҳсулот бера бошлади, бутун завод эса икки ойдан кейин ишга туширилди. 1941 йилнинг охирларига келганда кўчириб келинган корхоналарнинг 50 дан ортиқроғи монтаж қилиниб ишга туширилди. Ўзбекистонга кўчириб келиб, жойлаштирилган корхоналарнинг ҳаммаси 1942 йил биринчи ярим йиллигининг охирида тўла қувват билан ишлади ва фронтга ҳарбий техника, қурол-яроғлар ҳамда керакли анжомларни етказиб берди.

Республика саноатининг корхоналари ҳам уруш бошланиши биланоқ қайта қурилиб, мудофаага зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтказилди. „Ташсельмаш“ заводи, паравозларни таъмирловчи завод, Чирчиқ электркимё комбинати ва бошқалар шулар жумласидандир. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати фронт эҳтиёжларини қондириш учун ишлади.

Халқ хўжалигини қайта қуришга доир ташкилий ишни республика раҳбарлари бошқариб борди. Уруш даврининг жуда мушкул, ҳаддан ташқари кескин шароитларида улар жавобгарликдан қўрқмай, энг мураккаб вазифаларни тезкорлик билан ва мустақил равишда ҳал қилиб бордилар. Республика раҳбарлари Марказнинг зўрлигини енгиб халқ комиссарлари ва корхона директорларининг ҳуқуқларини кенгайтирдилар, бошқарув аппаратини қисқарттирдилар.

Халқ хўжалигини қайта қуриш билан бир вақтда Қизил Армия учун жанговар резервлар яратиш билан, оммавий-мудофаа иши билан шуғулланишга тўғри келар эди. Неча ўн минглаб йигит-қизлар умумий таълим ва Осоавиахим ўқишларини битириб чиқдилар. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон одамлари ва моддий ресурсларини сафарбар қилиш ҳамда жанговар тайёр ҳолга келтиришда Ўрта Осиё ҳарбий округи муҳим ролни ўйнади. Урушнинг биринчи кунларидан бошлабоқ бу округ фронт учун жанговар резервлар ва қўмондон кадрлар етиштириб чиқарадиган чинакам ўчоққа айланди. Уруш бошланишидан ҳисоблаганда бир ярим йил ичида бу округ 109 та қўшилма тузди. Шулардан

766

ҳаракатдаги армияга ва Олий Бошқўмондонлик Ставкаси резервига 86 дивизия ва бригада жўнатилди.

Ҳарбий сафарбарлик чора-тадбирлари мажмуасида миллий қўшилмаларни тузиш муҳим ўринни эгаллади. Ўзбекистон меҳнаткашлари миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Давлат Мудофаа Комитети бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва 1941 йил 13 ноябрда шундай қўшилмалар тузишга рухсат берди. 1941 йил ноябридан то 1942 йил мартгача Ўзбекистонда 14 та миллий бригада, жумладан 9 та алоҳида ўқчи бригада ва 5 та отлич дивизия тузилди. Миллий қўшилмалар тузиш Ўзбекистон халқларининг Ватан тақдири учун юксак фуқаролик масъулияти, ватанпарварлик ҳис-туйғуларининг ифодаси бўлди.

Одамлар, Ватан тақдири учун шахсий жавобгарлик ҳисси билан юриб, уни қутқариб қолиш учун ўз ҳаётларини қурбон қилишга тайёр турдилар. Бир миллион нафардан ортиқроқ ўзбекистонликлар – республикадаги барча миллатларнинг вакиллари Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилдилар. Ўзбекистонда тузилган ва ўқитилган турли хилдаги қўшин қисмлари ва бўлимлари шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар, Қизил Армиянинг кўпгина жанговар операцияларида иштирок этдилар. Уларнинг талайгинаси орденлар билан мукофотландилар, Гвардиячи унвонини ва овоз этилган шаҳарларнинг номларини олдилар.

Бутун мамлакатда бўлгани сингари, Ўзбекистонда ҳам мудофаа фондига маблағлар йиғилиб, жамланди. „Правда“ газетаси 1941 йил 19 июнда мудофаа фондини ташкил қилишни таклиф этган меҳнаткашлар хатларининг обзори билан чиққанидан кейин бу ҳаракат айниқса кенг қулоқ ёзди. Омманинг ташаббуси билан шу фонднинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлиб борди. Мудофаа фондига ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг бир кунлик иш ҳақлари, шанбаликларда ишлаб топилган пуллар, меҳнаткашларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо буюмлар, давлат заёмларининг облигациялари тушар, давлат заёмларига кишилар қўшимча равишда ёзилар эди ва ҳоказо. Урушнинг дастлабки кунларида умуман республика бўйича мудофаа фондига 30 млн. сўм тушди, шу пулнинг 3 млн. сўми 1941 йил 28 июнь кундаги республика яқшанбалигида ишлаб топилган эди. Бу яқшанбаликда бир миллиондан ортиқроқ

киши иштирок этди. Ўзбекистонда ҳарбий техника, асосан танк колонналари ва жанговар самолётлар эскадрильялари тузиш учун маблағлар йиғиш юзасидан бошланган ватанпарлик ҳаракати анча кенгайди. Фронтга ёрдам тариқасида пиймалар, пахталиклар, калта пўстинлар, қўлқоплар, пайпоқлар, қулоқчинлар ва бошқа кўпгина нарсалар юбориб турилди.

Бошида мағлубият алами билан, қариндошлари ва яқинларининг тақдири, бутун Ватан тақдири учун кўнгилга тушган қўрқув ва хавотирлик билан инсонлар дилини хун қилган уруш жамиятдаги маънавий-руҳий вазиятни кескин ўзгартириб юборди. Энди инсонларнинг бутун ҳаёти, юрартурари-ю иши, ўй-фикрлари бошидан охиригача урушга боғланган, унга бўйсуниб қолган эди. Ана шундай одатдан ташқари оғир бир вазиятда инсон вужудининг пинҳоний имкониятлари ҳаммадан кўра кўпроқ намоён бўлди. Кўп миллатли республика аҳолиси барча ижтимоий қатламлари вакилларининг ўз манфаатидан кечиши, мардлиги фронт ёни минтақасидан кўчириб келинган корхоналар, шунингдек болалар ва катта ёшли кишиларни кутиб, қабул қилиб олиш ҳамда жойлаштиришга доир ниҳоятда зўр ишни ҳаддан ташқари оғир шароитларда қисқа муддатда амалга оширишга имкон берди.

Халқ хўжалиги ҳарбий изга ўтказилди, неча-неча минг кишилар армия сафига чақирилди, янги-янги ҳарбий қисмлар тузилиб, фронт учун пул, озиқ-овқат ва моддий маблағлар йиғилди ва ҳоказо. Бутун халқ, жамияки моддий ресурслар Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР: 1. Уруш дастлабки даврининг қийинчиликлари нималардан иборат эди? 2. Уруш бошлангани тўғрисидаги хабарга Ўзбекистон аҳолиси қай тариқа жавоб берди? 3. Қизил Армияга ёрдам бериш, унинг сафларини тўлдириш учун Ўзбекистонда қандай ишлар ва нималар қилинди? 4. Иқтисодийни қайта куриб, ҳарбий изга солишнинг мақсад ва вазифаларини айтиб беринг?

2-§. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, транспорт ва алоқаси

Саноат ва транспортни ҳарбий изга ўтказиш. Урушнинг дастлабки ҳафта ва ойларида мамлакатдаги иқтисодий вазият кескин ёмонлашди. Кўпгина саноат ва қишлоқ хў-

жаллик районларининг босиб олингани халқ хўжалигини оғир аҳволга солиб қўйди. Ана шундай шароитларда Волга-бўйи, Урал, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон, Ўрта Осиё районлари бўйича 1941 йилнинг охири ва 1942 йилга ҳарбий-хўжалик режаси қабул қилинди. Бу режада умумиттифоқ миқёсида мамлакат Шарқининг аҳамияти кескин ортганлиги қайд қилинди ва шу ерда ниҳоятда қисқа муддатда саноат қурилишини, авж олдириш, ҳарбий маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фронтга умумхалқ ёрдамини уюштириш кўзда тутилди. Урушнинг натижаси мана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқ эди.

1941 йил 26 июнь кунидан бошлабоқ ишчи ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари мажбурий ишлар жорий этилди, иш куни ҳафтасига олти кун бўлгани ҳолда катта ёшли одамлар учун 11 соатгача узайтирилди. Ҳарбий ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаб иш кучини қайта тақсимлаш мақсадида Иттифоқ ва автоном республикаларнинг ижроия органларига июнь ойининг охирида ишчиларни уларнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш ҳуқуқи берилди. Саноат корхоналарида ишлаш учун уй бекалари, ўсмирлар, нафақа олувчилар жалб қилинди.

1941 йил декабрь ойида ҳарбий ишлаб чиқаришда ишлаб турган кишиларнинг ҳаммаси сафарбар этилган деб эълон қилинди ва тегишли корхоналарга биркитиб қўйилди. Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан кўриладиган жазо чоралари қатъийлаштирилди. Ўзбошимчалик қилиб корхонадан кетиб қолиш дезертирлик деб қаралар ва бунинг учун 5 йилдан 8 йилгача қамоқ жазоси берилар эди. Бироқ, корхоналардаги меҳнат шижоатини белгилаб берган нарса бу эмас эди. Одамлар ғалабани яқинлаштириш иштиёқида турмуш машаққатлари билан, тирикчиликнинг қимматлашиб бораётгани билан ҳисоблашмасдан, фидокорона меҳнат қилдилар.

Республика саноатининг кўпгина соҳаларида зарбдорлар ҳаракати кенгайди. Кунига икки нормани бажариб келаётган ишчилар уч ва бундан ортиқ норма берадиган бўлди. Талайгина одамлар турдош ихтисосликларни эгаллаб олди. Ошириб бажарилган режанинг ҳар бир қўшимча фоизи энди шунчаки яхши меҳнат мезони бўлмасдан, балки душманга қарши курашга қўшилган шахсий ҳиссанинг ўлчови, фронт-

15— Ўзбекистон тарихи, 9- сиф учун

тга берилган тайинли ёрдам кўрсаткичи бўлиб қолди. Бу ҳаракат оммаларда: „Ўзинг учун ва фронтга кетган ўртоғинг учун ишлашинг, уруш кунларида икки норма бажаришинг керак“ деган ватанпарварча шиор туғилиши билан ўтди. Мазкур ҳаракат республиканинг барча корхоналарига ёйилди.

1941 йилнинг душман Москвага ёпирилиб келаётган дастлабки кунларида мамлакатда фронт бригадалари деган фахрли ном учун курашувчи бригадалар тузиш авж олди. Бу ном маҳсулотни юқори сифатли қилиб чиқаргани ва намунали меҳнат интизомига риоя қилгани ҳолда ишлаб чиқариш режаларини босим икки ой давомида камида 150 фойздан бажариб борган комсомол-ёшлар бригадаларига берилар эди. Ўзбекистонда дастлабки ана шундай бригадалар 1941 йил октябрь ойида „Ташсельмаш“ да ташкил этилди, 1942 йилнинг бошларига келганда эса республикада буларнинг сони бир ярим минггага етиб қолди. Қаттиқ тежаб-тергаш учун, маҳаллий ресурслардан кенг ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш учун бошланган ҳаракат фронт бригадалари ҳаракати билан маҳкам боғланган эди.

Темир йўл ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди. Поездлар ҳаракатининг қўшинлар ва ҳарбий юкларни биринчи навбатда ўтказиб юборишни кўзда тутадиган ҳарбий графиги жорий этилди. Республика транспортчилари транспортнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминладилар. Тошкент темир йўли кўчириб келинаётган корхоналарнинг асбоб-ускуналари Ғарбдан Шарққа етказиб бериладиган асосий йўлларнинг бири бўлиб қолди, Шарқдан Ғарбга эса, қурул-яроғлар юборилар эди. Ўзбекистон темир йўлчиларининг фидокорона меҳнати туфайли 1941 – 1942 йиллар мобайнидагина кўчирилган саноат корхоналарининг асбоб-ускуналари ортилган 17,5 минг вагон ташиб берилди. Темир йўл транспорти фронт орқаси билан фронт ўртасидаги асосий алоқа воситаси бўлиб қолди.

Уруш вақтининг талаблари почта билан телеграф ишини ҳам қийинлаштириб қўйди. Барча алоқа корхоналарида иш вақти тизлаштирилиб, иш ҳажми оширилди, почта корхоналарининг сони ортди, телефон-телеграф линияларининг узунлиги кўпайди.

Ўзбекистон саноати билан транспортини ҳарбийча тартибга ўтказиш мисли кўрилмаган қисқа муддатлар ичида

амалга оширилди. 1941 йилнинг охирларига келиб республикада энди 300 га яқин корхоналар қурол-яроғ, ўқ-дори ва асбоб-анжомлар ишлаб чиқаришга ўтди. Тошкентнинг 137 та корхоналаридан 63 таси мудофаа маҳсулотини ишлаб чиқарар эди. Кўчириб келинган заводлар ҳам ўз қувватини ошириб борди.

Республикада янги саноат қурилиши. 1942 йилнинг ўрталарига келиб халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш, Ўзбекистонда асосан охирига етказилди. 1942 йили ялпи саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш икки барабар кўпайди, 1943 йилда эса саноатнинг республика халқ хўжалигидаги салмоғи 75 фоизгача ортди. Ҳарбий ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш заруриятлари саноат қурилишини тобора кўпайтиришни талаб қилар эди. §

Республика индустриал тараққиётининг шу йиллардаги асосий йўналиши энергетика базасини кенгайтириш, қора ва рангли металлургия, кўмир базасини вужудга келтириш, кимё саноатини янада ривожлантириш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат бўлиб қолди. Саноатнинг электр энергиясига кескин кучайиб кетган талабларини қондириш учун етгита йирик электр станция, жумладан Фарҳод ГЭС қурилди. Уни барпо этишга доир асосий бинокорлик ишлари ҳашар йўли билан бажарилди. Уруш вақтидаги қурилишларга шаҳар ва қишлоқларнинг неча минглаб меҳнаткашлари чиқиб ишладилар.

Янги гидроэлектр станциялар қурилганлиги ва эскиларининг ишлари анча яхшиланганлиги туфайли Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш 1943 йилда 1940 йилдагига қараганда 3,5 барабар кўпайди. Тошкўмир ва нефть чиқаришни кўпайтириш юзасидан чоралар кўрилди. Янги конлар очилди ва эскиларидан кўпроқ фойдаланиладиган бўлди – Ангрен, Шарғун, Қизилқия конлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Уруш йилларида республика металлургия базасини яратишга асос солинди. 1942 йилининг кўзидан бошлаб уруш даврининг энг йирик қурилишларидан бири – Бекободдаги металлургия заводини қуришга киришилди. 1944 йил март ойида мартен печи, 1946 йил август ойида эса прокат цехи ишга туширилди. Қора металлургиянинг ана шу тўнғич корхо-

насининг барпо этилиши мудофаа ва халқ хўжалиги жиҳатидан олганда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу заводнинг қурилишида қардош республикаларнинг металлурглари иштирок этди, уни малакали кадрлар билан таъминлаш учун эса мартен ва прокат ишини ўрганиб келиш мақсадида юзлаб ўзбек йигитлари Урал ва Сибирь заводларига юборилди, бу ердан улар юқори малакали мутахассислар бўлиб келишди.

Уруш йиллари республикада қидириб топилган вольфрам, молибден, мис ва бошқаларнинг заҳиралари асосида рангли металлар саноатини яратишга киришилди. Олмалик мис кони ишга туширилди. Кимё саноати сезиларли даражада ривожланди. Чирчиқ электр кимё комбинатининг иккинчи навбати ишга солинди, Қўқон тукқориш заводи қайта ускуналаниб, суперфосфат заводуга айлантирилди. Урушнинг охирига келганда республика кимё саноатининг ишлаб чиқарадиган ялпи маҳсулоти 1940 йилдагига қараганда 5 баравар кўпайди. Енгил ва озиқ-овқат кооператив саноатининг ишлаб чиқариши анча кенгайди. Бу саноат корхоналари 34 турдаги буюмларни, жумладан парашютлар, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқарар эди. Янги саноат корхоналарини қуриш билан бир вақтда аввалдан борларини ҳам қайтадан қуришга киришилди. 1942 – 1943 йиллар мобайнида кўчириб келинган корхоналар базасида бунёд этилган 16 та машинасозлик заводи кенгайтирилди ва бир мунча замонавий ускуналар билан таъминланди.

Ўзбекистонда металлургия, энергетика, ёқилғи ва машинасозлик саноатларини қайтадан яратиш мамлакат ҳарбий ишлаб чиқариши асосларини мустаҳкамлади. Республиканинг умумиттифоқ иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини кўпайтирди. Мамлакат ҳарбий салоҳиятининг йўқотилган қувватлари 1943 йили қайта тикланибгина қолмасдан, балки аввалгиларидан ҳам ўзиб кетдики, бу нарса асосий турдаги қурол-яроғларни ишлаб чиқариш ва сифатини таъминлашда фашистлар Германиясининг устунлигини тугатишга имкон берди.

Ҳарбий ишлаб чиқаришни янада ўстириш янги технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қўшимча ресурсларни қидириб топиш асосида амалга оширилдики, бу иш ғоят улкан қийинчиликларни енгишга

боғлиқ эди. Ҳукумат органлари томонидан ўртага қўйиладиган вазифалар аксари аниқ-мавжуд имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, ресурслар, кишиларнинг жисмоний ва руҳий куч-қувватлари ҳар қанча сарфланса ҳам, режани албатта бажаришни талаб қиларди. Бу обдон ҳолдан тойгунча ишлаш деган гап эди. Ғоятда оғир меҳнат асосан аёллар ва ўсмирлар зиммасига тушди. Лекин бу ҳеч кимни тўхтатгани йўқ. Муҳими, фронтни ўз вақтида таъминлаш бўлиб қолаверди. 1944-1945 йиллар давомида Қизил Армия зарур нарсаларнинг ҳаммасини: техника, қурол-яроғ, ўқдориларни узлуксиз олиб турди. Танклар, ўзи юрар-артиллерия мосламалари, самолётлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Ўзбекистон мамлакатдаги асосий жанговар аслаҳоналарнинг бири сифатида 2 мингдан ортиқроқ самолёт, 1,7 мингдан зиёдроқ авиамотор, шунча миқдорда миномёт, 22 млн. мина, 560 минг снаряд, 2 млн дан зиёдроқ авиабомба, миллион донага яқин граната, 330 минг парашют, 5 бронепоезд, ҳарбий эҳтиёжлар учун 100 минг километрдан кўпроқ ҳар хил симлар ва бошқа кўпгина маҳсулотларни фронтга етказиб берди. Оғир уруш йилларида Ўзбекистон саноатининг салоҳияти анча ортди. 1941 йилдан то 1945 йилгача индустриянинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган 280 та янги саноат корхонаси қурилди.

Уруш йиллари давомида совет халқларининг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами мустаҳкамланди. Мамлакатнинг мудофаага тегишли қурилишларида ва саноат корхоналарида 155 минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик кишилар ишлади. Улар РСФСР нинг турли вилоятлари ва автоном республикаларида меҳнат қилди. Сафарбар қилинган кишиларнинг меҳнатидан ҳарбий иқтисодиётнинг ўша пайтдаги энг муҳим жойларида, асосан тошқўмир, қора ва рангли металлургия корхоналарида, шунингдек қурилишда фойдаланилди.

Ўрта Осиёдан, жумладан Ўзбекистондан сафарбар қилинган кишиларнинг талайгина қисми Уралга – мамлакатнинг асосий жанговар аслаҳонасига юборилди. Улар „Уралмаш“, „Уралхиммаш“, Киров номли заводда, кўмир конларида, электр станциялар ва темир йўллар қурилишида меҳнат қилдилар. Кўпгина кишилар янги касбларни эгалладилар. Ўзбекистонликлар фронт орқасининг ниҳоятда

қийин шароитларида бутун совет халқи билан биргаликда душман устидан ғалабани фидокорона меҳнатлари билан таъминлаб бордилар ва тарихда мисли кўрилмаган халқ жасоратини намоён қилдилар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1. Ўзбекистон халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга солиш иши қай тариқа олиб борилди? 2. Ўзбекистон меҳнаткашларининг урушнинг биринчи йилларидаги меҳнат жасоратлари тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Ўзбекистон энергетикаси ва оғир саноатининг урушнинг дастлабки йилларидаги тараққиёти тўғрисида сиз нималарни биласиз? 4. Ўзбекистон меҳнаткашларининг уруш давридаги фидокорона меҳнати тўғрисида сўзлаб беринг. Унинг аҳамияти нимада?

3- §. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг уруш давридаги фидокорона меҳнати

Қишлоқ хўжалигини қайта қуриш. Мамлакатнинг ғарбий районлари босиб олинганлиги ва улардаги ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан мамлакат муҳим қишлоқ хўжалик марказларидан маҳрум бўлди. Мамлакатни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлаш ниҳоят даражада қийинлишиб қолди. Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ички резервлар ҳисобига таъминлаши зарур эди. Ҳарбий қисмлар ва фронт ёни районларидан кўчириб келинган кишиларни республика ҳудудида жойлаштириш ҳисобига кўпайиб қолган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси Ўзбекистонни пахта етиштириш ҳажмини албатта аввалгидек сақлаб қолган ҳолда экин майдонларини кенгайтириш ва ғаллани (2,5–3 баравар), сабзавот, картошка, полиз экинлари ҳосили ва чорвачилик маҳсулотларини ошириш зарурати олдига келтириб қўйди. Ақл бовар қилмайдиган ана шу оғир вазифаларни бажариш вояга етган эркакларнинг кўпгина қисми фронтга сафарбар этилганлиги учун қишлоқда ишчи қўллари жуда етишмаслиги билан янада мушкуллашар эди. Урушнинг дастлабки ойларида Ўзбекистон колхозчиларидан 30 фоизига яқини Қизил Армия сафларига чақирилди. Меҳнатга лаёқатли бўлган неча-неча минглаб кишилар фронт орқасидаги ишларга – саноат ва қурилишга сафарбар этилди.

Уруш бошланиши билан МТС ва совхозларга янги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келиб туриши тўхтади, ёнилғи ва минерал ўғитлар бериш камайди. Аксинча, тракторлар, автомобиллар ва отларнинг бир қисми Қизил Армия эҳтиёжлари учун совхозлар, МТС ва колхозлардан олиб қўйилди. 1941 йилдаёқ қишлоқ хўжалигини барча бўғинларидаги иш тартибини қатъийлаштириш юзасидан шошилиш чоралар кўрилди. Колхозларда энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунларининг сони урушдан олдинги даврдагига қараганда 1,5 барабар оширилди. Ўсмирлар учун ҳам, 12 ёшдан бошлаб энг кам миқдордаги меҳнат кунлари белгиланди. Белгиланган миқдордаги меҳнат кунларини ишлаб бермаган колхозчилар ва оила аъзолари судга берилар эди.

Мана шу чоралар қишлоқда қолган кам сонли меҳнатга лаёқатли аҳолининг куч-қувватини мутлақо пайсалга солиб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ишларини бажаришга қаратган эди. Бироқ, қишлоқ меҳнаткашининг табиати уни ниқтаб турадиган ана шундай қаттиқ чораларни талаб ҳам қилмас эди, чунки пайдо бўлган хавф-хатарни англаб, тасаввур этиш ўша кунларда меҳнат фаолиятини юксалтиришнинг, навбатдаги мавсумий ишларни: дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиш, гўза қатор ораларини ишлаш, гўзани суғориш ва чилпиш, гўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териш ишларини бажариш учун барчанинг куч-қувватини жиқслаштиришнинг энг таъсирчан маънавий омили бўлди. Колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳосилни муддатидан илгари батамом йиғиб-териш олишга интилиб, ўз зиммаларига ихтиёрий равишда оширилган мажбуриятлар олар эдилар. Кундалик нормани 1,5 – 2 барабар ошириб бажарадиган колхозчилар сони кун сайин кўпайиб борди.

1941 йил Ўзбекистон учун умуман олганда қулай келган йил бўлди, давлатга 1642800 т пахта топширилди. Республика пилла ва жун топшириш режасини бажарди, давлатга гўшт топшириш мажбуриятини икки барабар қилиб ошириб бажарди.

Уруш вақти ўртага қўйган вазифани бажариш – дон экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш ва республика учун янги экинларни, яъни қанд лавлаги, каноп ва бошқаларни жорий этиш – суғориладиган деҳқончилик ша-

роитларида бошдан-оёқ ирригация қувватларига боғлиқ эди. Бу қувватларни ошириш ва шу асосда экин майдонларини кенгайтиришни таъминлаш муҳим халқ хўжалиги вазифасига айланди. Ажратиладиган маблағлар қисқартирилганига қарамай республикада ирригация қурилиши юксак суръатлар билан давом этиб борди.

Уруш вақтининг энг йирик қурилишларидан бири Шимолий Тошкент канали бўлди, уни барпо этиш Тошкент, Янгиюл ва Чиноз районларидаги 15 минг гектар ерни суғориш имконини берди. Унинг барпо этилиши рекордли қисқа муддатда – 2 ой ичида тугалланди. Сув ҳавзалари ва каналлар республиканинг бошқа районларида ҳам қурилди. Бухоро вилояти Косон, Қарши ва Бешкент районларининг колхозчилари 1942 йилнинг январь ойида Рудасой сув омборини қурчишга киришдилар. Колхоз деҳқонлари ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашларининг кучлари билан Юқори Чирчиқ, Шимолий Фарғона, Сўх-Шоҳимардон, Учқўрғон каналлари, Косонсой сув омбори бунёд этилди, Каттақўрғон сув омбори сувга тўлдирила бошлади.

Натижада республика суғориладиган ерларининг майдони фақат 1942 – 1943 йиллар мобайнидагина яқин 546 минг гектарга кенгайди. Ғалла экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш учун заранг ерлар, қўриқлар, тўқайлар ва лалмикор ерлардан фойдаланилди. Урушнинг икки йили ичида ғалла экинлари экиладиган ер майдонлари 800 минг гектардан кўра кўпроққа кенгайди, натижада Ўзбекистон 1942 йилиёқ 1940 йилдагига қараганда 45 фоиз кўп ғалла йиғиб-териб олди. Бу нарса республика эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиришга, авваллари республикага олиб келинадиган ғаллани эса, Қизил Армия ва озод этилган районларнинг эҳтиёжлари учун жўнатишга имкон берди.

Картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонлари ҳам хийла кенгайтирилди, бу – республика шаҳарлари ва йирик sanoat марказларини озиқ-овқат билан таъминлашдаги кескинликни юмшатишга имкон очди. Сабзавот етиштириш Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг аҳолиси учун катта ёрдам бўлди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Ўзбекистон учун янги экин – қанд лавлаги етиштиришни эгаллаб олиш учун ниҳоятда кўп куч-қувват сарфладилар. Ўзбекистонга кўчиб келган Украина ва Белоруссия

олимлари, колхозчилари, агрономлари бебаҳо ёрдам кўрсатдилар. Қанд лавлагини қайта ишлаш учун Зирабулоқ, Красногвардейск, Қўқон ва Янгийўл қанд заводлари қурилди. Уруш йилларида республика бутун мамлакатда ишлаб чиқиладиган қанднинг тўртдан бир қисмини берар эди.

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг халқ хўжалиги ва мудофаада ғоят катта ўрин тутган соҳаси ипакчилик бўлиб қолаверди. Қорақўлчиликка ҳам катта аҳамият берилар эди. Чорвачилик жуда тигиз вазифаларни бажариб борди, гўшт, ёғ ва сутга ортиб бораётган талабларнигина эмас, балки тери ва жунга бўлган талабларни бажарилишини ҳам таъминлади.

Республикада мустақкам озиқ-овқат базаси яратиш юзасидан қўйилган вазифа бажарилган эди. Республика ички талабларни қондириш билангина чекланиб қолмай, балки фронт ва озод этилган шаҳар ва районларни қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлашда иштирок этди, озод этилган районларга талайгина чорва, уруғлик ва қишлоқ хўжалик техникаси юборилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ғалабага қўшган ҳиссаси. Уруш йилларида пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигини қайта қуришнинг мураккаб шароитларида ҳарбий талабларга мувофиқ, республика 1941 йили пахта топшириш режасини муваффақият билан бажарди. Лекин кейинги икки йил давомида пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди, сабаби шуки, ғўза экиладиган майдонлар салмоғи кескин камайиб, ғўза ҳосилдорлиги пасайиб кетган эди. Механизация даражасининг пасайиб қолгани, минерал ўғитлардан фойдаланиш қисқаргани ва пахта етиштириш агротехикасининг ёмонлашгани ҳам таъсир ўтказди. Чолик, суғориш, ирригация тармоқларининг тозалаш ишларини мунтазам олиб бориш учун ишчи кучи етишмас эди.

Бироқ уруш даври шароитларидаги бу объектив омилларни мамлакат раҳбарияти инкор этди. Пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолгани учун жавобгарлик маҳаллий партия ва хўжалик органлари бўйнига қўйилиб, улар қишлоқ хўжалигини бошқаришни оператив равишда қайта қуришга лаёқатсизликда айбланди. Мамлакат

рақбарияти пахта тайёрлаш режаларини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бажаришни маҳаллий партия ва хўжалик органларидан талаб қилди ва аслида уларни шу соҳани бошқаришнинг буйруқбозлик, маъмурий усул-амалларига ўтиб боришга мажбур қилди.

Пахтачиликни юксалтириш вазифалари 1944 йилнинг январда ўтказилган биринчи республика пахтакорлари қурултойидагина жиддий равишда ҳар томонлама муҳокама қилинди. Пахтакор хўжаликларни ташкилий жиҳатдан йириклаштириш зарурлиги эътироф этилди. Тажрибали пахтакорлар халқ хўжалигининг бошқа участкаларидан пахта далаларига қайтариб келинди, сувдан фойдаланиш, мелиорация, далаларни ўғитлар билан таъминлаш ишлари яхшиланди. Бироқ оддий колхозчилар белгиланган кўрсаткичларни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга уринаётган буйруқбозлик йўли билан бошқариш усул-амалларининг исканжаси остида қолиб келаверди. Сталин тизими туфайли колхоз ишлаб чиқаришига жорий этилган мажбурлаш чоралари уруш йилларида янада қаттиқлашди. Энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари сонини ошириш ишдаги кескинлик даражасини янада оширди. Энергия, ва меҳнат ресурслари қисқариб кетганлиги туфайли ҳар бир колхозчига тўғри келадиган иш ҳажми деярли икки баравар ошди. Колхозчиларнинг моддий аҳволи кескин ёмонлашди. Улар меҳнат кунлари учун деярли ҳеч нарса ололмас эдилар.

Шундай бўлса-да, халқ буюк жасорат кўрсатди. Муҳтожликлар, очлик, мусибатларга қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан ақл бовар қилмайдиган даражада зўр бериш эвазига фронтни ва фронт орқасидаги корхоналарни, шаҳарлар аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва стратегик хом ашё билан таъминладилар. Қуроли кучларнинг ҳар бир ғалабасига жавобан улар Ўзбекистоннинг жазирама далаларида бутун дилдан чиқариб меҳнат қилишда давом этдилар.

Хотин-қизлар мислсиз жасорат кўрсатдилар. Улар уруш йилларида колхозлар, совхозлар, МТСларда ҳал қилувчи куч бўлиб қолдилар ва фронтга жўнаб кетган оталари, ака-укалари, ўғиллари, турмуш ўртоқларининг ўрнини муносиб равишда эгалладилар. Республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизларнинг сони 1941 йилдаги

52 фоздан 1944 йилда 75 фозгача кўпайди. Уларнинг кўпчилиги уруш йилларида қишлоқ кадрлари тайёрлаш тизимида ва аввало механизаторлик курсларида ўқиб чиқдилар. 1942 йилнинг охирига келиб механизация мактаблари 21 минг нафар тракторчи аёлларни тайёрлаб берди. 1943 йил мобайнида 12 минг нафар аёл ҳар хил ихтисосдаги механизаторлик касбларни эгаллади. Кўпгина аёллар қишлоқда бригадалар, звенолар, чорвачилик фермаларига бошчилик қилдилар. 1943 йили республикада 64 мингга яқин хотин-қиз колхоз раислари ва раис ўринбосарлари, бригадирлар, звено бошлиқлари бўлиб ишладилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари урушнинг дастлабки кунидан бошлабоқ, икки-уч ишлаб чиқариш нормасини бажариш ҳаракатида иштирок этиб бордилар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг ҳормай-толмай қилган меҳнатлари муваффақият билан тугалланди: 1944 йилнинг пахта тайёрлаш давлат режаси 101,4 фоз миқдорда адо этилди. Пахта ҳосилдорлиги бир йил ичида 60 фозга ортди. Пахта тайёрлаш режаси 1945 йилда ҳам бажарилди. Республика пахтакорлари совет халқи Галабасини муносиб равишда нишонладилар. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ҳам муваффақиятлар қўлга киритилди. Республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг энг мураккаб уруш шароитларида кўрсатган жасоратларига мамлакат юксак баҳо берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг 2620 нафар ходимлари СССР ордени ва медаллари билан мукофотланди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари душман устидан қозонилган ғалабага қандай ҳисса қўшдилар? 2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг уруш йилларидаги меҳнат жасорати тўғрисида сўзлаб беринг. 4. Қишлоқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш қандай натижаларни берди?

4- §. Уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фан ва маданият

Илм-фан фронт хизматида. Илмий ишларнинг тинчлик давридаги йўналиши уруш йилларидаги вазифаларга мувофиқ ўзгартирилди. Илмий тадқиқотларнинг барча мав-

зуси фронт ва халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқ қилиб қайтадан тузилди. Илмий муассасалар фаолиятини қайта қуришда СССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари ва Россия, Украина, Белоруссиядан кўчириб келинган олий ўқув юртлари ўзбек олимларига катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбекистонга 22 та илмий тадқиқот институти, 16 та олий ўқув юрти, 2 та кутубхона, кучириб келинган эди. Улар турдош ташкилотларининг майдонларига ва экспериментал базаларига жойлаштирилди.

Уруш йилларида мамлакат атоқли олимларининг катта гуруҳи Ўзбекистонда ишлади. Машҳур жарроҳ академик В. П. Филатов, профессорлар Н. И. Аничков, Н. Вишневский, СССР Фанлар академиясининг академиклари ва мухбир аъзолари В. Д. Греков, В. В. Стреле, Г. О. Графтио, И. А. Каблуков, Н. А. Шатален ва бошқа кўпгина олимлар шулар жумласидандир. Кўчиб келган олимлар Ўзбекистон олимлари билан маҳкам алоқада иш олиб бордилар. Уларнинг биргаликдаги савий-ҳаракатлари илм-фан ютуқларини фронт эҳтиёжлари учун хизмат қилдиришга қаратилган эди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва хом ашё ресурсларини қидириб топиш мақсадида геолог олимлар жуда қисқа муддатларда қалай, вольфрам, молибден, нодир металлар, нефть, тошкўмир, олозбардош материаллар ва бошқа турдаги хом ашё конларини топдилар, бу конлар қисқа муддатларда ўзлаштирилди. Турангли районида темир руда конларининг топилиши муҳим sanoat аҳамиятига эга бўлди. Нефть чиқариб олишни кенгайтиришга катта эътибор берилди. Энергетиклар республиканинг энергетика ва сув ресурсларини аниқлаш ва булардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш, электр станциялари қувватларини ошириш муаммолари устида иш олиб бордилар. Сирдарёдаги Фарҳод гидроэлектр станциясининг лойиҳасини ишлаб чиқишда машҳур ирригаторлар А. Н. Аскоченский ва В. В. Пославицкийлар иштирок этдилар. Лойиҳачиларга мамлакатнинг энг йирик гидроэлектр станциялари қурилишида ўз вақтида иштирок этган академиклар Г. О. Графтио, Б. Е. Веденеевлар ўз маслаҳатлари билан ёрдам бердилар.

Кимёгар олимлар жайдари кўмирни кокслаш муаммоси устида ишладилар, нефть, сланец ва бошқа турдаги

ёқилғилар юзасидан тадқиқотлар олиб бордилар. Пахта чиқиндиларидан халқ хўжалигида фойдаланишга доир таклифлар ишлаб чиқилди, қуруқлайин қайта ишлаш йўли билан этил спирт, сода, кислота ва бошқалар олишнинг янги усуллари яратилди. Кимёгарларнинг четдан келтириладиган дори хом ашёсининг ўрнини босиш учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан олиб борган ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультети базасида фармацевтика заводи ишга туширилди. Уруш йилларида бу завод республика эҳтиёжларининггина эмас, балки бутун мамлакат эҳтиёжларини ҳам зарур дори-дармонлар билан таъминлаб борди.

Олимларга озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун қўшимча имкониятларни қидириб топишга тўғри келди. Агроном олимлар, жумладан Самарқандда жойлаштирилган Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академияси ходимларининг биргалашиб қилган меҳнатлари натижасида қишлоқ хўжалигида ғўза, бутдой ва қанд даялагини алмашлаб экиш усули жорий этилдики, бу нарса республиканинг ўз озиқ-овқат базасини яратиш ва ғўза ҳосилдорлигини оширишга имкон берди. Янги-янги ғўза навлари етиштириб чиқарилди.

Ижтимоий фанлар ҳам уруш йилларида муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Бир гуруҳ олимлар томонидан „Ўзбекистон ССР тарихи“ номли асарнинг яратилиши тарихчиларнинг катта ютуғи бўлди, бу асарни тайёрлашга уруш йиллари Тошкентда ишлаб турган олимлар талайгина ҳисса қўшишди. Улар ташвиқот-тарғибот ишларини ҳам олиб борар, маърузалар қилар эдилар. Археологлар томонидан кўпгина муҳим кашфиётлар қилинди. Ёзувчи Алексей Толстой раҳбарлиги остидаги рус ва ўзбек олимларининг биргаликдаги меҳнати билан „Ўзбек адабиёти тарихи“ асари яратилди. Қадимги ўзбек тили, достончилиги ва бошқалар соҳасида тадқиқотлар ўтказилди.

Илмий кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилди. Республикада физика-математика фанлари докторлари Т. Н. Қори Ниёзов, Т. А. Саримсоқов, геология фанлари доктори Ҳ. М. Абдуллаев ва А. С. Уклонский, энергетик А. Н. Аскоченский ва бошқа кўпгина олимлар ишлар эди. Шу вақтга келиб Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этиш учун

шарт-шароитлар юзага келди. 1943 йил 4 ноябрь куни унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу академиянинг биринчи президенти этиб Т. Н. Қори Ниёзов сайланди. Фанлар академиясининг ташкил этилиши ўзбек халқи ҳаётида энг муҳим тарихий ҳодиса бўлди. Бу академия Ўзбекистон илмий тафаккурининг маркази бўлиб қолди. Шу билан республикада илмий тафаккурни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди. 1944 йилнинг охирларига келганда ЎзССР Фанлар академиясининг таркибида 22 илмий муассаса бор эди.

Уруш вақтининг қийинчиликларига қарамай Ўзбекистон саноат, қишлоқ хўжалиги, таъбиотнинг турли соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган чинакам манба бўлиб қолди. 1943 йилда республикада 41та олий олий ўқув юрти (уларнинг 12 таси кўчириб келинган олий юртлари) ва 52та ўрта ўқув юртлари ишлаб турди. Уруш йиллари давомида уларда 20 минг нафардан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар етиштирилдики, бу нарса саноат ва қишлоқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан таъминлашга имкон берди. Педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қилинди, чунки уруш даври шароитларида бу кадрларга эҳтиёж айниқса кўп сезилар эди.

Маориф органлари мактаблар тармоғини сақлаб қолиш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, умумий таълим тўғрисидаги қонунни бажариш юзасидан амалий чораларни кўрдилар. Ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашга катта эътибор берилди. Уруш йилларида мактаб ўқувчилари кундалик ўқишни ҳар турли меҳнат билан бирга қўшиб олиб борар эдилар.

Уруш йилларида маданият. Совет кишилари турмушида инсонпарварлик хислатларини кучайтириш уруш вақтининг характерли хусусияти бўлиб қолди. Бу тасодифий эмас эди ҳам. Ирқий ва миллий белгисига қараб миллион-миллион кишилар ёстиғини қуритган фашизм бутун-бутун халқларнинг маданий меросини йўқ қилиб ташлашга ҳаракат қилди. Гитлеризмнинг ғайриинсоний амалиёти миллий маданиятларга нисбатан айниқса кучли қизиқиш уйғотди. Навоий, Бобур, Фурқат асарлари, „Алпомиш“, „Гўрўрғли“

халқ дostonлари ва бошқалар Ўзбекистон халқлари учун янгичасига, замонавий оҳанг билан янгради.

Уруш йилларида Ўзбекистон шоирлари, ёзувчилари, композиторлари, rassомлари яратган асарларда ватанпарварлик хислатлари асосий ўринда турар эди. Публицистик асарлар – очерклар, памфлетлар халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир ўтказувчи катта кучга эга бўлди. Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ойдин ва бошқа ёзувчи ва шоирларнинг дилдан чиқариб яратган ўткир публицистик асарлари фашизм кирдикорларини фош этиб, халқнинг жанговар руҳини қўллаб-қувватлар, душман устидан ғалаба қозонишга бўлган истак ва ишончни мустаҳкамлар эди.

Шеърят, яъни поэзия улкан юксалиш йўлини босиб ўтди. Шоирлар ўзбек жангчи йигитларининг жасоратини мадҳ этиб, халқлар дўстлигини, ишчилар ва деҳқонларнинг фронт орқасида ғалаба деб қилган матонатли меҳнатини куйладилар. Она замин, унинг мафтун этувчи гўзалликлари тўғрисидаги шеърий мисралар жанговар қуролдан ҳеч қолишмайдиган даҳшатли қуролга айланди, Ватанга бўлган меҳру муҳаббатни мустаҳкамлаб, кўнгилларни ватанпарварлик ҳис-туйғуларга тўлдирадиган зўр илҳом бўлди. Ўзбекистоннинг атоқли шоирларидан бири Ҳамид Олимжон ўзининг бутун ўткир қобилияти, истисъодини немис-фашист босқинчиларига қарши курашга бахш этди. Уруш йиллари у „Дўстлигимиз тўғрисида“, „Ўрик гуллаганда“, „Ишонч“ ва бошқа ажойиб шеърларини яратди. Ўзбек делегацияси таркибига 1943 йилда фронтга қилган сафари таассуроти остида у „Россия“, „Шинель“ сингари ватанпарварлик руҳидаги шеърларини яратди.

Ўзбекистон шоирлари поэзиянинг ҳарбий мавзудаги асарларини ўзларининг миллий колорети билан безатди. Уруш йилларида Фафур Ғулом истисъодининг энг пинҳона қирралари очилди. Унинг шеърлари кишиларга меҳр-муҳаббат ва самимият руҳи билан суғорилган эди. Фафур Ғуломнинг „Сен егим эмассан“ шеъри уруш йилларидаги шеърят дostonига ўчмас сатр бўлиб кирди.

Ўзбекистон ёзувчилари уруш йилларида мамлакат адабиётини ажойиб асарлар билан бойитди. Абдулла Қаҳҳорнинг „Олтин юлдуз“ повести ва „Дардоқ

қаҳрамони“ очерки жамиятнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. „Олтин юлдуз“ повестыда Абдулла Қаҳҳор фронт манзарасини аниқ-равшан гадалантириб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуровнинг шонли жасоратлари тўғрисида батафсил ва ишонarli қилиб сўзлаб берди. Ёзувчилар ўзбекистонлик жангчиларнинг куч-қуввати, мардлиги, сабру бардоши, ғалабага бўлган мустаҳкам ишончини ўз асарларида тасвирлаб бердилар. Уларнинг ижоди урушдан аввалги йилларнинг бир тахлитдаги қолипларидан халос бўла бошладди. Улар асарларининг қаҳрамонлари ўз ҳолича мушоҳада қилиб, мустақил равишда фикр юритадиган ўз халқининг тарихи билан чуқур боғланганликларини ҳис қиладиган инсон бўлиб қолди. К. Яшиннинг „Босқинчиларга ўлим“, „Офтобхон“, А. Умар ва М. Уйғуннинг „Қасос“, И. Султоннинг „Бургут парвози“ саҳна асарлари ва ватанпарварлик ҳамда мардликка даъват этувчи бошқа асарлар жуда кўпларга манзур бўлди.

Уруш йилларида турли халқлар ёзувчиларининг ижодий ҳамкорлиги мустаҳкамланиб борди. Ўша кезларда Тошкентда 200 га яқин бадиий адабиёт устозлари, жумладан А. Толстой, Б. Лавренов, К. Чуковский, Б. Горбатов, Р. Иванов, В. Ян, Н. Вирта, В. Луговский, М. Шагинян, А. Аҳмадова ва бошқалар яшар эди. Рус, украин, белорус ёзувчилари билан ижодий ҳамкорликда „Биз ғалаба қозонамиз“ номли алманах ва „Ўзбекистон шоирлари фронтга“ номли антология яратилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур асарлари – Алишер Навоийнинг „Лайли ва Мажнун“, „Фарҳод ва Ширин“ дostonлари; Бобурнинг лирик асарлари, Муқимий билан Фурқатнинг шеърлари, „Алпомиш“, „Гўрўғли“ халқ дostonлари рус тилига таржима қилинди, ўзбек тилида эса рус классикларининг асарлари таржима қилиб босилди.

Уруш йилларида театр санъати янги қирралари билан нур сочиб товланди. Мамлакат халқлари театр маданиятларининг ҳамжиҳат ижодиёти мустаҳкамланди. Урушнинг бошларида РСФСР ва Украинанинг кўпгина театрлари республикага кўчириб келтирилган эди. Маҳаллий театрларнинг саҳналари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилди, ишлаш учун шарт-шароитлар яратилди. Театрларнинг репертуарлари Фурмановнинг „Чапаев“, К. Симо-

новнинг „Шаҳримиздан чиққан йигит“, А. Корнейчукнинг „Платон Кречет“ пьесалари ва бошқа кўпгина асарлар билан бойиди. Ҳарбий ва тарихий мавзудаги асарлар театрларнинг репертуарларида устун бўлиб қолди. Ватанпарварлик мавзун ҳужжатли ва бадиий кинематографияда етакчи мавзуга айланди.

Ўзбекистон кино санъати ходимлари москвалик ва ленинградлик ходимлар билан ижодий ҳамкорликда совет киносининг олтин фондига кирган бадиий фильмларни яратдилар. „Александр Пархоменко“, „Денгиз лочини“, „Икки жангчи“, „Насриддин Бухорода“ фильмлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳис-туйғулари тасвирий санъатнинг турли-туман барча жанрларини жонлантирди. Республиканинг кўпгина рассомлари плакат санъатининг қадрига етиб, уни ардоқладилар. Публицистик жиҳатдан ўткир бўлган, куннинг долзарб ҳодисаларини оперативлик билан, инсонларнинг қалбларига етиб борадиган қилиб тасвирлаган ўша йиллардаги плакатлар иккинчи жаҳон урушининг бадиий солномасига айланиб, унинг фожиона ва қаҳрамонона саҳифаларини манзаралар ва образлар тарзида гавдалантирди.

Ўзбекистон рассомлари ҳайкал ва суръат шаклидаги портретларда, солдат ҳамда партизанларнинг жасоратлари тўғрисидаги полотноларида замонавий ватанпарвар, Ватан ҳимоячисининг қаҳрамонона образини яратдилар. Л. Абдуллаевнинг „Қизил Армияга кузатув“ ва „Мукофот билан табриклар“, У. Тансиқбоевнинг „Отлиқлар ҳужуми“ ва „Партизан қиз“, Ч. Ахмаровнинг „Ўзбекистон – фронтга“, О. Кайдаловнинг „Фашист газандаси йўқ қилинди“ ва „Душманга қақшатқич зарба“ асарлари ва бошқалар Ўзбекистон бадиий хазинасининг тараққиётида янги давр очган босқичлар бўлди.

Ёзувчилар ва санъат ходимларининг биргаликда ижодий иш олиб боришлари натижасида СССР халқлари маданиятларининг бир-бирини бойитиб бориши кучайди, кўпчилик театр ва мусиқа жамоаларининг бадиий савияси юксалди, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган ҳужжатли ва бадиий кино ленталар, тасвирий

санъат усталарининг асарлари халқнинг маънавий кучларини душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар этди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ғалаба қозонишга Ўзбекистон олимлари қандай ҳисса қўшдилар? 2. Ёзувчилар ва бошқа ижодий ходимларнинг уруш йилларидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Уруш йилларида маданиятларнинг бир-бирини бойитиб бориши нима билан ифодаланди?

5-§. Ўзбекистон аҳолисининг моддий-маиший аҳволи

Аҳолининг моддий-маиший аҳволи. Уруш ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага бостириб кириб, одамларни ниҳоятда оғир синовларга, муҳтожлик ва кулфатларга солди.

Ғоят кўп жойлар босиб олиниб, экин майдонлари, чорва туёғи камайиб кетганлиги, қишлоқ хўжалиги умумий аҳолининг кескин ёмонлашиб қолганлиги озиқ-овқат хусусида ғоят катта қийинчиликларни туғдирди. Шаҳарларда карточка тизими жорий этилди. Ишчи ва хизматчилар кунига 400 — 500 г дан, уларнинг қарамоғидаги кишилар эса 300 — 400 г дан нон олар эди. Гўшт, балиқ, ёғ, ёрмалар, макаронларни меъёрланган тарзда тақсимлаш тартиби жорий этилган эди, лекин бу тартибга ҳам кўпинча амал қилинмас, карточкаларга тегишли масаллиқлар берилмай қолар эди.

Озиқ-овқат ва саноат молларини меъёрланган тарзда тақсимлаш тизими қишлоқ аҳолисига тааллуқли эмас эди. Озиқ-овқат моллари уларга матлубот кооперацияси магазинларида давлатга топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдорига қараб қатъий меъёрланган миқдорда берилар эди.

Шаҳарликларни таъминлаш учун боғдорчилик-полизчиликни ривожлантиришга киришилди. Саноат корхоналари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди, уларга вақтинча фойдаланиш учун 53 минг гектар ер ажратилди. Ишчи ва хизматчиларнинг яқка тартибда полизчилик билан шуғулланиши кенг расм бўлди. Урушнинг одатдан ташқари шароитларида озиқ-овқат ва саноат молларини меъёри билан тақсимлашга ва полизчилик билан шуғулланишга ўтиш одамларнинг тирикчилиги учун энг кам даражани таъминлашга имкон берди. Уруш даврида ишчи ва

хизматчиларнинг иш ҳақлари анчагина оширилди, бироқ озиқ-овқат ва моллар ниҳоятда танқис бўлиб турган шaroитларда пул батамом қадрсизланиб қолди. „Чайқов бозори“нинг тобора кенгайиб, олиб-сотарликнинг тўхтовсиз авжига чиқиб бориши аҳволни янада оғирлаштирди. Пул билан бўладиган олди-сотди шакллари ўз ўрнини натура билан айирбошлашга бўшатиб берди. Бироқ жуда оғир шaroитларда ҳам айрим тоифадаги номенклатура ходимлари республика меҳнаткашларининг кўпчилиги истеъмол қиладиган даражага ҳеч қийслаб бўлмайдиган махсус поёқлар олар эди.

Моддий қийинчиликлар устига фронтга кетган қариндошлар ва яқин кишилардан ташвишланиш, аслида қаровсиз қолган болалардан хавотирланиш, иш куни муддатининг узайиб кетгани, дам олиш кунлари йўқлиги ва бошқалар туфайли кўнгилга тушган руҳий қийноқлар аҳволни янада оширар эди.

Уруш йилларида аҳолининг янги ижтимоий гуруҳлари: ҳарбий хизматчилар oilалари, кўчиб келган кишилар, уруш ногиронлари, етим болалар пайдо бўлди. Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб Қизил Армия жангчиларининг ҳамма oilалари ҳисобга олинди. Муҳтожлар турар жойни таъмирлаш, ёқилғи тайёрлаш, аёлларни ишга жойлаштиришда ёрдам олиб турар эди. Фронтга кетганларнинг болалари ясли ва болалар боғчаларига жойлаштирилди. Келхозлар ва совхозлар фронтга кетганларнинг oilаларига озиқ-овқат бериб турар, экин экиб олиш учун ер ажратиб берар эди ва ҳоказо.

Мамлакатнинг турли районларидан кўчириб келтирилган одамларни Ўзбекистонда ҳурмат-эътибор ва ғамхўрлик билан кутиб олишди. Уруш йилларида республикага бир миллионга яқин одам, жумладан 200 минг бола келди. Ўзбекистонда улар бошпана ва манзил топишди. Уларга 135 минг квадрат метрдан кўпроқ турар жой берилди, уларни ишга жойлаштириш юзасидан доимий иш олиб борилди. Ўзбекистон аҳолиси ўзининг бўлак нонини, кийим-кечагини, турар жойини кўчиб келганлар билан биргаликда баҳам кўрди.

Ўзбекистонликлар кўчириб келтирилган болаларни айниқса меҳрибонлик ва самимийлик билан кутиб олдилар. Юзлаб oilалар уруш туфайли кўз очиб кўрган уйи, отаси,

онасидан жудо бўлиб қолган болаларни тарбияга олиш истагини билдирдилар. 15 нафар етим болани фарзандликка олган Шомахмудовлар оиласининг олижаноб иши бутун жаҳонга маълум. Украин ва рус, латиш ва қозоқ, кўпгина бошқа миллат болалари бу оилада унинг ўз болалари билан биргаликда тарбияланиб, шодлик ҳамда қийинчиликларни баҳам кўриб борди. Уруш ногирони каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 13 болани ўз паноҳига олди, самарқандлик колхозчи аёл Фотима Қосимова 10 болани қабул қилиб олди. Уруш йилларида 4,5 минг нафардан зиёдроқ болалар ўзбекистонлик оилалар томонидан қабул қилиб олинди. Ўз моҳиятига кўра чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ана шу ҳаракатда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари: анъанавий меҳмондўстлиги, дўстлик ҳисси, кўнгли очиқлиги, ўзгаларга ҳамдард бўлиб қараши тўлатўкис намоён бўлди. Кўчириб келтирилган болаларнинг асосий қисми эса болалар уйларига жойлаштирилди, уруш йилларида бу уйларнинг сони икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилди.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий госпиталлар устидан оталик қилувчи аёллар ҳаракати кенгайиб борди. Урушда оғир жароҳатланган ва майиб-мажруҳ бўлган кишилар фронтёни минтақасидан шу госпиталларга олиб келинар эди. Уларга парвариш қилиб боришдек машаққатли меҳнатни тиббий ходимлар билан биргаликда республика фуқаролари, айниқса ёшлари ўз зиммасига олди. Ўзбекистонда 30 дан ортиқ ҳарбий госпитал жойлаштирилган бўлиб, булар устидан 750 та корхона, муассаса, колхоз-совхозлар оталиқ қилар эдилар. Жароҳотланганларнинг талайгина қисми сафга қайтарилди. 1942 йили барча ногиронлар ҳисобга олинди, уларга бир йўла моддий ёрдам кўрсатилди, кийим-кечак ва пойабзал берилди. Ногиронларнинг қўпчилиги ишга жойлаштирилди.

Ўзбекистон аҳолиси билан фронт ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланиши. Ўзбекистонликлар ҳам, барча совет кишилари сингари, муҳтожликларга қарамасдан, ўзларига энг зарур нарсалардан воз кечиб, фронтга ёрдам кўрсатишга ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар. Улар мудофаа ва жанговар техника қуриш жамғармаси тузиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида

фаол иштирок этдилар. Урушнинг бошидан охиригача бўлган бутун даврида меҳнат жамоалари ва айрим фуқаролар ўзларининг бир кунлик ёки икки кунлик иш ҳақларини мудофаа жамғармасига ажратдилар, қимматбаҳо буюмлари, заём облигациялари ва нақд пулларини топширдилар. Ҳамма жойда шанбаликлар ва якшанбаликлар ўтказилиб, буларда ишлаб топилган пуллар ҳам мудофаа жамғармасига ўтказиб борилди. 1941 – 1945 йиллар давомида Ватан мудофаа жамғармасига республика меҳнаткашлари пул ва давлат заёми облигациялари шаклида 650 млн. сўмдан зиёд маблағ топширдилар, 22 млн. сўмликдан кўпроқ қимматли буюмлар, 55 кг га яқин қимматбаҳо металллар топширдилар. Ана шу маблағларга „Ўзбекистон“, „Красновосточник“, „Ўзбекистон комсомоли“ деган бронепоездлар, авиаэскадрилья, танк колонналари ва бошқа техника қурилиб, фронтга жўнатилди.

Республика меҳнаткашларининг фронтга берган ёрдами жанговар қисмларнинг техника билан қуролланишини мустақамлаб, совет қўшинларининг руҳини кўтарди, душманга қарши курашда уларнинг куч ва қувватини оширди. Генерал-лейтенант Панфилов қўмондонлиги остидаги қўшилмадан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига юборилган хат ана шундан яққол далолат беради: „Совет Ўзбекистонига 20 йил“ номидаги танклар билан жанглarda иштирок этган жангчи ва офицерлар Қизил Армия тўғрисида ғамхўрлик қилгани учун, танкчиларни ажойиб бронетехника – қудратли танклар билан таъминлагани учун Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига чуқур қизиласкарлик миннатдорчилигини билдиради“.

Уруш йилларида ўзбекистонлик меҳнаткашлар Қизил Армия жангчиларига қайта-қайта совғалар юбориб турдилар. Жануби-ғарбий фронт жангчилари хатларнинг бирида мана бундай деб ёзган эди: Делегация томонидан фронтга олиб келинган совғалар ва бу делегациянинг орамизда бўлиши ҳар бир жангчида ва командирда чуқур ва самимий миннатдорчилик ҳиссини уйғотди... „Серқуёш Ўзбекистоннинг ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари бизга ғамхўрлик кўрсатаётганидан беҳад хурсандмиз“.

Ўзбекистон меҳнаткашлари сафарбар қилинган ўзбекистонлик жангчиларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб, фронтга ишчи ва колхозчилар делегациялари, концерт

бригадалари юбориб турдилар, фронт газеталарини чиқаришга ёрдам бериб турдилар. Ўзбек тилидаги 14 та фронт ва бригада газеталари катта-катта сиёсий-тарбиявий иш олиб борди. Қизил Армия жангчилари билан фронт орқасидаги меҳнаткашлар ўртасидаги алоқалар донмий равишда таъкидлаб борилди.

Даҳшатли 1942 йил кузида, душман Волга томон ёпирилиб, Кавказ учун жанглар авж олиб кетган бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига деярли 2,5 миллион киши имзо чекиб ёзилган ватанпарварлик мактуби билан мурожаат этди. Бу – ўзбек жангчиларини ўз ҳаётини аямай, Ватан учун жанг қилишга даъват этган қаттиқ илтижо эди. „Рус кишинининг уйи – сенинг ҳам уйинг, – дейилган эди хатда, – украин билан белоруснинг уйи сенинг ҳам уйинг. Чунки Совет Иттифоқи дўстлар оиласидир, бу оилада ҳар ким ўз уйида яшаса-да, лекин ҳовли ва хўжалик бир ва бўлиқмасдир. Бизнинг мамлакатимизда уйларимизни ажратиб турадиган чегаралар йўқ, модомики, босқинчи биродарининг уйини тортиб олган экан, унга уйини қайтариб олиб бер. Бу сенинг бурчинг, ўзбек жангчиси“. Марказий ва маҳаллий фронт газеталарида босиб чиқарилган бу мактуб ўзбек жангчиларининг жанговар руҳини кўтарди, улар бу мактубни ўз халқининг муқаддас амри деб билдилар.

Ҳарбий-оталиқ ишининг оммавий равишда авж олиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёзувчилар, рассомлар, музикачилар ижодий бригадаларга бирлашиб ҳарбий қисмлар, госпиталларга бориб турдилар, фронтга бориб келдилар. Бу бригадаларга Қори Ёқубов, Т. Раҳимов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним ва бошқалар сингари атоқли артистлар бошчилик қилдилар. Уруш йиллари мобайнида Ўзбекистон санъат ходимларининг оталиқ бригадалари фронт ва Қизил Армиянинг резерв қисмларида 21 минг мартадан кўпроқ концерт бердилар.

Фронтга ҳар томонлама ёрдам бериб турилгани, жангчилар тўғрисида бутун халқ ғамхўрлик қилгани солдат ва офицерларнинг маънавий руҳини кўтариб, душманга қарши курашда кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАГ. 1. Ўзбекистон аҳолисининг уруш йилларидаги моддий аҳволи тўғрисида сўзлаб беринг. 2. Ўзбекистон аҳолиси билан фронтдаги қўшинлар ўртасидаги алоқаларининг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлди?

6-§. Ўзбекистонликларнинг жанговар жасорати

Ўзбекистонликлар урушнинг бошидаги жангларда. Урушнинг дастлабки ойлари Қизил Армия учун, бутун совет халқи учун жуда ҳам оғир ва фожiali бўлди. Фашистлар армиясининг дастлабки зарбасини чегарачилар ва ҳимоячи қўшинларнинг олдинги қисмлари ўзларига олдилар. Улар мисли кўрилмаган даражада бардош ва матонат кўрсатдилар. Ватан ғарбий чегараларининг ҳимоячилари орасида талайгина ўзбекистонлик аскарлар ҳам бор эди.

Урушнинг биринчи соатида бошланган қаҳрамонона Брест қалъасининг мудофааси бутун жаҳонга маълум. Чегарада жойлашган Брест қалъасининг 50 дан ортиқроқ миллатга мансуб жангчилари душманнинг ортиқ даражадаги кучларига бир ой давомида қарши турдилар. Деярли бутун гарнизон ҳалок бўлди, лекин ҳеч ким таслим бўлмади. Брест қалъаси мудофаасининг фаол қатнашчиларидан бири ўзбекистонлик сержант Дониёр Абдуллаев эди. Гитлерчиларга қарши жангларнинг бирида у 4 та фашистни йўқ қилди ва шу жангда ўзи ҳам ҳалок бўлди. Брест қалъасини ҳимоя қилишда Ўзбекистондан келган кўпгина жангчилар, жумладан Алиев, Исаев, Юсупов, Ф. Лаенков, У. Отаев ва бошқалар алоҳида жасорат кўрсатдилар. Афсуски, бу қалъа қаҳрамонлари туғрисида урушдан кўп йиллар ўтганидан кейингина хабар топилди. Брест қалъасига „Қаҳрамон қалъа“ фахрли унвони берилди.

Ўзбекистонлик жангчилар Киев, Смоленск, Одесса, Севастополь ва бошқа кўпгина шаҳарлар мудофаасида иштирок этдилар.

Урушнинг биринчи, энг оғир кунларида неча ўн минглаб совет жангчилари ҳалок бўлди, кўплар асирга тушди, ёки, қамалда қолиб, фронт чизиги орқали шарққа аранг ўтиб борди. Неча минглаб совет қўшинлари душманнинг орқа томонида партизанлик ҳаракатини бошлаб юборди. Жангчиларнинг қаҳрамонлиги ва урушнинг биринчи кунларидаги чалкашлик бир-бирига қўшилиб бир бутун бўлиб қолди. Қизил Армиянинг ялпи мудофаа fronti йўқ, Совет Армияси чекиниб бораётган эди. Дастлабки уч ҳафталик ғарбий ҳаракатлар давомида босқинчилар армияси мамлакат ичкарисига 300 – 600 км кириб борди. Ўз бурчларини виждонан бажариб келаётган совет солдатларининг

мардлиги ва қаҳрамонлиги тизимнинг талайгина бўғинларидаги тартиб-интизомнинг издан чиққанлиги ва хўжасизликни қоплаб, ўрнини тўлдириб кетолмас эди.

Урушнинг дастлабки давридаги фожиали ҳодисаларни босқинчиларнинг тантанавор юриши деб ўйлаб бўлмайди, босқинчи душман ҳам кўп талафот кўрди. Бироқ душманнинг илгарилаб бориши учун имкониятлар каттагина бўлиб қолаверди. 1941 йилнинг кузида Қизил Армиянинг мажбурий чекниб бориши натижасида фронтнинг шимоли-ғарбий қисмида немис-фашист қўшинлари Ленинградни ўраб олиб, Москвага хавф соладиган даражада яқинлашиб келдилар, Донбасс ва Қримнинг каттагина қисмини эгаллаб олдилар.

Москва учун жанг. 1941 йилнинг кузига келиб душман совет-герман frontiдаги ўз кучларининг деярли ярмини Москва стратегик йўналишига тўплади. Бироқ душманнинг Москвани эгаллаш учун жон-жаҳди билан қилган ҳаракати совет жангчиларининг енгилмас қаршилигига учради. Москва ва қаҳрамон ҳимоячиларининг сафларида Ўзбекистонда тузилган ҳарбий қисмлар ҳам бор эди. Москва остоналаридаги душман ҳужумини қайтаришда Қозоғистонда тузилган Панфилов дивизияси айниқса матонат кўрсатди, бу дивизия сафларида Тошкент пиёда аскарлар ўқув юртини битириб чиққан 180 командир жанг қилди. Москва мудофасида шахсий таркибнинг кўрсатган матонати ва қаҳрамонлиги учун бу дивизия Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди ва саккизинчи ўқчи гвардия дивизиясига айлантирилди. Бу дивизияда ўзбекистонлик Зариф Иброҳимов, Икрэм Жалолов, Мамадали Мадаминов ва бошқа кўпгина жангчилар мардонавор жанг қилдилар, дивизия жарроҳи Ғулом Абдукаримов эди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқа вилоятлар аҳолисидан тузилган 44-отлиқлар дивизиясининг жангчилари мардонавор жанг қилдилар. Бу дивизиянинг 106 нафар жангчилари билан командирлари Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Кўпгина ўзбекистонликлар Москва яқинида генераллардан Н. А. Белов ва Л. М. Доватор қўмондонлик қилган 1- ва 2- отлиқ аскарлар корпуслари сафларида жанг қилдилар. Ўзбекистондан келган 21- отлиқ аскарлар дивизияси алоҳида жанговар ҳаракатлари учун 14-гвардиячи

дивизияга, 259-ўқчилар дивизияси 12-гвардиячи дивизияга айлантирилди. Бу хабар Ўзбекистон меҳнаткашлари кўнглида ифтихор туйғусини уйғотди, чунки бу дивизияларнинг жангчи ва командирлари асосан ўзбекистонликлар эди. Москва ҳимоячилари орасида ўзбек халқининг қизлари ҳам жанг қилдилар, 28 та фашистни қириб ташлаган Зебохон Ганиева Қизил Байроқ ордени ва „Снайпер“ нишони билан мукофотланди. Ўзбекистонлик жангчиларнинг қурқмаслиги ва мардлигини кўрсатадиган мисоллар жуда кўп. „Москва мудофааси учун“ медаллари билан мукофотланганлар орасида 1753 нафар ўзбекистонлик жангчи бор эди.

Москва яқинидаги жангда фашистлар Германияси биринчи бор катта талафот кўрди. Душманнинг 60 дан ортиқ дивизияси тор-мор этилиб, Москвага бевосита хавф-хатар бартараф этилди. Бу – гитлерчиларнинг иккинчи жаҳон урушидаги дастлабки йирик мағлубияти бўлиб, „яшин тезлигидаги уруш“ режасининг барбод бўлганини билдирар эди. Совет жангчиларининг Москва яқинидаги ғалабаси гитлерчи қўшинлар енгилмасдир деган афсонани чиппакка чиқарди. Лекин ғалаба йўли эндигина бошланган эди, холос. Қизил Армиянинг 1941 – 1942 йиллардаги ҳужум операциялари тажриба етишмовчилигини ва ишончли техник таъминот, жумладан танк ва ҳаво армиялари ҳамда артиллерия резервлари йўқлигини аниқ кўрсатиб берди.

1942 йилнинг ўрталарига келиб душман Дон дарёси бурилиб ўтадиган катта жойга ва унинг қуйи оқимиغا ёриб кирди. 1941 йилнинг 17 июль кунидан то 1943 йилнинг 2 февралигача бўлган даврни ўз ичига олган улуғ Сталинград жанги авж олиб кетди. Шу билан бирга Кавказ учун жиддий жанг олиб борилди (1941 йил 25 июль – 1943 йил 9 октябрь). Мамлакат устига ўлим хавфи келиб қолди. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам душманни тўхтатиш зарур эди.

Урушнинг буюк даврида. 1942 йил 12 июлда Сталинград fronti очилди. Бу фронтда мамлакатдаги барча халқларнинг вакиллари елкама-елка туриб жанг қилиб бордилар. Волгадаги улуғ жанг даврида ўзбекистонликлар талайгина қаҳрамонлик жасоратларини кўрсатдилар. Улар Сталинградни ҳимоя қилиб турган 62, 64-армиялар ва бошқа қўшилмаларнинг сафларида туриб жанг қилиб бордилар. Шиддатли жанглар авжига чиққан пайтда

Ўзбекистондан Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тузилган 90- ва 94- ўқчи бригадалар етиб келдилар.

Ўзбек жангчилари Қизил Армиянинг барча жангчилари билан ягона бир сафда туриб энг яхши аскарлик фазилатларини кўрсатдилар. Республика Волгадаги жангда қаҳрамонлик кўрсатган ўз ўғил-қизларининг жанговар жасоратлари билан фахрланади. Совет Шарқи 11 нафар қаҳрамонларининг жасорати Сталинград мудофааси солномасига битилган. Булар Кабригов қўмондонлиги остидаги 9 нафар ўзбек, қозоқ ва татар жангчиларидан иборат гуруҳ бўлиб, фашистлар эгалламоқчи бўлган тепаликни мудофаа қилдилар. Ўша жангда 300 га яқин немис солдатлари қатнашди, шу тепалик учун жанг 12 кун давом этди. Бир ҳовучгина совет қўшинларининг ҳаммаси мардларча ҳалок бўлди, лекин душманни ўша тепалик яқинида тўхтатиб қолди ва шу билан совет қисмларига олға ўтиб бориш учун имкон яратиб берди. Ўша 11 қаҳрамондан фақат 2 нафаригина тирик қолди.

Сталинград учун жангларда Ўзбекистоннинг кўпгина фарзандлари мардлик кўрсатдилар. Наманган вилоятидан келган офицер Мамасоли Жабборов 1942 йил ноябрда чекиниб бораётган фашистлар қўшинининг икки полкига мотоўқчилар ротаси билан тўсатдан зарба бериб ҳужум қилди. Мана шу қисқа жангда совет қўшинлари душманнинг 400 нафар солдат ва офицерларини қириб ташлади ва 230 нафарини асирга олди, талайгина қурол-аслаҳа ва ўлжаларни қўлга туширди.

Тошкент педагогика институти тарих факультетининг иккинчи курсидан ўз ихтиёри билан фронтга жўнаб кетган ҳарбий радист Елена Стемповская Сталинград учун бўлган жангда қаҳрамонона кураш олиб бориб, ҳалок бўлди. Гитлерчиларнинг шиддатли ҳужуми вақтида у рация ёнидаги ўз ўрнини ташлаб кетмади. Ўзининг қаҳрамонона жасорати билан у батальонининг жанговар муваффақиятини таъминлаб берди.

Оғир жангларнинг бирида, 50 тага яқин немис танклари мудофамизнинг кичикроқ бир маррасига ҳужум қилаётган маҳалда совет жангчилари 36 та немис танкини ишдан чиқардилар, лекин фашистлар ҳужумни давом эттираверди, мудофаачиларнинг сафлари сийраклашиб борди. Тўсатдан бир немис танки олдинги позицияга ёриб ўтди. Мудофаанинг

ёрилиши тайин бўлиб қолди. Шунда ўзбекистонлик жангчи Камол Пўлатов белига гранаталарини боғлаб олиб ўзини танк тагига ташлади. Фашистлар ҳужуми тўхтаб қолди ва немис танклар гуруҳи янчиб ташланди. Камол Пўлатовга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Сталинград учун олиб борилган жангларда 117 фашистни ер тишлатган мерган Ҳайит Хужматов, 88 нафар гитлерчини йўқ қилиб, ўз пулемётининг ўқи билан душманнинг чекиниш йўлини кесиб қўйган Ибод Қорасв ва бошқа кўпгина жангчилар олий мукофотларга сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик жангчиларнинг матонати ва мардлиги муносиб равишда тақдирланди. 2738 нафар киши „Сталинград мудофааси учун“ медали билан мукофотланди.

Армия ва халқнинг қаҳрамонона ҳаракатлари фашист армиясининг энг яхши дивизияларининг тор-мор этилишига олиб келди. Немис қўшинларининг 250 минг нафардан кўпроқ кишини ўз ичига олган каттагина гуруҳи қамалга тушиб қолди. Душман стратегик ташаббусни йўқотди. Волга бўйида қозонилган ғалаба ва бутун иккинчи жаҳон уруши давомидаги бурилишнинг бошланиши бўлди, чунки душманга кейин яна зарбалар бериш учун қулай шароитлар яратилди. 1943 йилнинг январида Ленинград қамалининг ёрилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Кавказ учун олиб борилаётган жанг 1942 йилнинг кузида ўзининг охиригача кирди. Тошкентда тузилган Кавказ fronti дивизияси фронтнинг муҳим қисмларидан бирида душманнинг янада олдинга ўтиб боришини тўхтатиш туғрисида қўмондонликдан буйруқ олди. Бу дивизия командири Собир Раҳимов эди. Кавказдаги уч ойлик жанг давомида С. Раҳимов дивизияси жиддий муваффақиятларни қўлга киритди ва душманнинг 8 минг нафар солдат ва офицерларини қириб ташлади. Кейинчалик генерал Собир Раҳимов Кавказдан то Шарқий Пруссиягача бўлган шонли жанговар йўлни босиб ўтди.

Қўшинлар Шимолий Кавказ гуруҳининг операцияларини 1943 йилнинг январь-февралда Қора Денгиз гуруҳи қўллаб-қувватлаб борди. Бу қўшинлар гуруҳига урушдан олдин Туркистон ҳарбий округи қўшинларида хизмат қилган генерал И. Е. Петров қўмондонлик қилар эди. Қизил Армия қисмлари ҳужумни муваффақиятли равишда

давом эттириб, 1943 йил 14 февраль куни Ростовни – душманнинг жанубдаги энг муҳим мудофаасининг таянч пунктини тўла-тўқис эгалладилар. Озод қилинган шаҳарларнинг аҳолиси Қизил Армия қисмларини катта шоду ҳуррамлик билан кутиб олар эдилар.

Босиб олинган совет ерларида фашистлар раҳбарияти „янги тартиб“ ўрнатар эди. Фашистлар босиб олган ерларида қабул қилинган барча халқаро битимларга хилоф равишда гетто, ўлим лагерлари ва концлагерлар ташкил этиб, бу жойларда ҳарбий асирлар ва маҳаллий аҳолини режалаб қирар ва қулоқ эшитмаган қийноқларга солиб, таҳқир қилар эдилар. Баъзилар азоб-уқубатларга бардош беролмай, немислар хизматига, асосан фашистлар вермахти ва СС хизмати томонидан совет халқини биродаркушлик урушига тортиш мақсадида тузилган „кўнгиллилар қисмларига“ ўтиб қолар эдилар. Фашистлар „кўнгиллилар отрядлари“га мажбурий ёллаш йўлини ҳам тутдилар. Бироқ кўпчилик совет кўшинлари ҳатто душманнинг орқа томонига ўтиб қолганларида ҳам қамалдан чиқиб кетишга уринар эдилар. Улар қаршилиқ ҳаракатида иштирок этиб, партизан отрядларига кирар эдилар. Бу отрядларда маҳаллий аҳоли ҳам жанг олиб борарди.

Курскдан Днепрга томон. 1943 йил июлда Курск ва Орёл районида қаттиқ жанглар олиб борилди. Курск яқинидаги жанговар операцияларда Ўзбекистонда тузилган ҳарбий кўшилмалар ҳам иштирок этди. Буларнинг орасида 162-Ўрта Осие-Новгород-Шимолий Қизилбайроқли дивизия, шунингдек, 5-, 29-, 69-ўқчи дивизиялари бор эди.

Курск яқинидаги жанг тарихи ўзбекистонлик жангчилар қаҳрамонлигини кўрсатувчи талайгина мисоллар билан тўлиб тошган. Самарқандда тузилган дивизиянинг бутун ҳайъати бу ерда полковник Зубов қўмондонлиги остида мардлик ва жасорат кўрсатди. Дивизиянинг командирлари ва жангчилари шиддатли жангларда чинакам қаҳрамонликни намойиш қилдилар. Гвардиячи лейтенант Владимир Шаландин алоҳида матонат кўрсатди. У 10 соат давомида тенгсиз жанг олиб бориб, душман ҳужумларини қаҳрамонларча қайтариб турди. У душманнинг „тигр“ маркали иккита ўртача танки, танкка қарши учта замбарагини ҳамда 40 нафарга яқин гитлерчиларни йўқ қилиб ташлади ва ўзи ҳам танкда ёниб кетди. Унга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

„Орёл“ дивизияси деган шарафли номни олган 5-ўқчи дивизия Курск жангида алоҳида матонат кўрсатди. Орёл шаҳри остоналарида фашистлар талайгина куч тўплаб турган Золотарёвка қишлоғи учун жанг бўлди. Бироқ гитлерчиларнинг қаршилиги синдирилди. Бу ердаги жангларда фарғоналик пахтакор Аҳмаджон Шукуров матонат кўрсатди. У 110 нафар фашистни йўқ қилиб, 15 тасини асир олди. Унга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, Золотарёвка қишлоғи эса ўша пайтдан бошлаб унинг номи билан аталадиган бўлди. Зилмат Ҳасанов бир ўзи 80 фашистга қарши жанг қилиб, кучлар баробар бўлмаган бу жангда 60 тадан ортиқ гитлерчиларни қириб ташлади. Патронлари тугганидан кейин эса Зилмат Ҳасанов ўзини портлатиб, яна бир неча солдат ва офицерларни йўқ қилди.

1943 йил ёзидаги даҳшатли катта жангларда немис-фашистлар армияси катта талафотлар кўрди. 5 август куни Орёл ва Белгород, 20 август куни эса Харьков шаҳарлари озод қилинди. Қизил Армиянинг умумий ёзги ҳужумини бошлаб берган Курск жанги шу билан тугалланди. Гитлер қўшинлари Днепр ортига улоқтириб ташланди. Душман қўлидан ташаббус юлиб олинди.

Днепр учун жанг уруш солномасида ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолди. Гитлерчилар Днепрнинг ғарбий қирғоғида "яқинлашиб бўлмайдиган шарқий тўсиқ" яратишга уриниб, бу ерда мустаҳкам муҳофазани ташкил этдилар. Днепрни кечиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Дарёнинг баланд ўнг қирғоғи душманга шу дарёнинг бутун юзасини назорат қилиб туришга имкон берар эди. Снаряд ва авиабомбаларнинг ёрилишидан дарё суви худди қозондагидек қайнаб кетди. Жангчиларимиз дарёнинг ўнг қирғоғига ўтган замон душман билан шиддатли жанглар авж олиб кетди. Днепр учун олиб борилган жанг кўпгина миллат жангчиларини жанговар дўстлик билан жипслаштирди. Бу жангда Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларда тузилган қисм ва қўшилмалар иштирок этди. Тошкент вилоятида тузилиб, ўқитилган 441-ўқчи дивизия бу жангда шухрат топди. 1943 йилнинг кузидан бошлаб у 69- Севск гвардиячи ўқчи дивизия деб аталадиган бўлди. Унинг сафларида 30 миллат вакиллари жанг қилдилар. Жангларнинг бирида 237-ўқчи полкнинг лейтенант Озеров қўмондонлиги остидаги ҳужумчи отряди Днепр ва Сожа

дарёларининг бурилиш жойидаги ғарбий соҳилида шитоб билан кичик бир истеҳкомни эгаллади. Фашистлар уларга ёмғирдек ўт очиб жасур жангчиларни йўқ қилиб ташлашга интилдилар. Тирик қолган 10 тача киши орасида рота комсорги Жўраҳон Усмонов ҳам бор эди. Мадад етиб келгунча у икки кеча-кундуз давомида қаҳрамонлик билан маррани сақлаб турди. Шу бўлинманинг ҳамма жангчилари юксак мукофотларга сазовор бўлдилар, Жўраҳон Усмонов эса Совет Иттифоқи унвони билан тақдирланди.

Бухоро вилоятининг Гиждувон районидаги Лавзекарон қишлоғидан чиққан Вали Набиев Днепр учун жангда ўзбек жангчиларининг шон-шухратини янада оширди. 28 сентябрь куни Вали Набиев 60-гвардиячи отлиқ аскарлар полки таркибида биринчилар қаторида Днепрнинг ғарбий қирғоғига ўтди. Бир гуруҳ эскадрон автоматчилари билан душманнинг етти солдатини қириб ташлади, қолганларини эса қочишга мажбур қилиб, шу билан эскадроннинг Днепр оша ўтиб олишини таъминлаб берди. Вали Набиев томонидан эгалланган истеҳком сақлаб қолинди ва кенгайтирилди. Гвардия старшинаси Вали Набиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Днепр дарёсини жанг билан кечиб ўтишда, Днепр истеҳкомларидаги жангларда фидокорлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун барча турдаги қўшин жангчиларидан жами 2348 нафар кишига, жумладан 26 нафар ўзбек йигитларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Днепр учун олиб борилган жанг Совет Иттифоқи халқлари ҳамкорлиги, умумий душман устидан ғалаба қозониш учун ўз куч-қувватларини ва ҳаётларини ҳам аямаган барча миллатлар ва элатлар жангчилари мардлиги ва қаҳрамонлигининг ёрқин мисоли бўлди. Бу жангда шахсий таркибнинг жанговар фазилатлари ҳам камол топди. Жангчилар тажрибага эга бўлиб, ҳужумда моҳирлик билан иш қилдилар ва жонажон замин юзидан босқинчиларни тезроқ қувиб чиқариш иштиёқи билан ёниб жўшдилар.

1944 – 1945 йиллардаги ҳарбий операцияларда ўзбекистонлик жангчиларнинг иштироки. Қизил Армиянинг 1943 йилдаги ғалабалари, айниқса Курск-Орёл ёйи ва Днепр учун бўлган жангларда немис қўшинларининг тор-мор этилиши совет қўшинларининг 1944 йилдаги бирмунча

йирик ҳужум операциялари учун шарт-шароитларни яратиб берди. Йилнинг бошланиши Ленинград ва Новгород остонасида немис-фашист қўшинлари йирик гуруҳларининг тор-мор этилиши билан бошланди. 1944 йил апрелининг ўрталарида Қизил Армия жангчилари Карпат тоғ олди жойларига яқинлашиб келди, 25 март куни эса давлат чегарасига чиқиб олди.

6 июнь куни иттифоқчиларнинг қўшинлари Ломанш бўғозини кечиб ўтиб жанглар билан Шимолий Франция бўйлаб ҳаракатланиб борди. Шу тариқа иккинчи фронт очилди.

Совет қўшинларининг янги ҳужум операцияси – бу операция режасининг номи шартли равишда "Багратион" деб юритилар эди – 1944 йил 23 июнь куни Белоруссияда бошланди. Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда атоқли ўзбек шоири Жўра Султонов мардонавор жанг қилди. У нгу ерда ҳалок бўлди ва унинг шарафига Минск кўчаларидан бирига номи берилди. Белоруссия тупроғида 389-ўқчи дивизия айниқса муваффақият билан жанг қилди. Бу дивизия қисмларидан бири душманни улоқтириб ташлаб, жанг билан Ғарбий Буг дарёсини кесиб ўтди, 1944 йил 28 июль куни қаттиқ жанглар билан Висла дарёсига етиб борди ва уни кечиб ўтиб, ғарбий қирғоғида мустаҳкамланиб борди.

Ўзбекистонлик жангчилар Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқ бўйи республикалари ва РСФСРнинг ғарбий вилоятларидаги партизан қўшилмаларида иштирок этдилар. Уларнинг кўпчилиги разведкачилар бўлдилар, партизан отрядларига қўмондонлик қилдилар. "Чекист" отрядидан чиққан жасур разведкачи партизан Мамадали Топиболдиевнинг номи Белоруссияда жуда машҳур. У 67 та душман ва солдат офицерини йўқ қилиб, 180 тасини асирга олди. Унинг довуғи бутун партизанлар ўлкасига ёйилди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, жанговар жасоратлари муносиб тақдирланди.

"Қасоскор" партизанлар бригадаси таркибида бўлиб, Жонибек Отабоев бошчилик қилган бўлинма Гомель атрофларидаги "темир йўл уруши" да фаол иштирок этди. Унинг бўлинмаси партизанлари гитлерчиларнинг эшелонлари ўтадиган темир йўл изларини портлатиб ишдан чиқардилар, гитлерчиларни ўққа тутдилар ва полиция участкаларини

тор-мор этишда иштирок этдилар. Брянск аatroфларида самарқандлик жасур партизан И. Мусаев, А. Ҳакимов, И. Қосимов ва бошқаларнинг номлари машҳур бўлди. Уларнинг қаҳрамонона жасоратлари бир неча марта юксак ҳукумат мукофотлари билан нишонланди.

1944 йил кузининг ўрталарига келганда СССР чегараси деярли бошидан охиригача тикланган эди. Қизил Армия Оврўпани фашистлар зулмидан қутқаришга киришиб, Шарқий Пруссия, Висла ва Одерда, Будапешт билан Вена аatroфларида бир қанча ажойиб операцияларни ўтказди. Кенигсберг шаҳри учун шиддатли жанглар олиб борилди, 1945 йил апрелда унга ҳужум бошланди. Кенигсбергининг олинганлиги учун ўзбекистонлик жангчилардан 5140 нафар киши медаллар билан мукофотланди. Гданск районидаги душман гуруҳларини йўқотишда генерал Собир Раҳимовнинг орденли гвардиячи дивизияси иштирок этди. Гданск учун бўлган жангларда Собир Раҳимов ҳалок бўлди. Жанговар хизматлари учун, мардлик-мардонаворлик кўрсатгани учун Собир Раҳимовга ўлиmidан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Бўлиб ўтган жанг майдонларида Ўзбекистоннинг шон-шарафини таратган мардонавор жангчиларнинг энг яхши хислатларини гвардия полковниги Ботир Давронович Бобоев ўзида мужассам қилди. Урушнинг узоқ вақт чўзилган ва машаққатли бутун йўлини у жанг олишувларида ўтказди. Унинг батареяси Берлин йўлидаги дарёларнинг охиригисини – Одер дарёсини биринчилар қаторида жанг билан кечиб ўтди. Бу батарея дарёнинг ғарбий соҳилидаги кичикроқ истеҳкомда 10 марта қарши ҳужумга ўтди. Бобоев батареясининг гвардияси тўпчилари душман взводиini яқсон қилиб, бир танк ва икки ўзиюрар тўпни ёндириб юбордилар. Фашистлар батальони шу батарея снарядларининг зарбалари остида яқсон бўлди. 1945 йил 31 майда Б. Д. Бобоевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Бу хабарни у мағлуб бўлган Берлин шаҳрида олди.

Франкфурд йўналишида 8 нафар разведкачидан иборат гуруҳ билан Одер дарёсини кечиб ўтганлиги учун разведка кичик командири Олим Раҳимов ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Унинг жанговар йўли Украинани озод қилиш, Буг дарёсини жанг билан кечиб

ўтиш, Польша шаҳарларини озод этиш билан боғланган эди.

Будапештни озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун 2430 нафар ўзбекистонлик жангчилар медаллар билан мукофотланди. Венгрия шаҳарларини озод этишда Рем Абзалов шуҳрат тарафди. Унга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Кўпгина ўзбекистонлик жангчилар Москвадан то Берлингача бўлган қаҳрамонона йўлни босиб ўтдилар ва немис қўшинларининг бутунлай тор-мор этилишида қатнашдилар. Шуларнинг орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Ботир Давронович Бобоев, Тожиали Бобоев, Солиҳ Умаров, учала даражадаги Шуҳрат Ордени нишондори Саид Ниёзов ва бошқа кўпгина кишилар бор. Берлинни ҳужум қилиб олишда кўрсатган довжураклиги ва жасорати ҳамда шаҳарнинг ўзидаги жанглардаги фаол иштироки учун тошкентлик А. А. Голубенкога Совет Иттифоқи Қаҳрамони берилди. Берлинга ҳужум қилганлар орасида Саид Ниёзов, А. А. Победов, В. Н. Сивков ва бошқа кўпгина кишилар ҳам бор эди. Берлин олинганлиги учун медали билан ўзбекистонлик жангчиларнинг 1706 нафари мукофотланди.

1945 йил 1 майга ўтар кечаси Рейхстаг биноси устига Ғалаба байроғи қадалди, 2 май куни эса Берлин гарнизони таслим бўлди. 9 майда совет қўшинлари душман қўшинларининг Чехославакиядаги сўнгги гуруҳини тор-мор этдилар. Шу куни Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги битим имзоланди. Узоқ кутилган ғалаба куни етиб келди. Гитлерчилар Германияси ва иттифоқчиларига қарши олиб борилган уруш тугади.

Фашистлар рейхи мағлуб бўлди, лекин иккинчи жаҳон уруши Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч Океан ҳавзасида давом этар эди. Германия қуроли кучларининг таслим бўлиши тўғрисидаги битим имзоланган кундан бошлаб СССР уч ой давомида Осиёнинг Япония томонидан қулликка туширилган халқларига ва ўзининг инглиз-америка иттифоқчиларига ёрдамга келди.

Қуруқликдаги Япония қуроли кучларининг негизи бўлмиш Квантун армиясини Қизил Армия 24 кунлик кампания мобайнида тор-мор қилди, бу кампанияда ҳам ўзбекистонлик қўшинлар иштирок этишди. Квантун

17- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

армиясининг шу тариқа тор-мор этилиши Япония ҳукумати урушни тўхтатишга мажбур қилди. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши ва умуман Иккинчи Жаҳон уруши тугади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Совет Иттифоқи урушнинг бошланғич даврида қандай қийинчиликларга дуч келди? 2. Ўзбекистонлик қўшинларнинг Москва яқинидаги жангдаги иштироки тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Сталинград жангининг аҳамияти нимадан иборат бўлди? 4. Ўзбекистонлик жангчиларнинг Днепр учун олиб борилган жангдаги иштироки тўғрисида сўзлаб беринг. 5. Совет қўшинлари Днепрдан то Берлингача қандай йўлни босиб ўтдилар?

7-§. Ғолиб халқ

Совет халқининг фашист давлатлари блоки устидан қозонган ғалабаси Совет Иттифоқи халқларинигина эмас, балки бутун инсониятни фашистлар асорати хавфидан халос этган оламшумул-тарихий ғалабадир Герман фашизмнинг жаҳон ҳокимдорлиги йўлида тўсиқ бўлиб турган асосий куч айнан шу Совет Иттифоқи бўлди. Шунинг учун урушнинг асосий машаққатларини у ўз зиммасига олди ва гитлерчилар Германиясининг тор-мор этилишида асосий ролни ўйнади.

Гитлер ва унинг атрофидагилар Совет Иттифоқига ҳужум қилар экан, Совет халқлари орасига душманлик уруғини сочиб, миллатлар ўртасида низо чиқаришни мўлжаллаган эдилар. Бироқ урушнинг дастлабки кунларида бу мўлжалнинг хомхаёл эканлиги кўринди. Даҳшатли синов вақтида барча халқлар Ватан ҳимоясига кўтарилиб чиқдилар. Ҳар бир халқ гитлерчилар Германиясини тор-мор этишга муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзбек халқи ҳам ғалаба йўлида талайгина яратувчанлик ва аскарона меҳнатини фидо қилди. Совет мамлакатининг кўпгина қисми босқинчилар томонидан босиб олинган шароитларда Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда бўлганидек, ўқчи ва отлиқ аскар дивизиялари, айрим бригадалар тузилди ва қурол-аслаҳа билан таъминланди.

Уруш даврида неча юз минглаб ўзбекистонликлар Қизил Армия сафларига чақирилди. Ватанпарварлик руҳида

тарбияланган ўзбекистонлик жангчилар рус, украин, белорус ерлари ва бошқа қардош халқларнинг ерлари учун, буларни ўзининг ягона ватани деб билиб, мардонавор кураш олиб бордилар, Оврўпани фашизмдан озод қилишда иштирок этдилар.

Совет ҳукумати ўзбек халқи йигит-қизларининг Ватан уруши фронтларидаги мардлиги ва жасоратига юқори баҳо бериб, уларни Ватаннинг олий мукофотлари билан тақдирлади. 120 минг нафар ўзбекистонлик жангчилар жумладан 70 минг нафар ўзбек жангчи ва командирлари Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди. 300 нафарга яқин ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишди, шуларнинг 75 нафари ўзбеклардир; ўзбекистонлик 32 нафар жангчи учала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланди.

Оврўпа мамлакатларида авж олиб кетган Қаршилиқ ҳаракати фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага қўшилган каттагина улуш бўлди. Польша, Югославия, Чехославакия, Болгария, Франция, Италия, Греция ва бошқа мамлакатлар халқларининг фашистларга қарши курашида совет кишилари ва уларнинг орасида ўзбекистонлик жангчилар ҳам фаол қатнашдилар. Улар ҳарбий асирлар лагерлари ва эшелонларидан қочиб, партизанлар сафларига қўшилдилар, лагерларга тушиб қолганларида эса яширин ташкилотлар ва жанговар гуруҳлар туздилар.

Кўпгина ўзбекистонлик жангчилар мардлиги ва жасорати учун француз, итальян, югослав ва бошқа жанговар орден ҳамда медаллар билан мукофотландилар. Уларнинг баъзилари Оврўпа халқлари озодлиги учун ўз жонларини фидо қилдилар.

Курашнинг тақдири жанг майдонларининг ўзидагина ҳал бўлиб қолмади. Мамлакат ичкарасидаги меҳнаткашлар уруш йилларида буюк жасорат кўрсатдилар. Ишчилар, колхозчилар, олимлар, инженерлар, конструкторлар металл ва нон, ёқилғи ва хом ашё учун, қудратли совет қуролини яратиш учун мисли кўрилмаган жангни ўзларининг фидо-корона меҳнати билан ютиб чиқдилар.

Барча иттифоқчи республикалар халқ оммасининг гоёт зўр саъи-ҳаракатлари ва фаол меҳнатлари туфайли, улар ташаббусининг ғалабадан шахсий манфаатдорлиги билан қўшилиши натижасида маъмурий бошқарув усулларининг

салбий оқибатларини чеклаб қўйиш ва бутун мамлакат, бутун халқ ҳаракатининг яхши пайваста бўлган ягона тизимини яратиш, мамлакат ичкараси билан фронтнинг бирлигини мустаҳкамлаш мумкин бўлди. Стратегик режаларга мувофиқ фронтнинг орқа томони унга зарур қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат юбориб туришга муваффақ бўлди. СССРнинг барча халқлари босқинчилардан уруш вайрон қилган хўжаликларни тиклашда озод этилган районларга ёрдам берди.

Озод қилинган районлар халқ хўжалигини қайтадан яратишда барча совет республикалари, жумладан Ўзбекистон ҳам иштирок этди. Бу ёрдамнинг шакллари турли-туман эди. Кўпгина кўнгилчилар, асосан ёшлар аслига келтириш, тиклаш ишларида иштирок этиш учун Сталинградга, Украинанинг вайрон қилинган шаҳарларига жўнаб кетишди. Республикада озод этилган районларга қардошлик ёрдам фонди яратилди. Республикадан Кубань ва Украинага 2 мингдан ортиқроқ автомобиль жўнатилди. Хароб бўлган темир йўллارни тиклаш учун Тошкент темир йўли неча юзлаб паравозларни юборди, неча минглаб юк ва йўловчи ташувчи вагонларни таъмирлаб, тиклаб берди.

Ўзбекистон озод этилган районлар қишлоқ хўжалигини тиклашга ҳам катта ёрдам берди. У томонларга қишлоқ хўжалик мутахассислари юборилди, ғалла, қорамол, тракторлар, комбайнлар, автомашиналар ва бошқа кўп нарсалар жўнатилди. Уруш СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлади. Ҳамманинг бошига тушган фалокат одамларни бир-бирига анча яқин қилиб қўйди.

Бироқ уруш йилларида миллий сиёсатда кечириб бўлмайдиган хатоларга ҳам йўл қўйилди. Сталинча тоталитар тартибот бутун-бутун халқларни бир-биридан ажратиш ва жазолаш ишларини уюштирди. Сталин ва унинг атрофидагилар ўзларининг хатти-ҳаракатларини фашистлар окупацияси даврида айрим кишилар ва гуруҳларнинг қилган хонлиги учун берилган жазо мамлакат хавфсизлигини қўриқлаш деб баҳона қилди. 1943 – 1944 йилларда қалмиқлар, қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, немислар, қорачойлар, понтия греклари, месхети турклари, болкарлар ўзларининг тарихий ватани ва доимий ёки вақтинчалик жойларидан мамлакатнинг шарқий районларига кўчириб

юборилди. Бутун-бутун халқлар ўз давлатчилиги ҳуқуқидан маҳрум этилган эди.

Кўчирилганлар қисман Ўрта Осиёга ҳам жойлаштирилди. Ўзбекистонга Қримдан 150 мингдан ортиқроқ крим татарлари, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар, 4,5 минг болқар, арман ва греклар кўчириб келтирилди. Кейинчалик Грузиядан меҳсети турклари ҳам кўчириб келинди. Кўпгина одамлар бориши керак бўлган жойгача етолмай, йўлда ўлиб кетди. Одамлар кўчиб келган янги жойларда яшаш учун энг оддий шароитлар ҳам йўқ эди. Сталинча раҳбарият томонидан бошланган мана шу ишлар кўчирилган халқларнинг фарзандлари уруш фронтларида қаҳрамонона жанг қилиб турган пайтларда амалга оширилди.

Кўчиб келганлар муҳтожликларга ва оддийгина шароитлар ҳам йўқлигига қарамай янги жойларга аста-секин ўрганиб, мослашиб бордилар. Ўзбекистонга келганларга маҳаллий халқ ва ҳокимият ёрдам бериб турди. Уларга уй, ер сотиб олиш ва қуриш учун қарз маблағлари ажратилди, озиқ-овқат билан ёрдам берилди.

Бутун-бутун халқларни кўчириб юборишнинг барча зарарли оқибатларини баҳолаб чиқиш қийин. Бу одамларнинг нобуд бўлиб кетгани билангина эмас, балки кўчирилган халқлар маданияти учун сезиларли даражада зиён етгани, миллий давлат тузилиши принциплари бузилгани, республикалар ва автоном вилоятлар мустақиллиги поймол этилганлиги билан ҳам ифодаланди. Шундай бўлса-да, сталинча миллий сиёсатнинг зарарларига қарамай уруш йилларида мамлакатдаги вазиятни халқларнинг жипслиги белгилаб берди.

Омон қолган ҳарбий асирларнинг тақдири ҳам оғир кечди. Уларнинг деярли ҳаммаси Ватанига қайтиб келганидан кейин гумон остида бўлиб, тез орада ГУЛАГ га тушиб қолди. Озодликда қолган кишилар ҳам ишга жойлашиш, тузар жойли бўлиш хусусида жуда катта қийинчиликларга учрадилар. Мана шуларнинг ҳаммаси Сталин шахсига сиғиниш даврида ҳукм сурган ишонмаслик ва гумонсираш вазиятининг оқибати бўлди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг уруш йилларидаги хунук кўринишларидан бири "талафотлар билан ҳисоблашиб ўтирмай", ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳарбий

мақсадларга эришиш зарур" деган принцип бўлди. Ғалаба ниҳоятда қимматга тушди. Совет кишиларининг 27 миллионга яқин нафари урушнинг алангаю оташида ҳалок бўлди. 18 миллиондан ортиқроқ жангчилар ярадор бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги меҳнат қобилиятларини йўқотиб, ногирон бўлиб қолишди. Совет жангчиларидан 6 миллионга яқин киши асирга тушиб қолди, уларнинг 4 миллиондан кўпроғи ўлиб кетди. Ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳар учтадан биттаси уйига қайтиб келмади. Фақат тошкентликларнинг ўзидан 52 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди.

Тоталитар тизимга бўлган танқидий муносабат фронтлар ва мамлакат ичкарисидаги оммавий қаҳрамонликни ҳар қалай инкор этмайди ва қадрини ерга урмайди. "Юқоридагилар" амри билан эмас, балки Ватанни қутқариб қолиш учун шундай қаҳрамонлик қилинди. Урушдаги ғалаба совет кишиларининг қони, манглай тери ва ўрни тўлмайдиган қурбонлари билан қўлга киритилди. Г. К. Жуков бўлиб ўтган урушнинг ана шу хусусиятларини кўрсатиб, ўз эсдаликларида мана бундай деб ёзади: "аввало биз ўзимизнинг совет кишимизга бошимиз ерга теккунча эгилиб таъзим қилишимиз керак ... Бу киши қаерда бўлса ҳам – фронтда, мамлакат ичкарисида, душманнинг орқа тарафида, фашистлар лагерларида, Германиядаги мажбурий меҳнатда бўлса ҳам – фашизм устидан ғалаба соатини яқинлаштириш учун ҳамма ерда ва ҳар жойда ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилди".

Ҳозир ҳам орамизда фронтдан қайтган ва мамлакат ичкарисида меҳнат қилган неча юз минглаб кишилар яшаб турибди. Улар урушнинг бутун оғирликларини ўз елкаларида кўтариб ўтказганлар ва янги авлодларнинг мангу миннатдорчилигига сазовор бўлдилар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ўзбекистонлик жангчилар қандай мукофотлар билан тақдирланган эдилар? 2. Ўзбекистонликларнинг қаршилик ҳаракатида ва партизанлар ҳаракатидаги иштироки тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда ўзбекистонликлар қай тариқа иштирок этишди? 4. Уруш йилларида миллий сиёсатнинг бузилиши нима билан ифодаланди?

VI БОБ. 1946 – 1985 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТИ. ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

1-§. Халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши

Саноатни тинчлик изига ўтказиш. 40-йилларда жаҳонни гирдобига тортиб кетган фашизмга қарши уруш ғалаба билан тугалланди. Ҳаёт аста-секин тинчлик йўлига ўтиб борди. Ўзбекистон ҳам уруш туфайли шакли ўзгариб кетган халқ хўжалигини қайта қуриш имконига эга бўлди. Республикамиз фашистлар босиб олган жойлардан кўчириб келтирилган қанча-қанча завод, фабрикаларни, техника ва одамларни уруш йилларида ўз елкасида кўтариб келди. Уларни мумкин қадар қисқа муддатларда республика ҳудудига жойлаштириш ва фронт ҳамда ичкарининг эҳтиёжларини таъминлаш учун уруш шароитларида одатдагидек ишлатиб бориш халқнинг ғоят зўр куч-қувватларини ва ниҳоятда катта моддий сарф-харажатлар қилишини талаб этди.

Урушнинг тугаши энди барча куч-қувватни республика халқ хўжалигини ривожлантиришга, уруш оқибатларини тугатишга қаратиш мумкин деган маънони билдирар эди, лекин урушнинг бу оқибатлари анча оғир эди: республика саноатни тиклаш учун, аҳолини озиқ-овқат ва халқ хўжалиги моллари билан таъминлаш учун ёқилғи, электр энергия, хом ашёга, шунингдек малакали ишчи ва инженер-техник ходимларга ўткир танқислик сезади. Шу сабабдан Ўзбекистоннинг географик ҳолати, миллий анъаналари, халқ манфаатларини ҳисобга олиб туриб, унинг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш зарур эди.

Бироқ тилга олиб ўтилаётган бу йиллар давлат устидаги орган бўлиб қолган партиянинг тоталитар ҳукмронлиги билан характерли эди. Бу партия йўл-йўриқ ва фармойиш берадиган зўравонлик сиёсатини ўтказди. У турмушнинг барча масалаларини, жумладан халқ хўжалигини ҳам ўзига қаратиб олган эди. Ҳозир мустақилликни қўлга киритган, у вақтларда эса ягона мамлакатнинг республикалари бўлган давлатларнинг шу партия хоҳишини сўзсиз бажариб борганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Ўзбекистон ҳам бундан

мустасно эмас эди. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон унинг ҳад-ҳудудларидан анча йироқда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар доирасига зўрлаб жойлаштирилган эди.

Бироқ партиянинг улкан режаларида Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи бир қўшимча манба деб қаралди. Худди шу нарса Ўзбекистон иқтисодиётининг аслида бир томонлама ривожланиб боришига олиб келди, бунда ишлаб чиқариш технологияси тугалланмай қолиб, бой хом ашё ресурсларини тайёр маҳсулотга айлантиришга имкон бермас эди. Бу нарса ижтимоий дастурларни ривожлантириб боришга ҳалал берарди, чунки шундай шароитларда Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлаш, кишиларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш қийин эди.

Партия раҳбарлари Ўзбекистоннинг мамлакат асосий пахта базаси сифатидаги анъанавий ўрнини ҳисобга олиб, биринчи галда асосан қишлоқ хўжалигига тегишли индустриал ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан бошлаш керак деб бир қолипда фикр юритар эди. Бунда республика аҳолисининг миллий-тарихий хусусиятлари ҳам, иқтисодий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинмас эди. Республика иқтисодиётининг фақат хом ашё етиштиришни мўлжаллаб табиатан бир томонлама ривожланиб боришини аввало ана шу нарса белгилаб берди.

Саноатни қайта қуриб, тинчлик изига ўтказиш ғоят катта қийинчиликлар билан бирга борди, халқнинг сон-саноксиз моддий ва жисмоний бойликларини сафарбар этишни талаб қилди. Бироқ урушнинг тугалланиш вақтига келиб Ўзбекистонда жамият тараққиёти жараёнларини ўзгартириб юборган тизим амал қилар, буйруғу фармон бериб иқтисодиётни бошқариш усулларини ўзига жо қилган тўғоноқ механизм кучайиб борар эди. Табиийки, Ўзбекистоннинг беш йиллик режаларини тузишда саноатни бошқаришнинг иқтисодий дастаклари инкор этилди ва ишга солинмади, хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ижара принциплари, хўжалик фаолиятининг ташаббус кўрсатишни, ижодкорликни таъминлайдиган ҳамда ижобий натижаларга олиб келадиган бошқа шакллари ривожланмай қолди. Ҳақиқатда ушбу вақтда удалаб бўлмайдиган вазифалар, масалан, пахтачиликни, хусусан пахта йиғим-

теримини комплекс механизациялашни тугаллаш вазифалари ўртага қўйилдики, бундай вазифаларни адо этиш учун катта-катта моддий маблағлар, малакали, билимдон кадрлар ва ўша йилларда республикада бўлмаган бошқа кўпгина нарсалар зарур эди.

Саноат, халқ хўжалиги бошқа соҳаларининг тараққиёти тамомла пахтачилик манфаатларига қарам қилиб қўйилди, пахта учун умумий курашнинг таркибий бир қисми бўлиб қолди. Шу мақсадларда пахтачилик ҳамда ирригация қурилиши учун машиналар, жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит сеялкалари, ғўзапоя юлвучи, кўрак терувчи машиналар, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқалар ишлаб чиқарувчи янги машинасозлик заводларини қайта қуриш ва яратиш юзасидан йирик ишларни авж олдириш кўзда тутилди. Масалан, "Таштекстильмаш" заводига титувчи машиналар, "Ташсельмаш" заводига пахтага биринчи ишлов берувчи ва пахта терувчи машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадларида бир қанча машинасозлик заводлари (Ташсельмаш, Ўзбексельмаш, Красний двигатель, Подъемник ва бошқалар) тиркама ускуналар ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини (асосан пахта хом ашёси билан чорвачилик маҳсулотини) қайта ишловчи бир нечта корхона, шунингдек мой олиш корхоналари ва бошқа корхоналар қурилди. Пахтачиликни ривожлантириш савиясини юксалтириш мақсадларида Чирчиқ электр кимё комбинати анча қисқа муддатлар ичида ҳарбий буюртмаларни бажаришдан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Енгил ва маҳаллий саноат корхоналари кенг ассортиментдаги буюмларни (тупроқ тортадиган машиналар, бероналар, куч трансформаторлари ва бошқаларни) ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Республиканинг энергетика ва ёқилғи базасини кенгайтириш ҳам пахтачилик вазифаларини ҳал қилишга қаратилди. Бироқ бу гаплар тўла ҳажмда амалга ошмади. Иқтисодиётга раҳбарликнинг қаттиқ марказлаштирилгани, режа тизими, зўравонлик сиёсати, инсон омилини инкор этиш шунга олиб келдики, иқтисодий кўрсаткичлар ҳамма жиҳатдан (миллий даромад, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар жиҳатидан) абвалгидек паст даражада қолаверди. Ишлаб

чиқариш воситаларининг бевосита ишлаб чиқарувчилардан ажратиб қўйилганлиги, кишининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор эмаслиги, мустақиллик ва тадбиркорликнинг етишмаслиги, ажратилган маблағлардан ниҳоятда кам фойдаланиш ҳам шунга йўл очди, бу капитал қурилиш режаларининг барбод бўлишига олиб келди. Саноат, одатда, "ялпи кўрсаткич"ни кўзлаб ишлар, миқдор кўрсаткичлари сифат кўрсаткичларидан, иккинчи даражали турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш асосий маҳсулот ишлаб чиқаришдан устун турар эди.

Бироқ халқнинг ғоят куч-ғайрати, фидокорона меҳнати эвазига саноатни ривожлантиришда ҳар қалай старлича салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкин бўлди: урушдан кейинги дастлабки йилларда 150 та саноат корхонаси ишга туширилди. Саноат ишлаб чиқаришининг соҳа қурилмаси ўзгариб, сғир индустрия сезиларли даражада устун бўлиб қолди. Республика учун анъанавий бўлмаган янги соҳалар – газ саноати, олтин қазиб чиқариш ва бошқалар вужудга келди. Ўзбекистонда урушдан кейинги йилларда Фарҳод, 1 - сонли Оққовоқ, 1 ва 2 - сонли Бўзсув гидроэлектростанциялари қурилишнинг муҳим объектлари ҳисобланарди. Республикада қора ва рангли металлургия, машинасозлик, металл ишлаш ва кимё саноати жадал сурьатлар билан ривожланиб борди.

Куч-қувват ва маблағларни Ўзбекистон учун анъанавий, характерли бўлмаган соҳаларга (аввало оғир саноатга) жам қилиш, буларнинг ривожланиш сурьатларини ошириш, республика манфаатларидан ажралиб қолиш, ижтимоий тараққиёт мақсадлари билан ресурсларининг бир-бирига мос келмаслиги салбий оқибатларга – унумдорлик пасайиб, халқ хўжалигининг бир қанча кўрсаткичлар бўйича анча орқада қолиб кетишига олиб келди. Бу эса иқтисодий кенг қўламларда ва жадал сурьатлар билан ривожлантиришга, шунингдек кадрларнинг жуда кўп етишмаслигига алоқадор бўлган қўшиб ёзиш ҳоллари ва бошқа салбий ҳодисалар рўй бериши учун объектив шароит туғдирар эди. Лекин урушдан кейинги дастлабки йилларда республика олдида қўйилган тинчлик вазифалари ҳар қалай бажарилди: корхоналарнинг асосий қисми ҳаёт учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтди, ижтимоий ҳаётнинг тинчликка ўтиш билан алоқадор масалаларни ҳал қилиб борилди.

Тинч қурилиш шароитида қишлоқ хўжалиги. Урушнинг оғир оқибатлари республиканинг кундалик ҳаётида ҳамон сезилиб турар эди. Республика қишлоқ хўжалиги унинг моддий-техник базасига путур етганлиги учун ташкилий-хўжалик жиҳатдан заифлашган, меҳнат ресурслари қисқарган, пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш камайиб кетган эди. Мана шу ва бошқа кўпгина омиллар урушнинг республика қишлоқ хўжалигидаги оқибатларини бартараф этиш суръатларига таъсир ўтказди.

Бироқ бошқа барча соҳаларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам партия зўравонлиги ҳукм сураб эди, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш партия ҳужжатларида эълон қилинди. Жумладан, республика ҳудудларидан анча олисдаги раҳбар партия органлари томонидан 1946 йил февралда қабул қилинган қарорда Ўзбекистонда 1946 – 1953 йиллар давомида пахтачиликни тиклаш ва янада юксалтириш режалари ва чоралари белгилаб берилган эди. Бу қарорнинг туб аҳоли манфаатларини ҳисобга олмаганлиги ва Ўзбекистонда пахта монокультурасини ривожлантиришга қаратилганлиги тасодифий эмас.

Партия кўрсатмасига мувофиқ, ғўза экин майдонларини бирин-кетин кенгайтириб бориш ва бу майдонларнинг умумий экин майдонларидаги салмоғини ошириш республика қишлоқ хўжалигини қайта қуришнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Партия қарори дастурул-амал деб ҳисобланар ва республика партия органлари томонидан сўзсиз бажариш учун қабул қилинар эди. Республика партия органлари пахта ва беда экиш мақсадида 218 минг гектар суғориладиган майдонни бўшатиш учун ғалла экинлари экиладиган майдонларни қисқартириш ва бу экинларни лалми ерларга экишга доир зарур чоралар кўришни тегишли масъул ташкилотларга топширди.

Вилоятлар бўйича пахта экиладиган майдонлар кўрсатиб бериладиган режа топшириқлари ҳам юқоридан, аниқроғи, мажбурий тартибда белгиланар эди. Масалан, нималарга асосланган ҳолда 1946 йилда Тошкент вилояти учун 86 минг гектар, Фарғона вилояти учун 108 минг гектар, бутун

республика бўйича эса 779 минг гектар майдон белгилаб берилганлиги маълум эмас.

Пахта экин майдонларининг ниҳоят даражада кенгайтириб юборилганлиги республикада чорвачиликни ва полиз ҳамда сабзавот экинлари етиштиришни ривожлантиришга имкон бермади. Пахта етиштиришни кенгайтириш асосий қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаштиришга ҳаят катта сарф-харажатлар қилишни, зарур миқдорда минерал ўғитлар ишлаб чиқишни, янги ирригация қурилишини жуда авж олдириб юборишни талаб қилди. Бу – ўз ҳолича олинганида ижобий ҳодиса эди, лекин у бир томонлама бўлганлиги учун жамият хўжалигининг комплекс равишда, кўп соҳали бўлиб ривожланиб боришини издан чиқарди ва Ўзбекистон хўжалигига пахта монокультурасининг шитоб билан кириб боришига олиб келди. Мана шу нарса республика қишлоқ хўжалигининг бир томонлама ривожланиб боришини белгилаб берди. Умумий экин майдонларида пахта майдонлари салмоғининг кескин ортиб бориши суғориладиган ерлардан озиқ-овқат берадиган экинларни тобора кўпроқ сиқиб чиқарди. Уруш йилларида республикада анчагина кенгайиб қолган қанд лавлаги майдонлари йилдан-йилга қисқараверди. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш соҳасида бош йўл бўлиб қолган пахтачиликни жадал кенгайтириш республика ҳаётида кўпгина салбий ҳодисаларга сабаб бўлди: республиканинг илгарилама ҳаракати тўхтаб қолди, айнан ва турғунлик жараёнлари бошланди, экология бузилиб, аҳоли саломатлиги, айниқса қишлоқ аҳолисининг саломатлиги ёмонлашди, маънавий қадриятлар йўқотиб қўйилди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими нуқсонларини сиз нималарда деб биласиз? 2. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуришнинг: а) санъат соҳасидаги; б) қишлоқ хўжалик соҳасидаги асосий йўналишларини айтиб беринг. 3. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг тубдан қайта қурилмай қолганига олиб келган асосий сабаблар нималардан иборат?

2-§. Ўзбекистонда индустриянинг бир томонлама ривожланиши

Саноатнинг ривожланишидаги қинғирликлар. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва иқтисодийни қаттиқ режалаштириш принципи урушдан кейинги йилларда бутун собиқ Иттифоқ ҳудудида вазиятни мушкуллаштириб, саноат ривожланишининг табиатида жиддий зиддиятларни келтириб чиқарди. Ҳақ даврда мазкур Иттифоқнинг таркибий қисми бўлмиш Ўзбекистон ана шундай шароитларда на сиёсий, на иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эга бўлмай, Иттифоқ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгилаб бериладиган иқтисодий сиёсатни амалга ошириб боришга мажбур эди. Бу нарса халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўша пайтларда беш йилликларга ажратиб бериладиган барча ривожланиш режаларига ҳам тааллуқли эди. 1946 — 1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режа ҳам ана шундай бўлди. Бу режа асосида Ўзбекистон Олий Совети республика иқтисодийнинг асссий ривожланиш йўлларини белгилаб берди. Бу режанинг асосий негизи иқтисодийга давлат томонидан кўплаб капитал маблағлар ажратишдан иборат бўлди, бу маблағларнинг ҳажми жуда катта бўлиб, ҳатто урушдан олдинги йиллардаги инвестициялар даражасидан ҳам ошар эди. Бироқ каттагина қинғирликларга ҳам йўл қўйилди, булар шундан иборат бўлдики, ажратилган капитал маблағларнинг каттагина қисми оғир индустрия соҳасига берилди. Бу, шубҳасиз, тўғри ҳам эди, лекин фақат бир томондан тўғри эди: янги техника, ишчи кучи, малакали мутахассислар шу соҳага йиғилиб, жамланди. Лекин шу билан бирга саноатнинг ривожланишида аввалги мўлжал ва кўрсатмалар сақланиб қолавердики, булар илғор капиталистик мамлакатларда кенг татбиқ этиладиган янги технологиялар, фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни кўзда тутмас эди. Мана шу нарса айнаш ва нсмутаносиблик ҳолларига олиб келди, буларнинг энг оғирлари енгил саноатда рўй берди. Беш йиллик режаларини бажариш табиатан бир томонлама бўлди. Енгил саноат ишлаб чиқариши режаларда белгилаб қўйилган рақамларга етиб бориш у ёқда турсин, балки амалда ривожланмай қолиб, турғун бўлиб қолди. Режаларга мувофиқ хўжаликнинг шу соҳасига аж-

ратилган капитал маблағлар ҳам кейинчалик қайтариб олинди. Асбоб-ускуналар йиллар давомида янгиланмас, яъни технологиялар тўғрисида эса сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Енгил саноатга шундай муносабатда бўлиш маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган истеъмол моллари ўсишини тобора камайтириб, уларни четдан келтиришни кўпайтирди. Республика аҳолисининг мана шу хилдаги молларга эҳтиёжлари тобора ортиб борди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг саноатдаги салоҳияти сезиларли даражада ортди, урушдан кейинги йилларда анчагина кучайди. Урушдан кейинги ҳар бир беш йилликда 100 тага яқин саноат объектлари ишга туширилди. 1985 йилга келганда республикада 1500 дан ортиқ ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар ва корхоналар бор эди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1940 йилдагига қараганда 21 баравар кўпайди.

Кўздан кечирилаётган йилларда Ўзбекистон республикада кўп соҳали машинасозлик индустрияси, кимё, нефть, тошкўмир, газ, тоғ-кон ва хусусан энергетика саноати янада ривожландики, бусиз иқтисодийтни тиклаш ва унинг янада юксалишини таъминлаш мумкин эмас эди. 60-йиллар давомида ва 80 - йилларнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда Ангрен, Навоий, Чорвоқ, Тошкент ва бошқалар сингари йирик электр станциялари қурилиб, ишга туширилди. Мамлакатда энг йирик ҳисобланган, умумий қуввати 300 минг квт. дан ортиқроқ бўлган қатор Чирчиқ-Бўзсув гидроэлектр станциялари, қуввати 126 минг квт. га борадиган Фарҳод ГЭСининг барпо этилиши тугалланди. Ўрта Осиёда энг йирик бўлган ва қуввати 3 млн. квт. га борадиган Сирдарё ГРЭСи ҳам қурилди.

Катта қувватли замонавий электр станциялари қурилиши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш республикада 1985 йилда 1940 йилдагига қараганда 180 баробар кўпайди.

Машинасозлик ва металл ишлаш Ўзбекистон саноатининг йирик соҳаси бўлиб, халқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуролантиришда муҳим роль ўйнайди. 80-йилларнинг бошларида 100 тадан ортиқроқ машинасозлик ва металл ишловчи корхоналар бор эди. Пахтазорларда ишлатишга мўлжалланган кучли тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган Тошкент трактор заводи, пах-

та териш машиналари ишлаб чиқарадиган "Ташсельмаш" заводи, "Ўзбексельмаш" ва "Чирчиксельмаш", Тошкент экскаватор заводи ва республиканинг ўзида ҳам, ундан ташқарида ҳам ишлатиладиган маҳсулот берувчи бошқа кўпгина корхоналар шулар жумласидандир.

Республика машинасозлик заводларидан талайгина қисми ривожланишининг хусусияти бу заводларнинг пахтачилик билан маҳкам боғланганлигидан иборат бўлди. Бутун саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг учдан икки қисмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигига, хусусан пахтачиликка алоқадор хўжаликларга тўғри келди.

Бироқ шуни айтиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон саноатининг пахта тозалаш корхоналари пахта хом ашёсини фақат дастлабки ишловдан ўтказиб берар эди, холос. Пахтани яна ишлаб, охириги маҳсулотга айлантириш ҳуқуқи Россия тўқимачилик саноати корхоналарига бериб қўйилган эди. Республикада боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчилик учун, ипакчилик ва чорвачиликдаги жараёнларни механизациялаш учун машиналар ишлаб чиқарилмаслигини ҳам қайд этиб ўтиш зарур. Бу нарса шунга олиб келдики, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси бошқа республика ва мамлакатлар кўрсаткичларидан анча орқада қолиб кетди.

Ўзбекистон бой минерал хом ашё базасидир. Республикада кўпгина фойдали қазилмалар: олтин, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, уран, табиий газ, тошкўмир ва Менделеев жадвалидаги бошқа элементларнинг конлари топилди. Ана шу конлар базасида шахталар, заводлар, нефть ва газ корхоналари қурилди, янги-янги шаҳарлар ва шаҳарчалар пайдо бўлди.

60 – 70 йилларда республикада олтин ишлаб чиқариш саноати анчагина ривожланди, олтин ажратиб олувчи комплекслар, фабрикалар, олтин руда комбинатлари, шунингдек мис рудасини қайта ишловчи комбинатлар ишга туширилди.

Бироқ тоталитар тартибот шароитларида аслида мустамлака қаторида бўлган республика ўз ерининг бойликларидан мустақил фойдалана олмас эди. Рангдор металлургиянинг йирик корхоналари иттифоқ вазирликларига бўйсунар эди. Олтин, уран, рангли металллар ва бошқа бир қанча фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва олиб кетиш

ишларини марказий органлар амалга оширар ва бунда республика раҳбар органларининг розилиги ҳамда назоратидан ташқари иш кўрилар эди.

Республика иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини кимё индустрияси эгаллайди. Ўзбекистон кимё саноатининг тўнғич корхонаси 1940 йил ноябрида ишга туширилган Чирчиқ электр кимё комбинати бўлди. Урушдан кейинги йилларда Қўқон (1947) ва Самарқанд (1955) суперфосфат заводлари, кейинчалик эса Фарғона азотли ўғитлар заводи, Навоий кимё комбинати, Олмалиқ кимё заводи бирин-кетин ишга туширилди.

50 – 60- йилларда республикада кимё индустриясининг янги соҳаси – гидролиз саноати барпо этилди. Шу йилларда Андижон гидролиз заводи, Фарғона фурон бирикмалар заводи ва Янгийўл биокимё заводи қурилди. 1985 йилга келиб республикада кимёвий маҳсулотларнинг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган 20 та саноат корхонаси фаолият кўрсатди. 80- йилларда пахта майдонларидаги бегона ўтларни йўқ қиладиган гербицид модда – которанни ишлаб чиқариш мамлакатимизда биринчи марта Навоий кимё комбинатида ўзлаштирилди. Бу халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга бўлди, чунки у меҳнат ресурсларини сақлаб қолишга имкон берди ва ҳосил нобудгарчилигини камайтирди.

Ўзбекистон кимё саноатининг ривожланиши ижобий аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда республика учун салбий оқибатларга олиб келди, чунки кўпгина комбинат ва заводлар аҳоли қалин яшайдиган жойларда бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва бошқа иқтисодиёт соҳаларини ўз корхоналари маҳсулотлари билан таъминлагани ҳолда атроф- муҳитни ифлослантириб экологик вазиятни мушкуллаштириб қўйди. Зарарли моддаларнинг атмосферага чиқариб ташланиши натижасида табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етиб, ҳаво, сув, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари заҳарланди. Кимё комплекси корхоналарида чангни тутиб ва газларни тозалайдиган қурилмаларнинг етарли бўлмаслиги шунга кўп даражада сабаб бўлди. Зарарли моддалар атмосферага чиқарилиб, ҳаво ҳавзаси ифлосланиб борди ва бу нарса одамларнинг саломатлигига ёмон таъсир ўтказди.

Хўжалик юритишнинг маъмурий-бўйруқбозлик услулари ҳукмронлик қилишга алоқадор айнашлар ва қанғирликлар тўғрисида сўз юритилар экан,

Ўзбекистоннинг турли минтақалардаги тўқимачилик саноати учун хом ашё, ярим фабрикатлар, ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб турганидан ташқари металл ишловчи станок ва механизмлар, нефть маҳсулотлари, ёғоч-тахта, ғалла ва саноатнинг бир меъёрида ишлаб туриши учун зарур бошқа материалларнинг республикага келтириб турилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ўринда узоқни кўзлайдиган, расмий тарғибот орқали ўз вақтида халқлар ўртасидаги дўстона ва иқтисодий алоқаларнинг мустақамланиши деб уқтирилган, ҳақиқатда эса республика саноат индустрияси тараққиётини унинг ташқарисида ишлаб чиқарадиган бутловчи деталлар ишлаб чиқаришга қарам қилиб, республикани ҳар қандай иқтисодий мустақилликдан маҳрум этувчи сиёсат амал қилиб борар эди, албатта.

Транспорт ва ундаги муаммолар. Республика саноатининг ўсиши билан бир қаторда транспорти ҳам ривожланиб борди. Транспорт тармоғи унинг барча саноат марказларини ягона бир комплекс қилиб бирлаштирди.

Урушдан кейинги йилларда республикада узунлиги 600 км дан зиёроқ бўлган Чоржуй – Қўнғирот темир йўли қурилди. Янги фойдали қазилма конларининг топилиши ва уша ерларда янги шахарларнинг пайдо бўлиши Навоий – Учқудуқ темир йўлини қуришни зарур қилиб қўйди, бу – Ўзбекистон рангли металлургиясининг ривожланишида жуда катта ролни уинади. Мирзачўл ва Қарши даштларидаги катта-катта қуриқ ерларнинг ўзлаштирилиши Сирдарё – Жиззах ва Самарқанд – Қарши темир йўллари қуриш за-
руриятини келтириб чиқарди.

1972 йили Қўнғирот – Бейнов темир йўлининг очилиши Ўзбекистон ва бошқа Урта Осиё республикаларига Волга-Буйи билан Кавказга чиқиш имконини берди. 70- йилларда ишга туширилган Нукус – Тахиятош темир йўли эса Қорақалпоғистон пойтахтини республиканинг темир йўл тармоғи билан боғлашга имкон яратди. Шу йилларда Тошкент, Андижон, Навоий, Урганч, Учқудуқ, Марғилон ва Қизилтепада янги темир йўл вокзаллари ҳам қурилди.

Транспорт тармоғининг ривожланиши республика темир йўллариининг узунлигини урушдан кейинги йилларда де-

18- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

ярли икки баробар оширишга имкон берди. Асфальт ва бетон ётқизилган автомобиль йўлларининг узунлиги эса шу давр ичида деярли 8 баробар ортди.

Янги темир йўлларнинг қурилиши марказ иқтисодиётини таъминлашни кўзда тутган умумий сиёсатга, шунингдек республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам қилиб қўйишни мўлжаллаган тоталитар тизимга бир қадар боғлиқ бўлди. Бундай сиёсатнинг ҳалоқатли эканлиги ҳозир ҳам сезилмоқда. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун илғор технология ва асбоб-ускуналарнигина эмас, балки тирикчилик учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари – ғалла, қанд, гўшти ҳам четдан келтиришга ва ҳар сафар бу маҳсулотларга ўз баҳоларини қўювчи монополистларнинг оғир шартлари билан тўқнашишга мажбур бўлмоқда.

Урушдан кейинги йилларда фуқаролар авиацияси ҳам ривожланиб борди, бу авиация ўз тараққиётини 1924 йили бошлаган эди. 50- йилларнинг ўрталарига келиб республиканинг ҳаво йўлларида фуқаролар авиациясида юксак тезликлар даврини очиб берган ва қулай қилиб ускуналанган ТУ-104 маркали йўловчилар ташувчи реактив самолёт пайдо бўлди. Ҳаво транспорти ходимлари сўнгги йилларда янги самолётларнинг талайгина хилларини ўзлаштириб олдилар. Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Фарғона, Андижон, Жиззахда замонавий янги аэровокзаллар қурилди. Бу Ўзбекистон шаҳарларини бир-бири билан, шунингдек қардош республикалар ҳамда жаҳондаги бошқа мамлакатлар шаҳарлари билан бирлаштирадиган янги ҳаво йўллари пайдо бўлишига олиб келди.

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри жаҳоннинг 80 дан ортиқ шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ҳамма транспорт турларининг ривожланиши саноат, бинокорлик, савдо ва бошқаларга доир юкларни ташиб, етказиб беришни, шунингдек йўловчилар ташишни сезиларли даражада оширишга имкон берди.

Бироқ транспортда ҳам ҳал этилмаган талайгина муаммолар бўлганини айтиб ўтиш зарур. Ажратиладиган капитал маблағлар турли транспорт воситаларига ва транспорт тармоғини кенгайтиришга бўлган эҳтиёжларни қондира олмас эди. Транспорт хизматларининг моддий-

техник ва молиявий базаси фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида етарли даражада мустақкамланмай қолди. Кўздан кечирилаётган даврнинг охирига келганда республика темир йўллари тармоғининг 93 фоизи электрлаштирилмаган, 2650 км йўл бутунлай ва тўла таъмирлашни талаб қилар эди. Юк ва йўловчилар ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратишга доир ишлар сустр суръатлар билан олиб борилди.

Транспортнинг барча турларида – темир йўл, автомобиль транспорти, фуқаролар авиациясида йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида жиддий камчиликлар бор эди.

Кадрларни етиштириш. Ўзбекистоннинг индустриал ривожланиши ҳунар-техника таълими ва ишлаб чиқариш таълими тизимининг такомиллашуви, ишчи кадрлар таркибининг сон ва миқдор жиҳатдан ўсиб бориши билан бирга давом этди. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон индустрияси учун малакали ишчи кадрлар етиштириш жойлардаги ҳунар-техника ўқув юртлари тармоғи орқали ва бевосита ишлаб чиқариш жараёнида яқка тартибда ҳамда курсларда ўқитиб-ўргатиш йўли билан олиб борилди. 1940 йили ташкил этилган давлат меҳнат резервлари тизимига ҳунар мактаблари, темир йўл, бинокорлик ўқув юртлари, шунингдек республиканинг йирик саноат корхоналари қошида ўқув-ишлаб чиқариш базалари тариқасида ташкил этилган фабрика- завод таълими (ФЗО) мактаблари кирар эди. Ўзбекистондаги ўқув юртлари ва ФЗО мактаблари 1940–1955 йилларда халқ хўжалиги учун жами 143 минг нафар малакали ишчилар тайёрлаб бердилар, булар республика иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ўқув юртлари металл ишловчилар, бинокорлар, транспортчилар, алоқачилар, кўмир кони ишчилари, нефтчилар, матбачилар, электрчилар ва бошқа кўпгина турдаги ишчиларни тайёрлаб берди. Ёшларни ўқитиш жараёни умумтаълимий ва техник жиҳатдан тайёргарликни олдин ўқув устахоналарида, кейин эса ишлаб чиқаришда бажариладиган умумий фойдали меҳнат билан маҳкам боғлаб олиб борди. Ўқув юртлари ва ФЗО мактабларининг моддий-техник базаси шу йилларда сезиларли даражада мустақкамланди, улар замонавий ускуна-жиҳозлар ва асбоблар билан таъминланди.

Шу билан бирга кўпгина ўқув юртлари ва ФЗО мактаблари қулай бинолар, махсус ускуналанган кабинетлар ва устахоналарга эга эмас эди. Республика ҳунар-техника таълимидаги катта камчилик туб миллат ўқувчилари, шунингдек хотин-қизлар сонининг камлигидан иборат бўлди. Республика корхоналарида зарур турар жой-манший шароитлар йўқлигидан ёш ишчиларнинг кўпгина қисми ишлаб чиқаришда ўрнашиб қолмас эди.

1962 йилда озиқ-овқат, енгил, трикотаж, газ ва нефть саноатидаги туб миллат ишчилари ва хизматчиларининг сони 30 фоиздан кўра сал кўпроқни ташкил этар эди. Машина-созлик, металл ишлаш саноати ва оғир саноатнинг бошқа соҳаларидаги маҳаллий миллат вакиллариининг сони ҳам жуда оз эди. 1963 йили Тошкент асбобсозлик заводидаги ишчи ва хизматчилар орасида туб миллат кишиларининг улуши 20 фоизни ташкил этди.

Урушдан кейинги даврда саноат ривожланишининг юксак суръатлари саноатда банд бўлган ишчи ва хизматчилар сонининг икки баравардан кўра зиёдроқ ортишини тақозо этди.

Ёшларга ҳунар-техника таълими бериш масалаларига катта эътибор бериладиган бўлди. Чунончи, 1960 йилдан 1985 йилгача бўлган давр мобайнида ҳунар-техника ўқув юртларининг сони 7,5 баравар кўпайди, малакали ишчи кадрлар етиштириб чиқариш эса 16 баравар ўсди. Ўрта ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқувчилари мутахассисликка эга бўлиши билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам олишар эди. Бироқ ишчи кадрлар ҳали ҳам аввалгидек етишмай қолаверди. Натижада саноат корхоналари бевосита ишлаб чиқаришда ўзлари учун кадрлар етиштиришга мажбур бўлдилар.

Ишчилар касб маҳоратини оширишнинг шакллари фан-техника тараққиёти остида тинмай такомиллашиб борди. Иккинчи (турдош) касбга ўқитиш курслари кенг расм бўлди.

1960 – 1985 йиллар давомида малака ошириш курсларини битириб чиққан ишчиларнинг сони деярли етти баравар кўпайди.

Ишчиларни корхоналарда тезкорлик билан тайёрлашнинг талайгина камчиликлари бор эди, чунки бундай ўқишда назарий билимлар амалда берилмас, ишчилар

эса маълум касб юзасидан фақат аниқ малакаларни ҳосил қилар эди, холос.

Индустрияни юксалтиришнинг энг муҳим дастаги республиканинг олий ва ўрта махсус таълим тизими тайёрлаб берадиган малакали мутахассислар бўлди. Олий ўқув юртлари тармоғи 1940 йилдан 1985 йилгача бўлган давр мобайнида бир ярим баравар, ўрта махсус ўқув юртларнинг тармоғи эса икки ярим баравар кенгайди. 1985 йили олий ўқув юртларини битириб чиққан 13 минг нафар киши sanoat корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт ва алоқа хизматларидаги мутахассислар сафларини тўлдирди.

Ўзбекистон учун олий маълумотли кадрлар ёрдм тариқасида Москва, Ленинград, Киев, Харьков ва Львов олий ўқув юртларида ҳам тайёрланди. 1973 йили Россия ва Украина олий ўқув юртларида республикамиз вакилларида 3600 нафар киши ўқир эди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон олий ўқув юртларида бoshqa республикалар ва хорижий мамлакатлардан келган ёшлар ҳам ўқир эди.

Ўрта махсус таълим республикада кенг ривожланди. 80-йилларнинг ўрталарида республика ўрта махсус ўқув юртларида 282 минг нафар ўқувчи таълим олди. Бу ҳар йили неча ўн минглаб малакали мутахассислар билан республика халқ хўжалигини, жумладан индустрия корхоналарини ҳам таъминлашга имкон берди.

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълимнинг ривожланиши юқори малакали мутахассислар – муҳандис-техник ходимларнинг кўп минг кишилиқ отрядини яратишга имкон очди, булар республиканинг индустриал юксалишида катта ролни ўйнадилар.

1946—1985 йилларда республикада мавжуд маҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш ва аввало туб миллат вакилларида индустриал ишчилар синфи ҳамда муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш масалалари тобора кескин тус олди. Жамиятимиз тараққиётининг узоқ даври мобайнида туб аҳолининг республика индустриясидаги салмоғи жуда паст бўлиб келди. Бу – тоталитар тартибнинг, миллий республикалар маҳаллий хусусиятларини инкор этувчи маъмурий-буйруқбозлик тизимининг натижаси бўлди. Республика раҳбарларининг иттифоқ раҳбарияти сиёсатини танқид қилишлари ёки тузатишлари мумкин эмас эди, чунки бу нарса Марказда

миллатчилик аломати, умумиттифоқ маифаатларини инкор этиш деб баҳоланар эди. Улкан беш йиллик режалари ва социалистик мажбуриятлар ҳам ана шу сиёсатнинг самараси бўлди. Улар беш йиллик вазифаларини тўрт йилда ва ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга мажбур этар, қимматли фурсатни маҳаллий кадрларни ўқитиш учун сарфлашга имкон бермас эди. Тайёр мутахассисларни Россиядан олиб келиш осонроқ эди. Ўша сиёсатнинг яна бир натижаси ҳунар-техника ўқув юртларини ногўғри жойлаштириш ва саноат корхоналарини мақсадга номувофиқ равишда фақат йирик шаҳарларда барпо этишдан иборат бўлди ва ҳоказо.

Ўсиб келаётган саноат, қурилиш ва транспортнинг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳозир кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, асосан оврўпалик аҳоли вакиллари ва бошқа республикалардан келган миллат ва элат кишилари ҳисобига қондириб борилди. Республикага бошқа минтақалардан келаётган ишчи ва мутахассислар оқими кенгайиб боргани ҳолда иш билан банд бўлмаган маҳаллий аҳоли сони тобора кўпайиб борар эди.

Ҳунар-техника ўқув юртлари, махсус ўрта ва олий ўқув юртлари талабаларини таълим жараёни билан алоқаси бўлмаган қишлоқ хўжалик ишлари ва бошқа ишларга доимий равишда жалб қилиш кадрларни етиштириб чиқаришга каттагина зарар етказди.

Сўнгги йиллардагина республика ҳукумати – эндиликда эса мустақил давлат ҳукумати – кадрлар тайёрлаб етиштириб чиқаришда сезиларли сифат ўзгаришлари рўй беришига олиб келган жиддий чораларни кўрди. Зарур мутахассисларни тайёрлаб бериш юзасидан ўқув юртларининг корхоналар билан тузадиган бевосита шартномалари ҳам, хўжалик ҳисоби пайдо бўлгани ҳам, ўқишни ишлаб чиқариш меҳнати билан биргаликда олиб боришнинг янги шакллари, абитуриентлар қабул қилишнинг янги шакллари ҳам, ўқитувчиларнинг ўзларини тайёрлаш сифати яхшилангани, ҳар бир ўқувчига унинг ўзига яраша қаралаётгани ҳам шулар жумласидандир.

Индустрияда танглик ҳолатларининг зўрайиб бориши. 70- йилларнинг боши республика саноатининг ривожланишида инқирозли ҳодисалар билан характерланди. Булар саноат ишлаб чиқариши ҳажми, меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларининг пасайгани, чиқарилган маҳсулот

сифатининг ёмонлашгани ва бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар билан ифодаланди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда саноат ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10 – 15 фоизни ташкил этган бўлса, энди улар 5 – 7 фоиз даражасида туриб қолди.

Жамиятни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими одамларнинг ташаббуси ва ижодини тобора кўпроқ бўғиб, партия қурилажак деб чорлаган "порлоқ келажак" уфқларини тобора нарироқ суриб бораверди. Марказдан туриб режалаштириш, Сиёсий бюронинг қаттиқ назорати остида ва тақсимлаш, ички ишонч билан мустаҳкамланмаган беҳад чақириқлар мавжуд мушкуликларни жиддий равишда енгишга имкон бермас, ҳал қилинмаган муаммолар шиор ва мажбуриятлар билан ўраб безатилган ҳолда қолиб кетаверарди. Турғунлик ҳодисаларни зўрайиб борди. Иқтисодиёт умуман суст ривожланди. Саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг ўсиш суръатлари йилдан-йилга пасаяверди. 70- йилларнинг бошида улар 8,6 фоиз даражасида бўлса, 80- йилларга келиб 4,7 фоизга тушиб қолди.

Давлат бюджетидан халқ хўжалигига ҳали ҳам авбалгидек кўплаб маблағ ажратиларди-ю, лекин бу маблағларнинг самараси уларнинг рентабеллигини таъминлаб бермас эди. Меҳнатнинг энергия билан қуролланиши соҳасида йирик ютуқларга эришилган бўлишига қарамай, талайгина янги машинасозлик корхоналарини ишга тушириш мумкин бўлмади. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган махсус ташкилий-техник чоратадбирлар кутилган натижани бермади, меҳнат унумдорлигининг ўсиши 1976 – 1980 йилларда 2,2 фоиздан ошмади, 1981 – 1985 йилларда эса 1,3 фоизга қадар пасайиб кетди. Тошкентнинг етакчи саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги шунга яраша 5,6 фоиздан 3,7 фоизгача пасайди. 1975 йили республиканинг 180 та корхонасида меҳнат унумдорлиги аввалги даражада қолаверди, 269 корхонада эса ҳатто сезиларли даражада пасайди. Бу ҳодиса инсон руҳи пасайиб, маънавий имкониятлари камайиб қолганлигидан дарак берар эдики, шу нарса меҳнатнинг натижаларига бефарқлик билан қарашга сабаб бўлар, айниқса ёшларда ҳокимият тузилмаларига, давлатга ишончсизликни уйғотар эди.

Буйруқ қилиб зўравонлик ўтказиш, иродани бўғиб қўйиш, инсонга тўраларча муомала қилиш шароитларида индустриядаги жамоат мулкчилиги амалда эгасиз мулкчиликка айланиб қолди. Ишчилар ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилган эди, ана шу нарса мисли кўрилмаган хўжасизликка, меҳнат ва ижтимоий ҳаётдаги фаолликнинг пасайиб кетишига олиб келди.

Ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистоннинг Марказнинг зўри билан ихтисосланиши унинг манфаатларига маълум даражада мос келар эди-ю, лекин маҳаллий аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини ҳисобга олмас эди. Бу нарса иқтисодий тузумида қинғирликлар рўй беришига, ресурслар имконият даражаси ва экологик бўсагадан ўтиб кетилишига олиб келди. 60- йиллар билан 80- йилларнинг биринчи ярмида республикадаги бутун саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургиянинг хом ашё ва ресурс соҳалари ҳисобига таъминланди. Натижада буларнинг улуши 60 фоизга етиб қолди, ҳолбуки машинасозлик ва металл ишлашнинг салмоғи шу давр мобайнида арзимас даражада ўсди ва атиги 16 фоизни ташкил этди.

Бу нарса шунга олиб келдики, асосланмаган, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган республикалараро алоқалар пайдо бўлди. Бунда Ўзбекистондан хом ашё ва ярим фабрикатлар олиб кетилар, унга эса бошқа ресурслар билан бир қаторда асбоб-ускуналар ва тайёр буюмлар олиб келинар эди. Халқ истеъмоли молларига бўлган республика талабининг деярли учдан икки қисми шу молларни бошқа республикалардан олиб келиш ҳисобига қондирилди. Иқтисодийнинг ана шундай бир томонлама ривожланиб бориши одамларга ўз меҳнатининг самараларини кўришга, аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини тўла равишда иш билан таъминлашга имкон бермас, демак, халқ фаровонлигини таъминлаш имконидан маҳрум қилиб, республиканинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва тараққий этиши суръатларини бўғиб қўяр эди. Аҳоли ва меҳнат ресурслари табиий ўсишининг суръатлари юқори бўлганлиги муносабати билан бундай сиёсатнинг салбий оқибатлари айниқса кескин сезилди. Сабаб шунда эдики, Ўзбекистон саноатининг ривожланишига раҳбарлик қиладиган иттифоқ вазирликлари ва идоралари бу

минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ва демографик ривожланиши муаммоларини билмас, шунинг учун ҳам буларни ҳисобга олмас эди. Кўздан кечирилаётган йилларда аҳолининг ўсиш суръатлари мудом юқори – йилига 2,5 – 3 фоиз бўлганлигига қарамай, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан банд қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи дастур ишлаб чиқилмади. Кўп илм ва меҳнат талаб қиладиган саноат соҳаларининг республикада камлиги, ишлаб чиқариш қурилишига ажратиладиган капитал маблағларнинг етишмаслиги меҳнат резервларидан анча кам фойдаланишга олиб келди. Мана шу муаммоларнинг ҳал этилмай қолганлиги ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли сонининг кўпайиб боришига олиб келди ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга халал берадиган талайгина салбий ҳодисаларга сабаб бўлди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларни жамоат ишлаб чиқаришига самарали жалб қилишга ишлаб чиқаришдан ташқари хизмат кўрсатиш соҳаларининг суист ривожланганлиги ҳам халал берди. Республиканинг кўпгина вилоятлари, районлари ва шаҳарларида турар жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар ва ижтимоий, маданий ҳамда маиший мақсадларда фойдаланиладиган бошқа объектлар қурилмади ёки жуда кам қурилди. Ҳолбуки, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг улуғвор беш йиллик режалари ва ишлаб чиқилган дастурларида ана шундай объектларни қуриш мўлжалланган эди.

Ана шу хато ва камчиликларнинг ҳаммаси меҳнатга лаёқатли аҳолидан тўла фойдаланмасликка олиб келди. 1983 йили республика шаҳарларидагина меҳнатга қодир бўлган 836 минг нафар киши ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмади. Шу билан бирга саноат ва қурилишда кадрларнинг жуда етишмаслиги яхши сезилар эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ўзбекистон саноати урушдан кейинги йилларда қай тариха ривожланиб борди? 2. Саноат ривожланишидаги камчиликларнинг моҳиятини тушунтириб беринг. 3. Транспорт муаммолари тўғрисида сўзлаб беринг. 4. Туб милаг вакилларидан етишиб чиққан ишчилар синфи, мутахассислар сонининг ўсишини қандай омиллар тўхтатаб турди? 5. Индустриянинг ривожланишидаги инқирозли ҳодисалар нималардан иборат бўлди?

3-§. Пахта монокультурасининг кенгайиши ва унинг салбий оқибатлари

Пахтачиликнинг моддий-техник базаси. Механизация барча қишлоқ хўжалиги соҳалари, жумладан пахтачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим омилidir. Урушдан кейинги дастлабки йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳар хил турдаги техника жуда ҳам етишмас эди. Пахта қўлда терилар, тракторлар билан ер ҳайдалиб, ўғитлар солинар, ҳосил пахта пунктларигача от-араваларда олиб борилар эди. Буларнинг ҳаммаси талайгина вақт сарфлаб, жуда кўп одамларни ишлатишни талаб қилар эди. Шу сабабдан пахтачиликни ривожлантиришда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш асосий масала бўлиб қолди. Бунинг ҳамма тушунар ва шу масалаларни ҳал қилиш учун республика барча чораларни кўрар эди. Машина трактор станциялари янги тракторлар билан тўлдирила бошланди. 1948 йили "Ташсельмаш" заводи пахта териш машиналарининг дастлабки партиясини ишлаб чиқарди. Орадан бир йил ўтгандан кейин "Ташавтомаш" заводи ишга туширилиб, тракторлар, пахта ташишга мослаштирилган машина ва трактор тиркагичларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди (шу завод базасида 1969 йили Тошкент трактор заводи барпо этилди). Бу жуда муҳим ҳодиса эди: пахтага мослаштирилган махсус машиналарни ишлаб чиқариш пахтачилик соҳасини анча кенгайтди ва унинг индустриал базасини мустаҳкамлади.

Бироқ, бутун техниканинг машина-трактор станциялари (МТС) да бўлиши салбий оқибатларга олиб келди. Асосий камчилик шунда эдики, уларнинг кўпчилиги техникадан қаноатланарли суратда фойдаланмас, ўзларининг шартномалардаги мажбуриятларига расмий юзасидан муносабатда бўларди. Трактор ишларининг бажарилиши юзасидан кўшиб ёзиш ҳоллари кенг расм бўлиб кетди. Машина техникасининг давлат жамоат мулкчилиги шаклига асосланувчи МТС ларда тўпланиши, аслида эса "ҳеч кимга" қарашли эмаслиги, малакали кадрлар йўқлиги, колхоз далагарининг юқори ташкилотлар томонидан белгиланадиган натурал ҳақ эвазига ишланиши бевосита ишлаб чиқарувчилар, яъни деҳқонларни ишлаб чиқариш воситаларидан беғоналаштириб қўяр эди. Уларнинг ўз меҳнатлари

пировард натижаларига қизиқиши йўқолиб кетди. МТС лар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга тобора кўпроқ тўғаноқ бўлиб қолди. Шу сабабдан машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш ва техникани бевосита хўжаликларга сотиш тўғрисида 1958 йил февралда қарор қабул қилингани тасодифий эмас. Бу чора хўжаликларга биркитиб қўйилган ер, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган эди. Бироқ хўжалик юретишининг маъмурий-буйруқбозлик тартиботи шароитларида олдинга қўйилган мақсадга эришилгани йўқ. Техникани юқоридан белгиланган баланд нархларда сотиш хўжаликларнинг иқтисодий ҳолатига сезиларли даражада зарар етказди, меҳнат кунига тўланадиган ҳақнинг камайиб кетишига таъсир кўрсатди ва, шунинг оқибати ўлароқ, деҳқонларнинг моддий аҳволини ёмонлаштирди.

Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмади. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, асосан пахтачилиги ҳам ривожланиб борди. Трактор парки янги техника билан тўлдирилди. 1959 – 1985 йиллар давомида трактор парки сезиларли даражада кенгайди: 53 бирликдан 200 минг бирликкагача етди, лекин техниканинг асосий қисми пахта хом ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида пахтакор хўжаликларга берилди. Мана шу техникадан 1985 йили республиканинг пахта майдонларида 40 минг пахта териш машиналари ишлаганининг ўзи шу тўғрида ишончли далолат беради. Шу билан бирга техникага эҳтиётсизлик билан, хўжасизларча муносабатда бўлиш, ундан мақсадга номувофиқ равишда фойдаланиш, қишлоқ меҳнаткашларида хўжайинлик сезгисининг йўқлиги кутилган натижаларни қўлга киритишга имкон бермади. Масалан, ҳосилдорликни ошириш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадларида ишлатиладиган минерал ўғитлардан фойдаланишда ҳам худди шундай манзара кузатилди. Республикага бериладиган минерал ўғитлар йилдан-йилга кўпайиб борди. 1951 йили бу ўғитлар 0,9 млн. тоннани ташкил этган бўлса, 1980 йили уларнинг миқдори 5 млн. тоннадан ошиб кетди. Ҳолбуки, кўпгина хўжаликларда минерал ўғитлар ҳам, худди техника сингари, маҳаллий шарт-шароитларни: иқлим, тупроқ структураси, ер ости сувлари сатҳи ва минералланиш даражасини ҳамда бошқа

омилларни тегишлича ҳисобга олмасдан туриб ишлатиб келиндики, бу табиий тупроқ унумдорлигига ўрни тўлмайдиган даражада зиён етказди.

Пахта хом ашёсини машинада териш – бу иш Ўзбекистонда 1948 йилдан бошланган эди – ғўза баргларини унинг зараркунандаларига қарши курашда қандай заҳарли химикатлар ишлатилса, худди шу химикатларнинг ўзи билан сунъий равишда тўкишни талаб қилди. Фан ва техника ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш, умуман олганда, ижобий ҳодиса эди. Бироқ пахтачиликда жуда заҳарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва бошқалар) дан ҳаддан ташқари кенг миқёсларда фойдаланиш, уларни сақлаш ва ишлатишда қўпол хатоларга йўл қўйиш жуда ҳам салбий оқибатларга – атроф-муҳит ифлосланиб, республика аҳолиси, айниқса қишлоқ аҳолиси саломатлигининг ёмонлашишига олиб келди.

Пахта далаларига авиация ёрдамида кимёвий ишлов бериш ҳам бунга каттагина йўл очди. Заҳарли химикатлар ишлаб чиқариш ва ғўзани авиакимё йўли билан ишлаш Марказнинг кўрсатган йўл-йўриқлари бўйича кенгайтириб бориларди, Марказ эса Ўзбекистонни мамлакатнинг "халқ хўжалик комплексидаги" асосий пахта базаси деб қарар ва ўзбек халқининг ўз манфаатлари билан ҳисоблашмас эди.

70- йилларда одамлар заҳарли химикатлардан ёппасига заҳарлана бошлади. Бу ҳол республика ҳукуматини муайян чоралар кўришга, хусусан авиациядан фойдаланишни бир қадар қисқартириш ва далаларни ердан туриб ишлашни кенгайтиришга мажбур этди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари қўлланила бошлади. Бироқ пахта майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларга авиация ёрдамида ишлов бериш давом этиб бордики, бу нарса одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун аввалгидек хавфли бўлиб қолаверди.

Ёппасига кимёлаштириш, далаларга кимёвий ишлов беришда авиация ва ниҳоятда заҳарли химикатлардан фойдаланиш тупроқ, сув, ҳавонинг шу химикатлар билан анчагина заҳарланишига олиб келди. Ғўза, ғалла, сабзавот экинлари экилган ерлар ва боғлар тупроғини олиб текшириш (1984 йил) буларда, масалан, ДДТ дустининг

миқдори йўл қўйса бўладиган энг катта санитария нормаларидан 2 – 3 барабар ошиб кетганлигини кўрсатибди. Фарғона ва Хоразм вилоятларида пахтазорлар туپросининг ифлосланиши санитария нормаларидан 8 – 10 барабар ортиқ бўлиб чиқди.

Шундай қилиб заҳарли химикатлардан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш биологик ва экологик оқибатлардан ташқари жиддий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келди: касалликлар сони ортиб, ўлим ҳоллари, айниқса болалар ўртасидаги ўлим ҳоллари кўпайиб, фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларнинг саломатлиги ёмонлашди.

Пахта монокультурасининг шаклланиши. 30- йилларда таркиб топган пахта монокультураси уруш йилларида анчагина ўзгарган эди. Ғўза экиладиган майдонларнинг қисқартирилиши ҳисобига донли экинлар майдонлари кенгайтирилди. Пахта мустақиллиги учун кураш бошланиши билан 1929 йилда тугатилган қанд лаблагги экин яна тикланди.

Уруш тугаганидан кейин Марказнинг Ўзбекистонда пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтиришга қаратилган сиёсати яна қайтадан тикланди. Ўша пайтда ҳали ягона бўлган давлатнинг тўқимачилик саноатини таъминлаш мақсадларида махсус қарор қабул қилинди, бу қарорга мувофиқ пахта хом ашёси ишлаб чиқаришни 1950 йилга келиб 1946 йилдагига қараганда 2,5 барабар елпириш кўзда тутилди.

Марказ пахта хом ашёси ишлаб чиқариш юзасидан республика учун белгиланган режани бажаришга доир республика ишларини қаттиқ назорат қилиб борди. Пахта бўйича топшириқларни бажармаслик жиддий чоралар кўрилишига – олий ҳокимият доираларида муҳокама қилинишдан тортиб жиноий жавобгарликка тортилишгача сабаб бўлди. Чунинчи, 1947 йилда пахта топшириш режаларининг бажарилмаганлиги Марказда муҳокама қилинди, шундан кейин республика раҳбарияти "маҳаллий вазифаларни деб умумдавлат маифеатларини унутиб қўйганликда" айбланди.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришни бир қадар бўлса-да, рағбатлантириш учун пахта хом ашёсининг харид нархлари оширилди, минерал ўғитларга имтиёзли нархлар сақлаб қолинди, пахта экадиган хўжаликлар дон ва

чорвачилик маҳсулотлари топшириш мажбуриятларидан озод қилинди. Кўрилган чоралар натижасида пахта хом ашёсини тайёрлаш режалари бажариладиган ва ошириб бажариладиган бўлди. Пахтачилиكنи зўр бериб ривожлантириш озиқ-овқат берадиган қишлоқ хўжалик соҳаларининг зарарига қараб борди.

Бироқ пахтачилик мураккаб ва жуда сермеҳнат жараёндир. Уни ривожлантиришдаги муваффақиятлар ҳам ўз ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Пахтакорлар республика далаларида фидокорона меҳнат қилдилар. "Шарқ юлдузи" хўжалигидан Ҳ. Турсунқулов, Ўртасарой районидаги "Полярная звезда" хўжалигидан Ким Пен Хва, Қоракўл районида С. Қурбонов, Боғот районидаги Наримонов номли хўжаликдан И. Дўстов ва 50- йилларда ҳар гектар ердан 30 – 40 центнер ва бундан ҳам ошириб хом ашё етиштирган бошқа кўпгина кишиларнинг номлари Ўзбекистонда машҳур бўлди. Кўпгина пахтачилик бригадалари бошлиқлари (Р. Одилбоев, Ш. Воисжонов, П. Йўлдошов ва бошқалар), пахта териш машиналарининг мавсумда 70 – 80 тонна ва бундан кўра кўпроқ пахта терган механик ҳайдовчилари (Н. Бакиров, А. Ўроқбоев, И. Турсунов ва кўпгина бошқалар) муносиб равишда шуҳрат топдилар.

Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш суръатлари тобора ортиб борди: ялпи пахта ҳосили 1946 – 1985 йиллар мобайнида 5,5 баравар кўпайди, ғўза экиладиган майдонлар эса бир миллион гектардан кўпроққа кенгайди. Беда ва озиқ-овқат берадиган бошқа экинлар экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига шунга эришилди.

Ана шундай зўр беришлар натижасида урушдан кейинги йилларда республикада пахта монокультураси, яъни якка хокимлиги яна таркиб топди. 1980 йилга келиб пахта майдонларининг салмоғи республика бўйича ўртача деярли 75 фоизга етди, Жиззах вилоятида у деярли 80 фоизни, Андижон вилоятида 80 фоиздан кўра кўпроқни ташкил этди.

Ваҳоланки, маданийлашган барча мамлакатлардаги пахта комплексида ғўза экинлари 60 фоиздан ортмайдиган бўлиши керак ва бу илмий маълумотлар билан тасдиқланган. Ана шундай нисбат сақлаб борилган тақдирдагина тупроқ унумдорлигини одатдагича қайта

тиклаб бориш мумкин бўлади. Бизнинг республикамизда бу кўрсаткич 1985 йили 75 фоиздан ҳам кўпроқни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, пахтачиликнинг зўр бериб ривожланиб бориши ўзбек халқининг манфаатларига кам жавоб берар эди. Пахта етиштирган деҳқонлар ўзларининг меҳнатига амалда тегишлича ҳақ олмас эдилар, чунки пахтага қўйиладиган баҳолар (шу билан бирга жуда паст баҳолар) республикадан ташқаридаги анча олис жойларда белгиланар эди. Пахта хом ашёси ва республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (қоракўл тери, ипак ва бошқалар)ни ишлаб чиқариш кенгайиб борган сайин Ўзбекистон метрополиининг хом ашё етказиб берадиган ўсимтасига тобора кўпроқ айланиб борди. Аҳвол шу билан янада мушкуллашар эдики, фойда олиш у ёқда турсин, хўжаликларнинг даромадлари кўпинча қилган харажатларининг ўрнини қопламай қолар эди. Масалан, 80- йилларнинг ўрталарида бир тонна пахта таннари 800 сўм бўлгани ҳолда кўпгина хўжаликлар уни давлатга ўртача 600 сўмдан топширишга мажбур бўдилар.

Натижада пахта етиштирувчи хўжаликларнинг давлатга қарзи тобора ортиб борди. Шу билан бир вақтда қишлоқ меҳнаткашларининг даромадлари, шунингдек турмуш даражаси ҳам пасаяверди. Камситувчи иқтисодий сиёсат миллий манфаатларнинг зарар кўришига олиб келди.

Пахтакор хўжаликларнинг ходимлари шанба, якшанба ва байрам кунлари дам олиш деган нарсани амалда билмай, саҳарда тонг ёришгандан то қуёш богунча жазирама офтоб тагида ишлаб, ҳаддан ташқари оз миқдорда иш ҳақи олар эдилар. Деҳқонларнинг турмуш савияси пасайиб борди. Ўзбекистонда гўшт ва бошқа масаллиқларни истеъмол қилиш нормалари бошқа республикалардагига қараганда анча (6 – 7 баравар) паст эди. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш даражаси ҳам паст эди. Қишлоқ оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ойлик даромад, масалан, Россияда 98,1 сўмни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда у 58,8 сўмга тенг бўлди (шахсий томорқа участкаларидан тушадиган даромадларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда). Қувайт, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларнинг халқлари "қора олтин" – нефть ҳисобига бадавлат яшаганлари ҳолда

Ўзбекистон халқлари "оқ олтин" – пахта ҳисобига камбағаллик чизигидан пастда қолиб яшаб келдилар. Бунга халқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизими ва республиканинг ўз манфаатлари, халқининг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган мустамлакачилик сиёсати айбдор эди.

Озиқ-овқат етказувчи қишлоқ хўжалиги соҳаларининг аҳволи. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг асосий вазифаси пахтачиликни ҳар томонлама юксалтиришдан иборат эди. Озиқ-овқат етказиб берувчи соҳаларга етарлича аҳамият берилмаганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Бу чорвачилик маҳсулотлари, картошка, сабзавот-полиз экинлари етиштиришга айниқса тааллуқли бўлди, чунки улар етиштириш учун қилинган сарф-харажатларни мутлақо қопламасди. 60- йилларнинг ўрталаригача қишлоқ хўжалигининг бу соҳалари паст суръатлар билан ривожланиб келди.

1960 йили озиқ-овқат экинларини етиштириш республикада деярли урушдан олдинги даражада эди, ҳолбуки пахта хом ашёси ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайди.

Озиқ-овқат етказувчи қишлоқ хўжалиги соҳалари механизация даражаси ниҳоятда паст бўлгани учун ана шундай ҳолатга тушиб қолди. Механизация даражасининг пастлиги натижасида экиш ва айниқса ҳосилни ўриб-териб олиш муддатлари узайиб кетар, унумдорлик эса пасайиб борар эди. Бундан ташқари озиқ-овқат экинларига солиш учун минерал ўғитлар кам ажратилар эди. Энг унумдор экин майдонлари ғўза экишга ажратилди, ғўза озиқ-овқат экинларини яроқсиз ерларга, тоғ олди жойларига, ўзлаштирилиши қийин бўлган заранг ерлар ва тўқайларга суриб чиқарди. Бунинг устига ғўзага ҳаддан ташқари кўп эътибор берилиши бошқа экин майдонларини сувдан амалда маҳрум қилар эдики, бу нарса шу экинларнинг ҳосилдорлигига таъсир кўрсатди. Сув хусусидаги бундай аҳвол яна битта салбий ҳодисага сабаб бўлди: озиқ-овқат экинлари экиш учун ажратилган майдонлардан ғўза экиш учун фойдаланиш (ошкора ва яширин суръатда фойдаланиш) кенг расм бўлди.

Деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжалиklarини чеклаш

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари пасайиб кетишига, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш иши ёмонлашиб қолишига олиб келди. Томорқа участкаларининг нормалари 1950 йилгача суғориладиган ерларда 0,15 га дан 0,25 га гача деб белгиланган бўлса, 1950 йилнинг январь ойидан бошлаб томорқа ерлари ва чорва туёқ боши қисқартирилди. Томорқа участкаларининг майдони қисқартирилиб, 0,12 – 0,15 га гача туширилди. Шундай қилиб, деҳқон хўжаликларидан "нормадан юқори" деб суғориладиган ерлар, боғлар, тоқзорлар кесиб ташланди, чорва тортиб олинди.

Деҳқонлар томорқа участкалари майдонини камайтириш йўлидан кейинги йилларда ҳам воз кечилгани йўқ. Чунончи, 1956 йилдаёқ деҳқон томорқасининг ўргача майдони 0,1 га ни ташкил этди. Шахсий хўжаликда, одатда, битта она-бола сигир ва икки яшаргача бўлган бир бош қорамол, 4 – 6 бош қўй, эчки боқишга рухсат берилар эди. Шахсий томорқа хўжалигига ана шундай муносабатда бўлиш бундай хўжалик қишлоқда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилади деган қоидадан келиб чиққан эди. Шу сабабдан "жамоат чорвачилигининг зиёнига аҳолида чорва кўпайишига" йўл қўйган хўжаликлар турли кенгашлар ва партия анжуманларида танқид остига олинди.

Бироқ тилга олиб ўтилган қийинчиликларга, кўпгина турдаги озиқ-овқат экинларининг зиёнга тушишига қарамай, бу соҳаларнинг ҳар қалай бирмунча ўсишига эришилди. 1960 – 1985 йилларда республикада ялпи ғалла ҳосили икки баравардан зиёд кўпайди, картошка, ток, мева ва резавор мевалар ҳосили ҳам тахминан шунча ошди. Қорамол туёқ сони ўсди. Бу шунга боғлиқ эдики, Ўзбекистон шу турдаги озиқ-овқат экинлари ҳосилини республика аҳолисигагина эмас, балки республикадан ташқарига – умумиттифоқ фондига ҳам етказиб бериши лозим эди. Муваффақиятларга эришилгани ва озиқ-овқат етказиб берувчи қишлоқ хўжалик соҳаларининг ривожланиш даражаси юксалганидан дарак берувчи ишонарли статистик рақамларга қарамай, бу соҳаларнинг маҳсулоти республика аҳолисининг уларга бўлган эҳтиёжларини амалда қондирмас эди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланган

19- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

физиологик нормалардан анча кам эди. Тоталитар тартиботнинг салбий оқибатларидаги айниқса муҳим нарса шундан иборат бўлди, чунки Ўзбекистоннинг иқлимий ва тупроқ шароитлари озиқ-овқат маҳсулотларини зарур миқдорда ишлаб чиқаришга имкон берар эди. Лекин пахта якка хокимлиги, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириб, пахта ҳосилини ошириш орқасидан қувиш республикада озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш имкониятларини чеклаб қўйди.

Деҳқончилик ишлаб чиқаришидаги танглик ҳолати. 80 - йилларнинг ўрталарида келиб республикада ғўза ҳосилдорлиги ва териб олинадиган ялпи ҳосили сезиларли даражада камайди. 1985 йилга келиб ғалла, дон учун экиладиган маккажўхори, шоли, картошка, сабзавотлар, мевалар, резавор мева ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили ҳам камайиб қолди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юзага келган инқирозли ҳолат жамиятни бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштиришга, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан зўрлик ўтказишга, республиканинг бутунлай ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб қолганига боғлиқ эди. Раҳбарликнинг буйруқбозликка асосланган усул-амаллари деҳқонларнинг иқтисодий манфаатларини камситишга, уларнинг ўз меҳнати натижаларига бегоналарча кўз билан қарашига олиб келди.

Кўздан кечирилаётган йилларда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алмашинув тенгсизлик асосида амалга оширилар, аграр сектордан маблағлар буйруқбозлик йўли билан бадалсиз тортиб олинар эди. Қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги кўп жиҳатдан шахсий томорқа хўжаликларидан келадиган даромадларга асосланар эди, лекин бу хўжаликларнинг ривожланиши ҳам бўғиб қўйилган эди.

Хўжаликлардан маблағларни тортиб олиш саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни: қишлоққа ниҳоятда зарур бўлган техника, ўғитлар, омухта емлар, бинокорлик материалларини кескин қимматлаштириш йўли билан амалга оширилди. Ишлаб чиқариш воситаларига ишлаб чиқарувчининг танҳо ҳукмронлик қилиши деҳқонларни хонавайрон қилар, техника янгиликларини қишлоқ хўжалигига жорий этиш йўлида тўғаноқ бўлар эди. Хўжаликлар сифати жуда паст бўлган техникани сотиб

олишга мажбур қилинадиган ҳоллар ҳам тез-тез учраб турарди.

Маҳаллий раҳбарият қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнати билан ишлаб топишган маблағларга назоратсиз равишда эгаллик қилиб, бу маблағлардан кўпинча бошқа мақсадларда фойдаланилар эди. Хўжаликларнинг ҳисобига шаҳарлар ва район марказлари ободонлаштирилди, маданий-маиший бинолар ва бошқа объектлар қурилди.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ўз ўрнини тополмай қолгани ана шундай сиёсатнинг оқибати бўлди. Алоҳида олинган ҳар бир деҳқон мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди, чунки бу мулк худди шундай ҳуқуқсиз кишилар жамоасига тегишли деб ҳисобланарди. Табиийки, ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилган деҳқон хўжайинлик ҳиссини йўқотиб қўйди ва шу сабабдан хўжалик мулкани "ҳеч кимники эмас" деб ҳисоблар ва уни асраш ҳамда кўпайтириш тўғрисида қайғуриши ҳам мумкин эмас эди.

Маънавий-ахлоқий соҳадаги салбий ҳодисалар кучайиб борди: жамоат мулкани ўғирлаш, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик қилиш ва бошқалар одат бўлиб қолди. Давлат билан қишлоқ хўжалигининг иқтисодий муносабатларидаги зиддиятлар аграр сектордаги инқирозли ҳодисаларни чуқурлаштириб, қишлоқ хўжалигига катта зиён етказди, деҳқонларни хонавайрон қилди. Қишлоқ хўжалигини боши берк кўчадан олиб чиқиш учун шошилиш ва таъсирчан чораларни кўриш зарур бўлиб қолди.

Аввало қишлоқ хўжалиги самарадорлиги пастлигининг энг муҳим сабабларидан бирини – раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усул-амалларини баргараф этиш зарур эди. Бироқ хўжалик юретишда хўжаликларнинг мустақиллигини кенгайтириш тўғрисида қайта-қайта қарорлар қабул қилинишига қарамай, хўжаликларнинг фаолияти амалда майда-чуйда нарсаларигача белгилаб қўйилган эди. "Ялпи" кўрсаткич орқасидан қувиш ва майда-чуйда нарсалар хусусида ҳам васийлик қилиш кадрлар ташаббусини бўғиб, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги охириги натижалар учун масъулятини пасайтириб юборар эди. Шу тариқа ишлаб чиқаришнинг ўзида тўғаноқ механизм шаклланиб борди, чунки ишлаб чиқарувчи хўжалик ишларини ҳал қилишдан четлаштириб қўйилган эди.

Аграр сиёсатни ислоҳ қилишга оид уринишларнинг бири 1965 йили бўлган эди. Шу мақсадларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган маблағлар оширилди (3,1 млрд. сўмдан 14,8 млрд. сўмгача), моддий-техник базани мустақкамлашга уриниб кўрилди. Ирригация-мелиорация қурилишларига, яъни ерларни суғориш, кимёлаштириш ва бошқаларга катта маблағлар ажратилди. Деҳқонларни ижтимоий ҳимоялаш бир қадар кучайди. Қишлоқ аҳлини пенсия билан таъминлаш ва ижтимоий суғурта қилиш жорий этилди. Қишлоқнинг маданий-маиший тузилиши ва турар жой қурилишида муайян ўзгаришлар рўй берди. Мана шу чора-тадбирларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга, хўжаликларнинг иқтисодий мавқеини мустақкамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишга қаратилган эди. Бироқ улар кутилган натижани бергани йўқ. Қишлоқ хўжалиги ялпи мақсулотининг ўсиш суръатлари пасайиб бераверди, инқирозли ҳодисалар эса кучаяверди.

Қишлоқдаги иқтисодий муносабатлар механизмини жонлантириш юзасидан кўрилган хусусий ва чалакам-чатти чоралар, чақирىқлар қишлоқ хўжалигини таназзулдан олиб чиқа олмаслигини ҳаёт ишонarli қилиб кўрсатиб берди. Қишлоқда туб ўзгаришлар қилиш зарур ва энг аввало ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш, бошқарувнинг иқтисодий усул-амалларини қайтадан тўлатўкис йўлга қўйиш керак эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Республиканинг қишлоқ хўжалиги уруздан кейинги дастлабки йилларда қандай қийинчиликларни бошдан кечирди? 2. Республика қишлоқ хўжалигини ялпи кимёлаштириш қандай оқибатларга олиб келди? 3. Пахта нима учун республика далаларида ҳукмронлик қилувчи экин бўлиб қолди? 4. Пахта якка ҳокимлиги нима учун ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келмади? 5. Деҳқончилик ишлаб чиқаришидаги инқирозли ҳодисалар қандай сабаб тўфайли рўй берди?

4-§. Янги ерларни ўзлаштириш ва пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш

Ирригация-мелиорация қурилиши. Суғориш Ўзбекистоннинг иқлим шароитларида деҳқончилик самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли ва қишлоқ хўжалик

экииларидан муттасил юқори ҳосил олиб боришнинг гаровидир. Республика деҳқончилигида ерларни сунъий суғориш тизими (каналлар ва ирригация иншоотлари) ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлига ўтилиши республиканинг барча вилоятларида ирригация-мелиорация ишларини кенгайтиришни талаб этди. Олдиниға янги қурилишларга эмас, балки путурдан кетган ирригация иншоотлари, каналлар ва ариқ-зовурларни тиклашга асосий эътибор берилди. Каналлар қуриш ва қўриқ ерларни ўзлаштириш учун етарли маблағларнинг йўқлиги асосан заранг ерларни ўзлаштириш ҳисобига суғориладиган майдонларни кенгайтиришга мажбур этди.

Урушдан кейинги ўн йилликда республикада Сирдарё вилоятидаги Боёвут канали, Фарғона, Наманган вилоятларидаги Охунбобоев номли канал ва Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидаги Эски Ангар канали қурилди. 1954 йили Ўзбекистонда Наманган вилоятидаги Косонсой сув омбори ишга туширилди, бу сув омбори катталиги жиҳатидан Каттақўрғон сув омборидан кейин иккинчи ўринда турарди.

Республикадаги ирригация ва суғориш ишларининг ривожланишида 50- йилларнинг охирида янги давр бошланди. Бунда пахта ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида қисқа муддатлар ичида мамлакатда энг йирик пахтачилик райони барпо этиш, бунинг учун Мирзақўлдаги унумдор қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш юзасидан зарур ишларни бажаришга қарор қилинди. Шу муносабат билан узунлиги 127 км га борадиган энг йирик Жанубий Мирзақўл бош каналини, марказий Мирзақўл коллекторини қуриш ва Шимолий Мирзақўл каналини кенгайтириш ишлари бошланди.

Шу билан бир вақтда республиканинг бошқа минтақаларида катта-катта сув хўжалиги ишлари олиб борилди. Жумладан, Амударёдан Бухоро вилоятига сув етказиш мақсадларида Аму-Қоракўл ва Аму-Бухоро каналлари қурилди, шу билан бирга Аму-Бухоро канали сувини 67 м баландликка кўтариб берувчи насос станцияларига эга бўлган улкан иншоот эди. Аму-Бухоро каналининг умумий узунлиги 167 км ни ташкил этди. Уни ишга тушириш билан

Бухоро вилоятида 90 минг га ер, жумладан 26 минг га янги ер майдонлари суғориладиган бўлди. Ундан ташқари Қизилқум саҳросида майдони 300 минг га дан ортадиган яйловлар сув билан таъминланди.

Республикада сув хўжалиги қурилишига доир йирик тадбирлар амалга оширилиши натижасида саккизта энг йирик сув омборлари, жумладан Бухоро вилоятидаги Қуйномзор, Сурхондарё вилоятидаги Жанубий Сурхон ва Қашқадарё вилоятидаги Чимқўрғон сув омборлари ишга туширилди.

Мирзачўлда янги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Очиқ ва ёпиқ коллектор-зовурлар тармоғи ва тик дренаж қудуқлари қурилди. Сувдан бирмунча самарали фойдаланиш учун тақсимловчи нов тармоқлари қурилди ва каналларга бетон ётқизилди. Мирзачўлнинг Жиззах минтақасини сув билан яхшироқ таъминлаш учун Жиззах сув омбори қурилди, Қарши даштида эса узунлиги 165 км га борадиган Қарши магистраль канали ва Толимаржон сув омбори асосий ирригация иншоотлари бўлиб қолди. Қарши каналини қуриш 1974 йили тугалланди. Кетма-кет жойлаштириб қурилган 6 та насос станцияси Амударё сувини 132 м баландликка кўтариб берадиган бўлди. Ана шу энг йирик ирригация иншоотларини ишга тушириш Қарши даштидаги қуруқ ерларни, Жанубий Сурхон сув омбори, Занг, Шеробод ва Амузанг каналларини қуриш эса Сурхон-Шеробод водийсини суғоришга имкон берди.

Фарғона водийсининг сув билан таъминланишини яхшилаш мақсадларида сержув Норин дарёсидан сув оладиган Катта Андижон ва Катта Наманган каналлари ва сифими 2 млрд. м³ келадиган энг йирик Андижон сув омбори қурилди.

1946 йили республикада битта – Каттақўрғон сув омбори ишлаб турган бўлса, 1985 йилга келиб 20 дан ортиқроқ сув омборлари ишлайдиган бўлди. Шу давр ичида ишга туширилган йирик каналлар сони бундан ҳам кўп.

Ирригация тармоғини шиддат билан кенгайтириб бориш республика учун бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган аҳамиятга эга бўлди. Каналлар ва бошқа объектларни қуриш қўриқ ерларнинг сув билан таъминланиши ҳисобиغا иқтисодий самара беришидан ташқари кўпинча яқин атрофдаги жойларга салбий таъсир ҳам кўрсатди, чунки бунинг

натижасида ер ости сувларининг сатҳи юқори кўтарилиб, ҳайдаладиган ерларни шўр ва ботқоқ босди, боғ-роғлар ва токзорлар қуриб қолди. Янги пахтачилик районларини барпо этиш мақсадларида пухта ўйлаб чиқмасдан суғориш иншоотларини қуриш, Сирдарё билан Амударёдан тобора кўп сув олавериш Орол денгизининг қуриб боришига олиб келди ва уни об-қаётдан маҳрум этди. Бу нарса бутун Орол бўйи минтақасидаги экологик вазиятни мушкуллаштириб қўйди.

Янги пахтачилик районларини барпо этиш. Урушдан кейинги йилларда пахтазор майдонларини кенгайтириш ишлари асосан хўжаликлар ичидаги партов ерлар ҳисобига олиб борилди. Янги пахтачилик районларини барпо этиш мақсадида 50- йилларнинг ўрталаридан бошлаб кенг равишда қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланди. Мирзачўл ва Қарши даштларини, Сурхон-Шеробол водийси ва бошқа қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш юзасидан авж олдириб юборилган йирик сув хўжалиги ишлари ана шунга тўла йўл очди. 1964 йилдан бошлаб Мирзачўлнинг қўриқ ерларида пахта ишлаб чиқаришни ҳар йили 320 – 340 минг тоннага етказиш учун биринчи галдаги вазифа 300 минг га ерни (жумладан, Қозоғистон ҳудудидаги 100 минг га ерни) ўзлаштиришдан иборат эди.

Ерларни ўзлаштириш (асосан пахта экиш учун ўзлаштириш) комплекс тарзда олиб борилди, бошқача айтганда, ерларга сув чиқариш билан бир вақтда янги хўжаликлар барпо этилиб, қишлоқлар, турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилди. 1965 йили Мирзачўлнинг сув чиқарилган янги минтақасида битта боғдорчилик-узумчилик ва 16 та пахтакор хўжаликлар фаолият кўрсатди.

1985 йилнинг бошига келиб, Мирзачўл ҳудудида 300 минг га дан ортиқроқ қўриқ ерлар ўзлаштирилди ва Мирзачўл йирик пахтачилик райони бўлиб қолди. Бу ерларда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ташкил этилди, неча ўнлаб хўжаликлар пайдо бўлди, шаҳарлар, саноат комплекслари қурилди. Мирзачўл даштининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган ерлари қўриқ очувчилар фидокорона меҳнатларининг натижаси бўлди. Ўзбекистоннинг янги пахтакор минтақаси пахта хом ашёси етиштиришни мунтазам равишда ошириб бориб, 1980 йилда 492 минг тоннага етказди.

Шу билан бирга Мирзачўл ерлари ва бошқа қўриқ районларга сув чиқариб, уларни ўзлаштиришда катта камчиликлар ҳам бор эди. Сув хўжалиги ташкилотлари янги ўзлаштирилган ерларни хўжаликларга ҳали кўп чала ишлари қолган ҳолатда топширар эди. Бунинг натижасида ерларнинг каттагина қисми қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолди. Хўжаликларнинг ўзи ҳам бус-бутун бўлмаган ҳолда қурилар, жумладан турар жой ва коммунал-маиший объектлар қурилишига доир масалалар яхши ҳал қилинмас эди, ҳолбуки бундай объектлар доимо жуда етишмас, мавжудлари эса сифати пастлиги билан ажралиб турарди.

Сув чиқарилган бошқа йирик бир район Қарши дашти бўлиб қолди: бу ерда 1 млн. га дан ортиқроқ янги ерларга сув чиқариш мумкин эди. Даштнинг озгина қисми неча йиллардан бери ўзи келадиган сув билан суғорилар, унинг асосий қисми эса Амударёдан 140 м баландлиқка кўтариб чиқариладиган сувни талаб қилар эди. Шу сабабдан бу вазифа 60- йилларда Навоий ГРЭСи барпо этилганидан кейингина ҳал этилди.

Қарши даштида янги йирик пахтачилик районини барпо этиш узоқ йиллар давомида диққат марказида бўлиб келди. Бу мақсадлар учун 1970 йилда 1 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

1963 – 1979 йиллар давомида Қарши даштида 120 минг га дан ортиқроқ ер сув чиқаришга тайёрлаб қўйилди, 30 га яқин хўжаликлар ташкил этилди. 70- йилларнинг иккинчи ярмидагина 60 минг га янги ер қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди.

Ўзбекистонда Сурхон-Шеробод водийси ерларини ўзлаштириш ишлари қадим замонлардан бери ўтказиб келинади. Янги ерларни суғориш ишлари дастлаб асосан хўжаликларнинг ўз кучлари билан кичик миқёсларда олиб борилган. 1962 йилда Жанубий Сурхон сув омбори қурилишининг тугалланиши 114 минг га майдондаги Сурхон-Шеробод массивини суғоришга киришиш учун имкон берди.

1966 – 1985 йилларда янги ерларни суғориш географияси ва ҳажмлари анча кенгайдик, бу гўза экиладиган майдонларнинг ўсишига боғлиқ эди. Ирригация-мелиорация ишлари дастурининг амалга оширилиши натижасида янги ерларни ўзлаштириш суръатлари жадаллашди. 1946 йилдан

1965 йилгача бўлган 20 йиллик давр мобайнида 600 минг га яқин янги ерлар ишга туширилган бўлса, 1966 – 1985 йиллар мобайнида 1800 минг га яқин, яъни уч баравар кўп ер фойдаланишга топширилди.

Қўриқ ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, янги пахтачилик районларини яратиш, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш пахта якка ҳоқимлигининг янада кучайишига олиб келди, бу нарса, ўз навбатида, озиқ-овқат ва экология муаммоларини ҳал қилишни янада қийинлаштириб, республикада ижтимоий кескинликни кучайтирди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Республикадаги сув хўжалиги ишларининг хронологик жадвалини тузиб, таҳлил қилиб чиқинг.

Вақти	Объектнинг номи	Аҳамияти

2. а) Мирзачўл; б) Қарши дашти; в) Сурхон-Шеробод водийси ерларини ўзлаштириш тўғрисида сўзлаб беринг. 3. Пахта экин майдонларини кенгайтириш қандай салбий ҳодисаларга олиб келди?

5-§. Қишлоқ хўжалиги кадрларининг шаклланиши

Механизаторлар ва оммавий касб кадрларини тайёрлаш. Уруш йилларида республикадаги эркакларнинг каттагина қисми фронтга жўнаб кетганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалигида барча тоифадаги кадрлар сони кескин камайди. Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи-техник ва раҳбар ходимларни тиклаш ва янада мустаҳкамлаш урушдан кейинги биринчи йилларнинг ўзидаёқ ҳал қилиниши керак бўлган муҳим вазифа бўлиб қолди.

Қишлоқда асосий ходим механизаторлар эди. Механизатор кадрларни тайёрлаш МТС лар қошидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактаблари ва курслари орқали олиб борилди. Механизация мактабларининг моддий техника базаси уруш йиллари мобайнида ниҳоятда заифлашиб қолган эди.

Урушдан кейинги даврнинг қийинчиликларига (етарли миқдорда асбоб-ускуна ва анжомлар йўқлигига, амалий тайёргарлик суствлиги ва бошқаларга) қарамай бу мактаб ва курслар 1946 – 1950 йилларда турли соҳалар бўйича 50 минг нафардан ортиқроқ механизаторларни тайёрлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Механизатор кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадларида 1953 йили механизация мактаблари қайта ташкил этилиб, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўқув юртларига айлантирилди ва ишлаб чиқариш таълимига ажратиладиган вақт кўпайтирилди.

Механизаторлар ва оммавий касбдаги бошқа касбларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари 60- йилларда қишлоқ ҳунар-техника билим ўқув юртлари, курсларида, хўжаликларнинг ўзларидаги семинарларда, "Узсельхоз-техника" район бирлашмалари, илғор тажриба мактаблари, қишлоқдаги умумтаълим мактабларида ва тажрибали устозлар ёрдамида яқка тартибда таълим бериш йўли билан олиб борилди.

Кадрлар тайёрлашнинг энг самарали шакли қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртлари бўлди, буларда ўқувчилар механизаторлик касби билан бир қаторда ўрта маълумот ҳам олар эди. Қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртларига 8-синфни битириб чиққан ўқувчи ёшлар қабул қилинар эди. Бунда нотўғри тартиб белгиланди: ўзлаштирувчи ўқувчилар ўқишни давом эттириш учун мактабда қолдириллар, ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни мажбурий равишда қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртига юбориш расм бўлди. Қишлоқ ёшлари бундай ўқув юртларда ўқишни истамас, чунки хўжаликлардаги ишлар рағбатланттирилмас эди. Шунинг натижасида қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртлари етарлича юқори сафатга эга бўлмаган қишлоқ хўжалик кадрларини етиштириб чиқарар эди.

Қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртлари кенг соҳа механизаторларни: токарлар, электрчилар, тракторчилар, комбайнчилар, машинада сут соғиш усталари, операторлар, парранда боқарлар ва бошқаларни тайёрлаб берди.

Ҳунар-техника ўқув юртлари қишлоқ ёшларини касбга тайёрлашнинг тобора кўпроқ асосий шаклига айланиб борди. Оммавий касбларга эга бўлган қишлоқ хўжалик кадрларини

тайёрлашнинг энг истиқболли шакли тариқасида ўрта ҳунар-техника ўқув юртлари алоҳида аҳамиятга эга эди.

1985 йилга келиб республикада 354 та ўрта қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртлари фаолият кўрсатди, булар агросаноат комплекси ва сув хўжалиги қурилишининг ҳамма соҳалари учун кадрлар тайёрлаб берди.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ташкилотчилари. Уруш йилларида республика қишлоқ хўжалигининг мутахассислари ва раҳбар ходимларининг каттагина қисми фронтга сафарбар этилган эди. Бу нарса ишлаб чиқариш-техника кадрлар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкилотчилари таркибини сезиларли даражада ёмонлаштириб қўйди.

Раҳбар ва мутахассис кадрлар сафларини урушдан кейинги дастлабки йилларда олий ўқув юртлари ва техникумлар ҳисобига тўлдиришнинг имкони йўқ эди. 1945 йилга келиб республикада 3 та олий қишлоқ хўжалик ўқув юрти ва 12 та техникум ишлаб турди. Қишлоқ хўжалиги ўқув юртларини битириб чиққанлар кадрлар масаласи жуда кескин бўлиб турган хўжаликларга, МТСларга юборилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барча бўлинмалари раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари асосан қисқа муддатли ҳар хил курслар ва мактаблар тизими орқали олиб борилди.

1947 йилнинг августида Тошкент ва Самарқандда қишлоқ хўжалиги раҳбар кадрларини тайёрлаш юзасидан икки йиллик муддат билан ўқитиладиган 2 та давлат мактаблари ташкил этилди.

Республикада икки йиллик мактаблар билан бир қаторда 11 та бир йиллик қишлоқ хўжалик мактаблари ҳам фаолият кўрсатиб борди. Булар ҳосилот раислари, боғдорлар, чорвадорлар, йилқичилар, асаларичилар, ҳисобчилар, ўнбошиқурувчиларни етиштириб чиқарди.

Қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаб берадиган асосий ўқув юртлари техникумлар ва олий ўқув юртлари бўлди. Урушдан кейинги даврнинг умумий қийинчиликлари уларнинг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўқув-моддий база заиф бўлиб, ўқув хоналари, амалий ўқув машғулотлари учун қишлоқ хўжалик техникаси, устахоналар учун асбоб-

ускуналар, лабораториялар, дарсликлар, айниқса ўзбек тилидаги дарсликлар етишмас эди. Шунга қарамай, республиканинг қишлоқ хўжалик ўрта махсус ўқув юртлари урушдан кейинги йилларда 4 минг нафардан ортиқроқ агрономлар, зооветеринарлар, техниклар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаб берди. 1944 – 1953 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари 4 минг нафарга яқин турли касбдаги мутахассисларни етиштириб чиқарди.

Шундай бўлса ҳам, 50- йилларнинг ўрталарида раҳбар қишлоқ хўжалик ходимлари орасида олий, ўрта ва етти йиллик маълумотга эга бўлган кишилар 4 нафарга фақат биттадан тўғри келар эди. Қолганлар бошланғич маълумотли, чаласавод ва ҳатто саводсиз кишилар эди. Хўжаликларнинг мутахассисликларга бўлган талаби тинмай ортиб борди. Қишлоқ хўжалигининг мутахассислар билан старлича таъминланмагани ва улар маҳоратининг унча юқори эмаслиги деҳқончилик маданиятининг даражасини пасайтириб қўйди. 1953 – 1958 йилларда республика техникумларида мутахассислар етиштириб чиқариш 3 барабар ошган, 1965 йилга келганда эса қишлоқ хўжалиги мутахассислари – агрономлар, зоотехниклар ва ветеринария ходимларининг сони бир ярим барабар кўпайганига қарамай, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам давр талабларига мос келмас эди. Ўқув юртларининг моддий-техника ва ўқув базаси ҳали ҳам аввалгидек заиф эди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислари, ер тўзувчилар айниқса кўп етишмас, маҳаллий миллат хотин-қизлари орасидан мутахассислар кам тайёрланар эди. Бундан ташқари, тайёрлаб чиқарилган мутахассислардан ҳам ҳаминша мақсадга мувофиқ фойдаланилмасди – уларнинг бир қисми бошқарув аппаратларида ўтириб қолар, мутахассислиги бўйича ишламас эди. Мутахассисларнинг турар жой-турмуш шароитлари мураккаб бўлиб, уларнинг қўнимсизлиги ҳам катта эди. Қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрларнинг анчагина етишмаслиги туфайли ҳамон оғир аҳволда қолаверди.

60- йиллар ўрталарига келиб қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ажратиладиган маблағлар анча кўпайтирилди. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Бу нарса маълум

натижаларни берди. 1980 йилга келиб энди 44 та техникум ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган бўлди, бу – республика қишлоқ хўжалигига келиб ишловчи мутахассислар сонини сезиларли даражада кўпайтирди. 1985 йили республика хўжаликларида 10 минг нафардан ортиқ ўрта маълумотли ва 5 минг нафардан зиёд олий маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатди. Қишлоқ хўжалик олий ўқув юр்தарининг бешта факультетлари, қишлоқ хўжалигини бошқаришга алоқадор 13 та вилоят мактабларида кадрлар малакасини ошириш ишлари олиб борилди.

Бироқ мутахассислар миқдор жиҳатдан ўсиб борашигига қарамай, уларни тайёрлаш ҳамон тегишли даражада эмас эди. Олий ва ўрта махсус мактаб ўқув-моддий базасининг аҳволида катта ўзгаришлар рўй бергани йўқ. Лабораториялар, кабинетлар, устаконалар, асбоб-ускуналар ҳамон етишмас эди. Техникумларда айрим муаллимларнинг маълумоти уларнинг ўқитадиган фанлари соҳасига тўғри келмасди. Махсус фанлар ўқитувчиларининг ярмидан кўра кўпроғида ишлаб чиқариш тажрибаси йўқ эди. Амалий машғулотларга тегишлича аҳамият берилмас эди. Олий ўқув юр்தари ва техникумлар талабаларини узоқ муддатга қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш мутахассислар етиштириб чиқариш сифатига катта зиён берди. Қишлоқ хўжалик техникумларининг ўқувчилари айрим йилларда 3 – 4 ой мобайнида қишлоқ хўжалик ишларида ишлатиларди. Ўқув юр்தарининг ишидаги ана шу камчиликлар улар тайёрлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалик мутахассислари билмилари ва амалий малакаларининг даражасини пасайтирарди.

Олий тоифадаги қишлоқ хўжалик кадрларидан фойдаланиш иштини анча яхшилаш зарур эди. Моддий манфаатдорлик йўқлигидан ўқув юр்தарини битириб чиққанлар тайинланган жойларига бормас, мутахассислиги бўйича ишламас эдилар. Шу билан бир вақтда далачилик бригадаларининг кўпчилик бошлиқлари, ферма мудирлари, бўлим бошқарувчилари махсус маълумотга эга бўлмаган, амалиёт билан шуғулланиб келган кишилар эди.

Қишлоқ хўжалиги олий ўқув юр்தари ва техникумларининг ишидаги ана шу камчиликлар умуман ижтимоий

соҳага ва хусусан мутахассислар тайёрлашга маблағлар ажратишда қолдиқ принципига амал қилинганининг натижаси бўлди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Қандай чора-тадбирлар республикада механизатор кадрларни кўпайтиришга ёрдам берди? 2. Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ишининг сустиги сабабларини айтиб беринг ва таҳлил қилиб чиқинг. 3. Қишлоқ хўжалиги раҳбар ходимларини мустаҳкамлаш учун давлат органлари томонидан кўрилган чоралар сизнинг фикрингизча етарли эдимиз?

6-§. Советлар, жамоат ташкилотлари ва улар вазибаларининг янада чекланиши

Советлар. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ривожланишида рўй берган салбий жараёнлар унинг асосий таркибий қисми-Советлар фаолиятида ҳам тўлалигича акс этди.

Дастурул-амал бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳужжатларда Советларни мустаҳкамлаш партия сиёсатининг асосий масаласи деб қаралар эди. Советлар фаолиятида демократик принципларга қаттиқ амал қилинади: Советлар ва уларнинг депутатлари сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб туради, сайловчилар ўзларининг ишончини оқламаган депутатларни муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқига эга, давлат бошқаруви, хўжалик қурилиши, маданий қурилишга доир барча муҳим масалалар Советлар сессияларида ошкора, эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилинади, ижрочи органлар мунтазам ҳисоб бериб туради ва ҳоказо деб айтилар эди. Бироқ аслида тўғри бўлган бу концепция қоғозда қолиб кетди ва ҳақиқий ҳаётда амал қилмас эди.

Ўша даврдаги совет жамиятининг сиёсий тизимига партия, Советлар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари кирар эди. Ана шу тизимнинг асосий мағзи партия эди. У ўзини жамиятнинг раҳбарлик қилувчи ва йўналтирувчи кучи деб ҳисоблар ва Советлар ҳамда жамоат ташкилотларига ўз хоҳиш-иродасини амалда зўрлик билан ўтказар эди.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият умуман собиқ Иттифоқда бўлгани каби, республикада ҳам расман Советлар ихтиёрида эди. 1950 – 1959 йилларда Ўзбекистон

Республикаси Олий Совети Президиумига Ш. Р. Рашидов бошчилик қилди.

Шароф Рашидович Рашидов (1917 – 1983) – Республиканинг атоқли давлат, жамоат ва сиёсий арбоби, ўзбек ёзувчиси. 30 – 40- йилларнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилоятининг газетаси "Ленин йўли" да, республика газетаси "Қизил Ўзбекистон"да муҳаррир бўлиб ишлади, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлиб келди. У истеъдодли ташкилотчи ва раҳбар эди. Унинг иштирокида Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилди. Пахтачиликни ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, 1966 йилдаги ер қимирлашидан кейин Тошкентни қайтадан тиклашга у кўп куч-қувват ва ғайрат сарфлади. Тошкент метрополитенининг қурилиши унинг ташаббуси билан бошланган эди, бу метрополитеннинг биринчи йўли 1977 йилда ишга туширилди.

Ҳокимиятнинг жойлардаги сиёсий органлари – Олий Советдан бошлаб то қишлоқ Советигача бўлган органлар – бошқа масалалар билан бир қаторда республикани иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш масалалари билан шуғулланар эди. Бироқ уларнинг фаолиятини бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими бўғиб қўяр эди. Советларнинг мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириши учун маблағлари ҳам йўқ эди.

Халқ сайлаб қўйган депутатлардан ташкил толувчи Советларнинг амалда бошқарув аппаратиغا – ижроия комитетига Совет ҳокимияти органлари фаолияти расм бўлиб қолди. Ижроия комитети аппарати томонидан тайёрланган қарорлар учун сессияларда депутатлар, одатда, "якдиллик билан" овоз берар эдилар. Депутатларнинг амалий фаолияти доимо ижроия комитети ходимларининг назорати остида турар эди.

Бундан ташқари ижтимоий эҳтиёжларга маблағлар ажратиш хусусида ўша йилларда амал қилиб турган қолдиқ принципи маҳаллий Советларни иттифоқ ва республика бюджетидан бериладиган дотацияларга доимо қарам қилиб қўяр эди.

Партиянинг жамият тараққиётидаги раҳбар роли

Конституцияда қонун йўли билан мустақкамлаб қўйилган, шу сабабдан партия Советларнинг вазифаларини амалда ўзи бажарар эди. Советлар иккинчи даражали масалаларни ҳам партия комитетларидан розилик олмасдан туриб мустақил ҳолда ҳал қила олмас эдилар. Хўжалик раҳбарлари Советни эътиборга олмай, ўз муаммолари билан тўғридан-тўғри партия органларига мурожаат қилар эдилар. Фуқароларнинг табиатан ижтимоий-маиший масалаларга доир шикоят ва таклифлари ҳам партия комитетлари томонидан кўриб чиқиларди. Мана шу нарса давлат, яъни Советлар аппарати ходимларида суствлик, ташаббуссизлик ва масъулиятсизлик туздиради, уларнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги обрў-эътибори ва ролини пасайтириб юборар эди.

Ўзбекистон Компартияси ишидаги айнашлар. Ўзбекистон партия органларининг фаолиятида, уларнинг меҳнаткашлар билан алоқаларида жиддий айнишлар бўлиб ўтди, булар Компартиянинг дастурлари ва низомларида битиб қўйилган демократик принципларни бузиш билан намоён бўлди.

Ўзбекистон Компартияси ва унинг қўйи тузилмалари жамиятдаги тўрачилик кўринишларига қаршилик кўрсатмай, маъмурий-буйруқбозлик тизимига пайваста бўлиб қўшилиб кетди. Партия раҳбарлик қилишнинг маъмурий, буйруқ бериб, ҳукм ўтказувчи зўравонлик усул-амалларини ўзига қурол қилиб олиб, сиёсий ташкилотга хос хусусиятларни тобора кўпроқ йўқотиб борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий аппаратидаги соҳа бўлимларининг кўплари давлат бошқарувининг соҳа тузилмаларини такрорлар эди. Масалан, Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлими республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ишини, сув хўжалиги бўлими Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ишини такрорлар эди ва ҳоказо. Мавжуд маълумотларга қараганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1961 – 1965 йиллардаги пленумларида кўриб чиқилган масалаларнинг 80 фоизга яқини хўжалик соҳасига тегишли бўлди. Пахтачилик, чорвачилик, умуман қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларнинг вазифалари ҳамда ривожланиш истиқболларини пленумларнинг қарорлари белгилаб беради. Шунинг билан бирга қабул қилинган

қарорлар хўжалик органларининг шу масалалар юзасидан берадиган буйруқлари ва фармойишларидан кам фарқ қилар эди. Масалан, 1962 йил март ойида бўлиб ўтган пленумларнинг бири қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларидан "ғўза экишни қисқа муддатларда ўтказишни таъминлаш, ғўзани барвақт ва қийғос ундириб олишга эришиш, экинларга ишлов бериш, суғориш, ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ва бошқа агротехника тадбирларини ҳар бир район ва хўжаликдаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш" ни талаб қилди.

Кўпгина партия органлари хўжалик муаммоларига шўнғиб кетиб ва бир қанча ҳолларда ўзига хос бўлмаган вазифаларни зиммасига олиб, одамлар билан ишлашга, сиёсий масалаларга, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий ҳаёт соҳаларида катта аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларга эътиборни сусайтириб қўйдилар.

50 – 80- йилларда бўлиб ўтган партия съездлари, пленумлари табиатан тантанали қиёфада, дабдабали эди. Уларнинг қатнашчилари тўпланиб қолган муаммоларни очиб ташлашга, уларни ҳал қилиш йўлларини таклиф этишга уринмас эдилар. Партия анжуманлари ва йиғилишларида баҳслар ҳам, мунозаралар ҳам бўлмас эди. Шу сабабдан улар турғунлик ҳодисаларини очиб ташлаш ва Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини янгилаш йўлини ишлаб чиқишга қодир бўлмади.

Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари. Энг оммавий меҳнаткашлар ташкилоти бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари сиёсий тизимда каттагина ўринни эгаллаб келди. Касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифалари меҳнат шароитларини, меҳнаткашларнинг турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Бироқ 1946 – 1985 йилларда улар ҳам бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсиридан четда қолмади ва шу сабабдан тобора кўпроқ жамоат-давлат ташкилотига айланиб борди. Касаба уюшмалари соҳалар, корхоналар хўжалик ходимларининг аҳволини "тушуниш", маъмурият олдидаги қийинчиликларни ҳал қилишда ўз ҳиссаларини

20- Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

қўшишга тайёригини намоён этар эдилар. Уларнинг хўжаликдаги шериклар билан муросасозлик қилишга, ҳамжиҳат бўлишга, улар манфаатлари билан мақсадларини бирга қўшишга уриниши одат тусига кириб қолди. Корхона раҳбари аксари касаба комитетига буйруқ берар, касаба комитети эса маъмурият хоҳиш-истагини итоаткорона бажарар эди. Тоталитар тузум касаба уюшмаларини меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасидан, аслида, маҳрум этди. Маъмурий-буйруқбозлик шароитларида касаба уюшмаларининг мустақиллиги сусайиб қолди, чунки партия органлари уларнинг фаолиятига мудом аралашар эди. Касаба уюшмаларини мустаҳкамлаш баҳонаси билан партия комитетлари касаба уюшмасидаги раҳбарлик ишига кўпинча партия кадрларини, тамомила иш билмайдиган одамларни тавсия этарди.

Партия органлари бошқа жамоат ташкилотларига ҳам, жумладан ёшлар ташкилотларига ҳам қонунга ҳилоф равишда тазйиқ кўрсатар эди. Чунончи, партия органлари ўзларининг қарори билан ёшлар ташкилотига ёш хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишни тубдан ўзгартиришни ёки Ўзбекистон ёзувчилари, композиторлари, рассомларига республика аёллари тўғрисида янги асарлар яратишни ва бошқа вазифаларни юклашлари мумкин эди.

Партия номенклатураси тўғридан-тўғри зўравонлик қилиш устига давлат аппарати, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан қўшилиб, бир бўлиб кетди. Бу нарса маъсул лавозимларни партия аъзолари эгаллашида, жамоат ташкилотлари раҳбарларини партия Марказий Комитети, вилоят, шаҳар ва район комитетлари ҳайъатига киритишда ўз ифодасини топди.

Жамоат ташкилотларининг партия-давлат бошқарув аппарати билан бир бўлиб кетиши қоғозбозликка, ижодий кучлар ва мустақиллик пасайиб кетишига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, партия органларининг буйруқ бериб раҳбарлик қилиш услубининг кучайиши ва майда васийлиги амалда жамоат ташкилотларининг ўрнини босиб, уларнинг вазифаларини чеклаб қўйишга, бу ташкилотларнинг оммадан ажралиб қолиб, меҳнаткашлар назар эътиборида обрў-эътибори пасайишига олиб борди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ҳокимият вакиллари бўлмиш Советларнинг ишидаги имкониятлар чекланиб қолганишига нима сабаб бўлди? 2. Компартия раҳбарлик родини мустақкамлаш нимага олиб келди? 3. Ўзбекистон раҳбар тузилмаларининг маъмурий-буйруқбозлик тизимига тортilib кетишининг салбий оқибатлари нималардан иборат бўлди? 4. Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг.

7-§. Қонунларнинг бузилиши ва қатағонлар

Қатағонлар. Оммавий қатағонлар ва бедодликнинг дастлабки кучли тўлқини Ўзбекистон бўйлаб 30- йилларда юз берганди. Бунинг натижасида бир неча ўн минглаб виждонли бегуноҳ одамлар зулм кўрди.

Уруш тамом бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай Ўзбекистон бўйлаб яна бир ялпи террор тўлқини бўлиб ўтди. 30- йиллардаги қатағонлар асосан партия, совет, хўжалик ва ҳарбий кадрлар хусусида бўлган бўлса, 40- йиллардаги қатағонлар эса асосан маданият ва илмий фан арбобларига тааллуқли бўлди. Бу қатағонлар учун ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил февралда қабул қилган "Звезда" ва "Ленинград" журналлари тўғрисида" ва 1948 йилда қабул қилган "Драма театрлари репертуари тўғрисида", "Катта ҳаёт" фильми тўғрисида, "В. Мураделининг "Буюк дўстлик" операси ҳақида" қарорлари мафкуравий асос бўлиб хизмат қилди. Шу вақтдан бошлаб адабиёт ва санъатнинг ижодий, демократик тараққиёти узоқ йилларгача сусайиб қолди, жойларда ўзгача фикр қилишга барҳам берила бошладди.

Республиканинг партия органлари марказнинг йўл-йўриқларига таяниб, дунёқараши ва ижод партия мафкурасига тўғри келмайдиган ижодий зиёлилар вакилларига ҳужум қила бошладилар. Уларнинг асарларига гўё миллатчилик ғоялари "олиб кирилганлиги" айблаш учун баҳона бўлди. Ўз ижодида ўрта асрлар давридаги халқ тарихини ва инқилобдан олдинги тарихни ёритиб берган ёзувчи ва шоирлар ўтмишни идеаллаштиришда айбланиб, уларга "миллатчилар" деган ёрликлар ёпиштирилди.

Партия органлари баъзи ёзувчилар, шоирларнинг ижодий ишида жиддий ғоявий хатоларни топадиган, уларни миллий

жиҳатдан чекланганликда, феодал ўтмишни зарарли тарзда идеаллаштиришда ва эски феодал маданияти олдида қулларча тиз чўкишда айблайдиган бўлиб қолдилар. Масалан, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, М. Бобоев, У. Рашидов, Миртемир, Шайхзода ва бошқалар сингари ўзбек ёзувчилари бадном қилинди. Миллий чекланганлик учун "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока" журналларининг таҳририятларига ҳам жиддий айблар қўйилди.

Шу билан бирга "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра", "Алпомиш", "Гуланлом" ва бошқа афсонавий-фольклор сюжетларига асосланган опера, балет ва мусиқали драма спектакллари яратиш ҳамда ташвиқ қилишдек "зарарли" иш кескин қораланди, шунингдек кўпгина концерт ташкилотлари ва мусиқали театрларнинг "эски архаик мусиқани ва жуда ғамгин ва муғли мақом намуналарини" тарқатгани ҳам қаттиқ қораланди. Партия "Ўзбекистоннинг мусиқали санъати ҳаётдан орқада қолмоқда, ўзбек ҳалқини коммунистик руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифаларига тўла-тўқис хизмат қилмаётир" деб ўзил-кесил таъкидлади.

1951 йил августда республика матбуотида "Баъзи шоирларнинг ижодидаги мафкуравий бузғунликлар тўғрисида" деган мақола эълон қилиниб, унда Туроб Тўла, Камтар Отабоев, Миртемир, А. Бобожонов, Собир Абдулла, Ҳабибийлар миллатчилар деб ноҳақ танқид қилинди. Шундан кейин "Ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда" деган мақола пайдо бўлди, унда ўзбек адабиётининг Ойбек, Ҳ. Зарипов, Ҳ. Ёқубов, И. Султонов ва бошқа арбоблар "жиддий мафкуравий хатолар ва бузғунлик" да айбланди.

Ёзувчилардан Мақсуд Шайхзода, Шўкрулло Юсупов, Гулом Алимов ва баъзи бошқа адиблар 1951 йили "советларга қарши миллатчилик фаолияти да айбланиб, қамоққа олиндилар, кейин эса 25 йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиндилар.

Ижодий ва илмий муассасалардаги миллатчилар, пантуркчилар, космополитларни "фош қилишга" алоқадор кампаниянинг олий нуқтаси фольклор асарлари, айниқса "Алпомиш" достони "табиатан зарарли, халққа қарши", чунки ўтмишни "идеаллаштиради" деб кўрсатган партия пленуми бўлди. Пленумда "фош қилиш" жамиятшунос олимларга ҳам анчагина ёйилди. Файласуф В. Зоҳидовнинг

илмий ишларига буржуа-миллатчилик хатолари тақалди, тарихчи А. Бобоҳўжаев, иқтисодчи А. Аминова пан-туркизмни ташвиқ қилишда айбланди. Улар том маънода "сиёсий ва ишчанлик сифатлари жиҳатидан ўз вазифаларига тўғри келмайдиган шахслардир" деган сўзлар билан айбланди. Туроб Тўла, Шайхзоданинг шеър ва қўшиқлари "ғоясиз ва ахлоқсиз" асарлар тоифасига киритилди.

Мана шу партия анжумани илмий ва ижодий зиёлилар вакиллари ни таъқиб қилишни кучайтиришга яна бир туртки берди. Бу – ўзбек халқининг маданияти худди аввалгидек бемаъни ва ахлоқсизларча яқсон қилинади деган гап эди. Қатағонлар туфайли етган вайронагарчилик ва маънавий зиённинг нечоғлик катталигини тасаввур қилиш қийин. "Навоий" романининг муаллифи Ойбекнинг боши устида ҳам булутлар қуюқлашди, чунки қайсидир бир кишига ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг атоқли те-мурий, муҳрдор, кейин эса султон Хусайн Бойқаро Ҳиротда ҳукмронлик қилган даврда вазир бўлгани, унинг асарлари суфизм¹ философияси билан суғорилганлиги ёқмаган эди.

"Алпомиш" халқ достони миллатчилик асари деб эълон қилинди. Тарихий ўтмишга ана шундай муносабатда бўлиш, узоқ ўтмишдаги атоқли олим ва шоирларнинг ижодий фаолиятига улар яшаб, ижод этган давр ша-роитларини ҳисобга олмасдан туриб, замонавий қўпол нуқтаи назардан туриб баҳо бериш, ижод эркинлигининг йўқлиги адабиёт, санъатга, ижтимоий фикрга, Ўзбекистон халқларининг бутун маданиятига мисли кўрилмаган дара-жада зарар етказди.

Қатағон қилинган санъат, маданият арбоблари тоталитар тартибот даврида авжига чиққан ўзбошимчалик ва бедодлик дастидан бегуноҳ қурбон бўлдилар. Лекин адолат, гарчи тезда бўлмаса-да, ҳар қалай тикланган эди. Ўзбекистон ма-даниятининг асоссиз қатағон қилинган кўпгина арбоблари 1956 йилда батамом оқландилар.

80 - йилларнинг қатағонлари. "Пахта иши". 80-йилларнинг ўрталарида республикада ўзбошимчалик ва

¹ Суфизм – мусулмончиликда VIII асрда вужудга келган диний- мистик йўналиш.

қатағонларнинг янги даври аниқ-равшан белги бериб қолди. Энди ижодий зиёлиларгина эмас, балки асосан илмий-ишлаб чиқариш ва сиёсат билан банд бўлган кадрлар, республиканинг миллий манфаатларини бўғиб келаётган, мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ярамас ва умидсизлигини тобора кўпроқ тушуниб борган миллий зиёлилар ҳам таъқиб остига олинди. Ўзбек халқининг истиқлоли ва мустақиллиги тўғрисидаги фикр ҳеч қачон, ҳаттоки тоталитар тизим "гуллаб-яшнаган" даврда ҳам Ўзбекистон миллий зиёлиларининг миёсидан нари кетмаган, ўзбек халқи истиқлол ва мустақилликка эришиш учун, гарчи ошкора равишда бўлмаса ҳам, доимо кураш олиб борган.

Жони ва қони зўравонликдан иборат бўлган тизим янги нарсаларнинг ҳаммасига, халқ орзу қилиб, дилида сақлаб келган нарсаларнинг барчасига жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатар эди. Бу тизимнинг мафкурачилари ўзларининг тамомила ночорлиги ва маҳкумлигини сезиб, "гайкаларни қаттиқроқ бураш"дек неча қайта-қайта синаб кўрилган йўлга кирдилар ва Ўзбекистонни янги қатағонлар майдонига айлантирдилар.

Марказий партия-совет аппарати чекланмаган олий ҳокимиятни сақлаб қолишга уриниб, халқнинг тақдирини бундан кейин ҳам ҳал қилиб бориш учун Ўзбекистон раҳбариятининг мавжуд ижтимоий-сиёсий тартиботни ўзгартириш ва республиканинг миллий мустақиллигини қарор топтириш зарурлигини тушунган муҳолиф кайфиятдаги қисмини шу республика олий партия органларининг қўли билан бадном қилишга, уларга туҳмат тошларини ёғдиришга уринди. Республикага ҳар хил югурдаклар юборилди, улар партия, совет ва суд органларида муҳим ўринларни эгаллаб, чинакам террорни авж олдирдилар. "Пахта иши" деган иш тўқилиб, майдонга олиб чиқилди. Бу иш вақтли, айниқса марказий матбуотда кишининг иззатнафсига тегувчи "ўзбек иши" деган ном билан аталди. Юқоридан маҳфий топшириқ билан юборилган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги гуруҳ бир неча юз минглаб ҳалол кишиларни ва умуман республикани бадном қила билди. Чунончи, ўзбек халқининг бахти-саодати йўлида самарали фаолият кўрсатган, ўша йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлган Ш. Р.

Рашидовнинг номи ҳам бадном қилинди, у билан биргаликда эса бутун республиканинг шаъни-шавкати ва қадр-қиммати қораланди. КПСС Марказий Комитети бағридаги Ғайри-расмий вазиятда туғилган фикр республикада унинг иттифоқкор ижрочилари бўлган, Ш. Р. Рашидовдан "ранжиган" кишилар томонидан қўллаб-қувватланди. Улар марказдан келган жазо командаси билан маҳкам алоқада бўлиб, кўпгина ҳалол ва виждонли кишиларни "фош қилиш" билан шуғулландилар ва уларнинг қамоққа олинишига эришдилар. Бунинг натижасида талайгина инсонлар тақдирининг қадди букилди.

"Пахта иши"нинг чиндан ҳам мавжуд бўлган камчиликлар ва ҳатто жиноятларни очиб ташлашга ёрдам берганлигини айтиб ўтмаслик адолатдан бўлмайди, лекин бу нарсанинг бадном қилишга олдиндан мўлжалланган ўзбек халқига ҳеч бир алоқаси йўқ эди.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришиши билан "пахта иши"нинг тамомила шармандаси чиқди, гуноҳсиз озор чеккан неча минглаб кишилар оқланди ва ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Ўзбекистоннинг атоқли давлат ва жамоат арбоби Ш. Р. Рашидовнинг покиза номи тикланди, унинг 75 йиллик юбилейи ватанида муносиб равишда нишонланди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ўзбекистон ижодий зиёлиларига "янги қатағонлар тўлқини" ҳужумининг оқибатлари тўғрисида сўзлаб беринг. Шу масала юзасидан қариндошларингиз, танишларингиз, қўшниларингиз, дўстларингиздан эшитганларингизни эслаб кўринг. Шу гапларга ўзингиз баҳо беринг. 2. 80- йиллардаги қатағонлар моҳиятини очиб кўрсатинг. Тикиб қўйилган эски газеталардан "Пахта иши"ни топинг. Бунга ўз муносабатингизни билдириг. 3. Республика мустақиллиги шароитларида қатағонлар бўлиши мумкинми? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

8-§. Меҳнаткашлар турмуш даражасининг ўзгариши

Бюджет маблағларини тақсимлашда қолдиқ принципи. Ижтимоий соҳа. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг салбий оқибатлари ижтимоий соҳада айниқса кучли намоён бўлди. 1960 – 1985 йилларда Ўзбекистон жамиятининг

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишида суғлашиш жараёни
бураиб борди: миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри
келадиган ҳақиқий даромадлар, давлат ва кооператив сав-
досида чакана мол алмашинуви, маиший хизматлар кўр-
сатиш ҳажмининг ўсиш суръатлари пасайиб борди.

Уруш йилларида, ундан кейинги халқ хўжалигини
тиклаш ва янада ривожлантириш йилларида ижтимоий
соҳанинг ривожланишига қилинадиган сарф-харажатлар
сезиларли даражада чекланган эди. Чунки республиканинг
иқтисодий ва муҳофазат имкониятларини мустаҳкамлаш за-
рур эди. Раҳбар органлар ва хўжалик ходимларининг асосан
ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган
позицияси ижтимоий муаммоларни орқа ўринга суриб
қўйган эди. Ижтимоий дастурларга ишлаб чиқариш учун
қилинган сарф-харажатлардан қолган маблағлар ажратилар
эди. Канигал маблағларнинг асосий қисми оғир саноатни
ривожлантиришга ва жуда арзимас қисми енгил
индустрияни тараққий эттиришга бериларди.

70- йилларнинг бошларида ўша вақтдаги иттифоқ ҳуку-
мати меҳнаткашлар турмуш шароитини кўтариш йўлини
эълон қилди. Халқ учун моллар етказиб бериш ва хизмат
кўрсатишда ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ижобий ўз-
гаришларни таъминлаб беришга қарор қилинди. Халқ истеъ-
моли моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш кўзда
тутилди. Бу бир оз туртки берди: халқ истеъмоли молларини
ишлаб чиқариш 1,5 барабар, маиший хизматлар кўрсатиш
ҳажми икки барабар ошди. Бироқ 70- йилларнинг иккинчи
ярмида саноат тараққиётида оғир машинасозлик яна
биринчи ўричга чиқиб олди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб
чиқаришнинг яна камайиб кетгани маълум бўлиб қолди. Бу
молларнинг сифати истеъмолчиларнинг талабларига жавоб
бермас эди.

Ижтимоий соҳага бюджетдан қилинадиган сарф-хара-
жатлар салмоғи камайишда давом этиб бордики, бу нарса
республика аҳолисининг қашшоқланишига олиб келди. Чу-
нончи, ижтимоий-маданий эҳтиёжларга қилинган сарф-
харажатларнинг салмоғи Ўзбекистон бюджетиди 1940 йили
67,9 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йили 46,9 фоизгача
камайди.

Жон бошига ҳисоблаганда ўртача даромади ойига 75
сўмдан камроқ бўлган аҳоли сони деярли 45 фоизни ташкил

этди. Республиканинг қишлоқ жойларида гушт истеъмол қилиш бошқа республикалардагига қаралганда 5 – 6 барабар, сут маҳсулотлари истеъмол қилиш 3 барабар, тухум истеъмол қилиш 3,5 барабар, картошка истеъмол қилиш 4,7 барабар, балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш 21,6 барабар кам бўлди.

Ижтимоий-маиший инфраструктура соҳалари: турар жой-коммунал хўжаликлари, маиший хизмат кўрсатиши, соғлиқни сақлаш соҳалари мушкул аҳволга тушиб қолди.

Турар жой муаммолари. Ўзбекистон аҳолиси жуда зич жойлашган, аҳолининг йиллик ўсиши юқори (ўртача ярим миллион киши) бўлган давлатларнинг биридир. Табиийки, турар жой муаммолари бу ерда ҳамма анча долзарб масала бўлиб келди. Бу масалага эътибор берилмади деб айтиш мумкин эмас. 1946 йилдан то 1985 йилгача республикада турар жой фонди 4 барабардан зиёдроқ кўпайди, шу билан бирга унинг деярли ярми (130 млн. м² га яқини) шахсий мулк ҳисобида бўлди.

Янги турар жойлар қурилиши натижасида вилоятлардаги шаҳарларда кўп қаватли турар жой уйлари бунёд этилган бутун-бутун микрорайонлар юзага келди. Турар жой қурилиши 1966 йилдаги ер қимирлашдан кейин турар жой фонди кўп зарарланган Тошкентда айниқса туркираб ривожланди. Бироқ турар жой қурилишининг кўлемлари анча кенг бўлишига қарамай, турар жой билан ўртача таъминланганлик ҳатто шаҳарларда ҳам жуда секинлик билан кўпайиб борди. Қишлоқда турар жой қурилиши янада мушкулроқ аҳволда бўлиб келди, бу ерда хусусий иморатларнинг асосий қисми хом ғишт ва пахса девордан бунёд қилинар, уларда ҳеч қандай қулайликлар бўлмас эди. Турар жой қурилишида фуқароларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига қурилган уйлар кўпчиликини ташкил қиларди.

Коммунал хўжалик. Турар жой биноларини кўпгина чала ишлари бўлгани ҳолда вақтидан ўтказиб фойдаланишга топшириш оммавий ҳодиса бўлиб қолди. Бу нарса биноларнинг тез эскириши ва таъмир ишларини бажариш учун қўшимча сарф-харажатларга олиб келди.

Аҳоли турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичи сув билан таъминланишдир. 50 - йилларнинг бошларида Ўзбекистоннинг фақат 15 та шаҳарида водопровод бор эди.

Аҳолининг водопровод сувига бўлган эҳтиёжи атиги 25 – 30 фоиз атрофида таъминланар эди. Районга бўйсунадиган 11 та шаҳар ва 140 та район марказида водопровод умуман йўқ эди.

1955 – 1960 йилларда республиканинг турли шаҳарларида 7 та ва район марказларида 24 та янги водопроводлар қурилди. Бироқ бу Ўзбекистон аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қилмади. Янги ерларнинг юксак суръатлар билан ўзлаштирилиши, янги хўжаликлар барпо этилиши, аҳолининг тез ўсиб бориши муносабати билан аҳвол кескинлашди. Водопроводи бўлган шаҳарлар ва район марказлари аҳолисининг талайгина қисми сув берувчи водопровод тармоқлари суғ ривожланганлиги туфайли сув таъминотидан четда қолди. Қишлоқ аҳолисининг ярмиси хўжалик эҳтиёжлари ва ичиш учун ариқлар, каналлар, ҳовузлар, қудуқлар ва бошқа манбалардан сув олар эди.

Маиший хизмат. Аҳоли турмуш эҳтиёжларини қондириш соҳасида маиший хизмат кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. Республикада маиший хизмат кўрсатиш корхоналари 60 – 70- йилларда бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ривожланди. 1963 йили Тошкентда маданий-маиший буюмлар ва рўзғор буюмларини ижарага бериш, уй-хонадонларни тозалаб йиғиштириш, болаларга қараш ва бошқа кўпгина ишларни уюштириш билан шуғулланадиган "Шарқ" комбинати ташкил этилди. Ўша йилнинг ўзида совутгичларни таъмир қиладиган, таъмирлашга зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус "Север" фабрикаси ва телевизорлар ҳамда радиоаппаратларни таъмирлайдиган, 20 та қабул пункти бўлган "Зангори экран" фабрикаси ишга туширилди. Андижон, Самарқанд, Урганч, Нукус, Наманган шаҳарларида ҳам телевизорлар ва радиоаппаратларни таъмирлаш ательелари қурилди.

1979–1975 йилларда республикада кийим-кечакларни кимёвий йўл билан тозалайдиган ва бўяйдиган 9 та фабрика, 162 та уч қаватли маиший комбинат ва уйлари ишга туширилди, 1980 – 1985 йилларда 150 та йирик объектлар: маиший уйлар, гўзаллик салонлари, радио-телеаппаратларни, мураккаб маиший техникани таъмирлаш

корхоналари, кимёвий йўл билан тозалаш корхоналари ва бошқалар фойдаланишга топширилди. Республика хўжалигида 600 та маиший уйлар, 1303 та комплекс қабул пунктлари фаолият кўрсатди.

Бироқ маиший хизмат кўрсатишда эришилган даража аҳоли талабларига жавоб бера олмас эди. Айниқса қишлоқ маиший хизмат соҳаси қолоқ бўлиб қолди. Ҳатто 1985 йилда республикадаги қишлоқ ва посёлкаларнинг атиги чоракка яқин қисми маиший хизматдан баҳраманд бўлар, шунда ҳам уларда кўпи билан 1 – 2 турда хизмат кўрсатилар эди. Бу асосан хизмат кўрсатишнинг кўчма, сайёр хили эди. Вилоят маиший хизмат бошқармаларида фан, техника ва илғор тажриба ютуқлари амалда қўлланилмас эди.

Соғлиқни сақлаш. Урушдан кейинги 40 йил мобайнида Ўзбекистонда моддий ва кадрлар жиҳатидан каттагина имкониятга эга бўлган халқ соғлиғини муҳофаза этиш хизмати шаклланди. Бироқ 80- йилларнинг ўрталарига келиб республикада соғлиқни сақлаш ишларининг даражаси – унинг техник жиҳатдан таъминланганлиги, даво-диагностика ишларини ташкил этиш ва бошқалар – аҳоли эҳтиёжларига, замон ва фан-техника тараққиёти талабларига мос келмас эди.

Соғлиқни сақлашнинг тараққиётини белгиловчи асосий кўрсаткич деб Ўзбекистондаги тўрачилик тузилмалари касалхоналардаги ўринлар ва даволанишга ётқизилган беморлар сонини ("даволаниш ўринлари"ни) ҳисоблар эдилар. Шунга қараб давлат бюджетидан маблағлар ажратилар, тиббий муассасаларни меҳнат, молия, моддий ва бошқа турдаги ресурслар билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилар эди.

Шунинг учун ҳам, республикада Республика клиник касалхонаси, Тошкент Давлат Табобат институтининг бош ўқув корпуси ва болалар касалхонаси, врачлик-физкультура диспансери, Семашко номидаги клиника, Бутуниттифоқ клиник ва эксперименталь жарроҳлик институтининг филиали, кўп соҳали бирлашган типовой болалар касалхонаси, микрохирургия, буйрак, юрак, ўпка хирургияси мар-

казлари қурилгани ва ишга туширилганига қарамай, соғлиқни сақлаш савияси аҳоли талабларини ҳамон қондиrolмай келди. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар ўзлаштирилмай қолар, талайгина объектларнинг ишга туширилиш муддатлари йилдан-йилга кечиктирилар эди. 80- йилларнинг ўрталарига келганда Ўзбекистонда гарчи 800 та амбулатория-поликлиника муассасалари, 1800 дан ортиқ фельдшерлик соғлиқни сақлаш пунктлари ва 6000 дан зиёд фельдшерлик-амбулатория пунктлари бўлса ҳам, аҳолининг табобат хизматлари билан таъминланганлик даражаси нормативлардан анча орқада қолиб келди.

Боз устига, касалхоналардаги ўринлар сонини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ошириш шунга олиб келдики, касаллар ётиб даволанадиган ўринлар мослаштирилмаган биноларга жойлаштириладиган бўлди. Бу нарса касалларга хизмат кўрсатишнинг санитар-гигиеник шароитларини кескин пасайтириб юборди. Туғруқхоналарда ташвишли ҳолат вужудга келди, буларда ҳар бир ўринга тўғри келадиган сатҳ майдони нормативдагидан кўра баъзан икки-уч барабар кам бўлар эди. Зўр бериб ўринлар сонини ошириб бориш касалхоналар ва бошқа тиббий муассасаларнинг техник жиҳатдан таъминланиши орқада қолиб кетишига олиб келди.

Шундай бўлса-да, 1946-1985 йилларда республикада аҳолининг турар жой ва маиший шароитларини, соғлиғи муҳофазасини яхшилаш юзасидан каттагина иш қилинди. 80- йилларнинг ўрталарига келиб, турмуш даражаси сезиларли кўтарилди. Бироқ ижтимоий эҳтиёжларга маблағ ажратишнинг қолдиқ принципи Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт учун муҳим муаммоларини ҳал қилишга тўсқинлик қилиб келди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ижтимоий соҳани қолдиқ принципга мувофиқ маблағ билан таъминлашнинг салбий оқибатларини айтиб беринг. 2. Турар жой қурилиши муаммолари нималардан иборат эди? 3. Аҳолининг ижтимоий муаммолари қай тариқа ҳал қилинди? 4. Республикадаги соғлиқни сақлаш ишлари тўғрисида сўзлаб беринг.

9-§. Маънавий маданиятнинг ривожланишидаги зиддиятлар

Умумтаълим мактаби. Республика аҳолиси маданиятининг ўсишида таълим ниҳоятда катта ролни ўйнайди. Таълим, билим олиш зарурлиги жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжларидан биридир. Таълим инсон шахсиятини ҳар томонлама ривожлантиришга, қобилиятларининг очилиб, юзага чиқишига, ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бир-бирига пайваста бўлиб қўшилтиришга ёрдам беради. Илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш аҳолининг билим даражасига боғлиқ.

Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришда катта қадам қўйилди, Ўзбекистон эндиликда ялпи саводхонлар республикасига айланди. Чунончи, 1940/41 ўқув йилидан 1985/86 ўқув йилигача бўлган даврда умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сони тахминан 3,5 барабар ортди, шунга яраша умумтаълим мактаблари тармоғи ҳам кенгайди: 1985 йилга келиб улар 7000 дан сали кўпроқ, 1990 йилда эса 9000 га бўлди.

Бироқ иқтисодийётдаги турғунлик ҳодисалари, маънавий ва маданий соҳа ривожланишидаги нуқсонлар таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, кўпгина мактаблар, айниқса қишлоқ жойларда тилзвой лойиҳаларсиз қурилди, кўпгина чала ишлари билан фойдаланишга топширилди. Ўқувчи ўринлари сонини ўстиришга асосан қўшимча синфхоналари қуриш ҳисобига эришилди. Қишлоқ мактабларининг 75 фоизга яқини водопровод ва канализацияга, ярмидан кўпроғи марказдан туриб иситиш мосламаларига эга эмас эди. Қишлоқдаги бир неча минглаб мактабларнинг биноларида коммуникацияларнинг бирор тури ҳам йўқ эди.

Республиканинг кўпгина мактаблари, айниқса жамоа ва бошқа хўжаликларнинг кучи билан қурилганлари жиҳозлар, мебель, асбоб-ускуналар билан сўст таъминланган эди. Бунга тушунтириш қийин эмас. Халқ таълими қолдиқ принциpga асосан маблағ билан таъминланар эди. Фан, маданият ва халқ таълимига қилинадиган сарф-харажатларни бирга олиб ҳисоблаганда улар бюджет маблағларининг 2,7 фоизидан ортмас эди. Шу билан бир вақтда, масалан, АҚШда 1989 йили таълим учун қилинган умумий

сарф-харажатлар 260 млрд. доллар бўлди, ёки 6,4 фоизни ташкил этдики, бу бир қанча йирик мамлакатларнинг жами миллий даромадига тенг келар эди. Оврўпа мамлакатлари таълим учун 5,5 фоиз, Африка мамлакатлари 5,4 фоиз маб-лар сарфлайди.

Бу даврда республика мактаблари ўқитувчи кадрлар билан етарли даражада таъминланган эди. 80- йилларнинг ўрталарига келганда шаҳарлардаги кундузги умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг 80 фоизга яқини олий маълумотли эди. Қишлоқларда аҳвол бирмунча ёмонроқ эди: улар талаб этиладиган миқдордаги олий маълумотли педагогларга эга бўлмай қолдилар. Бу – қишлоқ мактаби ўқувчилари билимлари сифатига салбий таъсир ўтказди. Физика, математика, чет тиллар ўқитувчилари айниқса кам эди ва ҳоказо. Шундай ҳоллар бўлар эдики, ўқитувчилар ўзлари эгалламаган соҳалардан дарс берар эдилар.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимида тўпланиб борган жуда қўпол хато ва камчиликлар халқ таълимида тўлалигича акс этди. Буларнинг муҳими шундан иборат эдики, Компартия томонидан ишлаб чиқилган ўқитиш моделига амал қилиб борувчи мактаб шу партия режа ва дастурлари доирасига солиб қўйилган эди. Бу режа ва дастурлар эса турли минтақадаги халқларнинг фикрлаши, дунёқараши, анъаналарини ҳисобга олмасдан, балки ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда бир хиллик бўлишни талаб қиларди. Шу тариқа, ўқувчилардан фикр қилмасдан, итоаткор бўлишни талаб этувчи обрўли педагогика илдиз отиб томир ёйиб борди.

50-йилларнинг ўрталарига келганда жиддий ўзгаришлар ясаш кераклиги равшан бўлиб қолди. Умумий ва мажбурий 8 йиллик таълимни жадал жорий этиш йўлига кирди. Бу вазифа ҳал қилинди. Умумтаълим мактаби ҳамма учун мажбурий бўлиб қолди, ўқувчиларга меҳнат таълими беришда ўзгаришлар кўрина бошлади, мактаблар сони кўпайди. Бироқ мактаб ҳақиқий ҳаётдан ажралиб қолган, ўқувчиларнинг билимлари фан-техника тараққийети даражасига тўғри келмас эди.

Умумий таълимни жорий этиш муаммони ҳал қилиб бермади: ёшлар 17 – 18 ёшга тўлгунча мактаб ўқувчилари бўлиб қолавердики, бу нарса ёшларнинг халқ хўжалигига қиришишини сусайтириб қўйди. Мактабни марказлаштирилган тарзда бошқариш уни жонажон маданиятидан

ажратиб, умуминсоний қадриятлардан тобора кўпроқ бегоналаштириб борди.

80- йилларда мактаб ислоҳотини ўтказишга уриниш натижа бермади, чунки бунга тайёргарлик кўрилмаган, халқ таълимини маблағлар билан самарали равишда таъминлаш механизми ҳали яратилмаган, билимларни мустақил ҳолда эгаллаш ва тўлдириб бориш малакаларини ҳосил қилишга асосланган ўқитиш методлари ҳам ишлаб чиқилмаган эди.

Ўқувчиларнинг узоқ вақт пахта теримида бўлиши уларнинг таълим олишига, билимларининг сифатига салбий таъсир ўтказди, чунки бу нарса халқ таълими органларини ўтказиб юборилган соатлар ўрнини қишқи ва баҳорги таътилларни қисқартириш, ўқув йилини узайтириш; бир қанча фанлар бўйича ўтиладиган дарсларни қисқартириш, дастур материални зичлаштириш ҳисобига тўлдиришдан иборат зарарли йўлдан боришга мажбур қилар эди.

Олий ўқув юртлари. Олий мактаб халқ хўжалиги ва маданият талабларига мувофиқ ўқиш билан меҳнатнинг маҳкам ўзаро таъсири асосида мутахассислар тайёрлашни таъминлаб беришга даъват этилган.

Ўзбекистон Олий Совети томонидан 1959 йил мартда "Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида" қабул қилинган қонун ўқитишни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, ёш мутахассислар етиштириб чиқариш сифатини ошириш мақсадларида бутун ўқув-тарбиявий ишни такомиллаштиришни кўзда тутар эди.

Республиканинг олий ўқув юртлари шу Қонунни амалга ошира бориб, муайян натижаларни қўлга киритдилар, жумладан улар фан ва техниканинг замонавий аҳволини янги ўқув режалари ва дастурлари асосида тўлароқ акс эттирадиган бўлдилар, назарий ва амалий таълимни бирмунча мақсадга мувофиқ равишда навбатлаштира бошладилар. Талабаларнинг мустақил ишига, бўлғуси мутахассисларда илм-фан ва меҳнатга ижодий муносабатни шакллантиришга кўпроқ эътибор бериладиган бўлди.

Талабалар доираси анча кенгайди. 1950/51 ўқув йилида Ўзбекистон олий мактабларида 42 минг нафар талаба таълим олган бўлса, 1971 йилдан 1975 йилгача олий мактаб республика халқ хўжалиги учун 182 минг нафар дипломли

мутахассисларни етказиб берди. Олий ўқув юртларининг сони 1966 йилдаги 32 та дан 1985 йилда 42 тага кўпайди.

Олий ўқув юртлари Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари билан ижодий ҳамкорликда фан, иқтисодиёт ва маданиятнинг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган талайгина асарларни яратдилар. Фанлар академиясининг кўпгина олимлари республика олий ўқув юртларида ишлаб, мутахассислар ва илмий кадрлар етиштириб чиқаришга йирик ҳисса қўшдилар. Ўзбек олимлари: геологлар – академиклар Х. М. Абдуллаев, И. Х. Ҳамробоев, биокимёгар – академик Е. Х. Турақулов, кимёгарлар – академиклар О. С. Содиқов, М. Н. Набиев, С. Ю. Юнусов, физик ва математиклар – академиклар Т. Н. Қори Ниёзов, Т. Д. Саримсоқов, У. О. Орифов, техник фанлар соҳасидаги олимлар – академиклар М. Т. Ўрозбоев, М. А. Хожинова, жамиятшунослар – академиклар И. М. Мўминов, Ҳ. Сулаймонова, Я. Ф. Ғуломов ва бошқа кўпгина олимларнинг номлари Ўзбекистондан анча нарида ҳам машҳур бўлди.

Бироқ халқ хўжалигининг бошқа соҳалари сингари, олий мактаб ҳам тоталитаризм таъсиридан четда қолгани йўқ, шу сабабдан бу ўринда ҳам салбий ҳодисалар рўй берди. Соҳани экстенсив ривожлантириш йўлини тутиш, миқдорий, ялпи кўрсаткичлар орқасидан қувиш, халқ хўжалигининг ҳақиқатдаги талаб-эҳтиёжларига мос келмайдиган мутахассисликларни майдалаш мутахассислар сифатини пасайтирар, улардан ишлаб чиқаришда, маданият ва фанда самарали фойдаланиш имкониятларини торайтириб қўяр эди. Моддий-техник база ҳам заиф эди.

Шундай бўлса-да, олий мактаб талабаларни ҳам умумназарий, ҳам махсус касбий билим ва малакалар билан қуроллантириб борди. 80- йилларда айрим камчиликлар ва салбий ҳодисаларни бартараф этишга, маъмурий усуллардан маълум даражада воз кечишга имкон берган бир қанча аниқ чоралар кўрилди ҳам. Жумладан, талабалар муҳитида ўз ўзини бошқариш кенгайтирилди, маъмуриятни сайлашда иштирок этиш ҳуқуқи берилди, ўқитиш усуллари ўзгартирилди, халқ хўжалиги талаблари билан бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ўртасида мувофиқлик пайдо бўлди, малакани ошириш тизими ўзгарди.

Адабиёт ва санъат. 50 – 80- йиллардаги ўзбек

адабиётининг ривожланишида проза стакчи ўринни эгаллайди.

50- йилларда А. Мухтор, Ҳ. Фулом, М. Исмоилий, Н. Сафаров, Мирмуҳсин, С. Аҳмад, Р. Файзий, Ш. Саъдулла, С. Зуннуоваларнинг истеъдоди тўла раванқ топди. Янги романлар – Парда Турсуннинг "Ўқитувчи", А. Қаҳҳорнинг "Қўшчинор чироқлари", Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар" ва "Қуёш қораймас", И. Раҳимнинг "Ҳаёт чашмалари" ва "Чин муҳаббат" романлари ва бошқалар пайдо бўлди.

Ҳ. Фуломнинг "Мангулик", "Машраб", Н. Сафаровнинг "Наврўз", "Момақалдироқ", Мирмуҳсиннинг "Меъмор", М. Исмоилийнинг "Фарғона тонг отгунча", О. Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", П. Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романлари сингари ёрқин асарлар ўзбек адабиётининг тарихий мавзуини бойитди. Буларнинг орасида сўнгги иккита роман энг таъсирчан асарлардандир. Унинг муаллифлари "Навоий" дек ажойиб тарихий асарни яратган Ойбек анъаналарини давом эттириб буюк олим Улуғбек ҳамда истеъдодли шоир ва давлат арбоби Бобур образлари ва даврини гавдалантириб бердилар. Улар узоқ ўтмишдаги ҳодисаларни замонавий нуқтаи назардан туриб бадиий шаклда очиқ ифода қилдилар, ўзбек халқининг тарихий тақдирларида улкан ролни ўйнаган атоқли шахсларни кўрсатиб бердилар.

80- йиллар ўзбек адабиёти ўзининг муваффақиятлари учун Ў. Умарбеков, Х. Тўхтабоев, Б. Бойқобилов, Ў. Ҳошимов, Ў. Усмонов, Д. Усмонов, Г. Нуруллаева ва бошқалар сингари истеъдод эгаларининг ижодидан миннатдордир. Буларнинг ҳар бири ижодиётда ўз мавзуини белгилаб, ўз характерларини яратди, ҳар бирида унинг ўзига хос бўлган, уни бошқалардан ажратиб турадиган услуб пайдо бўлди.

60 – 80- йиллар шеърияти мавзу ва жанрларининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан таърифланади. Ўзбек тупроғида юзага келган шеъриятнинг қудратли кучи, чинакам новаторлиги, жанрлари ва услублари жиҳатдан бойлигидан далолат берувчи ажойиб поэтик асарлар пайдо бўлди. Катта авлод шоирлари – Ғ. Фулом, Ойбек, Шайхзода, Уйғун, Миртемир, С. Абдулла, Ҳабибий, Ғайратий, Зулфия, ўрта авлод шоирлари – М. Бобоев, А. Мухтор, Р. Бобожон, Ҳ. Ғу-

лом, Шукрулло, Мирмуҳсин, Т. Тўла, Шухрат, Ў. Рашид ва бирмунча ёш авлод шоирлари – Э. Воҳидов, А. Орипов, Ҳ. Шарипов, Ж. Жабборов, Ж. Камол, Б. Бойқобилов, Н. Нарзуллаев, Сайёр ва бошқалар зўр илҳом ва истевдод билан шеърый асарлар яратдилар, шеърятни янги даражага кўтардилар.

Бироқ ўша йиллари жамиятда рўй берган салбий жараёнлар Ўзбекистон адабиётини ҳам четлаб ўтмади. Кўпгина адабиётшунослик асарларида, илмий асарларда миллий адабиётнинг ривожланиши "улуғ ғалабаларига" нисбат берилиб, гўё можароларсиз силлиқ ўтгандек қилиб, безаб кўрсатилди. Ҳақиқий ҳаётга ана шундай ёндошиш хомлик ва ярамаслик учун адабиётга йўл очиб берди.

Бадиий адабиётга асосан оммага мафкуравий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси деб қараладиган тоталитар тартибот шароитларида адабиёт арбоблари амалда ҳукмдор доираларнинг ижтимоий буюртмасини бажаришга мажбур бўлди. Бу буюртма эса партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назарларидан туриб, марксча-ленинча назарияга асосланган асарлар яратишни кўзда тутар эди. Ривожланиш учун ниҳоят даражада зарур бўлган ижод эркинлиги табиатан жуда ўлчовли эди. Бу эркинликнинг чегараларини, одатда, партия комитетлари, цензура белгилаб берар ва совет воқелигини танқидий кўз билан англаш, асрлар бўйи давом этиб келган адабий ва миллий анъаналарни холисона баҳолаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга хотима берар эди. Партия зўравонлиги натижасида, масалан, 1982 йили бир гурӯҳ адабиётчи олимлар жалидчилик мафкурасини расм бўлиб қолган қолиплардан ташқарида кўриб чиқишга интилгани учун айбландилар, Фитрат ва Чўлпонни оқлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар қаттиқ танқид остига олинди. Шу муносабат билан ўша йилларда ёзилган кўпгина бадиий асарлар жамиятни тобора кўпроқ тўлқинлантириб келётган ҳақиқий ижтимоий ва маънавий муаммолардан анча орқада қолиб кетди.

Ўзбекистон театр ва мусиқа санъати арбоблари адиблар билан ижодий ҳамкорликда самарали иш олиб бордилар. 1946 – 1985 йилларда ўзбек саҳнасининг А. Ҳидоятлов, С. Эшонтўраева, Ҳ. Носирова, Л. Саримсоқова, Ш. Бурхонов, М. Турғунбоева, Тамарахоним, Г. Измаилова, О. Хўжаев, С. Қобулова, Н. Раҳимов ва бошқалар сингари кўпгина

истеъдодли усталарининг номлари жуда машҳур бўлди. Миллий опера ва балет санъати анчагина ривожланди.

Ҳамза номидаги ўзбек драма театрининг жамоаси ўзбек театри ва драматургиясининг ўзбек томошабинига жаҳон андозаларини очиб берган чинакам лабораторияси бўлиб қолди. Бу театр Шекспирнинг "Отелло", Коҳизоданинг "Жалолиддин", Ҳ. Олимжоннинг "Муқанна", Уйғун ва И. Султонларнинг "Алишер Навоий", Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" сингари ёрқин спектакллари яратди ва ҳоказо.

Театр фаолияти санъатни такомиллаштиришга қаратилган эди. Театр ўз саҳнасини миллий драматурглар ихтиёрига бериб, ўзбек драматургияси ва театр санъатининг шаклланиши ва ривожланишида катта ролни ўйнади.

Ашрафий номидаги Ўзбек давлат филармониясининг мусиқий жамоалари ўзининг ижодий қиёфасига эга бўлди. Бу жамоалар Ўзбекистон, бошқа республикалар композиторларининг асарлари ҳамда ажнабий классик асарларни муваффақият билан тарғиб қилиб борди. Фақат Т. Жалилов номидаги Ўзбек давлат оркестри репертуаридагина 1300 га яқин асар бор эди. "Лазги", "Шодлик", "Гўзал" вокал-хориографик ансамбллари ҳам ўз репертуарига ўзбек композиторларининг қўшиқларини, қардош республикалар, хорижий Шарқ халқларининг ашула ва рақсларини, театрлаштирилган томошаларни киритдилар. "Баҳор" халқ рақси ансамбли, "Ялла" вокал-чолғу ансамбллари жамоаларининг концертлари жуда кўпларга манзур бўлди.

Ўзбекистон маданий қурилишининг муҳим қисми кино бўлиб қолди. Республикада истеъдодли кинематограф кадрлар: режиссёрлар, операторлар, сценариячилар етишиб чиқди. К. Ёрматов, М. Қаюмов, Й. Аъзамов, Ш. Аббосов, Л. Файзиев, З. Собитова, Р. Ботиров, А. Хачатуров, А. Ҳамроев, Э. Эшмухамедовларнинг номлари республика ташқарисида ҳам машҳур бўлди.

Шундай қилиб Ўзбекистон санъати умуман ривожланиб борди ва тараққийпарвар бўлди. Бироқ адабиёт ҳам, санъат ҳам ҳукмронлик қилиб турган мафкура тазйиқига учради. Воқеликни ҳаққоний равишда акс эттирадиган, ғоявий-бадий жиҳатдан етук асарлар бўлмаса, адабиёт ҳам, санъат ҳам муваффақият билан ривожлана олмас эди. 1946—1985 йилларда республикада ҳаётдан ажралиб

қолганликка хос аломатлар пайдо бўла бошлади, миллий колоритга эга бўлган пьесалар сони камайди, замонавий мавзуларда ўзбек операси яратилмай қолди, халқ мусиқа ижодиёти, ҳужжатли ва телевизион кинонинг ривожланиши сусайиб борди.

Маънавий соҳадаги танглик. Республика маданий ҳаётида прогрессив ва регрессив тараққиётнинг бир-бирига қарама-қарши тенденциялари тобора кучайиб борди.

Маълумки, 70- йиллар ва 80- йилларнинг биринчи ярмида, худди бошқа соҳаларда бўлганидек, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида ҳам инқирозга хос вазият вужудга келди. Шу билан бирга ушбу йиллар давомида республика маданияти умуман муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Маданият, маориф муассасаларининг тармоғи сезиларли даражада кенгайди, буларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, аҳолининг умумий билим даражаси ўсиб, ижодий зиёлилар сафлари кенгайиб борди. Талайгина ажойиб бадий асарлар, театр, мусиқа асарлари яратилди. Маданият ва санъатнинг ривожига истеъдодли ёшларнинг бутун бир катта гуруҳи қўшилди, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёнлари белги бериб қолди.

Анча юксак маданий салоҳият билан бир қаторда халқни миллий анъаналар ва маданиятнинг қудратли манбаларидан бегоналаштириш тенденциялари маълум бўла бошлади. Маданий инқилобнинг инсонпарварликка доир ва умуминсоний қадриятларни баҳолашга кескин партиявий ва синфий нуқтаи назардан туриб ёндошадиган марксча-ленинча ғояси маданий ривожланишга катта зиён етказди. Маънавий таназзулнинг илдиэлари компартиянинг аслида нуқсонли бўлган маданий сиёсатига бориб тақалар, марксча-ленинча йўл-йўриқларга ва маданиятни мафкуралаштириш, маънавий ҳаётни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бошқаришга асосланар эди.

Маънавий, бадий ҳодисаларни баҳолашда синфийлик, партиявийлик сингари, мафкуранинг бадийят устидан ҳукмронлиги сингари принципларидан фойдаланиш, адабиётда социалистик реализм усулининг устиворлиги маданият ва санъатнинг ривожланишига тўғаноқ бўладиган механизмни вужудга келтирди. Бу принциплар партиянинг чекланмаган тоталитар ҳукмронлиги тазйқи остида зўрлик билан амал-

га ошириб борилди. Зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг сабаби ҳам худди ана шунда. Маънавий соҳада, бир томондан, чиндан ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бериб борган бўлса, иккинчи томондан, инқирозга хос вазият юзага келиб борди.

Туб миллий манфаатларни унутиб қўйиш, зўр бериб байналмилаллаштириш маданий қурилишда салбий ролни ўйнади. Партиянинг маданият соҳасида байналмилал маданиятни биринчи ўринга қўядиган сиёсати миллий маданиятни ривожлантириш режасини, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланишни орқа ўринга суриб қўйди. Маданиятни мафкура-лаштириш ахлоқ-одоб, адабиёт, санъатнинг самарали миллий заминдан ажралиб қолишига олиб келди, тарихий хотира, миллий анъаналар ва одатларни унутиб юборишга олиб борди. Байналмилал маданиятнинг устивор тарзда ривожланиши Ўзбекистон туб халқлари тилларининг қўлланиш соҳасини торайтириб қўйди.

Маънавий соҳани бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими мустаҳкамланиб бориши билан биргаликда фикр-мулоҳазалар ва баҳоларнинг обрўига кўркўрона итоат қилиш, ижодий фаолиятга қўпол равишда аралаштириш, ижодиётни энг оддий эркинликлардан ҳам маҳрум қилиш расм бўлиб борди. Маънавий ҳаётга буйруқбозлик йўли билан раҳбарлик қилиш, мафкуравий чеклашлар, туғаноқ механизми, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш Ўзбекистон жамиятининг маънавий ҳаётида инқирозли ҳодисаларга олиб келди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Аҳоли маданиятини шакллантиришда билимларнинг аҳамияти қандай бўлди?. 2. Олий таълим даражасини юксалтириш учун республикада қандай чоралар кўрилди? 3. Республикада маданий анъаналарнинг ривожланиши тўғрисида сўзлаб беринг. 4. Маънавий соҳадаги инқирозли ҳодисаларни нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

10-§. Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар муаммолари

Сиёсий соҳа. 100 дан ортиқ миллат ва элатлар биргаликда яшаб, меҳнат қилиб келаётган Ўзбекистонда, табиийки, миллатлараро муносабатлар муаммолари пайдо

бўлиб турар эди. Бу тўғрида овоз чиқариб гапирлмас, газеталарда ёзилмас эди-ю, лекин халқ кўнглида пинҳоний алам кучайиб борарди. 1946 – 1985 йиллардаги унитар давлат шароитларида вужудга келган муаммолар ўзбек халқи ва республикадаги бошқа халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан маъмурий-буйруқбозлик усуллари асосида, Марказдан туриб ҳал қилинар эди. Миллий сиёсатда айнишлар бўлганига қарамай, шу давр мобайнида республикадаги миялат ва элатлар, жумладан ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий ривожланишида, булар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, дўстлик ва байналмилаллик ҳис-туйғуларини тарбиялашда ҳар қалай маълум натижаларга эришилди.

Партия ва ҳукуматнинг давлат қурилишидаги асосий вазифаси ягона иттифоқ давлатини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Компартия "маҳаллийчилик ва миллий чекланганликнинг ҳар қандай кўринишларига" қарши, яъни ўз истиқлоли, миллий маданиятини ҳимоя қилишга қаратилган миллий ҳаракатларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Партия, совет органлари ва давлат хавфсизлиги органлари эркин фикр юритишни таъқиб қилар, республика мустақиллигига эришишнинг ҳар қандай кўринишларини ҳам бўғиб қўяр эди.

Ўзбекистоннинг суверенлиги аслида фақат собиқ СССР Конституциясида қайд қилинган бўлиб, то шу давлат емирилгунча қоғозда қолиб келди. Марказдан туриб амалга ошириладиган сиёсат республикани мустақилликдан маҳрум этар, унинг иқтисодиётини хом ашё тайёрлашга қаратар ва мустамлакачилик сиёсатидан кам фарқ қилар эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукм суриб турган, республиканинг ҳақ-ҳуқуқлари чеклаб қўйилган шароитларда маҳаллий ҳокимият органлари ўз халқининг манфаатларига мос келадиган сиёсат юргизиш, ўз минтақасининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилиш имконига эга эмас эдилар.

Бошқарув марказлаштирилишининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадларида айрим йилларда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга доир чоралар кўрилди. Жумладан, 50- йилларнинг ўрталарида енгил ва озиқ-овқат саноати, автомобиль транспорти, тош ва асфальт йўллар, соғлиқни сақлаш, алоқа, умумий

овқатланиш ва бошқаларга қарашли бир неча ўнлаб корхоналар республикамиз ихтиёрига берилди.

50- йилларнинг охирларига келиб маъмурий иқтисодий районлардаги саноат ва қурилиш бошқаруви Халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёрига ўтказилди. Бу ислоҳот умуман олганда ижобий аҳамиятга эга бўлди. У ортиқча марказлаштиришни чеклаб қўйиш ва хўжаликка раҳбарлик қилишда республикалар ҳамда маҳаллий органлар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган эди. Лекин у узил-кесил чора эмас эди, шу сабабдан ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мазмуни ва моҳиятини ўзгартирмади. Бу ислоҳот кутилган натижага олиб келмади, республика идоралари ҳуқуқларини орттирди. Шунинг учун ҳудудий раҳбарлик қилувчи органлар тез орада яна соҳани бошқарувчи органлар билан алмаштирилди.

Шундай қилиб ҳаддан ташқари марказлаштириш сақлаб қолингани ҳолда республикалар, маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини қисман кенгайтириш ҳақиқатда қуруқ гап бўлиб қолди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, тоталитаризм шароитларида Ўзбекистоннинг давлат суверенитети расмий сўз бўлиб қолаверди ва ўзбек халқининг манфаатлари инкор этилди. Республика мустақиллиги, истиқлолигига унинг чинакам суверенитетини, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг озодлигини таъминлаб бера олди.

Иқтисодий соҳа. 1946 – 1985 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ягона халқ хўжалиги комплекси доирасида ривожланиб борди. Марказдан туриб бошқариш республика ресурсларидан метрополия манфаатларида фойдаланишга имкон берди, бу метрополия Ўзбекистонни ком ашё, жумладан пахта базасига айлантирди. Натижада бу ерда пахта якка ҳоқимлиги вужудга келиб, қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат етказиб берадиган соҳаларини суриб чиқарди ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни қийинлаштириб қўйди. 80- йилларнинг ўрталарига келганда Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлари бошқа республикалардагига қараганда анча (2 – 3 баравар) кам бўлди. Бу нарса гўшт, сут, тухум ва ҳатто меваларга ҳам тааллуқли эди. "Оқ олтин" етиштирадиган халқнинг турмуш даражаси жуда паст бўлиб келди. Бу эса салбий оқибатларга олиб борди.

Республика иқтисодиётида асосан пахтачилик

эҳтиёжларига хизмат қиладиган, шунингдек уруш йилларида юзага келган авиация ва кабель саноати ривожланиб борди. Бироқ бу соҳалар ҳам Марказга бўйсунар ва шу сабабдан республикага кам фойда берарди, уларнинг маҳсулотига Марказ эгалик қилар эди.

Саноатни мақсадга мувофиқ равишда жойлаштиришнинг зарур шарти хом ашёнинг яқин бўлишидир. Республикада хом ашё бор эдию, лекин ип-газлама комбинатлари республика чегаралари ва хом ашё манбаларидан анча нарида – Марказий Россияда қурилган бўлиб, пахтадан охириги маҳсулот шу ерда ишлаб чиқариларди. Бу эса иттифоқ раҳбариятига қўл келарди, чунки пахтадан келадиган даромаднинг ҳаммаси, республика аҳолисининг ўзи пахтачилик маҳсулотига – ип-газлама, кийим-кечак ва бошқаларга жуда ёлчимай турган бир маҳалда, Марказга тушар эди. Ана шундай муаммолар миллатлараро муносабатларда кескинлик юзага келтирди.

Кадрлар муаммоси. Кадрлар сиёсати республика ҳаётида катта ролни ўйнади. Партия ва ҳукуматдаги биринчи ёрдамчилар — "иккинчи котиб" ва "биринчи ўринбосар" – лавозимларига 30- йиллардаёқ Москвадан келган вакилларни тайинлаш тартиби ўрнатилган эди. Бу кишилар катта ҳуқуққа эга бўлиб, кадрлар тақдирини ўз ихтиёрларича ҳал қила олар эдилар.

Бундан ташқари Марказга бўйсунадиган лавозимлар номенклатураси бор эди, партиянинг биринчи котиблари ва давлат органларининг раҳбарлари шунга кирар эди. Уларни расман республикада "сайлашар" эди-ю, лекин амалда улар Марказ билан келишилган ҳолда ишга тайинланарди. Шундай қилиб сиртдан қараганда республикани маҳаллий миллат вакиллари бошқариб бораётгандек кўринарди, лекин ҳақиқатда ҳокимиятни идора қилиш иттифоқ тузилмалари қўлида эди.

Бундай сиёсат маҳаллий аҳолининг манфаатларига зиён етказди. Етакчи саноат соҳалари учун мутахассислар йўқ деган баҳона остида бундай мутахассислар бошқа республикалардан таклиф қилинарди. Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган соҳалар учун мутахассислар учун маҳаллий аҳолидан етарлича тайёрланмас эди. 1959 йилда республика аҳолиси таркибида ўзбекларнинг салмоғи гарчи 62 фоиздан ортиқ бўлса ҳам, ундаги ўзбек

ишчиларининг салмоғи атиги 43 фоизни ташкил этди. Иттифоққа бўйсунадиган корхоналар асосан Россия ва бошқа республикалардан таклиф этилган мутахассислар ва ишчилар билан таъминланарди. Бундай корхоналарда иш ҳақи маҳаллий саноат корхоналаридагига қараганда кўпроқ эди. Масалан, иттифоққа бўйсунадиган корхоналардаги бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақи 1950 йилда 133 фоизга кўпайган бўлса, республикага бўйсунувчи корхоналарда 73 фоизга кўпайди. Ана шундай кадрлар сиёсати маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий манфаатларига зиён етказиб, республикада миллатлараро муносабатларнинг мураккаблашувига замин яратарди.

Ижтимоий соҳа. Ижтимоий соҳа инсонларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлиб, миллатлараро муносабатларнинг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиб борди.

1946—1985 йилларда республикани ижтимоий ривожлантириш юзасидан каттагина ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми меҳнаткашлар учун турар жой шароитларини яраттирди. 50 – 80- йилларда Ўзбекистонда кўпгина турар жой массивлари қурилди. Масалан, Тошкентдаги йирик массивлар – Чилонзор, Юнусобод, Қорақамиш ва бошқалар, вилоят ва бошқалардаги замонавий қулай уйлardan бунёд топган микрорайонлар шулар жумласидандир. Бироқ бу соҳада ҳам қинғирликлар кузатилди. Чунончи, янги массивларга асосан бошқа республикалардан кўчиб келганлар жойлаштирилди, маҳаллий аҳоли эса канализацияси, газ, марказдан туриб иситадиган мосламалари ва бошқа коммунал-маиший қулайликлари бўлмаган эски турар жойлар ва илгари қурилган маҳаллий уйлarda яшайверди.

Партия ва ҳукуматнинг дастурул-амал ҳисобланган ҳужжатларида миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлидир деб эълон қилинди, лекин амалда оврўпача маданият имтиёз билан таъминланди. Ўша замонда Иттифоқдаги ҳар бир халқнинг маданияти "шаклан миллий ва мазмунан социалистик" бўлиши керак деган сталинча ғайри-илмий назария ана шундай йўл тутишга олиб келди. Бу назарияга кўра биринчи галда, асосан байналмилал маданият ривожланиши керак эди, миллий маданиятнинг ривожланиши эса иккинчи даражали бўлиши таъкидланди. Ана шундай ҳолида

Ўзбекистонда миллий маданиятнинг ривожланишига ҳам тўғаноқ бўлиб келди.

60- йилларнинг бошларида шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият тўғрисидаги сталинча назария янги қоида – маданиятларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирига яқинлашуви тўғрисидаги ғоя билан алмаштирилдики, бу нарса амалда миллатлар бир-бирига қоришиб, қўшилиб кетиши керак деган маънони билдирар эди. Партиянинг миллий масаладаги асосий вазифаси "миллат ва элатларнинг тўла-тўқис бирлигига", байналмилал маданият яратишга эришмоқдан иборат бўлиб қолди.

Мана шундай миллий сиёсатни амалга ошириш халқни миллий идизларидан ажратиб, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиб боришига халал берди, миллий ифтихор ҳис-туйғуларини бўғиб қўйди, кўнгилда пинҳоний аламлар тўпланиб боришига шароит туғдирди, кейинчалик эса Фарғонада, Тошкент вилоятининг Бўка ва Паркент районларида, Андижон шаҳри ва Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудларда бўлиб ўтган фожиали ҳодисаларга олиб келди. Мана шуларнинг ҳаммаси республиканинг тарихий ва миллий хусусиятларини, ўзбек халқи манфаатларини ҳисобга олмай ривожланиш натижаси бўлди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Бошқарувни марказлаштиришнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилди? 2. Республиканинг иқтисодий муаммолари миллатлараро муносабатларга қай тариқа таъсир этди? 3. Кадрлар сиёсатидаги зиддиятлар нималардан иборат бўлди? 4. Миллий сиёсатдаги айнашларнинг оқибатлари тўғрисида сиз нима деб ўйлайсиз? Фикрларингизни аниқ фактлар билан тасдиқлаб беринг.

11-§. Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётда қатнашуви

Иқтисодий алоқалар. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда индустрия, юқори даражада механизациялаштирилган қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва маданият жадал ривожланиб борди. Иқтисодиёт, фан-техника соҳасида қўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ривожланиб бориши учун моддий асос бўлди.

Ўша йилларда Ўзбекистон Иттифоқ таркибига кирар ва гарчи ажнабий давлатлар билан ташқи алоқаларни мустақил ҳолда олиб бориши мумкин бўлган суверен республика ҳисобланса ҳам, шу Иттифоқ Конституциясида тасдиқлаб қўйилган қонунларга бўйсунар эди, яъни Конституция республиканинг ажнабий мамлакатлар билан алоқада бўлиш, улар билан шартномалар тузиш ва дипломатик ҳамда консуллик вакиллари билан алмашилиш, ҳалқаро ташкилотларда қатнашиш ҳуқуқини фақат расман эълон қилар, амалда эса бу ҳуқуқлар қоғозда қолиб кетар эди. Маъмурий-буйруқбозлик шароитларида бошқарувни марказлаштириш республикани халқаро иқтисодий ва маданий масалаларда қандай бўлмасин бирор мустақиллик ва ташаббус кўрсатиш имконидан маҳрум этди.

Ўзбекистонга халқаро миқёсларда ҳам ҳамон марказий ҳокимият органлари томонидан белгиланган хом ашё базаси роли берилар эди. Республика асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – пахта толаси, линт, қоракўл тери, ипакни четга чиқариб келди. Шуниси характерлики, халқаро алоқалар асосан ўша йилларда социалистик лагерга кирадиган мамлакатлар (Чехословакия, Венгрия, Болгария ва бошқалар) билан олиб борилар эди.

Четга чиқариш йилдан-йилга ортиб бориб, республика иқтисодиётининг ривожланишига яхши таъсир кўрсатди. 1958 йилдан 1967 йилгача бўлган давр мобайнидагина экспорт ҳажми уч барабар кўпайди. Ўзбекистон экспорти умумий ҳажмининг 70 фоиздан кўпроғи ана шу давлатларга юборилар эди. Ўзбекистондан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулот турлари ҳам кенгайиб борди. Пахта толасидан ташқари тўқимачилик машиналари, кимёвий ускуналар, экскаваторлар, кўприкли электр кранлар, қишлоқ хўжалик машиналари, жумладан пахта териш машиналари, насослар, кабель маҳсулоти, кино аппаратлари ва бошқа кўплаб, ҳаммаси бўлиб 100 хилдан ортиқроқ маҳсулотлар четга чиқариладиган бўлди. 1961 – 1966 йиллар мобайнидагина четга чиқариладиган пахта толаси миқдори икки барабардан зиёд кўпайди. 1958 йили республика ўз молларини жаҳоннинг 32 мамлакатига, 1980 йилга келганда эса деярли 80 та ажнабий мамлакатларга ўз молларини чиқариб турди.

Ўзбекистон четдан келтириладиган молларнинг йирик истеъмолчиси бўлиб қолаверди. Республикага ихтисос-

лаштирилган ташқи савдо ташкилотлари орқали Венгриядан темир йўл машинасозлиги маҳсулоти, Германия Демократик Республикасидан янги қурилаётган кимё корхоналари учун машина ва асбоб-ускуналар, Чехословакиядан, Руминиядан автобуслар, автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари келтирилар эди.

70- йилларнинг охири ва 80- йилларнинг бошларида Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишида талайгина мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал қилинмаганлигига алоқадор муаммолар пайдо бўла бошлади. Тоталитаризм, маъмурий-буйруқбозлик тизими, бошқа омиллар республика иқтисодий ривожланиши суръатлари пасайиб кетишига олиб келди. Натижада Ўзбекистон халқ хўжалиги маҳсулотини Оврўпа мамлакатларига (ўша вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоларига) чиқаришда 70- йилларнинг бошларида кўриниб қолган сезиларли ўсиш шу ўн йилликнинг ўрталарига келиб бир жойда туриб қолди, 70- йилларнинг охирилари – 80- йилларнинг бошларида эса унинг пасайиш томонига йўл тутгани маълум бўлди.

Миллий кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик. Ўзбекистоннинг ажнабий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг муҳим йўналиши мутахассис кадрлар билан алмашилиш бўлди. Ўзбекистон завод, фабрикалар, хўжалик объектлари қуриш, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, ишга туширишни йўлга қўйиш учун шу мамлакатларга мутахассислар юборди. Чунончи, "Таштекстильмаш" заводи 1958 – 1967 йиллар мобайнида ўзининг 44 нафар вакилини тўқимачилик ускуналарини монтаж қилиш учун турли мамлакатларга жўнатди.

60 - йилларда Куба ва Болгарияда пахта териш техникасидан кенг фойдаланиш бошланди. Пахта териш машиналарини ўзлаштиришда Ўзбекистон мутахассислари болгар деҳқонларига катта ёрдам берди.

Ажнабий мамлакатлар ҳам, уз навбатида, республикага келтирилган саноат ускуналарини монтаж қилишда ёрдам бериш, корхоналар барпо этиш ва уларни ишга туширишда техник жиҳатдан маслаҳат кўрсатиш учун ўз мутахассисларини ҳар йили Ўзбекистонга жўнатиб турди.

60 - йилларнинг бошларида Андижон вилояти билан Ямбол округи, Тошкент вилояти билан Болгариянинг Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги ўзаро ёрдам ва

ҳамкорликка асосланган алоқалар мустаҳкамланди. Пахтачиликни ривожлантириш, илғор технология ва техникани жорий этиш, ирригация-мелиорация қурилишида, суғориладиган ерларни ўзлаштиришда Ўзбекистон билан Болгария пахтакорлари ўзаро тажриба алмашишди.

Малакали кадрлар билан алмашишдаги ҳамкорлик объектлар барпо этишда қатнашиш ва тажриба алмашиш учун мутахассисларни юбориш йўли билан ҳам, олий ўқув юртларида ўқитиш тизими орқали ҳам амалга оширилди. 1959 – 1970 йилларда республикамиздаги олий ўқув юртларида пахтачилик, қишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизацияси соҳаларидаги ихтисосликлар бўйича Оврўпанинг турли мамлакатларидан келган 50 нафардан ортиқроқ талаба ўқиди. 80- йилларнинг бошларига келганда 15 та олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, жумладан ТошДУ, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш, политехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт институтлари ва бошқаларда ажнабий давлатлар учун мутахассислар тайёрланди.

1961 йилдан бошлаб Тошкент давлат тиббиёт институти ажнабий мамлакатлар учун ҳар хил ихтисосдаги врачларни тайёрлашга киришди. Сўнгги 20 йил давомида республикада 35 мамлакат учун бир неча юз врач ва тиббий фанлар номзодлари тайёрланди.

Ўзбекистон илмий кадрлар тайёрлашда ажнабий мамлакатларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатди. Республиканинг талайгина олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида ажнабий мутахассислар шогирдликни ўтди, аспирантурада ўқиб, турли соҳалар бўйича номзодлик диссертацияларини ёқлади.

Илмий ва маданий алоқалар. Замонавий фан тараққиёти турли мамлакатлар олимларининг ижодий ҳамкорликда ишлашини талаб қилади. Тажриба билан ўртоқлашмаслик маблағларнинг ўринсиз сарфланишига, аллақачон маълум бўлган ихтироларни излаш йўлида беҳуда вақт кетишига, илм-фан тараққиётининг сусайиб қолишига олиб келади. Бироқ тоталитар партия тартиботи йилларида капиталистик мамлакатлар билан илмий алоқаларни ривожлантириш сунъий равишда тўхтатиб турилди, бунинг натижасида собиқ Иттифоқда, жумладан Ўзбекистонда ҳам фан ва техника беқиёс даражада орқада қолиб кетди.

Бироқ бу ана шундай алоқалар умуман йўқ эди деган гап эмас. Республика Фанлар академиясининг турли мамлакатлар илмий муассасалари билан алоқаси самарали илмий ҳамкорликка мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. 1959 – 1972 йилларда Оврўпа мамлакатларига (асосан социалистик йўналишдаги мамлакатларга, албатта) 153 нафар олим илмий сафарга борди. Ўз навбатида, Академиямизнинг турли институтларига ўша мамлакатлардан 300 нафар олим келиб кетди. Ўзбекистоннинг ажнабий мамлакатлар билан ҳамкорлигида замонавий фан ва техника муаммоларига доир симпозиумлар ва кенгашлар муҳим ўринни эгаллади. 1969 йили Самарқанд шаҳрида Ўрта Осиёнинг темурийлар давридаги санъати юзасидан БМТ (ЮНЕСКО) халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

1975 йили Тошкентда "Сейсмик минтақаларда лойиҳалаш ва қурилиш" деган совет-америка семинари бўлди. Бу семинарда Ўзбекистон, Туркменистон ва Америка олимлари, бинокорлари, лойиҳачилари ер қимирлашига чидамли қурилишни тадқиқ қилиш ва ташкил этиш тажрибаси билан ўртоқлашишди. Илмий алоқалар бу мамлакатлар фанини ривожлантиришда олимларни ўзаро бойитди.

Ўзбекистон халқаро маданий ҳамкорликда фаол иштирок этди. Адабий алоқалар ва китоб алмашиш айниқса кенгайди. 70- йилларнинг охирилари – 80- йилларнинг биринчи ярмидагина Ўзбекистонда ажнабий мамлакатлар ёзувчилари ва шоирларининг 150 дан ортиқроқ асарлари нашр этилди. Шу билан бир вақтда Ойбек, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов романлари, Ғ. Ғулум, Уйғун, Зулфия шеърлари республикадан ташқарида чоп қилинди. Ажнабий ёзувчиларнинг Ўзбекистонга келиб кетишлари ва ўзбек адабиётчиларининг чет элларга сафарга боришлари адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилди.

Республиканинг санъат соҳасидаги ҳамкорлиги халқаро маданий алоқаларда кўзга кўринарли ўринни эгаллади. 70- йиллар билан 80- йилларнинг биринчи ярмида "тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун" деган шиор остида икки йилда бир марта ўтказиб борилган Тошкент халқаро кино анжуманида Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг

вакилларигина эмас, балки Оврўпа мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистонда айрим мамлакатлар: Ҳиндистон, АҚШ, Италия ва бошқаларнинг Кино кунларини ўтказиш оммавий ҳодиса бўлиб қолди. Ўз навбатида, ўзбек экран усталарининг кино ленталари турли ажнабий мамлакатларда намойиш этилди.

Республикада хизмат кўрсатган давлат халқ рақс ансамбли "Баҳор", "Ялла" вокаль-чолғу, "Лазги" вокаль-хореографик, "Садо", "Шодлик" эстрада ансамбллариининг жамоалари ажнабий томошабинлар олдида рақс ва ашула санъатини намойиш этидилар. Бу ансамбллар томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди ва фестивалларда қайта-қайта ғолиб чиқиб, медаллар ва мукофотлар билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг ажнабий мамлакатлар билан халқаро маданий алоқалари дўстона муносабатлар ривожланишига, халқлар билан мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва бир-бирини тушунишнинг мустаҳкамланишига ёрдам берди. Партия-совет аппарати томонидан сиёсий васийлик бўлмаганида бу алоқалар янада кенг ва самарали бўлиши мумкин эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Урушдан кейинги ўн йилликда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари нималардан иборат бўлди? 2. Ажнабий мамлакатлар билан кадрлар алмашилишида Ўзбекистон қай тариқа иштирок этди? 3. Ўзбекистоннинг илмий ва маданий алоқалари 70 – 80- йилларда қандай ривожланиб борди?

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА

1-§. Қайта қуришнинг бошланғич даври

Ислоҳотларнинг асосий омиллари ва йўналишлари. 80-йилларнинг ўрталарига келиб СССРда инқирозли вазият вужудга келди. Совет жамияти тўқнаш келган қийинчиликлар ва муаммолар бу жамиятда социалистик воқеликнинг моҳиятига етишга уриниш рағбатини уйғотди, социализм зиддиятлари уларни ҳал қилиш йўларини зўр бериб

қидириб кўришга мажбур этди. Ижтимоий ҳаётда жиддий ўзгаришлар яшаш зарурлигини бутун жамият аниқ-равшан англаб етди.

1985 йил баҳори бошланди. КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 йил) пленуми совет жамиятини қайта қуриш, бу жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. Демократлаштириш ва иқтисодий қайта қуриш жараёнлари вақт эътибори билан "узилиб қолиб", поёнига етмаган 1956 ва 1965 йиллар ислоҳотларидан фарқ қилиб, 1985 йили жамиятни комплекс тарзда янгилашга ўтиш зарурияти эътироф этилди. Қайта қуришнинг асосий таркибий қисмлари деб ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва туб иқтисодий ислоҳот яшаш эълон қилинди.

Бироқ СССР раҳбарияти илмий жиҳатдан ишлаб чиқилиб, сиёсий жиҳатдан асосланган, дастлабки позицияларни акс эттириб, вазифа ва мақсадларни, мамлакат ички ҳаёти ва ташқи сиёсатининг муаммоларини ҳал қилиш механизминини белгилаб бера оладиган қайта қуриш назариясига эга эмас эди. Умуман олганда бу раҳбарият шунчаки ҳаёл билан, синовлар ва хатолар усул-амали билан бир тарафлама иш олиб борди ва кўпроқ зоҳирий натижа олишни кўзлади, бу эса қайта қуриш тақдирини зарба остига солиб қўйди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги уринишлар. Совет раҳбарияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан 1981 йил июлда олдинга қўйилган вазифани ҳал қилишга уринишда биринчи бор жиддий муваффақиятсизликка учради. Иқтисодиёт тузилмаларини қайта қуриш, уларнинг моддий базасини қайтадан тузиш, янги технологиялар, юксак бошқарув тизимларини жорий этиш йўли билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш кўзда тутилган эди. Шу мақсадларда халқ хўжалигини бошқариш ва хўжалик механизминини такомиллаштириш юзасидан бир қанча тажрибалар амалга оширилди. Ўзбекистонда бир қанча саноат соҳалари, қурилиш ва транспорт корхоналари, кўпгина колхоз бригадалари, совхоз бўлимлари хўжалик ҳисоби ёки бригада (жамоа) пудратига ўтказилди.

Бироқ деярли ислоҳ қилинмаган вазирликлар ва идораларнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган усуллар

билан тўраларча иш олиб бориши янги шароитларда хўжалик юритиш афзалликларини ҳам, меҳнат жамоалари ва социалистик корхоналар тўғрисида СССР да биринчи бор қабул қилинган қонунларни ҳам йўққа чиқарди. Қуйи тузилмалар (корхоналар, колхозлар, совхозлар ва бошқалар)нинг юқори: район, шаҳар, вилоят, республика (шунингдек иттифоқ) бошқармалари, бош бошқармалари, вазирликлари ва идораларига албатта бўйсунитишни талаб қиладиган демократик централизм принципи аввалгидек ўзгармай қолаверди. Мана шу принцип меҳнат жамоаларининг ташаббуси ва фаоллигини бўғиб қўйди, фан-техникани тараққий эттиришга тўғаноқ бўлди.

Шунинг натижасида яхши ниятга етиш – иқтисодиётни бошқаришнинг янги тизимини яратишга, хўжалик юритишда корхоналар, қурилишлар, хўжаликларнинг мустақиллигини кенгайтиришни таъминлаб бера оладиган янги шароитларни жорий этишга эришиш – "қайта қуриш"нинг дастлабки йилларида мумкин бўлмади. Фан-техника тараққиёти, инвестиция сиёсати¹ни ўзгартириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш асосида иқтисодиётни жадаллаштириш йўли билан 12- беш йилликда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туб ўзгариш ясашга уриниш ҳам муваффақиятсиз чиқди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг бригада ёки оила пудрати ва ижара сингари янги шакллари жорий этиш сингари илғор чоралар қўрилиши билан бир қаторда бошқарув тизими ва маъмурий-ҳудудий тузилишда ислохотлар ҳам амалга оширилди, "буларнинг натижасида бошқарувнинг тўраларча-буйруқбозлик тизими янада кенгайиб кетди". Бошқарувчи ходимлар улуши халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг умумий сонига нисбатан олганда 14,5 фоизга етди, уларни таъминлашга қилинадиган сарф-харажатлар эса икки баравар ошди.

Республика иқтисодиётининг маъмурий-буйруқбоз Марказга тобелликда қолавериши. 80- йилларнинг иккинчи ярмида республиканинг тоғ-кон, металлургия, машина-созлик, электротехника ва кимёвий саноатга қарашли энг

¹ Халқ хўжалиги турли соҳаларига ажаратиладиган капитал маблағларни тақсимлаш сиёсати.

йирик корхоналари Иттифоқ вазирликлари ва идораларига тобе бўлиб қолаверди. Бошқа республикалар сингари, Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барча асосий кўрсаткичлари аввалгидек Иттифоқ марказий органлари – КПСС Марказий Комитети, Госплан, СССР ҳукумати томонидан белгилаб берилар эди.

Иттифоқ раҳбарияти қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва минерал хом ашёнинг бошқа турларини айтмаганда ҳам Ўзбекистонда етиштириладиган пахта хом ашёсидан 75 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот олиш мумкинлигини, бу эса миллий даромаднинг 29 млрд. сўмини ташкил этишини яхши билса-да, Марказнинг Ўзбекистонга дотациялар ва молиявий ёрдам бераётганлиги тўғрисида турли минбарлар ва марказий матбуот саҳифаларидан туриб доимо писанда қилинар эди. Хуллас, аниқ кўриниб турган ижтимоий муаммоларни хаспўшлаш учун барча чоралар кўрилар эди.

Кўпдан-кўп кўзбўямачилик, поражўрлик, лаганбардорлик фактлари бутун мамлакатни бошқаришдаги совет тизимичинг жиддий нуқсонлари бўлиб қолаверди. Барча даражадаги кўпгина раҳбарлар ҳокимиятни, хизмат лавозимини суиистеъмол қилар, ғаразли манфаатларини ўйлаб яшар эди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон раҳбарияти республика манфаатларини Марказ олдида ҳимоя қилишга уриниш у ёқда турсин, балки иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги аҳволни дуруст, "инқилобий қайта қуриш" таъсири остида тинмай яхшиланиб келяпти деб таърифлашда давом этди.

Ўзбекистон халқ оммасининг қайта қуришга муносабати. Шахсга сиғинишнинг узоқ йиллар ҳукм суриб келгани, туб аҳоли, аввало зиёлиларни уруғ-аймоқчилик, миллатчиликка мойилликда, диний сарқитларга берилганликда айбловчи кампанияларнинг вақт-вақти билан такрорланиб туриб, "пахта иши" муносабати билан марказий оммавий ахборот воситалари томонидан зўр бериб кўпиртирилган кампаниялар ижтимоий онгда бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган таъсир қолдириб, халқнинг сиёсий лоқайдлигини кучайтирди.

Зўрайиб бораётган иқтисодий танглик, сиёсий бош-бошдоқлик сиёсий йўл билан, ёки қандай бўлмасин бошқа тинчлик йўллари билан ижтимоий адолатга эришиш

мумкинлигига ишончсизликни кучайтирди. Иттифоқ ижтимоий тузумидаги доимий мавжуд ҳукмрон тузум, республикаларнинг СССР тоталитар олий доираларига тўлатўкис тобе бўлиб қолганлиги ҳам шуни яна бир карра тасдиқлар эди. Шу сабабдан аҳолининг асосий қисми рўй бераётган сиёсий ҳодисаларга четда турган киши кўзи билан қаради. СССР Олий Советига халқ депутатлари сайлаш юзасидан янги асосларда бўлиб ўтган сайловлар (1989) ва Ўзбекистон вакили Р. Нишоновнинг СССРнинг бутун тарихи мобайнида иккинчи марта Миллатлар Советининг Раиси этиб сайланганлиги (биринчи марта Ё. С. Насриддинова сайланган эди) ҳам халқ оммасини руҳлантирмади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. СССР ва Ўзбекистон ҳаётида туб ўзгаришлар яшаш заруриятини қандай сабаблар олдиндан белгилаб берди? 2. 1985 йил апрелда эълон қилинган йўлнинг қандай ижобий ва салбий томонлари бор эди? 3. Иқтисодиётни бошқаришни қайта қуришга доир ислохотлар нима учун муваффақиятсиз чиқди?

2- §. Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бурилиш

Қайта қуришнинг энг бошидаёқ СССР ва Иттифоқчи республикаларнинг раҳбариятлари халқ хўжалигини бошқаришнинг тузилиши, шакллари ва усулларигина эмас, балки бутун сиёсий тузумни тубдан ўзгартириш эҳтиёжи етилиб қолганлигини ҳам тушунар эди. Бироқ улар халқ уни ислоҳ қилиш ғоясига ўзларининг тарафдор эканликларини тўппа-тўғри эътироф қилсалар-да, мамлакатда ягона бўлган коммунистик партия ва бу партия социалистик мафкурасининг ҳукмронлик ролинини ўзгартириш мумкин деган фикрни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар. КПСС Марказий Комитети республикаларнинг марказдан четлашишга қаратилган хатти-ҳаракатларини сўндиришга, расман иттифоқчи, лекин ҳақиқатда унитар бўлган давлатда тоталитар Марказ ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга ҳар томонлама тиришди.

Бироқ олий даражадаги сиёсий доираларнинг бу уринишлари ижтимоий онгда ҳақиқатда қарор топган тушунчаларга энди тўғри келмас эди. Ошкоралик тазйиқи

остида социалистик мафкура ўзининг жозибадорлигини тобора кўпроқ йўқотиб борди. СССР учун умумий бўлган ошкораликнинг (аввало совет жамиятининг аҳволини таҳлил қилиш ва мамлакат олий даражадаги сиёсий раҳбариятининг сўнгги ўн йилликлардаги хатоларини баҳолашдаги ошкораликнинг) кучайиб бориши, шунингдек сиёсий ва мафкуравий плюрализмнинг қарор топиши туфайли Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришларда, гарчи ҳали муътадил ва ўзига хос бўлса-да, лекин бошланиб қолган ўзгаришлардан дарак берувчи тенденциялар кучайиб борди.

Фарғона ҳодисалари. 1989 йили Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятларида рўй берган миллатлараро можаролар республикада ва бутун мамлакатда ғоят даражада катта шов-шувга сабаб бўлди. Натижада минглаб меҳсети турклари Фарғона вилоятидан мамлакатнинг бошқа районларига кўчирилди.

Расмий баёнотларга мувофиқ, республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий кескинликдан оммавий тартибсизликларни, миллатлар ўртасида нифоқ ва тўқнашувларни келтириб чиқаришга уринган экстремистик кучлар фойдаланди. Бироқ республикада яшовчи ва мафкуралаштирилган байналмилалчиликни эмас, балки объектив тарзда қарор топган, уруш йиллари ва сўнгги даврларда айниқса ёрқин намоён бўлган, ўзининг табиий байналмилалчилигини бутун жаҳонга неча марталаб намойиш қилган ўзбек халқи ва бошқа миллат вакиллари учун ҳеч қандай ижтимоий муҳтожликлар миллатлараро жанжал туғдиришга баҳона бўлиб хизмат қила олмас эди. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элатлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келдилар. Тўсатдан шундай фожиа рўй берди.

Бу сиёсий ифвогарлик Сумгаит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Янги Ўзан ва бошқа минтақалардаги худди шундай ифвогарликлар билан бир қаторда турар эди. Туб халқларнинг ўсиб бораётган миллий ўз-ўзини англанишини босиш, вазиятни беқарорлаштириш, "инқилобий қайта қуриш" режаларининг аниқ барбод бўлганлигидан мамлакат аҳолисининг эътиборини четлаштириш учун шундай ифвогарлик керак бўлиб қолди. 1989 йилнинг май – июнь ойларидаги ҳодисалар ўзининг холисона ёритилишини ва

фожиали ўша кунларнинг асл манзараси тикланишини ҳали кутиб турибди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бурилиш бошланиши. Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳаммиша ҳам холисона ёритиб берилмаган ана шу ҳодисалар ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англаши кучайиб, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бурилиш бошланишига сабаб бўлди. Жамиятнинг зиёлилари ва сиёсий кучлари ана шу хавотирлик кунларида сиёсий жиҳатдан етилган, маънавий жиҳатдан юксак мавқеларни эгалладилар. Фожианинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шон-шухрати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш йўлидаги ўзларининг машаққатли уринишларида улар республиканинг энг кескин муаммоларини биринчи марта ошкора равишда муҳокамага қўйдилар.

Ўзбекистоннинг Фарғона ҳодисаларидан кейин ҳокимиятга келган И. А. Каримов бошлқ янги раҳбарияти ҳам принципиал мавқени эгаллади. Ана шу фожиали ҳодисалардан кейин тез орада республика Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг қўшма мажлисларида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг аҳволини холисона, танқидий нуқтаи назардан баҳолашга биринчи бор уриниб кўрилди. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг тобора кескинлашиб бораётганлиги қайд қилиб борилди. Бироқ ана шу холисона хулосаларга қарамай, Ўзбекистон тараққиётини 1985 йилгача бўлган даврда жадаллаштиришнинг тамомила хаёлий дастури маъқулланди. Қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқалари, шаҳарликларнинг боғ-экинзор ҳовлилари учун ер ажратиш, ижара, пудратни, қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг ижтимоий жиҳатдан илғор бўлган бошқа шаклларини жорий этишга доир вазифаларнигина бир қадар амалга ошириш мумкин эди. Ўша вақтда ҳукм суриб турган, иложи борича кўпроқ марказлаштирилган бошқариш тизими ша-роитларида республика районларининг саноат марказлари билан, СССРдаги бошқа минтақалар билан бевосита алоқаларини ривожлантириш хусусидаги режани эса мутлақо амалга ошириб бўлмас эди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида 1990 йилнинг баҳорига қадар чиндан ҳам муҳим бўлган бирор

хил ўзгаришлар рўй бергани йўқ. ЎзССР Олий Совети томонидан тарихан муҳим ҳужжат – Ўзбекистон ССР нинг ўзбек тилига давлат тили мақомини берган "Давлат тили тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши (1989 йил октябрь) бундан истисно. Айни вақтда, шу қонунда кўрсатилганидек, республикада миллатлараро мулоқот тили сифатида рус тилидан эркин фойдаланиш сақлаб қолинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи, шу халқ миллий ўз-ўзини англашининг ўсиши, республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

1990 йилнинг февраль – апрель ойларида Ўзбекистон Олий Советига ўтказилган сайловлар республиканинг сиёсий ҳаётига муайян таъсир ўтказди. Бу сайловларнинг янгилиги шундан иборат бўлдики, кўпгина округларда депутатлик мандатига бир нечтадан номзодлар даъвогарлик қилди. Бироқ 500 округдан 174 тасида муқобил номзодлар кўрсатилмади, номзодларнинг ҳаммаси ҳам ўз платформаларини тушунтириб бериш учун бир хилдаги имкониятга эга бўлмади ва ҳоказо. Мана шуларнинг ҳаммаси Олий Совет таркибига таъсир қилди, депутатларнинг деярли 95 фоизини коммунистлар ташкил этди. 12- чақириқ Олий Советида аёллар, ишчилар, колхозчилар, ёшларнинг вакиллари олдинги чақириқларга қараганда камроқ бўлди. Биринчи даврада (1990 йил 18 февралда) сайланган 368 депутат орасидан 130 нафари партия, совет, касаба уюшмаси, комсомол раҳбар ходимларидан иборат эди.

Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг қарор топиши. 12- чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси республиканинг келажаги учун жуда муҳим ва СССР доирасида биринчи бўлган сиёсий қарорни – Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1990 йил 24 мартда Олий Совет ўша пайтда республика Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби бўлган И. А. Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Биринчи Президенти этиб сайлади.

Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг қарор топишини бир қанча омиллар ва аввало СССРда 1990 йил бошларига келиб умумдавлат сиёсий инқирозининг сезиларли даражада кучайганлиги тақозо этди. Бу инқироз иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада қилинган ва Марказнинг

иттифоқчи республикалар билан давлат алоқаларини янгилашга қаратилган ислоҳотларнинг барбод бўлиши билан намоён бўлди. 1990 йил мартда Литванинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, Латвия билан Эстониянинг СССР таркибидан чиқишга фаоллик билан ва очиқчасига тайёргарлик кўраётгани қўшма совет давлатининг ҳақиқий емирилиши бошланганидан далолат берар эди.

Шу вақтга келиб, 12- беш йилликнинг ўз якунлари бўйича муваффақиятсиз бўлиб чиқиши равшан бўлиб қолди, чунки мамлакат ва иттифоқчи республикаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг бирор-та ҳам йўналиши бўйича яхшилик томонига ўзгариш рўй бергани йўқ.

Ўзбекистон халқ оммаси ошкоралик ва демократлаштириш, ўзининг тарихий ўтмиши ва ҳозирги замонини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, маъносига тушуниш шароитида ўзларининг миллий ва маънавий қадриятларини тиклашдан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, жумладан ўз-ўзини белгилаш ва иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан иттифоқ ҳокимияти тузилмаларига қарамликдан халос бўлиш ҳуқуқларини амалга оширишдан тобора кўпроқ манфаатдор эканликларини намоён қилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси сиёсий тизимда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни илдам ва самарали қилиб амалга ошира оладиган, республика фуқароларини давлат йўли билан ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга, аввало қонун чиқарувчи, ижрочи ва судловчи ҳокимиятларнинг аниқ-равшан ажралиб туриши ва ишлаб бориши асосида, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига эришиш йўлини шакллантириш асосида миллий давлат тузиш чораларини кўра оладиган институт яратишни зарур қилиб қўйди.

Республика халқларининг ҳозирги куни ва истиқболи манфаатларини ўйлаб, И. А. Каримов ташаббуси билан амалга оширилган биринчи тадбирларнинг ўзиёқ Ўзбекистон Президенти лавозимининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат берарди. Аввало Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисида 1990 йил 21 июлда республика Олий Совети томонидан қабул қилинган Декларация ана шундай тадбирлардан эди.

СССР да мавжуд бўлган ўша пайтдаги сиёсий вазиятда Марказ ҳамён кучли бўлиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, жумладан қуролли ҳаракатлар қилишга ҳам катта имкониятларга эга бўлган ва тайёр турган шароитда Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисидаги Декларация қатта сиёсий воқеа бўлди. Бу Декларация республика миллий давлат мустақиллигининг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини яратиш учун катта хизмат қилди. Аввалгилардан мутлақо бошқача мақсадларда Конституция комиссияси тузилиши ҳам шу вақтга тўғри келади. Ўша йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг аста-секин бозор иқтисодиётига ўтишининг мезонлари ва босқичларини белгилаб берган, шунингдек республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши ва бу хизматнинг ўтиши тартибини принципиал тарзда ўзгартиришни ва бошқа бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларни кўзда тутган ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди.

Шу билан бир қаторда 1991 йилнинг август ойигача Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди – ҳокимлар лавозимлари, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани бошқариш органлари, солиқ инспекциялари ва бошқалар таъсис этилди. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияга ва республика сиёсий тузумини такомиллаштириш талабларига мос келар эди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Сизнинг фикрингизча Фарғона воқеаларининг асл сабаблари нималардан иборат? 2. Давлатнинг сиёсий тизими нима? 3. Нима сабабдан фақат 80- йилларнинг охири ва 90- йилларнинг бошларидагина Ўзбекистонда чиндан ҳам муҳим бўлган сиёсий ўзгаришлар рўй бера бошлади? 4. Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисидаги Декларация матни билан танишиб чиқинг ва унинг асосий қоидаларини таърифлаб беринг.

3-§. Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар

Ўзбекистон – кўп миллатли республика. Миллатлараро муносабатларнинг аҳволи Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида ҳаминша ҳал қилувчи омил бўлиб келди. Ҳозирги республика ҳудудларининг аҳолиси ўз таркибига кўра тарихан кўп миллатли бўлиб шаклланган. Совет ҳокимияти

йилларида унинг таркиби янада кенгайди. 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида 70 миллат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда бу ерда 91, 1989 йилда эса 127 миллат вакиллари яшаб келди. 1989 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра, 19905 минг нафар кишидан иборат республика аҳолисининг 71,4 фоизини ўзбеклар ташкил этар эди.

Ўзбек халқида миллий ўз-ўзини англашнинг қайта вужудга келиши ўз миллий хусусиятини, миллий хислат ва маданиятни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, ўзининг иқтисодий ва маданий савиясини кўтариш, ўз тили тўғрисида қайғуришга бўлган қонуний ва ижобий интилишларни келтириб чиқарди. Лекин байналмилаллик деганда бараварлаштириш ва бир халқнинг эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириб боришни тушунадиган совет давридаги қолип-андозаларнинг барҳам топиши ўзбек халқи миллий манфаатларининг Ўзбекистонда яшаб турган барча халқлар талаб ва эҳтиёжларига нисбати муаммосини кескинлаштирди. Республикадаги бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган демографик ва ижтимоий вазият миллий ва байналмилал жиҳатлар нисбатида ҳақиқий аҳволга тўғри келадиган йўл тутишни қийинлаштириб қўйди.

Республикадаги миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга доир чоралар. Ана шундай шароитларда иқтисодий жонлантириш ва юксалтириш йўли билан ижтимоий сиёсатни ўзгартириш ва уни республикадаги барча халқларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига бўйсундириш ниҳоят даражада муҳим бўлди, чунки Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий аҳволи ёмонлашиб бораётган эди. 12- беш йилликнинг охирига келганда СССР да иқтисодий сиёсат ҳам, номига мавжуд бўлиб турган, авваллари эса Иттифоқ республикалари ўртасида ва ажнабий мамлакатлар билан хўжалик алоқаларини йўлга солиб боришни таъминлаб келган иттифоқ бошқарув органлари ҳам энди таъсир ўтказмай қўйди. Ана шундай шароитларда хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва техникага, асбоб-ускуналарга, халқ истеъмоли молларига бўлган ўз эҳтиёжларини бошқа республикалардан ва ажнабий мамлакатлардан олиб келиш ҳисобига кўп даражада қондирадиган Ўзбекистон сингари республикаларга айниқса қийин бўлди.

Республиканинг Марказ билан тенг бўлмаган иқтисодий ўзаро муносабатлари сақланиб қолавердики, бу нарса аҳолининг ижтимоий аҳволига жуда ёмон таъсир кўрсатди. Беш йил (1986 – 1990 йиллар) мобайнида Ўзбекистоннинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 21 фоизга кўпайди, давлат бюджетигаги даромадлари эса (республикадан олиб чиқиб кетиладиган хом ашё нархлари асоссиз равишда паст ва унга келтириладиган маҳсулот нархлари ҳам шундай асоссиз равишда баланд бўлгани ҳолда) деярли 7 млрд. сўмга ўсди, ҳолбуки, истеъмолга ишлатилган миллий даромад улуши фақат 4,3 млрд. сўмга ортди. Айни вақтда умуман аҳоли сони билан меҳнат ёшига етмаган аҳоли ва пенсионерлар сони анча ўсди.

Истеъмолга сарфланадиган миллий даромаднинг каммайиши ва халқ истеъмоли моллари, биринчи галда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўз-ўзидан кўтарилиб бориши аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси моддий аҳволининг жиддий равишда ёмонлашиб қолганидан дарак берар эди. Аҳоли жон бошига ҳисобланадиган ўртача ойлик даромадининг жами 75 сўмгача бўлган аҳолининг сони умумий аҳоли сонига нисбатан олинганда деярли 50 фоизга етиб қолди. Аҳолининг турмуш даражаси умуман паст эди. Айрим аҳоли гуруҳларининг моддий аҳволи ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг даражалари ўртасида жуда катта тафовут борлиги бу аҳволни янада оғирлаштиради.

Мана шуларнинг ҳаммаси бутун Ўрта Осиёдаги экологик вазиятнинг жиддий равишда ёмонлашуви, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар қўлланилишининг кўпайиши, тиббий хизмат даражасининг пастлиги билан бирга қўшилиб, шунга олиб келдики, аҳолининг, масалан, ич терлама касаллиги билан оғриши СССР бўйича ўртача рақамлардан 3–4 барабар, онкологик касалликлар билан оғриши эса 10 барабар кўпайди.

1989 йил охири ва 1990 йилда аҳолининг кам таъминланган тоифаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан республика раҳбарияти томонидан кўрилган чоралар, жумладан кўп болали оналар ва ёлғиз оналарга тўланадиган нафақалар ва ёрдам пулларининг оширилиши, янги иш жойларининг яратилиши, қишлоқ аҳолиси томорқа участкалари майдонларининг кенгайтирилиши ва уларга турар жой

қуриш учун қўшимча ер участкаларининг берилиши, кичик ёшдаги ўқувчилар учун бспул нонушталар расм қилиниши, қишлоқ хўжалик ишлари учун белгиланган баҳолар, айниқса машинада ва қўлда терилган пахта хом ашёси учун тўланадиган ҳақнинг кўпайтирилиши, барча тоифадаги пенсионерларнинг пенсиялари ва меҳнаткашлар иш ҳақларининг оширилиши ва бошқалар халқ турмуши савиясининг пасайиб кетишини сезиларли даражада сусайтирди.

Шу билан бирга мусулмон дини эркинлигини тиклаш, шунингдек Ўзбекистонда яшаб турган майда миллатлар этник ва маданий эҳтиёжларини қондириш юзасидан, айниқса Фарғона водийси ва Тошкент вилоятидаги фожиали воқеаларнинг оқибатлари нуқтаи назаридан туриб тарихга асосланган ҳолда қилинган ишлар республикадаги маънавий-руҳий шароитни соғломлаштириш ва ижтимоий-сиёсий вазиятни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Давлат тили тўғрисидаги қонун-қоидаларини оғишмасдан ва узоқ муддат ичида амалга ошириб бориш кўзда тутилди, республикада миллатлараро марказ ва неча ўнлаб миллий-маданий марказлар яратилди (қозоқ, қирғиз, уйғур, яҳудий, арман марказлари ва ҳоказо), республиканинг миллий гуруҳлар зич яшайдиган турли районларида таълим-тарбия ишлари уларнинг тилларида олиб бориладиган мактаблар, синфлар ва болалар боғчалари очилди.

Мана шу ва бошқа кўпгина нарсалар Ўзбекистон Президенти бошчилигидаги сиёсий ҳокимиятнинг республикадаги барча миллат ва элатларнинг ижтимоий манфаатлари устун туришини неча ўн йиллар мобайнида биринчи бўлиб тан олганлиги ва буларни ўзининг ички ва ташқи сиёсатининг асосий банди деб ҳисоблаганидан далолат берди.

Шуларнинг ҳаммаси республикада миллий тинчлик, тотувлик ва осойишталик сақланиб қолиши ва мустаҳкам бўлишига таъсир ўтказди. Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги Қирғизистоннинг Ўш вилоятида 1990 йили рўй берган қонли қирғиз-ўзбек можароси кунларида қаттиқ синовдан ўтди. Ўшдаги фожиали ҳодисалар кунларида ўша ерда яшаб турган ўзбек аҳолисига сон-саноқсиз кулфат ва балолар келтирган миллий қарама-қаршилиқ ёнғини Ўзбекистонга ўтиб, ёйилиб кетмади, ўзбек аҳолисининг республикада яшаб турган қирғизларга нисбатан жавоб

ҳаракатларини қўзғатмади (республикада 200 минг нафарга яқин қирғиз аҳолиси яшайди). Ўзбек халқининг доно вазминлиги, Ўш вилоятидаги қирғиз-ўзбек можаросининг иғво билан уюштирилганини тушунгани ва Ўзбекистон раҳбариятининг фожиали воқеалар кўлам олиб, кенгайиб кетмаслиги - юзасидан тезликда чоралар кўргани ўз таъсирини кўрсатди. Айнан шу нарса можаронинг иккала вилоятдаги бошқа районларга тарқалиб кетишига йўл қўймади ва республикадаги кўп миллатли аҳолининг ўзаро муносабатларида тарихий дўстлик ва яхши қўшничилик анъаналарига амал қилиш ва буларни сақлаб қолишнинг муҳимлигини яна бир карра намоён этди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Аҳолининг миллий таркибини билиш нима учун керак? 2. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммолар ҳукуматнинг аралашувисиз, ўз-ўзидан ҳал бўлиши мумкинми?

4- §. Иттифоқ маркази билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви

СССР нинг тақдири хусусида Ўзбекистоннинг тутган мавқеи. 80- йилларнинг охирилари – 90- йилларнинг бошларида кўпчилик республикалар СССР таркибидан чиқиб кетиш тўғрисида фикр билдирмай, ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқини, миллий давлат суверенитетига бўлган ҳуқуқини амалга ошириш зарурлиги ва иттифоқ давлатидаги Марказ ролининг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ташқи сиёсий жиҳатларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида таъомила ҳақли, умум томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келувчи талабларни олдинга қўя бошладилар.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов 1990 йилнинг март ойидаёқ республикалар билан ССР Иттифоқи ўртасидаги ваколатларни аниқ-равшан ажратиб қўйишни кўзда тутадиган янги федератив шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган эди. Бироқ марказий раҳбарият, жумладан КПСС Марказий Комитети халқлар ва иттифоқчи республикалар сиёсий раҳбариятининг чинакам суверенитетга интилиши билан ҳисоблашиш ниятида

эмас эди. Болтиқ бўйи республикаларидаги воқеаларга, Ўзбекистонда, кейинчалик эса бошқа республикаларда ҳам президентлик бошқарувининг таъсис этилишига ва бу республикалар томонидан суверенитет тўғрисидаги Декларациялар ҳамда Баёнотномаларнинг қабул қилинишига Марказнинг ғайри-табiiй равишда кескин қаршилик кўрсатгани ана шундан далолат беради.

Шундай бўлса-да, мамлакатнинг бошланиб келаётган давлат емирилишидан жиддий хавотирликка тушган партия-давлат раҳбарияти СССРда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз тазйиқи остида 1990 йилнинг кузида иттифоқ Маркази билан республикалар ўртасидаги муносабатларни янгилаш юзасидан музокара жараёнини бошлашга мажбур бўлди. Лекин у 1991 йилнинг баҳорига қадар иттифоқчи республикаларга бериладиган ҳуқуқлар ва ваколатларда ҳал қилувчи ролни ўйнашга уриниб, республикалар ҳаёт-фаолиятининг деярли барча соҳаларида ўзининг ҳукмронлик вазиятини сақлаб қолишга интилди:

Халқнинг ҳаётидан, миллий муаммолардан аввалгидек ажралиб қолган Марказ раҳбариятининг мўлжали бу сафар чиппакка чиқди. Бу вақтга келиб деярли барча республикаларда кўп партиялилик қарор топиб бўлган эди. Янги миллий-демократик ҳаракатлар ҳукмрон компартияларни қаттиқ ва аксари асосли танқид остига олдилар, халқлар, аввало маҳаллий миллатларнинг манфаатларини анча фаоллик билан принципиал суратда ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларни, баъзи республикаларда эса СССР дан ажралиб чиқиш тўғрисидаги шиорларни олдинга сурдилар ва ҳоказо.

СССР емирилишининг бошланиши. 1990 йил охирларига келганда СССР нинг давлат бутунлигига анча раҳна етиб қолган эди. Литва, Латвия ва Эстониядан кейин Грузия, Озарбайжон унинг таркибидан чиқиб кетди. Озарбайжон 1990 йил январида Бокудаги фожиали воқеаларни бошдан кечирди, Тоғди Қорабоғ автоном вилояти хусусидаги узоқ можаро туфайли 1991 йилда Арманистон билан урушга кирди. Молдовадаги Днестр бўйига ва русийзабон аҳоли, шунингдек мусулмон динига эътиқод қилувчи гагаузлар аҳволига доир сиёсий тортишувлар миллатлараро қуролли жанжалга айланиб кетди.

Мамлакатнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини республикалар ўртасидаги хўжалик алоқаларини такомиллаштириш ва республикаларнинг ўз иқтисодиётини жонлантириш ҳисобига ҳал қилмасдан, ғарбий мамлакатлардан хўрлик билан тилаб олинadиган қарзлар йўли билан ҳал қилишга уриниш СССР раҳбариятининг жиддий хатоси бўлди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимида ана шундай иш олиб бориш ва бемаъни тажрибалар қилиб кўриш натижасида 12- беш йиллик (1986 – 1990 йиллар) режаларидаги топшириқлар бажарилмай қолди, 13- беш йиллик кўрсаткичларини ишлаб чиқишга киришмоқнинг эса энди имкони ва маъноси йўқ эди. Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳвол тинмай ёмонлашаверди.

Ўзбекистоннинг ўз муаммоларини мустақил ҳал қилиш ва миллий давлат мустақиллигини қўлга киритишда тутган йўли. Ўзбекистон Республикаси Россия Федерациясидаги сиёсий воқеалар оқибатларига, Иттифоқ билан Россия раҳбарлари ўртасида кучайиб бораётган, 1990 йилда Украина раҳбарлари ҳам қўшилиб кетган қарама-қаршиликлар оқибатларига ортиқ қарам бўлиб қолавериши мумкин эмас эди. Шу сабабдан Ўзбекистон халқлари миллий манфаатларининг устун туришига асосланиб ва Ўзбекистон ССР нинг суверенитети тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб республика раҳбарияти 1990 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб келажакдаги Суверен давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги музокараларда ўз позициясини ва ўзининг Ўзбекистон ичидаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Ўзбекистон халқларининг миллий уйғонишини таъминлашга, Ўзбекистонда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг миллий-маданий ривожланиши учун имкониятларни кенгайтиришга доир ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий чора-тадбирлар 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, гоҳо иттифоқ раҳбариятининг тутган мавқеига қарши ўлароқ, мустақил равишда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган бўлди. Мана шу чора-тадбирлар қаторида ўзбек тилига давлат тили мақомини берган Давлат тили тўғрисидаги қонун (1989 йил октябрь), "Ўзбекистон ССР даги ижро этувчи ва фармойиш берувчи ҳокимият

тузилмасини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун (1990 йил ноябрь), Ер тўғрисидаги қонун (1990 йил июль), Ўзбекистон фуқароларига якка тартибда турар жой қуриш ва шахсий томорқа хўжаликлари учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги, аҳоли пунктларини газлаштириш, мактаблар, ҳунар-техника ўқув юртлари, кейинчалик эса олий ўқув юртлари талабаларининг овқатланиши учун бериладиган имтиёزلарни сақлаб қолиш тўғрисидаги республика Президенти фармонларини биринчи галда қайд қилиб ўтиш керак.

Президент ва у бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасининг пахта хом ашёси, бошқа турлардаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини кўл марталаб ошириш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалигидаги меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш тўғрисидаги қарорлари ҳам ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Бу – қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволи янада ёмонлашувига йўл қўймаслик учун имкон берди.

Ўзбекистон раҳбариятининг янги Иттифоқ шартномасини тузишга доир музокаралардаги позицияси СССР ҳаётининг сўнгги босқичларида (1991 йил март–ноябрь ойларида) айниқса фаол бўлди. 1991 йил мартда Киевда, ўша йилнинг апрелида Москва яқинидаги Ново-Огаровада СССР Президенти ва тўққизта иттифоқчи республикалар раҳбарлари билан эришилган битимга мувофиқ "Мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва инқирозни енгишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида қўшма баёнот" имзоланди, бу баёнот "9+1" (тўққизта республика + марказ) деган номни олди. Бироқ бу баёнот ҳам ўша вақтдаги бошқа кўпгина ҳужжатлар сингари, эътиборсиз бўлиб қолиб кетди, чунки марказий ҳокимият тузилмалари империяга хос мавқеларини сақлаб қолиш ташвишида бўлиб, энди ўз вазифаларини амалда бажармас эдилар.

Суверен республикаларни янги Иттифоқ шартномасида давлат деб аташга ва ҳар бир республиканинг ери, конлари, барча табиий бойликларини "халқ мулки" деб эмас, балки республика мулки деб эълон қилишга Марказ кейинги музо-

караларда узоқ ва қаттиқ туриб рози бўлмади. Россия, Украина ва Белоруссия делегациялари марказий ҳокимият вакиллари билан биргаликда Ўзбекистонни боқимандалик кайфиятида бўлади деб ўйлаб, аҳолининг пенсия таъминоти, даромадларни индекслаш ва кафолатланган тирикчилик минимуми юзасидан барча республикалар учун ягона тартиб белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон делегацияси талабларига қаршилик кўрсатди. 1991 йил июн ойидагина бир қанча баҳсли принципиал масалалар юзасидан 9 + 1 музокаралари доирасида келишилган битимга эришилди ва "Суверен Давлатлар Иттифоқи Тўғрисида" ги шартномани тузиш жараёни тез орада тугалланиши керак эди.

Лекин КПСС Марказий Комитети ва иттифоқ идоралари (Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, КГБ ва бошқалар) нинг бир қанча раҳбарлари томонидан Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети (ГКЧП) тузишга уриниш муносабати билан 1991 йил 19 – 21 август кунлари Москвада фожиали ҳодисалар рўй берди. Ана шу уринишнинг Россия Федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан демократик кайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан босилиши СССР нинг кейинги тақдирида бир сўз билан мутлақо ифодалаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келди. Иттифоқ тузилмасининг келажаги ўша кунлардан бошлаб янада кўпроқ муаммо бўлиб қолди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР 1. Иттифоқ Маркази билан Ўзбекистон ўртасидаги зиддиятлар нималардан иборат эди? 2. Қандай воқеалар республикадаги сиёсий ҳаётнинг фаоллашиб қолганидан дарак берар эди? 3. Ўзбекистон Республикасини иқтисодий мустақилликка ўтказишни жадаллаштиришга Ўзбекистон сиёсий ҳокимиятини рағбатлантирган нарса нима?

III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

1-§. Мустақил демократик давлат сиёсий тизимининг шаклланиши

Республика давлат суверенитетининг мустақкам-ланиши. Ўзбекистон ҳали СССР таркибида бўлиб, СССР нинг конфедератив давлатга айланишига кўз тутиб турилган маҳалда 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўша кунни республика Олий Советида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида" ги қонун актида мана бундай дейилган эди: "... Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди унинг таркибига қирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди билан биргаликда бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатларга ҳудудий даъволар қилмагани ҳолда ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликлари хусусида олий ҳуқуққа эгадир. ... Ўзбекистон Республикаси барча шериклар билан ҳеч қандай дастлабки шартларсиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли битим ва шартномаларни бевосита имзолаш учун ўзини очиқ деб эълон қилади..."

Республика Олий Советининг бу баёноти жуда катта аҳамиятга эга бўлди. У Ўзбекистоннинг ўз ери бойликларига тўла ҳуқуқли эга бўлишга ва иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларни ўзининг талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ ривожлантириб боришга аҳду қарор қилганидан дарак берар эди.

Республика аҳолиси Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганига бўлган ўз муносабатини ва республика раҳбарияти тутган йўлни қўллаб-қувватлаганини 1991 йилнинг 29 декабрида бўлиб ўтган республика Президенти сайловларида ва умумхалқ референдумида аниқ маълум қилди. "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида" ги қонунга мувофиқ (1991 йил ноябрь) сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди. Овоз беришнинг қандай ўтаётганини Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик Хельсинки Кенгаши Комитетининг махсус етиб келган вакиллари кузатиб бордилар. Шу овоз бериш натижасида

23 — Ўзбекистон тарихи, 9-синф учун

унда қатнашган сайловчиларнинг 86 фоизи И. А. Каримов номзодини ёқлаб чиқдилар. Ислон Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистоннинг умумхалқ томонидан сайланган биринчи Президенти бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинишидек тарихий воқеани ҳам ўшанда овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 98,2 фоизи маъқуллади. Референдум натижалари Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши унинг халқларининг, шу билан бирга маҳаллий миллат кишиларининггина эмас, балки бошқа миллат вакилларининг ҳам орзу-умидларига мос келишига жаҳон ҳамжамиятини ишонтирди.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганини жаҳон ҳамжамияти фаоллик билан қўллаб-қувватлади. 1991 йилнинг сентябридан то 1993 йилнинг июль ойигача бўлган қисқа муддат ичида жаҳондаги 160 дан ортиқ давлат, жумладан Туркия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Саудия Арабистони, Миср, Малайзия, Индонезия, Ҳиндистон, Эрон ва бошқалар Ўзбекистонни суверен, мустақил давлат деб расман тан олдилар. Ўзбекистон мустақиллигини собиқ совет республикалари жумласидан биринчи бўлиб Грузия, кейин эса Россия Федерацияси ва бошқалар тан олишди.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Мана шу воқеа билан Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлиб тасдиқланди.

Ўз ривожланиш йўлининг танланиши. Чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлишга, жаҳон ҳамжамиятига муносиб бўлиб қиришга интилиш мустақиллик эълон қилинган биринчи кунлардан бошлабоқ ўзбек халқи ва республикадаги бошқа халқларнинг кўп асрлик тажрибаси ва анъаналарини одамзод эришган барча маданиятлар билан пайваста қилиб бера оладиган ўз ривожланиш йўлини зўр бериб, машаққатлар билан қидиришга киришилди.

Ўзбекистонни ривожлантириш ғоясини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов улкан ҳисса қўшди. Янги жамият тузишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари, принциплари ва йўллари унинг сайловолди дастурида белгиланган эди, кейинчалик булар унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI ва XII

~~сессиялари (1992 йил 8–10 декабрь, 1993 йил 6–7 май) даги нутқлари ва чиқишларида аниқлаштирилиб, чуқурлаштирилди.~~

Ўзбекистон демократик, ижтимоий жиҳатдан адолатли ижтимоий тузум, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган ва жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшадиган тинчликсевар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бой давлат барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси деб ҳисоблайди. Бундай жамиятни қўйидагилар асосида шакллантириб бориш мўлжалланади:

– барча шакллардаги мулклар, жумладан давлат мулкининг ҳуқуқда тенг бўлиши ва рақобат қилишига, хўжалик юритиш шаклларининг хилма-хиллигига, минтақа ва жаҳондаги бозор тузилмалари билан фаол алоқа боғлашга асосланадиган бозор иқтисодиёти;

– давлат бошқаруви ва ижтимоий жараёнлар тизимини мафкурадан холи қилиш;

– кўп партиялилик, президентлик бошқарувининг самарали равишда фаолият кўрсатиши, қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятини ажратиб қўйиш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш принциплари;

– барча миллат, барча динлардаги фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда онгли равишда иштирок этиши.

Ҳозирги давлат бошқаруви тизимининг шаклланиши. Демократик ҳуқуқий давлатни тузиш энг аввало давлат бошқарувининг ҳозирги замон тизимини шакллантириш билан боғлиқ эди. Ўзбекистон Республикаси эълон қилинганидан кейинги биринчи ойлардаёқ бу республика давлат суверенитетини амалга оширувчи тузилмалар: мудофаа ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона комитети, давлат мулкни бошқариш ва мулкни хусусийлаштириш, қимматбаҳо металллар, фан ва техника комитетлари, олий аттестация комиссияси тузилди.

Давлат бошқаруви хусусида тузилаётган тизимнинг асоси президент бошқаруви бўлди. Президентлик бошқаруви, мустақил давлат ва республикадаги ижрочи ҳокимиятнинг бошлиғи бўлмиш Президентнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ваколатлари Президентнинг умумхалқ томонидан сайланишида тасдиқланди.

Сиёсий тизим, аввало қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятлари органларини қайта тузиш ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос томонларини ва республика миллий давлат қурилиши талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириб борилди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ислоҳ қилиш республиканинг туманлари, шаҳарлари ва вилоятларида ҳокимлар бошқаруви тасдиқланиши билан таърифланди.

Жамиятда кўп партиялиликнинг қарор топиши. 1988 йил охири – 1990 йил бошларида Ўзбекистонда "Бирлик" ижтимоий-сиёсий ҳаракати вужудга келди. Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти 1989 йил май ойида унинг дастурий қоидаларини қўллаб-қувватлади. 1990 йилда "Эрк" халқ ҳаракати пайдо бўлиб, 1990 йилнинг ёзида у "Эрк демократик партияси" га айланди. Бу ҳаракат ва партиялар ошкораликни кенгайтириш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фаоллаштириш, миллий қадриятлар, хусусан, анъаналар ва маросимларни қайта тиклаш, шунингдек республика ҳаётида Марказ ҳукумронлигига барҳам беришни ёқлаб чиқдилар. Бироқ бу ҳаракат ва партияларнинг раҳбарлари кейинги йилларда Республика Президенти ва Олий Кенгаши сиёсатига мухолифлик йўлига ўтдиларки, бу нарса жамиятдаги фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига путур етказди.

Шунга кўра сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва бирлашмалар фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 август ва 17 сентябридаги фармонлари билан белгилаб берилди. Шу фармонларга мувофиқ партия ва ҳаракатларнинг ҳудудий принципда тузилиши эълон қилинди, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар, фондлар, корхоналарда, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, халқ таълими тизимида уларнинг ташкилий қурилмаларини тузишга йўл қўйилмайдиган бўлди.

Республика ҳукуматининг кўрган бу чораларига "Бирлик" ва "Эрк" раҳбарлари мутлақо парво қилмадилар. Аслия органлари республикада осойишталикни сақлаб қолишга интилиб, турли ҳаракатлар ва партияларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши хусусида янги тартиб-қоидаларни белгиладилар. Шундан кейин бу ҳаракатлар ўз фаолиятларига амалда барҳам бердилар.

1991 йилнинг июнида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари жамоатчилиги вакиллариининг иштироки билан Ўзбекистонда демократик-ислохотлар учун ҳаракат вужудга келди. Бу ҳаракат жамиятнинг демократик ривожланишини таъминлаш юзасидан Республика Президенти амалга ошираётган улғувор чора-тадбирлар соясида қолиб кетди ва у ҳам ортиқ ривожлана олмай қолди. 1991 йилнинг ноябрида Ўзбекистон халқ демократик партияси, 1992 йилнинг ёзида эса "Ватан тараққиёти" партияси тўзблди.

1991 йилнинг охирларида республика ёшларини уюштириш ва тарбиялашда аста-секин ўз ўрни ва ролини белгилаб олган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлати биринчи Конституциясининг қабул қилиниши. Олий Советнинг 1992 йил 8 декабридаги 12- чақириқ XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши миллий давлат, дунёвий ижтимоий тузумнинг қарор топишида, республика суверенитетини ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-руҳий жиҳатдан мустақкамлашда муҳим воқеа бўлди. Бу Конституция жаҳон ҳамжамиятида суверен, демократик, ҳуқуқий давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганини маълум қилди.

Конституция қабул қилинишидан олдин республика ҳуқуқшунослари ва сиёсатчилари унинг лойиҳаси устида деярли икки йил иш олиб бордилар. Бирлашган Миллатлар Таъкилоти ҳужжатлари, Инсон ҳуқуқи бутунжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқнинг қоидалари бу Конституция негизига асос қилиб олинди, Оврўпа, Америка, Осиёдаги ривожланган давлатларнинг конституцияга доир тажрибаларидан фойдаланилди. Янги Конституция лойиҳасининг икки ярим ой давомида умум халқ томонидан муҳокама қилиниши унинг мазмунини бойитиб, айрим моддаларини ўзбек халқининг тарихий тажрибаси, миллий қадриятлари ва анъаналарига мос равишда аниқлаштириб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кириш қисми, 26 бобни бирлаштирган олти бўлим ва 128 моддани ўз ичига олади. Конституциянинг энг асосий ғояси инсонни, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаън-шавкати ва қадр-қимматини ҳаммадан юқори қўядиган умуминсоний тамойилларга тарафдорликдир.

Бу Конституция халқни ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи деб эълон қилиб, бу халқ Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, уларнинг миллатидан қатъи назар, ташкил топади деб таъкидлайди. Халқ ижтимоий ҳаёт билан давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва булар юзасидан қарорлар қабул қилишда ҳам тўғридан-тўғри – референдумлар орқали, ҳам вакиллар – ўзи сайлаб қўйган давлат органлари орқали иштирок этади. Конституцияда инсон — фуқаронинг ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари мустақкамлаб қўйилган ва бузилмас деб эълон қилинган. Булардан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига давлат кафолат беради: ҳар бир кишига унинг суд йўли билан ҳимоя қилиниши кафолатланади. Шу билан барга ҳар бир фуқаро жамият ва давлат олдида жавобгардир, бу – Конституцияда унинг зиммасига қўйиладиган мажбуриятларда мустақкамланган.

Ўзбекистон Конституциясида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ва иқтисодиётнинг бозор талабларига қаратилганлиги мустақкамлаб қўйилганки, бу – жамият билан шахс ўзаро мунасабатларини уйғунлаштиришни кўзда тутади. Мулкчиликнинг бошқа шакллари билан бир қаторда шахсий мулкнинг тан олинishi инсоннинг иқтисодий фаолияти, унинг тadbиркорлиги учун кенг йўл очади, бу эса инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг чинакам амалга оширилиши ва иқтисодий кафолати бўлиб ҳисобланади.

Конституцияда ижтимоий ҳаёт плюрализмининг мустақкамлангани, кўпдан-кўп жамоат бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фаҳрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, ва бошқалар) манфаатларининг тан олингани ҳамма фуқароларга ўзини кўрсатиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун шарт-шароитлар туғдириб беради. Конституцияда виждон эркинлиги ва диний эътиқодларнинг эътироф этилганлиги ҳар бир инсонга унинг ўз эътиқодига амал қилиб бориш ва ўз динига эркин эътиқод қилиш ҳуқуқини беради.

Давлат ҳокимияти тузилишининг халқаро ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилган демократик шакллари ва энг ав-

вало ҳокимиятларни – қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятларини – ажратиб қўйиш принципига асосланиб туриб, Конституция булардан ҳар бири фаолиятининг принципларини ва ўзаро таъсир механизмини белгилаб берди. Конституциянинг махсус бобларида қонун чиқарувчи олий орган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; республика бошлиғи ва Ўзбекистон Республикасида ижрочи ҳоким бўлмиш Республика Президенти; иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишини, Олий Мажлис қонунлари ва фармойишлари, Президент фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминловчи Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик судидан, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва Қорақалпоғистон Республикасининг Ҳужалик судидан ташкил топган суд ҳокимияти ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг алоҳида боби Ўзбекистон Республикаси таркибига кирадиган Қорақалпоғистон Республикасига бағишланган. Бунда Қорақалпоғистон Республикасининг мақоми, ҳақ-ҳуқуқлари ва Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларининг асослари белгиланади.

Конституцияда эълон қилинган ижтимоий ҳаёт ва давлат ҳаётининг принциплари ва нормалари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари республикадаги барча миллат ва динлардаги кишилар ўртасида тинчлик, дўстлик, осойишталик, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш учун замин яратиб беради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида қандай муаммолар ва қийинчиликлар кўзга ташланди?
2. Ўзбекистондаги энг муҳим ҳокимият бошқарувларини айтиб ўтинг.
3. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси тўғрисида сўзлаб беринг.

2- §. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўли

Маданийлашган бозорга ўтиш дастури. Мустақиллик эълон қилиниши билан Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш йўлига киришилди. Бу йўл

конституцияда тасдиқланди. Республика иқтисодиётининг дастлабки даврдаги аҳволини, аҳолининг турмуш савиясини ҳисобга олиб ва халқаро тажрибага ҳамда республиканинг ўзидаги табиий ресурслар, хом ашё ва меҳнат ресурсларига таяниб туриб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос, мустақил йўли ишлаб чиқилди. Ёш давлат иқтисодий сиёсатининг моҳияти И. А. Каримов томонидан олдинга сурилган қондаларда очиб берилган. Бу қондаларга кўра, бозорга ўтиш муқаррардир. Бу давр талаби, объектив реаллик. Шу билан бир вақтда бозор бирдан-бир мақсад бўлмай, балки янги қадриятларни шакллантириш, кишиларнинг фаровонлигида сифат жиҳатидан янги даражага эришишнинг усули, воситасидир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос мустақил йўли моҳият эътибори билан қуйидагича деб белгиланган:

– Аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Ўзбекистон Россия Федерацияси ва собиқ Иттифоқнинг башқа баъзи республикалари танлаган йўлдан – бозор иқтисодиётига бирдан, дабдурустдан ўтиш йўлидан воз кечди. Бозор иқтисодиётига ўтиш ташкилий, иқтисодий тизимлар, молия кредити тизимини, ҳуқуқий база, бозор механизмларини яратиш, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, аҳолини психологик жиҳатдан бозор иқтисодиётига тайёрлаш йўли билан амалга оширилади.

– Иқтисодий сиёсатни жамият манфаатларини кўзлаб амалга ошириш. Аҳолини, айниқса унинг заиф қатламлари – етимлар, болалар, ўқувчилар, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга доир чора-тадбирлар табиатан олдини олувчи чоралар бўлиб, бозор механизмларини жорий этишдан олдин амалга оширилади.

– Ўтиш даврида давлатнинг тартибга солувчилик роли. Давлат ўз ихтиёридаги дастаклар (молия, солиқ, валюта, нарх-наво сиёсати) ёрдамида халқ хўжалигининг шу даврда дуруст фаолият кўрсатиб боришини таъминлайди: иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини қўллаб-қувватлайди, тадбиркорлик қурилмалари ва бозор механизмларининг қарор топишига; истиқболли янги соҳалар қурилишига ёрдам беради ва ҳоказо.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Ана шу принципларга мувофиқ ҳозирги босқичда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қуйидаги устивор йўналишлари ҳукумат ҳужжатларида белгилаб берилган:

– қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган қайта ишловчи саноат соҳаларини ривожлантириш;

– бозор қурилмасининг қарор топиши ва изчил суратда ривожланиб боришига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

– бозорга ўтишнинг асосий шarti тариқасида иқтисодиётнинг муттасил фаолият кўрсатиб боришини таъминлаш;

– ўзгарувчан бозор шароитларида меҳнат қилишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни етиштириш.

Давлатлараро алоқаларнинг номукамаллиги, барча собиқ совет республикаларида жиддий иқтисодий инқироз бошлангани, улар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг деярли бутунлай барбод бўлгани иқтисодий ислохотнинг боришига ва умуман республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволга сезиларли таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, Россияда 1992 йилнинг бошларидан маҳсулотларга (жумладан нефть, нефть маҳсулотлари, тошкўмирга) эркин баҳолар жорий этилиши Россияда ҳам, ягона иқтисодий ҳудудга кирувчи (хўжалик алоқалари, рубль минтақаси ва бошқалар жиҳатидан) барча давлатларда ҳам ҳамма нарсаларнинг нархлари кескин кўтарилиб кетишига олиб келди ва бозор иқтисодиётига ўтишга доир ислохотларгагина эмас, балки аҳолининг ижтимоий аҳволига ҳам ёмон таъсир ўтказди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилган ижтимоий сиёсат аҳоли, айниқса кўп болали оилалар, пенсионерлар, болалар, ногиронлар, ўқувчи ёшлар сингари қатламлар турмуш даражасини сақлаб боришга қаратилган эди.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий қолақлигининг болалар ўлими ва аёллар орасида касалланишнинг кўплиги (айниқса Қорақалпоғистонда), аҳоли, хусусан қишлоқ аҳолиси овқат рационининг камчилиги, соғлиқни сақлаш муассасалари ва умумтаълим мактаблари тармоғининг ривожланишида мудом орқада қолаётгани (аввало қишлоқда), деярли барча минтақаларда, хусусан Орол-

бўйида ноқулай экологик вазият вужудга келгани сингари ижтимоий вазиятни мушкуллаштирадиган оқибатлар ҳам давлат органлари, турли ижтимоий фондлар ва ташкилотларнинг ўзига доимий аҳамият бериши ва ғамхўрлик қилишини талаб этди.

Шу муаммоларни ҳал қилиш учун Республика Президенти мақсадга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириб борди. Мисол учун Орол муаммоси олиб кўриладиган бўлса, бу ўринда Марказий Осиё давлатлари, бир қанча халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди. 1993 йил март ойида Ўзбекистон Президенти Қизил Ўрдада (Қозоғистон) Орол денгизи ва кўпгина қисми Қорақалпоғистон ҳудудини ташкил этувчи Оролбўйини экологик жиҳатдан соғломлаштириш юзасидан Қозоғистон ва бир қанча халқаро ташкилотлар билан биргаликда фонд тузиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади.

Иқтисодиётни, энг аввало қишлоқ хўжалигини жонлантиришга доир чоралар ҳам республика раҳбариятининг танланган йўлга содиқлигини тасдиқлайди. Бу хусусда томорқа участкаларини кенгайтириш ва қишлоқ аҳолисига якка тартибда турар жой қуриш ҳамда шахсий хўжаликни юритиш учун ер ажратиб бериш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Кўпгина шаҳар ва район марказларида неча ўн минглаб оилалар ҳам якка тартибда турар жой қуриш учун яқин атрофдаги қишлоқ жойларидан ер олдилар. Натижада 1993 йил март ойига келганда томорқа участкалари ва шахсий (оилавий) ерлар майдони 3,5 баравардан зиёдроқ кенгайди. Томорқа участкалар ва қўшимча ер майдонларида меҳнат қилиш оилани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ортиқча маҳсулотни сотиш ҳисобига қўшимча даромад олиш учун анча ёрдам берди.

Фермерлик, ижара, пудратни кенгайтиришга оид чоратadbирлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатлар ва қишлоқ меҳнат аҳлида бозор психологиясини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Қиёсан қисқа муддат ичида 12,5 минг фермер хўжаликлари ташкил этилди, бунга бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан деҳқон хўжалиги, автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб

чиқаришни ўстиришни рағбатлантиришга, қишлоқдаги мулкчиликнинг барча шакллари ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, кам таъминланган қишлоқ аҳолиси қатламларини ижтимоий ҳимоялашга, қишлоқ хўжалигида янги иш ўринлари ва бозор инфраструктурасини юзага келтиришга қаратилган фармонлари ҳам ёрдам берди.

Пахта хом ашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини қайта-қайта ошириш, пенсиялар, нафақалар, компенсацияларни тўлашга, иш ҳақини, олий ва ўрта ўқув юртлари талабаларининг стипендияларини оширишга, талабалар, мактаб ўқувчиларининг овқатланишига қўшимча ҳақ тўлашга давлат бюджетидан мунтазам равишда маблағлар ажратилиб турилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг моддий рағбатларини кучайтиришга, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг барча шакллари мустақамланишига, шунингдек аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга каттагина ёрдам берди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганига мувофиқ бутун индустрия салоҳияти, минерал ресурслар ва бошқа бойликлар республиканинг ўзи танҳо эгаллик қиладиган мулкки бўлиб қолди. Ўзбекистон раҳбарияти бозор инфраструктураси бошланғич бўғинларини шакллантириш, шунингдек товар ишлаб чиқарувчи соҳаларда мусобақадорлик ва рақобатни аста-секин ривожлантириб бориш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 1992 йилда маҳаллий саноат, маиший хизмат тизими, умумий овқатланиш, давлат савдосининг баъзи корхоналари, баъзи автотранспорт ташкилотларини хусусийлаштириш, зарар келтираётган давлат хўжаликларини жамoa хўжаликларига айлантириш дастурини ишлаб чиқди. Натижада деярли 2 минг корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Мана шу чоралар натижасида ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги анча юксак ижрочилик ва меҳнат интизоми туфайли Ўзбекистон халқ хўжалигидаги пасайиш 1992 йилда 1991 йилдагига қараганда 4,5 фоизни ташкил этди, ҳолбуки Россияда у 20 фоиздан ошиб кетди.

Республика Президенти Фармонига мувофиқ давлат тўрар жой фондининг хусусийлаштирилиши Ўзбекистон аҳолиси томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Шу билан бирга бу тадбир фуқароларнинг бир қанча тоифалари

учун бепул ёки жуда имтиёзли шартлар билан амалга оширилди.

Ўзбекистонда ишсизлик жуда жиддий ва тобора кескинлашиб бораётган ижтимоий муаммо бўлиб келди. Расмий маълумотларга қараганда, республикада ишсизлар сони 1992 йилда 1 млн. 200 минг нафар кишини, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонининг 10 фоизини ташкил этди. Шу сабабдан Ўзбекистон раҳбарияти меҳнатга лаёқатли аҳолини жуда тез муддатлар ичида иш билан таъминлаш йўлини тутди. Бунда меҳнат биржасига, ишсизларни рўйхатга олиш ва уларга вақтинчалик нафақалар тайинлашга, шунингдек касб малакасини ошириш ва кадрларни корхоналар эҳтиёжларига қараб қайта тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этишга алоҳида ўрин берилди.

Ўзбекистондаги давлат ва хўжалик органлари, корхоналар ва хўжаликларнинг ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар корхоналари, ҳокимият органлари ва бошқармалари билан, ажнабий фирмалар ва корпорациялар билан икки томонлама алоқаларини мустақил ривожлантириб бориш, замонавий янги технологияларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганликлари ҳам аҳоли турмуш даражасини кўтаришга ва республикадаги барқарор ижтимоий вазиятни сақлаб қолишга ёрдам беради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ва ижтимоий соҳада қандай энг жиддий муаммоларни ҳал қилишга тўри келади? 2. Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий снѳсати хусусида Республика Президенти И. А. Каримов китобларида баён этилган асосий тамойилларни айтиб бериш. 3. Моллар ва хизматларнинг нархлари ортиб бораётган шароитларда республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашга доир аниқ мисолларни келтириш.

3- §. Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти

Туб халқлар миллий ўз-ўзини англашининг ўсиши. Узоқ ўтмишни ва қайта қуриш йилларидаги яқин ўтмишни қайтадан ўйлаб кўриб, моҳиятига тушуниб олиш, шунингдек Фарғона воқеалари ва айниқса Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация қабул қилинганидан кейин иттифоқ Маркази билан

тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишга бўлган қонуний интилиш республика туб халқлари миллий ўз-ўзини англаши ва фуқаролик фаоллиги ўсиши учун асосий омиллар бўлиб хизмат қилди. Сўнги бир неча йилда вужудга келган ошкоралик вазияти ҳам бунга анчагина ёрдам берди. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши миллий ўз-ўзини англашнинг ўсишигагина эмас, балки туб аҳолининг бутун ҳаёт-фаолиятига, айниқса маънавий соҳада, сифат жиҳатидан янги тус берди.

Республика маънавий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар. 1990 йилда Ўзбекистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация қабул қилинганидан кейин Ватан тарихига миллий ватанпарварлик нуқтаи назаридан қизиқиб қараш, шунингдек Ватан тарихининг мафкуравий партия кўрсатмалари таъсирида неча ўн йилликлар давомида сўз очилмай келган ёки бузиб кўрсатилган даврлари хусусидаги илмий-тарихий тадқиқотларнинг кенгайиши республика туб халқлари, қисман русийзабон аҳолисининг маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди. Бу, масалан, икки шарқий Уйғониш даври (Марказий Осиёдаги Уйғониш даври), Темур ва темурийлар давлати, Марказий Осиё хонликлари тарихи, минтақанинг Россия томонидан босиб олиниши ва бошқалар тарихидир.

Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси қисман ёритилган бўлса ҳам, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғилонийларнинг ғоялари ва ижодиёти тўғрисида мутлақо лом-лим дейилмас эди, чунки уларда мусулмон дини, илмий тасаввуф мафкураси, шариат ҳуқуқий йўл-йўриқлари ва бошқаларнинг қонун-қоидалари асослаб, талқин қилиб берилар эди.

Ана шундай мавзуларни татқиқ этиш ва ёритиш эндиликда Ўзбекистон маънавий ҳаёти тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб қолди. Шу жиҳатдан олганда Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги муносабати билан тантаналар ўтказилиши, Тошкентда Темур ва Улуғбекларга ҳайкаллар қўйилиши, тарихга бағишланган

бир қанча илмий-оммавий асарлар нашр этилишининг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтса бўлади.

Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Давлат тили тўғрисидаги қонун кенг миқёсда ва фаоллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ўзбек халқи, бу халқ билан биргаликда эса республикада яшаб турган бошқа туб миллат ва элатларнинг миллий давлати қайта тикланишига рағбат берди.

Сталин шахсига сифиниш йилларида ва кейинги ўн йилликлар давомида қатағон қилинган республика фуқароларининг оқланиши, шунингдек 1985 — 1989 йилларда қораланган неча минглаб ўзбекистонликлар хусусида собиқ СССР Олий суди чиқарган қарорларнинг Ўзбекистон Олий суди томонидан қайта кўриб чиқилиши Ўзбекистон мустақиллиги қарор топиши давомида бу республика халқлари маънавий ҳаётининг сифат жиҳатдан янги тараққиётга кирганлигидан далолат беради. Ўзбекистон фуқаролари хусусида адолатни тиклашга қаратилган шу йўлнинг мантиқий давоми тариқасида атоқли давлат сиёсий арбоблари ва миллий зиёлилар вакиллари 1991 — 1992 йилларда оқланди.

Миллий давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейин чинакам халқ анъаналари ва туб аҳоли одатларини қайта тиклашга қаратилган актларнинг бири Наврўзни байрам қилишга 1992 йили расмий мақом берилганлиги бўлди. Наврўз Шарқда янги йил боши, табиатнинг уйғониш чоғи сифатида байрам қилинади. Бу байрам тирикчилиги ер билан боғлиқ бўлган кишилар учун айниқса тантанали кундир. Наврўз ўз илдизлари билан исломгача бўлган маданият ва маърифатга бориб тақаладиган ва ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи аҳолининг жамоа бирдамлиги анъаналарини намойиш этувчи байрамдир. Совет даврининг битта мафкурани ҳукмрон қилиб қўйган мутаассиб атеистик қолип-андозалари Наврўзни қуруқ маиший тантана даражасига тушуриб қўйган эди. Эндиликда бу байрам қайта тикланди, ушбу байрамга бағишлаб ҳар йили умумдавлат миқёсида тантаналар ўтказилиши ана шундан далолат беради.

Республика ёшлари вакилларини ўқиш ва касб ўрганиш учун хорижий давлатларнинг ўқув юртлари ва илмий муас-

сасаларига юбориш, илмий ва ижодий гуруҳлар, артист труппалари билан алмашилиш ва бошқаларнинг амалда расм бўлиб қолганлиги Ўзбекистон халқлари ижтимоий онги ва маданиятини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Тошкентда ўтказилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кино-фестивали, шунингдек Қорақалпоғистон адабиёти ва санъатининг ўн кунлиги республиканинг кўп миллатли аҳолиси орасида катта муваффақият қозонди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантаналар катта таассурот қолдирди.

Республика маънавий ҳаётининг тикланишидаги тенденциялар. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ҳозирги шароитларда объектив суръатда бир қанча жиддий муаммо ва тенденцияларни вужудга келтиради.

Биринчидан, бу республика туб халқлари миллий ўз-ўзини англаши ривожланиб боришида табиати ва йўналиши жиҳатидан мутлақо бир хил бўлган жараён эмас, бунда, бир томондан, Ўзбекистон халқининг шу республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашдан манфаатдорлиги намоён бўлса, иккинчи томондан, туб аҳоли турмушида мусулмон мафкураси ролининг сезиларли даражада кучайиб бориши намоён бўлади. Шу муносабат билан мусулмон диний ташкилотлари, руҳонийлар ва дин аҳли туб аҳоли орасида жуда таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган бир пайтда давлат оммавий ахборот воситалари, маданий-маърифий муассасалари ва дунёвий ишлар билан шуғулланувчи жамоат бирлашмалари, фондларнинг табиатан дунёвий ва мазмунан маънавий ҳаётни шакллантириш учун етарли фаолият кўрсатмаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Иккинчидан, жамиятда катта аҳамиятга эга бўлган ва маънавий ҳаётнинг дунёвий мазмунини қарор топтириш учун хизмат қиладиган давлат тузилмалари ва бўғинлари (халқ таълими, маданият, фан, санъат, оммавий ахборот органлари ва бошқалар) тижорат ишларига тобора кўпроқ берилиб кетмоқдалар ёки оғир моддий аҳволга тушиб қолмоқдалар. Театрлар, кино заллари, музейларга борувчилар сони кескин камайиб кетди, газета-журнал маҳсулоти, шу билан бирга русий забон аҳоли учунгина эмас, балки туб аҳоли учун ҳам мўлжалланган маҳсулот

нусхалари камайиб қолди; мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар нашр этиш сезиларли даражада қисқарди; Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан китоб ал-машиниши суст йўлга қўйилган.

Республика маънавий ҳаётининг тараққиётидаги ана шу ва бошқа кўпгина тенденциялар ва муаммолар апчагина хавотирлик уйғотади. Ана шундай шароитларда барча даражадаги ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар кўп миллатли Ўзбекистонда руҳан байналмилал бўлган дунёвий, демократик ҳуқуқий жамият тузишга ёрдам берувчи тенденциялар маънавий ҳаёт тараққиётида устунлик қиладиган бўлишига ҳар томонлама кўмаклашишлари керак. Маънавий ҳаётни маърифатли йўлга солиб ривожлантириб бориш учун республика Президенти томонидан таърифлаб берилган қуйидаги маънавий-ахлоқий тамойиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқ маънавий меросини мустаҳкамлаш ва бойитиб бориш;
- инсоннинг ўз имкониятларини ўзи эркин юзага чиқара олиши;
- ватанпарварлик.

Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси миллий давлат, дунёвий ижтимоий тузум қарор топиши, республикамиз суверенитетининг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-руҳий жиҳатдан мустаҳкамланишидаги биринчи, энг муҳим босқичнинг маҳсули бўлди. Шак-шубҳа йўқки, барча халқаро ҳуқуқ қонунқоидаларига мос келадиган Конституциянинг қабул қилиниши МДХ даги бошқа республикалар орасида ва жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикасининг обрў-эътибори ортиб боришига ёрдам беради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. "Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти" деганда нимани тушунасиз? 2. Тарихан қарор топган анъаналар ва расм-русумлар миллат, халқнинг маънавий ҳаётида қандай ролни ўйнайди? 3. Аждодларнинг маънавий мероси деганда нимани тушунасиз? 4. "Маънавий ҳаётнинг дунёвий мазмуни" деган ибора нимани билдиради? 5. Ўзбекистон халқларининг маънавий ҳаётида сўнгги йилларда қандай ўзгаришлар рўй берди?

4-§. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва жаҳонда тутган мавқеи

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг машаққатлар билан қарор топиши. 1991 йилнинг сентябрь-ноябрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг сиёсий раҳбарияти СССРни янгилашга доир Ново-Огарево музокараларида қатнашишда давом этди. Қўшма давлат сифатидаги СССРнинг муқаррар емирилиши муносабати билан бир қанча мустақил республикалар, жумладан Ўзбекистоннинг республикалар ўртасидаги иқтисодий, ишлаб чиқариш, маданий ва умуминсоний алоқаларнинг янада бузилиб кетмаслигига йўл қўймаслик хусусида кўрсатган қатъияти муваффақият билан пировардига етди: 1991 йил 26 ноябрда конфедерация тариқасидаги Суверен Давлат Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ниҳоят ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа Россия, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳукуматларининг раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди ва СССР Давлат кенгаши томонидан суверен республикалар парламентларига юборилди. Лекин бу лойиҳа кечикиб келди.

Иттифоқ ҳокимияти органларининг бутунлай ҳаракатдан қолганлиги аниқ бўлиб қолган шароитларда ҳамма нарсага қодир КПСС Марказий Комитети 1991 йил августда тарқатиб юборилди ва Россия, Белорус ҳамда Украина раҳбарлари Ново-Огарево музокараларида қатнашган бошқа республикаларнинг бошлиқлари билан келишмасдан туриб, 1991 йил 7 декабрда Беловеж пушчесида бўлиб ўтган учрашувда ҳақиқатда емирилиб бораётган СССР ўрнига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузишга қарор қилдилар.

Бошқа мустақил республикалар бошлиқлари сингари, Ўзбекистон раҳбарияти ҳам иш битиб бўлганидан кейин ундан хабардор қилинди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти МДҲга киришга қарор берди. Лекин бу қурилма, тез орада маълум бўлиб қолганидек, фақат расман "Ҳамдўстлик" мақомига эга бўлди. Бу мақом унга маълум ваколатлар бериш ва тегишли ташкилий тузилмалар ташкил этиш билан мустаҳкамланмади. Натижада давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг Минск, Киев, Москва, Олмао-

та, Бишкек, Тошкент ва Ашгабатда МДХ доирасида ўтказган учрашувларида қабул қилинган чиндан ҳам зарур ва муҳим қарорларнинг кўпчилиги бажарилмай қолди. Ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар ва умуман Ҳамдўстлик манфаатлари билан ҳисоблашмай, мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни олиб боришга интилгани ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Россиянинг молия соҳасидаги сиёсати давлатлараро муносабатларга айниқса ҳалокатли таъсир ўтказди, чунки МДХ га кирадиган кўпчилик давлатлар Россия Марказий банки томонидан назорат қилиб бориладиган рубль минтақасида эди. Гарчанд, 1993 йилнинг кузидан бошлаб бир қанча давлатлар, жумладан Ўзбекистон ҳам ўзларининг доимий ёки ўтиш давридаги валютасини жорий этган бўлсалар ҳам, собиқ совет республикалари иқтисодиёти ўзаро боғланган ва умуман Россия Федерациясидан энергия ресурслари, дон, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари етказиб берилишига боғлиқ бўлгани туфайли Россиянинг нарх белгилаш сиёсатидаги ҳар қандай ўзгаришлар шу республикалардаги барча турдаги маҳсулотларнинг нархларига муқаррар таъсир ўтказар эди.

Ана шундай шароитларда Ҳамдўстлик давлатларининг икки томонлама асосда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга доир савъ ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси, Украина, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқалар билан Шартномалари тузилди. Айрим давлатларнинг МДХ доирасида зарур қурилмалар ва блоklar тузишга доир ташаббуслари муҳим ролни ўйнади. МДХ давлатлари бошлиқларининг 1992 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан коллектив хавфсизлик тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартномани олти мамлакат раҳбарлари имзоладилар.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг И. А. Каримов ташаббуси билан 1993 йил 4 январда Тошкентда чақирилган учрашуви шу давлатлар ҳаётида жиддий воқеа бўлди. Бу учрашувида умуман бутун минтақа тақдирига таллуқли муаммолар биринчи марта муҳокамага қўйилди. Марказий Осиё давлатларидан бирининг пойтахтларида мунтазам чақириб туриладиган ана шундай учрашувлар

минтақа кучларини жипслаштирувчи муҳим дастакка айланди. Шу давлатлар тарихий тақдирлари ва геосиёсий ҳолатининг муштараклиги уларнинг ўзаро иқтисодий, савдо-сотик, сиёсий ва маънавий ҳамкорликни кенгайтириш, инқирозли ҳолатдан чиқиб олиш, МДХ муаммолари бўйича ўз позицияларини белгилаш йўлларини ахтаришга интилишларини тақозо қилди.

1992 йилнинг охиридан бошлаб фуқаролар урушига тортилиб кетган Тожикистонда яраштирувчилик вазифасини бажариш юзасидан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ана шу учрашувларнинг муҳим якуни бўлди. Ўз давлатининг дунёвий ривожланишини кўзда тутган ҳукумат йўлининг душманлари томонидан бошланган бу уруш Тожикистон халқлари бошига сон-саноқсиз кулфатлар солди, уларнинг хўжалик ва маданий ҳаётини барбод этиб, неча минглаб кишилар ёстигини қуритди, неча ўн минглаб одамлар ўз турар жойларини ташлаб қўшни давлатларга – Ўзбекистон, Қирғизистон, Афғонистонга қочиб кетишга мажбур бўлди.

~~Қурол билан муҳолифат томонини қўллаб-қувватлашга ўтган афғон мужоҳидлари аралашуви билан бошланган ана шу ички можаро бутун минтақадаги тинчлик ва осойишталик учун жиддий хавф-хатарга айланиб қолди. Ана шундай қалтис вазиятда Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил январда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Тожикистон халқи ва қонуний равишда сайланган раҳбариятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш туғрисидаги қарори айни ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди. Шу қарорга мувофиқ Қозоғистон билан Туркманистон каттагина моддий ёрдам, Қирғизистон билан Ўзбекистон эса, Россия билан биргаликда моддий ёрдамдан ташқари ўз қуролли кучлари таркибидан биттадан батальон юбордилар.~~

Шу вақтга келиб МДХ доирасида ҳам сезиларли ўзгаришларга эришиш мумкин бўлди. 1993 йилда ва 1994 йилнинг бошида ташқи иқтисодий ҳамкорлик ва ёнилғи-энергетика соҳаларини ривожлантириш, ташқи чегаралар, энг аввал Тожикистоннинг Афғонистон билан чегараларини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш, Тожикистонга тинчлик ёрдами кўрсатиш масалалари юзасидан келишиб олишга эришилди.

Халқаро майдонда Ўзбекистон мавқеининг мустақам-
ланиши. Ўзбекистон мустақиллиги қарор топишининг
биринчи даври иқтисодий ва ижтимоий соҳани соғлом-
лаштиришдан кўра халқаро миқёсда таъминоти ва ҳам-
корлик қилиш соҳасида кўпроқ самара берган давр бўлди.

—Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йўлига
ўтган вақт ичида Осиё, Африка, Оврупо ва Американинг 60
дан ортиқ мамлакатлари, шунингдек МДХга кирувчи де-
ярли барча давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўр-
натиш тўғрисида шартномалар тузди. Биринчи бўлиб АҚШ
ва Туркия Тошкентда ўзларининг ваколатхоналарини
очдилар. Тошкентдаги элчихоналар ва дипломатик ваколат-
хоналарнинг бинолари устида 1993 йили 60 дан ортиқ мам-
лакатлар, жумладан АҚШ, Франция, Туркия, Германия,
Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Малайзия ва бошқа
мамлакатларнинг байроқлари пайдо бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва инсонпарварлик
соҳаларида Россия Федерацияси билан ҳамкорлик
қилишнинг айниқса муҳимлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон
Республикаси 1992 йилда Москвада ўзининг биринчи
элчихонасини очди. Ўзбекистоннинг олис хориж деб
аталмиш мамлакатлардаги биринчи элчихонаси Туркияда,
бирмунча кейинроқ эса АҚШ, Франция, Германия, Миср ва
бошқа мамлакатларда очилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон
Республикасининг жаҳондаги турли мамлакатлар билан
дипломатик муносабатлари тамомилан маънавий ва изчил
равишда ривожланиб бормоқда.

—Республиканинг бозор муносабатларини босқичма-
босқич шакллантириб бориш, аста-секин жаҳон бозорига
чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан
барқарорликка, давлат ҳокимияти органларининг
қонунийлигига эришиш, фуқароларнинг умуман таъ-
минланган ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ху-
сусида туганган йўли халқаро ва минтақавий сиёсий,
молдавий ва бошқа ташкилотларнинг у ёки бу халқаро
ташкилотга кириш истагини билдирган давлатларга
қўядиган талабларига мос келади. Ана шу нарса Ўзбекистон
Республикасига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро
валюта фонди, Жаҳон Банки, Қайта қуриш ва ривож-
лантириш Оврупа банкига аъзо бўлиб кириш учун имкон
берди. 1993 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Президенти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида чиқиб нутқ сўзлади. Кейинроқ эса Хельсинкида (Финляндия) республиканинг Оврупада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик қилиш буиича кенгашга қушилиши туғрисидаги ҳужжатни имзолади.

Натижада АҚШ, Германия, Испания, Франция, Италия ва бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилди. Президент И. А. Каримов қайд қилиб ўтганидек, ғарбий дунё билан ҳамкорлик қилиш эса замонавий технологияларга, инвестицияларни асосий саноат соҳаларига жалб қилиш, хом ашёдан комплекс тарзда фойдаланишга йўл очади. Ажнабий мамлакатлар кадрлар тайёрлашда, айниқса банк соҳаси ва бошқарувда, ахборот тармоқларини йўлга қўйиш, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқалар ўрнатиш, ажнабий қонунчилик тажрибасини ўрганишда республикамизга ёрдам бермоқда.

Мана шу омилларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда фаол мавқеини эгаллаб бораётганидан далолат беради. Бу – мустақил Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли халқи қадам қўйган улкан, машаққатли ва порлоқ йўлнинг бошидир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР. 1. Нима сабабдан МДХ ҳамон чинакам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига айлангани йўқ? 2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва МДХда фаол роль ўйнашига қандай омиллар қулайлик туғдиради? 3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат бобидаги асосий ютуқларини таърифлаб беринг. 4. Ажнабий капитал учун, шунингдек халқаро савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик учун нималар бизнинг республикамизни қизиқарли қилиб қўяди?

Хронологик жадвал

- 1917 йил, 28 февраль (13 март) — Россияда демократик инқилоб галабаеси.
- 1917 йил, 2 (15) март — Россия муваққат Ҳукумати-нинг тузилиши.
- 1917 йил, март — Тошкент "эски" шаҳар аҳолисининг йиғилиши.
- ~~1917 йил, 14 (27) март — "Шўрои ислом" тузилиши.~~
- 1917 йил, 9–16 (22–29) апрель — Мусулмонлар I бутунтуркистон съезди, Ўлкамусовет тузилиши.
- 1917 йил, июнь — "Шўрои Уламо" тузилиши.
- 1917 йил, май–август — Туркистоннинг бир қанча шаҳарларида "Мусулмон ишчи депутатлари Советлари" ва "Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқлари" тузилиши.
- 1917 йил, 7–11 (20–24) сентябрь — Ўлка мусулмонлари II съезди.
- 1917 йил, 1 (8) ноябрь — Тошкентда ишчи ва солдатлар-нинг қурулли қўзғолони ва ҳокимиятларнинг советларга ўтиши.
- 1917 йил, 27 ноябрь — "Туркистон Мухторияти" тузилиши.
- 1918 йил, 6–7 февраль — "Туркистон Мухторияти"нинг тор-мор қилиниши.
- ~~1918 йил, 30 апрель — РСФСР таркибида Туркистон автоном республикаси эълон қилиниши.~~
- ~~1918 йил, октябрь — ТАССР Конституциясининг қабул қилиниши.~~
- 1918 йил–1919 йил июнь — саноат, банклар, темир йўл, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг мусодара қилиниши.

- 1918 йил, январь-февраль -Туркистон-Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва озодлиги учун қуроли ҳаракатнинг бошланиши.
- 1919 йил, сентябрь -Мадаминбек қўмондонлиги остидаги қуроли кучлар ва К. Монстров қўмондонлиги остидаги деҳқонлар армиясининг бирлашуви.
- 1919 йил, 19 январь -ҳарбий қўмондон К. П. Осипов исёни.
- 1920 йил, январь-июнь -бир гуруҳ миллий етакчилар томонидан Туркистон Совет Республикаси тузиш дастурининг майдонга қўйилиши.
- 1920 йил, 26 апрель -Хоразм Халқ Совет Республикасининг эълон қилиниши.
- 1920 йил, 13 сентябрь -РСФСР билан Хоразм республикаси ўртасида иттифоқ шартномасининг тузилиши.
- 1920 йил, 6-8 октябрь -Бухоро Халқ Совет Республикасининг эълон қилиниши.
- 1921 йил, 4 март -РСФСР билан Бухоро республикаси ўртасида иттифоқ шартномасининг тузилиши.
- 1921 йил, 1922 йил ёзи -ТАССРнинг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ер-сув ислоҳотларининг ўтказилиши.
- ~~1921 йил, март -Туркистон иқтисодий кенгаши~~
~~-ТуркЭКОСнинг тузилиши.~~
- ~~1921 йил, август -ТАССР советлари съездида~~
~~улкада янги иқтисодий сиёсат~~
~~ўтказишни тасдиқлаш.~~
- 1923 йилнинг боши -ТАССР, шунингдек ХХСР ва БХСРда пахтага давлат монополиясининг бекор қилиниши.
- ~~1923 йил, март -Ўрта Осиё республикалари~~
~~иқтисодий кенгаши~~
~~-СредазЭКОСнинг тузилиши.~~

- 1923 йил, 14 август -БухМИК сессияси томонидан БХСР Конституциясига аҳолининг маълум гуруҳларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилувчи ўзгартишлар киритилиши.
- 1923 йил, октябрь -ХХСРнинг аҳоли айрим гуруҳларини сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилишга асос бўлган иккинчи Конституциясининг қабул қилиниши.
- 1924 йил, январь -Хоразмда қўзғолон, қўзғолончиларнинг Хевани қамал қилиши.
- ~~1925 йил, февраль -Ўзбек Совет Социалистик Республикасининг тузилиши.~~
- ~~1925-1929 йиллар -ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши.~~
- 1925 йил, 9 март -Ўзбекистон ССР Конституциясининг қабул қилиниши.
- 1927 йил -мусулмон хотин-қизларини озодликка чиқариш компанияси
- 1928-1932 йиллар ⁹⁶⁷ ⁷¹³ -~~Хужумнинг бошланиши.~~
- 1929 йил -Ўзбекистонда 192 та саноат корхонасини қуриш ва ишга тушириш.
- 1929 йил -араб хати асосидаги ўзбек ёзувини лотинча алифбо билан алмаштириш.
- 1929-1932 йиллар ^{991/4} -қулоқларни синф сифатида тугатиш асосида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш.
- ~~1929-1935 йиллар -энг зарур молларни меъёрлаб (карточка билан) бериш тизимининг мавжуд бўлиши.~~
- 1930-1933 йиллар ⁹³⁷⁶ -Ўзбекистонда 40 минг деҳқон, хўжалиklarини тугатиш.
- 1932 йил -Ўзбекистон ССР Фанлар комитетининг тузилиши.

- 1933 йил ~~-Самарқандда Ўзбекистон Давлат университетининг (ҳозирги А. Навсий номидаги СамДУ) очилиши.~~
- 1934 йил, март ~~-Ўзбекистон ёзувчилар съездининг ўтказилиши.~~
- 1937-1939 йиллар -Ўзбекистонда қатағонлар ўтказилиши (41 минг нафар киши қатағон қилинган, буларнинг 6920 нафари ўлим жазосига ҳукм қилинган).
- 1937 йил, февраль -Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг қабул қилиниши.
- 1939 йил -Тошкентда опера ва балет театрининг очилиши.
- 1940 йил -лотин алифбосидаги ёзувнинг кирилица билан алмаштирилиши.
- 1940 йил -СССР Фанлар академиясида ~~Ўзбекистон филиалининг~~ очилиши.
- 1941 йил, 22 июнь -фашист қўшинларининг СССРга ҳужум қилиши.
- 1941 йил охири -кўчириб келтирилган 100 дан ортиқ корхоналарнинг Ўзбекистон ҳудудида ишга туширилиши.
- 1941 йил -давлатга 1642800 т пахта хом ашёсининг сотилиши.
- 1941 йил, ноябрь -Ўзбекистонда 14 та миллий (9 та алоҳида ўқчи ва 5 та отлич жангчилар) бригадаларнинг тузилиши.
- 1941-1945 йиллар -республикада 280 та саноат корхонасининг қурилиши.
- 1941-1943 йиллар -кўчириб келтирилган 1 млн. киши, жумладан 200 минг нафар болаларни Ўзбекистонда жойлаштириш.

96

1943 йил. 4 ноябрь	- <u>Ўзбекистон Фанлар академия-сининг очилиши.</u>
1947 йил	- <u>А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Катта академик театри биноси қурилишининг тугалланиши.</u>
96'5	
1948 йил	- <u>"Ташсельмаш" заводи томонидан маҳсулот (пахта териш машиналари) ишлаб чиқаришнинг бошланиши.</u>
98	
1956-1965 йиллар	-Мирзачўл даштида 218 минг гектар ернинг ўзлаштирилиши.
1958 йил	- <u>"Ташавтомаш" заводининг ишга туширилиши.</u>
1959-1965 йиллар	- <u>Ўзбекистонда 450 та саноат корхоналари ва янги цехлар қурилиши ва ишга туширилиши.</u>
1959-1972 йиллар	- <u>ЎзССР Фанлар академияси 153 нафар олимларининг илмий сафар мақсадида Шарқий Оврўпа мамлакатларига бориши.</u>
1959-1972 йиллар	- <u>Ўзбекистонда 17 та халқаро конференция, симпозиум, семинар, сессияларнинг ўтказилиши.</u>
1963-1979 йиллар	- <u>Қарши даштидаги 120 минг гектардан ортиқроқ ерни сугоришга тайёрлаш.</u>
1964 йил	- <u>Самарқандда опера ва балет театри биносининг қурилиши.</u>
1965-1970 йиллар	- <u>Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи ва тракторсозлик саноатининг яратилиши; бешта газопровод, жумладан "Ўрта Осиё-Марказ" газопроводининг қурилиши.</u>

- 1969 йил – "Ташавтомаш" заводи базасида Тошкент трактор заводининг барпо этилиши.
- 1974 йил –Қарши канали қурилишининг тугалланиши.
- 1975 йил – Тошкентда "Сейсмик минтақаларда лойиҳалаш ва қурилиш" совет-америка семинарининг ўтказилиши.
- 1980 йил – шу вақтга келиб 1 млн. 877 минг гектар ер, яъни республикадаги бутун экин майдони 75 фоизининг ғўза экиш учун ўзлаштирилиши.
- 1981–1985 йиллар – республика аҳолисининг 2 млн. 320 минг нафар кишига ортиши.
- 1984 йил охири – шу вақтга келиб 4 млн. 175 минг гектар ернинг экинлар, жумладан 2 млн. 56 минг гектар ернинг пахта экиш учун ўзлаштирилиши.
- 1985 йилнинг боши –бу вақтга келиб Мирзачўлда 300 минг гектардан ортиқроқ ернинг ўзлаштирилиши.
- 1985 йил –Ўзбекистонда 20 дан ортиқ сув омборлари бор эди.
- 1986–1988 йиллар – республика аҳолисининг 1 млн. 500 минг нафардан ортиқ кишига кўпайиши.
- 1988 йил боши – бу вақтга келиб Ўзбекистон халқ хўжалигида банд бўлган кишилар сонининг 1976 йилдагига қараганда 67 фоизга, бошқарув ходимлари сонининг эса 1,7 баравар ортиши.
- 1989 йил, октябрь –Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан "Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғри-

- сида"ги қонуннинг қабул қилиниши.
- 1990 йил, 24 март – Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Президенти бўлиб сайланиши.
- 1990 йил, февраль–апрель –Ўзбекистон Олий Советига янги асосда сайловлар ўтказилиши.
- 1990 йил, 21 июль – республика Олий Совети томонидан Ўзбекистон суверенитети тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши.
- 1991 йил, 31 август – республика Олий Совети томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёотнинг ва "Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши.
- 1991 йил, 1 сентябрь – 1 сентябрнинг Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилиниши.
- 1991 йил, 29 декабрь – муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларининг ўтказилиши. Мустақил Ўзбекистоннинг умумхалқ томонидан сайланган биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бўлди.
- 1992 йил, март – Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб қабул қилиниши.
- 1992 йил, 8 декабрь –Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилиниши.

Ис	РАЖАБОВА РАЪНО ЁДГОРОВА
та,	КРИМОВ РАҲМОН
	ОҚИЛОВ
I	ЧБРАҒИМ	Совет ҳокимияти арафаси ва унинг даст-	
		9
		1- §. Туркистон халқларининг миллий жипслашуви	9
		2- §. Туркистонда Октябрь воқеалари	20
		3- §. Туркистон мухторияти	27
		4- §. Совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлари	38
		5- §. Ўлкада сиёсий вазиятнинг кескинлашуви	46
		6- §. Истиқлолчилар ҳаракати	55
		7- §. 1917—1920 йилларда Бухоро ва Хева	73
	II боб.	1921—1924 йилларда Ўзбекистон. Халқ ҳаётини либерал-	
		лаштириш йўлларида	87
		1- §. Ўта инқилобий ўзгартиришлар сиёсатининг тангликка учраши	87
		2- §. Халқ, унинг вакиллари ва демократик ривожланиш қўнма-	
		лари	92
		3- §. Туркистон халқ хўжалиги: тангликдан либераллаштириш ва	
		жонланиш томон	96
		4- §. Хоразм ва Бухоро республикаларидаги ижтимоий-хўжалик	
		ҳаёт	100
		5- §. Ижтимоий жараёнлар, уларнинг асосий йўналишлари	105
		6- §. Ахлоқ-одоб, маданият, маориф	110
		7- §. Ўзбекистон ва марказ. Иқтисодийни марказлаштириш тен-	
		денцияси	115
		8- §. Миллий-ҳудудий чегаралаш ва Ўзбекистон ССРнинг тузилиши	120
II бўлим. Ўзбекистон СССР таркибида (1925—1991 йиллар)			
III боб. Миллий давлат тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт (1925—1930			
йиллар)			
		1- §. Ижтимоий-сиёсий тараққиёт муаммолари	127
		2- §. Ўзбек қишлоғини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож-	
		лантиришнинг асосий йўналишлари	135
		3- §. Саноат қурилиши. Кадрлар муаммоси	143
		4- §. 20- йилларда маданий қурилиш	149
		5- §. Меҳнаткашларнинг моддий аҳволи	157
		6- §. Янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилиши. Маъмурий-буй-	
		руқбозлик тизимининг қарор топиши	163
	IV. боб.	Таталитаризмнинг қарор топиб бориши даврида Ўзбекистон	
		(30- йиллар)	169
		1- §. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Ҳокимият империя-	
		таталитар структураларининг мустаҳкамланиши	169
		2- §. Республикани индустрлаштириш: тенденцияси ва муаммолари	175

4- §.		
5- §.	Халқ...	
	гаришлар	
6- §.	Ўзбекистоннинг 20—30-	
7- §.	Қорақалпоғистон 20—30- йил	
V боб.	Ўзбекистон халқларининг икки	
	иштироки (1941—1945 йиллар)	
1- §.	Урушнинг бошланиши. Бошланғич	
2- §.	Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, транспорти ва алоқаси	22
3- §.	Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг уруш давридаги фидокорона меҳнати	230
4- §.	Уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фан ва маданият	23
5- §.	Ўзбекистон аҳолисининг моддий-манший аҳволи	24
6- §.	Ўзбекистонликларнинг жанговар жасорати	247
7- §.	Ғолиб халқ	254
VI боб.	1946—1985 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти. Ютуқлар ва муаммолар	
1- §.	Халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши	263
2- §.	Ўзбекистонда индустриянинг бир томонлама ривожланиши	269
3- §.	Пахта монокультурасининг кенгайиши ва унинг салбий оқибатлари	282
4- §.	Янги ерларни ўзлаштириш ва пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш	292
5- §.	Қишлоқ хўжалиги кадрларининг шаклланиши	297
6- §.	Советлар, жамоат ташкилотлари ва ула янада чекланиши	302
7- §.	Қонунларнинг бузилиши ва қ.	307
8- §.	Меҳнаткашлар турмуш даражасининг ўзгариши	312
9- §.	Маънавий маданиятнинг ривожланишидаги зиддиятлар	317
10- §.	Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар муаммолари	325
11- §.	Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётда қатнашуви	330
VII боб.	Ўзбекистон қайта қуриш йилларида	
1- §.	Қайта қуришнинг бошланғич даври	335
2- §.	Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бурилиш	339
3- §.	Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар	344
4- §.	Иттифоқ маркази билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви	348
III бўлим. Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигининг қарор топиши		
1- §.	Мустақил демократик давлат сиёсий тизимининг шаклланиши	353
2- §.	Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўли	359
3- §.	Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти	364
4- §.	Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва жаҳонда тутган мавқеи	369
	Хронологик жадвал	374

63.3(5У) Ўзбекистон тарихи: Умумтаълим мактаб-
У 34 ларининг 9- синфи учун дарслик Ражабова Р.Ё.,
Каримов Р.Ҳ., Оқилов К.О. ва бошқ.; Асқаров А.А.
таҳрири остида. —Т.: Ўқитувчи, 1994.—400 б.

1. Ражабова Р.Ё. ва бошқ.

63.3(5У) я 721

N552—94

Алишер Навоий номли
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

Тираж 200000
Карт. тиражи 400000